8. *Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan No. 733 "On approval of the Regulation on the procedure for organizing the activities of cotton-textile clusters" dated December 4, 2021.*
9. *Kholikova R.S. Organizational and economic mechanisms for the development of a cluster-based cotton-textile production (on the example of cotton-textile clusters of the Republic of Uzbekistan). Dissertation abstract of c.e.s, (Phd) 60 pp.*
10. *Kholikova R.S. Theoretical and Methodological Basis of Organization of Production Based on Cluster Method. Economics and Innovative Technologies: Vol. 2021: No. 5, pp. 1-7. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot /vol2021/iss5 (08.00.00; №10)*

“KORPORATIV BOSHQARUV” FAKULTETI

2 SHO‘BA

TASHQI SAVDO MUNOSABATLARINI RIVOJLANTIRISH VA BANKLARNING XALQARO MOLIYA INSTITUTLARI BILAN INTEGRATSIYASINI OSHIRISHNING ILMIY-AMALIY ASOSLARI

Умиров Жахонгир
ТДИУ талабаси
Норов Акмал Рузимаматович
ТДИУ “Банк иши” кафедраси доценти., PhD

ТАШҚИ САВДО МУНОСАБАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Аннотация: *Мақолада Ўзбекистон ташқи савдо муносабатларини ривожлантирида тижорат банкларининг роли таҳлил қилинган ва уларни такомиллаштиришюзасидан амалий таклифлар келтирилган.*

Бугунги кунда мамлакатнинг ташқи савдо муносабатларини тижорат банклари фаолиятисиз, уларнинг молиявий кўмагисиз тасаввур этиш қийин. Бунга сабаб тижорат банклари мамлакатда ишлаб чиқарувчи ҳамда хизмат кўрсатувчилар фаолиятини молиялаштирувчи асосий молия кредит институти ҳисобланади. Ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий ўсишида банк кредитлари асосий ўринни эгаллайди.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасини кўрадиган бўлсак, тижорат банклари томонидан берилган кредитлар ҳажми 2020 йилнинг иккинчи чорагида мамлакат ЯИМга нисбатан Австралияда 196фоизни, Буюк Британияда 170фоизни, АҚШда 150фоизни ташкил этади [1]. Тижорат банклари активлари таркибида кредитларнинг улуши эса, 2020 йилда АҚШ тижорат банкларида 56фоизни, Евро ҳудуддаги тижорат банкларида 62фоизни ташкил қилади[2]. Бироқ, сўнгги йилларда кредит ва уларга ҳисобланган фоизларни ўз вақтида қайтариш, шунингдек кредит таъминоти ва кредитлаш амалиёти билан боғлиқ қатор муаммолар мавжуд. Хусусан, Жаҳон банки маълумотларига кўра, “... кредитлар таркибида муаммоли кредитлар улуши 2020 йилда Украинада 54фоиз, Грецияда 45фоиз, Россия Федерациясида 10фоизни ташкил этган”[3]. Халқаро миқёсда фаолият олиб бораётган тижорат банклари турли давлатларда кредитлаш жараёнида юзага келаётган рискларни камайтириш, муаммоли кредитларни олдини олиш ва ўз навбатида кредитнинг даромадлилигини ошириш банк бошқарувининг асосий вазифаси ҳисобланади. Бу, ўз навбатида, оптимал кредитлаш амалиётини шакллантириш зарурлигини тақозо этади. Кредит бериш амалиёти банкнинг молиявий барқарорлигига таъсири ва фаолият самарадорлигини ўрганиш орқали кредитлаш амалиётини сифатли бошқаришни такомиллаштириш замонавий банкларнинг рақобатбардошлигини ва хавфсизлигини оширади.

Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек“... республикамиз банк-молия тизимини ислоҳ қилиш ва мустаҳкамлаш бўйича кўрилаётган чора тадбирлар банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш, иқтисодиётни кредитлаш кўламини кенгайтириш, кўрсатилаётган банк хизматлари турларини кўпайтириш, шунингдек, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда банк тизимининг ролини ошириш имконини берди”[4].Албатта таъкидлаш жоизки, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш мақсадида ички манбалар ҳисобидан реал секторни кредитлашга йўналтирилган маблағлар ҳажми охирги 10 йилларда кредитлар салмоғи 35 маротаба, банк активлари эса 23,6 мартага ошди. Аммо, соҳада бир қанча номувофиқликлар мавжуд. Хусусан, ҳозирги вақтда тижорат банклари томонидан ажратилган кредитларнинг 60фоизига яқини давлат дастурлари асосида берилаётганлиги, имтиёзли кредитларнинг кўплиги, банклар депозит базасининг барқарор эмаслиги, инфляция рискининг юқори эканлиги, ўз навбатида, бу борадаги мавжуд муаммоларнинг ҳал этиш зарурати ва аҳамиятини оширади[5].



1-расм. Жаҳонда тижорат банклари активлари таркибида кредитларнинг улуши[6]**,** фоизда.

Жаҳонда тижорат банклари активлари таркибида кредитлар улушини таҳлил қилганимизда, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кўрсаткичлари 2020 йилда, АҚШ тижорат банклари ва Евро ҳудуддаги тижорат банк кўрсаткичларига нисбатан юқори ҳисобланади. Лекин АҚШ тижорат банклари ва Евро ҳудуддаги тижорат банкларида активлар таркибида кредитлардан ташқари қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар салмоғи юқори ҳисобланади. Ўз навбатида, тижорат банкларининг кредитлаш имкониятини янада ошириш улар кредитларининг сифатига боғлиқ. Бу эса, банкларнинг кредитлаш самарадорлигини оширишни тақозо этади. Кредитлар банклар учун асосий даромад манбаси бўлиб, кредитлар бўйича фоиз ставкалари одатда қимматли қоғозларга нисбатан юқори бўлади. Масалан, 2020 йил якунида АҚШ банклари томонидан барча активларнинг 56,1 фоизини кредитлар ташкил этди. Кредитлар бўйича ўртача фоиз ставкаси 4,5 фоизни ташкил этган бўлса, банклар томонидан сотиб олинган қимматли қоғозлар бўйича ўртача фоиз ставкаси фақат 2,5 фоизни ташкил этди. Шундай қилиб, агар банк кредит портфели ҳажми тезроқ суръатларда ошиши мумкин бўлса, унинг баҳоси ошади[7]. АҚШнинг кичик банклари тижорат, чакана ва бошқа кредит туларини кенгайтириб, молиявий барқарорлик ва зарарни камайтириш имкониятларини, йирик банклари эса риск даражаси юқори тижорат кредитларини беришда ўз устуворлигини кучайтирмоқда[8] (1-расм).

Ўзбекистоннингташқи савдо муносабатларини ривожлантирида тижорат банкларининг ролини ошириш бўйича қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Ўзбекистон тижорат банклари фаолиятида ҳам молия бозори элементларини ва улушини ошириш муҳим ҳисобланади. Бу эса, Ўзбекистон Марказий банкининг очиқ бозор сиёсатини ҳам ривожлантиришни тақозо этади. Шу боисдан, 2022 йилда Марказий банк томонидан облигациялар эмиссиясини амалга оширилиши тижорат банклари учун айни муддао деб ҳисоблаймиз;
2. Тижорат банклари томонидан ажратилган кредит қўйилмаларида давлат улуши мавжуд банклар салмоғини камайтириш зарур деб ҳисоблаймиз.

Фикримизча юқоридаги таклифларимиз мамлакатнингташқи савдо муносабатларини ривожлантирида тижорат банкларининг ролини ошириш учун хизмат қилади деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган ададиётлар рўйхати

1. *BIS Statistics Explore (http://stats.bis/org/statx).*

2. *www.fred.stlouisfed.org, www.ecb.europa.eu сайти маълумотлари.*

3. *World Bank Group (US) https://data.worldbank.org/indicator/fb.ast.nper.zs*

4. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги "Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3270-сонли Қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.09.2017й.,07/17/3270/0004.*

5. *http://cbu.uz// маълумотлари асосида шакллантирилган.*

6. *www.cbu.uz, www.fred.stlouisfed.org, www.ecb.europa.eu сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.*

7. *Jijun NiuLoan growth and bank valuations The Quarterly Review of Economics and Finance 61 (2020) 185– 191www.elsevier.com/locate/qref.*

8. *S.Ben Naceura, Katherin Martonb, Caroline Roulet Basel III and bank-lending: Evidence from the United Statesand Europe / Journal of Financial Stability 39 (2020) 1–27 www.elsevier.com/locate/jfstabil.*

Асқаров А. ТДИУ БД-53-гуруҳи талабаси
Сатторова Н. ТДИУ "Банк иши ва инвестициялар" кафедраси ассистенти.,

ЎЗБЕКИСТОН БАНК ТИЗИМИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация*: Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси банк тизими фаолиятида рақобат муҳити ва унинг хусусиятлари, банкларараро рақобатга таъсир этувчи омилларнинг замонавий ҳолати ўрганилган. Шунингдек банк тизимида рақобатбардошликни таъминлаш йўллари ва уларни такомиллаштириш истиқболлари таклиф қилинган.*

Иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида тижорат банклари муассасаларининг кенг тармоққа эга бўлаётганлиги, ўз навбатида, мижозларга сифатли банк хизматлари кўрсатиш, уларнинг банк хизматига бўлган эҳтиёжларини тўлиқ қондириш ва тижорат банклари ўртасидаги рақобат муҳитини кучайишига имкон бермоқда. Айниқса, кейинги йилларда ўз фаолиятини

бошлаган нобанк ташкилотлари ҳисобланган микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар банк хизматлари бозорида тижорат банкларига кучли рақобатни юзага чиқармоқдалар.

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг бориш натижаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев қуйидагиларни алоҳида таъкидлади: “Банклар фаолиятига рақамли технологияларни кенг жорий этиш эътиборимиз марказида бўлади.

2021 йилда “Саноатқурилишбанк”, “Асака банк”, “Ипотека банк”, “Алоқа банк”, “Турон банк” ҳамда “Қишлоқ қурилиш банк”ни хусусийлаштиришга тайёрлаймиз. Камида битта йирик банкдаги давлат улуши стратегик инвесторларга тўлиқ сотилади.

Товар ва молия бозорларида эркин рақобат муҳитини шакллантириш ҳамда тадбиркорларга хомашё сотиб олиш учун тенг имкониятлар яратиш зарур.[1]”

Албатта, иқтисодий жараёнларнинг жадал ривожланиши миллий банк тизимининг узоқ муддатли иқтисодий ўсиш ва рақобатбардошлигини белгиловчи рақобатдош устунликларини таъминлаш вазифасини келтириб чиқаради. Иқтисодиётни молиявий ресурс билан таъминловчи, ишлаб чиқариш жараёнининг воситачиси ҳисобланган барқарор тижорат банклари тизимисиз миллий иқтисодиётнинг юқори самараси ва барқарорлигига эришиш мумкин эмас.

Аммо шу билан бирга бугунги кунда банк-молия хизматлари, мижозларни жалб қилиш бўйича банкларараро рақобат муҳити етарли даражада давр талабларига тўлиқ жавоб бера олмаяпти. Айни пайтда қишлоқ жойларда хизматлар соҳаси ҳали-бери етарлича ривожланмаганини ҳам айтиш жоиз. Иқтисодиётда бошқарув тизими эскиргани, инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш бўйича самарали механизмлар ўз вақтида жорий қилинмагани ҳам жиддий муаммо бўлиб қолмоқда.[2]

Рақобат иқтисодий тараққиётнинг асоси ҳисобланар экан, банкларараро рақобат ҳам пировард натижада иқтисодиётга ижобий таъсир кўрсатади. "Рақобат - бозорнинг асосий шарти, айтиш мумкинки унинг қонунидир".[3] Шундай экан банкларараро рақобат ҳам бозор иқтисодиёти шароитида объектив зарурият ҳисобланади.

"Рақобат - бозор иқтисодиёти иштирокчиларининг ўз манфаатлари юзага чиқариш учун бир-бири билан кураши, уларнинг ўзаро беллашувидир".[4] Иқтисодчи олимларимизнинг юқоридаги таърифидан кўриниб турибдики, рақобат аввалambор ўз манфаатини юзага чиқариш учун курашдир. Банкларараро рақобат ҳам ҳар бир банк томонидан ўз манфаатларини юзага чиқариш учун яъни фойда олиш учун курашдан иборатдир. Шунадй экан, банкларараро рақобат аввалambор мижоз учун курашдан иборат бўлади. Қайси банкнинг мижозлари кўп ва обрўли бўлса ўша банкнинг ўз манфаатларини юзага чиқариш имкониятлари юқоридир.

Банкларараро рақобат кураши шароитида рақобатбардошлик муҳим аҳамият касб этади. "Рақобатбардошлик - бу рақобатга чидамли бўлиш, унда ғолиб келиш қобилиятига эга бўлишдир".[4]



1-расм. Банкларнинг рақобатбардошлигига таъсир этувчи омиллар.

Банкларараро рақобат курашида банкларнинг рақобатбардошлигига таъсир этувчи омилларни ушбу 1-расмда кўриш мумкин.

Банк бошқаруви ва мутахассислар салоҳияти инсон факторини ташкил этади. Банк

капиталининг етарлилиги ва сифати ҳамда банкнинг ликвидлилиги унинг барқарор фаолиятидан далолат беради ва мижозлар ишончига сабаб бўлади. Ресурслар барқарорлиги, активлар сифати ишончли фаолият замиридир. Фойдалилик кўрсаткичлари банк акционерлари кўзлаган асосий мақсад ҳисобланади.

Банк фаолиятида рақобатнинг ҳарактери бозор ҳарактери билан белгиланади.

Бизга маълумки банк фаолиятидаги ўзгаришлар исталган йўналиш ёки омилларга ўз таъсирини ўтказиши мумкин. Рақобатнинг зарурлиги банк фаолиятининг барча йўналишларида мукаммал сиёсатнинг мавжудлигини тақозо этади.

Банкларараро рақобат муҳитининг тўлиқ шакллантирилмаганлиги банклар томонидан аҳолига ва корхоналарга кўрсатилаётган хизматларнинг турлари ва сифатини ошириш жараёнига салбий таъсир қилади. Чунки банк тизимида монопол мавқега эга бўлган тижорат банклари мижозларга кўрсатаётган хизматларининг сифатини ошириш ва янги банк хизматлари таклиф этишдан манфаатдор бўлмайдилар.

Рақобат натижасида тижорат банкларининг ривожланган босқичдаги фаолият доирасида универсаллаштириш анъанаси кузатилмоқда. Банк фаолияти самарадорлигини янада ошириш учун иқтисоди ривожланган мамлакатлардаги банк қонунчилиги рақобатни тараққий эттирган ҳолда турли кредит ташкилотлар фаолиятига тенг шароитлар яратмоқда. Юқоридаги анъана асосида банкларнинг мижозлар билан ўзаро алоқалари ўзгартирилмокда, янги йўналишдаги банк ишини ривожлантириш ташкил қилинмокда. Бу мижозларга таклиф этилаётган хизматларнинг ўсишида кўринибгина қолмай, балки тармоқ операциялари сифатининг ўзгаришида, ссуда, омонат операциялари бўйича тўлов микдорининг камайишида ва қимматли қоғозлар операциялар ҳажмининг ошишида намоён бўлади.

Ўзбекистон шароитида тижорат банки томонидан мақсадли рақобатдош устунликларга эришишга йўналтирилган тизимли ёндашувнинг асосий элементлари қуйидаги расмда тавсифланган.



2-расм. Тижорат банкининг рақобатбардошлик қобилиятини таҳлил қилиш учун ўзаро боғлиқ кўрсаткичлар тизими [5]

Буларнинг барчаси, пировардида, уларни жорий қилиш билан боғлиқ хатарларни камайтиришга, бизнесни юритиш доирасида ташқи ва ички ўзаро алоқаларни такомиллаштиришга ва шу билан бирга, тижорат банкининг узоқ муддатли рақобатдош устунликларини таъминлашга ёрдам беради.

Рақобат банкларни тезлик билан уларнинг асосий операцияларини тўлдирувчи ноанъанавий молиявий хизматлар турини ривожлантиришга олиб келади.

Бундан ташқари, банклар аввал ҳеч ҳам тадбиқ этилмаган ва ҳозирги кунгача банк фаолиятида умуман тушунча бўлмаган янги йўналишлар -кредитларни суғурталаш, туризм ва кўнгилочар соҳаларида тўлов карточкаларини чиқариш, информацион хизмат кўрсатиш (валюта бозоридаги ҳолат, қимматли қоғозлар эмиссияси ва ҳоказолар билан таъминлаш) билан шуғулланишга интилмокда. Банкнинг ютуғи, уларнинг кўрсатаётган молиявий хизматларининг қай даражада жамият талабига жавоб бериши, уларнинг нарх муносабатларида қанчалик сифатли ва рақобатбардошлигига боғлиқ.

Шундай қилиб, бозор иқтисодиёти шароитида банкларараро рақобат бўлиши муқаррар ва у банк фаолиятининг эркинлашуви, ислоҳотларнинг чуқурлашуви билан мутаносиб равишда ривожланиб боради. Банкларараро рақобат кураши банк хизматлари кўламининг кенгайиб боришига, хизмат нархларининг оптималлашувига ва банк фаолиятини бошқаришнинг такомиллашувига олиб келадиган муҳим аҳамият касб этади.

Жорий фойда миқдори ва банк фаолиятини ташкил қилинишига боғлиқ омиллар банк хизматлари мажмуини таъминлашнинг молиявий асосларига таъсир этади. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:[6]

1. Банк раҳбарларининг малакаси. Бу тижорат банкининг молиявий ҳолати ва операцион фолиятини муваффақиятли амалга оширилишигагина таъсир кўрсатибгина қолмай, балки умумий муваффақиятга эришишларига боғлиқ бўлган ҳамкасблари бутун жамоаси фаолиятини тўғри ташкил қилиш билимларига таъсир қилади.

2. Кўрсатилаётган банк хизматлари рақобатбардошлиги даражаси фойда олиш жараёнини тезлатиб, янги мижозларни жалб этади, шунингдек, хизмат кўрсатиш жараёнида олинадиган фойда улушини ошириш мақсадида маълум бир баҳо сиёсатини ўтказиш имкониятига таъсир кўрсатади.

3. Банк фаолияти ва меҳнатни ташкил қилиш даражаси мавжуд моддий ва меҳнат ресурсларидан рационал фойдаланишга, кейинчалик фойдаланиш нуқтаи назаридан нисбатан самарали бўлган ресурсларни жалб қилишга ёрдам беради.

4. Банк фаолиятини молиявий режалаштиришнинг ҳолати ва самарадорлиги меҳнат жараёнларини жорий бошқарувидаги хатолардан қочишга, молиявий йўқотишлар рискини камайтиришга имкон беради, тўғри стратегияларини ишлаб чиқишга ёрдам беради, иқтисодий барқарорликни, банк фаолиятининг истиқболли ўсиши ва ривожланиши таъминлайди.

Санаб ўтилган омилларни ҳисобга олган ҳолда банк раҳбарлари банк фаолиятини шундай ташкил қилишга ҳаракат қилишадики, бунда олинадиган натижа хизмат кўрсатиш харажатларини қоплаши ва охирги натижада режалаштирилган фойда ҳажми шаклланиши зарур.

Банклар фақатгина даромад ва харажат орасидаги нисбатни фаолият ривожланишининг асоси сифатида белгиламасдан, балки умумий фаолиятнинг кўрсаткичларини ҳам кўриб чикишлари лозим.

Маълумки, банк фаолияти самарадорлиги арзон молиявий ресурсларни жалб этиб, актив операцияларнинг тўғри ва даромадли йуналтирилишига асосланади. Банк шундай ташкил этилиши керакки, унга кўра бизнес компонентлар бўйича масъулият бевосита аниқ ходимларга юкланиши зарур. Булардан маълум фаолият тури бўйича зарур маълумотлар орқали стратегик режалаштириш амалга оширилади. Шундан сўнггина, банк фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш мумкин. Бунинг учун тижорат банклари олдида кадрларни танлаш, янги инновацияларни жорий этиш каби долзарб муаммоларни хал этиш вазифаси мавжуд бўлиб, бу ўз ўрнида банкнинг келажак истиқболини ҳам белгилайди.

Банклар фаолиятини бозор тамойиллари асосида ташкил этиш мақсадида халқаро молия институтлари ва хорижий консальтинг компаниялари билан биргаликда банклар фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш, корпоратив бошқарув ва риск-менежмент тизимини такомиллаштириш, уларнинг ташкилий тузилмаси ва бизнес-моделларини оптималлаштириш каби чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон банк тизимини трансформациялаштириш дастурида кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш мамлакат банкларининг халқаро молия бозорига қўшилишига имконият беради. Бундай ўтиш бир томондан тижорат банкларининг муайян стандартларини бажариши орқали таъминланиши зарур бўлса, иккинчи томондан муайян имтиёзлар бериш йўли билан рағбатлантирилиши зарур.

Хулоса қилиб айтганда, банк бизнеси муҳим йўналишларини танлаш мавжуд ва бўлғуси банк маҳсулотлари ва хизматларини, банк рақобат борасида афзалликларга эга бўладиган потенциал бозорлар ва минтақаларни ҳамда филиаллар тармоғи кенгайтирилиши ёки ислоҳ қилиниши ёрдамида бизнесни ривожлантириш асосий йўналишларини белгилайди. Мавжуд имкониятлардан керакли даражада фойдаланиш учун стратегик мақсадларни қандай амалга ошириш кераклигини белгилаш ва банк бошқарувининг барча даражаларида кейинги ҳаракатларни ишлаб чиқиш ва ёндашувлар тизимини шакллантиришга имкон яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ш.М.Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020 йил.

2. Ш.М.Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22.12.2017 йил..

3. И.А.Каримов "Узбекистан XXI асрга интилмоқда". Т. "Ўзбекистон", 1999, 34-6.

4. А.Ўлмасов, А.Вахобов "Иқтисодиёт назарияси", Т. "Шарқ", 2006, 223-6.

5. Таджитдинов К.Р.Тижорат банкининг рақобатдош устунликларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг услубий жиҳатлари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Автореферати. 2020 й.

6. Роуз П.С. Банковский менеджмент. М., 1995 г.

Лутфуллаев Жамшид Хамидулло ўғли
ТДИУ талабаси
Умиров Жахонгир
ТДИУ талабаси
Норов Акмал Рузимаматович
ТДИУ "Банк иши" кафедраси доценти., PhD

ТИЖОРАТ БАНКЛАРНИНГ ХАЛҚАРО МОЛИЯ ИНСТИТУТЛАРИ БИЛАН ИНТЕГРАЦИЯСИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: *Мақолада Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларнинг амалий ҳолати таҳлил қилинган ва уларни халқаро молия институтлари билан интеграциясини ошириш юзасидан амалий таклифлар келтирилган.*

Ўзбекистон иқтисодиёти ҳам жаҳон иқтисодиётидан ажралиб қолган автономия эмас. Ташқи савдомиз ЯИМга нисбатан жуда катта рақамларни ташкил этади. Шундай экан бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодий инқироздан чиқиши учун ташқи қарз маблағларини жалб қилишга мухтож, ҳозирда Ўзбекистоннинг ташқи қарзи ЯИМга нисбатан 42 фоизни, давлат қарзи эса 27 фоизни ташкил этади[1].Умуман, Ўзбекистон ташқи қарзини ЯИМга нисбатан кўра 55 фоизгача жалб этишни мўътадил ёки барқарор деб баҳолашимиз мумкин. Демак, ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг ташқи қарз жалб этиш имконияти бор. Халқаро рейтинг агентлиги кўрсаткичларига кўра2020 йил апрель ойи ҳолатига Ўзбекистоннинг узоқ муддатли кредит рейтингини ВВ (барқарор) даражада эканлиги муҳим ҳисобланади. Ушбу ҳолат ҳам Ўзбекистонга қўшимча ташқи маблағларни жалб этишга имконияти мавжудлигини англатади[2].Шунингдек, олтин-валюта захирамиз импортни камида уч ой давомида қоплашига етишини инобатга олсак, биз ташқи қарзни бемалол жалб этишимиз мумкинлигини таъкидлаш лозим.Ташқи қарзни биринчи навбатда давлат дастурларини ва давлат зиммасидаги ижтимоий вазифаларни молиялаштиришга йўналтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Президент Ш.Мирзиёев қуйидаги фикрларни яъни: "Бюджет маблағларининг мақсадли ва оқилона сарфланиши устидан назоратни янада кучайтириш зарур. Жорий йилда давлат ташқи қарзининг юқори чегарасини белгиладик. Бундан буён халқаро молия ташкилотларидан олинадиган маблағларни қайтариш имконияти ва уларнинг натижадорлигига жиддий эътибор қаратилади", деб таъкидлангани[3], ташқи қарзни макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳолатини инобатга олган ҳолда жалб этиш давлатнинг ҳам алоҳида эътибори эканлигини кўсатиб турибди. Бугунки кунда ташқи қарзни мўътадил даражасини таъминламасак, келажакда иқтисодий барқарорликка салбий таъсир этиши мумкин.

2020 йилда Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти 602,5 трлн. сўмни ташкил қилди ва 2019 йил билан қиёслаганда 13,8 фоиз ўсишга эришган[5]. ЯИМ киши бошига 17,2 млн. сўмни ташкил қилди. 2014-2020 йилларда, Ўзбекистон Республикасининг ялпи ички маҳсулоти ва тижорат банклари кредитларининг ҳажми ўсиш тенденциясига эга бўлган. Иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмалари ҳажми ўтган йилга нисбатан 2020 йилда 31 фоизга ошиб, 2020 йил ҳолатига 275,3 трлн. сўмга етди, кредитларнинг ЯИМ нисбатан даражаси 46 фоизни ташкил этди. Халқаро тажрибани кузатадиган бўлсак, мамлакат ЯИМга нисбатан Австралияда 190 фоиздан, Нидерландияда 279 фоиздан, Буюк Британияда 170 фоиздан ва АҚШда 150 фоиздан ортиқ қисмини ташкил этган[6].Бундан қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин, мамлакатимизда ажратилаётган кредитлар ҳақиқатан кенг қулоч ёйиб, пулга талаб ошмоқда аммо халқаро тажрибалар таҳлилига кўра бугунги кунда кредит билан таъминланиш даражаси етарли даражада эмаслигидан далолат беради (1-расм).

Бугунги кунда, мамлакатимизда, тижорат банклари мижозларининг асосий қисмини тадбиркорлик субъектлари ташкил қилади. Уларнинг фаолиятини йўлга қўйишда молиявий маблағга эҳтиёж мавжуд, бу эҳтиёжларни қондиришда албатта тижорат банкларнинг кредит маблағлари ҳисобига фаолиятини ривожлантиради. Тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар нафақат банкларнинг дорамадлилиги балки иқтисодиётнинг ривожланиши, ЯИМ ҳажми ошиши, аҳоли даромадлари кўпайиши ва аҳоли бандлиги даражаси ошишига ижобий таъсир этишини корреляцион-регрессион таҳлил асосида ўрганишга ҳаракат қилинди. Республикада фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларида банд бўлган аҳоли сони ва тадбиркорлик субъектларига ажратилаётган банк кредитларининг ЯИМдаги тадбиркорлик субъектлари улушига ўзаро боғлиқлигининг корреляцион-регрессион таҳлили амалга оширилди. Бунинг учун, давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида тайёрланган 2007-2020 йиллар маълумотлари базасидан фойдаланилди. Таҳлиллар натижасига кўра, кичик бизнес ва

тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар нафақат банк дорамадига ижобий таъсир қилади, бу балки мамлакат макроиқтисодий барқарорлик, мамлакат ЯИМ ҳажмининг ортиши, аҳоли даромадлари ва батндлиги даражаси ошишига ижобий таъсир этишини корреляцион регрессион таҳлиллар натижасига кўра, фаолият юритаётган тадбиркорлик субъктларида иш билан банд бўлганлар сонининг 1 % пунктга оширилиши ЯИМ даги айнан тадбиркорлик субъектлари салмоғининг 8.056 %га ошишига ижобий таъсир қилиши мумкинлиги аниқланди.

Фикримизча тижорат банкларнинг халқаро молия институтлари билан интеграциясини ошириш юзасидан қуйидаги чора-тадбирларнинг бажалишига алоҳида эътибор қаратиш лозим:

Тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш борасида илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш натижалари кўрсатдики:

- АҚШ тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларини кредитлаш амалиётидаги мавжуд бўлган кафолат бериш тажрибаси, уларнинг кредитлаш амалиёти такомиллашганлигидан далолат беради;
- Бангладеш давлати банкларида кредитлаш амалиёти мижозларни бир хил имкониятга эга бўлган гуруҳлар бўйича ажратиб, алоҳида банк хизматларини кўрсатиш ва кредит бериш амалиёти такомиллашган;
- тижорат банкларида исломий банк хизматларини йўлга қўйиш банклардаги ресурс тақчиллигини ва кредит портфели диверцификациясини ошишига сабаб бўлиши мумкин.

Амалиётда мазкур таклифларнинг қўлланилиши тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини такомиллаштиришга, унга таъсир этувчи омилларни аниқлашда, кредит рискини бошқаришда ҳамда банк кредит портфели сифатини оширишга ёрдам беради, деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *Манба:http://cbu.uz/oz/- сайт маълумотлари.*
2. *Манба:http://.fitchratings.com/fitchratingsuzbekistan/-сайт маълумотлари.*
3. *Ш.Мирзиёевнинг «Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномаси» 24 январь 2020 йил*
4. *www.cbu.uz Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.*
5. *Манба:www.stat.uz. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.*
6. *BIS Statistics Explore (http://stats.bis/org/statx)*
7. *Манба:http://cbu.uz/oz/- сайт маълумотлари;*

Комилов А. ТДИУ БД-53-гуруҳи талабаси
Тоймухамедов И. ТДИУ “Банк иши ва инвестициялар” кафедраси профессори.,

ЎЗБЕКИСТОНДА ЧАКАНА БАНК ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

***Аннотация**: Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси банк тизими фаолиятида чакана банк хизматлари ва унинг хусусиятлари, улардан фойдаланишнинг имкониятлари, замонавий ҳолати ўрганилган. Шунингдек банк тизимида чакана банк хизматларининг янги турларини ривожлантиришнинг авфзалликлари ва камчиликлари муҳокама қилинган ҳамда уни такомиллаштириш йўналишлари таклиф қилинган.*

Иқтисодиётдаги банк секторини ривожланиши банкка даромад, ҳусусан; аҳоли хизматлардан келадиган даромадларни диверсификациялаш ва аҳоли қўлидаги нақд пулларини йиғиш орқали рискларни диверсификациялашга ҳамда, мижозлар базасини кенгайтиришга олиб бориш натижасида аввало аҳолининг ижтимоий яшаш шароитини яхшиласа, иккинчидан аҳоли қўлидаги ва туриб қолган нақд пулларни ҳаракатга келтиради ва концентрациялашувига олиб боради. Бу мамлакатимиздаги ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни бартараф этишга олиб боради.

Банкларнинг чакана банк хизматлари иқтисодиётда аввало истеъмол талабини рағбатлантиришда асосий ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида қуйидагиларни таъкидлади:

“Афсуски, банк тизими рақамли технологияларни қўллаш, янги банк маҳсулотларини жорий этиш ва дастурий таъминотлар бўйича замон талабларидан 10-15 йил орқада қолмоқда.

2020 йилдан бошлаб ҳар бир банкда кенг кўламли трансформация дастури амалга оширилади. Бу борада банкларимизнинг капитал, ресурс базаси ва даромадларини ошириш алоҳида эътиборимиз марказида бўлади.

Банк тизимида тадбиркорларни қўллаб-қувватлайдиган “лойиҳалар фабрикаси” фаолиятини йўлга қўйишимиз лозим.”[1]

Банклар иқтисодиёт ва жамият учун кредитлаш орқали ўз аҳамиятини ошириб борса, чакана банк хизматлари орқали эса аҳолини ижтимоий ҳимоялаш нуқтаи назаридан яшаш, турмуш тарзининг ҳолатини яхшилашга хизмат қилиб боради. Шунинг учун, банк чакана хизматлари- бу жисмоний шаҳслар билан банк ўртасидаги шахсий истеъмолини қондириш мақсадида юзага келадиган қарз муносабатларини ўзида мужассам этган иқтисодий муносабатлар йиғиндисидир.

Кейинги йилларда республика тижорат банклари чакана банк операцияларни ривожлантириш орқали ўз мижозларига тақдим этиладиган хизматлар турларини кўпайтиришга ва ўз фаолиятини диверсификация қилишга ҳаракат қилмоқда. Ушбу мақсадда, жисмоний шахсларга турли хилдаги янги анъанавий ва ноанъанавий чакана банк хизматларини таклиф этмоқдалар.

1-расм. Хориж банкларининг чакана банк хизмат турлари [2]

Юқоридаги расмдан шуни кўришимиз мумкинки, банкларнинг чакана банк хизматлари хориж банклар тажрибаси фақат уч гуруҳга бўлинади.

Шундай қилиб, банкнинг чакана хизматлари-бу жисмоний шахслар ва нобанк кредит ташкилотлар, банклараро ўзаро тизимни юзага келтируви омилли тизим бўлиб, бу билан жисмоний шахсларни пул маблағларини ҳисоб- китоб қилиш шунингдек, қайта тақсимлаш ва шакллантириш бўйича функцияларни бажаришга айтилади.

Банк хизматларни амалга ошириш қийин тизимга эга бўлган жуда мураккаб жараён бўлиб, бу алоҳида олинган чакана банк хизматлари дейилмайди. Бу умумий тушунча сифатида хар иккала томон маълум “банк хизмати” тушунчалар орқали ўз функцияларини бажаради.

Илмий адабиётларда чакана банк хизматлари дейилган умумқабул қилинган тушунча мавжуд эмас.

Бизнинг фикримизча, “чакана банк хизматларини – бу хизмат банк махсулотларини стандартлаштирилган ҳолдагига асосланган тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган оилавий истеъмол, шахсий эхтиёжи учун аҳолига кўрсатиладиган хизмат деб аталади” деган тушунча тўлиқроқ очиб беришга қаратилгандир.

Чакана банк ҳизматлари ҳозирги вақтда бизнингча тизимга солинган махсус кредит институтларини ўзаро фаолиятини мураккаблиги билан изоҳланиб, бу стандартлаштирилган чакана банк хизматларини ялпи ҳажмда ихтисослашуви билан боғлиқ банк ва нобанк кредит институтларни ихтисослашиши билан изоҳланмоқда.

Республика иқтисодиётининг барқарор ўсиб бориши билан мос равишда мамлакат банк тизими инфратузилмаси ҳам мунтазам ривожланиб бормоқда.

Шу билан бирга, республикамиздаги тижорат банклари билан кенг қамровли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида мамлакатимизда хорижий йирик банкларнинг 6 та ваколатхонаси фаолият юритмоқда. Ҳисобот йили давомида тижорат банклари филиаллари сони 3 тага камайиб, уларнинг умумий сони 847 тани ташкил этди.

Бу эса ўз навбатида, республикамизда нафақат банк инфратузилмасининг кенгайиб боришига, балки улар ўртасидаги рақобат муҳитининг кучайиши ҳамда банк хизмат турлари сифати ва кўламининг ошишига ҳам хизмат қилмоқда.[3]

Бироқ, банклар ўртасидаги рақобат кураши уларни қўшимча мижозлар жалб этиш ҳамда кўрсатилаётган хизматлар доираси ва сифатини кенгайтириш учун янгича ёндашишга ундамоқда.

Замонавий технологияларни қўллаш орқали таклиф этилаётган хизмат турлари банк ҳаражатларини камайтириш билан бирга, мижозлар вақтини тежаш имконини ҳам бераётир.

Демак, илмий техник тараққиёт прогресс даражаларини кучайиши кредит муассасалари зиммасига турли каналлар орқали чакана банк хизматлари турларини кенгайтиришга олиб боради.

Бунинг учун банклар томонидан жорий этилган каналлар фақат замонавий инновацион ахборот техҳнолгиялар, нано техника ютуқларини кенг жорий этиш муҳим ҳисобланади.

Бунда кредит муассасаларининг доимий чакана банк хизматлар бозорини таҳлил этиб, унинг самарали усулларини танлаб олиш ва ўзлаштириш муҳим ҳисобланади. Бу:

1)Мамлакат банк ва кредит институтларини аҳоли билан чакана банк хизматлари бўйича ўзаро ҳисоб-китобларини тезлашувига олиб брилади.

2)Банк тизимини иқисодиётдаги ўрни чакана банк хизматлари кенгайтириш янги замонавий ахборот техҳнологиларни кенг жорий этиш орқали амалга ошириш кенгайиб боради.

3) Банк тизимини халқаро миқёсдаги фаолияти замонавий ахборот технологиялар орқали интеграциялашуви ривожланиб ва кучайиб боради. Банкларнинг активларини диверсификациялаш сифати ортиб боради ва бу уларнинг ликвидлилига ижобий таъсир этади.

4)Банкларнинг инвестицион кредитлари ортади, уларни иқтисодиётдги ўрни ортиб бориш натижасида аҳоли бандлиги ортиб боради ва ижтимоий муаммолар бартараф этилиши орқали банкларни имкониятларини ошириш, натижада мамлакатдаги иқтисодий ва ижтимоий муаммоларини бартараф этишга олиб боради.

Ҳозирги шароитида молия-банк тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва барқарорлигини ошириш ҳамда банк тизимига аҳоли ва корхоналарнинг ишончини янада мустаҳкамлаш мақсадида ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаган ҳолда кўрсатилаётган банк хизматларининг тури ва кўламини кенгайтириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш зарур. Бинобарин, тижорат банклари янги банк маҳсулотлари ва хизматларини ўзларининг иқтисодий ўсишини ва рақобатбардошлигини, барқарорлигини таъминлашда муҳим восита сифатида баҳолайдилар. Чунки банклар бозорда янги маҳсулотларни жорий этиш ва сифатини яхшиламасдан самарали фаолият кўрсата олмайдилар.

Тижорат банклари масофавий банк хизматлари кўрсатиш кўламини янада кенгайтириш мақсадида “Internet banking”, “мобиль-banking”, “смс-banking” каби хизматларни йўлга қўймоқда.

Шунинг билан бирга, чакана банк хизматларини аҳамиятини очиш учун унинг шу худуд мамлакатлари иқтисодиётидаги аҳамиятига асосий эътибор бериш лозим.

Бундан ташқари замонавий шароитда жаҳон банк тизимида рўй бераётган туб ўзгаришлар, МДҲ мамлакатлари банк тизимига ҳам тобора кўпрок таъсир кўрсатаётир. Биринчидан, бу ўзгаришлар тўловларнинг янги интеграция воситаларини юқори суръатлар билан шакллантирадиган банк операцияларини компьютерлаштиришнинг технологик инқилоби билан боғлиқ. Бу жараёнлар талайгина молиявий харажатлар талаб килади, банк иши қимматлашади, бироқ унинг самарадорлиги ва унинг тезкорлиги ошади, бу эса харажатлар ўсишини коплайди.

Иккинчидан, банк ишида ўсиб бораётган рақобат банкларнинг кўшилиб кетишига олиб келади. Бу эса сармоялар бозорида ва иқтисоднинг инвестициялар соҳасида янги шароитларни вужудга келтиради. Бу ходисага мамлакат банк хизмати бозорида анчагина рақобатбардош ва самарали бўлган чет эл банкларининг пайдо бўлиши ҳам ёрдам беради.

Учинчидан, бу анъанавий банк хизматлари бозорига тобора шахдам одимлар билан кириб келаётган банкдан ташқари тузилмалар билан рақобатнинг кучайиши. Жумладан, аҳолига кредит карточкалари билан хизмат кўрсатиш соҳасида турли ҳилдаги тижорат тузилмалари фаолият кўрсата бошлайдилар.

Тўртинчидан, банк ишларига бу хизматларнинг кўп сонли истеъмолчилари таъсири ортади. Истеъмолчи операцияларининг тезлиги ва сифати, ҳисоб-китобларнинг қулайлиги, мижозларнинг эҳтиёжларига диққат эътибор қаратилишига нисбатан банкларга тобора қаттиқ талаблар қўя бошлайди. Бу икки омилнинг ўзаро уйғунлиги кредитлаш ҳажмларининг ўсиши учун шароит яратади. Бироқ бу бошқарилмаслик ғоясининг кучайиши билан хавф-хатар ва компенсация ўртасидаги мувозанатсизлик ортади. Шунинг учун ҳам банк тизимини ривожлантириш ва бошқаришга нисбатан самарали сиёсат олиб бориш зарур. Шуни таъкидлаш зарурки, ҳозирги кунда банкларнинг чакана банк ҳизматлари доимий тарзда инсон манфаатларига хизмат қилиши билан ҳарактерланиб, уларни аҳолининг истеъмолига қараб ривожланиб бориши анъанага айланган.

Фақат шундай бўлгандагина банклар ўз фаолияти кўламини аҳоли манфаатлари, инсонларнинг турмуш тарзи, уларнинг келгусидаги ҳаёт тарзини доимий яхшилаш учун хизмат қилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси .Халқ сўзи.2020 йил 25 январ.*

2. *Роуз П.С. Банковский менеджмент.М.:Дело-ЛТД.1995. -323 с.*

3. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2020 йилдаги фаолияти тўғрисида* ҳисобот.

Турсунбоев Хуршид Қудрат ўғли, ТДИУ талабаси
Ходжаева Жейрона Равшанбек қизи
ТДИУ "Банк иши ва инвестициялар" кафедраси ассистенти
Норов Акмал Рузимаматович
ТДИУ "Банк иши ва инвестициялар" кафедраси доценти., PhD

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЙИРИК КОРХОНАЛАРНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШЙЎЛЛАРИ

Аннотация: *Глобаллашув шароитида йирик корхоналарни экспорт салоҳиятини рағбатлантириш юзасидан амалий таклифлар келтирилган.*

Ривожланган иқтисодиётга эга мамлакатлар тажрибасига кўра, экспортёр корхоналар фаолиятини молиялаштиришнинг асосий йўналиши бу тижорат банклари томонидан кредитлаш ҳисобланади[1]. Жаҳон банки томонидан "45 та давлатнинг 91 та тижорат банкларида олиб борилган тадқиқотлар натижасида, экспортёр тадбиркорлик субъекти – банк учун фойдали мижоз эканлиги маълум бўлди, лекин ривожланаётган мамлакатларда макроиқтисодий беқарорлик ва тадбиркорлик субектларини ривожланган мамлакатларнинг тадбиркорлик субектлари билан таққослаганда асосий муаммолардан бири бўлиб, уларни молиялаштириш кўзга ташланмоқда" [2].

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг фаол таркибий субъекти экспортёр тадбиркорлик субъектлари ҳисобланади. Уларнинг фаолиятини барқарор ривожланиши банк тизими билан узвий боғлиқ бўлиб, унда тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган банк хизматлари, шу жумладан, кредитлаш хизматларини янги сифат кўрсаткичларига олиб чиқишни тақозо этади.

Пандемиянинг мамлакат иқтисодиётига салбий таъсири ва аҳолининг бандлигини таъминловчи асосий йўналишларидан бири бу йирик корхоналарни ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини рағбатлантиришдир. Жаҳондаги тараққий этган мамлакатларда экспортёркорхоналар томонидан кўрсатилаётган хизматлар, мамлакат ялпи ички маҳсулотларидаги улуши70 ва 75 фоизни ташкил этади. Иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг асосий қисми ҳам шу соҳада банд бўлиб, улар Японияда 70 фоизни, АҚШда 80 фоиздан кўпроқни ташкил қилади. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг 90 фоизгача бўлган қисми тижорат банкларининг кредитлари ҳисобидан молиялаштирилади (1-расм).



1-расм. Ривожланган давлатларда экспортёр корхоналар томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг ЯИМ даги улуши, фоизда

Пандемия натижасида вужудга келадиган глобал инқироз ҳолатларининг Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларига салбий таъсирини – экспортёр корхоналарни ривожлантириш орқали камайтириш билан бир қаторда мамлакат ЯИМ ҳажми ва аҳоли бандлиги даражаси ошишига ижобий таъсир этишини корреляцион-регрессион таҳлиллар асосида ўрганилди. Бунинг учун давлат статистика қўмитасининг охирги 10 йиллик маълумотлари асосида республикада фаолият юритаётган экспортёр корхоналарда банд бўлган аҳоли сони ва тадбиркорлик субъектларидаги жисмоний шахсларга ажратилган банк кредитлари маълумотларининг таҳлили амалга оширилди.

Таҳлиллардан қуйидаги хулосаларни келтириб ўтиш мумкин: фаолият юритаётган тадбиркорлик субъктларида иш билан банд бўлганлар сонининг 1 фоиз пунктга оширилиши ЯИМ

даги айнан тадбиркорлик субъектлари салмоғининг камида 8 фоизга ошишига олиб келиши мумкинлиги аниқланди.

Хулоса ўрнида экспортёр корхоналарни ривожлантириш бўйича тижорат банклари томонидан қуйидаги чора-тадбирларнинг бажалишига алоҳида эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз:

3. Тижорат банклари кредит амалиётида экспортёр корхоналар фаолиятидаги сунъий кредит боқимандаликни юзага келтириш ҳолатларини бартараф этиш мақсадида уларга "кредит таътили" беришни йўлга қўйиш зарур.

Фикримизча, тижорат банклари томонидан экспортёр корхоналарга ажратиладиган кредитларни асосий қарз ва фоизларини қайтариш муддатларини, коронавирус пандемияси натижасида вужудга келган инқироз ҳолатидан чиқишлари учун, кредитларни қайтариш графигини ишлаб чиқариш давридан келиб чиққан ҳолда белгиланиши, унинг келгусидаги фаолиятининг ривожланишига далда бўлган бўларди.

4. Тижорат банкларининг кредитлаш амалиётида кредитни расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни асосий қарз суммаси таркибига киритиш лозим.

Фикримизча, экспортёр корхоналарга кредит беришда кредитнинг умумий суммасига қарз олувчининг кредитни расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларини ҳам ҳисобга олган ҳолда ажратилиши йўлга қўйилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *Предпринимательство: Учебник для ВУЗов Под. Ред.В.Я.Гординкеля, Г.Б.Поляка, Шванка. – М.: ЮНИТИ, 1999. – 125 с;*
2. *Иминов О.К. «Бозор иқтисодиёти шароитида кредит тизими ва уни такомиллаштириш масалалари» мавзусидаги иқтисод фанлари доктори илмий даражаси учун диссертация автореферати. Тошкент – 2001. 6-7 б;*
3. *Манба: https://unews.uz/uz/news– сайт маълумотларидан фойдаланилди;*
4. *Манба: https://www.bloomberg.com/europe– сайт маълумотлари;*
5. *Манба: http://www.worldbank.org/– сайт маълумотларидан фойдаланилди;*
6. *Манба: http://cbu.uz//– сайт маълумотларидан фойдаланилди;*
7. *Манба:https://stat.uz/uz/– сайт маълумотларидан фойдаланилди;*

Мирзалиева Мафтуна
Студентка факультета
«Цифровая экономика» группы ИХ-25
Базарова Нигора Равшановна
Старший преподаватель
кафедры "Банковское дело и инвестиции" ТГЭУ

РАЗВИТИЕ И ТРАНСФОРМАЦИЯ БАНКОВСКОЙ СИСТЕМЫ УЗБЕКИСТАНА В УСЛОВИЯХ ЛИБЕРАЛИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ

Аннотация статьи: *В данной статье рассматривается функционирование банковской системы Узбекистана, а также актуальность задачи дальнейшего повышения качества оказываемых банковских услуг и кардинального улучшения методов работы коммерческих банков. Здесь также проанализировано современное состояние банковской сферы Узбекистана, которое характеризуется развитием межбанковской конкуренции и появлением новых каналов предоставления банковских услуг.*

В современных условиях повышается значение банковской системы Республики Узбекистан, при этом возрастает роль коммерческих банков в процессе решения экономических и социальных задач страны и интеграции банковской системы Узбекистана в мировое банковское сообщество.

Банковская система Республики Узбекистан играет важную роль в обеспечении устойчивого экономического роста, что не раз отмечал Президент страны Ш.М. Мирзиёев: «В целях подготовки современных кадров Банковско-финансовая академия будет полностью реорганизована совместно с зарубежными специалистами. Для внедрения в государственных банках современной банковской практики и менеджмента, новых банковских услуг начато привлечение на руководящие должности квалифицированных специалистов, ведущих иностранных финансовых институтов. Работа в этом направлении будет продолжена». [1]

В этой связи, принимаемые меры по реформированию и укреплению банковско-финансовой системы республики способствовали повышению уровня капитализации банков, увеличению масштабов кредитования экономики, расширению спектра предоставляемых банковских услуг, а также повышению роли банковской системы в развитии экономики страны.

Вместе с тем продолжают оставаться актуальными задачи дальнейшего повышения качества оказываемых банковских услуг и кардинального улучшения методов работы

коммерческих банков для установления полноценных партнерских отношений с субъектами предпринимательства, укрепления доверия населения и хозяйствующих субъектов к банковской системе как к надежному институциональному партнеру. [2]

Коммерческие банки играют значительную роль в экономике любой страны. И количество банков не всегда означает качество. Систематическое выполнение банком своих функций и создает тот фундамент, на котором достигается стабильность экономики страны в целом.

Система коммерческих банков развивается, стремительно набирая обороты. Банки составляют неотъемлемую часть современного денежного хозяйства, их деятельность тесно связана с потребностями воспроизводства. Они находятся в центре экономической жизни, обслуживают интересы производителей, связывая денежным потоком промышленность и торговлю, сельское хозяйство и население. Во всем мире банки имеют значительную власть и влияние, они распоряжаются огромным денежным капиталом, стекающимся к ним от предприятий и фирм, от торговцев и фермеров, от государства и частных лиц.

Сегодня коммерческий банк способен предложить клиенту до 300 видов разнообразных банковских продуктов и услуг. Широкая диверсификация операций позволяет банкам сохранять клиентов и оставаться рентабельными даже при весьма неблагоприятной хозяйственной конъюнктуре.

Кроме того, результаты проведенных Центральным банком Республики Узбекистан стресс-тестирований коммерческих банков на предмет их устойчивости и адаптированности в условиях либерализации внутреннего валютного рынка выявили ряд недостатков, оказывающих негативное влияние на финансовое состояние и валютную позицию банков, последствия которых отрицательно влияют на ликвидность банков.

Сегодня 127 юридических лиц в Узбекистане осуществляют деятельность в качестве небанковских кредитных организаций — микрокредитных организаций и ломбардов. Во многих из них микрозаем можно оформить в режиме онлайн, а платежи в счет погашения займов и кредитов можно осуществлять практически через любое платежное приложение.

Внедрена система удаленной биометрической идентификации пользователей, что позволяет повысить качество и оптимизировать порядок предоставления финансовых услуг населению и бизнесу, обеспечить автоматический сбор достоверной и детализированной информации о физическом лице.

Учитывая достаточно высокий уровень цифровизации финансовых услуг в стране, для обеспечения информационной безопасности и противодействия мошенничеству и киберугрозам, в текущем году при Центральном банке создан центр CERT-CBU.

За последние 16 лет Узбекистан осуществил 35 реформ, направленных на создание благоприятного климата для ведения бизнеса в стране. Более двух третей этих реформ были осуществлены за последние семь лет. Большинство из них были реализованы в сферах регистрации бизнеса (область, где Узбекистан демонстрирует наилучшие результаты, занимая 12-е место в мировом рейтинге), налогообложения, получения кредитов и регистрации собственности.

Современное состояние банковской сферы Узбекистана характеризуется развитием межбанковской конкуренции, появлением новых каналов предоставления банковских услуг, что приводит к изменениям в банковском бизнесе.

Таблица 1

Информация об относительных показателях банковской системыУзбекистана [4]

(млрд.сум)

Наименование показателей	01.02.2021 г.	01.02.2022 г.
Активы	362 309	434 777
Обязательства	303 129	363 919
Соотношение активов к обязательствам, в процентах	120 %	119 %
Кредиты	277 755	357 401
Депозиты	111 035	166 745
Соотношение кредитов к депозитам, в процентах	250 %	214 %

Соотношение активов к обязательствам за 2021 год, по сравнению с 2020 годом имеет не значительные изменения. Показатели же соотношения кредитов к депозитам 2021 году, по сравнению с 2020 годом снизились на 36 процентов.

В целях совершенствования и повышения эффективности деятельности банков Центральный банк отходит от практики микрорегулирования и постепенно переходит на риск-ориентированный надзор.

Для повышения устойчивости банковской системы и улучшения показателей ликвидности внедрены требования к ликвидности, которые предусматривают установление отдельных коэффициентов покрытия ликвидности и нормы чистого стабильного финансирования раздельно по типам валют.

На практике уже реализуются такие механизмы макропруденциального регулирования банковских рисков, как установление повышенных коэффициентов риска по активам, внедрение показателя долговой нагрузки населения, установление максимальной процентной ставки по всем кредитам (микрозаймам), а также ограничение предельной задолженности граждан по кредитам.

Вместе с этим при поддержке Всемирного банка разработаны надзорные индикаторы с целью системной организации мероприятий по предотвращению потенциальных рисков в банковской системе, ежемесячного мониторинга значительных изменений ключевых показателей банков и принятия пруденциальных мер. Эта система постоянно совершенствуется в соответствии с изменениями в банковской системе.

Центральный банк периодически проводит стресс- тестирование по модели top-down с целью оценки чувствительности банковской системы к основным банковским рискам.

За последние 16 лет Узбекистан осуществил 35 реформ, направленных на создание благоприятного климата для ведения бизнеса в стране. Более двух третей этих реформ были осуществлены за последние семь лет. Большинство из них были реализованы в сферах регистрации бизнеса (область, где Узбекистан демонстрирует наилучшие результаты, занимая 12-е место в мировом рейтинге), налогообложения, получения кредитов и регистрации собственности.

В целом, реализованные в 2021 году меры в банковской системе, послужили повышению эффективности денежно-кредитной политики Центрального банка, дальнейшему укреплению финансовой стабильности банковской системы, усилению его роли в развитии предпринимательской деятельности и усилению участия в инвестиционных процессах, а также повлияли на макроэкономическую стабильность страны.

Коммерческие банки играют значительную роль в экономике любой страны. И количество банков не всегда означает качество. Систематическое выполнение банком своих функций и создаёт тот фундамент, на котором достигается стабильность экономики страны в целом.

Система коммерческих банков развивается, стремительно набирая обороты. Банки составляют неотъемлемую часть современного денежного хозяйства, их деятельность тесно связана с потребностями воспроизводства. Они находятся в центре экономической жизни, обслуживают интересы производителей, связывая денежным потоком промышленность и торговлю, сельское хозяйство и население. Во всем мире банки имеют значительную власть и влияние, они распоряжаются огромным денежным капиталом, стекающимся к ним от предприятий и фирм, от торговцев и фермеров, от государства и частных лиц.[3]

За последние 18 лет Узбекистан осуществил 35 реформ, направленных на создание благоприятного климата для ведения бизнеса в стране. Более двух третей этих реформ были осуществлены за последние семь лет. Большинство из них были реализованы в сферах регистрации бизнеса (область, где Узбекистан демонстрирует наилучшие результаты, занимая 12-е место в мировом рейтинге), налогообложения, получения кредитов и регистрации собственности.

На современном этапе в проведении денежно-кредитной политики страны основное внимание уделяется созданию необходимых условий для обеспечения стабильности цен посредством минимизации влияния монетарных факторов на уровень инфляции. Денежно-кредитная политика Центрального банка на ближайшее десятилетие должно решить ряд стратегических задач:

- дальнейшее развитие как биржевого, так и внебиржевого валютного рынков, межбанковского кредитного рынка;
- уменьшение доли государственной собственности в активах коммерческих банков;
- предоставление льгот для коммерческих банков, принимающих участие в реализации приоритетных инвестиционных проектов;
- снижение ставки рефинансирования.

При этом стоит напомнить, роль Центрального банка в нынешних условиях развития и стабилизации экономики возрастает день ото дня. Следует и дальше продолжать осуществление мероприятий, направленных на повышение устойчивости и конкурентоспособности банковского сектора Республики Узбекистан.

Использованная литература

1. Мирзиёев Ш.М. Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису. 27. 01. 2020 г.

2. Постановление Президента Республики Узбекистан Ш. Мирзиёева от 12.09.2017 № ПП-3270 «О мерах по дальнейшему развитию и повышению устойчивости банковской системы республики».

3. Ветрова Т. Н. Критерии оценки и направления повышения эффективности банковской деятельности. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. http://www.old.fa.ru/dep/ods/autorefs/

4. Статистический бюллетень Центрального банка Республики Узбекистан за 2021 г.

Эркинова Гулчеҳра Аламхон қизи, ТДИУ
Тожиев Раҳматилла Раҳмонович
“Банк иши ва инвестициялар” кафедраси доценти

БАНКЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ЖАРАЁНИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ЛИКВИДЛИЛИГИ МУАММОЛАРИ

Аннотация: *Банкнинг ликвидлиги иқтисодиётнинг турли сегментларида бозор муносабатларининг ривожланиш даражаси, Марказий банкнинг фаолиятига боғлиқдир. Тижорат банки ликвидлилигини бошқаришда унга таъсир этувчи омилларни доимий кузатув объектига айлантирган ҳолда, уларнинг салбий таъсирини бартараф этиш юзасидан таъсирчан чоралар кўриш мақсадга мувофиқ саналади.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонФармонида давлат улушига эга тижорат банкларида трансформация жараёнларини якунлаб, 2026 йил якунига қадар банк активларида хусусий сектор улуши 60 фоизгача чиқариш лозимлиги яна бир бор таъкидланди[1]. Шу боис, тижорат банкининг ликвидлиги унинг ишончлилиги ва барқарорлигини белгилайдиган банк фаолиятининг асосий сифат кўрсаткичларидан бири сифатида кредит ва банк секторининг иқтисодиётдаги таркибий қисми учун асос бўлиб хизмат қилади.

Шуни таъкидлаш керакки, банкнинг ликвидлиги мураккаб кўрсаткичдир. Бундан ташқари, тижорат банкларининг ликвидлиги молиявий барқарорлик ва ишончлилик каби тушунчалар билан характерланади. Банкнинг ишончлилиги унинг мустаҳкамлиги бўлиб, ушбу банкда хизмат кўрсатилаётган мижозларнинг ишонч даражасидир. Банкнинг молиявий барқарорлиги одатий ривожланиш лаёқати билан тавсифланади, булар учун бир қатор мезонлар ажратиб кўрсатиш мумкин, жумладан, баланс пассивидаги ўзлик маблағларининг улуши, келгусида банкнинг ўзлик капиталини олинган фойда, мижозлар базасининг барқарорлиги ва бошқалар[2].

Кўпинча тижорат банклари ликвидлигига таъсир этувчи омиллар икки гуруҳга бўлинади: ташқи ва ички. Ташқи омиллар орқали ташқи муҳит тижорат банкининг фаолияти билан таъсир ўтказади, ички омиллар банк даражасида ишлайди ва банкнинг сиёсати билан боғлиқ, банк сиёсатини ўзгартиради, ликвидликнинг салбий ўзгаришига олиб келадиган омилларнинг таъсирини чеклаш мумкин. Тижорат банкининг ликвидлигига таъсир қилувчи барча омиллар ягона тизим сифатида қаралиши керак. Шуни унутмангки, ташқи омиллар банк томонидан осонлик билан таъсирланмайди, шунинг учун ички омилларга кўпроқ эътибор қаратиш, уларга ликвидлик хавфини камайтириш мақсадида таъсир кўрсатиш керак[3].

Фикримизча, тижорат банклари ликвидлилигига таъсир қилувчи омиллар ички ва ташқи омилларга гуруҳланган ҳолда таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Банк ликвидлилиги бўйича рискларнинг ортишига таъсир қилувчи омиллар доимий равишда мониторингни тақозо этади. Айни пайтда, тижорат банки даромадларидан воз кечиш ҳисобига бўлсада, ликвидлиликни таъминлашга ҳаракат қилади ёки банклар активлар ва пассивларни юқори сифатли ликвидли активлар ва номолиявий депозитлар улушини ошириш, шу билан бирга молиявий ички қарзларни камайтиришга интилади[4].

Шунингдек, тижорат банкининг даромад келтирувчи активлари банк соф фойдасининг асосий манбаи ҳисобланади ва бир пайтнинг ўзида банк ликвидлилиги билан тескари муносабатга эга. Уларга бошқа банклардаги маблағлар, давлат қисқа муддатли облигацияларига қўйилмалар, факторинг, кредит қўйилмалари, ссудалар бўйича эҳтимолли йўқотишларга банк захираси ва инвестициялар киради. Шунга қарамай, банк менежерлари юқори даромадни таъминлашга қаратилган стратегияни ишлаб чиқиш билан биргаликда банк ликвидлилигини кутилмаганда таъминлаш заруратини ҳам ҳисобга олишлари лозим.

Шундай бўлсада, капитал таркибида кутилиши мумкин бўлган эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар ҳам шакллантириладики, булар ўз навбатида 100 фоиз харажатга олиб борилиши боис, банк даромадлилигининг пасайишига сабаб бўлади. Айни пайтда, Банк назорати бўйича Базель қўмитасининг янги талаблари капитал таркибида соф фойдадан шакллантириладиган захираларни оширишни кўзда тутмоқда.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг жами ва устав капитали[5]

Йиллар	Кўрсаткичлар номи	Жами	
		Банклар сони	сумма, млрд. сўм
01.01.2018 йил ҳолатига	Жами капитал	28	20 676
	шундан, устав капитали		16 307
01.01.2019 йил ҳолатига	Жами капитал	29	26 679
	шундан, устав капитали		19 673
01.01.2020 йил ҳолатига	Жами капитал	30	51031
	шундан, устав капитали		41877

2018 йилнинг 1 январь ҳолатига республикамиз тижорат банкларининг жами капитали 20 676,0 млрд. сўмни ташкил этган бўлса,2020 йилнинг шу даврида қарийб 2,4 баробарга кўпайди (1-жадвал).

Фикримизча, банк капитали таркибидаги энг барқарор манба оддий акцияларнинг тўланган қисми, бошқача айтганда устав капитали миқдорининг ошириб борилиши миллий банк тизимига бўлган ишончни мустаҳкамлашга, ликвидлиликни оширишга хизмат қилади.

Тижорат банклари ликвидлилигига таъсир қилувчи ташқи омиллар ичида мамлакатдаги иқтисодий ва сиёсий вазиятнинг барқарорлиги муҳим ҳисобланади. Шунинг билан биргаликда, тижорат банклари фаолиятида иқтисодий барқарорлик хорижий инвесторларнинг миллий банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлайди, банкларнинг юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришиш учун замин яратади. Хусусан, бошқа хўжалик субъектлари қатори тижорат банклари ҳам иқтисодиётнинг тезкор ўзгариши шароитида шаффофлик ва очиқлик тамойилларига риоя қилишлари муҳим ўрин тутади[6].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тижорат банкларининг ликвидлик даражасига ташқи ва ички омиллар таъсирини қайд этган ҳолда, банк ташқи омилларнинг таъсирини чеклаб қўйиши мумкин эмас, шунинг учун тижорат банкининг фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган ички омилларга кўпроқ эътибор қаратиш керак, чунки уларни бошқариш орқали ликвидлиликка бўлган салбий таъсирини камайтириш мумкин. Акс ҳолда, бу омиллар ликвидлик рискларининг пайдо бўлишига олиб келади, бу молиявий воситаларни тўлов воситаларига тезкор равишда айлантира олишнинг йўқолиши ёки қўшимча мажбуриятларни жалб қилиш билан боғлиқ бўлган рискларни кучайишига олиб келади.

Биринчидан, тижорат банкларининг фаолиятида давомида мунтазам равишда ташқи манбаларга эҳтиёж сезиши, унинг қарамлилигини оширади ва бу ҳолат, ўз навбатида банк ликвидлилигига салбий таъсир кўрсатади. Одатда банклараро кредитлардан бу мақсадда кўп фойдаланилади. Бироқ, банклараро кредитлар ҳажмининг сезиларли даражада ортиши, хусусан, унинг ҳажмида ўсиш тенденциясининг кузатилиши ушбу тижорат банкларида ликвидлиликни таъминлаш борасида айрим муаммолар мавжудлигини ҳам кўрсатади.

Иккинчидан, тижорат банкларида талаб ва мажбуриятларининг ҳолати, миқдор ва муддат жиҳатидан ўзаро мослиги ҳам ликвидлиликка сезиларли таъсир кўрсатди. Хусусан, тижорат банклари активлари муддати ва суммаси, унинг пассивлари муддати ва суммасига мос келиши мақсадга мувофиқ саналади. Шу боисдан, банк менежерлари активлар ва пассивлар таркибини доимо таҳлил қилиб боришлари ва тегишли ўзгартириш киритиш бўйича ўз вақтида қарор қабул қилишлари лозим бўлади.

Учинчидан, банкнинг молиявий жиҳатдан барқарор мижозлари сони, уларнинг фаолиятининг даромадлилиги улар томонидан банкка топшириладиган нақд пул маблағлари миқдорининг ўз вақтида амалга оширилиши таъминлайди ва ўз навбатида, банк ликвидлилигини таъминлашга хизмат қилади. Бошқача айтганда, барқарор мижозларга эга бўлган тижорат банкларида нақд пул билан таъминлаш борасида сезиларли муаммолар бўлмайди. Бу эса мазкур банкда ликвидлилик муаммоси олдини олиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Тўртинчидан, мамлакатда молия бозорининг ривожланиш даражаси банк ликвидлилигига таъсир қилувчи ташқи омиллардан бири ҳисобланади. Чунончи молия бозорининг тараққий этиши, ундаги маҳсулотлар ва инструментлари турларининг кўпайиши банкларга ликвидлиликни тартибга солиш ва бошқаришда қулай имкониятлар яратади. Тижорат банклари молия бозоридаги операциялар орқали сўмдаги ва хорижий валютадаги ликвидлиликни катта молиявий талофатларсиз таъминлашлари мумкин.

Фикримизча, ҳозирги вақтда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва ўзгаришлар мамлакатимиз банкларининг молиявий ҳолатини янада мустаҳкамлаш, ликвидлилигини таъминлашга замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ”2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли Фармони.*
2. *Трошин В. А. Ликвидность коммерческого банка // Молодой ученый. - 2014. - №7.*
3. *Лаврушин О. И., Банковское дело - М.: Кнорус, 2010*
4. *Ryan N.Baner jee, Hitoshi Mio, The impact of liquidity regulation on banks // Journal of Financial Intermediation, Volume 35, Part B, July 2018.*
5. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ўзбекистон Республикаси очиқ маълумотлар портали маълумотлари асосида тузилган (www.cbu.uz ва https://data.gov.uz).*
6. *Khoshimov, E. PhD and Makhmudaliev, F. (2020) "Digital Transformation of Corporate Governance in Uzbekistan: Current State, Challenges and Perspectives," International Finance and Accounting: Vol. 2020 : Iss. 6, Article 30.*

Rashitova Sitora Kurvonali qizi
Ilmiy raxbar i.f.n., dots. Azlarova A.A.

BANK NAZORATI VA UNI TAKOMILLASHTIRISH YO‘LLARI

Annatatsiya. *Maqolada tijorat banklari ustidan nazoratni amalga oshirish, bank tizimini nazorat qilishning vosita va usullari, bank tizimini nazorat qilishni takomillashtirish yo‘llari o‘rganilgan. Bank nazorati tizimidagi mavjud muammolar aniqlangan va ularni bartaraf etish yo‘llari yuzasidan taklif va xullosalar shakillantirilgan.*

Kirish. *Bank tizimini isloh qilish va uni rivojlantirish, tijorat banklarining kapitallashuv darajasi, barqarorligi bank likvidliligining xalqaro standartlarga muvofiq bo‘lishi, banklar ustidan nazoratni yaxshi o‘rnatishlilik, nazoratning xalqaro standartlarga javob berishligi bugungi kunning eng dolzarb muammolaridan biridir.*

Tijorat banklari faoliyatni tartibga solish va nazorat qilishdan ko‘zlangan bosh maqsad bank faoliyati samaradorligini oshirishdan iboratdir. 2019- yil 11-oktabrda qabul qilingan “Banklar va bank faoliyati to‘g‘risidagi”[1] qonunning 45- moddasida “Markaziy bank qonun hujjatlariga muvofiq banklar faoliyatini nazorat qilib boradi” deb aniq belgilab quyilgan.

Shu bilan birga bank tizimi ustidan nazoratni amalga oshirish uchun sharoitlar yaratish va ularni rivojlantirish maqsadida O‘zbekiston Respublikasi prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2020-yil 12 maydagi PF-5992-sonli “2022-2025-yillarga mo‘ljallangan O‘zbekiston Respublikasining bank tizimini isloh qilish strategiyasi to‘g‘risida”[2] gi farmoni ning qabul qilinishi mazkur jarayonga tizimli yondashishi talab etmoqda.

Asosiy qism. Hozirgi sharoitda banklarda nazoratni zamonaviy va samarali usullaridan foydalanish bankning istiqboldagi faoliyatini baholash, bankning mavqeyini oshirish va bank faoliyatining bardavom bo‘lishiga asoslanishi lozim.

Bank faoliyatini barcha mamlakatlarad qat’iy ravishda trtibga solinadi va nazorat qilinadi. Bank nazoratini amalga oshirishning bir qator sabablari manfaatlar nuqtai nazaridan kelib chiqadi va ular quyidgilardan iborat hisoblandi:

Birinchidan: banklar mamalakat aholisining jamg‘armasini asosiy saqlovchi hisoblanadi. Banklar faoliyatini nazorat qilish mamlakat aholisining moddiy zarar ko‘rishdan saqlash uchun tashkil etiladi.

Ikkinchidan: bank kreditorlari manfaatlarini himoya qilish maqsadida banklar faoliyatini nazorat qilish, tartibga solish amaliyotlari qo‘llaniladi.

Uchinchidan: hukumat o‘z iqtisodiy manfaatlarini himoya qilish uchun samarali bank nazoratini tashkil qilishga harakat qiladi.

To‘rtinchida: bank aksiyadorlari va omonatchilari manfaatlarini himoya qilish uchun ham bank nazorati tashkil etiladi.

O‘zbekiston Respublikasi prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2020-yil 12 maydagi PF-5992-sonli “2022-2025-yillarga mo‘ljallangan O‘zbekiston Respublikasining bank tizimini isloh qilish strategiyasi to‘g‘risida”[3] gi farmoniga muvofiq 2020-2025- yillarga mo‘ljallangan O‘zbekiston Respublikasining bank tizimini isloh qilish strategiyasi, O‘zbekiston Respublikasi bank tizimini isloh qilish bo‘yicha “Yo‘l xaritasi” hamda strategiyani amalga oshirishning maqsadli ko‘rsatkichlari ishlab chiqilgan.

Mazkur strategiya Markaziy bank va Moliya vazirligi tomonidan Jahon banki bilan hamkorlikda mamlakat bank tizimining joriy holatini o‘rganish natijalari bo‘yicha asosiy xulosalar va tavsiyalar,

shuningdek xorijiy davlatlarning moliya sektorini transformatsiya qilish tajribasi hamda moliya sohasidagi xalqaro tendensiyalarni inobatga olgan holda ishlab chiqailgan.

Bizga ma’lumki, bank faoliyatini nazorat qilishda asosiy faktor bo‘lib kapitalning yetarliligi hisoblanadi. Bank operatsiyalarini amalga oshirish uchun boshlang‘ich mablag‘, mijozlar va kreditorlar ishonchini oshirish hamda bankrotlikdan himoyalash funksiyasini bajarishdan tashqari bank kapitali uning faoliyatini tartibga soluvchi bo‘lib hisoblanib, u orqali davlat nazorat tashkilotlari bankni moliyaviy nomutanosibligini va tavakkalchilik darajasini haddan tashqari ko‘payib ketishini oldini olish maqsadida iqtisodiy me’yorlarni belgilashda foydalaniladi.

Hozirgi kunda Markaziy bank kredit tashkilotlari, lombardlar va mikrokredit tashkilotlari ustidan nazorat olib boradi va ular faoliyatini tartibga soladi va buni quyidagi chizmada tasvirlaymiz.

1-rasm. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankining nazorat qilish sferasi.

2020-yilgi Davlat dasturining 91-bandida belgilangan “Bank tizimining uzoq muddatli rivojlantirish strategiyasini tasdiqladi”[4] ustuvor vazifalari ijrosi doirasida 2020-yil 12-may kuni PF-5992-sonli “2022-2025-yillarga mo‘ljallangan O‘zbekiston Respublikasining bank tizimini isloh qilish strategiyasi to‘g‘risida”[5] gi farmon imzolandi. Mazku hujjat bilan 5 yilga mo‘ljallangan strategiya va yo‘l xaritasi tasdiqlandi.

Hujjat asosida bank sohasidagi islohatlarning asosiy yo‘nalishlari belgilab berilgan. Unda ko‘ra: bank nazorati bo‘yicha qonunchilik bazasini takomillashtirish- bunda Bazel qo‘mitasi standartlari, moliyaviy hisobotlaning xalqaro standartlari va boshqalarni joriy etish ko‘zda tutilgan, banklarni o‘zgartirish va xususiylashtirish, kadrlar malakasini oshirish, xizmat ko‘rsatish sifatini yaxshilash shular jumlasidandir.

5 yilga mo‘ljallangan strategiya quyidagi maqsadlarni ko‘zda tutadi:

- Davlat ulushi bo‘lgan banklar aktivlari hissasini hozirgi 15 foizdan 2025-yilga kelib 60 foizgacha oshirish;
- 2025-yilga kelib davlat ulushi mavjud kamida uchta bank kapitaliga zarur tajriba, bilim va nufuzga ega kamida uchta strategic xorijiy investorlarni jalb qilish;
- Banklar majburiyatlarining umumiy hajmida xususiy sector oldidagi majburiyatlar hissasini joriy 28 foizdan 2025-yil yakuniga 70 foizgacha oshirish;
- Umumiy kreditlash hajmida nobank kredit tashkilotlari ulushini joriy 0,35 foizdan 2025 yilga kelib 4 foizgacha oshirish rejalashtirilgan.

Tijorat banklari faoliyatini nazorat qilish siyosati qonunlar, hukumat qarorlari, Markaziy bankning yo‘riqnomalari asosida amalga oshiriladi. Huquqiy me’yorlar banklar uchun majburiy bo‘lgan cheklovlar va faoliyatning qat’iy chegaralarini belgilab beradi. Bu esa, bank sifatsiz boshqarilgan taqdirda jiddiy zarar yuzaga kelishini oldini oladi. Banklar faoliyatini tartibga solishning huquqiy asoslarining mustahkam emasligi banklarning bankrot bo‘lishi va umumiy nobarqarorlikni yuzaga kelishini kuchaytiradi. Bank tizimini ishonchli tarzda himoya qilishni ta’minlaydigan huquqiy tartibga solish me’yorlani yaratish lozim hisoblanadi. Masalan, iqtisodiy normativlar barcha tijorat banklariga nisbatan bir xil tarzda qo‘llanilishi lozim. Aks holda, ayrim banklar erkin raqobat muhitidan chetga chiqib qoladi.

Hozirgi kunda xalqaro bank nazorati tizimini quyidagi chizma orqali ifodalaymiz.



2-rasm. Xalqaro bank nazorati tizimi

Xalqaro bank nazorati uch qismga bo‘linib amalga oshiriladi. Ya’ni xalqaro bank nazorat, mintaqaviy bank nazorati va milliy bank nazoratlarga bo‘linadi.

Bank faoliyatini tartibga solish va nazorat qilish uning faoliyati samaradorligini oshirishda bank aksiyalari jozibadorligini oshirish ham muhim ahamiyat kasb etadi. Aksiyalar jozibadorligi albatta uning uchun to‘lanadigan dividentlar miqdori bilan belgilanadi. Bank faoliyatini tartibga solish va uning faoliyati samaradorligini oshirishning yana bir muhim jihati bank daromadlari va xarajatlarini muvofiqlashtirib borishini ta’minlashdan iboratdir. Bu jarayonda asosiy e’tibor bank daromadlari va xarajatlari tarkibi, dinamikasi, sifati va istiqbollarini to‘g‘ri rejalashtirish va bajarishni ta’minlashdan iboratdir.

Bank nazoratining asosiy maqsadi va vazifalari respublikamizda tijorat banklari faoliyatini nazorat qilish tarkibini yaratadi va u quyidagi 3-rasmda yaqqol ko‘rinadi.

3-rasm. O‘zbekiston Respublikasi bank nazoratining tashkil etilishi

Respublikamizda Markaziy bank tomonidan tijorat banklari faolioyatini nazorat qilishning asosiy maqsadi tijorat banklariga biron bir iqtisodiy chora ko‘rish emas, balki bank faoliyatida mavjud bo‘lgan kamchiliklarni bartaraf etib, bank tizimining barqarorligini oshirish natijasida bank omonatchilari va kreditorlarining manfaatlarini himoya qilishdan iboratdir.

O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki Jahon banki bilan hamkorlikda xalqaro amaliyotdga mos zamonaviy nazorat funksiyalarini takomillashtirish asoslarini yaratish loyihasini amalga oshirmoqda. Mazkur loyiha Jahon bankining litsenziyalash, prudensial nazorat bo‘yicha texnik hamkorlik dasturi doirasida keng ko‘lamli ishlar amalga oshirilmoqda. Jahon banki ekspertalari guruhi Markaziy bankning hisobotlarini tayyorlashni yaxshilash va SurTech nazorat texnologiyalarini qo‘llashga yo‘naltirilgan hisobot tizimini baholamoqda.

Xulosa va takliflar. Fikrimizcha, bank tizimini nazorat qilish va takomillashtirish uchun quyidagi masalalarga alohida e’tibor qaratish lozim:

1. Har bir tijorat banki o‘zining ichki audit siyosatini mukammal ishlab chiqib va shu siyosat doirasida nazoratni muntazzam amalga oshirib borishi:

2. Markaziy bankning nazorat siyosatini xalqaro standartlarga mos bo‘lishi nazorat qilish yuklatilgan xodimlarining malakasini oshirib borishlik:

3. Bank tizimini nazorat qilishda korrupsiyaga yo‘l qo‘ymasdan nazoratni haqqoniy olib borish.

Mazkur masalalar bank tizimini nazorat qilishda amalga oshirilsa bank faoliyatini yaxshilashga, bank faoliyatini bardavom bo‘lishiga va bank tizimi xalqaro standartalga to‘liq javob bera olishiga imkon yaratilinadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. 2019- yil 11-oktabrda qabul qilingan “Banklar va bank faoliyati to‘g‘risidagi” qonun https://lex.uz

2. 2020-yil 12 maydagi PF-5992-sonli “2022-2025-yillarga mo‘ljallangan O‘zbekiston Respublikasining bank tizimini isloh qilish strategiyasi to‘g‘risida” farmon https://lex.uz

3. 2020-yil 12 maydagi PF-5992-sonli “2022-2025-yillarga mo‘ljallangan O‘zbekiston Respublikasining bank tizimini isloh qilish strategiyasi to‘g‘risida” farmon https://lex.uz

4. 2020-yilgi “Bank tizimining uzoq muddatli rivojlantirish strategiyasini tasdiqladi” davlat dasturi https://lex.uz

Абдурахимова Дилноза, МО-81 гуруҳ талабаси
“Банк иши ва инвестициялар” кафедраси
катта ўқитувчиси Р.Ш. Салайев

РАҚАМЛИ МОЛИЯВИЙ АКТИВЛАР МУОМАЛАСИГА НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР

Аннотация: *Мақолада рақамли активлар муомаласини ривожлантиришда тижорат банкларининг роли таҳлил қилинган ва уларни такомиллаштиришюзасидан амалий таклифлар келтирилган.*

Инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида виртуал ахборот-коммуникация муҳити ижтимоий воқеликнинг ажралмас қисмига айланди, натижада жамият янги парадигмага дуч келди: ахборотлаштириш (компютерлаштириш) жараёнидан рақамлаштириш жараёнига ўтилди. Банк-Молия сектори одатдаги иқтисодий тузилманинг ўзгаришига биринчи бўлиб муносабат билдирди: тўлов соҳасида сифат жиҳатидан янги ҳисоб бирлиги пайдо бўлди, инновацион механизмлар ва тузилмалар яратилинди. Дунёнинг турли мамлакатларидаги олимлар ва иқтисодчилар томонидан ўрганилаётган рақамли активлар, ахборот технологиялари ва молия соҳаси кесишмасидавужудга келган “криптовалюта”, “стейблкоин”, “равамли пуллар”, “рақамли валюта” каби тушунчаларни ўзида мужассамлаштирди.

Ҳуқуқий мақом ва уларнинг муомаласини тартибга солиш учун меъёрий-ҳуқуқий база тўла шаклланмаганига қарамай, янги авлод рақамли молиявий воситалар билан ҳисоб-китоблар бутун дунёда оммалашиб бормоқда. Шу билан бирга, уларнинг айланмаси ҳуқуқий майдон ва расмий ҳисобдан ташқарида ва шунга мос равишда солиқ солинмасдан амалга оширилади, бу биринчи навбатда давлат бюджети ва миллий хавфсизликка салбий таъсир қилади. Тобора кўпроқ мамлакатлар (Германия, Япония, Россия, Англия, Хитой, Жанубий Корея, Камбоджа,Швеция, Багама ороллари, Венесуела, El Salvador, ва бошқалар.), анъанавий технологиялар орқали инновацион ажойиб афзалликларга эга бўлган рақамли активларни қонунийлаштириш ва тўлов тизимлари ичига интеграция қилишга ҳамдауларнинг расмий ҳисобини юритиш учун ҳаракат қилишмоқда. Бироқ, уларнинг табиатини тушунишда ноаниқлик янги ҳодисани илмий ўрганишда,ҳамда уни такомиллаштиришга сезиларли даражада тўсқинлик қилади, шунингдек ягона рақамли активлар базасини ташкил этишга имкон бермайди ва ҳисоб-китоб, пул, бюджет, солиқ, божхона ва валютани тартибга солиш, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам унинг ривожланишига тўсқинлик қилади.

Ҳозирги вақтда рақамли активларнинг моҳиятини криптотизим асосидаги технологияга боғлаб, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва характерини кўрсатмасдан берилган таърифлар мавжуд. Масалан, Н. И. Романов ва Н. В. Романова рақамли активларни корхона фаолияти ва унинг молиявий натижаларига сезиларли таъсир кўрсатишга жисмонан қодир бўлмаган “активлар” деб тушунадилар.Н. В. Анохина ва А. И. Шмырева, “криптовалюта - бу молия бозорининг янги воситаси ҳисобланади. ... Бундан ташқари, пулнинг асосий назарияси қийматнинг меҳнат назариясига асосланади (товарлар ва хизматларнинг нархи уларга инвестиция қилинган инсон меҳнатининг миқдорига боғлиқ), криптовалюта - блокчейн асосидаги технология компютер кучи ва сақланган энергия комбинациясининг нархини белгилайди”. В. В. Прохоров ва В. И. Пантелеев бу мутлақо янги актив деб ҳисоблашади, "унинг ўзига хос хусусияти шундаки, у рақамли, блокчейн технологиясига асосланган", "рақамли активлар содда тарзда айтганда, маълум талабларга жавоб берадиган электрон маълумотлар тўпламига бўлган ҳуқуқлар сифатида тушунилади."В. Е. Пономаренко рақамли актив (криптовалюта) рўйхатдан ўтиш қоидаларига мувофиқ, унинг иштирокчилари томонидан рақамли битимларни тарқатилган реестрини юритиш деб фикр билдиради. А. В. Есипов рақамли активларни (криптовалюта) молиявий восита сифатида "номоддий актив шаклида - майнернинг интеллектуал фаолияти натижаси бўлган махсус дастурий маҳсулот" деб ҳисоблайди, у "криптовалюталарни вексел муомаласини ўрнини босувчи самарали воситасидир"деб таъкидлаган.

Хулоса ўрнида, рақамли активларни тижорат банклари орқали айланиши учун, уларнинг ҳуқуқий-нормотив базаси яратилмасдан ҳисоб-китоб ва тўлов майдонига қўшилиши мумкин эмас, қонун нуқтаи назаридан иқтисодиётдаги янги ҳодисанинг молиявий таркибини яққол аниқлаш талаб қилинади.

Фойдаланилган ададиётлар рўйхати

1. *BIS Statistics Explore (http://stats.bis/org/statx).*
2. *www.fred.stlouisfed.org, www.ecb.europa.euсайти маълумотлари.*
3. *World Bank Group (US) https://data.worldbank.org/indicator/fb.ast.nper.zs*
4. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3270-сонли Қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.09.2017й.,07/17/3270/0004.*
5. *http://cbu.uz// маълумотлари асосида шакллантирилган.*

6. www.cbu.uz, www.fred.stlouisfed.org, www.ecb.europa.euсайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.
7. Quarterly Review of Economics and Finance 61 (2020) 185–191www.elsevier.com/locate/qref.
8. S.Ben Naceura, KatherinMartonb, Caroline Roulet Basel III and bank-lending: Evidence from the United Statesand Europe / Journal of Financial Stability 39 (2020) 1–27 www.elsevier.com/locate/jfstabil.

Ахмедов Дилшод Комолиддин ўгли
ТДИУ ,БД-75 гуруҳ талабаси
Ҳайдаров Ўрал Ахмадович
ТДИУ ,"Банк иши ва инвестициялар" кафедраси доценти

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ИСЛОМ МОЛИЯ ТИЗИМИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: *Ушбу мақолада тижорат банкларида ислом молия инструментларидан фойдаланиш йўллари, шунингдек, унинг афзалликлари таҳлили ва ривожлантириш истиқболларини такомиллаштириш ҳақида сўз боради. Шунингдек мақолада ислом молия инструментларидан фойдаланиш йўлларини Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари фаолиятида фойдаланишни ривожлантириш истиқболларидаги мавжуд муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича муаллиф ёндашувлари ва таклифлари келтирилган.*

Иқтисодий замонавий босқичида дунё мамлакатларида жадал ривожланиб бораётган ва жаҳон молиявий маконини ишончли забт этаётган Ислом молия тизимига бўлган қизиқиш тобора ривожланиб бормоқда. Янги исломий банклар, суғурта ташкилотлари, инвестиция жамғармалари ташкил қилиниб, ҳатто ушбу тизим мусулмон бўлмаган мамлакатларда ҳам кенг ривожланаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлис палаталарига йўллаган Мурожаатномасида "Мамлакатимизда Ислом молиявий хизматларини жорий этиш бўйича ҳуқуқий базани яратиш вақт-соати етиб келди. Бу борада Ислом тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия ташкилотлари экспертлари жалб этилади" [1], деб таъкидлаб ўтдилар.

Бизга маълумки, мамлакатимизда Исломий молиялаштириш ишлари 2004 йилда бошланган бўлиб, бу Ўзбекистоннинг Ислом тараққиёт банки (ИТБ) аъзолигига қўшилгани билан боғлиқ. Хусусан, бугунги кунда миллий иқтисодиётимиздаги бизнес субъектларининг 80 фоизи ички манбалар ҳисобидан молиялаштирилади ва уларнинг чорак қисмигина кредит хизматидан фойдаланди. Банк активларининг 85 фоизи эса давлат банкларига тегишли ва уларда тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш учун саноқли маҳсулотлар мавжуд. Шу боис, аксарият тадбиркорлар тижорат банкларини молиялаштиришнинг афзал манбаи ҳисобламайди. Бу эса тадбиркорлик субъектларининг молиявий ҳисоботларига етарли даражада эътибор бермаслиги, солиқ идораларига тақдим этадиган расмий ҳисоботларида эса аксарият ҳолатда ҳақиқий молиявий ҳолатни кўрсатмаслигига сабаб бўлмоқда. Тижорат банклари ҳам ўз навбатида бундай ҳисоботларга ишонч билдирмайди ва бу эса, кўплаб тадбиркорларни кредитлаш имкониятининг чекланишига олиб келиши бугунги куннинг долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ислом молия ва унинг фаолияти бўйича кўплаб илмий ишлар қилинган, китоблар ёзилган ва таърифлар берилган. Хусусан, сўнгги йилларда ислом молияси назарий ва амалий масалалари хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан ислом иқтисодиёти кенг ўрганилаётган долзарб мавзулардан бири бўлиб келмоқда. Хусусан, рус олими Хасбулатов (2014) Ислом молиясини мамлакат иқтисодиёти ва молия тизимини ривожлантиришнинг ажралмас йўналиши сифатида ўрганган. Журавлев (2017) асосан Ислом банклари фаолиятининг ўзига хослиги ва уларнинг рискларини тадқиқ этган.

Махмуд ва Эль-Халифа Мухаммадларнинг (2010) ислом банклари тарихини ўрганишга бағишланган асарида ислом банкларининг тўлиқ шариатлар меъёрига асосланиши, лекин ислом тамойилларига асосланмаган бизнес муҳитида унинг қўлланилиши мумкинлиги эътироф этилган. Халқаро валюта фондининг собиқ ижрочи директори, ислом молия институтларини ривожлантириш буйича Халқаро Марказнинг бош директори ҳамда ислом таълим олиш маркази раиси доктор Аббос Мираҳор ва Жаҳон банкининг хазинасининг инвестициялари буйича директори Замир Иқболнинг (2011) фикрича, ислом тизим кредит беришни фоиз асосида таъқиқловчи тизим сифатида тавсифланади. Яна бошқа гуруҳ тадқиқотчилардан Иқбол Мирахор ва Мохсин Хан (2005) бундай талқин тугалланмаган ва нотўғри хулосаларга олиб келади деб ҳисоблайди. Уларнинг фикрича, Ислом давлатларида ислом банк тизими фаолиятини тартибга солишнинг асосий элементлари унинг исломий қонунларга бўйсунишидан келиб чиқади. Яъни ислом банки ислом шариатларига асосланган назорат тизимига эга ҳисобланади. Россиялик олимлар Беккин (2008) ва Кочмолаларнинг (2007) тадқиқотларига кўра, ислом молия

институтлари тўлиғича ислом қоидалари жорий этилмаган, масалан, Малайзия ва Туркия мамлакатларида муваффақиятли операцияларни амалга оширмоқда.

Эл-Гамал Махмуд фикрича (2006), ислом банкчилиги асослари кўплаб олимлар томонидан ўрганилмоқда. Уларнинг таъкидлашича, анъанавий ёки ғарб банк операцияларидан ислом банк ишининг асосий фарқли жиҳати ссуда фоизини ундиришни таъқиқлаш ҳисобланади. Бундай назарий асосни яратиш Ислом банкчилигини ўрганиш доирасини бугунги кунда долзарб вазифа ҳисобланган бизнесдаги йирик ва асосий муаммолари ҳал этишга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Лекин Ўзбекистонда Ислом банклари фаолияти меъёрлари ва ҳуқуқлари, шунингдек, уларни тартибга солувчи инструментлари чуқур ўрганилмаган.Ўзбекистонлик иқтисодчи олим ва тадқиқотчилар Х.Хасанов, Ж.Имамназаров, М.Султанов, Н.Аллаберганова ва О.Давлатяровларнинг (2017) илмий ишларида ҳам изланишлар олиб борилган. Шунингдек, Б.Жўраев (2018) томонидан ислом молиясига оид адабиётлар хориж тилдан ўзбек тилига таржима қилинган. Амалга оширилган ушбу илмий ишларда ислом молиясининг назарий асослари ва ислом молия инструментлари орқали молиялаштириш тўлиқ ёритиб берилмаган. Умуман олганда бугунги кунда ислом молияси жаҳон ҳамжамияти учун бирмунча, миллий иқтисодиётимиз учун деярли янги бўлганлиги учун келгусида кўплаб изланишларни талаб этилади.

Бизга маълумки, ислом молияси қарз бериш ё молиялаштириш ишларида айнан шариат тамойиллари ва қоидаларига асосланган жараёнларни қамраб олиши ҳамда ислом молия тамойилларига мос бўлган битимлар тузади. Шу билан, ислом молияси анъанавий молиялаштириш ёки қарз беришдан фарқ қилади. Хусусан, ислом банкчилигида маблағларни жалб қилиш шариат тамойиллари асосида шерикчилик, қарз ёки сақлаб бериш (омонат) шартномалари асосида амалга оширилади. Анъанавий банкчиликда эса, кафолатланган фоиз эвазига маблағлар жалб қилинади.

Ислом банкчилигида жалб қилинган маблағларнинг ишлатилиши ҳам анъанавий банкчиликдан моҳиятан фарқ қилади. Маблағлар ислом молияси тамойилларига биноан, сотиш, ижара/лизингга бериш ёки шерикчилик асосида ёхуд молиялаштириш/инвестиция шартномалари асосида амалга оширилиши мумкин.

Ислом банкчилигида ислом дарчаси хизматлари ва маҳсулотларини анъанавий банк хизматлари ва маҳсулотларига солиштирган ҳолда қуйидаги келтирилган 1-расмда кўришимиз мумкин:

Ислом банки маҳсулотлари
Бизнес ва банкчилик
Молиялаштириш маҳсулотлари
Муробаха, салам, мушорака, истисна, ижара, қарз
Инвестиция хисоблари
Вадиа, қарз, музораба, вакала
Бошқа хизматлар
Бошқа молиявий хизматлар (шариат тамойиллари асосида ўрнатилган таърифлар)
Чакана банкчилик
Молиялаштириш маҳсулотлари
Муробаха, салам, мушорака, истисна, ижара, қарз
Инвестиция хисоблари
Вадиа, қарз, музораба, вакала
Бошқа хизматлар
Бошқа молиявий хизматлар (шариат тамойиллари асосида ўрнатилган таърифлар)

Анъанавий банки маҳсулотлари
Бизнес ва банкчилик
Кредитлар
Айланма маблағлар, асосий воситалар, лизинг, микрокредитлар
Депозитлар
Жорий ҳисобрақамлар, муддатли депозитлар
Бошқа хизматлар
Бошқа молиявий хизматлар
Чакана банкчилик
Истеъмол кредитлари, автокредит, ипотека кредити, кредит карточкалари, овердрафт, овернайт
Депозитлар
Жорий ҳисобрақамлар, муддатли депозитлар
Бошқа хизматлар
Бошқа молиявий хизматлар

1-расм. Ислом банклари ва анъанавий банк хизматларининг фарқли жиҳатлари

Юқоридаги расм маълумотларига кўра ислом банклари томонидан кўзда тутилган молиявий хизматлар ва маҳсулотларни ҳозирда мавжуд анъанавий банк хизматлари ва маҳсулотларига муқобил эканлиги, шу билан бирга анъанавий банкчиликка нисбатан ҳатто

мослашувчан эканлигини кўришимиз мумкин. Масалан, юридик шахсларга мўлжалланган асосий воситаларни молиялаштиришни оладиган бўлсак, ушбу турдаги молиялаштириш ислом банклари орқали бир неча усул билан (шартнома турига боғлиқ), мижознинг молиявий ҳолати, бизнес режаси ва фаолият туридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Хулоса ва таклифлар

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Ислом давлатлари банкларида ўзининг маълум жиҳатлари мавжуд эканлигини кузатишимиз мумкин. Яъни ислом тамойиллари асосида кредит бериш учун тижорат банклари берадиган ресурсни ҳам ислом тамойиллари асосида жалб қилиши лозимбўлади. Хусусан, тижорат банклари фоизга депозит жалб қилиб мижозларга ислом тамойили асосида кредит берса, банк мижозлари ушбу кредитдан фойдаланмаслиги мумкин. Чунки депозит жалб қилиш ислом тамойилига жавоб бермайди. Бу борада мамлакатимизда, энг аввало, ислом молияси бўйича жамиятимизда молиявий саводхонликни ошириш борасида маълум ишларни амалга оширишимиз зарур.

Хусусан, ҳозирги глобаллашув жараёни мамлакатимиз иқтисодиёти учун ҳам ислом банкчилиги ва молияси тамойиллари асосида тадбиқ этиладиган банк-молия хизматларини ва маҳсулотлари тузилмаси яратиш долзарб аҳамият касб этаётганини ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги таклифлар шакллантирилди:

1. Ислом банкчилигига талаб юқори бўлган жойларда анъанавий банклар учун янги имкониятлар тақдим этди. Бироқ “ислом дарчалари”ни очмоқчи бўлган банклар ўз таркибида ислом фиқҳи, ислом молияси ва ҳуқуқи бўйича олимлар/экспертлар, ҳамда банк иши мутахассислари бўлган мустақил шариат қўмитасига эга бўлишлари керак.

2. Ислом молияси инструментларидан фойдаланиш учун амалдаги банк қонунчилиги, солиқ ва фуқаролик кодекслари ҳамда бошқа қонуности ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш ёки алоҳида қонун қабул қилиниши лозим. Шунингдек, бу соҳада кадрларни тайёрлаш ва аҳолининг саводхонлигини ошириш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. https://president.uz/uz/lists/view/4057. 2020 йил 29 декабрь.

2. Журавлев А.Ю. (2017) Исламский банкинг. М.: ООО «Садра», С. 4.

3. Mahmoud A. El-Khalifa Mohamed. (2010) History of Islamic Banks and a contemporary Basic Guide to Islamic Banking and Finance. Saarbrücken: VDM Verlag Dr. Muller, 188 p.

4. Iqbal Z., Mirakhor A. (2011) An introduction to Islamic fi nance: theory and practice. Singapore: John Wiley & Sons (Asia) Pte. Ltd., 406 p.

5. Khan Mohsin S., Mirakhor A. Theoretical Studies in Islamic Banking and Finance. North Haledon, New Jersey: Islamic Publications Int., 2005. 246 p.

Saidjanov Ilkhombek Nurulloevich
MO-77 Group
World economy and International relations
Gaipov Jasur Bakhrom ugli
PhD student, TSUE

SCIENTIFIC BASIS FOR THE FUNCTIONING OF PAYMENT SYSTEMS IN A DIGITALIZED ECONOMY

Annotation: *This article deals with the key issues that hinder the development of digital payment systems market in the Republic of Uzbekistan in the current economic conditions of information technology implementation and digitalization of the economy in the banking sector. Details of the main payment systems, their development and prevalence in the countries have been identified. The actual directions of development of systems and services of electronic payments with the use of advanced IT-technologies are given.*

Keywords: *payment systems, digital economy, electronic money, cashless payments, bank, plastic cards, bank cards.*

The active development of the digital economy leads to virtualization, an accelerated rhythm of life and a radical transformation of social reality. In the process of becoming a global economy, the

national payment system will have to integrate with the payment systems of other countries, as well as enter global financial markets. To improve the quality of the national payment system, there is an objective need for its effective integration, especially through the use of new information technologies, which are associated with digitalization of payment transactions and financial settlements. In transactions involving goods or services, it is mandatory for the buyer to pay the buyer 'money'. In some situations, the money is in the form of banknotes and coins; in other cases, it is in the form of deposit money. This process is usually referred to as 'payment'. If the payment is successful, there is a repayment between the buyer and the seller. This withdrawal action is called 'settlement'. A payment system is a process that allows payments or transfers to be made between buyers and sellers or directly between banks. As defined by the Bank for International Settlements (BIS), a payment system comprises a set of instruments, banking procedures and, generally, interbank transfer systems that enable the circulation of money [1].

Payment transactions as a universal form in practice refers to private forms of payment relations such as relations between companies, organizations and the state, banks, individuals, as well as relations between individual regions and states.

The concept of "payment system" was introduced by bankers in the 2nd half of the 1990s, replacing the previously used term "non-cash payment system". The emergence and spread of the term "payment system" is associated with the penetration of Western payment systems, especially the Visa and MasterCard card systems and the SWIFT interbank communication system [2].

A number of key concepts for central banks and the practical application of their policy decisions can be seen in the area of payment systems, such as daily bank liquidity, risk management and control of payment systems.

In modernizing economies, the purchase of goods and services, including financial leverage, is being done by paying for them with available financial resources and as deposits in loan accounts. For businesses operating in both the real segment and the financial market, the proper organization of payment transactions has an impact on increasing their level of efficiency and thus on the economy as a whole in the country [3].

The European Central Bank refers to the payment system in terms of basic conditions, highlighting as the basis for a formal agreement, the ECB further details between whom this agreement will be concluded: the agreement must involve more than three parties, this does not include the service infrastructure: settlement banks, counterparty central banks, clearing houses or other indirect necessary participants. The basic requirement is that they must operate within the bounds of universal principles and regulations for remittances [4].

The payment system is part of any nation's monetary system, as evidenced by its interconnectedness and dependence on a variety of economic phenomena. For example, the rate of cash flow is one of the most important indicators, which can be used to determine the current state of affairs in the entire economy and directly influence the rate of inflation. In this regard, it is necessary to consider the impact of inflation processes and the situation with payment systems in the country. According to a number of examinations, the payment system covers more than 90% of the means of payment throughout the economy, including all non-cash settlements and the parts of the cash turnover in which money serves as a means of payment. Accordingly, on the one hand, money circulation directly affects the payment system, and on the other hand, the level of development of the monetary system is taken into account in determining the volume of money. Thus, the indicator of the velocity of money in circulation is in inverse proportion to the amount of money needed for circulation. For example, if the processing period is calculated in weeks, the amount of money required to operate the entire economy increases significantly.

It should be emphasized that payment systems facilitate the circulation of money and support the stability of the economic situation. An efficient payment system increases the resilience of the national financial system, ensures the efficient use of monetary resources and contributes to the liquidity of financial markets. Changes in the payments industry have been particularly rapid, partly because the introduction of competitive products has enabled financial service providers to quickly generate financial returns for a large number of potential consumers. Banks are working closely with other online services and systems to gain more business opportunities. These include, for example, partnerships between financial institutions and retailers, integration of financial services into the range of services provided by mobile operators, collaboration with start-ups (e.g., remote fuel payment at petrol stations), etc.

Based on the above definitions of payment systems, the following elements of this system can generally be distinguished (Figure 1):



Fig.1. Elements of the payment system

The most important necessary factor for the successful development of the digital economy is the improvement of the national payment system, which fully meets the increasing demands of economic agents for fast and reliable money transfers and is one of the important elements of the financial structure of the market.The integrity characteristic of an entity requires that the system in question has a stable and stable structure. Every payment system has a certain ordered structure, which can be represented as the following diagram (Figure 2).



Fig.2. Structure of a typical payment system

Such a structure can only be presented for systems developed with the active support of a bank. In the structure of a payment system, the presence of a credit institution is optional, hence the following scheme is more general (Figure 3).



Fig.3. Payment system structure

The process of interaction between the blocks of the system takes place in the following order:

(a) Payers and beneficiaries start using the same payment system or compatible payment systems to make payments;

(b) The network members create accounts in the payment system;

(c) The payer of the debt shall transfer cash or cash equivalents to his account

(d) On the basis of an instruction from the payer or another mechanism, which is provided for in the contracts with the users, the system carries out the payment.

A national payment system is one of the main financial subsystems of the state economic system, which provides payment services to economic entities.

However, the NPS is not a nationwide payment system, but integrates all payment components of the financial system of the state, including all government and private payment and settlement systems.

The NPS is used to organise the relationship between the payment monetary and credit flows that constitute payment transactions.

The identification of qualifying characteristics allows the NPS to be considered as a set of institutional and infrastructural elements that together ensure the settlement and regulation of debt obligations between economic agents.

List of sources and literature:

1. https://www.bis.org;

2. Anureev S.V. Payment systems and their development in Russia. – M.: Finance and Statistics, 2004. p. 16.;

3. Krivoruchko S.V. National payment system: structure, technology, regulation. International Experience, Russian Practice: Krivoruchko S.V., Lopatin V.A. – M.: KNORUS: TsIPSiR, 2013. - 456 p.;

4. Regulation of the European central bank (EU) No 795/2014 of 3 July 2014 on oversight requirements for systemically important payment systems (ECB/2014/28) // Official Journal of the European Union L 217, 23.7.2014.;

Хасанбоева М.Р. ТДИУ БД-51-гуруҳи талабаси
Илмий раҳбар: Эльбусинова У.Х.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ КРЕДИТЛАШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: *Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси банк тизими фаолиятида жисмоний шахсларни кредитлаш амалиёти ва унинг хусусиятлари, улардан фойдаланишнинг имкониятлари, замонавий ҳолати ўрганилган. Шунингдек банк тизимида жисмоний шахсларни кредитлашнинг янги турларини ривожлантиришнинг авфзалликлари ва камчиликлари мухокама қилинган ҳамда уни такомиллаштириш йўналишлари таклиф қилинган.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5992 сонли Фармони “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси”да кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмларининг мўътадил ўсишига амал қилиш, мувозанатлашган макроиқтисодий сиёсат юритиш, корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва халқаро амалий тажрибага эга бўлган менежерларни жалб қилиш, молиявий таваккалчиликларни баҳолаш учун технологик ечимларни татбиқ этиш орқали банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш [1] асосий йўналиш қилиб белгиланди.

Республикамизнинг бир қатор йирик ва ўрта тижорат банклари кредит қўйилмаларининг умумий ҳажмида муддати ўтган кредитлар салмоғининг ўсиш тенденцияси кузатилмоқда.

Бундан ташқари ҳозирги хусусий бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг жадаллик билан ривожланиши жисмоний шахслар томонидан кредитга бўлган таклифни ошишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун жисмоний шахсларни кредитлаш ва кредитлаш тизимини янада такомиллаштириш зарур.

Кредит товар-пул муносабатлари мавжуд шароитдаги такрор ишлаб чиқариш жараёнининг ажралмас бир қисми бўлиб, товар ишлаб чиқариш кредит муносабатлари вужудга келишининг табиий асоси ҳисобланади. Кредит орқали жамиятимизда қўйидаги ижобий натижаларга эришиш мумкин: биринчидан, фондлар айланиши жараёнида четга чиқиб, бўш қолган маблағларнинг ҳаракатсиз туриб қолишининг олдини олинади. Иккинчидан, такрор ишлаб чиқаришни кенг доирада узлуксиз давом эттиришга имконият яратилади.

Банк амалиётида жисмоний шахсларни кредитлаш жараёни, унинг турлари ва аҳамияти мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш асосида аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш, аҳолининг кундан-кунга ўсиб бораётган истеъмол эҳтиёжини қондириш имкониятидан фойдаланиш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Мазкур йўналишда белгиланган вазифаларни ҳал этишда аҳолига истеъмол кредитлари ажратиш муҳим ўрин тутади.

Истеъмол кредити тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни билан тартибга солинади. Истеъмол кредити кўпроқ ижтимоий аҳамиятга эга бўлганлиги учун аҳолининг ўз фаолияти натижасида олган даромадлари, пенсия ва бошқа даромадларга эга бўлган жисмоний шахслар бу кредитдан фойдаланишлари мумкин.

Қарз олувчи олинаётган истеъмол кредити таъминоти сифатида қуйидаги таъминот турларини тақдим этиши мумкин:

• банк ёки суғурта компаниясининг кафолати ва суғурта компаниялари кредитни қайтарилмаслик хатарининг суғурталанганлиги тўғрисидаги суғурта полислари;

• юридик ва жисмоний шахсларнинг кафиллиги;

• мол-мулк гарови (кўчмас ва ҳаракатланувчи мол-мулк);

• молиявий барқарор бўлган юридик шахсларнинг муомалага чиқарилган қимматли қоғозлари гарови.

Мижознинг тўлаган бошланғич бадали гаров сифатида депозитга олинади ва банк ушбу депозитга олинаётган кредитга ўрнатилган фоиз ставкасининг ярми миқдорида фоиз тўловини тўлайди.

Истеъмол кредити бўйича олинган товарнинг сифатига эътирозлар бўлган ҳолда истеъмолчи бу товарни бошқа худди шундай товарга алмаштириб олишга ёки истеъмол кредитини рад этиб товарнинг пулини қайтиб олишга ҳақлидир. Молиявий истеъмол кредити ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, банк ва бошқа кредит ташкилотлари томонидан пул шаклида берилади.

Банкнинг кредит учун фоизи кредит суммасининг 100% дан ҳисобланади. Банк дастлабки бошланғич бадал суммасига йиллик 2 фоиз миқдорида кредит олувчига фоиз тўлайди. Бу сумма кредит олувчининг даромади ҳисобланади.

Тижорат банклари томонидан таълим кредитлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001-йил 26-июндаги 318-сонли қарори билан тасдиқланган “Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида”ги низомга мувофиқ ажратилади. [2]

Кредит шартнома шартларининг бажарилиши тижорат банки томонидан мониторинг қилиб борилади. Агарда таълим кредити ва у бўйича фоизлар шартномада келишилган муддатларда тўланмаса банк ундирувни таъминотга қўйилган мулкка ёки нарсага қаратади ва кредитни қайтариб олиш чораларини кўради.

Аҳолининг кенг қатлами, шу жумладан, ёш оилалар учун уй-жой қурилишини ва реконструкция қилишни молиялаштириш ва ипотека кредитлари бериш Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”, “Банк ва банклар фаолияти тўғрисида”[3,4], “Ипотека тўғрисида”ги қонунлари, “Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ва “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги[5] Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ҳамда банклар фаолиятига оид бошқа мэъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Ипотека кредити аҳолига ва ёш оилаларга кредитланаётган кўчмас мулк объектини гаровга олиш орқали уй-жой қуриш, уни реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун бериладиган узоқ муддатли кредит, Ипотека кредитлари жисмоний шахсларга уларнинг яшаш (рўйхатдан ўтган) жойидаги банк филиали томонидан шартнома асосида ва қайтаришлик, тўловлилик, таъминланганлик, мақсадли фойдаланиш ва муддатлилик шартларида берилади.

Умуман олганда, ипотека кредити бўйича банк томонидан йилига 12-16 фоиздан 20 фоизгача миқдорда, баъзи мижозлар учун банк кредит қўмитаси қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан кам бўлмаган миқдорда фоизлар белгиланиши мумкин. Уйни ёки кўп хонадонли уйлардаги хонадонни сотиб олиш учун банк томонидан кредит бериш қарз олувчи номига алоҳида ссуда ҳисоб рақами очиш ҳамда ушбу

ҳисоб рақамдан қарз олувчининг ёзма топшириқномаси асосида турар жой эгаси бўлган жисмоний шахс сотувчининг омонат ҳисоб рақамига пул маблағларини нақд пулсиз шаклда мемориал ордер воситасида ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Жисмоний шахс ипотека кредитини иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, пенсиялар, гонорарлар, дивидендлар, фоизлар ва қимматли қоғозлар бўйича олинадиган бошқа даромадлар ҳисобидан нақд пулсиз шаклдаги маблағлар ўтказиш йўли билан, нақд пул топшириш йўли билан, пул маблағларини қарз олувчининг банкдаги омонатлари бўйича ҳисоб рақамларидан ўтказиш йўли билан, пул маблағларини банк пластик карточкаларидан ўтказиш йўли билан, пул маблағларини қарз олувчининг иш берувчиси томонидан моддий ёрдам ва ипотека кредитини тўлаш учун ажратилган бошқа маблағлар ҳисобидан нақд пулсиз шаклда ўтказиш йўли билан ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа усулларда қайтариш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 744-моддасига кўра, кредит шартномаси бўйича бир тараф — банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади. Қонун ҳужжатларига мувофиқ кредит ташкилотлари бўлмаган тижорат ташкилотларининг кредитлашни амалга оширишига йўл қўйилган ҳолларда кредит шартномаси тўғрисидаги қоидалар бундай тижорат ташкилотлари амалга оширадиган кредитлаш муносабатларига нисбатан қўлланади.

Кредит шартномаси бу — қарзнинг алоҳида, мустақил кўринишларидан биридир. Кредит шартномасида қарз берувчи сифатида фақат банк ёки Ўзбекистон Республикаси Марказий банки лицензиясига эга бўлган бошқа кредит ташкилоти қатнашиши мумкин. Кредит шартномаси иккала тарафга ҳам мажбурият юклайди. Ҳар бир тараф иккинчи тараф фойдасига мажбурият олади, масалан, кредитор қарздорга пул суммасини беришга мажбур ва келишилган муддат ўтганда, берилган пулни ва устама фоизларни талаб қилиш ҳуқуқига эга, қарз олувчи эса пул берилишини талаб қилишга ҳақли ва уни келишилган муддатда устамаси билан қайтаришга мажбур.

Қарз шартномасидан фарқли равишда, кредит шартномаси билан олинган пуллар ҳар доим ҳақ эвазига тузилиши шарт: қарзга олинган пул маблағларидан фойдаланганлиги учун қарздор маълум сумма асосида ҳисобланган фоизларни тўлашга мажбур.

Мамлакатимизда жисмоний шахсларни кредитлаш амалиётини такомиллаштириш бўйича кўплаб ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, жисмоний шахсларга бериладиган ипотека кредити механизмларни такомиллаштиришга оид рўйҳат рақами 5886-бўлган Президент қарорида тижорат банкларидаги ҳозирги ҳолат ва муоммолар ҳамда қилиниши керак бўлган вазифалар келтириб ўтилди.

Унга кўра мамлакатимизда арзон уй-жойлар ва кўп квартирали уйлар қуриш кўламини кенгайтириш, соҳага янги архитектура ва техник ечимларни жорий этиш орқали аҳолининг уй-жой маиший турмуш шароитларини яхшилаш бўйича изчил чоралар кўрилмоқда.

Ипотека кредитлари бериш кўламини янада кенгайтириш, хусусий пудрат ташкилотларини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож шахсларни қўллаб-қувватлашнинг янги механизмларини жорий этиш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва аҳоли пунктларининг урбанизация жараёнларини фаоллаштириш мақсадида:

Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг янги тартиби жорий этиш, унга мувофиқ: Ипотека бозорини узоқ муддатли ресурслар билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги пул маблағларини тижорат банкларига 20 йил муддатга бозор шартлари асосида жойлаштириш белгилаб берилди.

Тижорат банклари аҳолига ўз маблағлари ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан ипотека кредитларини тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкаси пасайтирилган тақдирда, Молия вазирлиги томонидан ажратилган маблағлар ва тижорат банкларининг ипотека кредитлари бўйича фоизлар мутаносиб равишда камаяди, оширилган тақдирда эса ўзгаришсиз қолади.

2020-йил 1-мартдан бошлаб субсидиялар олиш учун аризалар Ўзбекистон Республикаси Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали бериладиган бўлди.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний шахсларни кредитлаш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган муоммолар ва ечимлар қуйидагиларни ташкил этмоқда:

Жисмоний шахсларга бериладиган ипотека кредитларининг оддий кредитлардан кўра олишда кўпроқ вақт кетиши. Бунга асосий сабаб ҳужжатлаштириш жараёни ва тижорат банклари томонидан олиб бориладиган мониторинг жараёнинг муддатининг кўплиги ҳисобланади.

Жисмоний шахслар учун бериладиган уй-жой реконструкцияси учун бериладиган суммaнининг жисмоний шахсларга тўғридан - тўғри берилмаслиги.

Агар жисмоний шахс тижорат банкидан реконструкция учун маблағ олмоқчи бўлса пул маблағи жисмоний шахснинг ҳисоб рақамига емас, хом – ашё ташкилотига ўтказиб берилади. Бунинг яхши томони кредитнинг мақсадли ишлатилишини таминлаш ҳисобланади. Бироқ бу жисмоний шахсга бир нечта ноқулайлийлар туғдиради. Жумладан, жисмоний шахсда хом–ашё сотиб олиш учун танлов чекланади, ҳамкор ташкилотларни топиши ёкида ўша ташкилот билан қилинадиган ҳужжатлаштириш жараёни чўзилади ва ҳар бир ҳом ашёни сотиб олишда пул ўтиш жараёнини ҳужжатлаштириш талаб этилади.

Жисмоний шахсларга бериладиган онлайн кредитларда ҳам бир қанча муоммолар мавжуд. Масалан, пул маблағининг онлайн тарзда ҳар бир жисмоний шахснинг ўзини ойлиги, даромадидан келиб чиқган ҳолда берилиши. Бунда жисмоний шахс ўзи ҳоҳлаган суммани ола олмаслиги мумкин.

Агар жисмоний шахс тўлов манбаида солиқ чегирмасини қўлламаган бўлса, у ҳолда солиқ чегирмаси жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияси асосида тақдим этилиши мумкин.

Олий ўқув юртлари ва тижорат банклари томонидан маблағларни қайтариб бериш ушбу маблағлар олинган шахсларнинг ҳисоб варақларига ўтказиб бериш орқали амалга оширилади.

Жисмоний шахсларни кредитлаш амалиётини такомиллаштириш ва ҳужжатлаштиришдаги муоммоларни олдини олиш мақсадида бир нечта имкониятлар яратилди. Хусусан, кредит олаётганда керакли ҳужжатлар рўйхатидан "яшаш жойидан ва оила аъзолари" ҳақидаги маълумотномасини олиб ташланганлигини бунинг яққол мисолидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Фармон ва Қарорларига асосан стратегик аҳамиятга эга бўлган банкларнинг жисмоний шахсларни кредитлашдаги иштирокини фаоллаштириш мақсадида давлат бюджетидан тижорат банклари устав капиталини ошириш бўйича маблағлар ажратилиши белгилаб берилди.

Мазкур муаммони ечими сифатида банк соҳасида шаклланган назарий манбаларда таъкидланишича, банк кредит портфели иқтисодиёт тармоқларининг кредит ресурсларга бўлган реал эҳтиёжидан келиб чиқиб оқилона диверсификацияланиши лозим.

Жисмоний шахсларга берилган кредитларнинг асосий хусусияти шундан иборатки, бунда бир неча кредиторларнинг мавжудлиги, молиялаштириш учун берилган кредит суммаси ва у билан боғлиқ рискларнинг иштироки кредиторлар (банклар) ўртасида тақсимланишидадир.

Юқоридаги таклифларимиз банк кредит фаолиятига жорий этиш кредитлаш жараёнини, кредитни самарадорлигини яхшилаш борасида ва банкларнинг қисқа муддатли кредитлаш амалиётини такомиллаштиришга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати

1. *Ўзбекистон республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги "2020-2025-йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида"ги ПФ-5992-сонли фармони.*
2. *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001-йил 26-июндаги 318-сонли қарори билан тасдиқланган "Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида"ги низоми.*
3. *Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида"ги қонун. (янги таҳрирда) -Т.: "Ўзбекистон", 2019.*
4. *Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги қонун. (янги таҳрирда)-Т.: "Ўзбекистон", 2019.*
5. *www.lex.uz-Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.*

Corporate governance faculty BDA-88 group
Second year student Utbasarov Oybek Ixtiyor o'g'li
Research advisor University lecturer
Saidova Subhinigor Azizovna

THE IMPORTANCE OF FINANCIAL STRATEGY IN IMPROVING INNOVATIVE MANAGEMENT OF COMPANIES

Annotation. *The thesis describes the role and importance of financial strategy in the innovative management of companies, describes the stages of development, as well as the basis for choosing the financial strategy of the enterprise. At the end of the thesis, comments were made on improving the financial strategy chosen by the company.*

Keywords: *management, decisions, strategic plan, investment, financial strategy, accounting and analytical support, financial resources.*

As a result of the ongoing reforms in the economy of the country, the number of competitive enterprises is growing and the GDP is growing steadily. The favorable investment climate and competitive conditions created in our country play an important role in achieving such results. In addition, the stabilization of the financial condition of enterprises from year to year and the increase in investment attractiveness also allows to attract domestic and foreign investment in key sectors of the economy.

Determining the financial condition of enterprises, their efficiency in a competitive economy is very important not only for businesses, but also for creditors and investors, whose performance analysis is a task that reveals the performance of the enterprise to all stakeholders. Financial analysis can not only clarify the financial condition of the enterprise, but also show its various activities and prospects.

As businesses set clear goals, they set strategies to achieve them. However, in practice, the use of a combination of strategic methods and techniques does not automatically guarantee success, as the development and application of a strategy does not yet guarantee the intended effect. [1] The development of an enterprise development strategy begins with the definition of the main directions of its entrepreneurial activity. Based on this, the forms of its implementation are determined and the final selection is made. The strategy is a comprehensive plan in a detailed form, aimed at achieving the goals of any enterprise and achieving its goals.

Among the economic foundations and supports for the development of companies, strategic financial planning has a special theoretical and practical significance. Making a profit in a market economy and increasing their financial resources is the main goal of any enterprise, which requires identifying the needs for financial resources, the sources of their organization, the development of financial strategies to find internal opportunities to increase them. Its production involves several stages.

These include:

- *Long-term capacity assessment and development forecast.*
- *State the purpose of the enterprise and analyze its strengths and weaknesses.*
- *Development of criteria for generalization and optimization of strategic alternatives.*
- *Select the optimal strategy and plan the event.*

The financial strategy is part of the economic strategy and helps to implement the overall strategy of the enterprise. [2] There are two equally important tasks in the financial performance of any company:

- *The issue of attracting resources for economic activities.*
- *The task of allocating the received resources (investment).*

The generalized form of investment and credit strategies forms the financial strategy of the enterprise. The development of enterprises today is directly dependent on properly organized financial activities and credit and investment activities within it.

The restructuring of the enterprise and the formation of a self-governing structure will create an interconnected movement of a large number of legal entities, which in turn will require the development of the principles of financial and investment strategies in enterprise management.

Once the overall financial strategy of the enterprise has been developed, the specialized departments develop investment and credit strategies according to the enterprise strategy as well as the financial market situation. Such views, on the one hand, lead to the direction of the activities of departments towards a single goal. On the other hand, a well-thought-out financial strategy allows the enterprise management to plan the development of other areas of activity. [3]

The financial strategy of the company is aimed at ensuring the financial stability of its activities. Thus, the financial strategy of the enterprise is a combination of financial and strategic aspects of enterprise management, which represents the main direction of long-term financial development. In addition, the development and implementation of the financial strategy of the enterprise will provide them with the opportunity to obtain long-term directions of rational use of financial resources aimed at ensuring a stable level of profitability, growth in demand for products, liquidity and alternative risk.

The choice of enterprise financial strategy should be based on sound accounting and analytical support. The process of accounting and analytical substantiation of the financial strategy selected by the enterprise is carried out based on the results of financial analysis. The methodological basis of the accounting and analytical support of financial analysis in the selection of the financial strategy of the enterprise is the method of complex, systematic and situational strategic analysis with the participation of programming models. Accordingly, strategic analysis plays an important role in the structure of strategic financial management in the enterprise. [4]

The financial planning process analyzes a number of strategic issues, including determining the dynamics of capital efficiency, the need for financial resources, their future status and the impact of various factors.

The chosen financial strategy determines the perfect direction of the enterprise's development and ensures that the level of risk in the relationship between the enterprise and other market intermediaries can be reduced in advance using the established financial situation and the forecast of changes in financial resources.

The study of the process of financial regulation in enterprises allows to further define this activity in terms of the interaction of its individual elements, taking into account the practical tasks and to establish a sequence of decision-making in the development of financial strategy of the enterprise.

It includes:

- Data collection.
- Take into account the impact of the system of external constraints and opportunities.
- Bilateral control of the strategic goals of the enterprise by conducting an internal audit of the enterprise and assessing the impact of the external socio-economic environment on the enterprise.
- Select and implement a specific strategy in the form of a strategic financial plan.

It should be noted that the financial strategy of the enterprise should not consist of a general set of any decisions encountered in its activities, but a single goal-oriented system of decisions, each of which should consist of components representing different directions of the overall strategy.

Based on the above, it can be noted that the financial decisions of companies can be divided into two groups, namely, investment decisions and financing decisions.

While the first group represents the directions of financial resources needed by the enterprise, the second group shows how the necessary financial resources can be provided through the available sources of financing.

Investment decisions determine what investments are needed to address the challenges the enterprise is planning. These decisions include the financial evaluation of various projects and the selection of the most effective and attractive ones.

Once the entity has identified the appropriate type of investment for the relevant project, it determines the amount of funds required to finance the project. If the use of the proposed types of investment for the enterprise is not appropriate, then there is no need for additional financing for the enterprise, and in this case all the profits can be distributed among the founders.

References

1.Temirov, A.A. Features of the organization of effective financial management in the activities of enterprises // The role of management and corporate governance in the formation of the digital economy in Uzbekistan. Proceedings of the international scientific-practical conference. -T.: TDIU, 2020.

2.Zakirova, G.T., Temirov, A.A. Features of the organization of financial management in the activities of small enterprises. Journal of Innovation in Economics, 2019, №6 (16-22).

3.Bandurin, A., Gurjiev, V., Finansovaya strategiya korporatsii. -M.: Almaz, 2014. -p.89

4.Temirov A. Dividends and dividend policy. Study guide. –T.:TDIU, 2020, -163 p.

Utbasarov Oybek Ixtiyor o‘g‘li
Korporativ boshqaruv fakulteti BDA-88 guruh talabasi
Sodiqjonov Sherali
Jizzax iqtisodiyot va turizm texnikumi talabasi

THE IMPORTANCE OF FINANCIAL STRATEGY IN IMPROVING INNOVATIVE MANAGEMENT OF COMPANIES

Annotation. *The thesis describes the role and importance of financial strategy in the innovative management of companies, describes the stages of development, as well as the basis for choosing the financial strategy of the enterprise. At the end of the thesis, comments were made on improving the financial strategy chosen by the company.*

Keywords: *management, decisions, strategic plan, investment, financial strategy, accounting and analytical support, financial resources.*

As a result of the ongoing reforms in the economy of the country, the number of competitive enterprises is growing and the GDP is growing steadily. The favorable investment climate and competitive conditions created in our country play an important role in achieving such results. In addition, the stabilization of the financial condition of enterprises from year to year and the increase in investment attractiveness also allows to attract domestic and foreign investment in leading sectors of the economy. Determining the financial condition of enterprises, their efficiency in a competitive economy is very important not only for businesses, but also for creditors and investors, whose performance analysis is a task that reveals the performance of the enterprise to all stakeholders. Financial analysis can not only clarify the financial condition of the enterprise, but also show its various activities and prospects.

As businesses set clear goals, they set strategies to achieve them. However, in practice, the use of a combination of strategic methods and techniques cannot automatically ensure success, as the development and application of a strategy does not yet guarantee the intended effect. The development of an enterprise development strategy begins with the definition of the main directions of its entrepreneurial activity. Based on this, the forms of its implementation are determined and the final selection is made. The strategy is a comprehensive plan in a detailed form, aimed at achieving the goals of any enterprise and achieving its goals. [1] Among the economic foundations and supports for the development of companies, strategic financial planning has a special theoretical and practical significance. Making a profit in a market economy and increasing their financial resources is the main goal of any enterprise, which requires identifying the needs for financial resources, the sources of their organization, the development of financial strategies to find internal opportunities to increase them. Its production involves several stages.

These include:

1. Long-term capacity assessment and development forecast.

2. State the purpose of the enterprise and analyze its strengths and weaknesses.

3. Development of criteria for generalization and optimization of strategic alternatives.

4. Select the optimal strategy and plan the event.

The financial strategy is part of the economic strategy and helps to implement the overall strategy of the enterprise. [2] There are two equally important tasks in the financial performance of any company:

1. The issue of attracting resources for economic activities.

2. The task of allocating the received resources (investment).

The generalized form of investment and credit strategies forms the financial strategy of the enterprise. The development of enterprises today is directly dependent on properly organized financial activities and credit and investment activities within it.

The restructuring of the enterprise and the formation of a self-governing structure will create an interconnected movement of a large number of legal entities, which in turn will require the development of the principles of financial and investment strategies in enterprise management.

Once the overall financial strategy of the enterprise has been developed, the specialized departments develop investment and credit strategies according to the enterprise strategy as well as the financial market situation. Such views, on the one hand, lead to the direction of the activities of departments towards a single goal. On the other hand, a well-thought-out financial strategy allows the enterprise management to plan the development of other areas of activity. [3]

The financial strategy of the company is aimed at ensuring the financial stability of its activities. Thus, the financial strategy of the enterprise is a combination of financial and strategic aspects of enterprise management, which represents the main direction of long-term financial development. In addition, the development and implementation of the financial strategy of the enterprise will provide them with the opportunity to obtain long-term directions of rational use of financial resources aimed at ensuring a stable level of profitability, growth in demand for products, liquidity and alternative risk. The choice of enterprise financial strategy should be based on sound accounting and analytical support. The process of accounting and analytical substantiation of the financial strategy selected by the enterprise is carried out based on the results of financial analysis. The methodological basis of the accounting and analytical support of financial analysis in the selection of the financial strategy of the enterprise is the method of complex, systematic and situational strategic analysis with the participation of programming models. Accordingly, strategic analysis plays an important role in the structure of strategic financial management in the enterprise. [4]

The financial planning process analyzes a number of strategic issues, including determining the dynamics of capital efficiency, the need for financial resources, their future status and the impact of various factors. The chosen financial strategy determines the perfect direction of the enterprise's development and ensures that the level of risk in the relationship between the enterprise and other market intermediaries can be reduced in advance using the established financial situation and the forecast of changes in financial resources. The study of the process of financial regulation in enterprises allows to further define this activity in terms of the interaction of its individual elements, taking into account the practical tasks and to establish a sequence of decision-making in the development of financial strategy of the enterprise. It includes:

1. Data collection.
2. Take into account the impact of the system of external constraints and opportunities.
3. Bilateral control of the strategic goals of the enterprise by conducting an internal audit of the enterprise and assessing the impact of the external socio-economic environment on the enterprise.
4. Select and implement a specific strategy in the form of a strategic financial plan.

It should be noted that the financial strategy of the enterprise should not consist of a general set of any decisions encountered in its activities, but a single goal-oriented system of decisions, each of which should consist of components representing different directions of the overall strategy. Based on the above, it can be noted that the financial decisions of companies can be divided into two groups, namely, investment decisions and financing decisions. While the first group represents the directions of financial resources needed by the enterprise, the second group shows how the necessary financial resources can be provided through the available sources of financing. Investment decisions determine what investments are needed to address the challenges the enterprise is planning. These decisions include the financial evaluation of various projects and the selection of the most effective and attractive ones. Once the entity has identified the appropriate type of investment for the relevant project, it determines the amount of funds required to finance the project. If the use of the proposed types of investment for the enterprise is not appropriate, then there is no need for additional financing for the enterprise, and in this case all the profits can be distributed among the founders.

References

1.Темиров, А.А. Корхоналар фаолиятида самарали молиявий бошқарувни ташкил этиш хусусиятлари // Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни шакллантиришда менежмент ва корпоратив бошқарувнинг аҳамияти. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. -Т.: ТДИУ, 2020 й., №1 (120-123).

2.Закирова, Г.Т., Темиров, А.А. Кичик корхоналар фаолиятида молиявий менежментни ташкил қилиш хусусиятлари. Иқтисодиётда инновация журнали, 2019 й., №6 (16-22).

3.Бандурин, А., Гуржиев, В., Нургалиев, Р. Финансовая стратегия корпорации. -М.: Алмаз, 2014. -с.89

4.Темиров А. Дивидендлар ва дивиденд сиёсати. Ўқув қўлланма. –Т.ТДИУ, 2020 й., -163 б.

БДА-92 гуруҳ 1-курс талабаси
Хомидов Саидумар
Илмий раҳбар PhD.доц.,
Камилова Ирода Хуснитдиновна

ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ РОЛИ

Аннотация: *Ушбу мақолада иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантиришда инвестицияларнинг роли , назарий ва амалий жиҳатлари тадқиқ қилинган. Муаллиф тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда, Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришдаги ролини оширишга қаратилган илмий таклифларни ишлаб чиққан.*

Калит сўзлар: *реал сектори , инвестиция, тижорат банки, иқтисодиёт, протекционизм, ресурслар, савдо айланмаси, экспорт ҳудудий лойиҳалар.*

Кириш

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг янги тараққиёти пойдеворига келган бир даврда иқтисодиётнинг барқарор ўсишини янада таъминлаш, реал сектор тармоқларини модернизациялаш ва техник технологик янгилаш, инвестицион муҳитни шакллантириш ва уни жозибадорлигини ошириш, экспорт хажмини оширишда ташқи савдо муносабатларини янада ривожлантириш шунингдек ҳусусий тадбиркорлиикка кенг имконият яратиш муҳимдир. Бу эса ўз навбатида мамлакатимизга йирик ҳажмда инвестициялар киритишни талаб қилади ҳамда мазкур жараёнда банкларининг ролини янада оширади. Тижорат банклари иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг инвестицион харажатларини молиялаштиришнинг муҳим манбаи ҳисобланади. Ҳусусан, инвестиция фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш борасида президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Бизда инвестиция дастурларини шакллантиришда пухта режалаштирилган, узоқ муддатга мўлжалланган ягона концепция йўқ. Ҳар бир давлат ташрифида биз хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича бир неча миллиард АҚШ долларилик келишувларга эришмоқдамиз. Аммо, бу келишувларни амалга ошириш жуда сусткашлик билан бормоқда. Негаки, бу борада аниқ ишлайдиган тизим мавжуд эмас. Амалдаги инвестиция дастурларида аниқ бир лойиҳага оид маълумотлар йўқ. Улар шу мақсадда иқтисодий наф бермайдиган, истиқболи инвестициялар йўқ, молиялаштириш манбалари аниқ бўлмаган лойиҳаларни ҳам дастурга қўшиб юбориш, лойиҳа нархини асоссиз ошириб кўрсатиш, бир сўз билан айтганда, кўзбўямачилик билан шуғулланмоқда” дея таъкидлаб ўтилган. Шунингдек, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёти стратегиясида ҳам хорижий ва махаллий инвестицияларни жалб этиш стратегиясини ишлаб чикиб, амалга ошириш, инвестициялар учун вужудга келадиган кескин ракобатга карши чоралар ва хорижий инвестицияларни жалб килишнинг янги самарали механизмлар ҳамда ички инвестиция ресурсларини рагбатлантириш механизмлари бўйича мамлакатда реинвестиция даражасини ошириш чора тадбирлари, шунингдек худудлардаги инвестиция кўрсаткичларидаги диспропорцияларни қискартириш устувор ривожлантириш механизмларини ишлаб чикиш каби муҳим мақсад ва аниқ вазифалар белгиланди. Ушбу жараёнда мамлакатимизда олиб борилаётган ҳар қандай инвестицион фаолиятни тубдан қайта кўриб чиқиш, стратегик аҳамиятга молик инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш, хорижий инвесторлар учун ишончли ва самарали инвестиция лойиҳаларини тақдим этиш ҳамда банкларнининг ресурс барқарорлигини юқори таъминланиши ташқи савдо муносабатларини кенг ривожланишида муҳим ўринга эга. Сўнгги йилларда мамлакатимиздаги барқарорлик ва қулай инвестиция муҳити натижасида ташқи иқтисодий алоқалар изчил ривожланмоқда.

Таҳлил ва натижалар

Ҳусусан, 2021 йилда жами 10 миллиард доллардан ортиқ, жумладан, 8 миллиард 100 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштирилган. Бунинг натижасида 318 та йирик ва 15 мингдан зиёд ҳудудий лойиҳалар амалга оширилиб, 273 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этилган. Янги корхоналар жами 1 миллиард доллардан зиёд экспорт ва 530 миллион долларлик импорт ўрнини тўлдириш имкониятига эга. Албатта, коронавирус пандемияси ҳали-ҳамон иқтисодий жараёнларга жиддий таъсир ўтказмоқда. Шунга қарамай, экспортда изчил

ўсишга эришилмоқда. Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси жаҳоннинг 140 дан ортиқ мамлакатлари билан савдо-сотиқ алоқаларини амалга оширмоқда. Ҳусусан, 2021 йилда Ўзбекистон ташқи савдо айланмаси 2020 йилга нисбатан 16%га ўсиб, $42,1 млрдни ташкил етди. Экспорт ҳажми 10%га ошиб, $16,6 млрдга етган бўлса, импорт 20,4%га ўсиб, $25,46 млрдни ташкил этди. Саноат товарлари экспорти олтин экспортидан ўзиб кетди.Ўзбекистоннинг асосий ташқи савдо ҳамкорлари орасида Россия (умумий савдо айланмасининг 17,9%), Хитой (17,7%), Қозоғистон (9,3%), Туркия (8,1%) ва Жанубий Корея (4,5%) давлатлари қолмоқда. 2021 йилда Ўзбекистондан экспортнинг асосий қисмини саноат товарлари (умумий экспортнинг 26,1%), олтин (24,7%), хизматлар (15,3%) ва озиқ-овқат товарлари (8,3%) ташкил етди. Ўзбекистоннинг ҳозирги асосий савдо ҳамкорлари — Буюк Британия, Германия, Ўпония, Швейсария, АКШ, Жанубий Корея, Россия, Италия, Нидерландия, Белгия, Туркия, Франсия, Хитой ва бошқа давлатлар Ташқарига товар чиқариш таркибида машина ва асбобускуналар, рангли металлар ва енергия воситалари ўрин олмоқда. Қувонарлиси, Ўзбекистоннинг Ташқи савдода фақат хом ашё воситалари билан қатнашувига барҳам берилмоқса, экспорт таркиби сезиларли кенгаймоқда. Реал сектор корхоналарига тижорат банклар томонидан бевосита инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда таркибий ўзгаришлар белгиланганки, асосан кредит маблағлари ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш муҳимдир.

Хулоса ва таклифлар

Демакки, устувор инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда манбалар тақчиллиги шароитида тижорат банклари маблағларини йўналтириш ҳамда уларнинг ролини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда мамлакатимиздаги ташқи савдо фаолиятини ривожлантиришга таъсир кўрсатаётган бир қатор муаммолар банкларнинг ўз мажбуриятлари доирасидаги молиявий жавобгарлиги рискининг ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Демак, ташқи савдо фаолияти ва инвестицияларни ривожлантириш мақсадида, фикримизча, қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Мамлакатимизда хусусий сектор маҳсулотлари ва хизматларини ички ва ташқи бозорга чиқариш ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

2. Соҳага чет эл инвестициялари ҳамда янги технологияларни жалб етиш учун қулай шароитлар яратиш

3. Тадбиркорлик субъектига маҳсулот ва хизматлар экспорт қилишда ташкилий, ҳуқуқий ва молиявий ёрдам кўрсатиш;

4. Дунё бозоридаги талабларни ўрганиш ва ишлаб чиқарилаётган миллий маҳсулотларимиз сифатини ошириш;

5. Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солишни мувофиқлаштириш;

6. Мамлакат ички ва ташқи иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, шу жумладан, ташқи иқтисодий мувозанатни таъминлаш, экспорт ва импорт муносабатларда илғор силжишларни рағбатлантириш, хорижий капитал оқимини кучайтириш, ваколатли давлат ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган қонунчилик, ижроия ва назорат қилиш йўналишидаги чора-тадбирлар тизимини кучайтириш;

7. Ташқи иқтисодий фаолиятни оқилона тартибга солиш.

Бу эса ўз навбатида, мамлакатнинг ўзига хос ички ва ташқи шароитларини инобатга олган ҳолда, жаҳон бозорининг салбий ўзгаришларидан ҳимоя қилувчи, унда эгалланган мавқени сақлаб қолиш ва кенгайтиришни таъминловчи мақбул даражадаги протекционизм ва эркин савдо сиёсати қўлланилишини тақозо этади.

Манбалар:

1. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь*
2. *https://www.gazeta.uz/oz/2022/01/21/trade/*
3. *Ўзбекистон Республикасининг статистик Ахборотномаси.*
4. *Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси.*

Abdihakimova Qumrixon Rustamjon qizi
Jizzax iqtisodiyot va turizm texnikumi talabasi

MILLIY BANK-MOLIYA TIZIMIGA ZAMONAVIY TEXNOLOGIYALARNI KENG JORIY QILISH YANGI O‘ZBEKISTONNING TARAQQIYOT STRATEGIYASINING USTUVOR MAQSADLARIDAN BIRI SIFATIDA

Annotatsiya: *Ushbu maqolada bank-moliya tizimiga zamonaviy moliyaviy texnologiyalarni (“fintech”) joriy qilish orqali 2022-2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasida raqamlashtirish bo‘yicha qo‘yilgan maqsadni izchil amalga oshirishga oid xalqaro va milliy tajriba atroflicha tahlil qilingan.*

2022-2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasida iqtisodiy islohotlarning asosiy yo‘nalishi sifatida bank-moliya tizmini raqamlashtirish orqali yangi moliyaviy texnologiyalarni keng joriy qilish гыегмщк vazifa etib belgilangan. Xususan, taraqqiyot strategiyasining 25-maqsadi raqamli iqtisodiyotni asosiy “drayver” sohaga aylantirib, uning hajmini kamida 2,5 baravar oshirishga qaratilgan ishlarni olib borish bo‘lib, 2026-yilga qadar iqtisodiyotning real sektori hamda bank-moliya sohalarida ishlab chiqarish va operatsion jarayonlarni raqamlashtirish darajasini 70 foizga yetkazish ko‘rsatib o‘tilgan [1].

O‘tgan davrda mamlakatimizda bank-moliya sohasini raqamlashtirishda salmoqli ishlar amalga oshirilgan bo‘lsada, zamonaviy moliyaviy texnologiyalarni (fintech – “financial technologies”) joriy qilishga bo‘lgan e’tibor davlat darajasiga ko‘tarilishi bejizga emas. Darhaqiqat, so‘nggi yillarda respublikamizda raqamli banklar, bir nechta elektron to‘lov tizimlari hamda tijorat banklarining mobil ilovalari yaratilib, raqamli bank xizmatlari bozori yaratildi va raqobat muhiti shakllantirildi. Biroq joriy qilingan mazkur moliyaviy texnologiyalar raqamli transformatsiya jarayonining dastlabki bosqichi bo‘lib, uni yanada chuqurlashtirish va xalqaro moliyaviy tizimga to‘liq mosligi va integratsiyasini ta’minlash zarurati mavjud.

Hozirgi kunda moliyaviy texnologiyalar jahon texnologik bozorining eng jadal rivojlanib borayotgan segmentlaridan biri hisoblanib, 2021-yilda ular orqali ko‘rsatilgan xizmatlar hajmi 9,3 trillion dollarga yetgan va 2020-yilga nisbatan 26,9 foizga o‘sgan [2]. Bunda mobil hamyonlar, raqamli pullar, qog'ozsiz kreditlash kabi innovatsiyalarning joriy qilinishi hamda xalqaro elektron tijorat platformalari rivoji, shuningdek, ilg‘or texnologiyalar sohasiga investitsiyalar hajmining muntazam ortib borayotgani hamda rivojlangan davlatlarning sohaga bo‘lgan e’tiborining kuchayayotgani moliyaviy texnologiyalarning rivojiga ijobiy ta’sir ko‘rsatib, hayotimizga tobora chuqurroq kirib borishiga yo‘l ochmoqda. Bundan tashqari, moliyaviy texnologiyalar bank tizimining an’anaviy qiyofasini butkul o‘zgartirib, mijozlar bilan munosabatlarni tamomila boshqa yo‘singa solish barobarida bank xizmatlarini ko‘rsatish jarayonining barcha bosqichlarida muhim o‘rinni egallamoqda. Ayniqsa, bugungi kunda moliyaviy texnologiyalar bank tizimida ma'lumotlarni to‘plash, tahlil qilish va bank xizmatlarini ko‘rsatishning asosiy vositasiga aylanib ulgurdi. Shu bilan birga, ular xalqaro bank tizimida mijozlarning ma'lumotlarini saqlash va qayta ishlash, ularning maxfiyligi va xavfsizligini ta’milash, ehtimoliy xavflar va tavakkalchiliklar, moliyaviy firibgarliklar, pul yuvish va boshqa noqonuniy harakatlarni aniqlash imkoniyatini bermoqda.

Bank sohasiga zamonaviy moliyaviy texnologiyalarning kirib kelishi jahon moliya tizimida to‘liq raqamlashgan, butunlay yangicha uslubda ishlaydigan to‘laqonli tijorat banklari – “neobank”larni paydo bo‘lishiga zamin yaratdi. Ta’bir joiz bo‘lsa, ilk neobankka 2009-yilda Germaniyada asos solingan bo‘lib, o‘tgan 11 yil davomida neobanklar qariyb 319 marta oshdi va ular tomonidan 2021-yilda 47,4 milliard dollarlik bank xizmatlari ko‘rsatildi [3]. Mazkur tendensiya saqlanib qolib, yillik 53,7 foiz sof o‘sishni namoyon qilgan holda 2030-yilga qadar xizmatlar hajmi 2,1 trillion dollarga yetishi kutilmoqda [4].

Respublikamizda zamonaviy moliyaviy texnologiyalaridan foydalanish 2002-yildan boshlangan bo‘lib, ilk qadam plastik to‘lov kartalarini joriy qilishdan boshlandi. 2012-yilda plastik kartalarni boshqarish va chakana to‘lovlarni real vaqt rejimida amalga oshirish imkoni beruvchi mobil ilovalar amaliyotga tatbiq etildi. Bugungi kunga kelib, mamlakatimizda 2 ta (“Anorbank” va “Apelsin bank”) raqamli tijorat banki, 3 ta (“UzCard”, “Humo”, “United Fintech”) to‘lov tizimi, 39 ta to‘lov tashkiloti, 10 ta elektron pullar tizimi faoliyat ko‘rsatib kelmoqda. Shuningdek, 27,1 million dona bank plastik kartalari, 433,4 ming dona to‘lov terminallari, qariyb 13,0 ming dona bankomat va infokiosklardan foydalanilmoqda [5].



1-rasm. Masofaviy bank xizmatlaridan foydalanuvchilar soni dinamikasi
Manba: O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki, 2022.

Ta’kidlash lozimki, joriy etilgan zamonaviy moliyaviy texnologiyalar mijozlar o‘rtasida keng ommalashmoqda. Ayniqsa, masofaviy bank xizmatlari, xususan, taqdim etilayotgan informatsion va tranzaksion xizmatlar jismoniy va yuridik shaxslarning moliyaviy faoliyatiga chuqur kirib bormoqda (1-rasm). Jumladan, bank-mijoz, internet-banking, mobil banking va SMS-banking xizmatlari bankka bormasdan turib nafaqat to‘lovlarni o‘tkazish va to‘lov jarayonini nazorat qilish, balki barcha hisobotlarni olish imkoniyatini ham bermoqda.

Xulosa qilib aytish mumkinki, mamlakatimizni barcha jabhalarda teng va mutanosib rivojini ta’minlaydigan mukammal dastur sifatida, Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi bank tizimini jahondagi eng ilg‘or usullar, yondashuv va texnologiyalarni joriy qilgan holda ular bilan tengma-teng hamkorlik qilishini ko‘zda tutadi. Yuqorida keltirilgan tahlillar va fikrlar respublikamizda zamonaviy moliyaviy texnologiyalar joriy qilinganini, biroq ularni yanada rivojlantirish butun iqtisodiyotimizni modernizatsiya qilish hamda raqobatbardosh bank tizimini shakllantirishdagi ahamiyatini ko‘rsatib beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. *O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 30-dekabrdagi “O‘zbekiston Respub-likasining 2022-2026-yillarga mo‘ljallangan investitsiya dasturini tasdiqlash hamda investitsiya loyihalarini boshqarishning yangi yondashuv va mexanizmlarini joriy etish to‘g‘risida” PQ-72-son qarori. https://lex.uz/docs/-5801123.*
2. *Global FinTech Market Report 2021: Market was Valued at $7301.78 Billion in 2020 - Forecast to 2026. Research and Markets. 2022. Dublin, Ireland. www.researchandmarkets.com*
3. *Neobanking Market Size, Share & Trends Analysis Report by Account Type (Business, Savings), by Application (Enterprises, Personal), by Region (Asia Pacific, Europe), and Segment Forecasts, 2022 - 2030. Grand View Research. 2022. San Francisco, the USA. www.grandviewresearch.com*
4. *Global Neobanking Market (2022 to 2030) - Size, Share & Trends Analysis Report. Research and Markets. 2022. Dublin, Ireland. www.researchandmarkets.com*
5. *O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankining rasmiy ve-sayti. https://cbu.uz/oz/payment-systems/*

Abdurazzaqova Durdona Xasanboy qizi
Jizzax iqtisodiyot va turizm texnikumi talabasi

2022 - 2026-YILLARGA MO‘LJALLANGAN YANGI O‘ZBEKISTONNING TARAQQIYOT STRATEGIYASINI IZCHIL AMALGA OSHIRISHDA XALQARO MOLIYA TASHKILOTLARI BILAN HAMKORLIKING O‘RNI: JAHON BANKI MISOLIDA

Annotatsiya: *Ushbu maqolada 2022 - 2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasida belgilab berilgan vazifalarni amalga oshirishda xalqaro moliya tashkilotlari bilan hamkorlikning o‘rni va ahamiyati, hamkorlikning hozirgi holati va istiqbollari yoritib berilgan.*

So‘nggi yillarda mamlakatimizda amalga oshirilgan izchil iqtisodiy islohotlar natijasida millliy iqtisodiyotimizning barcha soha va tarmoqlariga xorijiy investitsiyalar barobarida xalqaro moliya tashkilotlari va chet el tijorat banklarining mablag‘lari ham keng jalb qilinmoqda. Xususan, so‘nggi yillarda Jahon Banki guruhi, Osiyo taraqqiyot banki, Islom taraqqiyot banki, Yevropa tiklanish va taraqqiyot banki kabi xalqaro moliya tashkilotlari hamda Xitoy eksport-import banki, Rossiya Federatsiyasining Tashqi iqtisodiy hamkorlik korporatsiyasi, Koreya eksport-import banki singari nufuzli xorijiy tijorat banklari bilan respublikamizdagi yirik investitsiya loyihalarini moliyalashtirishda hamkorlik qilib kelinmoqda.

Prezidentimizning 2021-yil 30-dekabrdagi “O‘zbekiston Respublikasining 2022 -2026-yillarga mo‘ljallangan investitsiya dasturini tasdiqlash hamda investitsiya loyihalarini boshqarishning yangi yondashuv va mexanizmlarini joriy etish to‘g‘risida”gi PQ-72-sonli qaroriga muvofiq 105 ta yirik loyihaga xalqaro moliya tashkilotlari va chet el tijorat banklarining 13,4 milliard AQSH dollariga teng mablag‘larini imtiyozli shartlarda jalb qilinishi belgilangan. Shundan 87 ta loyihaga 17 ta xalqaro moliya tashkilotining 11,2 milliard AQSH dollari miqdorida mablag‘lari, qolgan 18 ta loyihaga 8 ta xorijiy tijorat bankining 2,2 millard AQSH dollari miqdoridagi mablag‘lari jalb qilinishi ko‘zda tutilgan [1].

1-jadval. Xalqaro moliya tashkilotlari tomonidan moliyalashtirilayotgan loyihalar

Xalqaro tashkilot nomi	**Loyihalar soni**	**Mablag‘ miqdori,** *(mln. dollar)*
Jahon banki	25	3 590,2
Osiyo taraqqiyot banki	16	1 861,1
Yevropa tiklanish va taraqqiyot banki	9	627,4
Islom taraqqiyot banki	6	317,8
Fransiya taraqqiyot agentligi	3	153,2
Saudiya taraqqiyot jamg‘armasi	3	96,6
Yaponiya xalqaro hamkorlik agentligi	3	926,4
Osiyo infratuzilma investitsiyalar banki	2	550,6

Manba: 2022-2026-yillarga mo‘ljallangan investitsiya dasturi ma’lumotlari asosida muallif ishlanmasi.

1-jadval ma’lumotlaridan ko‘rinadiki, milliy iqtisodiyotimiz rivojiga eng ko‘p ko‘maklashayotgan xalqaro moliya tashkiloti Jahon Banki guruhi bo‘lib, uning tarkibidagi tashkilotlar tomonidan 25 ta loyiha uchun qariyb 3,6 milliard AQSH dollari miqdorida mablag‘ yo‘naltirilgan. Kuchli uchlikdan 16 ta lohiyaga 1,9 milliard dollar mablag‘ bilan Osiyo taraqqiyot banki va 9 ta loyihaga 0,6 milliard dollar mablag‘ bilan Yevropa tiklanish va taraqqiyot banki o‘rin olgan. Shuningdek, Fransiya, Saudiya Arabistoni va Yaponiyaning davlat moliya tashkilotlari mablag‘lari ham jalb etilgan [1].

2-jadval. Xorijiy tijorat banklari tomonidan moliyalashtirilayotgan loyihalar

Xalqaro tashkilot nomi	**Loyihalar soni**	**Mablag‘ miqdori,** *(mln. dollar)*
Xitoy eksport-import banki	6	193,0
Yaponiya xalqaro hamkorlik banki	3	163,0
“VEB.RF” korporatsiyasi (Rossiya Federatsiyasi)	4	920,8
“KfW” banki (Germaniya)	1	59,0
Koreya eksport-import banki	1	40,0
Rossiya eksport-import banki	1	12,3
“UniCredit Bank” (Avstriya)	1	9,4

Manba: 2022-2026-yillarga mo‘ljallangan investitsiya dasturi ma’lumotlari asosida muallif ishlanmasi

Bundan tashqari, xorijiy tijorat banklari tomonidan ham mamlakatimizda amalga oshirilayotgan investitsiya loyihalariga mablag‘ yo‘naltirish yanada kengayib, Xitoy eksport-import banki 6 ta loyihaga 193,0 million AQSH dollari, Rossiya Federatsiyasining “VEB.RF” (yoki “Vneshekonombank”)

korporatsiyasi 4 ta loyihaga 920,8 mln AQSH dollari hamda Yaponiya xalqaro hamkorlik bankining 3 ta loyihaga 163,0 million AQSH dollari miqdorida mablag‘ ajratgan (2-jadval). E’tiborlisi shundaki, xorijiy tijorat banklari mablag‘larining jalb etilishi xalqaro hamjamiyatning mamlakatimizdagi siyosiy barqarorlik, iqtisodiy yuksalish va amalga oshirilayotgan ijobiy o‘zgarishlarga nisbatan ishonchi ortib borayotgani ko‘rsatadi. Xususan, moliyalashtirish talablari ancha yuqori va loyihaga nisbatan o‘ta talabchan bo‘lgan Yevropadagi eng nufuzli banklarning mamlakatimizdagi loyihalardagi ishtiroki yuqoridagi fikrimizni yana bir bor isbotlaydi [1].

Ta’kidlash lozimki, mazkur mablag‘lar uzoqni ko‘zlangan holda iqtisodiyotning tayanch soha va tarmoqlarini rivojlantishiga hamda ijtimoiy sohadagi e’tibor qaratilishi lozim bo‘lgan muammolarni hal qilishga qaratilgan muhim loyihalarni amalga oshirishga yo‘naltirilmoqda. Jumladan, energetika sohasidagi 27 ta loyihaga 3,8 milliard dollar, qishloq xo‘jaligi sohasidagi 11 ta loyihaga 2,3 milliard dollar, uy-joy va kommunal sohadagi 19 ta loyihaga 1,9 milliard dollar, suv xo‘jaligidagi 6 ta loyihaga 1,6 milliard dollar, transport va yo‘lsozlik tizimini yaxshilash bo‘yicha 8 ta loyihaga 1,3 milliard dollar, sog‘liqni saqlash tizmidagi 14 ta loyihaga 1,0 milliard dollardan ortiq mablag‘ ajratilgan [1].

1-chizma. Xalqaro moliya tashkilotlari va chet el tijorat banklarining mablag‘lari hisobidan amalha oshirilayotgan loyihalar



Manba: 2022-2026-yillarga mo‘ljallangan investitsiya dasturi ma’lumotlari asosida muallif ishlanmasi.

Yuqorida ta’kidlanganidek, Jahon banki respublikamizdagi iqtisodiy-ijtimoiy islohotlarni moliyaviy va texnik qo‘llab-quvvatlashda asosiy xalqaro moliya tashkiloti hisoblanib, jalb qilingan jami xorijiy kreditlar, grantlar va texnik ko‘mak mablag‘larining salkam 27 foizi uning hissasiga to‘g‘ri keladi. Bugungi kunda O‘zbekiston Jahon bankidan jalb qilingan mablag‘lar hajmi bo‘yicha Yevropa va Markaziy Osiyo mintaqasida Turkiyadan keyin ikkinchi o‘rinni egallaydi. 2016-2022-yillar uchun Jahon banki guruhining jami kredit portfelida 26 ta loyiha bo‘lib, ularning umumiy hajmi 4,8 milliard dollarni tashkil etmoqda. Shundan 3,1 milliard dollar Xalqaro taraqqiyot uyushmasiga, qolgan 1,7 milliard dollar Xalqaro tiklanish va taraqqiyot banki hissasiga tog‘ri kelmoqda [2].

Jahon banki 2018-yilda mamlakatimiz mamlakatimiz bilan hamkorlik dasturini butunlay qayta ko‘rib chiqib, asosiy e’tiborni 2016-yildan beri izchillik bilan davom etayotgan keng qamrovli islohotlarni qo‘llab-quvvatlashga yo‘naltirildi. Mazkur hamkorlik dasturida 3 ta ustuvor yo‘nalishga alohida ahamiyat berish belgilangan bo‘lib, ular bozor iqtisodiyotiga barqaror o‘tish, davlat sektorini isloh qilish va fuqarolarning faolligini oshirish hamda inson kapitaliga, shu jumladan sog'liqni saqlash va ta'lim sohasini rivojlantirishni ko‘zda tutadi. 2020-yilda ushbu hamkorlik dasturiga yangi ustuvor yo‘nalish – koronavirus pandemiyasining aholi salomatligi va farovonligiga hamda iqtisodiyotga ko‘rsatgan salbiy ta'sirini yumshatishga ko‘maklashish qo‘shildi.

Hozirda 2022-2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasida belgilab berilgan vazifalardan kelib chiqqan holda ushbu davrga mo‘ljallangan yangi hamkorlik strategiyasi ishlab chiqilmoqda [3]. Bunda ustuvor yo‘nalish sifatida quyidagi jabhalarga alohida e’tibor berilmoqda:

- moslashuvchan va “inklyuziv” xususiy sektorni rivojlantirish;

- davlat sektori faoliyatining samaradorligi va hisobdorligini oshirish;
- aholi va inson kapitaliga ko‘proq sarmoya kiritish;
- raqobatbardosh, barqaror va “yashil” iqtisodiy o‘sish modeliga o‘tish.

Xulosa o‘rnida aytish mumkinki, jadal iqtisodiy integratsiya sharoitida tub islohotlarni amalga oshirish orqali uzoq muddatli barqaror iqtisodiy taraqqiyot yo‘lini tanlagan hech bir davlat xalqaro hamkorlar ko‘magi va bevosita ishtirokisiz oldiga qo‘ygan maqsadlariga erisha olmaydi. Ushbu jihatni inobatga olgan holda xalqaro moliya tashkilotlari va xorijiy banklar bilan ko‘p qirrali va manfaatli hamkorlikni yo‘lga qo‘yish orqali energetika, qishloq xo‘jaligi, kommunal soha, ta’lim va sog‘liqni saqlash tizimidagi ko‘p yillardan beri yechimini kutayotgan muammolarni hal qilish, iqtisodiyot tarmoqlari barqarorligini ta’minlash hamda ijtimoiy sohani tubdan yaxshilash, pirovardida esa aholi turmush darajasini yanada yuksaltirish choralari ko‘rilmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. *O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 30-dekabrdagi “O‘zbekiston Respublikasining 2022 - 2026-yillarga mo‘ljallangan investitsiya dasturini tasdiqlash hamda investitsiya loyihalarini boshqarishning yangi yondashuv va mexanizmlarini joriy etish to‘g‘risida” PQ-72-son qarori. https://lex.uz/docs/-5801123.*
2. *Jahon banki guruhining rasmiy veb-sayti. www.worldbank.org*
3. *O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “2022 - 2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-60-sonli Farmoni. https://lex.uz/docs/-5841063*

Jumayeva Go‘zal, KB-75 guruh talabasi
Ilmiy rahbar: i.f.n., dots. A.A. Temirov

AKSIYADORLIK JAMIYATLARIDA KORPORATIV BOSHQARUVNI TASHKIL ETISH XUSUSIYATLARI VA UNI BAHOLASH USULLARI

Annotasiya: *Ilmiy tezisda talaba tomonidan aktsiyadorlik jamiyatlari korporativ boshqaruv tizimini baholash usullari yoritilgan, ulardan mamlakatimiz kompaniyalari faoliyatida foydalanish bo‘yicha takliflar berilgan.*

Bugungi kunga kelib dunyo miqyosida keng qo‘llaniladigan tushunchalardan biri korporativ boshqaruv tushunchasidir. Bunga korporativ boshqaruv organlari tomonidan faoliyati samarali tashkil etilib kelinayotgan yirik aksiyadorlik kompaniyalari, transmilliy korporatsiyalar va hokozolarning milliy vajahon iqtisodiyotidagi o‘rni sabab bo‘lmoqda. Shundan kelib chiqqan holda dunyoning deyarli barcha mamlakatlarida, xususan mamlakatimizda ham korporativ boshqaruv tizimini samarali tashkil etish masalasiga jiddiy e’tibor qaratilib kelinmoqda. Keltirilayotgan jihatlar sabab korporativ boshqaruvning iqtisodiy mohiyati, uning maqsad va vazifalarini to‘g‘ri anglash maqsadga muvofiq.

Korporativ boshqaruvning iqtisodiy mohiyati uzoq yillardan buyon o‘rganib kelinmoqda va bu borada tadqiqotchilarning fikrlari xilma-xilligiga guvoh bo‘lish mumkin. O‘zaro aloqadorlik nuqtai nazaridan esa korporativ boshqaruv tuzilmasi tashkilotdagi turli xil ishtirokchilar o‘rtasidagi huquq va majburiyatlar taqsimotini belgilab beradi. Bunda aksiyadorlar, kengash a’zolari, menejerlar va boshqa hissadorlar o‘rtasida qaror qabul qilishdagi jarayonlar va tartiblar belgilab beriladi. Aksiyadorlar nuqtai nazaridan korporativ boshqaruv kengash faoliyati hamda uning aksiyadorlar, menejerlar, tashqi auditorlar va boshqalar bilan aloqadorligini nazarda tutadi. Korporativ boshqaruv kompaniyaning ta’sischilar (aksiyadorlar) oldidagi javobgarligi va huquqlarini ifodalovchi jarayon sifatida ifodalanadi [3].

Samarali korporativ boshqaruv - investorlar uchun aksiyalarni sotib olish, uzoq muddatli investitsiyalarni amalga oshirish uchun signaldir. Chunki, samarali korporativ boshqaruv inqiroz vaziyatlarni ro‘y berish xavfini kamaytiradi yoki hech bo‘lmaganda ularning muvaffaqiyatli hal etilish ehtimolini oshiradi, aksiyadorlar va investorlar bilan munosabatlarning ochiqligini ta’minlaydi. Korporativ boshqaruv tizimining samaradorligi o‘z navbatida quyidagilarni ta’minlaydi. Xususan:

-kompaniya bozor qiymatini oshiradi;
-moliyaviy bozorlarda raqobatbardoshligini oshiradi;
-kreditlashtirish qiymatini pasaytiradi;
-investorlar uchun yanada jozibador qiladi.

Rivojlangan mamlakatlar amaliyotida aksiyadorlik jamiyatlari korporativ boshqaruv tizimini baholash orqali kuzatuv kengashi, ijroiya organi faoliyat samaradorligini baholashga alohida e’tibor qaratiladi. Bu o‘z navbatida korporativ boshqaruv tizimi samaradorligini baholash turli mezonlar asosida

amalga oshiriladi. Bunda korporativ boshqaruv tizimini baholash Korporativ boshqaruv kodeksi asosida amalga oshiriladi.

Jahon tajribasida aksiyadorlik jamiyatlarning korporativ boshqaruv tizimini baholash bo‘yicha reytinglar belgilash metodologiyasini qo‘llaniladi. Korporativ boshqaruvning standartlashtirish va baholash uslublarini ishlab chiqishda:

-GAMMA (Standard & Poor’s) (AQSh),

-GMI (Governance Metrics International) (AQSh),

-"Euromoney" jurnali (Buyuk Britaniya),

-Rossiya korporativ huquq va boshqaruv instituti (Core rating metodikasi) metodologiyalari alohida o‘rin tutadi.

Korporativ boshqaruvni baholashga doir metodologiyalarning aksariyati 1999 yilda qabul qilingan Iqtisodiy Hamkorlik va Taraqqiyot Tashkiloti (OECD) tomonidan ishlab chiqilgan korporativ boshqaruv tamoyillariga asoslanadi [1].

Korporativ boshqaruv faoliyatini keltirilgan usullarining qariyib barchasida korporativ boshqaruv tamoyillari asosida aksiyadorlar ta’siri, huquqi, Direktorlar Kengashining strategik jarayonlardagi samaradorligi va mukofotlash tizimi, Moliyaviy shaffoflik va tashqi nazorat, Ijro etuvchi organlarning vakolatlari, Korporativ ahloq kodeksining mavjudligi, Risklarni mavjud emasligi kabi komponentlar belgilangan [4].

Mamlakatimizdagi aksiyadorlik jamiyatlarida korporativ boshqaruv tizimi O‘zbekiston Respublikasi Davlat raqobat qo‘mitasi va Korporativ boshqaruv ilmiy-ta’lim markazi tomonidan 2016 yil 25 iyulda tasdiqlangan va 9 ta baholash yo‘nalishiga jamlangan yuzta savoldan tarkib topgan savolnoma asosida baholanib kelinmoqda. Bunda baholash yo‘nalishlari quyidagilardan iborat:

1.Korporativ boshqaruv kodeksini joriy etishga tayyorgarlik jarayonini baholash.

2. Kodeks tavsiyalariga amal qilinishini baholash.

3. AJ tashkiliy tuzilmasi muvofiqligini baholash.

4. Tanlov o‘tkazilishini baholash.

5. MHXS va XASga muvofiq e’lon qilishga o‘tishni baholash.

6. Zamonaviy boshqaruv tizimlari joriy etilishini baholash (ISO, ERP, ITTKI va b.).

7. Axborot siyosatini baholash.

8. Moliyaviy natijalarni baholash.

9. AJ faoliyatining boshqa yo‘nalishlarini baholash.

Yuqoridagilardan kelib chiqqan holda korporativ boshqaruvni baholash metodologiyasida quyidagi ko‘rsatkichlar guruhidan foydalanish muhim hisoblanadi. Bular:

-aksiyadorlar huquqi va ularning ta’siri (aksiyadorlarning huquqlari, aksiyadorlarning huquqlarini buzish ehtimoli yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan risklar, shuningdek, aksiyadorlar huquqlarini himoya qilish bo‘yicha kompaniyaning tashabbusi) tahlil qilinadi;

- boshqaruv organlari faoliyatining samaradorligi va ichki nazorat (Kuzatuv kengashi va ijro etuvchi organlarning tarkibi va faoliyati, kompaniyaning moliya-xo‘jalik faoliyati ustidan ichki nazorat tizimining ishlashi, boshqaruv organlari o‘rtasidagi o‘zaro hamkorlik);

-oshkoralik va axborotni oshkor qilish (moliyaviy va nomoliyaviy axborotni oshkor qilish darajasi, axborotni oshkor qilishning umumiy tartibini baholash, barcha aksiyadorlar va boshqa manfaatdor tomonlar uchun ma’lumotlarning mavjudligi);

- korporativ etika va barqaror rivojlanish (ijtimoiy mas’uliyat) (korporativ ijtimoiy javobgarlikni tahlil qilish va boshqa manfaatdor tomonlarning manfaatlarini hisobga olish).

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. *Tricker B. Oxford. Corporate governance: Principles, Policiyes, and Practices. 4th edition. UK, 2019.*
2. *Михайлов Д.М. Корпоративное управление. Учебное пособие. -М.: КНОРУС.2013. 256 с.*
3. *Temirov A., Xalikov U., Maxmudov S. korporativ boshqaruv faoliyati tahli va baholash. Darslik. - T.: innovatsiya rivojlanish nashriet-matbaa uyi, 2021. -184 b.*
4. *Турсунов Г. Важность корпоративного управления АО в современном развитии экономики страны // Бизнес-эксперт, № 3, 2017.*
5. *Исаев Д. Корпоративное управление и стратегический менеджмент: информационный аспект. Litres, 2019.*

Azimjonov Shahboz, KB - 76 guruh talabasi
Ilmiy rahbar: i.f.n., dots. A.A. Temirov

AKSIYADORLIK JAMIYATLARI KORPORATIV BOSHQARUVIDA MOLIYAVIY STRATEGIYA VA UNI RIVOJLANTIRISH YO‘LLARI

Annotasiya: *Tezisda muallif tomonidan aksiyadorlik jamiyatlari korporativ boshqaruvida moliyaviy strategiyaning o‘rni yoritilgan, shuningdek uni rivojlantirish yo‘llari bo‘yicha takliflar ishlab chiqilgan.*

Iqtisodiy rivojlanishning hozirgi sharoitidagi holatlar va ularning o‘zgaruvchanligi tezligi korxonalar tomonidan bozorda o‘z o‘rnida qolish va rivojlanishining strategik yo‘nalishlarini ishlab chiqish zaruriyatini yuzaga keltiradi. Har tomonlama to‘liq va ishonchli ishlab chiqilgan rivojlanish strategiyasi korxonalarga o‘z rivojlanishining moliyaviy imkoniyatlarini to‘g'ri baholash va kelgusidagi yo‘nalishlariga moliyaviy mablag'larni sarflash uchun imkoniyatlar yaratadi.

Korxonaning muvaffaqiyatli faoliyati nafaqat boshqaruvning joriy ishidagi zamonaviy va to‘g'ri qarorlar qabul qilishga, balki hozirgi sharoitdagi moliyaviy tizimdagi o‘zgarishlarni hisobga olgan holdagi ishlab chiqiladigan strategiya masalalariga ham bog'liqdir. Strategiya o‘zida har qanday korxonaning o‘z oldiga qo‘yilgan vazifani amalga oshirish hamda maqsadga erishishni mo‘ljallangan detallashtirilgan shakldagi har tomonlama reja hisoblanadi [1].

Strategiyani ishlab chiqarish bir necha bosqichni o‘z ichiga oladi. Bular qatoriga quyidagilar kiradi:

1. Uzoq muddatli imkoniyatlarni baholash va rivojlanish prognozi.
2. Korxonaning maqsadini bildirish va uning kuchli va kuchsiz tomonlarni tahlil qilish.
3. Strategik alternativlarni umumlashtirish va optimallashtirish mezonlarini ishlab chiqish.
4. Optimal strategiyani tanlash va tadbirni rejalashtirish.

Moliyaviiy strategiya iqtisodiy strategiyaning bir qismi bo‘lib, korxonaning umumiy strategiyasini amalga oshirilishiga ko‘maklashadi.Korxonanning moliyaviy strategiyasini ishlab chiqish uning tadbirkorlik faoliyatini asosiy yo‘nalishlarini aniqlashdan boshlanadi. Bundan kelib chiqqan holda uning amalga oshirilish shakllari belgilanadi va yakuniy tanlov bajariladi.

Korxonaning umumiy moliyaviy strategiyasi ishlab chiqilgandan so‘ng, maxsus bo‘limlar korxona strategiyasi ko‘ra, shuningdek, moliyaviy bozor holatiga ko‘ra investision va kredit strategiyalarini ishlab chiqadilar. Bunday qarashlar bir tomondan bo‘limlarning faoliyatini yagona maqsad tomon yo‘naltirishga olib keladi. Boshqa tomondan esa, puxta o‘ylangan moliyaviy strategiya korxona menejmentiga faoliyatning boshqa yo‘nalishlarini rivojlantirishni rejalashtirish imkonini beradi.

Har qanday korxonaning moliyaviy strategiyasi o‘z faoliyatini moliyaviy barqarorligini ta'minlashga qaratilgan. Korxona moliyaviy strategiyasi korxonani boshqarishning moliyaviy va strategik jihatlarining birlashuvi bo‘lib, moliyaviy taraqqiyotining uzoq muddatdagi bosh yo‘nalishini ifodalaydi [2].

Bundan tashqari korxonaning moliyaviy strategiyasini ishlab chiqilish va amalga oshirilishi ular faoliyatida barqaror foyda darajasini, mahsulotlarga talab miqdorining o‘sishini, likvidlilik va muqobil risk darajasining saqlanishini ta'minlashga qaratilgan moliyaviy resurslardan oqilona foydalanishning uzoq muddatli yo‘nalishlarini olish imkoniyatini ta'minlashga xizmat qiladi.

Korxona moliyaviy strategiyasini tanlashda moliyaviy tahlilning hisob-analitik ta'minotining metodologik asosini kompleks, tizimli va holatli strategik tahlilning dasturlashtirish modellari ishtirokidagi usuli tashkil etadi. Shunga ko‘ra, korxonada strategik moliyaviy boshqaruvning tarkibida strategik tahlil muhim o‘rin egallaydi.

Tanlangan moliyaviy strategiya korxona taraqqiyotining mukammal yo‘nalishini belgilaydi va tuzilgan moliyaviy holat hamda moliyaviy resurslarning o‘zgarishi tahmini yordamida korxona bilan bozorning boshqa vositachilari o‘rtasidagi o‘zaro munosabatlarda risk darajasini oldindan kamaytira olishni ta'minlaydi.

Korxona moliyaviy strategiyasining tanlanishi mustahkam hisob-analitik ta'minotga asoslanishi kerak. Korxona tomonidan tanlangan moliyaviy strategiyaning hisob-analitik asoslanishi jarayoni moliyaviy tahlil yakunlariga ko‘ra amalga oshiriladi. Korxonalar faoliyatni boshqarishda muhim ahamiyat kasb etadigan moliyaviy strategiyani fikrimizcha, quyidagicha ifodalash mumkin.

1-rasm.Korxonaning moliyaviy strategiyasi

Korxona moliyaviy strategiyasini tanlashning hisob-analitik ta'minotini rivojlantirish istiqbollari yuzasidan shuni ta'kidlash mumkinki, analitik yondoshuv va tahlil usullari tahlilning ma'lumot bazasi kengayib borishi bilan yanada takomillashadi. Moliyaviy strategiya tanlashga bunday yondoshuv hisob-analitik faoliyatning boshqaruv tabiatini aks ettiradi [4].

Bozor munosabatlari korxonalar faoliyatini samarali moliyaviy boshqarishni amalga oshirish uchun qulay sharoitlar yaratadi.

Korxona moliyaviy faoliyatida investision qarorlar qabul qilish masalasi hamda turli tadbirlarni moliyalashtirish yuzasidan qarorlar alohida ajratib qaralsada, bularning hammasi birgalikda korxona moliyaviy strategiyasining asosini tashkil etadi. Korxona boshqaruvining asosiy vazifasi har ikki qarorning korxona umumiy holatiga ta'sirini aniqlashdan iborat. Amaliyotda har ikkala qaror o‘zaro munosabatini inkor etish yoki hisobga olmaslik noxush holatlarga olib kelishi mumkin. Korxona faoliyatida moliyaviy qarorlarni ikki guruhga, ya'ni investision qarorlar va moliyalashtirish yuzasidan qarorlarga bo‘lish mumkin.

Birinchi guruh korxonaga zarur bo‘lgan moliyaviy resurslar yo‘nalishlarini ifodalasa, ikkinchi guruh mavjud moliyalashtirish manbalari orqali zarur moliyaviy mablag'larni qanday ta'minlash mumkinligini ko‘rsatadi.

Shuni alohida ta'kidlash lozimki, korxona moliyaviy strategiyasi korxona faoliyatida uchraydigan har qanday qarorlarning umumiy yig'indisidan iborat bo‘lmay, balki yagona maqsadga qaratilgan qarorlar tizimi bo‘lib, ularning har biri yaxlit strategiyaning turli yo‘nalishlarini ifodalovchi tarkibiy qismdan iborat bo‘lishi kerak.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Tricker B. Oxford. Corporate governance: Principles, Policiyes, and Practices. 4th edition. UK, 2019.

2. Ashurov Z.A. Korporativ boshqaruvning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmi va uni takomillashtirish masalalari // “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar”. № 4, 2017 ŭ

3. Sherqo‘zieva N. Aksiyadorlik jamiyatlari moliyaviy boshqaruv tizimida dividend siyosatining o‘rni. // Xalqaro moliya va hisob. №3. 2019 yil.

4. Temirov A., Xalikov U., Maxmudov S. korporativ boshqaruv faoliyati tahli va baholash. Darslik. - T.: innovatsiya rivojlanish nashriet-matbaa uyi, 2021. -184 b.

5. Temirov A., Maxmudov S. Korxonalar faoliyatida samarali korporativ boshqaruvni tashkil etish xususiyatlari // "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali. № 6, 2020.

Pokiza Eshquvatova, student, TSUE
Scientific supervisor: BoburUrinov,
Head of Corporate Governance Department, TSUE

UNDERSTANDING G20/ OECD INTERNANTIONAL PRINCIPLES

Abstract: *Good corporate governance is always underlying theme since corporations are the most common type of business in the world. Many countries have their codes, legislation, principles, recommendations on how to effectively form corporate governance. One of this kind of principles was recommended world widely by G20/ OECD which will be observed and analyzed in this essay. "Best practice " of corporate governance is concerned and crucial topic for many businessmen, politicians, government and also ordinary people as companies' activities influence them . Many organizations give their recommendations about "good corporate governance" and clearly define what qualities should have good companies. G20 and OECD is one which give their guideline related to 6 crucial part of governance.*

Key words: *principles, best practice, good corporate governance, stakeholders, board, management*

Organization for Economic Co-operation and Development is an intergovernmental organization to help economic progress and world trade. OECD was founded in 1961 holding as member of 38 countries. This organization helps to its countries to assist their economy, identify problems and generate solutions, identify good governance and make influential and needed policies. Actually OECD was renamed version of OEEC (Organization for European Economic Co-operation) formed in 1948. G20 (Group of Twenty) is also intergovernmental forum consisting of 19 countries and European Union. It was founded in 1999 as a result of global crises and to solve major issues of global economy such as financial stability, climate change mitigation and sustainable development. Principles were first implemented in 1999. In 2004 and 2015 it was updated. Principles give recommendations in order to implement good corporate governance in 6 key areas such as ensuring basis for an effective corporate governance, rights of shareholders, institutional investors, stock markets, and other intermediaries, the role of stakeholders, disclosure and transparency, the responsibilities of the board.

Ensuring the basis for an effective corporate governance framework

The corporate governance framework should promote transparent and fair markets, and the efficient allocation of resources. It should be consistent with the rule of law and support effective supervision and enforcement. It is said that one main purpose of effective corporate governance is making ensure market participants on their contracts. To make this process safe and reliable, there should be implemented effective corporate governance framework. What makes effective framework is legal, regulatory and institutional frameworks. Principle states that legal and regulatory elements of framework should be based on 'comply or explain' since what is appropriate for one company might not be appropriate to another. Also, corporate governance framework should be updated and adjusted according to new trends, circumstances of country or the globe.

A. The corporate governance framework should be developed with a view to its impact on overall economic performance, market integrity and the incentives it creates for market participants and the promotion of transparent and well-functioning markets

B. The legal and regulatory requirements that affect corporate governance practices should be consistent with the rule of law, transparent and enforceable.

C. The division of responsibilities among different authorities should be clearly articulated and designed to serve the public interest.

D. Stock market regulation should support effective corporate governance.

E. Supervisory, regulatory and enforcement authorities should have the authority, integrity and resources to fulfill their duties in a professional and objective manner. Moreover, their rulings should be timely, transparent and fully explained.

F. Cross-border co-operation should be enhanced, including through bilateral and multilateral arrangements for exchange of information

The rights and equitable treatment of shareholders and key ownership functions

In this part, it is said that CG framework should protect and provide equal treatment and exercise of rights of shareholders, even minority and foreign investors. Shareholder can take part in controlling company by voting and can have access to corporate information. But all shareholders vary in terms of interest so there should be board and executive office. Fundamental issues such as election of board

members, amendments to company's organic documents, approval of extraordinary transaction should be influenced by shareholders. Ex ante right are kind of rights which can give shareholder privilege. Ex post rights are the ones that can make possible to redress once shareholder rights are violated. The Principles support equal treatment for foreign and domestic shareholders. Also, board members and management board should be protected from litigation abuse. Shareholders should be informed about, can approve or reject on, about

1) amendments to the statutes, or articles of incorporation or similar governing documents of the company;

2) the authorization of additional shares;

3) extraordinary transactions, including the transfer of all or substantially all assets, that in effect result in the sale of the company.

Shareholders should participate in GM and should vote, should be informed of rules, voting procedures, sufficient and timely information concerning the date, location and agenda of general meetings, as well as full and timely information regarding the issues to be decided at the meeting. In many countries now can places agenda on GM by just filling several places written. Shareholders should be able to make their thoughts known about nomination , election and remuneration of the board and key executives Principles suggest disclosing information about candidates and about the directorship. Shareholders should be able to vote by person or absentia and any vote whether it is given in person or absentia should be accepted as equal. Proxy voting should be counted when they have proxy holder's direction. Obstacles while cross border voting should be removed. Shareholders should be informed in time that they can have enough time to make decisions. Shareholders, even institutional shareholders should be allowed to consult with each other about their fundamental rights which is stated in Principles. But this discussion should not go far which might be used to manipulate the market, full control over company or disobeying competition law. Regulators can make guidance's related to this matter in order not to make happen those problems.

If in the company there are shareholder who has massive control over company or hold control without holding enough equity, information about such kind of shareholders should be disclosed. The disclosure of capital structures and control arrangements should be required. Related party transactions should be approved and executed in a manner that ensuring that conflicts of interest are properly managed and protected the interests of the company and its shareholders. Related party transactions may cause conflict of interests that should be solved.

Institutional investors, stock markets, and other intermediaries

The principle suggests that corporate governance framework should motivate branches in the investment chain to be effectively and should make stock markets function in a way that contributes to corporate governance. It is true that investment chain now does not only consists of company and shareholder but several intermediaries (institutional investors, stock markets, proxies, broker, analyst and so on) between company and shareholder. Institutional investors such as mutual funds, pension funds, insurance companies hold their clients or shareholders' assets such as shares, securities and these assets are managed by special asset managers. Institutional investors engage in 2 different ways: with voting rights and without voting rights. In the second approach, there might be some problems since shares are owned by several people and they might not come to conclusion how to vote. That is why Principles recommends for institutional investors to disclose their policies. Principle doesn't call institutional investors to vote directly but it suggests to disclose information about how they use voting rights. Rules should be like that custodians shouldn't vote without presenting beneficiaries instructions. Also, custodians should give enough and relevant information to beneficiary to decide while doing options. Holders of depository receipts should be provided with the same ultimate rights and practical opportunities to participate in corporate governance.

According to principles, it is better for institutional investors with fiduciary capacity to disclose how they manage conflict of material interests that makes them not exercise ownership rights properly on behalf of their clients.

The role of stakeholders in corporate governance

Corporate governance framework should respect rights of stakeholders established by law or mutual contracts and encourage corporations and stakeholders to work cooperatively in creating wealth, jobs and sustainability. The rights of shareholders should be respected. In many countries, rights of shareholders are established by law, if it is not established it will be useful to make additional commitments. If stakeholder rights are stated by law, then stakeholders should be able to find redress when their rights are violated. Legal framework should work effectively and transparent in this matters.

Disclosure and transparency

Principles state that corporate governance framework should make certain that companies should disclose regular and relevant information about all material matters such as financial situation, performance, ownership and governance of the company. Disclosures can be both mandatory and voluntary. Also it required in most countries that they should be on timely basis: quarterly, semiannual, annual. All material developments which occurred between timely reports should be included in every report. Principles suggest that at least all material information should be disclosed to shareholders since they can exercise their ownership rights and it will provide equable treatment of all shareholders. Material information means that a reasonable investor considers as crucial information in decision making, valuation of equities and seeing overall performance of company. So disclosing should unreasonable or costly as well as companies should not put their competitiveness in danger by disclosing all information. Companies should disclose only material information. In practice disclosing is useful as it strengthens market integrity and investor confidence. Also, disclosure make public informed about what is governance, company and how they are doing and overall structure of company

Principles give the list of information that should be included while disclosing and they are:

1. The financial and operating results of company
2. Company objectives and non-financial information
3. Major share ownership, including beneficial owners, and voting rights
4. Remuneration of members of the board and key executives
5. Information about board members, including their qualifications, the selection process, other company directorships and whether they are regarded as independent by the board
6. Related party transactions
7. Foreseeable risk factors
8. Issues regarding employees and other stakeholders
9. Governance structures and policies, including the content of any corporate governance code or policy and the process by which it is implemented

The responsibilities of the board

According to principles, corporate governance framework should ensure three things: Strategic guidance, effective monitoring and accountability to shareholders and company by board. These three are main functions of the board and also there are other responsibilities which directors hold: achieving adequate return for shareholders, preventing conflicts of interest, balancing competing demands, overseeing the risk management system, ensuring that company obey applicable laws, dealing fairly with other stakeholders' interests and acting in their best interests, acting fairly and accountable. This principle asks board to have 2 fiduciary duties: duty of loyalty and duty of care. Duty of care consists of acting o informed basis, fairly and with due diligence and care. Duty of loyalty is the main since it is the cause of many frauds. Duty of loyalty is treating all shareholders equally, monitoring of related party transactions and the establishment of remuneration policy for key executives and board members. The board should treat all shareholders fairly, when decision made by board affects shareholders differently. Principles states that even though if director is appointed by a shareholder, he or she shouldn't act as shareholder's representative. High ethical standards work for long term interests of company and make company trustworthy and credible. There are several functions which board should fulfill:

1. Reviewing and guiding corporate strategy, major plans of action, risk management policies and procedures, annual budgets and business plans; setting performance objectives; monitoring implementation and corporate performance; and overseeing major capital expenditures, acquisitions and divestitures.
2. Observing whether governance practices is working effectively and if needed, making changes.
3. Selecting, compensating, monitoring and, when necessary, replacing key executives and overseeing succession planning
4. Aligning key executive and board remuneration with the longer term interests of the company and its shareholders. It is better for companies to set up remuneration policy in order to identify easily all matters that influence remuneration of board and executives.
5. Verifying that board nomination and election process is transparent and formal. There should be nomination committee which makes sure that nomination process is transparent and respected, choose what type of people will be needed for company and choose appropriate candidates and propose them to shareholders,

6. Observing and controlling potential conflicts of interest of management, board members and shareholders, including misuse of corporate assets and abuse in related party transactions. Board should encourage stakeholders to inform about any unethical action in the company without any fear. Company code of ethics also can help to this process.

7. Verifying integrity of systems: financial reporting, accounting reporting, independent audit, for risk management, for financial and operational control, for compliance with the law and for compliance with relevant standards.

8. Overseeing the process of disclosure and communications

Conclusion

To conclude, Principles give recommendations to company, jurisdictions and regulators for implementing corporate governance framework. Principles cover six crucial parts in the corporate governance. Given principles are clear and real cases, examples are given in detailed form. Accurate and relevant standards in OECD can help to establish good corporate governance framework in one jurisdiction.

References

1. *Bob Tricker Corporate Governance: Principles, Policies, And Practices 3Rd Edition Paperback – January 1, 2015*
2. *Bob Tricker Essentials for Board Directors: An A to Z Guide Paperback – May 27, 2009*
3. *Urinov, B. (2015). КОРПОРАТИВНЫЙ КОДЕКС ОСНОВА И ГАРАНТИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ КОРПОРАТИВНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ. "Бизнес - Эксперт" Журнали, 10(94), 50–53.*
4. *Urinov, B. (2020). REVIEW OF THE TRENDS OF MANAGEMENT: CORPORATE CULTURE OR ORGANIZATIONAL BEHAVIOR. EPRA International Journal of Economics, Business and Management Studies (EBMS), 7(2), 40–43. https://doi.org/10.36713/epra1013*
5. *Urinov, B.N. (2020) "THEORETICAL ASPECTS OF ORGANIZATIONAL BEHAVIOR AND CORPORATE CULTURE" Economics and Innovative Technologies: Vol. 2020: No. 2, Article 7. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot/vol2020/iss2/7*
6. *Карлибаева Р., Уринов Б., Актомова Н. Корпоратив бошқарувга кириш. Ўқув қўлланма– Т.: Иқтисодиёт, 2021. – 256 б.*
7. *Ашуров З., Джалилов Ф., Уринов Б. Замонавий корпоратив бошқарув. Ўқув қўлланма–Т.: Иқтисодиёт, 2021. – 192 б.*
8. *https://www.oecd.org/corporate/principles-corporate-governance/*
9. *https://www.investopedia.com/terms/a/anti-takeovermeasure.asp*

Berdiqulova Gulruh, KB-75 guruh talabasi
Ilmiy rahbar: i.f.n., dots. A.A. Temirov

KOMPANIYALAR BOSHQARUV FAOLIYATINI TASHKIL ETISHNING MOLIYAVIY MEXANIZMLARI

Annotasiya: *Tezisda muallif tomonidan aktsiyadorlik jamiyatlarida boshqaruv faoliyatini tashkil etishda qo'llaniladigan moliyaviy mexanizmlar va ularni takomillashtirish yo'llari to'g'risida ma'lumot berilgan*

Mamlakat iqtisodiy taraqqiyotining hozirgi bosqichidagi muhim masalalardan biri xo'jalik yurituvchi sub'ektining moliyaviy resurslari harakatini samarali boshqarish hisoblanadi. Moliyaviy resurslarning shakllanishi va ishlatilishi mexanizmi ularning mohiyatini tushunib olishni, amaliyotda moliyaviy menejment uslublari va ko'rsatmalaridan, shu jumladan moliyaviy tahlil, tahminlar tuzish va rejalashtirish kabi vositalardan foydalanishni talab etadi.

Bozor iqtisodiyoti taraqqiyotining shiddatliligi ko'pchilik korxonalarni to'lovga layoqatsizlikka va inqirozga yuz tutishga olib keladi. Bu sharoitlarda moliyaviy resurslarning mohiyatini faqatgina pul mablag'larining tashkil topish manbai sifatida tushunish ularning bozor iqtisodiyoti shakllanishi va tadbirkorlik faoliyatining taraqqiyotidagi roli va ahamiyatini to'la yorita olish imkonini bermaydi hamda korxonalar moliyaviy resurslarini oqilona boshqarishning ahamiyatini tushunib etmaslikka olib keladi. Shunday qilib, aksiyadorlik jamiyatlarining moliyaviy resurslari mohiyatini o'rganish va ularning yanada samaraliroq harakatini tashkil etish yo'llarini qidirib topish xo'jalik amaliyoti nazariyasi uchun dolzarb ahamiyatga ega.

Korporativ boshqaruv tashkiliy-iqtisodiy mexanizmining asosiy maqsadi – korporativ boshqaruv organlari tomonidan inklyuziv tarzda korporasiyaning tashkiliy (manfaatlar uyg'unligini ta'minlash, qarorlar samaradorligini oshirish, korporativ madaniyatni oshirish, samarali o‘zaro aloqa va hamkorlikka erishish) hamda iqtisodiy (foydani maksimallashtirish, investisiya jozibadorligini oshirish, kompaniya kapitallashuvini o‘stirish, raqobatbardoshlikni oshirish) maqsadlariga erishishlarini ta'minlash asosida korporasiya faoliyatini samarali olib borish va doimiy takomillashtirish. Buning asosiy g'oyasi shundaki, korporativ boshqaruvning har bir organi yaxshi korporativ boshqaruv amaliyotiga sodiq bo‘lgan holda hamda muayyan iqtisodiy ko‘rsatkichlarning ijobiy o‘zgarishiga ta'sir etgan holda kompaniyani samarali faoliyatini ta'minlashga o‘z hissasini qo‘shadi [1].

Boshqariladigan tizimning yetakchi sohasi sifatida xo‘jalik mexanizmi hamda uning tarkibiy qismi bo‘lgan moliya-kredit mexanizmi o‘rganilib kelinmoqda. Yagona boshqaruv ob'ekti sifatida moliya-kredit mexanizmi davlat va korxonalar pul oborotining birligini tan olishga asoslanadi. Boshqariladigan tizim sifatida korporativ boshqaruv soliqlar, baho, mehnatga haq to‘lash, investisiya siyosati, foiz stavkalari va boshqalar davlatning tartibga solish tadbirlari orqali turli xil boshqaruv qarorlari ta'siriga beriluvchan bo‘ladi.

Moliya-kredit mexanizmining amal qilishi, avvalo, korxonalar faoliyatini boshqarishga, xususan, ishlab chiqarishni rivojlantirish va kengaytirishning qo‘shimcha imkoniyatlarini aniqlash hamda ulardan keng foydalanishni ta'minlashga qaratilgan. Moliya-kredit mexanizmi korxona rahbarlari va xodimlari xulqiga, moliya-kredit jarayonlarini boshqarish va tegishli qarorlar qabul qilishga ta'sir ko‘rsatuvchi qator zvenolar kompleksiga egadir [2].

Korxonalar boshqaruv faoliyatini tashkil etishning moliyaviy mexanizmlari xo‘jalik sub'ektlarining pul daromadlarini shakllantirish va taqsimlash bilan bog'liq pul munosabatlarini boshqarish bo‘lib, ular yordamida moliya-kredit tizimi oldidagi majburiyatlarini bajarilishi amalga oshiriladi, shuningdek, takror ishlab chiqarish uchun hamda ish haqi va unga tenglashtirilgan mablag'larni berishga mo‘ljallanadi.

Korporativ boshqaruvning moliya-kredit mexanizmlari uch asosiy yo‘nalishini ajratib ko‘rsatish imkonini berdi. Bular:

1. Oqilona investision qarorlar qabul qilish (investision loyihalarni, investisiyalash yo‘nalishlarini baholash va tanlash).

2. Oqilona moliyaviy qarorlar qabul qilish (moliyaviy resurslarni shakllantirish va investisiyalash yo‘nalishlari bo‘yicha taqsimlash).

3. Samarali moliyaviy nazoratni ta'minlash (moliyaviy resurslarni saqlash va ko‘paytirish).

Korporativ boshqaruv faoliyatini moliya-kredit mexanizmi orqali tashkil etish xususiyatlari, avvalo korporativ moliyaning mohiyatini to‘la ifodalashi lozim. Fikrimizcha, korxonada korporativ boshqaruv faoliyatini foydani ko‘paytirish va korxona bozor qiymatining barqaror o‘sishini ta'minlash maqsadida moliyaviy munosabatlarni boshqarishning shakllari, usullari va tamoyillari yig'indisi sifatida talqin etilishi mumkin. Bunday talqin etish korxona moliyaviy faoliyatini tashkil etishning huquqiy va axborot ta'minotining holatidan kelib chiqadi.

Aksiyadorlik jamiyatlarida korporativ boshqaruv takror ishlab chiqarish funktsiyasining bajarilishi samaradorligi korxonaning foydaliligi va balans barqarorligi orqali xususiyatlanadi. Bunday talqin etishda korporativ boshqaruv funktsiyasining ikki asosiy turi, ya’ni boshqaruv ob'ektining hamda boshqaruv sub'ektining funktsiyalari ajratib ko‘rsatilmoqda.

Moliyaviy mablag'lar boshqaruvning barcha bo‘g'inlarida, ayniqsa, korxonaning strategik rivojlanishida muhim ahamiyat kasb etadi. Shunday qilib, boshqarishning muhim bo‘g'ini bo‘lgan moliyaviy menejment korxona boshqaruvida asosiy o‘rinni egallaydi. Aksiyadorlik jamiyatlari faoliyatida ularning moliyaviy boshqaruvini tashkil etishga quyidagi omillar ta'sir etadi:

1. Xo‘jalik yuritishning tashkiliy huquqiy shakli.

2. Tarmoqlarning texnik-iqtisodiy xususiyatlari.

Aksiyadorlik jamiyatlaridagi moliyaviy munosabatlar va moliyaviy ishlarni tashkil etish mazmuniga ularning tarmoq faoliyati ham sezilarli darajada ta'sir qiladi. Aksiyadorlik jamiyatlari moliyasini boshqarish moliyaviy mexanizm orqali amalga oshiriladi. Ta'kidlanganidek, moliyaviy mexanizm bu maksimal foyda olish maqsadida korxonaning moliyaviy boshqarish tizimi bo‘lib hisoblanadi [3]**.**

Aksiyadorlik jamiyatlari ixtiyoridagi moliyaviy mablag'lar markazlashmagan moliyaviy resurslar bo‘lib, ular:

- kapital quyilmalarga;
- aylanma mablag'larning oshishiga;

- fan - tehnika yutuklarini joriy qilishni moliyalashtirishga;
- tabiat muhofazasiga;
- ijtimoiy maqsadlarga sarflanishi mumkin .

Korxona moliyaviy ta'minotining nazorati moliyalashtirishning ichki manbalarini, aksiya va obligasiyalar sotilishidan tushgan mablag'lar hamda bank kreditlarining, korxonalarning tovar etkazib berishdagi o‘zaro qarzlaridan tashkil topgan to‘lovlarning kechiktirilishi yoki oldindan olinishi shaklidagi tijorat krediti tahlili orqali amalga oshiriladi.

Moliyalashtirishning turli manbalari o‘rtasidagi nisbat korxona moliyaviy holatining o‘z-o‘zini moliyalashtirish darajasi, likvidlilik va to‘lovga layoqatlilik kabi muhim ko‘rsatkichlarini belgilaydi. Korxona foydasining nazorati mahsulot sotish hajmiga, ishlab chiqarish va muomala xarajatlariga, korxona aktivlariga nisbatan amalga oshiriladi. So‘ngra korxonaning o‘z-o‘zini moliyalashtirish va foydalilik holatiga ko‘ra moliyaviy va foydalilik darajasi aniklanadi [4].

Shunday qilib, korporativ boshqaruv faoliyatini moliyaviy mexanizmlar orqali tashkil etilishi korxona maqsadlari va uni amalga oshirishdagi moliyaviy imkoniyatlar o‘rtasidagi ziddiyat hal etiladi. Bu esa bir tomondan, korxona foydaliligini ta'minlashi, boshqa tomondan esa moliyaviy riskni oldini olishi lozim bo‘ladi. Korporativ boshqaruv faoliyatini moliyaviy mexanizmlar orqali tashkil etilish uning boshqaruvi oldiga qo‘yilgan maqsadlariga erishish uchun pul resurslarini harakati va uni optimallashtirishga yo‘naltirilgan tizim hisoblanadi.

Fikrimizcha, korporativ boshqaruv tizimi o‘zini-o‘zi rivojlantirishi kerak. Bu esa innovasiyaga yo‘naltirilgan va investisiyalarni jalb qilish bo‘yicha g'oyalarni topish va qo‘llashda moslashuvchan bo‘lish sifatini yuzaga keltiradi. Shunday qilib, korxonalarining rivojlanishi amaldagi moliya munosabatlari tizimiga bevosita bog'liq bo‘lib, undagi asosiy muammo korxonaning rivojlanishi taraqqiyoti darajasi talablariga mos ravishda korporativ boshqaruv asoslarini to‘g'ri tashkil qilish hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Tricker B. Oxford. Corporate governance: Principles, Policiyes, and Practices. 4th edition. UK, 2019.

2. Ashurov Z.A. Korporativ boshqaruvning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmi va uni takomillashtirish masalalari // “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar”. № 4, 2017.

3. Temirov A., Xalikov U., Maxmudov S. korporativ boshqaruv faoliyati tahli va baholash. Darslik. - T.: innovatsiya rivojlanish nashriet-matbaa uyi, 2021. -184 b.

4. Мўминова Э.А. Корпоратив бошқарув асосидаги корхоналарда модернизациялаш жараёнларини амалга ошириш хусусиятлари // “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 6, 2020.

Umida Gofurova, student TSUE
Scientific supervisor: Bobur Urinov,
Head of Corporate Governance Department, TSUE

WHAT IS CORPORATE GOVERNANCE AND IMPORTANCE OF CORPORATE GOVERNANCE?

Annotation. *In the given article considered first step to corporate governance, short definition of process in corporate governance. And describes importance of corporate governance.*

Key words. *Corporate governance, governance, rules, stakeholders, board of directors, companies.*

A system of rules, policies, and processes that regulates and governs a firm is known as corporate governance. Corporate governance primarily entails balancing the interests of the company's various stakeholders, including shareholders, senior management, consumers, suppliers, financiers, the government, and society.

Because corporate governance is also the foundation for attaining firm goals, it encompasses nearly every aspect of management, from action plans and internal controls to performance reviews and corporate information sharing.

Governance is the collection of rules, regulations, policies, and resolutions put in place to govern company action. Proxy advisers and shareholders are essential stakeholders who have an indirect impact

on governance, but they are not instances of governance in and of themselves. The board of directors plays an important role in governance, and its decisions can have a significant impact on share valuation.

Corporate governance is crucial to investors because it demonstrates a company's direction and business integrity. Good corporate governance enables businesses to create confidence with their investors and the community. As a result, corporate governance promotes financial viability by providing market players with a long-term investment opportunity.

Communicating a company's corporate governance is a key component of public and investor relations. In Investor Relations, a company describes its corporate governance structure, including its articles of association and governing documents such as the company's management (executive team, board of directors) and committee charters and articles of association, shareholder rules, etc.

Most companies are looking for a high level of corporate governance. Many shareholders are not enough for the company to be profitable. In addition, environmental awareness, ethical behavior and voice corporate governance practices must demonstrate excellent corporate citizenship. The great corporate governance creates transparent rules and controls that allow shareholders, directors, and civil servants horizontal incentives. Corporate Governance and Council The Board is a major direct stakeholder that affects corporate governance. The director shall be elected by the shareholders or the other member of the Council shall appoint a shareholder of the company. The Board of Directors is responsible for making important decisions such as the appointment of company officers, officer remuneration and dividend policies. Board responsibilities often go beyond financial optimization, for example when shareholder decisions require prioritization of certain social or environmental issues [1].

Boards are often made up of internal and independent members. Insiders are the major shareholders, founders and managers. Independent directors are selected based on their experience in managing or leading other large corporations, although they do not have internal connections. Independents are considered useful for governance because they reduce concentration of power and help align shareholder interests with insider interests. The Board of Directors must ensure that the company's corporate governance policies include corporate strategy, risk management, accountability, transparency and ethical business practices.

Why is corporate governance important?

Corporate governance is important because it creates a system of rules and practices that govern how a company operates and how it coordinates the interests of all stakeholders. Good corporate governance leads to ethical business practices that lead to financial feasibility.

At a glance, good corporate governance ensures that the board of directors meets regularly to maintain control of the business, its responsibilities are clearly divided and the risk management system is maintained. The company secretary is responsible for ensuring that board procedures are followed and that all relevant rules and regulations are complied with. You also need to ensure that your organization keeps you informed of all required submissions to your local registrar.

Governance systems often vary from company to company, but corporate governance can include more tasks. Applying good corporate governance allows companies to manage risks and reduce opportunities for corruption. Often, scandals and fraud within a company are more likely to occur when directors and senior management are not required to follow a formal code of governance. The board of directors should meet regularly, maintain control over the business, and supervise the board of directors so it can see how the business is doing. In addition, a good corporate governance regime will clarify the duties of each company officer and encourage them to keep those duties in mind when making decisions [2].

Having an excellent system of corporate governance will also ensure that the company protects its members, officers and management. By ensuring that the company keeps its documents on its books and keeps the records required by law, they are protected. Keeping these records also means that company officers can be held accountable for their actions if necessary. It also means that a shareholder cannot unnecessarily challenge the actions of managers. They can view the company's books, adopted resolutions and board minutes if necessary and rest assured that officials are acting within their authority. Although the idea of restructuring or even selling a business may seem far-fetched, good corporate governance is something that should always be kept in mind. In an attempt to refinance or even sell the business, investors and buyers will be looking for a well-organized business model [5].

Businesses without up-to-date books or records find it difficult to attract the best buyers. In addition, companies are increasingly aware of their public image and the need to act ethically. Good corporate governance, board meetings, and board decision-making can keep these goals in mind. When a company practices good corporate governance with adequate disclosure, the public feels that the company and brand are trustworthy and ultimately helps to enhance the company's reputation. Corporate governance has established itself as an essential tool for the operation and growth of our business and will continue to grow in importance. All companies are encouraged to take steps to improve the quality of their corporate governance system in order to improve their operations.

Reference

1. Cadbury, Adrian (2002) Corporate Governance and Chairmanship: A Personal View, Oxford: Oxford University Press

2. Bob Tricker Corporate Governance: Principles, Policies, And Practices 3Rd Edition Paperback – January 1, 2015

3. Bob Tricker Essentials for Board Directors: An A to Z Guide Paperback – May 27, 2009

4. Urinov, B. (2016). Research of motivation problems in personnel management. Journal of Management Value & Ethics (A Quarterly Publication of GMA), Vol. 6 (№3), 41–46 .

5. Уринов Б. Н. ПРОБЛЕМА КОРПОРАТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ //Проблемы экономики. – 2014. – №. 5. – С. 21-22.

6. Urinov, B. (2015). КОРПОРАТИВНЫЙ КОДЕКС ОСНОВА И ГАРАНТИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ КОРПОРАТИВНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ. "Бизнес - Эксперт" Журнали, 10(94), 50–53.

7. Urinov, B. (2020). REVIEW OF THE TRENDS OF MANAGEMENT: CORPORATE CULTURE OR ORGANIZATIONAL BEHAVIOR. EPRA International Journal of Economics, Business and Management Studies (EBMS), 7(2), 40–43. https://doi.org/10.36713/epra1013

8. Urinov, B.N. (2020) "THEORETICAL ASPECTS OF ORGANIZATIONAL BEHAVIOR AND CORPORATE CULTURE" Economics and Innovative Technologies: Vol. 2020: No. 2, Article 7. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot/vol2020/iss2/7

9. Карлибаева Р., Уринов Б., Актомова Н. Корпоратив бошқарувга кириш. Ўқув қўлланма–Т.: Иқтисодиёт, 2021. – 256 б.

10. Ашуров З., Джалилов Ф., Уринов Б. Замонавий корпоратив бошқарув. Ўқув қўлланма–Т.: Иқтисодиёт, 2021. – 192 б.

Toshkent davlat iqtisodiyoti universtiteti talabasi
Ibragimov Xusniddin
Toshkent davlat iqtisodiyoti universtiteti O'qituvchisi
Akramova Nazokat

KOPORATIV BOSHQARUV NAZARIYASI, AMALIYOTI VA TADBIG'I

Annatatsiya. *Korporativ boshqaruv asli nima ekanligi tushuncha va tahlil Korporativ boshqaruv tizimini O'zbekiston sharoitida yanada rivojlantirish,uni kompaniyalar orasida ommalashtirish,aholining korporativ boshqaruv tushunchasini savodxonligini oshirish,Qonun kodeks normalarda korporativ boshqaruvga tegishli bolgan kategoriyalarni mukamallashtirish, Xorij tajribasini qo'llash.*

Kirish O'zbekiston Respublikasi mustaqillikka erishganidan keyin tadbirkorlik faoliyatini yuritish va korporatsiyalarni boshqarish usullari o'zgara boshladi. Korporativ boshqaruv andozalarini joriy etishning iqtisodiy jihatlari, korporatsiyalar boshqaruvining samarali tizimini shakllantirish, boshqaruvning tamoyillari, uni tuzishga ta'sir etuvchi omillar kabi masalalar hozirgi vaqtda dolzarb hisoblanadi.

Bugungi kunda, kerporativ boshqaruv- mulkchilikning hissadorlik shaklining zamonaviy ko'rinishlaridan biri hisoblanadi. Unda bir necha mulkdorlar manfaatlari birlashadi, yagona maqsad doirasida investorlar kapitallari birlashtiriladi. Mamlakat iqtisodiy-huquqiy tizimida mohiyatiga ko'ra kichikroq shartliliklar bilan, aynan Aksiyadorlik jamiyatlari jahon xo''jalik va huquqiy amaliyotida umum qabul qilingan Korporatsiya tushunchasi bilan tenglashtiriladi.

Korporativ boshqaruvda aynan Korporatsiyalar faoliyatini rivojlanish darajasi biznesni iqtisodiy o'sishini, unumdorligini, shug'ullanishliligini va samaradorligini oshirishga xizmat qiladi

Korporativ boshqaruvning samarali rivojlanishiga erishish uning asl mohiyatini chuqur anglash va tushunishni. uning ilmiy soha sifatida shakllanishiga imkon bergan ilmiy-nazariy yondashuvlarini tadqiq qilishni taqozo etadi.

Korporativ boshqaruvning kelib chiqishi va rivojlanishi bir nechta bosqichga bo‘lish mumkin:

1. XVII asrda Ost-Ind (East India Kompaniya) kompaniyasi 24 a'zodan iborat bo‘lgan direktorlar kengashini tashkil qildi. Birinchi marta mulkchilik va boshqaruv vazifalari bo‘lib olindi;

2 1776- yili Adam Smit o‘zining "Halqlarning boyligining sabablari va tabiatlari xaqidagi tadqiqotlari" asarida takidlaydiki: "Tashlab qo‘yilgan mulklar boshqaruv uchun muammolami keltirib chiqaradi", ya'ni boshqaruv va menejerlami nazorat qilish uchun salbiy mexanizm hisoblanadi;

3. 1844- yilda birinchi marta aksionerlik jamiyatlari haqida qonun qabul qilindi. Qonunchilikka mulkchilikning yangi javobgarligi shaklidagi majburiyatlar joriy etildi.

4. 1931- yilda A. Berli va G. Minzlar "Zamanoviy Korporatsiya va xususy mulkdon» nomli maqolasini nashrdan chiqardi (AQSH) Unda birinchi marts mulkchilik vazifalarini nazorat vazifalaridan to‘la to‘kis farqi ajratib berildi;

5. 1933-1934 yillarda AQSHda qimmatbaho qog'ozlar haqida qonun qabu qilindi., 1933-yilda qabul qilingan ushbu qonun fond bozorini tartibga soldi. Ushbe bosqichda "Qimmatbaho qog'ozlar va birjalar to‘g'risida"gi (1934 y.) aktga asosm axborotlaming ochiq berilishi imkoni mavjud bo‘ldi va ushbu yili qonunlarni b tartibda nazorat qiladigan, qimmatbaho qog'ozlar bozorini va birjalar faoliyati boyicha koomissia tuzildi

6.1968-yilda evropa ittifoqi «Kompaniyalar to‘g'risida» qonun qabul qildi;

7. 1990-yillarning boshida tadbirkorlik imperatsiyasi inqirozga uchradi. Buyuk Britaniyada kelishmovchiliklar yuzaga keldi: bir qator kompaniyalar (Polly Peck, BCCI, Maxwell), Aksiyadorlarni aldash bilan shug'ullanganliklari korporativ boshqaruvning amaliyotda investorlarni himoyalashni takomillashtirish kerakligini ko‘rsatdi;

8. 1992 -yil. Kedberi qo‘mitasi birinchi marta korporativ boshqaruvning moliyaviy jihatlari bo‘yicha kodeksni nashr etdi. (Buyuk Britaniya). 1993 yildan boshlab Buyuk Britaniya fond birjasidagi listingga kirgan kompaniyalar kodeks qanday bajanilayotganligi haqida hisobot bera boshladi;

9. 1992-2003 yillarda korporativ boshqaruv bo‘yicha qator ma'ruzalar qabul qilindi, shundan asosiylari:

1) Angliyada Rutmanning moliyaviy hisobot va ichki nazorat haqidagi ma'ruzasi;

2) Korporatsiyalar ishtirokchilarining har tomonlamna hisobi haqidagi Kinganing ma'ruzasi;

3) Angliyalik Grinberining yuqori mansab shaxslarini rag'batlantirish to‘g'risidagi ma'ruzasi;

4) Angliyalik Xempelaning korporativ boshqaruv to‘g'risidagi ma'ruzasi; 5) Fransiyalik Venoning korporativ boshqaruvning asosiy tamoyillari haqidagi ma'ruzasi;

6) Niderlandiyalik Pitersning korporativ boshqaruvning umum qabul qilingan andozalariga rioya qilmaslik va javobgarlik haqidagi ma'ruzasi;

7) AQSHda Sarbeyns - Okslining moliyaviy ekspertlaming auditi bo‘yicha qo‘mita tarkibini aniqlash bo‘yicha qonuni;

8)Angliyalik Xigsning ish faooliyatini bajara olmayotgan direktorlar haqidagi maruzasi

Korporativ boshqaruy" atamasining o‘zi tarixan 1970- yillarning o‘rtalarida AQSHda yuzaga kelgan Keyinchalik, ushbu atama Evropada keng tarqalib, unda korporativ menejment, korporativ huquq va korporativ tuzilmalarni yaratish sohalarida tadqiqotlar o‘tkazilishi davom ettirilgan. Tadqiqotlar natijasida shu aniq bo‘ldiki, "korporativ boshqaruv" atamasi birinchi marta R.Ills tomonidan "korporativ tizimning strukturasi va faoliyati" mohiyatini ochib berish uchun qo‘llanilgan.

Korporativ boshqaruv alohida fan sifatida 1980- yillarda yuzaga kelgan. "Korporativ boshqaruv" nomli birinchi kitob 1984- yilda chop etilgan. 1993- yildan boshlab "Corprate Governance: An International Review" deb nomlangan nazariy jurnal chiqa boshlagan. Unga muvofiq, kompaniyalarni tashkil etish, boshqarish va samarali o‘zaro faoliyat yuritish asosida yotgan huquqiy konsepsiyalar va tartibotlarning umumiy nomlanishi "korporativ boshqaruv" nomini olgan.

Korporativ boshqaruv prinsiplar va amaliyoti tushunchalarining mazmun va mohiyati bu prinsip (lotincha so‘z bo‘lib, principum- asos, negiz, ibtido) degan ma'noni bildirib, korporativ boshqaruvning asosiy qonun-qoidasi, faoliyat uchun aos gilib olinadigan bosh g'oya, bosh qoidalardan iborat bo‘ladi. Korporativ boshqaruv izimida ba'zi adabiyotlarda "prinsip" tushunchasi tamoyil tushnchasini bildirib, shu sohada tartib, qoida tusini olgan tadrijiy yo‘nalishni belgilab beradigan asosiy goidalardan iborat deb yuritiladi.

Korporativ Boshqaruvning asosiy tamoyillariga quyidagilarni kiritishimiz mumkin

Adolatlilik- boshqaruv qoidalari adolatli bolib halol raqobatchilik sharoitida kompaniyaga muvaffaqiyatli harakat qilishga imkoniyat berishi va shu bilan birga barcha qatnashchilarni shu jumladan minoritar aksiyadorllarni huquqini taminlashi lozim

Ravshanlilik- kompaniyaga aloqador barcha muhim axborotlarning, shu jumladan mulkchilik shakli, moliyaviy holati, faoliyat natijalarini o‘z vaqtida va aniq oshkora qilinishini kerak.

Hissadorlik-barcha boshqaruv organlarining vazifalari va vakolatlarini aniq ajratib berishni, Ijroiya organining Kuzatuv kengashi va aksiyadorlarga hisob berish majburiyatini yuklaydi.

Javobgarlik aksiyadorlar va boshqa manfaatdor shaxslar oldida ma'muriyatning va kompaniya faoliyatiga bog'liq qarorlarni qabul qiluvchi shaxslarning javobgarligidir.

Korporativ Boshqaruv va Davlat Aksiyadorlik jamiyatlarida korporativ boshqaruvning samarali mexanizmlarini joriy qilish va takomillashtirib borish masalalarini ilgari suradi. Qolaversa, jahon hamjamiyati tomonidan iqtisodiy rivojlanishning omili sifatida XIX asrda tadbirkorlik, XX asrda - menejment e tirof etilgan bo‘lsa, XXI asrda mamlakat iqtisodiy rivojlanishini aynan korporativ boshqaruv belgilab berishi tan olingan Bugungi kunda mamlakatimizda korporativ boshqaruv tizimini tubdan takomillashtirish va shu asosda xorijiy investitsiyalarni keng jalb qilish masalalari iqtisodiy islohotlarning muhim ustuvor yo‘nalishlaridan biri sifatida belgilangan.

Korporativ tuzilma va davlat o‘rtasidagi o‘zaro moliyaviy munosabatlar tizimi tarkibiga kompaniyalamning davlat byudjetiga soliqlar va majburiy ajratmalami to‘lashi, strategik ahamiyatga ega kompaniyalar faoliyati davlat tomonidan ham moliyalashtirilishi, davlat pul-kredit siyosatining amal qilishi, kompaniyalarning davlat nazorati ostida tashqi iqtisodiy faoliyalni amalga oshirishi, korxonalar biror bir faoliyat turi bilan shug'ullanishi uchun davlatdan litsenziya olishi, kompaniyalarning fond birjalarida faoliyatini yuritishida davlat tomonidan ta'sir choralari ko‘rilishi, kompaniyalaming mahsulotlarini davlat tomonidan xarid qilinishi yoki ular faoliyatiga davlat tomonidan ulush sifatida investitsiya kiritilishi, kompaniyalar tomonidan davlatga dividend to‘lanishi, kompaniyalar tomonidan davlat qimmatli qog'ozlarining sotib olinishi va qayta sotilishi, noqonuniy faoliyati uchun kompaniyalarga davlat tomonidan jarima-sanksiyalar qo‘llanilishi kabi moliyaviy munosabatlarni kiritishimiz mumkin.

Korporativ tuzilmalar va davlat o‘rtasidagi o‘zaro munosabatlar tizimini unda davlatning ishtirokiga qarab shartli ravishda ikki guruhga ajratishimiz mumkin. Birinchi guruh. davlat ulushiga ega korporativ tuzilmalar va davlat o‘rtasidagi o‘z moliyaviy munosabatlar, ikkinchi guruh: davlat ulushiga ega bo‘lmagan korporativ tuzilmalar va davlat o‘rtasidagi o‘zaro moliyaviy munosabatlar.

Xususiy kompniyalarning boshqarishda Korporativ Boshqaruvning orni

Xususiy korxonaning egasi bir shaxs bulib, u yakka xolda mulkka egalik kiladi, uni tasarruf etadi, daromadni oladi va uzining tadbirkorlik faoliyati natijalari buyicha toliq moddiy masuliyatli xisoblanadi Ular davlatning vakolatli organlari tomonidan royxatga olinadi.

Xususiy korxona o‘z nomidan mulkiy va shaxsiy nomulkiy huquqlarga ega bo‘lishi hamda ularni amalga oshirishi, majburiyatlarni bajarishi, sudda da'vogar va javobgar bolishi mumkin.

Xususiy korxona o‘z majburiyatlari bo‘yicha o‘ziga qarashli butun mol-mulk bilan javob beradi. Xususiy korxona mulkdori korxonaning mol-mulki yetarli bo‘lmagan taqdirda, xususiy korxonaning majburiyatlari bo‘yicha o‘ziga qarashli mol-mulk bilan qonun hujjatlariga muvofiq subsidiar javobgar bo‘ladi.

Xususiy korxona to´liq firma nomiga ega bo‘lishi lozim, shuningdek qisqartirilgan firma nomiga ega bo‘lishga haqli. Xususiy korxona O‘zbekiston Respublikasining hududida va undan tashqarida qonun hujjatlarida belgilangan tartibda bank hisobvaraqlari ochadi. Xususiy korxona o‘zining to‘liq firma nomi davlat tilida ifodalangan va xususiy korxonaning joylashgan yeri ko‘rsatilgan muhriga ega bo‘lishi kerak. Muhrda ayni paytning o‘zida firma nomi boshqa filda ham ko‘rsatilishi mumkin. Xususiy korxona o‘zining firma nomi yozilgan shtamplariga va blanklariga, o‘z emblemasiga, shuningdek belgilangan tartibda ro‘yxatdan o‘tkazilgan tovar belgisiga hamda ko‘zga tashlanib turadigan boshqa identifikatsiya vositalariga ega bo‘lishga haqli.

Xususiy korxona mulkdor tomonidan tuziladi, mulkdor unga tegishli mol-mulk beradi va uning ustavini tasdiqlaydi. Xususiy korxona, agar uning ustavida boshqacha qoida belgilangan bo‘lmasa, nomuayyan muddatga tuziladi.

Xususiy korxona qonun hujjatlarida belgilangan tartibda boshqa yuridik shaxslarning muassisi bo‘lishga yoki ularning ustav fondida o‘zgacha tarzda ishtirok etishga, vakolatxonalar ochishga va filiallar tuzishga haqli.

Xususiy korxonaning ta'sis hujjati uning ustavidir. Xususiy korxonaning ustavida korxonaning firma nomi, uning joylashgan yeri va pochta manzili to‘g'risidagi ma'lumotlar, asosiy faoliyat turlarining ro‘yxati, mulkdorning familiyasi, ismi, otasining ismi va yashash joyi, ustav fondining miqdori o‘z

ifodasini topishi lozim, bundan tashqari ustavda qonun hujjatlariga zid kelmay digan boshqa qoidalarni ham belgilash mumkin. Xususiy korxona davlat ro‘yxatidan o‘tkazilgan paytdan boshlab yuridik shaxs maqomiga ega bo‘ladi. Xususiy korxonani davlat ro‘yxatidan o‘tkazish qonun hujjatlarida belgilangan tartibda amalga oshiriladi.

Korporativ boshqaruv yirik biznes yuritish zarurati obyekti sifatida shakilangan Tabiiyki, bundan oldin Korporatsiyalar shakllanishining uzoq muddatli jarayoni ro‘y bergan Ma'lum bir bosqichda xalqaro hamjamiyat korporativ strukturalar joylashuvidan qat'iy nazar ularni boshqarish jarayonlarini soddalashtirish va bir xillashtirishga imkon beradigan umumiy me'yorlar va andozalar ishlab chiqishga majbur bo‘ldi.

Korporatsiyalar shakllanishi umumjahon tendensiyalarini tahlil qilib, mutaxassislar uchta asosiy bosqichni ajratib ko‘rsatadilar. Har bir bosqich jamiyatda o‘sha payida shakllangan Korporatsiyalarga xos jihatlami aks ettiradi,

XX asring boshlarida. sanoat inqilobi davomida paydo bo‘lgan Korporatsiyalar ularning egalari mulki sifatida qabul qilingan. Ular kiritilgan mablag'larga mos keluvchi qaytim (samara) ta'minlash maqsadi uchungina xizmat qiladi deb hisoblangan. Korporatsiya mashina sifatida ko‘rib chiqilgan, xodimlar va boshqaruvchilar bu mashinaning qismlari hisoblangan. Bu davrda boshqaruvning mexanistik modeli hukmronlik qilgan. Ushbu davrga quyidagi sharoitlar xos bo‘lgan Korporatsiya egasi xodimlar ustidan cheksiz hukmronlik qilgan va ulami xohlaganicha xo‘jayinchilik qilgan, xodimlaming malaka darajasi juda past bo‘lgan va takomillashuv uchun stimullar bo‘lmagan ma'lumot va so‘rovlar darajasi past bo‘lgan, chunki ishsizlik bilan bog'liq iqtisodiy muhtojliklar tahdidi muntazam bo‘lgan.

Foydalanilgan Adabiyotlar

1. *2017-yil 2- sentyabr. PF-5177. 1-bet. 2 O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7-fevraldagi "O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha xarakatlar strategiyasi to‘g'risida"gi PF-4947 son Farmoni //Xalq so‘zi, 2017- yil 8- fevral.*
2. *O‘zbekiston Respublikasi Qonuni Ne233-1 "Aksiyadorlik jamiyatlari va aksiyadorlamning huquqlarini himoya qilish to‘g'risida (yangi tahriri)", 1996- yil 26-aprel, Yangi tahriri O‘RQ-370 son bilan 2014-yil 06- mayda tasdiqlangan*
3. *"O‘zbekiston respublikasida kripto-birjalar faoliyatini tashkil etish chora tadbirlari to‘g'risida"gi O‘zR Prezidentining 2018- yil 2- sentyabrdagi PQ-3926 sonli qarori.*
4. *O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018- yil 3- iyuldagi «O‘zbekiston Respublikasida raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g'risida»gi qarori.*
5. *O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining "O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha harakatlar strategivasi to‘g'risida»gi RF-4947 sonli Farmoni. I/Xalq so‘zi, 2017-yil 8-fevral.*
6. *Zaynutdinov SH.N. Korporativ boshqaruv asoslari. O‘quv qo‘llanma. -T. O‘zbekiston, 2008.-260 b.*
7. *Xodiev B.YU.. Berkinov B.B. "Korporativ boshqaruv va raqobatní rivojlantirish" O‘quv qo‘llanma. -T.: 2011 y.*
8. *Steen Thomsen & Martin Conyon - Korporativ boshqaruv, mexanizmlar va tizimlar. McGraw-Hill Oliy Ta'lim Buyuk Britaniya, 2012-367pp.*
9. *Bob Triker - Korporativ boshqaruv, tamoyillar, siyosat va amaliyotlar, 3-chi nashr, Oksford onlayn resurslar markazi, 2012-904pp.*
10. *Bazelskiy komitet po bankovskomu nadzoru. Asosiy tamoyillar samarali bank nazorati. Bazel, 1997. -258 s. 26. Edvin DJ Dolan va dr. Dengi, bankovskie delo i denejno kreditnaya politika.*
11. *Per s ingliz. - Moskva-Leningrad: 1991. -446 s.*
12. *Moliyaviy menejment. Muammoi i resheniya Uchebnik. Qizil A.Z. Bobblevoy. M.: YUrayt, 2012-903-yillar. 28, Saryov V.V., Kantarovich A.A. Elektron tijorat. - SPb; Peter,*
13. *A.S.Begmatov, M.B.Xamidulin, M.SH.Bo‘taboev. Korporativ madaniyat korporativ boshqaruv.-T: «Akademiya» nashriyoti, 2007 y.*
14. *Kapitonov E. A., Kapitonov A. E. Korporativnaya kultura. -M:OAO*
15. *Rostizdat, 2001 yil.*
16. *Kravchenko R.S. Korporativ yuksalish: obespechenie i zamita prava isionerov na informatsiyu - M..Spark, 2002 y.*
17. *Upravlenie i korporativnay kontrol v aksionemom obijestve. Qizil ostida. E.P.Gubina. - M. Yurist. 1999 yil.*

Qarshiboyeva Dilnozaxon, student, TSUE
Scientific supervisor: Urinov Bobur
Head of Corporate Governance Department, TSUE

CONCEPT OF STAKEHOLDER THEORY IN CORPORATE GOVERNANCE

Abstract. *Like every fields have their problems, Corporate Governance faced some some trouble during its evaluation. However, because of these problems this field have become better year by year. Since the more scientists and participants work on the problems in this field, the more perfect Corporate Governance is exactly. During solving problems like these, in corporate governance some theories were created by some scientists, professors and other people in this field. One of them is StakeholderTheory. In this article I will explain my view about Stakeholder Theory.*

Key words: *stakeholders, stakeholder theory, CSR, internal and external, managers, employees, benefits.*

Concept of Stakeholders

Stakeholders are those who are interested in the business and who may influence or affect the business. The main stakeholders of a typical business are investors, employees, customers, and suppliers. Business stakeholders are "members of a group in which support organizations no longer exist," as defined when the term was first used in an internal memorandum of understanding with the Stanford Institute in 1963. The theory was then developed and defended by R. by Edward Freeman in the eighties. Since then, it has been widely accepted in business practices in theories of strategic management, corporate governance, business purpose and Corporate Social Responsibility (CSR). Defining corporate responsibility through the classification of stakeholders to consider is a faulty dilemma between the "shareholder model," the "stakeholder model," or the faulty measurement of responsibility to stakeholders, shareholders, and other stakeholders. He has been criticized for setting up the law. There are 2 types of stakeholders: external and internal.

Origin of Stakeholder Theory

In modern society, business organizations play an increasingly complex role. Some mega-corporations manage huge resources and have a big impact on a person's daily life. Especially when you get into areas like health education, you can forge deeper relationships - to have a bigger impact on society. However, the essence of our business is to pursue the best interests, which can lead to conflicts between different stakeholders. Therefore, good corporate governance should be used so that companies can continue to operate on a regular basis. Theoretically, corporate governance is a type of system that can directly control the business. The objective of corporate governance is to maximize the interests of former shareholders. Unfortunately, this is one of the main causes of the recent governance crisis. Because of some problems like this, this theory was determined. Stakeholders are any group or individual within an organization that can be instrumental or influenced by the functioning of a business. The goal of stakeholder theory is to find out what is in the best interest, based on different stakeholder groups. Stakeholder theory promotes a practical, effective, efficient and ethical way of managing an organization in a highly complex and confusing environment. This means that stakeholder theory plays an important role in corporate governance and helps companies balance the benefits of different groups. The stakeholder theory has three important characteristics. First, officials are required to recognize and monitor all legitimate stakeholders. The interests of all stakeholders must be taken into account when making decisions and operations. Second, managers need to avoid potential conflicts between different groups and solve problems through open communication and dialogue. Third, administrators must keep companies friendly with other entities, both public and private, to avoid the risks of volatile environments. These principles explain the role of stakeholders in business and how stakeholder theory can be effectively applied. In general, the stakeholder theory, including internal and external stakeholders. Managers, employees and owners are included not only for customers and suppliers, but also for internal stakeholders. Competitors are included in the external stakeholders. Additionally, governments and corporations have legal or regulatory responsibilities. Specifically, these stakeholders have the following theoretical principles:



Benefits of applying stakeholder theory

There are financial benefits to applying stakeholder theory to your organization. Include the following:

- Improve productivity by satisfying employees
- Better loyalty / referrals from satisfied customers

- More investments from satisfied funders
- Acquire better human resources from a positive image of the company

So, yes, literally applying stakeholder theory can help you make profits for your business. However, these are by-products of applying stakeholder theory rather than benefiting from the philosophy itself. To understand the real benefits of stakeholder theory, we need to look at the more ethical / social level. I'm talking about:

- Improving Workforce Mental Health Through Job Satisfaction
- Scientific progress benefits everyone
- Improve the economic and social status of the community
- Contribute to a healthy competitive ecosystem where other businesses can thrive and benefit stakeholders

On a personal (and selfish) level:

1. Opportunity to work with like-minded people who believe in making a difference
2. Joy comes from being part of a positive change in your little corner of the world

"The 21st Century is one of "Managing for Stakeholders." The task of executives is to create as much value as possible for stakeholders without resorting to tradeoffs. Great companies endure because they manage to get stakeholder interests aligned in the same direction.

Robert Edward Freeman (born December 18, 1951) is an American philosopher, professor of business administration at Virginia Darden University College, best known for his work on stakeholder theory (1984) and business ethics. Born in Columbus, Georgia, Freeman received his BA and PhD in Mathematics and Philosophy from Duke University in 1973. He received his BA in Philosophy from the University of Washington in 1978. He has taught at the University of Minnesota and the Wharton School and is currently Professor of Business Administration at Virginia Darden University College. He is also Academic Director of the Business Ethics Roundtable and Director of the Olson Center for Applied Ethics in Darden. In 1994, Freeman was president of the Business Ethics Association. He is editor-in-chief of the Journal Philosophy of Management and editor of the Ruffin Business Ethics series at Oxford University Press. In 2001, Freeman received the Pioneer Lifetime Achievement Award from the World Resources Institute and the Aspen Institute, and in 2005 the Virginia Board of Higher Education awarded him the Best Teacher Award. His latest book, managing for Stakeholders, was published 2007.

Conclusion

The shareholders of a company are, by definition, stakeholders and the stakeholders can be divided into principal. Stakeholders (formal, formal or contractual relationships as employees and suppliers) and all other secondary relationships Officials. For commercial reasons, it makes no sense to challenge these two theories. Include the group as a stakeholder in addition to the entrepreneur. With the increase of a company that goes beyond the traditional governance functions of a service company, a change in social responsibility more and more towards the company. To justify a company's actions, you need to be able to: There is moral defense and opposition to these actions. It would be unfair to morally compel companies keep in mind that we need to maximize the net well-being of all stakeholders and make all businesses open to the public Companies aim to respond to this ethical approach to stakeholder theory. Because of the growing anxiety This is very important for companies when it comes to environmental issues and sustainable development research. Include other stakeholder groups among the stakeholders. For commercial and ethical reasonsfor a company to operate with social responsibility, it must be convincing enough.

Reference

1. Cadbury, Adrian (2002) Corporate Governance and Chairmanship: A Personal View, Oxford: Oxford University Press

2. Bob Tricker Corporate Governance: Principles, Policies, And Practices 3Rd Edition Paperback – January 1, 2015

3. Bob Tricker Essentials for Board Directors: An A to Z Guide Paperback – May 27, 2009

4. Urinov, B. (2016). Research of motivation problems in personnel management. Journal of Management Value & Ethics (A Quarterly Publication of GMA), Vol. 6 (№3), 41–46 .

5. Уринов Б. Н. ПРОБЛЕМА КОРПОРАТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ //Проблемы экономики. – 2014. – №. 5. – С. 21-22.

6. Urinov, B. (2020). REVIEW OF THE TRENDS OF MANAGEMENT: CORPORATE CULTURE OR ORGANIZATIONAL BEHAVIOR. EPRA International Journal of Economics, Business and Management Studies (EBMS), 7(2), 40–43. https://doi.org/10.36713/epra1013

7. Urinov, B.N. (2020) "THEORETICAL ASPECTS OF ORGANIZATIONAL BEHAVIOR AND CORPORATE CULTURE" Economics and Innovative Technologies: Vol. 2020: No. 2, Article 7. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot/vol2020/iss2/7

8. Карлибаева Р., Уринов Б., Актомова Н. Корпоратив бошқарувга кириш. Ўқув қўлланма– Т.: Иқтисодиёт, 2021. – 256 б.

9. Ашуров З., Джалилов Ф., Уринов Б. Замонавий корпоратив бошқарув. Ўқув қўлланма– Т.: Иқтисодиёт, 2021. – 192 б.

Шарофитдинова Мафтуна, КБ-76 гуруҳ талабаси
Илмий раҳбар: и.ф.н., доцент Умарходжаева М.Г.

ЎЗБЕКИСТОНДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ АМАЛИЁТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Аннотация: *Ўзбекистонда корпоратив бошқарув амалиётининг ривожланиш босқичлари, корпоратив бошқарувнинг замонавий концепциялари ва бугунги кунда корпоратив бошқарувни ривожлантиришдаги муаммолар кўриб чиқилган.*

***Калит сўзлар**: корпоратив бошқарув, корпорация, германия корпоратив бошқарув модели, кодекс.*

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг, корпоратив бошқарув тушунчаси кириб кела бошлади ва акциядорлик жамиятларини бошқариш усуллари ҳам тубдан ўзгарди. Ҳозирга келиб, корпоратив бошқарув тизимини самарали ташкил этиш ва уни тузишга таъсир этувчи омилларни бартараф этиш муҳим масалалардан бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4720 фармони қабул қилинди [1]. Бу фармон асосида акциядорлик жамиятларини корпоратив бошқарув тизимига ўтказишдан асосий мақсад акциядорлик жамиятлари бошқаруви самарадорлигини ошириш, ривожланган давлатлар қаторидан жой олиш ва мамлакатимизда бошқарувнинг умумжамоа ишлаш тизимини жорий этиш ҳисобланади.

Корпоратив бошқарув- “...корпорация мулкдорларининг корпорация капиталини шакллантириш, ундан фойда олиш мақсадида янада самарали фойдаланишга ҳамда олинган даромадларни корпоратив муносабатларнинг барча иштирокчилари ўртасида адолатли тақсимлашга қаратилган стратегик муҳим қарорларни белгилаш, таърифлаш ва қабул қилишга доимий ва реал таъсирини таъминлашдаги онгли, бевосита иштирокидир” [2]. Масалан, хориж давлатларидан Германия корпоратив бошқарув тизимининг фарқли хусусияти етакчи тижорат банкларининг корпоратив назорат бозорида кенг иштироки ва корпоратив бошқарувда меҳнат жамоаси иштирокининг қонун даражасида мустаҳкамлаб қўйилганлиги ҳисобланади. Германияда акциядорлик капиталининг катта қисмига банклар эгалик қилади, яна бир ҳолат мавжудки, у бошқарувчилар ва бошқа мутахассисларга юқори малака талабларнинг қўйилишидир.



1-расм. Акциядорлик жамиятларининг намунавий тузилмаси

Ўзбекистоннинг корпоратив бошқарув тизими Германия корпоратив бошқарув тизимига яқинлиги сабабли кадрлар тайёрлашда Германия тажрибаси асосида мутахассислар тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда корпоратив бошқарув соҳасини ривожлантириш учун кўпгина меъёрий ҳужжатлар тасдиқланди, масалан, Корпоратив бошқарув кодекси. Корпоратив бошқарув кодекси акциядорлик жамиятларининг ҳаққоний ва очиқ бизнес юритиш тарафдори эканлигидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва халқаро корпоратив бошқарув принциплари асосида ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди.

Бунда асосий мақсад сифатида акциядорлик жамиятлари фаолиятини самарали ташкил этиш, ишлаб чиқариш қувватини янгилаш мақсадида акциядорлик жамиятлари ижроия органи, кузатув кенгаши, акциядорлар, меҳнат жамоаси вакиллари ва бошқа манфаатдор томонлар ўртасида манфаатлар уйғунлигига эришишга қаратилади [3].

Кодекс қоидаларига риоя қилиш мажбурияти тўғрисидаги қарор акциядорлар умумий йиғилишида оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Корпоратив бошқарув кодексидаги маълум талабларга қаътий риоя қилиш тўғрисида хабар белгиланган шакл бўйича мажбурият олувчи шахсларга тақдим этилиши шарт. Бу кодекс яна бир меъёрий ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги қонуни асосида тузилган. Қонуннинг янги таҳрири 2014 йил 6 майда тасдиқланган.

Ушбу қонуннинг мақсади акциядорлик жамиятларининг ташкил этилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши, шунингдек, акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Бу конун ва кодекс Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизимини жорий этишда амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлигини ошириш ва халқаро талабларга жавоб берувчи тизимга эришиш мақсадида амалга ошириладиган ишларнинг таянчи хисобланади. Акциядорлик жамиятлари фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш, корпоратив бошқарув тизимини жорий этишда Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президентнинг қарор ва фармонлари ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида иш юритилади.

Шу билан бирга, мавжуд меъёрий ҳужжатлар базасини янги замонавий халқаро талаблар ва стандартлар асосида тизимли равишда такомиллаштириб бориш, улардаги турли бўшлиқларни тегишли меъёр ва талаблар билан тўлдириш, янги ҳужжатларни ишлаб чиқиш лозим. Бу йўналишдаги ишларни амалга оширишда акциядорлик жамиятлари, қонун чиқарувчи ва ижро органларининг ўзаро узлуксиз, тизимли ҳамкорлигини ташкил этиш зарур.

1-жадвал

Ўзбекистонда корпоратив бошқарув амалиётининг ривожланиш босқичлари

Оралиқ даврлар	Белгилари	Моҳияти	Натижалари
1990-1992 йиллар	Мулкчилик муносабатларини шакллантириш	Мулкий муносабатларнинг ҳуқуқий асослари шакллантирилди	Корпоратив бошқарувнинг институционал асосларини яратиш бўйича илмий изланишлар бошланди
1993-1997 йиллар	Мулкий муносабатларни ислоҳ этиш	Кўп укладли иқтисодиёт юзага келди. Дастлабки акциядорлик жамиятлари пайдо бўлди	Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги”ги қонуни қабул қилинди
1998-2002 йиллар	Корпоратив бошқарув муносабатларининг шаклланиши	Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизимининг тўлақонли шаклланиши ҳал қилувчи босқичга кирди	Акциядорлик жамиятлари бошқарувига корпоратив бошқарув элементлари жорий этилди. Қимматли қоғозлар бозори шаклланди
2003-2007 йиллар	Корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш	Жамиятда корпоратив бошқарув тўғрисидаги ёндашувлар пайдо бўлди. Мулкдорлар синфининг шаклланиши ҳисобига иқтисодиётда корпоратив тузилмаларнинг аҳамияти ошди	Акциядорлик жамиятлари йириклаштирилди, кузатув кенгаши ваколатлари кенгайтирилди, корпоратив маслаҳатчи, аудитор хизмати институтлари жорий этилди.

2008-2010 йиллар	Халқаро корпоратив бошқарув стандартлари ва тамойилларини жорий этиш	Маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун имтиёзлар бериш тизими шакллантирилди	Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози салбий оқибатлари таъсири бартараф этилди. Акциядорлик жамиятларининг инвестицион жозибадорлиги ошди
2011-2014 йиллар	Мулкчилик соҳасида муайян институционал тўсиқларни бартараф этиш, соғлом рақобат муҳитини яратиш	Давлат улуши мавжуд акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув механизмлари такомиллаштирилди	Инвесторлар мулкининг дахлсизлиги таъминланди, мулкка эгалик қилиши ҳамда уни тасарруф этиш тизими кучайтирилди. Акциялаштириш жараёни кўлами миқдоран ўсди
2015 йилдан кейинги давр	Тармоқ ва соҳа миқёсида корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш мезонларини ишлаб чиқиш	Тармоқ ва соҳа миқёсида корпоратив бошқарув ҳолати ва унинг самарадорлигини ошириш мезонлари ишлаб чиқилади. Корпоратив бошқарувнинг намунавий тузилмалари яратилади. “Корпоратив бошқарув кодекси” жорий этилади	Корпоратив бошқарувнинг хорижий услубиётига асосланган тажрибалари чуқур ўрганилади. Ишлаб чиқариш, ташқи иқтисодий ва инвестиция жараёнларига замонавий халқаро корпоратив менежмент стандартлари татбиқ этилад

Ўзбекистонда корхоналар фаолиятига корпоратив бошқарув тамойилларини жорий этиш билан боғлиқ амалиёт юқорида таъкидлаганимиздек, бозор ислоҳотларининг амалга оширилиши, корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш давридан шакллана бошлади. Бу қисқа даврда давлат мулкчилиги монополиясини қисман тугатиш натижасида хусусий мулкчиликнинг иқтисодий муносабатларнинг белгиловчи миллий тизим пайдо бўлди ҳамда мулкдорлар синфининг шаклланиши учун шарт-шароит яратилди [4].

Натижада акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тамойилларини қўллаш, корпоратив бошқарув механизмларини ривожлантириш ҳамда мулк ҳуқуқини тақсимлаш борасидаги муносабатлар пайдо бўлди. Ўз навбатида, мулкдорлар томонидан инвестиция қилган маблағларнинг самарали ишлатилиши ҳамда улушлари учун мос равишда фойда олиш имкониятлари пайдо бўлди. 1-жадвал маълумотларига кўра, Ўзбекистонда корпоратив бошқарув амалиётининг дастлабки босқичи 1990 йилларга тўғри келди. Бу даврда давлат мулкини хусусийлаштириш билан боғлиқ турли ёндашувлар ўрганилди ва Ўзбекистон шароитига тўғри келадиган хусусийлаштириш йўллари ишлаб чиқилди. Мулкий муносабатларнинг ҳуқуқий асослари шакллантирилди. Натижада 1991 йил ноябрь ойида Ўзбекистон Республикаси “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Жамиятда мулкчилик муносабатларининг шакллантириш жараёнлари бошланди. Иқтисодиётнинг маълум тармоқларини ривожлантиришга қаратилган, даромад олиш мақсадида турли соҳадаги касб эгаларининг манфаатлари юзага келди. Бу эса Ўзбекистонда илк корпоратив муносабатлар шаклланишига асос бўлди.

Юқорида таъкидланган Ўзбекистондаги корпоратив бошқарув амалиёти билан боғлиқ кузатишлар, изланишлар, таҳлиллар, баён этилган фикрмулоҳазалар ва тадқиқот натижаларига асосланиб, республикамизда корпоратив бошқарув амалиёти бўйича етарли тажриба тўпланганлигини таъкидлаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.http://www.lex.uz/docs/2635197

2.Хамидулин М.Б. Финансовые механизмы корпоративного управления. Монография. – Т.: Молия, 2008. –204 с

3.http://www.lex.uz/docs/2382409 ЎРҚ-370-сон. 06.05.2014 йил.

4. www.iqtisodiyot.uz/sites/default/files/maqolalar/18_N_M_Rasulov.

KB-81 guruh talabasi Shavkatova Komila
Akramova Nazokat Israilovna "Korporativ boshqaruv"
kafedrasi katta oqituvchisi

ISH YURITISHNING BOSHQARUV TIZIMIDAGI ASOSLARI

***Annotatsiya**: Ushbu keltirilgan fikrlar boshqaruv tizimida ish yuritish asoslari, hujjat turlari, davlat boshqaruv tizimidagi barcha tuzilmalar, hozirgi paytda hokimiyatning barcha sohalari organlari oldida turgan muammolar haqida ma'lumotlar keltirilgan.*

***Kalit so'zlar**: ish yuritish, davlat boshqaruvi, axborot oqimlari, boshqaruv organi, vazirlik, rahbarlik, ijro, axborot hisob-kitob, nazorat*

Ish yuritish – hujjatlashtirishni ta'minlaydigan va rasmiy hujjatlar bilan ishlashni uyushtiradigan faoliyat sohasi.

Hujjatlashtirish – axborotni belgilangan qoidalarga binoan turli vositalarga yozish.

Hujjat – aynan o'xshatish (identifikasiyalash) imkonini beradigan belgilar (rekvizitlar) bilan moddiy vositaga qayd etilgan axborot.

Hujjat aylanmasi – tashkilotda hujjatlarni tuzish yoki olish paytidan boshlab to ijro etish yoki jo'natishgacha bo'lgan jarayon.

Axborot boshqaruvning asosidir. Davlat boshqaruvi tizimida barcha tuzilmalar va mansabdor shaxslar o'zaro axborot oqimlari bilan bog'lanib, yaxlit kommunikatsiya tarmog'ini hosil qiladi. Bu tarmoqda davlat boshqaruvining har bir organi kommunikatsiya tarmog'ining bir bog'lamidan iborat bo'lib, ko'pgina manbalardan keladigan axborot oqimlari aynan shu bog'lam orqali o'tadi. Mazkur axborot oqimlari o'zining mazmuni, jadalligi, to'g'ri yoki noto'g'riligi, vaqt tartibotiga ko'ra bir-biridan farq qiladi.

Har qanday boshqaruv organi, vazirlik yoki boshqarma yoxud kichik bir idora bo'lmasin, uning faoliyati asosini axborot olish, uni ishlash, tegishli qaror qabul qilish, hamda ijrochilarga yetkazish, shuningdek, ijroni tashkil etish, nazorat qilish va xulosa chiqarish kabilar tashkil etadi. Shunday qilib, moddiy vositada qayd etilgan axborot boshqaruv organlari faoliyatining asosiy o'zagi ayni vaqtda uning asosiy mahsuloti hisoblanadi. Shuningdek, u boshqaruvchi va boshqariluvchi tizimlar o'rtasidagi aloqalarni amalga oshirish usulidir. Boshqaruv va uning barcha bo'g'inlari faoliyatining sifati va samaradorligi axborot oqimlarining tezkorligiga, barqarorligiga va maqbulligiga bog'liqdir. Boshqacha aytganda axborot oqimlari bamisoli qon tomirlari tizimi kabi boshqaruv organizmini oziqlantirib turadi.

Hozirgi paytda hokimiyatning barcha sohalari organlari oldida turgan muammolar murakkablashib va ular orasidagi o'zaro bog'liqlik tobora kuchayib bormoqda. Bu esa barcha pog'onalardagi davlat xizmatining samaradorligini oshirishni ko'ndalang qo'ymoqda. Mazkur vazifaning hal etilishi esa axborot maydonining holatiga, boshqaruvni axborot bilan ta'minlashni tashkil etishga bevosita bog'liqdir. Boshqaruv organlaridagi ish yuritish holati rahbarlik, ijro, axborot hisob-kitob, nazorat kabi ishning eng muhim sohalariga hal qiluvchi darajada ta'sir o'tkazadi.

Boshqaruvda mehnat samaradorligi, tejamkorligi va yuqori darajada tashkil etilishi, boshqaruv xodimlari ishining madaniy saviyasi ko'p jihatdan ish yuritishning tashkil etilishiga bog'liq bo'ladi. So'ngi o'n yillikda ilmiy adabiyotlarda "ish yuritish" atamasining sinonimi sifatida "boshqaruvning hujjatlar bilan ta'minlanishi" atamasining ishlatila boshlanganligi tasodifiy hol emas, bu atama ish yuritishni zamonaviy tashkil etishning axborot-texnologiya xarakterini ifodalaydi. Boshqacha aytganda u hujjatlar bilan ishlashning butun majmuasini – shu jumladan, hujjatlar aylanmasini va hujjatlarni saqlash taxnologiyasini o'z ichiga oladi.

"Ish yuritish" atamasi ilmiy muomalaga va MDH mamlakatlari ma'muriy tashkilotlari amaliyotiga XVIII asrning ikkinchi yarmida kirib keldi. Bu so'zning dastlabki ma'nosi, avvalo, qarorlar qabul qilish yoki "ish boshqarish" bilan bog'liq bo'lgan barcha faoliyatni ifodalab, ushbu o'rinda "ish" deganda hokimiyat va boshqaruvning ma'muriy yoki sud organi hal qiladigan masala nazarda tutilar edi. Sharq mamlakatlaridagi davlat boshqaruvida hujjatning kelib chiqishiga oid ma'lumotlar "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi" ilmiy nashriyoti tomonidan 2003 yilda nashr etilgan "Ish yuritish" nomli kitobda bayon etilgan. Zamonaviy ma'nodagi ish yuritish boshqaruvni hujjatlar bilan ta'minlash degan ma'noni bildirib, tashkilot muassasi ma'muriy-boshqaruv faoliyatining mustaqil tarmog'iga aylangan, bu tarmoq ishlarni hujjatlashtirish va rasmiy hujjatlar bilan ishlashni yo'lga qo'yish, boshqaruv apparatining vazifalarini amalga oshirish jarayonida foydalanish uchun turli vositalarda qayd etilgan hujjatli axborot bazasini yaratish degan ma'noni baldiradi.

Hujjatlashtirish - ish yuritishning muhim tarkibiy qismi bo'lib, u boshqaruv faoliyatini amalga oshirish uchun zarur bo'lgan barcha axborotni turli vositalarga qayd etish va rasmiylashtirishning tartibli jarayonidan iborat. Vazirlik, boshqarmalarni, hokimiyatning barcha pog'onalari organlarini zamonaviy hujjatlashtirish, axborotni qayd etishning tabiiy, an'anaviy usullarini (qo'lyozma, mashina yozma, shu jumladan, telegramma, telefonogramma, faks, maninogramma, videogramma turlarini) sun'iy usullar (perfokartalar, perfotasmalar, magnit tasmalari, kartalar, disklar, kristallar hamda hisoblash texnikasi va mikrografiyaning boshqa vositalari) bilan birga ishlatishni taqozo etadi.

Hujjatlashtirishg vositalarini tanlash ham axborotni qayd etish usulini belgilaydi. Ular hujjat tuzishda ishlatiladigan oddiy qurollar (qalam, ruchka) mexanik qurollar (elektr-mexanik vositalar ya'ni yozish mashinalari, magnitofonlar, diktofonlar, foto, kino, video texnika vositalari) bo‘lishi ham mumkin. Hisoblash texnikasi vositalari ham shunday qurollar vositasiga kiradi. Hujjatlashtirish usullari hujjatlashtirish vositalariga qarab bir-biridan quyidagicha farq qiladi:

- matnlarni hujjatlashtirish;
- kino, foto, video vositalarida hujjatlashtirish;
- elektron hujjatlashtirish.

Hujjatlashtirish natijasida hujjat vujudga keladi, u identifikatsiyalash imkonini beradigan belgilari, rekvizitlari bo‘lgan moddiy vositaga yozilgan birlamchi axborotdir. Axborotning boshqa vasitalari ya'ni qayta ishlangan ikkilamchi axborotni bayon etuvchi kitob, gazeta, jurnallardan farqli o‘laroq, hujjatlarda axborot birinchi marta qayd etiladi. Hujjat so‘zi arab tilidan o‘zbek tiliga necha asrlar avval kirgan bo‘lib, isbot usuli, dalil ma'nolarini bildiradi. Hujjat huquqiy mazmunga ega bo‘lib, u boshqaruv qarorlarini qabul qilish uchun asos, qarorlarni ijrosining dalili va isboti bo‘lib xizmat qiladi.Hujjat boshqaruv axboroti ma'lumotlarini yig‘ish, ularni saqlash, uzatish, shuningdek, arxiv ma'lumotlarini olishda zaruriy vositadir. Shunday qilib, hujjatning ahamiyati va vazifasi keng qirrali bo‘lib, undan turli ehtiyojlarni qondirish maqsadida foydalaniladi. Hujjatning vazifalari umumiy va o‘ziga xos vazifalarga bo‘linadi, u esa quyidagilardan iborat:

* axborot vazifasi – har qanday hujjatni maqsadi – vaqt va zamonda qayd etilgan hujjatni saqlab qolishdan iborat;
* ijtimoiy vazifa – har qanday hujjat biron-bir ijtimoiy ehtiyojning ifodasi bo‘ladi
* kommunikativ vazifasi – hujjat hamisha boshqaruvchi va boshqariluvchi tuzilmalar o‘rtasidagi, davlat va jamoa tashkilotlari, mansabdor shaxslar o‘rtasidagi aloqa vositasi bo‘lib xizmat qiladi;
* madaniy vazifa – hujjat madaniy an'analarni mustahkamlash va tarqatish vositasidir.

Boshqaruv faoliyati turli sohalarning o‘ziga xos xususiyatlaridan hujjatning bir qancha maxsus vazifalari kelib chiqadi:

- boshqaruv maqsadlarini amalga oshirish uchun maxsus ishlab chiqilgan boshqaruv hujjatlari (reja, hisobot, tashkiliy-farmoyish hujjatlari) boshqaruv vazifasiga ega bo‘ladi;
- jamiyatdagi huquqiy me'yorlar va huquqiy munosabatlar qayd etilgan qonun hujjatlari va huquqiy me'yoriy hujjatlar yoki bu vazifalarni vaqtincha bajaradigan hujjatlar (masalan, sudda dalilisbot vazifasini bajaruvchi har qanday hujjat) huquqiy vazifaga ega bo‘ladi;
- o‘zining asosiy vazifalarini amalga oshirgan va arxivga topshirilgan hujjatlar ilmiy-tarixiy vazifani bajaradi. Hujjatlarning umumiy hajmida bu hujjatlar deyarli 12- 14% ni tashkil etadi.

2. Hujjatlar oqimini tashkil etish. Hujjatlar oqimi deganda (aylanmasi) – bu hujjatlarning olingan yoki tuzilgan paytdan to uning ijrosi oxirgacha yetkazilish, jo‘natish yoki yig‘majildga yuborilishi (topshirilishi)gacha bo‘lgan jarayonidagi harakat tushuniladi. Tashkilot tizimida mustaqil bo‘linma sifatida ish yuritadigan boshqaruvni hujjatlar bilan ta'minlash (BHT) xizmati (devonxona, umumiy bo‘lim, kotibiyat), shuningdek, maxsus xodim (referent, kotib) faqat huquqiy jihatdan to‘g‘ri rasmiylashtirilgan va butunligi aniq (ilovalar bor-yo‘qligini tekshirib) hujjatlarni matni – mazmunidagi so‘rov tavsiya bo‘yicha ish yuritish uchun qabul qiladi. Aks holda olingan hujjatlar qaytarilganligi sababi ko‘rsatilgan tegishli ilova xati bilan birga muallifga qaytarib yuboriladi.

Hujjat muallifning manzili, uning jo‘natilgan va olingan vaqti faqat xatjild (konvert) bo‘yicha aniqlanadigan hollarda xatjild saqlab qo‘yiladi. “Shaxsan” yozuvi bo‘lgan, shuningdek, jamoat tashkilotlariga kelgan xatlar (hujjatlar) ochib ko‘rilmagan holda tegishli joylariga yetkaziladi.

Kelib tushgan hujjatlar taqsimlash maqsadida BHT xizmati xodimi tomonidan ko‘rib chiqiladi. Ular:

- tashkilot rahbari tomonidan ko‘rib chiqiladigan hujjatlar;
- tashkilot tarkibiy tizimidagi bo‘linmaga yoki bevosita aniq ijrochilarga yuborilgan hujjatlar bo‘lishi mumkin.

Tez hal qilinadigan joriy axborotlardan iborat yoki aniq bo‘linmaga tegishli hujjatlar rahbariyatga ko‘rsatilmay o‘z egalariga beriladi. Bu tashkilot rahbarini mas'ul ijrochilar hal qilishi mumkin bo‘lgan mayda-chuyda masalalar bilan Hujjatlarni ko‘rib chiqish va ijro etuvchilarga berish ularning BHT xizmatiga kelib tushgan kunidanoq amalga oshiriladi. Agar hujjat bir necha bo‘linmalar yoki mansabdor shaxslar tomonidan bajariladigan bo‘lsa, u zarur nusxada ko‘paytiriladi. Ijro etilgan hujjatlar yig‘majildga javob xatlar nusxalari bilan birga tikib qo‘yiladi. Jo‘natma hajjatlar bilan ishlash mas'ul ijrochining hujjat matni loyihasini tayyorlashidan boshlanadi, so‘ngra hujjat manfaatdor lavozimdagi shaxslar bilan kelishilgan va ularning fikr-mulohazalarini hisobga olingan holda qayta ishlashni maromiga yetkazadi. Hujjatning tugallangan ko‘rinishi ko‘chirilgandan keyin rahbariyat tomonidan imzolanib, ro‘yxatga olinadi va adresatga (oluvchiga) yuboriladi. Yuborilgan hujjatning tasdiqlangan nusxasi yig‘majildga tikib qo‘yiladi. Jo‘natma hujjatlar ro‘yhatga olingan kunning o‘zidayoq ko‘rib chiqilishi, ishlanishi va jo‘natilishi shart.

Tashkilotning hujjatlari ham jo‘natma hujjatlarni tayyorlash shaklida tuziladi: dastlab hujjat matni loyihasi tayyorlanadi, manfaatdor lavozimdagi shaxsning fikrmulohazalari bo‘yicha qayta ishlanadi va nihoyat hujjatning tugallangan nusxasi ko‘chirilib, rahbar tomonidan imzolanadi. Hujjat ro‘yhatga

olingandan keyin zarur miqdorda (ijrochilar soniga qarab) ko‘paytiriladi. Hujjat nusxalari tasdiqlanadi va tarkibiy bo‘linmalarga (mas’ul ijrochilarga) bajarish uchun beriladi. Hujjatning asl nusxasi yig‘majildga tikib qo‘yiladi. Hujjatlarning tashkilot ichidagi ijrochilariga hujjatlarni olganligi to‘g‘risida imzo qo‘ydirilishi lozim.

3. Hujjatlar ijrosini nazorat qilish. Ro‘yhatdan o‘tkazilgan barcha hujjatlarning ijro etilishi nazorat qilinadi. Ijroni nazorat qilishga quyidagilar kiradi:

- hujjatni nazorat qilishni yo‘lga qo‘yish;
- hujjatning ijrochiga o‘z vaqtida yetib borishini tekshirish;
- ijroni amalga oshirish jarayonini tekshirish va boshqarib turish;
- hujjatlar ijrosini nazorat qilish natijalarini hisobga olish va umumlashtirish va bu haqda rahbarni xabardor qilish.

Ijro etilish muddatlari hujjat imzolangan (tasdiqlangan) sanadan boshlab taqvim kunlarda, yangi kelgan hujjatlarni kelgan kunidan boshlab hisobga olinadi. Hujjatlar ijrosining belgilangan muddatlari davlat hokimiyati va boshqaruv oliy organlari, shuningdek, markaziy va tarmoq boshqaruvining maxsus qarorlari bilan joriy etiladi.

Ijroning yakka tartibdagi muddati korxona rahbari tomonidan amalga oshiriladi. Ijro muddatini o‘zgartirish to‘g‘risidagi qaror rahbar rezolyusiyasida ko‘rsatiladi va u rezolyusiyadan nazorat varaqchasiga o‘tkaziladi. Ijroni nazorat qilishni uyushtirishda hujjatlarni ro‘yhatga olishda to‘plangan ro‘yhatga olish varaqchasi nusxalaridan foydalaniladi. Nazorat qilinayotgan hujjatlar varaqchasi (nazorat varaqchasi) hujjatlar ijrosi muddati, ijrochilar, shuningdek, hujjatlar guruhlari bo‘yicha alohida-alohida tartibga solinadi. Nazorat xizmati tomonidan quyidagi ishlar amalga oshiriladi:

* nazorat qilinayotgan hujjatlar varaqchalari qutisini tashkil etish;
* nazorat qilinayotgan hujjat varaqchasi (topshirish) ni ijrochi – bo‘linmaga yuborish;
* tarkibiy bo‘linmadagi ijrochining ismi, familiyasi va otasining ismi hamda telefon raqamini aniqlash;
* ijrochi bo‘linmaga va natijalari to‘g‘risida ma’lumot olish;
* nazoratdagi hujjat varaqchasiga ijroning borishi va natijalarini yozib qo‘yish;
* ijroning holati va natijalari to‘g‘risida rahbarlarga muntazam axborot berib turish;
* hujjatlar ijrosining borishi va natijalari to‘g‘risida kundalik yig‘ilishlarda, jamoat tashkiloti majmuasida axborot berib turish;
* rahbarlar ko‘rsatmasiga binoan hujjatlarni nazoratdan chiqarish;
* ijro etilgan hujjatlar varaqchalari yig‘majildini tuzish.

Ijroni amalga oshirishning barcha bosqichlarida oxirgi muddatigacha tekshirish quyidagi tartibda olib boriladi:

- keyingi yillar topshirig‘i – kamida yilda bir marta;
- joriy yilning keyingi oylari topshirig‘i – har o‘n kunda, muddatning tugashiga besh kun qolganda.

Vazifa bajarilgandan keyin natijalar to‘g‘risida tegishli topshiriqlarga va shaxslarga xabar berilgach yoki ijroning boshqa hujjat bilan tasdiqlangani ma’lum bo‘lgach, xujjat bajarilgan hisoblanadi va nazoratdan olinadi. Ijro natijalari nazorat varaqchasida va ijro etilgan hujjatda belgilab qo‘yiladi. Ijrochilarning ish natijalari va nazorat qilinuvchi hujjatlar BHT xizmati tomonidan vaqti-vaqti bilan (masalan, har oyda) umumlashtirish va tahlil qilib borish, hamda ijro intizomini mustahkamlash maqsadida korxona rahbariga axborot berib turilishi zarur.

4. Tashkilot hujjatlarini tizimlashtirish. Korxonada yig‘majildlarni to‘g‘ri rasmiylashtirish va ularning hisobini olish uchun yig‘majildlar tuziladi.

Hujjatlar yig‘majildlari ro‘yxati – bu saqlash muddatlari ko‘rsatilib belgilangan tartibda rasmiylashtirilgan yig‘majildlar ro‘yxatidir. Korxona faoliyatida tarkib topadigan texnik hujjatlar va bosma nashrlardan tashqari kelgan va yuborilgan barcha hujjatlar yig‘majildlar nomenklaturasiga kiritiladi. Yig‘majildlar nomenklaturasini tuzishda korxonalar boshqaruvni hujjatlar bilan ta’minlash, davlat tizimida, tarmoq arxivlarining asosiy ichki qoidalarida, saqlash muddati ko‘rsatilgan hujjatlar ro‘yxatida qayd etilgan talablarni hisobga olishlari zarur.

Korxonaning yig‘majild nomenklaturasi hujjatlar bilan ish olib borishni tashkil etish uchun mas’ul bo‘lgan mutaxassis tomonidan ishlab chiqilganidan so‘ng, korxona rahbari tomonidan tasdiqlanib kelgusi taqvim yilning 1 yanvaridan boshlab amalga kiritiladi. Yig‘majild nomenklaturasi belgilangan shakl bo‘yicha tuzilgan bo‘lib, unga quyidagi rekvizitlar kiritiladi: korxona nomi, hujjat turining nomi, sanasi, indeksi, tuzilgan joyi, tasdiqlangan vaqti, matn sarlavhasi, matn, imzo, kelishilgan (ma’qullangan) vaqt.

Yig‘majild nomenklaturasining mazmuniy qismi quyidagi 5 grafali jadvaldan iborat: yig‘majild, indekslari, sarlavhalari, miqdori (jildor, qismlar) va ro‘yxat bo‘yicha maqolalar nomeri, hamda izohlar. Yig‘majild jadvalining 1–grafasida ish yuritish indeksi ko‘rsatiladi. Unga quyidagilar kiritiladi:

- bo‘linma tasnifi (klassifikatsiyasi) bo‘yicha korxonaning tarkibiy tizimi indeksi yoki tarkibiy bo‘linmasi bo‘lmasa faoliyat yo‘nalishi indeksi;
- yig‘majildning mazkur korxona ichidagi tartib nomeri yoki faoliyati yo‘nalishi nomeri;

2 – grafasida yig‘majildning sarlavhalari ma’lum izchillikda joylashadi. Yig‘majild sarlavhalari nomenklatura bo‘limlari bo‘yicha guruhlanadi. Tarkibiy bo‘linmalar yoki korxona faoliyatining

yo‘nalishlari yig‘majild bo‘limlari nomlari bilan nomlanadi. Yig‘majild sarlavhalari bo‘limlar va bo‘limchalar ichida undagi hujjatlarning muhimligiga qarab joylashtiriladi. Dastlab tashkiliy – buyruq mazmunidagi hujjatlardan iborat yig‘majild sarlavhalari, keyin reja va hisobot hujjatlari, so‘ngra boshqa saqlash muddatlari kamayib borayotgan sarlavhalar joylashadi. Yig‘majild sarlavhalarini tuzishda quyidagilar hisobga olinishi zarur:

* mazkur yig‘majildda guruhlashadigan sarlavhalar hujjat mazmuniga to‘la mos bo‘lishi kerak; * sarlavha qisqa va aniq ifodalanishi lozim;

* “Umumiy yozishma”, “ Turli hujjatlar”, “Ma’lumotnoma” kabilarga o‘xshash sarlavhalar ularni tuzish jarayonida yanada aniqlik kiritilishi mumkin. Yig‘majild sarlavhalari tarkibini quyidagi qismlar tashkil etadi:

- hujjatning turi (yozishma, xat, jurnal va b.) yoki shakli (buyruq, ko‘rsatma, bayonnoma, qarorlar va b.); - korxonaning yoki uning tarkibiy bo‘linmasi nomi;
- adresat yoki hujjat yuborgan egasi; yig‘majilddagi hujjatlarning qisqacha mazmuni;
- yig‘majilddagi hujjatlar mazmuni bilan bog‘liq, hudud (joy)ning nomi;
- yig‘majilddagi hujjatlarga dahldor sana (davr);
- yig‘majilddagi hujjatlarning nusxalari bor-yo‘qligi haqida eslatma. Ochilayotgan yig‘majildning nomi yoki hujjatlarning turlari sarlavha boshida, “Nusxa” so‘zi esa oxirida ko‘rsatiladi. Masalan, “Attestatsiya komissiyasining 1999 yildagi majlislari bayonnomalari”. Yozishmalardan iborat yig‘majild sarlavhalarida kimlar va qanday “Biznes Bank bilan buxgalteriya hisobi, hisobot va moliyaviy faoliyat masalalari bo‘yicha yozishmalar”.

Bir turdagi jismoniy yoki huquqiy shaxslar bilan yozishmalardan iborat yig‘majildlar sarlavhalarida ularning nomi yozib chiqilmaydi, faqat umumiy nomi ko‘rsatiladi: masalan, “Korxonaning pul to‘lash to‘g‘risidagi talabnomalarini rad etgan yozishmalar”. Reja yoki hisobot hujjatlaridan iborat yig‘majildlar sarlavhalarida tuzilgan vaqt (oy, chorak, yil), hujjat turi (reja, hisobot) va mualliflar nomi ko‘rsatiladi. Masalan, “Kontakt” korxonasining 2010 yil uchun kapital quyilmalar rejasi.

4. Абдураҳманов Қ. Меҳнат иқтисодиёти: Назария ва амалиёт / Дарслик. –Т.: FAN, 2019. 314-316 б.

5. Аҳоли бандлигини таъминлаш масаласи муҳокама қилинди. Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти http://president.uz. Мурожаат қилинган сана: 08.05.2020.

6. Барқарор ривожланиш мақсадлари ва барқарор ижтимоий ривожланиш: ўзаро ҳамкорликнинг янги тажрибаси. https://mehnat.uz/uz/news/barqaror-rivozhlanish-maqsadlari-va-barqaror-izhtimoiy-rivozhlanish-uzaro-hamkorlikning-yangi-tazhribasi.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси расмий сайти. Stat.uz.

8. Тошкент вилояти статистика бошқармаси расмий сайти. Toshvilstat.uz

9. Д.А. Насимов. Рақамли иқтисодиёт шароитида бандликнинг замонавий шаклларини жорий этиш методологик-услубий асосларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси Автореферати, 2020

10. https://www.ilo.org/moscow/news/WCMS_741071/lang--ru/index.htm

11. Ш.Ш.Асамходжаева. Инсон капитали ва унинг ривожланишига пандемиянинг таъсири. "Молия ва банк иши" илмий электрон журнали, №2, май, 2020 йил. 193-198-бетлар.

Hakimov Feruz Khurshid ugli
2nd year student of the Faculty of Finance and Accounting

TAX-FREE INCOME OF THE STATE BUDGET

Annotation. *This article describes the share of taxes in the state budget and the reduction of tax-free revenues in the state budget. The author explores the types of tax-free income.*

Keywords*. Tax-free income, tax revenues, inheritance, gift rights.*

Introduction

Budget revenues, their composition and types represent the system of monetary relations that shape the financial resources of the country. These relations include the redistribution and redistribution of gross national product between the defense of state interests, the maintenance of public order, the maintenance of the state apparatus, and other areas. The funds allocated in this way will become state property. All state budget revenues form a system, the main components of which are:

• Tax revenues - budget revenues from regional taxes and levies, local taxes and fines, excises, fines established by federal legislation. Although taxable income has the same economic meaning, that is, it is a mandatory payment made by the state, which constitutes the income of the state budget, it has several characteristics (economic content, object of taxation, tax 'hunters, the formation of revenues of the links of the budget system). In general, tax revenues account for about 93-96 percent of state budget revenues. The remaining interest is tax-free revenues of the state budget.Davlat budjetining soliqsiz daromadlarini income from the sale and privatization of state-owned property, income from foreign economic activity, financial assistance from foreign countries and special purpose funds of the state[1].

1-diagram



Uzbekistan Tax and Non tax Revenues: of GDP, 2016-2022

This table shows the distribution of tax-free revenues to the state budget. According to it, tax-free income is divided into types according to the level of regions, methods of formation, sources of collection, the basis of collection. In accordance with the State Budget Code of the Republic of Uzbekistan, non-tax revenues of the state budget include: income from placement, commissioning and sale of state assets, funds transferred to state property by inheritance, gift, from legal entities and individuals, as well as foreign non-refundable receipts from the state, payments from the budget loans to resident legal entities and loans to foreign countries. Most non-tax revenues do not take the form of treasury (budget) revenues that are collected at a fixed rate. Budget non-tax revenues should not be strictly planned, but in practice they are usually projected at the same level as last year's revenues[2]. Non-tax revenues, like tax revenues, are introduced by the representative bodies of the Republic of Uzbekistan for individuals and legal entities.

Tax-free income can be both mandatory and voluntary. The list of tax-free revenues is the same for all levels of budgets, determined by the budget classification and includes:

1. Income from property or economic activities owned by the state or local government, incl

- income from the use of state or local government property;
- dividends on state-owned shares;
- income from the lease of state or local property, including rent for agricultural and non-agricultural land;

- Revenues from the placement of temporarily vacant budget funds in banks and credit institutions;

- Revenues from services and government expenditures;

- payments from state and local organizations;

- other income from property or economic activities owned by the state or local government. 2. Proceeds from the sale of state or local property, including:

- Proceeds from the privatization and denationalization of state-owned enterprises and organizations;

- Proceeds from the sale of apartments;

- Revenues from the sale of state production and non-production funds, vehicles and other equipment;

- Proceeds from the sale of ownerless property confiscated and transferred to state and local authorities.

3. Revenues from the sale of state reserves. 4. Income from the sale of land and intangible assets. 5. Systems of capital transfers from non-state sources. 6. Imposition of fines, compensation for damages, including

- the amount of receipts for the production and sale of products made in violation of standards and specifications;

- penalties for price violations;

- Amounts levied on persons guilty of crimes and shortages of property.

7. Income from foreign economic activity, including:

- interest on government loans;

- income from the sale of state reserves;

- the amount of revenues from centralized exports;

- other income from foreign economic activity;

8. Various other tax-free receipts. Tax-free budget revenues are classified by region (contribution to the budget at a certain level), by the method of mobilization and formation (mandatory or voluntary), and by the specific basis of collection of tax-free revenues (revenues from the sale of state property)[3].

Taking everything into account, it can be concluded that tax-free revenues make up a small percentage of the state budget and are classified the same for budgets at all levels. As we have seen, tax-free income is introduced for legal entities and individuals in the same way as taxable income

BRU-51 guruh talabasi Jalilov Jamshidbek Abdumo‘min o‘g‘li
Ilmiy raxbar Rajabov Doniyor Dilshod o‘g‘li
“Buxgalteriya hisobi” kafedrasi assistenti

BOSHQARUV HISOBIDA BIZNES JARAYONLARINI AVTOMATLASHTIRISH TIZIMLARI

Biznes jarayonlari - iste'molchi uchun mahsulot yoki xizmatni yaratadigan harakatlar - ularning ishtirokchilaridan avtomatlashtirishni talab qiladi, bu esa qisqa vaqt ichida yaxshi natijalarga erishadi. Va bu allaqachon biznes egasi va uning xodimlari uchun daromadning oshishi va turmush darajasining oshishi.

Biznes-jarayonlarni avtomatlashtirishda korxona yoki tashkilotning bo‘linmalari va xizmatlari o‘rtasida (masalan, marketing, ishlab chiqarish, sotish, xizmat ko‘rsatish) yangilari quriladi yoki ilgari yaratilgan aloqa optimallashtiriladi. Ularning orasidagi ma'lumot almashinuvi ancha tezroq, aniqroq va juda muhim, bu menejer yoki egasi tomonidan boshqariladi, shu jumladan masofadan turib.

Shunday qilib, tadbirkorlar o‘z bizneslarini boshqarish uchun kuchli va qulay vositani dunyoning istalgan nuqtasidan olishadi.

Buxgalteriya siyosati, jarayonlarni boshqarish va resurslarni boshqarish har doim ham har qanday biznesning gullab-yashnashi uchun juda muhim bo‘lgan.Qo‘l bilan olib boriladigan biznes tashkilotlarida menejer tez-tez xodimlarning ishini nazorat qilishda va tovar yoki xizmatlarni hisobga olishda muammolarga duch keladi, ayniqsa ikkinchisi masofadan turib joylashgan bo‘lsa.

Xodimlar ishida shaffoflikning yo‘qligi xatolar foizini oshiradi va xodimlarning ish unumdorligini pasaytiradi.

Ishlab chiqarilgan tovarlar va xizmatlarni hisobga olish muammosi, mehnat natijalari va har bir xodim, bo‘lim yoki ustaxonaning samaradorligi biznesni boshqarishning harakatchanligi, samaradorligi va uzluksizligini pasaytiradi.

Egasi uchun bir vaqtning o‘zida bir nechta nuqtada biznesni qo‘lda rivojlantirish, operatsion faoliyat va xodimlarni optimallashtirish muammoli.

Bugungi kunda, zamonaviy vositalar yordamida har qanday miqyosda - ob'ektlardan korxonalar va tarmoqlar o‘rtasidagi o‘zaro aloqalargacha bo‘lgan har qanday jarayonni avtomatlashtirish mumkin.

Bu nafaqat biznes jarayonlarini malakali tartibga solish, balki ularni takomillashtirish, shu jumladan ishlab chiqarish yoki korxonaning keyingi rivojlanishini malakali rejalashtirishga imkon beradi.

Biznes jarayonlarini avtomatlashtirish uni amalga oshirish xarajatlarini qoplaydigan va kadrlar faoliyati samaradorligini oshiradigan iqtisodiy samarani beradi:

- Mijoz bilan o‘zaro hamkorlik tezligi oshadi, bu esa savdo hajmini va shunga mos ravishda kompaniya foydasini oshiradi.
- Xom ashyo va mahsulotlar ishlab chiqarish jarayonida kuzatiladi va nazorat qilinadi. Yetkazib berilgan tovar va xizmatlar uchun to‘lov oldindan tuzilgan reja asosida amalga oshiriladi.
- Buxgalteriya hisobini osonlashtirish ishlab chiqarish, omborlar, do‘konlarning uzilishlarisiz va to‘xtash joylarisiz assortimenti va tovar-moddiy boyliklarini soddalashtirilgan tanlanishiga olib keladi.
- Xodimlarning ish vaqtini nazorat qilish yo‘qotishlarni kamaytiradi va o‘g'irlikning oldini oladi. Xodimlar bilan to‘lovlar moslashtirilgan va optimallashtirilgan. Xodimlarning samaradorligi oshkor bo‘ldi, bu sizga optimal kadrlarni saqlashga imkon beradi.
- Hozirgi vaqtda ob'ektlar uchun rentabellik va oborotning mavjud ko‘rsatkichlari yagona ma'lumotlar bazasida. Ob'ektlar o‘rtasida axborot almashinuvi ish oqimining bo‘linishi bilan amalga oshiriladi.
- Korxona rahbari (egasi) barcha tashkilotlar uchun bitta joyda hisobotga ega, tovar aylanmasi va rentabellik statistikasi real vaqt rejimida mavjud.

Biznes jarayonlarini avtomatlashtirish- ixtisoslashtirilgan dasturiy ta'minot usullaridan foydalangan holda kompaniyadagi mavjud ish jarayonlarini tartibga solish va tartibga solishga qaratilgan tadbirlar. Ushbu ta'rif biznes jarayoni atamasining tavsifiga asoslanadi:

"Biznes-jarayon - bu o‘z vaqtida buyurtma qilingan, kerakli natijaga erishish uchun mo‘ljallangan tadbirlar majmuidir."

Umuman olganda, albatta, biznes-jarayonlarini avtomadlashtirish bu murakkab va mas’uliyatli jarayon bo‘lib, unda mijozning ham amalga oshiruvchi kompaniyaning ham eng yaxshi kuchlari jalb qilinishi kerak. Boshqaruv hisobida biznes jarayonlarini avtomadlashtirish tizimini tanlashda diqqat bilan va ehtiyotkorlik bilan murojaat qilish kerak.

Ammo, kichik va o‘rta biznes uchun jarayonlarni avtomatlashtirish standart echimlarga asoslangan bo‘lishi kerak va yirik kompaniyalar amalga oshirishdan maksimal foyda olish uchun o‘zlariga moslashtirilgan ishlanmalarga ruxsat berishlari mumkin.

Hamroyeva Sevinch Hamroyevna
Moliyava Buxgalteriya hisobi fakulteti 1-kurs talabasi
Ilmiy rahbar:Abdusalomova Nodira Bahodirovna
Iqtisodiyot Fanlari Doktori ,Professor

“RAQAMLI IQTISODIYOT”NI O‘ZBEKISTONNING ZAMONAVIY RIVOJLANISH BOSQICHIDAGI TUTGAN O‘RNI VA AHAMIYATI

Anotatsiya *Ushbu maqolada raqamli iqtisodiyotning rivojlanish tarixi,raqamli platformalarning ommalashish sabablari ,raqamli iqtisodiyot- bugungi rivojlanayotgan jamiyatlar asosi ekanligi haqida fikrlar yuritilgan.Raqamlashtirish tizimidagi mavjud ayrim muammolar tahlil qilinib,bartaraf etish yuzasidan ayrim takliflar kiritib o‘tilgan.*

Kalit so‘zlar: *Raqamli iqtisodiyot,raqamli savodxonlik,Raqamli O‘zbekiston-2030,kriptovalyuta,electron tijorat,electron hukumat,online shopping ,Big-data,robototexnika,sun’iy ong ,onlayn va innovative platformalar*

Kirish

Hozir biz yashayotgan jamiyatga raqamli iqtisodiyot va u bilan bog‘liq bo‘lgan bir qancha samarador texnologiyalar, shu jumladan, elektron tijorat va elektron biznes,sun’iy ong,robototexnika,simsiz aloqa texnologiyalari hayotimizga shiddat bilan kirib kelmoqda.Aynan shu sababdan, davlat va jamiyat taraqqiyotini yanada jadallashtirish maqsadida, respublikamiz rahbariyati raqamlashtirish jarayonini rivojlanishning dunyo siyosatidagi o‘rnini anglagan holda bir qancha muhim qarorlarni qabul qildi. Davlatimiz rahbari Sh.Mirziyoevning 2018-yil 28-dekabrdagi Oliy Majlisga Murojaatnomasida 2030-yilgacha “Raqamli O‘zbekiston – 2030” dasturini amalga oshirish taklifini taqdim etganligi,2020-yilga esa “Ilm ,ma’rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili “deb e’lon qilinganligida o‘z yorqin ifodasini topgan.

Raqamli iqtisodiyot tushunchasi atama sifatida ilk bor1995-yil Yevropada Don Tapskotning “Цифровая экономика: обещание и опасность в эпоху сетевой разведки”(Raqamli iqtisodiyot:

tarmoqli intelekt asrida va’da va xavf-xatar)asari va 1995-yil Nikolas Negroponte (Masachusets, AQSh)ning tadqiqot ishlarida yangicha atama sifatida bayon etilgan.Zamonaviy tilda qisqa qilib raqamli iqtisodiyotga katta hajmdagi ma’lumotlarni qayta ishlash asosida turli xildagi

ishlab chiqarishlar, texnologiyalar, asbob-uskunalar, tovar va xizmatlarni saqlash,

sotish va yetkazib berish samaradorligini jiddiy ravishda amalga oshirishga imkon yaratuvchi faoliyat mezoni sifatida e’tibor qaratilmoqda. Dunyoda raqamli iqtisodiyot o‘sishining sur’atlari yiliga deyarli 20 foizni tashkil

etmoqda. Taraqqiy etgan davlatlarda raqamli iqtisodiyotning **YAIM**dagi ulushi 7 foizga yetgan.Xususan Amerika Qo‘shma Shtatlari dunyo iqtisodiyotining raqamlashtirishi oqibati hisobiga 2025-yilgacha 20trln dollar foyda kutayotganligini hisobga oladigan bo‘linsa,raqamlashtirish siyosati zamonaviy rivojlanishning poydevori ekanligiga shubha ham qoldirmaydi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasida raqamli

iqtisodiyotni rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 2018 yil 3 iyuldagi PQ-

3832-sonli qarori qabul qilinishi raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishda muhim qadam bo‘lib, mamlakatimizda raqamli iqtisodiyotni yanada rivojlantirish bo‘yicha quyidagilarni nazarda tutuvchi eng muhim vazifalar belgilab berildi:

- investitsiyaviy va tadbirkorlik faoliyatining turli shakllarini diversifikatsiya

❖ kripto-aktivlar aylanmasi sohasidagi faoliyatni, jumladan

mayning, smart-kontrakt, konsalting, emissiya, ayirboshlash, saqlash,

taqsimlash, boshqarish, sug‘urtalash, kraud-fanding (jamoaviy

moliyalashtirish) texnologiyalarini joriy etish;

- blokcheyn texnologiyalarini ishlab chiqish va ulardan foydalanish sohasida

❖ zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini yaxshi tushunadigan, amaliy ish ko‘nikmalariga ega malakali kadrlarni tayyorlash, shuningdek, yuqori malakali xorijlik mutaxassislarni jalb qilish;

- kripto-aktivlar bo‘yicha faoliyat va “blokcheyn” texnologiyalari sohasida

❖ xalqaro va xorijiy tashkilotlar bilan hamkorlikni har tomonlama rivojlantirish, shuningdek, ilg‘or xorijiy tajribani hisobga olgan holda zarur huquqiy bazani yaratish;

- raqamli iqtisodiyotni yanada rivojlantirish uchun innovatsion g‘oyalar,

❖ texnologiyalar va ishlanmalarni joriy etish sohasida davlat organlari va tadbirkorlik sub’ektlarining yaqin hamkorligini ta’minlash.

Chunonchi, mamlakatimizda “Elektron hukumat” tizimini joriy etish raqamli

iqtisodiyotni rivojlantirishning ajralmas tarkibiy qismi bo‘lib, uning asosiy maqsadi ma’muriy tartib va taomillardan o‘tishni soddalashtirish, aholi turmush sifatini oshirish, investitsiya va ishbilarmonlik muhitini yaxshilashga qaratilgan.

Belgilab olingan asosiy vazifalar ijrosini amalga oshirish, shuningdek,

mamlakatimizda raqamli jamiyat rivojlanishi, aholi va tadbirkorlar uchun qulay

imkoniyatlar yaratish, byurokratik to‘siqlar va korrupsiyaviy omillarlardan holisamarali va ochiq davlat boshqaruvi tizimini rivojlantirish borasida ko‘zlangan maqsadga erishish uchun bugungi kunda iqtisodiyotning barcha sohalarini raqamli yaratiishi kutilmoqda.Raqamlashtirishga oid islohotlarning bosqichma-bosqich amalga oshirilish hisobiga quyidagi samaralar olindi:

- ✓ *Turdosh yo‘nalishlarda3-5 barobarga bosh ish o‘rinlari paydo qilindi;*
- ✓ *Atrof muhitga salbiy ta’sir doirasi pasayishiga hissa qoshildi;*
- ✓ *Mehnat unumdorligini ,kichik va o‘rta biznesning o‘sishiga omil yaratilindi;*
- ✓ *Qashshoqlikning,ommaviy xizmat ko‘rsatishning narxini qisqarilishi ,inklyuzivlik va tibbiy xizmat ko‘rsatish sifatinng ortilishiga poydevor yaratilindi.*

Endilikda elektron tijorat va elektron biznesda keng miqyosda ishlatiladigan va hozirgi zamonda borgan sari ommabop bo‘lib borayotgan virtual valyutalar, **Tranzaksiyalar bloklari zanjiri (Block Chain / Blokcheyn)** ,Kriptovalyuta, **Bitkoin** haqida ham raqamli iqtisodiyotning bo‘lagi sifatida O‘zbekistondagi **Yandeks-dengi, Veb-mani (WebMoney)** va **Kivi-hamyonni (Qiwi)** kabi dasturlarini misol qilib ommaga foydalanishga topshirilmoqda. Yuqoridagi loyihalar doirasida elektron hukumat konsepsiyasini amalga oshirilinayotgani,transport, uy-joy kommunal Xizmatlarini va boshqalarni kompleks tarzida ,axborotlashtirishga asoslanadigan «*raqamli shahar*» g‘oyasini hayotga tadbiq etish,yangi texnologik avlod tovarlarining bozorda ommaviy ravishda paydo bo‘layotganligi (*masalan, robotlar, 3D-printerlar, haydovchisiz avtomobillar ishlab chiqarish va boshqalar*),3D-printerlarning ishlab chiqarishdava uy xo‘jaligida qo‘llash ko‘lamining ortayotganligi, «*aqlli*» va o‘ta ekologik uy-joylar qurish g‘oyasini amalga oshirish organizmni yoshartirish va davolash bilan bog‘liq innovatsion tibbiy dori-darmonlarga talabning o‘sishi,turli xildagi muqobil va erkin bandlik

shakllari, jumladan, autsorsing tarqalishi (*buxgalteriya Xizmatlari, dasturlash, tarjima, banking xizmatlari, erkin ijodiy faoliyat va boshqalar aytilgan islohotlarning amaldagi ko‘rinishidir.*

0 ‘zbekistonda ham aholini virtual ish bilan ta’minlash istiqbollari katta. Shuning uchun, eng awalo, axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini jadal rivojlantirish choralari ko‘rilmoqda. Xalqaro elektr aloqa uyushmasi 0 ‘zbekistonni axborot-kommunikatsiya texnologiyalari sohasida jadal rivojlanayotgan mamlakat sifatida e’tirof etganligi,0 ‘zbekiston Xalqaro elektr aloqa uyushmasining reytingida 2017-yilning o‘zida jahon mamlakatlari o‘rtasida birdaniga 15 pog‘onaga ko‘tarilganligi, mamlakatda *axborot-kommunikatsiya* texnologiyalarini rivojlantirishda AQSh va Fransiyaning «Alcatel Lucent», Yaponiyaning «NEC Corporation» va «Sumitomo Corporation», Xitoyning «Huawei Technologies» va «ZTE Corporation», Janubiy Koreyaning «KT Corporation», Shvetsiya va Norvegiyaning «Telia Sonera», Finlyandiya va Germaniyaning «Nokia Siemens», Rossiyaning «VimpelKom» kompaniyalari 0 ‘zbekiston bilan innovatsion hamkorlik qilayotganligiva 2022-yilga borib optic tolali aloqa tarmog‘ini yanada uzaytirilayotganligi ,“Elektron hukumat”tizimi rivojlanayotgan davlatlar ro‘yxatlarida mamlakatimiz nomi ham joy olayotganligi 2018-yil 28-dekabrdagi Oliy Majlisga Murojaatnomasida 2030-yilgacha “Raqamli O‘zbekiston – 2030” dasturini amalga oshirish taklifini ustida ishlayotgan ma’sullar harakatlarining namoyishi hisoblanadi.

Hozirgi kunda iqtisodiyotning raqamlashuvi natijasida ayrim muammolar kelib chiqqanligi ham mavhum emas. Jumladan, BIG DATA (katta ma’lumotlar almashinuvi)-ijtimoiy himoya va xavfsizlik prinsipini buzilishiga, ONLINE SHOPPING esa ayrim biznes faoliyatlarini yakunlanishiga, ish o‘rinlari soni qisqarishiga ham sababchi bo‘lib qolmoqda.

Raqamli Iqtisodiytning Ozbekiston tizimidagi ba’zi Raqamlashtirish siyosati ilgari surliishi kerak bo‘lgan sohalarga to‘laqonli kirib bora olmayotganligiga ham bir necha omillar ta’siri ham mavjud: axborot texnologiyalarning xavfszlik darajasi yetarli emasligi,internet tezligining pastligi va sifati sust ekanligi ,axborot texnologiyalari blan bog‘liq mutaxassislarning yetishmasligi,ko‘plab sohalardagi monopoliyyaning ildiz otganligi,axborot texnologiyalariga oid qonunchilikning zamon bilan hamnafas emasligi kabi muammolar ham e;tibor qaratilishi lozim jabhalardandir. Pandemiya davrida ham barqaror rivojlanish asosi bo‘lgan Raqamli iqtisodiyotni jahon siyosati va iqtisodiyotida tutgan o‘rnini anglagan holda quyidagilarni amalga bosqichma -bosqich tadbiq etish taklif qilinadi:

- Davlat xizmatlarini ko‘rsatish,sog‘liqni saqlash,davlat kadastri va bosqa raqamli infratuzilmalar o‘rin olmagan sohalarda raqamli texnologiyalar qamrovini yuksaltirish;
- Axborot texnologiyalari, raqamli iqtisodiyot asosida faoliyatni amalga oshiradigan korxonlar uchun jahon standartlariga to‘g‘ri keladigan ,chuqur malakaviy bilimga ega raqobatbardosh kadrlar yaratish ko‘lamin kengaytirish;
- Aholi qatlamlari orasida “raqamli savodxonlik” tushunchasini kengaytirish, aholi orasida ham axborot ongini shakllantirishga oid semnar, trening, muzokaralarni tayyorlash;
- Raqamli iqtisodiyot sohasida huquqiy-me’yoriy bazani shakllantirish, qonunchiik hujjatlarini mustahkamlash va ommaga bayon etish;
- Raqamli faoliyat yuritish uchun internet tarmog‘i sust yoki umuman bo‘lmagan hududlarni aniqlash va holat yuzasidan tegishli choralr amalga oshirish ;
- xalqaro texnologik kompaniyalar bilan o‘zaro hamkorlikdagi loyihalarni amalga oshirish, shu jumladan, innovatsion ishlanmalar bo‘yicha zamonaviy ilmiy-ishlab chiqarish laboratoriyalarini tashkil etish.

Yuqoridagi holatlar yuzasidan ko‘rilgan amaliy ishlar kelajakda albatta O‘zbekiston jahon andozalariga raqobatbarosh faoliyatni sun’iy ong asosida boshqariladigan qurilmalarga tayangan holda amalga oshirishi haqida umid qilinadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. *http://xs.uz/uzkr/post/davlatimiz-rahbari-2030-jilgacha-raqamli-ozbekiston2030-dasturini-amalga-oshirishni-taklif-etdi*
2. *THE PERSPECTIVES OF DIGITAL ECONOMY FOR UZBEKISTAN: A NEW STAGE, Rajapova Madina Faridunovna1 1PhD student,*
3. *Mehnat iqtisodiyoti /nazariya va amaliyot Darslik -2019 yil -Kalandar Abdurahmonov*
4. *https://en.wikipedia.org/wiki/Digital_economy*

Абдуғаниев Мухаммадамин Абдуғаффор ўғли
Молия ва бухгалтерия ҳисоби факультети талабаси
Илмий раҳбар: Абдусаломова Нодира Баходировна
ТДИУ «Бухгалтерия ҳисоби» кафедраси мудири
и.ф.д., доцент

КОРХОНАЛАРИДА БОШ БЮДЖЕТНИ ТУЗИШ УСЛУБИЯТИ ВА БЮДЖЕТ БАЖАРИЛИШИНИ БАҲОЛАШ ҲАМДА НАЗОРАТ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

Халқаро миқёсда бошқарув ҳисобини тарғиб қилиш, методологиясини такомиллаштириш масалалари “Халқаро бухгалтерлар федерацияси (International Federation of Accountants, IFAC) қошидаги Молиявий ва бошқарув ҳисоби қўмитаси, АҚШда Бошқарув ҳисоби институти (Institute of Management Accountants – IMA) ва Буюк Британиянинг Бошқарув бухгалтерлари институти (Chartered Institute of Management Accountants (CIMA)” томонидан кўриб чиқилади. Қўмита компаниялар учун тавсия этиладиган бошқарув ҳисоби стандартларини ишлаб чиқади. Бошқарув ҳисоби институтининг дунё миқёсида 75000 та аъзоси ва 300 дан ортиқ минтақавий ваколатхоналари мавжуд. CIMA бошқарув ҳисобининг 4 та асосий тамойилини тавсия этади: “алоқа, маълумотлардан фойдаланиш, омиллар таъсирини таҳлил қилиш, ишончли бошқарув”. Ҳозирги вақтда бошқарув ҳисобининг функциялари ва тамойиллари рўйхати сезиларли даражада кенгайиб, бюджетлаштиришни ташкил қилишни услубий жиҳатдан такомиллаштириш муаммоси долзарб бўлиб қолмоқда.

Маҳаллий ва хорижлик муаллифлар томонидан тақдим этилган таърифларнинг таҳлили “бюджет” тушунчаси “режа” тушунчаси билан изоҳланади, деган хулосага келишимизга имкон берди. Бу нуқтаи назар бюджетлаштиришнинг корхона молия-хўжалик фаолиятини режалаштириш натижалари билан яқин алоқаларини белгилайди. Шу муносабат билан бюджетлаштиришни талқин қилишда икки йўналиш ажратиб кўрсатилади.

Биринчиси, бюджетлаштириш, асосан, молиявий режалаштиришга асосланган бўлиб, фақат молиявий ресурслар бюджетлаштириш объекти сифатида қаралади.

Иккинчи йўналишда бюджетлаштиришнинг объекти ва услубий жиҳатлари кенгроқ талқин этилади. Бу йўналишга асосан бюджетлаштиришнинг объекти сифатида нафақат молиявий ресурслар, балки корхона молиявий-хўжалик фаолиятининг барча соҳаларини қамраб олади.

В.Б. Ивашкевичнинг фикрича бюджетлаштириш – иқтисодий кўрсаткичларни таҳлил қилишга имкон берадиган бюджетлар ёрдамида маъсулият марказлари томонидан корхона ичидаги режалаштириш, қисқа муддатли режалаштириш ва ташкилот корпоратив бошқарув тизими.

П. Боровковнинг таъкидлашича, “Корхонанинг стратегик мақсадларидан келиб чиққан ҳолда бюджетлар корхона ихтиёридаги молиявий ресурсларни тақсимлаш вазифаларини ҳал қилади. Бюджетларни ишлаб чиқиш корхона фаолиятининг танлаб олинган истиқболларига аниқлик киритади, барча харажатлар ва натижалар пуллик ифодага эга бўлади. Бюджетлаштириш корхонада тўғри ва аниқ мақсад белгилашга, бизнес стратегиясини ишлаб чиқишга ёрдам беради”.

Бизнинг фикримизча, бюджетлаштириш шундай бошқарув технологиясики, у корхона бошқарувини, унинг замонавий талабларга ва унинг даражасининг у томондан қабул қилинадиган бошқарув қарорларига мос келиши билан белгиланади. Бюджетлаштириш солиқлар, иш ҳақи, шартномалар ва ҳоказолар бўйича тўловларнинг тегишли даражада ижро этилиши учун яратилган. Бюджетлаштириш - бошқарув ҳисоби ресурслар билан таъминлаш воситаси, у жавобгарлик марказларининг бюджетларини ишлаб чиқиш, ижро этиш, бошқариш, таҳлил қилиш ва тузатиш босқичларини ўз ичига олади. Ҳозирда бюджетлаштириш сезиларли даражада кенгайган бўлиб, стратегик характерни ўзида мужассамлаштиради.

Илмий тадқиқот натижалари асосида биз таклиф қилган таъриф, мавжуд таърифлардан фарқли ўлароқ, бюджетлаштиришни бошқарув ҳисобини ресурслар билан таъминлашнинг бир қисми сифатида намоён бўлади:

- бунда бошқарув ҳисобини ресурслар билан таъминлаш деганда, бошқарув ҳисоби жараёнлари, воситалари ва усуллари тушунилади. Жараён сифатида корхонанинг стратегик, тактик ва операцион мақсадларини амалга ошириш учун маълумотларни сифат ва миқдор жиҳатдан кузатиш, аниқлаш, қайта ишлаш соҳасидаги услубий жиҳатдан аниқланган ҳаракатлар кетма-кетлигини англатади. Бошқарув ҳисоби воситалари деганда, ҳисобга олиш тартиб-қоидаларини усулбий жиҳатдан амалга ошириш имконини берадиган иқтисодий воситалар тушунилади. Бошқарув ҳисоби усулига, асосан, ахборот тизимида бошқарув ҳисоби объектлари акс эттирилган усулларнинг муайян таркиби киради;

• бюджетлаштиришни бюджетларни режалаштириш нуқтаи назаридан жавобгарлик марказлари бюджетини тузиш, ижро этиш, мониторинг, таҳлил қилиш, назорат ва тартибга солиш технологияси деб ҳисоблайди;

• бюджетлаштиришни режали механизм ёрдамида амалга ошириладиган бир қатор босқичларнинг узлуксиз жараёни сифатида белгилайди.

Ушбу таърифга асосланиб, бюджетлаштиришнинг моҳиятини унинг мақсади, вазифалари, функциялари ва тамойиллари орқали аниқлаш керак бўлади. Бунда бюджетлаштиришнинг мақсад ва вазифалари корхонанинг стратегик режалари асосида аниқланади.

Бизнинг фикримизча, бюджетли ёндашувда бошқариш функцияларини қўллаш мақсадга мувофиқдир (1-расм).



1-расм. Бюджетлаштириш функцияларининг таснифланиши

Юқорида келтирилган бюджетлаштириш функциялари ва даврларини тавсифлаймиз:

- *башорат қилиш - корхона стратегиясини ишлаб чиқиш;*
- *режалаштириш-бюджетларни ишлаб чиқариш. Бюджетлаштиришнинг ташкилий қисми режалаштириш ҳисобланади;*
- *ижро этиш - жавобгарлик марказлари орқали бюджетларни ижро этиш, масъулиятлар марказлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш учун молиявий-хўжалик фаолиятининг барча ҳақиқатдаги маълумотларини ҳисобга олиш;*
- *назорат - юзага келадиган бюджетли четланишларнинг олдини олиш бўйича ҳаракатларни амалга ошириш учун четланишларнинг юзага келиш сабабларини тизимли равишда кузатиб бориш ва аниқлаш, шунингдек, хатоларни тўғрилаш;*
- *таҳлил - бизнес ғоянинг баҳоланиши, эришилган молиявий-хўжалик фаолият натижаларини таҳлил қилиш;*
- *юзага келган бюджетли четланишларнинг олдини олиш ёки тўғрилаш бўйича бошқарувга таъсир қилиш ҳаракатларини белгилаш мақсадида бюджетли кўрсаткичларни таҳлил қилиш.*

Металлургия саноати корхонасини бошқаришда бюджетли ёндашув даврларнинг бироротаси йўқ бўлса, бошқарув схемаси самарали бўлмайди. Бюджетли бошқариш даврларининг узлуксизлик жараёни ҳар бир бюджетни шакллантириш босқичига алоҳида эътибор беришни талаб этади. Металлургия саноати корхонасида бюджетлаштиш даврларини қуйидаги кўринишда таклиф этамиз (2-расм).

2-расмдан кўриниб турибдики, бюджетлаштириш доимий даврий жараёндир ва унинг ҳар бир босқичи бутун тизимнинг бир қисмидир. Ушбу таклифга мувофиқ бюджетлаштириш даврларининг кетма-кетлиги қуйидаги кўринишда амалга оширилади:

1)стратегик режалаштириш ва бюджетлаштириш ўртасидаги ўзаро алоқани амалга ошириш. Стратегик ва тактик режаларни қўллаб, бюджет ишлаб чиқувчилари корхона олдида турган асосий ва иккиламчи мақсад ва вазифаларни ажратиб оладилар. Бу мақсад ва вазифаларни муддатлар ва устуворликлар бўйича тақсимлаб, бюджет даврига мос келадиганлари танлаб олинади;



2-расм. Металлургия саноати корхонасида бюджетлаштириш даври

2) келгуси фаолиятнинг кутилаётган (мақсад ва вазифаларга мос келадиган) кўрсаткичларни тавсифловчи натижавий кўрсаткичларни амалга ошириш. Келажакда олиниши лозим бўлган натижавий кўрсаткичларнинг аниқ қийматларини белгилаш муҳим омил ҳисобланади. Натижавий кўрсаткичлар хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг стратегик ва тактик йўналишларига аниқ мос келиши лозим;

3) корхонанинг иқтисодий (ресурсли) салоҳияти ва бизнес ташқи муҳитининг ҳолати тўғрисидаги жорий маълумотларни йиғиш. Бюджетлаштириш учун зарур барча ахборот умумлаштирилади ва бюджет кўрсаткичлари прогноз учун талаб этиладиган кўрсаткичлар кўринишида тасвирланади ва дастлабки иқтисодий таҳлилга берилади;

4) келгуси фаолият кўрсаткичларининг мумкин бўлган ўзгаришлари тўғрисидаги асосий тахминларни тавсифлаш. Ана шу турдаги бюджетлаштириш босқичнинг муваффақиятли амалга оширилиши учун маъсул бўлган мутахассислар, жорий маълумотларга асосланиб, бизнес ички ва ташқи шароитлари ўзгаришининг асосий тенденцияларини аниқлаб олиб, шунингдек, экспертларнинг фикридан, уларнинг касбий тажрибалари ва маҳоратидан фойдаланиб, ички таҳлилни ва бизнес ташқи муҳити ўзгаришининг истиқболли таҳлилини амалга оширадилар. Бу босқичда корхонанинг режалаштирилаётган даврдаги фаолияти кўрсаткичларининг сезиларли ўзгаришларига нисбатан асосий тахминлар аниқ шакллантирилган бўлиши лозим;

5) жавобгар ходимлар томонидан корхона бюджети моделининг мақбуллиги экспертизаси амалга оширилади. Бухгалтерия ҳисоби тизимидаги (асосий молиявий кўрсаткичларни ҳисоблаш услубиятини аниқлаштириш), солиққа тортишдаги, сотувларни рағбатлантириш соҳасидаги, корхона сиёсатидаги (тўловларни кечиктириш, чегирмалар), кредит ресурсларини жалб қилишдаги (қарзнинг асосий ва фоизли суммаларини қоплашнинг турли схемалари), қисқа муддатли молиялаштиришнинг самарали воситаси сифатида кредиторлик қарздорлигидан фойдаланиш, шунингдек, фаолият сегментларидаги ҳар қандай ўзгаришлар, шунингдек, ишлаб чиқаришда янги технологияларни жорий қилиш ва бошқа жиҳатлар бюджет моделининг муқаррар тўғриланишини талаб этади;

6) бюджетлаштириш моделини ишлаб чиқиш;

7) барча талаб этиладиган маълумотларни бюджетлаштириш тизимига киритиш;

8) тасдиқланган бюджетни тақдим этиш ва бажариш бўйича бир қатор ташкилий-бошқарув чора-тадбирларни амалга ошириш;

9) бюджетлаштириш жараёнининг назорат-таҳлил босқичи. Бу ҳақиқий натижаларни мониторинг қилиш, четланишларни таҳлил қилиш ва мақсадли кўрсаткичларни тўғрилаш босқичидир.

Юқоридаги таъкидлаб ўтилганлар асосида хулоса қилишимиз мумкин бўлади: биринчидан, фаолиятни бюджетлаштириш бу бир нечта ҳисобот даврида молия-хўжалик фаолияти натижаларини таққослаш билан бир қаторда, нарх, маҳсулот ассортиментлари ва бошқа кўрсаткичлар бўйича маълумотларни таққослашни таъминлайдиган, корхонанинг фаолиятидаги камчиликлар, муаммолар ва заиф томонларини аниқлаш имконини берувчи ва натижада бу муаммоларни ҳал қилишда бошқарувчига керакли бошқарув қарорларини қабул қилишга асос бўлувчи сифат жиҳатдан назорат ва режалаштириш жараёни ҳисобланади. Иккинчидан, бюджет кўрсаткичлари устидан ички назорат ўрнатиш четланишлар, меъёрий база ва бюджет кўрсаткичлари ўртасидаги ўзгаришлар бўйича ҳисоботни тузишга имкон беради. Саноат корхоналари мунтазам равишда бюджет кўрсаткичларидаги моддий, меҳнат ва молиявий кўрсаткичлар бажарилишини назорат қилишда харажат марказлари ва калькуляция объектларига мувофиқ белгиланган меъёрларга риоя этилишини кузатиб боради. Бундай назорат уларга четланишлар сабабларини аниқлаш ва таҳлил қилиш ҳамда бюджет кўрсаткичларидаги ўзгаришларнинг олдини олиш ва тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун асос бўлади.

Учинчидан, бюджетлаштириш саноат корхонасида бошқарувни ташкил этиш бўйича қарорларнинг шаффофлигини таъминлаш, барча бошқарув функцияларини, хусусан, саноат корхонаси энг яхши натижаларга эришиши учун белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилишига, моддий, меҳнат, молиявий ва инвестиция ресурсларини оптималлаштиришга ёрдам берадиган ички назоратнинг асоси хисобланади. Тўртинчидан, ички назорат, қабул қилинган бошқарув қарорларини амалга ошириш учун жавобгарлик марказлари томонидан белгиланган вазифаларнинг тўлиқ бажарилишини баҳолашга ёрдам беради.

TDIU "Moliya va buxgalteriya hisobi" fakulteti talabasi
Abduqodirova Nigina Alisher qizi
Ilmiy rahbar: Haydarova D.

AMALIY SHAXSIY MOLIYA VA UNI JAMG'ARISH YO'LLARI

Annotatsiya: *Ushbu maqolada moliya, uning farovon hayot kechirishdagi ahamiyati, pul mablag'larini boshqarish, moliyaviy jamg'armani tuzish va uni shakllantirish yo'llari haqida fikr yuritilgan.*

Kalit so'zlar: *Moliya, investitsiya, diversifikatsiya.*

Moliyaviy barqarorlik turmush farovonligiga xizmat qiladi. Post-kummunistik mamlakatlarga qaraganda Yevropa Ittifoqi mamlakatlarida aholi daromadlari ancha yuqori. Shunday bo'lsada, ko'p G'arbiy Yevropa mamlakatlarida odamlar moliyaviy qiyinchiliklarni boshdan kechirishmoqda. Bunga sabab, moliyaviy barqarorsizlikning sababi biz oladigan daromadlarga emas, balki asosan tanlovlarimizga bog'liqdir.

Agar siz o'z moliyangizni boshqarmasangiz, moliyangiz sizni boshqaradi. Har bir ishni boshida reja bilan boshlash bu samaradorlik sari qo'yilgan dastlabki qadamdir. Agar rejamiz bo'lmasa, biz o'zimiz istamagan joyda, o'zimiz istamagan vaziyatga tushib qolishimiz mumkin. Mamlakatlar o'zlari eng yaxshi bajara oladigan faoliyatlarga ixtisoslashishidan manfaat ko'rishllarini izohlovchi qiyosiy ustunlik printsipi siz qo'lingizdan eng yaxshi keladigan va boshqalar qadrlagan narsalarga ixtisoslashishingizga da'vat qiladi. Haqiqatdan ham, daromadlar yuqori bo'lishi uchun, avvalo, inson o'zi sevgan va tushungan sohasi bilan shug'ullanishi darkor. Shundagina, yuzaga kelishi mumkin bo'lgan muammolarni yengib o'tish oson bo'ladi.

"Shaxsiy moliyani shakllantirishni turli usullari mavjud bo'lib, ular quyidagilardir:

1. *O'z qiyosiy ustunligingizni aniqlang.*
2. *Unumdorlik va siz ko'rsatadigan xizmatlar qadrini oshiruvchi ko'nikmalarni, munosabatlarni va tadbirkorlikni rivojlantiring.*
3. *Mablag'laringizni oqilona sarflash va muntazam ravishda jamg'arish uchun byudjetingizni rejalashtiring.*
4. *Hech narsani uning foydali faoliyati muddatidan uzoqroq muddatga moliyalashtirmang.*
5. *Puldan unumliroq foydalanishning ikki yo'li bor: kredit kartalari bo'yicha qarzdan saqlaning va ishlatilgan narsalarni xarid qiling.*
6. *Favqulotda vaziyat yoki "qora kun" uchun omonat hisob raqamingizga har oy pul qo'yishni boshlang.*
7. *Murakkab foiz stavkasi sizning foydangizga ishlashini ta'minlang.*
8. *Diversifiktsiya qiling – hamma tuxumni bitta savaatga qo'ymang.*
9. *Indeks pay investitsiya fondlari yoki indekslangan birja investitsiya fondlari ortiqcha risksiz ekspertlardan kattaroq foyda olishga yordam beradi.*
10. *Uzoq muddatli investitsiya uchunaksiyalarga investitsiya qiling, lekin pulga ehtiyoj bo'lishini sezsangiz, unda obligatsiyalarning yoki naqd pulning ulushini oshiring.*
11. *Uy-joy sotib olish, ta'lim olish va boshqa investitsiya bo'yicha qaror qbul qilganda, risk darajasini pasaytirish yo'llarini qidiring.*
12. *Riskni boshqarish uchun sug'urtadan foydalaning."[1]*

Bu yerda keltirilgan maslahatlar oddiy, amaliy va tushunarlidir. Ular sizni moliya ustasiga yoki bir zumda milionerga aylantirmaydi, lekin ular yirik moliyaviy xatolarni oldini olishga ko'maklashadi. Yuqorida ta'kidlaganimizdek har bir ishni puxta reja asosida o'z maqsadimiz sari yo'naltirsak, tez va oson erishishimiz aniq. Oqilona moliyaviy reja tuzishga o'zida vaqt yoki tajriba yo'q deb hisoblagan shaxslar katta moliyaviy muammolarning oldini olish uchun hatto oddiy ko'rsatmalarni ham tahlil qila olmasliklari mumkin.

Moliyaviy qaror – bu barchamizga ma'lumki, pul mablag'lariga doir qaror hisoblanadi. Moliyaviy barqarorlik bu yaxshi turmush darajasini demakdir. Shunday ekan, moliyaviy qarorlarni natijalari turmush darajasini salbiy yoki ijobiy tomonga keskin o'zgartirib yuborishi mumkin. Moliyaviy qarorlar qabul qilinayotganda muqobil qiymatini hisobga olgan holda muqobil variantni tanlamoq lozim.

Yaxshi hayot faqat yaxshi daromad topishdan iborat emasligini ham unutmasligimiz kerak. Baxtli hayot keltirish uchun muvaffaqiyatli turmush, oila, do'stlar, qoniqarli ish, diniy e'tiqod va sevimli

mashg‘ulot kabi moliyaviy aktivlar bo‘lmagan omillar puldan ham muhimroq. Demak, faqat pul va boylikning ortidan uvishdan ma’no yo‘q.

Shuningdek, boy bo‘lishni istash ham ayb emas, albatta. bu istak, faqat o‘z manfaatlarini o‘ylagan, o‘z turmush darajasida qayg‘urgan insonlarga taaluqli emas. Chunki ko‘plab insonlar kambag‘allarga, nogironlarga, qariyalar uyi va mehribonlik uylariga, diniy muassasalarga, madaniy ishlarga yoki shifoxonalarga xayriya qilish uchun ham boy bo‘lishni istashadi. Hayotda maqsadlarimiz qanday qat’iy nazar, agar qarzimiz kamroq boyligimiz ko‘proq bo‘lsa, ularga erishish osonroq kechadi. Demak, biz barchamiz o‘zimiz xoxlasak ham xoxlamasak ham oqilona moliyaviy qarorlar qabul qilishni istarkanmiz.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yhati:

1. “Mantiqiy iqtisodiyot: shaxsiy va miliy farovonlikning dolzarb masalalari”. Jeyms D.Guordni, Richar L.Stroup, Duayt R.Li, Tauni H.Ferrarini, Jozef P.Kalhun, Rendall K.Fayler. http://creativecommons.org/licences/by-nc-nd/4.0/

2. Sh.Abdullayev, Pul, kredit va banklar T.”Moliya”,2000 y.

3. Y.Abdullayev,T.Qoraliyev,Pul T.”Mehnat”,1996 y.

4. www.econfun.org

5. www.uz.wikipedia.org

6. www.cfin.ru

7. www.salesmanagment.ru

Ilmiy rahbar: Onorboev Shuxratjon Mirzaevich,
“Buhgalteriya hisobi” kafedrasi, Katta o‘qituvchi.
“Moliya va buhgalteriya hisobi” fakulteti BR-54 guruxi talabasi
Xushvaqtov G’anisher Alisher o’g’li

KICHIK BIZNES VA XUSUSIY TADBIRKORLIK KORXONALARI MAXSULOTLARI RAQOBATBARDOSHLIGINI OSHIRISH MASALALAR

Annotatsiya: *Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik soxasi milliy iqtisodiyotning muhim tarkibiy qismlaridan xisoblanadi. Shu bilan birga ular nafaqat milliy iqtisodiyotda balki, ijtimoiy sohada ham muhim ahamiyat kasb etadi. Maqolada kichik biznes va xususiy tadbirkorlik korxonalarida mahsulot raqobatbardoshligini oshirishning ayrim muammolari ko’rib chiqilgan va kichik biznes va xususiy tadbirkorlik korxonalarida mahsulot raqobatdoshligini oshirish bo’yicha taklif va tavsiyalar bayon etilgan.*

Kalit so‘zlar: *Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik, maxsulot raqobatbardoshligi, raqobatbardoshlik omillari, davlatning roli, eksport, import.*

Kirish

Maxsulotlar ortiqchaligi sezilayotgan xozirgi sharoitda maxsulot raqobatbardoshligini oshirish kichik biznes korxonalarini barqaror faoliyat yuritishining muxim sharti bo’lib xisoblanadi. Maxsulot raqobatbardoshligi tushunchasi ostida maxsulotni bozor talablariga o’xshash maxsulotga qaraganda ushbu davrda yaxshiroq mos kelishi tushuniladi. Raqobatbardosh maxsulot iste’molchilarni ma’lum talablariga javob berishi va ushbu talablarini yaxshiroq qondira olishi lozim. Maxsulot raqobatbardoshligi tovarni amalda sotib olayotgan iste’molchini o’ziga torta olish qobiliyati bo’lib xisoblanadi. Maxsulot raqobatbardoshligi bilan ishlab chiqaruvchilar, tovarni sotuvchilar shug’ullanishadi.

Bugungi kunda ishlab chiqarish resurslari, kapital va innovatsiyalar, tovar va xizmatlarni keng tarqalishi yuz berayogan bir sharoitda maxalliy ishlab chiqaruvchilarni ichki va tashqi raqobatchilar bilan raqobatlashishlariga to’g’ri kelmoqda. Endigina rivojlanib oyoqqa turib kelayotgan milliy korxonalarimiz rivojlangan mamlakatlarning korxonalari bilan teng sharoitlarda raqobatlashish imkoniyatiga ega emaslar. Shu boisdan maxalliy ishlab chiqaruvchilarning bir qismini tashkil etayotgan kichik biznes va xususiy tadbirkorlik korxonalari katta korxonalardan xam ko’ra ko’proq davlat yordamiga extiyoj sezadi.

Mamlakatni iqtisodiy qudrati, axolining ish bilan ta’minlanishi va ijtimoiy masalalar mamlakatni, xududlarni, tarmoqlarni va korxonalarning raqobatbardoshligining asosi bo’lgan maxsulot raqobatchiligiga bevosita bog’liqdir. Maxsulot raqobatbardoshligi omillari ta’sir doirasiga ko’ra korxona, tarmoq va mamlakat darajasidagi omillardan tashkil topadi. Mamlakat darajasidagi eng muxim omillardan biri bu davlatning roli bo’lib xisoblanadi.

O’zbekiston mustaqillikning birinchi kunidan boshlab davlat mustaqil iqtisodiyotimizni rivojlantirishga, milliy korxonalar qo‘llab quvvatlashga katta e’tibor qaratdi. Ayniqsa keyingi yillarda soxada katta o’zgarishlar amalga oshirilmoqda. Kichik bisnesga sharoit yaratish va ularni qo’llab quvatlash bo’yicha juda katta ko’lamdagi ishlar amalga oshirildi. Natijada mamlakatimizda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik korxonalari soni ortib ularni moliyaviy xolati yaxshilanib, tovar va xizmatlarni yetkazib berish geografiyasi kengaydi. Xozirgi kunda mamlakatimiz kichik biznes vakillari nafaqat ichki bozorlaga balki tashqi bozorlarda xam faol ishtirok etmoqdalar va ularni soni kundan kunga ortib bormoqda.

Ushbu xolatni Namangan viloyati kichik korxonalari misolida ko’radigin bo’lsak unda quyidagi jadvalga murojat qilamiz.

1-jadval

Kichik tadbirkorlik subyektlarning iqtisodiy faoliyat turlari kesimida taqsimlanishi

Faoliyat turlari	Jami ro‘yxatga olingan	Shu jumladan		Faoliyat ko‘rsatmayotganlar ulushi % da
		Faoliyat ko‘rsatayotgani	*Faoliyat ko‘rsatmayotgani*	
	01.01.2019 yil holatiga			
Jami	16 928	15 949	979	94,2
Qishloq, o‘rmon va baliqchilik xo‘jaligi	1 514	1 445	69	95,4
Sanoat	3 959	3 851	108	97,3
Qurilish	1 563	1 432	131	91,6
Savdo	5 261	4 811	450	91,4
	01.01.2020 yil holatiga			
Jami	**17 944**	**16 975**	**969**	94,6
Qishloq, o‘rmon va baliqchilik xo‘jaligi	1 600	1 533	67	95,8
Sanoat	4 430	4 304	126	97,2
Qurilish	1 645	1 521	124	92,5
Savdo	5 379	4 967	412	92,3
	01.01.2021 yil holatiga			
Jami	**27 314**	**26 531**	**783**	97,1
Qishloq, o‘rmon va baliqchilik xo‘jaligi	2 575	2 507	68	97,4
Sanoat	6 696	6 525	171	97,4
Qurilish	2 330	2261	69	97,0
Savdo	9 330	9 034	296	96,8

Manba:Namangan viloyat statistika boshqarmasi malumoti

Jadval ma’lumotlaridan shu narsa ma’lum bo’lmoqdaki 2021 yil 1 yanvar xolatiga 2019 yil 1 yanvar xolatiga nisbatan 10386 ta ko’proq kichik korxona ro’yxatga olingan. 2019 yil 1 yanvar xolatiga ushbu 16928 ta korxonadan 15949 tasi yoki 94,2 foizi faoliyat ko’rsatgan bo’lsa, 2021 yil 1 yanvar xolatiga 27314 korxonadan 26531 tasi yoki 97,1 foizi faoliyat ko’rsatgan. Bunday ijobiy o’sish xolatini iqtisodiy faoliyatni barcha tarmoqlarida kuzatishimiz mumkin. Ayniqsa sanoatda faoliyat ko’rsatayotgan korxonalarning sonini ikki barobarga yaqin o’sganligi sanoatni tez sur’atlar bilan rivojlanayotganligidan dalolat bermoqda.

Расм- 1.

Namangan viloyati iqtisodiyotida 2021 yil yanvar xolatiga faoliyat ko’rsatayotgan kichik korxonalarning faoliyati bo’yicha ulushi,%da.(Fermer va dexqon xo’jaliklaridan tashqari)



2021 yil 1 yanvar holatiga faoliyat ko‘rsatayotgan kichik korxona va mikrofirmalarning eng ko‘p ulushi savdoda (34,1 foiz), sanoatda (24,6 foiz), qishloq o‘rmon va baliqchilik xo‘jaligida (9,4 foiz), qurilishda (8,5 foiz), yashash va ovqatlanish bo‘yicha xizmatlarda (5,1 foizni) tashkil etdi va shu soxalarni jadal rivojlanayotganligidan dalolat beradi. Sanoat mahsuloti ishlab chiqarish hajmi 5 471,3 mlrd. so‘mni (jami sanoat ishlab chiqarishining 50,0 foizi)ni tashkil qildi.

Yuqoridagi ma’lumotlardan shuni xulosa qilib aytish mumkinki viloyatda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik korxonalarining soni ortib, ularni viloyat iqtisodiyotidagi ulushi kundan – kunga oshib bormoqda. Bu o’z navbatida iqtisodiyotni rivojlantirish bo’yicha mamlakatimiz Prezidenti va xukumatimiz olib borayotgan iqtisodiy isloxotlar va o’zgartirishlar natijasi bo’lgan maxsulot, korxona, tarmoq va mamlakat iqtisodiyotini raqobatbardoshligini oshirish bo’yicha amalga oshirilgan ishlar natijasi bo’lib xisoblanadi. Ko‘rinib turibdiki maxsulotni raqobatbardoshligining oshishi nafaqat korxonaning balki tarmoq xamda mamlakatni raqobatbardoshligini oshirishni ta’minlaydi. Shu munosabat bilan biz yuqoridagilarga asoslanib kichik biznes va xususiy tadbirkorlikda maxsulot raqobatbardoshligini oshirishda davlat usulidan foydalanish kengaytirish lozim deb xisoblaymiz va quyidagilarni tavsiya etamiz:

- Mamlakat tabiiy boyliklaridan keng foydalanishni yo‘lga qo‘yish;
- Investitsiyalrga keng yo‘l ochish;
- Moliyaviy manbalardan foydalanishni soddalashtirish;
- Mamlakatni rivojlantirish strategiyasi;
- Raqobat muxitini yaxshilash;
- Kadrlar tayyorlash;
- Axborot texnologiyalar va boshqalar.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati.

1. Лифиц, И. М. Л64 Конкурентоспособность товаров и услуг : учеб. пособие / 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Высшее. Юрайт-Издат, 2009. - 460с.

2. Namangan viloyatining 2018-2020 yillarda ijtimoiy-iqtisodiyrivojlanish holati to‘g‘risida Axborotnoma.

3. Muallif ishlanmalari.

Илмий рахбар: Онорбоев ШухратжонМирзаевич
ТДИУ, Бухгалтерия хисоби кафедраси, Катта ўқитувчи
“Молия ва бухгалтерия хисоби” факультети BR-54 гурухи талабаси
Машарипов Асадбек Пўлат ўғли

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК КОРХОНАЛАРИДА ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА ВА УНДАН КЕЙИН МАХСУЛОТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ.

Аннотация. *Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик сохаси мамлакат иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши ва ижтимоий масалаларни ижобий хал этишнинг мухим омили бўлиб хисобланади. Пандамия шароитида ундан кейинги даврларда ушбу корхоналар махсулот рақобатбардошлиги ошириш долзарб масала бўлиб хисобланади. Ушбу ишда ушбу масалаларнинг бази жихатлари кўриб ўтилди.*

Калит сўзлар: *Кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, махсулот рақобатбардошлиги, рақобатбардошлик омиллари.*

Одатда махсулот рақобатбардошлиги рақобатдош товарга нисбатан таққослаш орқали аниқланади. Бунда биринчи ўринга истемолчиларнинг талаблари қўйилади. Ундан ташқари товарга қўйиладиган умумий талаблар хам эътиборга олинади. Буларга турли даражадаги (халқаро ва миллий) меъёрлар, талаблар киради. Ушбу талаблардан агар бирортаси бажарилмаса товар рақобатбардошлигини тўла йўқотади. Махсулотларни таққослашнинг бир қатор босқичлари мавжуд. Аввало таққослашга энг лойиқ махсулот танланади. Ушбу аниқланган намуналарни таққосланадиган жихатлари аниқланади. Ундан сўнг таққосланаётган махсулотнинг рақобатбардошлиги интеграл кўрсаткичи хисобланади. Махсулот рақобатбардошлигини интеграл

кўрсаткичини хисоблашнинг биринчи босқичида товарни рақобатбардошлигини хусусий кўрсаткичлари рақобатдош махсулот кўрсаткичлари билан таққосланади.

$$Q_i = \frac{P_i}{P_{i0}},$$

Qi- l –та кўрсаткич бўйича рақобатбардошлик кўрсаткичи

Pi – товарни і-та кўрсаткичи миқдори

$Pi0$- рақобатбардош товарни і-та кўрсаткичи миқдори

Интеграл кўрсаткични хисоблашнинг иккинчи босқичида рақобатбардошликнинг интеграл кўрсаткичи хисобланади.

$$K = \sum_{i=1}^{n} \alpha_i Q_i,$$

Бу ерда: К- махсулот рақобатбардошлигининг интеграл кўрсаткичи.

n- бахоланадиган кўрсаткичлар миқдори.

аі- барча і кўрсаткичлар.

Бу ерда К ни миқдори максимал бирга тенг бўлиши мумкин. Бу холатда махсулот ва рақобатбардош махсулот билан бир хил рақобатбардошлик даражасига эга бўлади. Ушбу миқдор бирдан қанча кам бўлса ўрганилаётган махсулот рақобатбардошлиги рақобатбардош махсулот рақобатбардошлигига нисбатан шунча кам бўлади. Махсулот рақобатбардошлигини тўғри бахолаш рақобатбардошлик кўрсаткичларини тўғри танланишига ва бошқа омилларга бевосита боғлиқ бўлади. Шунинг учун рақобатбардошлик кўрсаткичларини тўғри танлаш мухим стратегик ахамиятга эга. Махсулот рақобатбардошлиги махсулот яратишнинг барча жараёнларида шаклланади. Махсулот яратиш жараёни маркетинг тадқиқотлари, ишлаб чиқариш хамда махсулотни сотиш ва сотилгандан кейинги хизматлардан ташкил топади. Ушбу жараёнларни барчаси истемолчини истаклари асосида ташкил этилиши талаб этилади. Агар ушбу талаб бажарилмаса махсулот рақобатбардош бўлиши мумкин, аммо у сотилмайди. Махсулот рақобатбардошлиги доимий бўлмайди. Вақт ўтиши билан рақобатбардошлик пасайиши кузатилади. Бу махсулотни хаёт даври билан боғлиқ табий жараёндир. Махсулотни хаёт даври тугамагунча янги махсулотни бозорга киритиш корхона учун харажатларни қўшимча сарф қилишга олиб келади. Одатда фойдани сезиларли ортиши кузатилмайди. Амалдаги махсулотни хаёт даври якунланишга яқинлашиб, бу холат фойдага таъсир эта бошлагандан сўнг янги махсулотни бозорга чиқариш мақсадга мувофиқ хисобланади. Наманган вилоятида кичик корхоналар махсулотлари рақобатбардошлигини умумий холда бахолайдиган бўлсак, у холда вилоятда кичик бизнес вакиллари бугунги кун талабларидан келиб чиқиб махсулот рақобатбардошлигини ошириш борасида бир қатор ютуқларга эришган ва бунинг натижасида махаллий ва ташқи бозорларда фаолиятларини кенгайтиришга эришганлар.

Жадвал- 1

Наманган вилоятида саноат махсулоти ишла чиқариш хажмида кичик бизнесни улуши.

	2018 йил	2019 йил	2020 йил
Жами:	**6 586,6**	**8 818,1**	**11 011,9**
Йирик корхоналар	1 835,5	3 815,4	5 425,8
Жамига нисбатан % да.	27,9	43,3	49,3
Кичик бизнес	4 751,1	5 002,7	5 586,1
Жамига нисбатан % да.	72,1	56,7	50,7

Манъба: Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари.

Изменение величины маржинального дохода характеризует влияние продажных цен и переменных издержек на себестоимость единицы продукции. Величина прибыли зависит от суммы постоянных затрат.

Директ-костинг определяет критический объём производства, при котором за счет выручки будут покрыты все издержки производства без получения прибыли.

Критический объём производства (количество продукции) можно определить по формуле:

$$\mathbf{О = ПоЗ : (Ц – ПеЗ),}$$

где: О – критический объём выпуска; ПоЗ – постоянные затраты в целом по предприятию; Ц – продажная цена единицы продукции; ПеЗ – переменные затраты на единицу продукции.

Система точно вовремя (Just In Time)

В основу системы, появившейся в Японии в середине 1970-х годов, положен принцип:

«Ничего не будет произведено, пока в этом не возникнет необходимость». Снабжение производства осуществляется малыми партиями по необходимости, в результате чего достигается снижение уровня запасов товарно-материальных ценностей.

Использование этой методики позволяет предприятию избавиться от лишних издержек путем сокращения непроизводительных расходов, которые складываются, в частности, из выпуска излишней продукции, простоев оборудования и персонала, содержания излишних складских помещений, потерь, связанных с наличием дефектов изделий.

При этом спрос сопровождает продукцию в течение производства всего объема. Запасы доставляются к моменту их использования в производственном процессе. Часть косвенных затрат переводится в разряд прямых.

Основной упор делается на качество, доступность и общую стоимость продукции, а не на уровень закупочных цен.

АВС-костинг (Activity Based Costing)

Сущность этого метода, называемого по-другому дифференцированным методом учета себестоимости, заключается в учете затрат по работам (функциям). Предприятие рассматривается как набор рабочих операций, в процессе которых необходимо затрачивать ресурсы.

При этом определяется полный перечень и последовательность выполнений функций с одновременным расчетом потребности ресурсов для каждой из них.

Таким образом, существует довольно много методов расчета себестоимости готовой продукции. Руководству предприятия важно четко представлять себе отличия между ними, а также понимать, как именно выбор того или иного метода отразится на финансовом результате

деятельности предприятия и указать метод расчёта себестоимости в учётной политике предприятия.

Библиографический список

1. Положение «О составе затрат по производству и реализации продукции (работ, услуг) и о порядке формирования финансовых результатов», утвержденном Кабинетом Министров Республики Узбекистан от 5 февраля 1999г. № 54.

2. Палий В.Ф. Основы калькулирования. - М.: Финансы и статистика, 1987. 136с.

3. Пардаев А.Х. Бошқарув ҳисоби. Ўқув қўлланма. - Т.: «Академия» нашриёти, 2002. 176-б.

4. Холбеков Р.О. Ишлаб чиқариш ҳисобини ташкил қилиш тамойиллари ва услубиёти-Т.:"ФАН", 2005. 198 б.

5. Холбеков Р.О., Холбекова Ф.Р. Проблемы теории и этапы совершенствования учета затрат //актуальные вопросы совершенствования бухгалтерского учета, статистики и налогообложения организации. – 2017. – с. 433-442.

А.Мирзаев ТДИУ, суғурта иши йўналиши талабаси
Илмий рахбар: А.Махкамбоев
ТДИУ Бухгалтерия ҳисоби кафедраси доценти, и.ф.н

СУҒУРТА ТАШКИЛОТЛАРИ ТОМОНИДАН КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР ҲИСОБИ

Мамлакатимиздаги суғурта фаолияти бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида бугунги кунда суғурта хизматларининг кенг спектри, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти, фуқаролар соғлиғи, уларнинг мол-мулки суғуртаси бўйича хизматлар тақдим этувчи суғуртачиларнинг бутун тармоғи фаолият юритмоқда.

Суғурта хизматлари мамлакатимиз молия бозорининг муҳим аҳамият касб этади. Хукуматимиз томонидан олиб борилаётган кенг ислоҳотлар, иқтисодиётнинг босқичма-босқич ривожланишида суғурта хизматини халқаро амалиётга жавоб бериши учун унинг услубий асослари шакллантириш лозим.

Суғурта хизматининг ривожланиши аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун қўшимча чора тадбирларни яратилишига кўмаклашади. Суғурта хизматининг икки шакли мавжуд – мажбурий ва ихтиёрий. Қонунда кўрсатилган шахсларга суғурта қилувчилар сифатида бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкини ёхуд ўзининг бошқа шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлигини ўз ҳисобидан ёхуд манфаатдор шахслар ҳисобидан суғурта қилиш (мажбурий суғурта) мажбурияти қонун билан юкланган ҳолларда суғурта ушбу бобнинг қоидаларига мувофиқ шартномалар тузиш йўли билан амалга оширилади. Мажбурий суғуртада суғурта қилдирувчи суғурталовчи билан суғуртанинг ушбу турини тартибга соладиган қонун ҳужжатларида назарда тутилган шартларда шартнома тузиши шарт. (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 914-моддаси).

Суғурта хизматларини кўрсатишда унинг содиқ мижозлари учун суғурта ҳодисалари юз бермаган тақдирда хам уларни рағбатлантириш учун кейинги шартомани тузишда баъзи имтиёзлар ва чегирмалар бериши мумкин. Бунда суғурталовчи белгиланган суғурта тарифидан пастроқ суғурталанувчига берадиган чегирмаси, суғурталовчининг фойдаси ҳисобидан амалга оширилади деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Суғурталовчи томонидан суғурта шартномасини тузишда суғурталанувчига берадиган имтиёз ёки чегирмаси қандай ҳисобга олиниши, белгиланган тариф ставкаси асосида суғурта мукофотининг ҳисобга олинишини таъминлаш лозим. Шунга мос равишда суғурталанувчи томонидан тўланган суғурта мукофоти хам амалдаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширилиши лозим.

Берилаётган чегирмалар суғурталовчининг даромади ҳисобидан амалга оширилиши мантиққа тўғри келади. Чунки, суғурта ташкилоти чегирма кўринишида берган имтиёз харажатларини ўз зиммасига олади.

Маълумки, суғурта агентлари ва брокерлари суғурта бозорининг воситачилари бўлиб, улардан суғурта агенти ҳам жисмоний ҳам юридик шахс бўлиши мумкин. Суғурта брокери эса фақатгина юридик шахс бўлиши талаб этилади. Агар воситачилар юридик шахс сифатида фаолият юритадиган бўлса, албатта ўз бухгалтерия ҳисобини юритишлари зарур ҳисобланади. Суғурта воситачилари кўп ҳолларда суғурталовчиларнинг бухгалтерларидан суғурта мукофотларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш борасида маслаҳатлашиб борадилар.

Суғурта агенти ўз фаолияти давомида суғурта мукофотларини тўплайди, белгиланган тартибда суғурталовчига ўтказиб беради.

Суғурта муносабатларида юридик ва жисмоний шахслар суғурталанувчилар бўлиб, иштирок этишлари мумкин. Суғурталанувчилар юридик шахс бўлган тақдирда улар суғурта мукофотларини ўз бухгалтерия ҳисобларида акс эттиришлари зарур бўлади. Бундан ташқари суғурталовчининг ўзи ҳам ўз мулки ёки ходимларини бошқа суғурталовчида суғурталаган бўлиши мумкин. Бундай ҳоллар учун "Суғурта бўйича тўловлар" счети мўлжалланган. Суғурта мукофотлари сифатида ҳисобланган суммалар мазкур счётнинг кредит томонида акс эттирилиб, улар бошқа счётлар билан корреспонденцияланиши мумкин.

Ўзбекистон миллий суғурта бозорида жаҳон суғурта бозори билан ҳамнафас бўлиб яшаши интеграциялашув ва глобаллашув жараёнларининг фаоллашувига кенг йўл очмоқда. Бундай интеграцион жараёнларнинг ривожланиши суғурталанувчиларга замонавий суғурта хизматларини кўрсатишни тақозо этса, иккинчидан, суғурта ҳисобини трансформациясини вужудга келтиради. Ушбу жараёнларни иқтисодий-сиёсий жиҳатдан ўрганиш ва илмий хулосалар чиқариш бугунги куннинг давр талаби ҳисобланади.

Ўзбекистонда турли хил таваккалчиликлардан суғурталаш, етарли даражада ривожланмаган. Бу эса ўз навбатида суғурта фаолиятини қонун бўйича таъминлашдаги ва унинг ҳисобини юритишда бир қанча муаммоларни юзага чиқармоқда. Бу эса соҳада тажрибанинг етишмаслигига ва халқаро амалиёт кам қўлланилаётганлиги билан боғлиқдир. Ушбу ҳол ўз навбатида инвестиция фаолиятини самарали олиб боришда ўз таъсирини кўрсатади.

Мамлакатимиз суғурта компанияларининг инвестиция фаолиятини янада ривожлантириш, фаолиятни самарали олиб боришдаги мавжуд камчиликлар ҳамда ғов бўлаётган муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, хорижий давлатлар илғор тажрибаларини фаолиятда қўллаш, жумладан бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари асосида самарадорликни ошириш, кенг имкониятлар яратиш, ички имкониятларни излаб топиш, янги замонавий суғурта турларини яратиш ҳамда юқори савиядаги суғурта хизматларини кўрсатиш орқали суғурталанувчилар ишончига кириш асосий вазифалардан ҳисобланади.

Юқоридаги фикрларни жамлаган ҳолда, уларни чуқур ўрганиб, асослаб амалиётга тадбиқ этиш албатта яқин келажакда ўз натижасини беради.

Мустафаев Сардор Ғулом ўғли
ТДИУ магистратура МБР-10 гурух, 2 курс магистранти
Илмий раҳбар "Бухгалтерия ҳисоби" кафедраси доценти Темиров Ф.Т.

ИҚТИСОДИЁТНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯЛАРИДА КОРПОРАТИВ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Аннотация. *Ушбу мақолада акциядорлик компанияларида корпоратив бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг назарий-услубий асослари ёритилган.*

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлашуви мулкчиликнинг турли шаклларидан қатъий назар, жамиятнинг ривожланиши, хўжалик алоқаларининг кенгайиши ва ундаги сифат ўзгариш-лар иқтисодиётни самарали бошқариш олдига юқори талабларни қўймоқда.

Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида бошқаришнинг табиати моҳиятан ўзгариб, унинг мақсади, функциялари ва ўзига хос талаблари бозор иқтисодиёти қонунлари асосида ривожланиб бормоқда. Мамлакатда иқтисо-диётнинг реал сектори ва тадбиркорлик фаолиятининг барқарор ривож-ланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, хўжалик юритувчи субъект-ларда бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган корпоратив бошқарув тизимини жорий этиш ва тартибга солиш лозим.

Иқтисодий адабиётда корпоратив бошқарув тўғрисида соҳа олимлари, халқаро ташкилотлар ва мутахассислар томонидан билдирилган турли қарашларни таҳлил этган ҳолда ушбу тушунчага қуйидагича мустақил таъриф бердик: **Корпоратив бошқарув**–бу шундай тизимки, у орқали хўжалик юритувчи субъектга раҳбарлик қилиш, ривожланишнинг иқтисодий ва ижтимоий ресурсларини бошқариш, мулкдорлар ҳамда инвесторлар сармояларини бошқаришнинг

самарали ва хавфсиз бўлишини таъминлаш, манфаатдор томонларнинг қизиқишларини аниқлаш, бир-бирига мослаштириш, олинадиган даромадларни уларнинг ҳиссасига монанд тақсимлаш учун мўлжалланган ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий тадбирлар амалга оширилади.

Ўзбекистонда корпоратив бошқарувнинг ўзига хос тизимини шакллан-тиришни белгилаб берувчи миллий жиҳатлари сифатида Кузатув кенгашига иккита–корпоратив маслаҳатчи (котиб) ва ички аудит хизмати янги элементининг киритилганлиги бўлди.

Мамлакатимизда корпоратив бошқарувнинг шаклланаётган миллий моделига мувофиқ бухгалтерия ҳисобининг аҳамияти, масъулияти, жавобгар-лигига ва унинг маълумотлари аниқлигига нисбатан талаб кескин ортади. Чунки, бухгалтерия ҳисоби ёрдамида хўжалик юритувчи субъектларнинг моддий бойликлари, пул маблағлари ҳаракати, ҳисоб-китоб муомалалари доимо кузатиб борилади ва назорат қилинади. Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ харажатлар аниқланади. Шунингдек, мулкдорлар ва инвесторларни доимо бирдек қизиқтирадиган хўжалик фаолиятининг молиявий натижалари ва корхоналарнинг умумий мулки ҳақидаги маълумотлар ўз аксини топади.

Корпоратив бошқарув шароитида бухгалтерия ҳисобининг мақсади фойдаланувчиларни тўлиқ ва ишончли молиявий ҳамда бухгалтерия ахборотлари билан ўз вақтида таъминлашдан иборат. Бундан ташқари, корхонада бўлаётган янги воқеа-ҳодисаларни ўз вақтида тўғри ҳисобга олиши, таҳлил этиши ва шу асосда барқарор ривожлана олиши учун маълумотлар йиғиши ва қайта ишлашнинг самарали тизимига эга бўлиши керак.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш ва уни юритиш ишлари “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ хўжалик юритувчи субъект раҳбари зиммасига юклатилади. [1] Корхона раҳбари бухгалтерия ҳисоби тўғри юритилиши учун барча зарур шароитларни яратиш орқали ички ҳисоб ва ҳисобот тизими ишлаб чиқилишини, хўжалик муомалаларини назорат қилиш жараёнини, бухгалтерия ҳисобининг тўлиқ, аниқ ва ўз вақтида юритилишини, ҳужжатлар сақланишини, ташқи фойдаланувчилар учун молиявий ҳисобот тайёрланишини ва ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилишини таъминлайди. Бухгалтерия ҳисобини юритишнинг ушбу тартиб-қоидалари жаҳон стандартларига мувофиқлаштирилган бўлиб, иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар корхоналарида юритилаётган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобо-тининг энг асосий тамойилларини мамлакатимиз корхоналарида жорий этишга қаратилган.

Фикримизча, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш ҳамда уни юритиш амалиётида қатор камчилик ва муаммолар мавжуд эканлиги аниқланди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1181-сон билан рўйхатга олинган 21-сонли БҲМСсига [2] асосан барча хўжалик юритувчи субъектлар 2004 йилнинг 1 январидан бошлаб бухгалтерия ҳисобини янги ҳисобварақлар режаси бўйича юритишлари шартлиги белгиланган бўлсада, айрим вилоятлардаги бир қатор хўжалик юритувчи субъектларида ҳанузгача ҳисобварақларнинг янги режаси қонун талаблари даражасида жорий этилмаган. Уюшмалар томонидан “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонун ва бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари аксарият қуйи корхоналарга тўлиқ етказиб берилмаганлиги ва улар билан бухгалтер-иқтисодчи ходимларнинг етарли даражада таниш эмасликлари оқибатида ички ҳисоб ва ҳисобот тизими, хўжалик операцияларини назорат қилиш тартиби, ҳисоб-китоб ҳужжатларининг сақланиш тартиби ишлаб чиқилмаган.

Қонунда корхоналарда бошланғич ҳисоб ҳужжатларининг мажбурий реквизитлари тўлиқ бўлиши зарурлиги, бошланғич ҳисоб ҳужжатларини тузган ҳамда имзолаган шахслар уларнинг ўз вақтида тўғри ва аниқ тузилиши учун жавобгар эканликлари, шунингдек, хўжалик операцияси қатнашчилари томонидан тасдиқланмаган тузатишлар киритилишига ҳамда касса- пул ҳужжатларида тузатишлар ва ўчириб ёзишларга йўл қўйилмаслиги кўрсатиб ўтилган. Бироқ, юқорида таъкидланган айрим хўжалик субъектларида бошланғич ҳисоб ҳужжатларининг мажбурий реквизитлари тўлиқ ва талаб даражасида тўлдирилмаётгани, бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботларида эса, қонун ва бухгалтерия ҳисоби юритишнинг стандартларига зид равишда ўзгартиришлар киритиш ва ушбу ўзгартиришлар белгиланган тартибда имзо билан тасдиқланмаган ҳолатлар учрайди. Касса кирим-чиқим ордерларида ҳужжат рақами, тузиш санаси, мансабдор шахслар имзолари қўйилмаган, шу билан бирга, касса китоби умуман юритилмаган ҳолатларни кузатиш мумкин.

Шундай қилиб, хўжалик юритувчи субъетларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш ҳамда уларни расмийлаштириш жараёнидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш муҳим аҳамият касб этади. Бу эса, ўз навбатида, мавжуд муаммоларни назарий, илмий ва амалий жиҳатдан ҳал қилишни тақозо этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ги Қонуни. (Янги таҳрирда)–Т.: 2016.

2. Бухгалтерия хисобининг миллий стандарти (21-сонли БХМС) "Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия хисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўрикнома" ЎзР АВ 12.11.2003 й. 1181-1-сон билан рўйхатга олинган ЎзР МВ Буйруги,Т-2004, 116 бет.

Мустафаев Сардор Ғулом ўғли
ТДИУ магистратура МБР-10 гурух, 2 курс магистранти
Илмий раҳбар "Бухгалтерия ҳисоби" кафедраси доценти Темиров Ф.Т.

МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ ИЧКИ АУДИТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

Аннотация: *Ушбу мақолада корпоратив бошқарувнинг ички аудитини ташкил этишнинг назарий-услубий асослари кенг ёритилган ҳамда таклиф ва тавсиялар берилган.*

Иқтисодиётимизнинг ҳозирги шароитида барча хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини истиқболли ривожлантириш ва унинг самарадор-лигини янада ошириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг давр талабига монанд юритилишини таъминлаш, солиққа тортиш ҳамда уларга бошқа иқтисодий ва ҳуқуқий консалтинг хизматлари кўрсатишда аудиторлик фаолиятининг ўрни беқиёс.

Аудиторлик фаолиятининг амалдаги ҳолатини таҳлил этиш кўрсати-шича, мамлакатимизда фаолият юритаётган вазирликлар, қўмита ва компа-ниялар, хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарияти ўзлари бошқараётган корхоналарни аудит текширувидан ўтказиш учун ҳеч қандай тендер танлов-лари ўтказмасдан ёки бундай танловларни номигагина ўтказиб, қатор йиллар мобайнида бир аудиторлик ташкилотини танлаётганлиги ва юзаки аудит хулосасини олаётганлиги ҳолларини кўриш мумкин.

Иқтисодиётнинг барқарор суръатлар билан ўсиши ва унинг макроиқтисодий мутаносиблигини таъминлашга қаратилган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш усулларидан бири хусусий аудиторлар фаолиятидан фойдаланиш ҳисобланади. Маълумки, қонуннинг 3-моддасига асосан аудитор – аудитор малака сертификатига эга бўлган жисмоний шахсдир. Лекин шахс сифатида хусусий аудиторлик фаолияти билан шуғулланишнинг ҳуқуқий томонлари, шу жумладан, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонунда ўз аксини топмаган. Бу эса, якка тартибда аудиторлик фаолияти билан шуғулланишга монелик қилади. Ҳозирги бозор талабларидан келиб чиқиб, хусусий аудитор ўз фаолияти натижасида келиб чиқадиган жавобгарлик масаласини ҳал қилиш бўйича "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги қонунга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш орқали ушбу фаолиятни янада такомиллаштириш тавсия этилди. Муаммонинг ижобий ҳал этилиши мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти янада ривожланишида муҳим омил бўлади.

Иқтисодиётнинг халқаро бозор муносабатларига интеграциялашуви чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва улардан фойдаланишда, халқаро бозорда ва ҳоказоларда муҳим вазифаларни бажарувчи молия-хўжалик назорати тизимининг моҳияти ва мазмунини аниқлашнинг ягона методологик ечимини топишни тақозо этади. Молия-хўжалик назоратининг янги шакли - аудитнинг пайдо бўлиши махсус адабиётларда ва норматив ҳужжатларда даврнинг тарихий ривожланиш имкониятига эга бўлмаган кашфиёти деб тавсифланади.

Бу ерда шуни қайд этиб ўтиш жоизки, Э.М. Аренс, Дж.К.Лоббек аудитнинг моҳияти тўғрисида фикр юритар эканлар, улар "аудитни мураккаб жараён бўлиб, маълум ваколатга, мустақил аудиторлик касб малаксига эга эга бўлган киши томонидан амалга оширилади ва

хўжалик тизимидаги рақамлар ифодасига мос келадиган ахборот йиғади, баҳо беради, мамлакатимиздаги тартиб қоидаларга асосланиб ўз хулосаларини беради"[1]лар деган ғояни илгари сурадилар.

Қайд этиб ўтиш жоизки, ички аудит фақат баланс ва молиявий ҳисоботнинг тўғрилигини тасдиқлаш, шунингдек тадбиркорлик фаолияти субъектлари бўлимларида аудиторлик назарияси хизматларини кўрсатади, бу ички аудитнинг шаклланишига ва молия-хўжалик назорати тизимида унинг мустақил ички назорат тури сифатида ривожланишига монелик қилади. Унинг бошқарувда, маркетингда, банкротликнинг ҳамда бошқа салбий ҳодисаларнинг олдини олишдги потенциал имкониятларидан фойдаланиш имконини бермайди.

Аудит ўзининг келиб чиқиши ва маҳиятига кўра янги йўналиш бўлганлиги сабабли дастлаб унинг назариясини ёритиш мақсадга мувофиқдир.

Я.В.Соколовнинг таъкидлашича молия-хўжалик назорати тизимида аудит кўп асрлик ривожланиш босқичини босиб ўтган [2] ҳамда ушбу муаллиф хўжалик фаолияти устидан назоратнинг ривожланиши Нил, Дажла ва Фурот дарёлари воҳаларида жойлашган давлатларда ҳисобнинг юзага келиши билан боғлиқ. Ёки бу ривожланиш одамлар хўжалик ҳақидаги маълумотларни муайян ташқи моддий жисмларда қайд этиш имкониятига эга бўлган даврдан бошланган деган ғояни илгари сурган.

Я.В. Соколовнинг фикрича, ҳисобни юритиш, унинг устидан назоратни иш ҳужжатларини инвентаризациясини амалга оширишни назарда тутган. Ўз навбатида, инвентаризация ишнинг реал ҳолатини қайд этиш, ҳужжатлар эса уни ёзма асослаш учун хизмат қилган[3].

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, аудитнинг шаклланиши ҳозирги кунда ҳам давом этаётган анча узоқ жараён деб айтиш мумкин. Бинобарин, аудитнинг таърифи хам кенгайиб бориши, у текширувнинг турли-туман типлари ва мақсадларини қамраб олиши лозим.

Аудит учун мулкдорлар ёки молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар ўртасида фарқ мавжуд эмас. Яъни ҳукумат ва маҳаллий ҳокимият органлари ҳам банклар ёки ташкилотлар фаолиятини тўғри ва эгри солиқлар ёрдамида бошқарадилар. Бунда улар ҳам молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг тўғри-лигига ишонч ҳосил қилишга эҳтиёж сезадилар. Лекин ҳар бир мамлакатда молиявий ва бошқа ахборот аудити маҳаллий норматив ҳужжатлар-алоҳида қонунлар ва низомлар билан тартибга солинади. Бунда ҳар хил талқин ва англашилмовчиликларга йўл қўймаслик учун мазкур норматив ҳужжатлар умум эътироф этилган халқаро қоидаларга асосланиши лозим деб ўйлаймиз.

Umarova Mukaddas Abbasovna,
Doctor of Economics, Senior Lecturer
of the Department of Statistics,
Odilkhanov Umarkhon
3rd year student of the
Faculty of Finance and Accounting group SD-51

MEASURES TO REDUCE THE RATE OF INFLATION

Abstract*. This paper examines the dynamics of inflation in Uzbekistan in recent years and proposes specific measures aimed at achieving the inflation rate to a single-digit value.*

Key words*: inflation, monetary policy, tax and price policy, inflation targeting.*

In recent years, positive shifts have been achieved in reducing inflation (in annual terms the inflation rate in 1998-1999 was 26.0%, in 2000 - 28.2%, in 2001 - 26.6% and in 2002 - 21.6%, then in 2019 - 15.2%, in 2020 - 11.1%. In September 2021, the inflation rate was 10.8%. And by the end of 2021 it is expected to be less than 10%). As world practice shows, macroeconomic stabilization and an effective policy of social protection of the population can be carried out only in conditions of a single-digit inflation rate (less than 5-6%).

Currently, in the conditions of Uzbekistan, the main factors in reducing the inflation rate are:

- rejection of inflationary sources when financing the state budget deficit (since 2002, the practice of centralized financing of investment projects with loans from the Central Bank was discontinued, and since 2003, the practice of financing the state budget deficit with loans from the Central Bank);

- *increasing competition in basic and structural sectors of the economy;*
- *further improvement of the taxation mechanism in the direction of reducing cost inflation (improving the methodology of deductions from the taxable base, eliminating double taxation, reducing tax rates, shifting the tax burden from producers to consumers, etc .;*
- *creation of conditions for increasing the supply of goods by liberalizing foreign economic activity and stimulating local producers;*
- *since September 2017, the unification of the exchange rate in the domestic foreign exchange market and the stabilization of prices have been ensured;*
- *reducing the material and energy consumption of manufactured products by modernizing production assets and introducing new technologies.*

In order to achieve the inflation rate within the limits of no more than 5%, in our opinion, it is necessary to solve the following priority tasks.

I. Monetary Policy

Measures:

- *development of a set of measures for monetary impact on inflationary processes based on the achievement of specified inflation parameters, inflation targeting;*
- *implementation of the money market development program;*
- *improvement of interest rate policy taking into account the changing conditions of the financial market;*
- *ensuring strict control over the reserve money by setting the forecast values of the lower and upper limits of their change. Since the reserve money, firstly, completely covers cash and. Secondly, this practice of regulating monetary aggregates is widely used in world practice, especially in transition countries;*
- *controlling cash turnover not at the level of oblasts and regions, but at the level of commercial banks through the regulation of their liquidity and correspondent accounts;*
- *improvement of the calculation methodology in terms of linking monetary aggregates with GDP growth. In forecast calculations, the growth of the money supply should correspond to the nominal growth of GDP (the velocity of money circulation remains unchanged, which is practiced in the world financial programming). The Central Bank (CB) must ensure a decrease in the velocity of money circulation, since a decrease in the velocity of circulation of money in macroeconomics is considered a positive phenomenon. But for this, the Central Bank must develop specific mechanisms aimed at reducing the speed of circulation of money.*

II. Fiscal Policy

In recent years, the priorities of tax policy have been to reduce the overall tax burden on the economy, improve the taxation of income of legal entities and individuals, and constantly change the tax burden from producer to consumer (the share of the state budget revenues in GDP has varied in different years: in 1998 was 31.0%, in 2000 - 28.0%, in 2004 - 22.4%, In 2020 - 22, 1%).

State budget expenditures as a percentage of GDP decreased from 33.0% to 23.9% in 1998 and in 2020 respectively, which reflects the implementation of the priority of consistently reducing direct state regulation of the economy. Almost all major items of expenditure were reduced (as a percentage of GDP) in the context of deepening processes of denationalization and liberalization of the economy. The balance of revenues and expenditures of the state budget tended from a deficit of 2.0% of GDP in 1998 to a surplus of 0.1% in 2005, 0.4% in 2006 and a deficit in 2020 at 1.8 % (a deficit rate in 2020 is due to an increase in public health spending in the fight against the COVID-19 pandemic).

The strategic task of reducing the budget deficit can be solved in two ways: by increasing taxes and reducing government spending.

An increase in taxes that form the revenue side of the budget can bring short-term results. In the long run, this policy results in a decline in investment in the private sector and a slowdown in economic growth. High tax rates can cause a narrowing of the tax base. In this regard, it is necessary to improve the tax system towards lowering rates, expanding the tax base and providing tax benefits only to households that are of strategic importance for the republic's economy.

The basic principle of budget cuts is as follows: a gradual reduction in funding for public activities that can be transferred to the market. It is about reducing the volume of budget investments, reducing some types of grants and subsidies, partial privatization of health care, education and others.

The adoption of measures to improve the taxation methodology in accordance with international standards, which gradually minimize double taxation, can contribute to a significant reduction in the inflation rate.

Measures aimed at rationalizing the mechanism of procurement of resources, goods and services by budget recipients at the expense of budget funds in the domestic market play an important role in anti-inflation policy.

An important factor in further reducing inflationary processes will be the improvement of the mechanism for attracting internal and external borrowing, taking into account the optimization of the burden of servicing the state internal and external debt. In this direction, it is advisable to develop measures to improve domestic borrowing based on government bonds. The liberalization of the foreign exchange market and foreign trade, and the related increase in the attractiveness of the investment climate, should expand such a non-inflationary source of financing the budget deficit as income from denationalization and privatization. Measures to institutional strengthening of external and domestic debt management will also help to increase the effectiveness of the anti-inflationary regulation mechanism.

III. Price policy

The most monopolized industries are basic industries in the Republic of Uzbekistan. The development of competition in these industries is hampered due to the high capital intensity of production and high capital investments in solving environmental problems, which objectively determines the preservation of a high level of state regulation of the products of these industries. The purpose of such regulation is to eliminate price imbalances and distortions, to gradually bring the level of domestic and world prices closer together, to create the necessary prerequisites for break-even production in the manufacturing industries and the agricultural sector of the economy, and to stimulate energy conservation.

The main directions for the development of competition in the markets of goods and services are:

- *expanding or increasing the degree of utilization of existing capacities;*
- *creation of new industries in the areas of large and small businesses, as well as private entrepreneurship;*
- *liberalization of the customs regime for importing products into monopolized markets;*
- *providing wide access to raw materials;*
- *attracting foreign investment through the creation of joint ventures on the basis of existing enterprises.*

IV. Expected results

The implementation of the measures will ensure:

- *strengthening the stability of the banking sector of the Republic of Uzbekistan;*
- *qualitative improvement of the mechanism of relations between commercial banks and clients;*
- *further improvement of the taxation mechanism and reduction of inflation on prices from taxes and payments, and at the same time ensuring the flow of the necessary funds to the budget due to the stabilization and growth of production;*
- *wide attraction of investments (including foreign) in the real sector of the economy and small business;*
- *improving production processes, mastering new technologies, expanding the range of products and developing competition among manufacturers;*
- *increasing the effective demand of the population;*
- *keeping inflation rates up to an acceptable level.*

References

1. Paul Newbold, William L. Carlson, Betty M. Thorne. Statistics for Business and Economics. Copyright © 2013, 2010, 2007, 2003, 1995 by Pearson Education. – 797 p.

2. Statistics / James T. McClave, Terry Sincich.—12th ed. 2013. – 814 p.

3. Statistics for Managers: Using Microsoft Excel, Fifth Edition by David M. Levine, David F. Stephan, Timothy C. Krehbiel, and Mark L. Berenson. Pearson Education, Inc, 2008.-538 r.

4. Инфляция: причины возникновения и методы регулирования В.Андрианов Экономика 2010 С184.

Пулатов Бекзод Омон угли
студент 2-курса, группы БР-31.
Научный руководитель Махкамова Саида Гайратовна

РАЗВИТИЕ ТУРИЗМА И ИНДУСТРИИ ГОСТЕПРИИМСТВА

Аннотация. *Данная статья посвящена рассмотрению особенностей поддержки сферы туризма со стороны государства как способа реализации интересов граждан и бизнеса, представлена модель государственной поддержки сферы туризма. Ключевыми элементами в модели выступают нормативно-правовое обеспечение, целевые программы, государственно-частное партнерство, особые экономические зоны туристско-рекреационного типа, информационные технологии с учетом влияния внешних и внутренних факторов.*

Ключевые слова: *туризм, индустрия гостеприимства, государственная поддержка, целевая программа.*

В Узбекистане реализуются меры по развитию туризма и гостеприимства как одной из стратегических отраслей национальной экономики, способного в перспективе содействовать решению важнейших социально-экономических задач, улучшение имиджа и инвестиционной привлекательности страны, обеспечение диверсификации экономики и ускоренного развития регионов, создание сотен тысяч новых рабочих мест, повышение доходов и качества жизни населения, притока валютной выручки.

Анализ, который был проведен показывает несовершенство нормативно-правовой базы, регулирующей туристскую отрасль, отсутствие правил оказания отдельных видов туристских услуг и широко применяемых в мировой практике визовых режимов, дифференцированных по категории иностранных граждан, срокам и целям их пребывания.

Развитию туризма также препятствуют недостаток средств размещения и объектов инфраструктуры, особенно в туристский сезон, недостаточная оперативность системы перевозок пассажиров различными видами транспортных средств, а также низкая организация информационной поддержки туристов, неэффективность маркетинговых компаний по пропаганде внутреннего туризма, особенностей объектов культурного наследия [1].

Глобальный экономический кризис и пандемия повлияли на развитие индустрии гостеприимства и туризма. На данный момент развитие внутреннего рынка услуг гостеприимства и туризма становится все более актуальной задачей, так как данный вид услуг оказывает значительное влияние на социально-экономическое развитие регионов.

В последнее время в индустрии гостеприимства и туризма происходят существенные изменения. Разнообразие услуг туризма и гостеприимства, развитие индустрии гостеприимства и туризма на новых территориях, усиливающаяся конкуренция вынуждают правительства различных стран пересматривать свое отношение к развитию индустрии гостеприимства и туризма и основательней подходить к разработке стратегий развития данной отрасли.

Индустрию туризма и гостеприимства нужно развивать на управляемой и устойчивой основе. Только так она сможет принести регионам экономические выгоды, не порождая при этом серьезных экономических, экологических и социальных проблем. При разработке стратегии развития индустрии гостеприимства и туризма необходимо учитывать теорию устойчивого развития, которая включает в себя концепцию экологического планирования.

Использование такого стратегического подхода к развитию индустрии гостеприимства и туризма на основе теории устойчивого развития позволяет уменьшить отрицательные последствия между необходимостью удовлетворения постоянно растущего спроса на услуги гостеприимства и туризма и ограниченным количеством природных, трудовых и экономических ресурсов, нерациональное использование которых ведет к ухудшению состояния экологии и окружающей среды в туристических дести нациях [6].

Многие государства уделяют большое внимание формированию стратегий развития регионов, в том числе и стратегиям развития индустрии туризма и гостеприимства.

Для повышения эффективности проводимых реформ в сфере туризма и увеличения въезжающих иностранных граждан в республику путем решения имеющихся проблем туристической инфраструктуры, усиления кадрового потенциала туристской отрасли, повышения

качества предоставляемых услуг и активного продвижения национального туристского продукта на мировых рынках, а также в соответствии с основными направлениями Концепции развития сферы туризма в Республике Узбекистан в 2019 — 2025 годах:

В развитии мировой экономики туризм становится одной из ведущих и активно развивающихся отраслей. По данным ЮНВТО туризм занимает четвертое место в мировом экспорте товаров и услуг (7,5%). По доходности туризм занимает третье место в мире после нефтедобывающей промышленности и автомобилестроения.

По данным Всемирной туристской организации при ООН можно увидеть, что туристы предпочитают путешествовать в пределах ближайших стран, так 80% туристских прибытий в мире осуществляются в пределах одного региона. Большая часть прибытий (53%) были совершены с целью отдыха, около 15% из них были бизнес поездками, 27% - для иных целей, в том числе в целях визита к родственникам и друзьям, паломничества, для лечения, укрепления здоровья и др.

При организации туристских поездок значение наземных видов транспорта (40%), а также воздушного сообщения (52%) увеличивается с каждым днём и становится неотъемлемым и весомым аспектом развития туризма.

Узбекистан обладает огромным туристско-восстановительным потенциалом, который насчитывает 7,5 тысячи объектов культурного наследия, 210 из них в составе четырех городов-музеев «Исторический центр города Бухары», «Исторический центр города Шахрисабза», «Ичан калъа в городе Хиве» и «Город Самарканд», включены в список объектов всемирного наследия ЮНЕСКО.

За 2010 — 2017 годов экспорт туристских услуг вырос в два раза и составил 546,9 млн долларов США в 2017 году, а в 2018 году — 1 041 млн долларов США. Еже годовой темп роста иностранных туристов до 2017 года составлял 8 процентов, в 2018 году — 9 процентов и превысил 2,69 млн человек. По итогам 2018 года Узбекистан посетили около 5,4 млн иностранных туристов. Меры, которые были проведены по поддержке и защите частного сектора способствовали увеличению количества туристских организаций с 399 в 2015 году до 953 по итогам 2018 года, гостиничных хозяйств — с 668 до 905 единиц.

За последнее время в Узбекистане были реализованы крупные инвестиционные проекты по развитию туристской инфраструктуры, в числе которых открытие брендовых гостиниц «Lotte City Hotel Tashkent Palace» и «Hyatt Regency Tashkent» в городе Ташкенте, создание культурно-развлекательных парков в городах Ташкенте, Ургенче, Андижане открытие железнодорожной линии «Ангрен—Пап», электрифицированных железнодорожных линий высокоскоростных поездов до городов Шахрисабза, Карши, Бухары и Хивы [1].

В целях развития сферы туризма и гостеприимства Республики Узбекистан в 2019 — 2025 годах направлены на превращение туризма в стратегическую отрасль национальной экономики, путем диверсификации и улучшения качества туристских услуг, совершенствования туристской инфраструктуры, в том числе за счет привлечения иностранных инвестиций, проведения эффективной рекламно-маркетинговой работы.

Основными этапами развития сферы туризма являются:

в 2019-2020 годах — реформы по созданию прочной законодательной основы развития туризма, модернизация инфраструктуры и продвижение туристского бренда страны;

в 2021 — 2025 годах — увеличение доли индустрии туризма в экономике страны. В этом направлении поставлена цель увеличения доли туризма в валовом внутреннем продукте страны до 5 процентов (по итогам 2017 года — 2,3%), а также привлечения по итогам 2025 года более 9,2 млн туристов, в том числе из дальнего зарубежья — 2,1 млн, путем развития необходимой инфраструктуры и успешного продвижения туристского потенциала республики на мировых рынках;

в долгосрочной перспективе туризм в Узбекистане не ограничится достижениями в национальной экономике и может выйти на региональный и мировой рынки туристских услуг как один из наиболее конкурентоспособных.

Исходя из целевых задач и приоритетов в сфере туризма на краткосрочную перспективу в предстоящие годы предусматривается активная реализация мероприятий по следующим основным направлениям:

совершенствование нормативно-правовой базы в сфере туристской деятельности, имплементация международных норм и стандартов, направленных на создание благоприятных условий для развития туристской отрасли, в том числе:

совершенствование принятых мер законодательства, направленное на поддержку туристской деятельности, предусматривающее укрепление законодательной основы, объединение в единый документ нормы по поддержке субъектов предпринимательства в сфере туризма;

осуществление мероприятий на поэтапной основе по дальнейшей либерализации визового режима для граждан экономически стабильных и безопасных государств, обеспечивающих основной поток туристов в нашу республику;

реализация мер по привлечению частного сектора и стимулированию предпринимательской активности, обеспечение необходимых условий для стабильного развития отрасли;

внедрение и широкое использование механизмов государственно-частного партнерства [1].

Реализация вышеперечисленных мер позволит обеспечить гармонизацию отечественной нормативно-правовой базы с международными стандартами и нормами, сформировать благоприятные условия для развития туристской отрасли, обеспечить эффективное использование экономических ресурсов для повышения роли данной отрасли в экономике.

Список использованной литературы

1. *Концепция развития сферы туризма в Республике Узбекистан в 2019-2025 годах (Приложение N 1 к Указу Президента РУз от 05.01.2019 г. N УП-5611)*
2. *Жуков А.А., Закорин Н.Д. Инновационные аспекты управленческой деятельности на предприятиях сферы туризма: Монография. -СП6., 2006.– 224с.*
3. *Богалдин - Малых В. "Маркетинг и управление в сфере туризма.*
4. *«Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура» (1403-1406) Р.Клавихо.*
5. *Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Менеджмент и организация бизнеса в туризме Узбекистана. - Т: Миллий Энциклопедия, 2005. - 366с.*
6. *http://economy-lib.com/formirovanie-strategii-razvitiya-industrii-gostepriimstva-i-turizma#ixzz6c3C5DoN9*

А.Собиржонов ТДИУ,
МБР-10 гурухи магистранти
Илмий рахбар: А.Махкамбоев
ТДИУ Бухгалтерия ҳисоби кафедраси доценти, и.ф.н

МИЛЛИЙ ҲИСОБ ТИЗИМИДАН МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИГА ЎТИШ ЗАРУРИЯТИ

Мамлакатимизда жадал кечаётган ўзгариш ва такомиллашувлар бошқа соҳалар қаторида бухгалтерия соҳасида ҳам ислоҳотларнинг янги босқичи бошланганлигидан далолат беради. Айтиш мумкинки, бухгалтерия соҳаси моҳиятан миллий қобиқда қолган, бугунги кун талабидан келиб чиқиб, нафақат йирик корпорация ёки концернлар балки бошқа хўжалик субъектлари хам ҳисобчиликнинг анъанавий тизимидан босқичма-босқич воз кечиб халқаро стандартлар асосида иш юиритишлари лозим.

2020 йил 24 февралда Ўзбекистон Республикаси Президенти “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4611-сон қарорни имзолади. Унга кўра Молия вазирлиги МҲХСни жорий этиш бўйича ваколатли орган этиб белгиланган. Тегишли вазифаларни бажариш учун вазирлик тузилмасида Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этишни мувофиқлаштириш ва эълон қилинадиган молиявий ҳисобот сифатининг ташқи назорати бўлими ташкил этилиши белгиланган.

Етарли билим ва кўникмаларга эга бўлган кўплаб малакали мутахассислар тайёрлаш заруратини эътиборга олган ҳолда, ҳужжатда миллий кадрларни тайёрлашга нисбатан умуман янги комплекс ёндашув назарда тутилган.

Халқаро бухгалтер сертификатига эга бўлган талабгорлар олий таълим муассасалари магистратурасининг “Бухгалтерия ҳисоби” ва “Аудит” мутахассисликларига кириш имтиҳонларини топширмасдан тўлов-контракт асосида кириш ҳуқуқига эга.

Мазкур тадбирлар нафақат МҲХС соҳасида етарли бўлган малакали амалиётчи мутахассисларни ўз вақтида тайёрлаш, балки кадрлар тайёрлашнинг миллий тизимини барпо этишни таъминлаш имконини ҳам бермоқда.

Бугунги кунда компанияларда молиявий ҳисоботларини Молиявий Ҳисоботнинг Халқаро Стандартлари (МҲХС) асосида тузишга объектив заруратлар мавжуд. Дунё бозорига чиқиш, халқаро кредит олиш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун молиявий ҳисоботни МҲХСлари бўйича тузиш мақсадга мувофиқдир. Мамлакатимизда МҲХСлари асосида молиявий ҳисобот тузаётган компаниялар сони ошиб бормоқда. Чунки, молиявий ҳисоботнинг шаффофлигини оширишга эришиш фақат МҲХСларга ўтиш орқали амалга оширилиши мумкин бўлади. Шу боис, халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган ҳужжатлар ҳамда илғор инструментлар ва тажрибалардан фойдаланиш кун тартибидаги долзарб масалалардан ҳисобланади.

Молиявий Ҳисоботнинг Халқаро Стандартлари (МҲХС) қўлланилиши мажбурий характердаги ҳужжат эмас, у тавсиянома характерига эга. Унда миллий стандартларидаги каби корхоналар тақдим этиши шарт бўлган молиявий ҳисобот шаклларини белгиламайди.

МҲХСлари молиявий ҳисоботнинг асосий компонентлари ва уларда акс эттириладиган минимал ахборотлар таркибини белгилайди. МҲХСларини қўллаш компаниянинг мутлақ ваколатидаги масаладир. МҲХСларига ўтиш ёки БҲМСлари асосида тузилган МҲХСлари асосида молиявий ҳисобот тузиш қуйидаги имкониятларни яратади:

•Корхона фаолияти натижаларининг шаффофлигини оширади;

•Ахборот фойдаланувчиларда битта компания доирасида молиявий кўрсаткичларни даврлар бўйича ҳамда бир нечта хил компаниялар бўйича эса таллуқли кўрсаткичларни бир-бирига солиштириб таҳлил ўтказиш имконияти туғилади;

•Кредиторлар, акциядорлар, кредит берувчи ташкилотларда компанияга ишонч ошади ва юқори ишонч билан компания фаолиятига пул қўяди, компаниянинг кредит олиш имконияти кенгаяди;

•Хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва хорижий инвесторлар билан ҳамкорлик юксалади;

•Дунё бозорларига чиқиш, хомашё, валюта, меҳнат биржаларига, халқаро капитал бозорига чиқиш имкониятлари туғилади;

•Компания менежерларига бошқарув қарорларини қабул қилишлари учун ишончли, объектив, уйғун ҳамда ўз вақтида тизимлашган молиявий ахборотларни олиш имкониятлари юзага келади;

•Компания фаолиятини бюджетлаштириш, режалаштириш ва стратегик ривожланишини баҳолашда зарур ахборотлар таъмин этилади;

•Компания бошқариш механизмларини такомиллаштириш, компания рақобатбардошлигини ошириш, маҳсулот сифатини ошириш ва экспорт салоҳиятини юксалтиришга эришилади;

•Компанияларда коррупция элементлари, суистеъмоллик қилиш, солиқ объектларини яшириш, талон-тарож қилиш, маҳаллийчилик, хўжасизлик, банкротлик ҳолатига олиб келиш ҳолатлари барҳам топади;

•Меҳнатни рағбатлантириш тизими тубдан яхшиланади, моддий манфаатдорлик ошади.

•Кучли назорат тизими ўрнатилади. Маънавий муҳит барқарорлашади. Ходимларда ишига, компаниясига ва ватанига содиқлик хислатлари бир-бирига уйғунлашади.

•Ходимларда ўз устида ишлаш ва малакасини мунтазам ошириш имкониятлари туғилади. Профессионалликка қизиқиш ва ҳаракат кучаяди.

Ўзбекистон Республикасидаги фаолият юритаётган акциядорлик жамиятлари, бошқа хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ва БҲМСларига мувофиқ молиявий ҳисоботни тузади. Юқоридаги имкониятларга эга бўлиш мақсадида компания молиявий ҳисоботни МҲХСлари асосида тузиш ва тақдим қилишни тақозо этади.

Хулоса қилиб айтганда МҲХСларига ўтишнинг имкониятлари, шарт-шароитлар ва амалга оширилиши шарт бўлган вазифаларнинг мазмун моҳияти кетма-кетликда ва узвий боғлиқликда, босқичма-босқич амалга ошириш лозим.

Чунки, МҲХСлари асосида молиявий ҳисобот тузишга эришиш бир босқичда тўлалигича, хатоларсиз амалга ошириладиган жараён эмас. Компаниялар МҲХСлари бўйича ҳисоб юритиш тизимини ўрнатишда трансформация ва параллель ҳисоб юритишнинг афзалликлари ва камчиликларига эътибор беришлари лозим. Ушбу ҳолатлардан келиб чиқиб ҳар бир компания ўз имкониятларини ҳисобга олиб МҲХС асосида ҳисоб юритишнинг қайси тизимини танлашини аниқлаб олиши яхши натижаларни беради.

Эргашева Муқаддас
ТДИУ таянч докторанти

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ҲИСОБИНИ УСЛУБИЙ ЖИХАТДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Молиявий натижалар ҳисобини ташкил этишга доир Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 3-сонли миллий стандарти “Молиявий натижалар туғрисида хисобот” “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, меъёрий тартибга солиш тизимининг элементи сифатида ҳисобланиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорида акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи юридик шахслар 2021 йил 1 январдан бошлаб МҲХС (Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари) асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этиш ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлаш билан белгилаб қуйилган.

Шундай экан 2021 йилдан бошлаб йирик солиқ тўловчи корхоналарида Молиявий натижалар ҳисобини ташкил этишда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС)га асосланган ҳолда ташкил этиш лозим. Қуйидаги Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларидан Молиявий натижалар ҳисобини ташкил этишда фойдаланиш мумкин:

- *“Суғурта шартномалари” 4-сонли МҲХС*
- *“Валюта курсларидаги ўзгаришларнинг таъсирлари” 17-сонли БҲХС*
- *“Резервлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар” 37-сонли БҲХС*
- *“Кўчмас мулк қурилиши бўйича келишувлар” 15-МҲХС*
- *“Оралиқ молиявий ҳисобот ва қадрсизланиш” 10- МҲХС*

МХХС буйича молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот фойда ва зарар ва бошқа умумлаштирилган даромадлар тўғрисидаги ҳисобот деб номланиб улар 4та туркуми берилади.(1-расим)

1-расим Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот 4та туркуми.

Корхона хўжалик молия фаолиятининг якуний кўрсаткичи сифатида қаралувчи бухгалтерияда ҳисобга олинадиган фойда (зарар) ёки солиқ тўловига қадар бўлган молиявий натижа, ҳисобот даври бўйича энг оҳирги натижани ифодалаган ҳолда, солиқ тўловига тортиладиган умумий натижани билдиради. Унинг таркибига барча хўжалик жараёнлардан олинган даромад ва харажатларнинг ҳақиқий натижалар суммаси киритилади.

Юқоридагилардан хулоса қилиб, молиявий натижалар ҳисоби бухгалтерия ҳисобининг объектлари ичида энг кўп мунозарага ва муаммоларга эга бўлган объектдир. Молиявий натижалар ҳисобини илмий жиҳатдан ўрганиш ва уни такомиллаштириш доимо долзарб масалалардандир. Ўрганишлар натижаларига кўра корхонанинг молиявий фаолиятини яхшилаш ва юқори иқтисодий самарадорликка эришиш мақсадида бажарилган иш юзасидан қуйидаги таклифлар тавсия этилади:

- корхонада юқори салмоққа эга бўлган давр харажатларини (маъмурий-бошқарув ходимларининг иш ҳақи ва уларнинг эҳтиёжлари учун транспорт харажатларини, бошқа операцион харажатларни) камайтириш орқали корхона фаолиятини янада яхшилаш;

- операцион харажатлар таркибидаги жарима ва пеня харажатларини камайтириш учун корхонада жавобгарлик марказларини қайта кўриб чиқиш;

-дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қопланишини назоратини такомиллаштириш мақсадида даромадларни тан олишни ҳалқаро стандартларга мувофиқ касса усулини қўллаш;

-хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижалари ҳисобини МҲХС га яқинлаштириш мақсадида амалиётда МҲХС элементларини қўллаш.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки суғурта ташкилотларида молиявий натижалар ҳисобини МҲХС бўйича ташкил этиладиган бўлса, молиявий харажатларнинг бир қисми актив сифатида тан олиниб корхонанинг соф фойдаси ортишига ва албатта, корхона активларининг ликвидлиги ошишига ҳизмат қилади. Соф фойдани ортиши эса инвесторлар, мулк эгалари ва акционерларнинг дивидент кўпроқ олишига ҳизмат қилади.

TDIU“Бухгалтерия ҳисоби”кафедраси доценти
О.М.Кулжанов

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА ЎТКАЗИШ МУАММОЛАРИ

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат Дастурида миллий стандартларнинг халқаро стандартлар билан уйғунлашуви жараёнини жадаллаштириш вазифасининг қўйилганлиги молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига (МҲХС) ўтишнинг долзарб масала эканлигидан далолат беради [1].

2. *www.iso.org – Xalqaro standartlashtirish tashkiloti*
3. *www.sertifikasyon.net*
4. *www.turcert.com*

TDIU“Xalqaro turizm” fakulteti TU-56 guruh talabasi
Azimova Farangiz Rasulovna

O‘ZBEKISTONDA KAMBAG‘ALLIKNI ANIQLASH VA QISQARTIRISH DAVLAT SIYOSATI DARAJASIDA

Annotatsiya: *Mazkur maqolada qambag‘allik, uning yuzaga kelishi sabablari, ijtimoiy-iqtisodiy oqibatlari, jahon va O‘zbekiston Respublikasidagi tasnifiy holat, kambag‘allik darajasini aniqlashning ijtimoiy – iqtisodiy mohiyati va uni qisqartirish yuzasidan ilmiy taklif va amaliy tavsiyalar berilgan.*

Kalit so‘zlar: *qambag‘allik, ishsizlik, aholi daromadlari, iste'mol savati, ijtimoiy siyosat, qambag‘allik chegarasi, tadbirkorlik, kredit, nafaqalar.*

Kirish. Shiddat bilan rivojlanib borayotgan ayni zamonda, butun dunyoda olimlar, siyosatchilar, davlat arboblari va jamoatchilik vakillari o‘rtasida kambag‘allikning kelib chiqish sabablari, ijtimoiy-iqtisodiy oqibatlari, uni bartaraf etish yo‘llari xususida ilmiy munozaralar, turli ko‘rinishdagi davra suhbatlari va sababiy bog‘liqlikda ilmiy-amaliy izlanishlar amalga oshirilmoqda. Kambag‘allik ijtimoiy-iqtisodiy hodisa sifatida iqtisodiy rivojlanish jarayonida moddiy va nomoddiy imtiyozlardan foydalanish va daromadlarni taqsimlashdagi tengsizlikning oqibati sifatida izohlanadi. Insoniyat mingyillikka qadam qo‘ygan 2000 yilda BMT Bosh Assambleyasi tomonidan Mingyillik Rivojlanish Maqsadlari deklaratsiyasi qabul qilinganda birinchi maqsad sifatida qashshoqlik va ochlikka barham berish bejizga qo‘yilmagan. Mazkur deklaratsiyada keltirilganidek, sayyoramizda 2015 yilga qadar kuniga 1,25 AQSH dollaridan (xarid qobiliyati paritetini hisobga olgan holda) kam daromad oladiganlar va ochlikdan aziyat chekayotgan dunyo aholisi sonini ikki barobargacha pasaytirish barcha mamlakatlar oldida turgan eng muhim vazifalardan etib belgilangan edi. Globallashuv jarayoni tobora chuqurlashib, davlatlar o‘rtasida o‘zaro manfaatli hamkorlik aloqalarining kengayishi natijasida hamda Birlashgan Millatlar Tashkilotining (BMT) taraqqiyot dasturlarida belgilangan maqsadlarni hal etish borasida amalga oshirilayotgan ijtimoiy-iqtisodiy islohotlar, choratadbirlar samarasi o‘laroq, qo‘lga kiritilayotgan ijobiy tendentsiyalarga qaramay, qambag‘allik muammosi barcha rivojlanayotgan mamlakatlar qatori O‘zbekiston Respublikasida ham o‘tkir muammolaridan biriga aylangan. Ayniqsa, bugun dunyo bo‘ylab tarqalayotgan koronavirus pandemiyasi va global karantin sharoitida kambag‘allikning salbiy sotsial effekti yana bir bor namoyon bo‘lib bormoqda. Darhaqiqat, muhtaram Prezidentimiz SH.M. Mirziyoevning 2020 yil 24 yanvar` kuni Oliy Majlisga yo‘llagan Murojaatnomasida respublikamizda kambag‘allikni qisqartirishni yechimi kutayotgan dolzarb masalasi sifatida kun tartibiga olib chiqildi. Bu borada, Davlatimiz rahbari shunday o‘ziga xos yondashuvni ilgari surdiki, unga ko‘ra “Kambag‘allikni kamaytirish oylik yoki nafaqa miqdorini ko‘paytirish, yoppasiga kredit berish, degani emas. Buning uchun, eng avvalo, aholini kasbga o‘qitish, moliyaviy savodxonligini oshirish, odamlarda tadbirkorlik hissini uyg‘otish, infratuzilmani yaxshilash, farzandlarini o‘qitish, sifatli davolanish, manzilli nafaqa to‘lash tizimini joriy qilish kerak” [1]. Shuningdek, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti tashabbusi bilan Iqtisodiy taraqqiyot va qambag‘allikni qisqartirish vazirligining tashkil etilishi esa aynan ushbu vazifalarni ijrosini tizimli ta'minlashda amaliy qadamgina bo‘lib qolmasdan, yurtimizda qambag‘allikni qisqartirish borasida tarixiy instutsional islohotlar amalga oshirilayotganining yorqin ifodasi hamdir. Albatta, yuqorida qayd etilganidek, global miqyosda dunyo minbarlarining bosh mavzusiga aylanayotgan muammolardan biri bo‘lgan kambag‘allikni qisqartirishning to‘g‘ri va eng samarali usuli iqtisodiyotda bandaholi sonini oshirish, ularga munosib va mehnat unumdorligi yuqori bo‘lgan to‘liq ish bilan band bo‘lishlikni ta'minlash, qishloq joylarida tadbirkorlik uchun shart-sharoitlarni yaratishdan iborat. Kambag‘allikni yuzaga keltiradigan bosh omil ham ishsizlik darajasining yuqoriligi, ishchi kuchi qatlamining bugungi zamon talabi darajasiga mos emasligi, inson kapitali qiymatining mehnat unumdorligi nuqtai nazaridan orqada qolayotganligida, deb baholash mumkin.

Kambag‘allik, uni aniqlash va qisqartirish bilan bog‘liq masalalar bir qator mahalliy va xorijiy iqtisodchi olimlar, tadqiqotchi va amaliyotchilar tomonidan tegishlicha o‘rganilgan. Xususan, O‘zbekistonlik iqtisodchi olimlar va tadqiqotchilar qatorida Abdurahmonov Q.X., Xolmo‘minov SH.R. Djumanova R.F. Ibragimova N.M. Muxitdinova M.Z. Pardaeva B. Saidov K.S. Xashimov P.Z. va boshqalarning ilmiy izlanishlarida kambag‘allikka oid masalalar alohida muammo sifatida chuqur o‘rganishga harakat qilingan. Jaxon Banki tadqiqotchilari iqtisodiy rivojlanish sur'atlarini oshirish iqtisodiy erkinliklarning yo‘qligi bilan cheklanganligini aniqladi. Iqtisodiyotni erkinlashtirish kambag‘allar mulkiy huquqlarini, ayniqsa yerga bo‘lgan xuquqlarini kengaytirishni talab qiladi. Samarasiz muassasalar, korruptsiya, va siyosiy beqarorlik investitsiyalarni susaytirsa, sog‘liqni saqlash, ta'lim va infratuzilmani rivojlantirishga grantlar va hukumat yordami esa inson va jismoniy kapitalni oshirish orqali iqtisodiy o‘sishga katta yordam beradi [17,23,28]. Oxirgi 10 yillikda esa, xalqaro moliyaviy inqiroz asoratlari daromad tengsizligi va axoli kambag‘al qatlamining ortishi asoratlari yaqqol

namoyon bo‘lgandan so‘ng esa, bu muammo bir qator empirik tadqiqotlar bilan boyitildi. Jumladan, J.Stiglits oxirgi o‘n yillikda AQShda kuzatilayotgan yuqori tengsizlik va kambag‘al aholi qatlami keskin kupayganini, Buyuk Depressiya davridan Reygan davrigacha xukumatning “adashilgan ustuvorliklar va adolatsiz siyosatlarning yig‘ma natijasida, 1 foiz aholi manfaatini ko‘zlab iqtisodiyotni tartibga solishni izdan chiqarish, soliq imtiyozlari va soliq ta'tillarini o‘rinsiz qo‘llash natijasida Amerikaliklar orzusi ertakga aylanganini takidlaydi. Saboq chiqarish uchun esa Skandinaviya davlatlari, Singapur va Yaponiya tajribalarini urganib, iqtisodiyotda to‘liq bandlikni ta'minlab, jamiyatda adolat va uyg‘unlikni tiklashga bel boylashga chaqiradi. Tahlil va natijalar Kambag‘allik yurtimizda ko‘p yillar “yopiq mavzu” bo‘lib, avvallari bu kategoriyaning o‘rniga yumshatish qabilida “kam ta'minlanganlik” tushunchasi bilan almashtirib kelingan edi. Bugun mamlakatimizda olib borilayotgan ochiq demokratik siyosat tufayli mazkur muammoning mavjudligi, uning yechimi bo‘yicha chuqur tahlillarni amalga oshirish, uni pasaytirish va kelajakda bartaraf etish haqida yuksak minbarlarda ham ochiq-oydin gapirilmoqda. Xususan mamlakatimiz Prezidenti SH.M.Mirziyoevning joriy yilning 24 yanvar kuni Oliy Majlisga yo‘llagan Murojaatnomasida kambag‘allikni qisqartirish ustuvor vazifalardan biri sifatida belgilandi. Murojaatnomada ta'kidlaganidek: “Hududlarda, ayniqsa, qishloqlarda aholining aksariyat qismi yetarli daromad manbaiga ega emasligi sir emas. Har qanday mamlakatda bo‘lgani kabi bizda ham kam ta'minlangan aholi qatlamlari mavjud. Turli hisobkitoblarga ko‘ra, ular taxminan 12-15 foizni tashkil etadi. Bu o‘rinda gap kichkina raqamlar emas, balki aholimizning 4-5 millionlik vakillari haqida bormoqda. Bu ularning bir kunlik daromadi 10-13 ming so‘mdan oshmayapti, degani. Yoki bir oilada mashina ham, chorva ham bo‘lishi mumkin, lekin bir kishi og‘ir kasal bo‘lsa, oila daromadining kamida 70 foizi uni davolatishga ketadi. Xo‘sh bunday oilani o‘ziga to‘q deyish mumkinmi? Prezident sifatida meni odamlarimizning ovqatlanishi, davolanishi, bolalarini o‘qitishi, kiyintirishi kabi hayotiy ehtiyojlari nima bo‘layapti, degan savol har kuni qiynaydi.

Kambag‘allikni kamaytirish – bu aholida tadbirkorlik ruhini uyg‘otish, insonning ichki kuch-quvvati va salohiyatini to‘liq ro‘yobga chiqarish, yangi ish o‘rinlari yaratish bo‘yicha kompleks iqtisodiy, ijtimoiy siyosatni amalga oshirish, demakdir”. O‘zbekistonda oxirgi 2 yil ichida ijtimoiy nafaqa oluvchilar soni 1,3 barobarga ko‘paydi, nafaqalar miqdori 2 barobarga oshdi. Lekin kam ta'minlangan aholiga ijtimoiy nafaqa va moddiy yordam pulini to‘lash yoki ular miqdorini oshirish orqali ushbu muammo to‘liq yechilmaydi. Zero ushbu o‘rinda qadimgi Xitoy faylasufi, daosizm asoschisi Lao Szining chuqur hayotiy mulohazalari asosida ta'kidlagan hikmatli so‘zidan iqtibos keltiradigan bo‘lsak, “Och qolgan insonga baliq bersang, uni bir kunlik qornini to‘ydirasan. Agar unga qarmoq berib, baliq ovlashga o‘rgatsang, uni bir umr ochlikdan qutqarasan” deydi. Buyuk mutafakkirimiz, she'riyat mulkining sultoni, davlat arbobi A.Navoiy ham bu borada quyidagicha fikr yuritadi: Bir diram olmoq chekibon dast ranj, Yaxshiroq andinki, birov bersa ganj. Shu nuqtai nazardan, Yurtboshimiz tomonidan Jahon banki, Birlashgan Millatlar Tashkilotining Taraqqiyot dasturi va boshqa xalqaro nufuzli tashkilotlar bilan birga kambag‘allikni kamaytirish dasturini ishlab chiqish taklifi ilgari surildi. Bunda xalqaro me'yorlar asosida chuqur va har tomonlama kompleks izlanishlar olib borilib “kambag‘allik” tushunchasi, uni aniqlash mezonlari va baholash uslublarini qamrab olgan yangi metodologiya yaratish lozimligi ta'kidlab o‘tildi.

Kambag‘allik ko‘rsatkichini aniqlash, uni tahlil qilishdan maqsad davlat va fuqarolik jamiyatining kambag‘al insonlar qatoriga tushib qolgan aholi qatlami uchun manzilli dasturlarni ishlab chiqish hamda aholi turmush darajasini oshirishdan iborat. BMT kambag‘allik chegarasini asosiy tovar va xizmatlar uchun zarur bo‘lgan daromadlar sifatida belgilaydi.

Kambag‘allik darajasi nisbiy tushuncha bo‘lib, muayyan mamlakatning umumiy farovonlik darajasiga bog‘liq. Jahon amaliyotida kambag‘allikni hisoblashning uchta, ya'ni mutloq, nisbiy va sub'ektiv kontseptsiyasi keng tarqalgan. Ushbu kontseptsiyalar bir-birini inkor etmagan holda, aksincha biri ikkinchisini to‘ldiradi. Kambag‘allikni hisoblash ikki bosqichda amalga oshiriladi, birinchisi, kambag‘allikni aniqlash bo‘lib, bunda ushbu toifaga mansub bo‘lganlarni xalqaro va mahalliy shart-sharoitlarni hisobga olib ishlab chiqilgan metodologiyadan foydalanib hisoblanadi. Buning uchun eng asosiy shart sifatida statistik ko‘zatuvlarni to‘g‘ri amalga oshirish talab etiladi. Ikkinchisi, uning hajmini, ya'ni qiymatini keltirib chiqarish va ularga davlat tomonidan manzilli yordam ko‘rsatishdan iborat.

Kambag‘allikni hisoblash ikki bosqichda amalga oshiriladi, birinchisi, kambag‘allikni aniqlash bo‘lib, bunda ushbu toifaga mansub bo‘lganlarni xalqaro va mahalliy shart-sharoitlarni hisobga olib ishlab chiqilgan metodologiyadan foydalanib hisoblanadi. Buning uchun eng asosiy shart sifatida statistik ko‘zatuvlarni to‘g‘ri amalga oshirish talab etiladi. Ikkinchisi, uning hajmini, ya'ni qiymatini keltirib chiqarish va ularga davlat tomonidan manzilli yordam ko‘rsatishdan iborat.

Kambag‘al hisoblanadigan aholi qatlamlarini ijtimoiy muhofaza qilishda pul va natura ko‘rinishidagi nafaqalarning rivojlangan tizimi hal qiluvchi ahamiyatga ega. Mazkur tizim bozor munosabatlari rivojlanayotgan barcha mamlakatlarda mavjud bo‘lib, kambag‘allikning salbiy oqibatlarini yumshatishda muhim ijtimoiy himoya vazifasini o‘taydi. Aholi muayyan kategoriyalarining ijtimoiy

yordam olishga bo‘lgan huquqini aniqlash uchun, odatda, kambag‘allik darajasini belgilaydigan ko‘rsatkichlardan foydalaniladi. BMT tomonidan 2015 yilning 25 sentyabrida barqaror rivojlanishni ta'minlash, kambag‘allik muamosini bartaraf etish, insonlarning erkin yashash va tabiat resurslaridan foydalanishda tengsizlikka barham berish, ochlik va boshpanasizlikni oldini olish, atrof-muhitni toza saqlash va kelajak avlodlarga bus-butun holda ne'matlardan bahramand bo‘lishlikni ta'minlash maqsadida “Dunyomizni o‘zgartirish: 2030 yilgacha bo‘lgan davrda barqaror rivojlanish sohasidagi Kun tartibi” dasturi 193 davlat tomonidan ma'qullanib qabul qilingan edi. Ushbu muhim hujjat barqaror rivojlanishni ta'minlashga xizmat qiladigan 17 ta bosh maqsad, 169 ta maqsadli vazifa va 230 ta ko‘rsatkichni qamrab olgan bo‘lib, kelajakda sayyoramizda istiqomat qilayotgan aholining o‘tkir muammolar sirasiga kiradigan qashshoqlik va ochlikka barham berish, to‘yib ovqat yemaslikni oldini olish, iqlim o‘zgarishlariga dosh berish orqali inklyuziv o‘sishni ta'minlash, tabiiy resurslardan oqilona foydalanish kabi muammolarni o‘z ichiga qamrab oladi. Barqaror rivojlanish maqsadlarining (BRM) 17 ta yo‘nalishi sifatida quyidagilar kiritildi:

- *qashshoqlikning har qanday shakliga barham berish; ochlikka yakun yasash, oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlash;*
- *har qanday yoshda ham sog‘lom turmush tarzini yo‘lga qo‘yish;*
- *sifatli ta'lim bilan aholining savodxonligini oshirish; gender tengligini ta'minlash;*
- *tozasuv bilan ta'minlash;*
- *iqtisodiy o‘sishga erishish va tuliq, unumdorligi yuqori bo‘lgan bandliknita'minlash;*
- *umumiy foydalanish uchun arzon energiya resurslarga ega bo‘lish;*
- *shaharlar, qishloqlarning ochiqligi, xavfsizligi va ekologik barqarorligini ta'minlash;*
- *sanoatlashtirish, innovatsiya va infratuzilmani rivojlantirish;*
- *tengsizlikni pasaytirish;*
- *iste'mol va ishlab chiqarishga mas'ullikni oshirish;*
- *iqlim o‘zgarishiga qarshi kurashish; okean va dengiz resurslaridan oqilona foydalanish;*
- *ekotizim, bioxilma-xillik va o‘rmonlarni asrash; tinchlikhukm suradigan jamiyatni shakllantirish.*

Kambag‘allikni pasaytirish va ochlikka qarshi kurashish uchun oziq-ovqat mahsulotlarini ishlab chiqarish va ushbu sohaga investitsiyalarni sarflashni talab etadi. BMT tomonidan e'lon qilgan ma'lumotlarga ko‘ra dunyo aholisining 85 foizi qishloqlarda istiqomat qiladi. Bu qariyb 3.5 milliard aholi sonini tashkil etadi. Jahonda 800 million aholi ochlikdan aziyat chekmoqda. 2030 yilda dunyo aholisi soni 8,3 milliard kishini tashkil etishi bashorat qilinayotgan bo‘lsa, o‘z-o‘zidan qishloq xo‘jaligini rivojlantirishga bo‘lgan talabning keskin oshishi resurslar unumdorligi darajasini oshirish bilan bog‘liq muammolarning kuchayishi, ayni xaqiqat, hisoblanadi.

Kambag‘allik millatning sog‘ligi, mehnatga layoqati va ilmiy salohiyatiga putur yetkazadi. Shuningdek, uning oqibati natijasida davlat byudjetining pasayishi va siyosiy jarayonlarning keskinlashishiga sabab bo‘ladi. Ushbu o‘rinda 2019 yilda iqtisodiyot bo‘yicha Nobel mukofotiga sazovor bo‘lgan olimlar ham aynan jahonda kambag‘allikni pasaytirish bo‘yicha olib borgan tadqiqotlari uchun mukofotlanganligini esga olish zarur bo‘ladi.

“Kambag‘allik” nisbiy tushuncha hisoblanib, har bir jamiyatdagi turmush darajasining umumiy standartiga bog‘liq bo‘ladi. Kambag‘allik holati resurslarning uzoq muddat davomida yetarli bo‘lmasligini avvalgi jamg‘armalar bilan ham, qimmat tovarlarni xarid qilishdan vaqtincha tejash hisobiga to‘plangan mablag‘ bilan ham qoplash imkoniyati mavjud emasligini ko‘rsatadi. Bolalar qashshoqligi – dunyo bo‘yicha eng ko‘p tarqalgan va barqaror rivojlanishni ta'minlashga g‘ov bo‘lib turgan muammolardan biri hisoblanadi. Umumiy olganda barcha davlatlarda kattalarga nisbatan bolalar qashshoqligining ulushi yuqori hisoblanadi.

Ularning hayotiga, turmush kechirish tarziga razm soladigan bo‘lsak, o‘ta ayanchli ahvolda ekanligiga va bu, o‘z navbatida, ularning aqliy va jismoniy rivojlanishiga ham salbiy ta'sir ko‘rsatayotganligiga guvoh bo‘lamiz. Jahon banki va BMTning Taraqqiyot dasturi mutaxassislarining fikricha, O‘zbekistonda kambag‘allikning kuchli mavsumiy tarkibiy qismi mavjud, bu esa iqtisodiy faoliyatning davriy /taqvimiy xususiyatlarini aks ettiradi. Ish bilan band bo‘lganlarning taxminan 27 foizi qishloq xo‘jaligida ishlaydi va ishlab chiqarish jadvallari mavsumga o‘ta bog‘liq bo‘lganligi sababli, farovonlik va iste'mol darajasi fasllar orasida farq qiladi.

Hosil yig‘im-terimi paytida qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini ishlab chiqaradigan vasotadiganlar uchun ko‘proq ishlash imkoniyatlari, ko‘proq oziq-ovqat va ko‘proq daromad mavjud. Biroq qishloq xo‘jaligi faoliyati kam bo‘lgan davrlarda, daromad, odatda, kam bo‘ladi va oziq-ovqat ko‘pincha zaxiralardan olinadi yoki sotib olinadi. Garchi bu nisbat vaqt o‘tishi bilan tobora kamayib borgan bo‘lsa-da, daromad shkalasi bo‘yicha quyi to‘rt detsilda bo‘lgan uy xo‘jaliklari iste'mol xarajatlarining deyarli

uchdan ikki qismi hali-hanuz oziq-ovqat mahsulotlariga to‘g‘ri keladi, bu esa qishloq xo‘jaligi, oziq-ovqat mahsulotlarining narxi, oziqovqat xavfsizligining mavjud emasligi va qashshoqlik o‘rtasidagi muhim bog‘liqliklarni namoyon qiladi. Uy xo‘jaliklari daromadlarining sezilarli darajada o‘zgarib turishi mavsumiy mehnat migratsiyasi bilan ham bog‘liq, mavsumiylik esa ichki iqtisodiy faoliyatning ko‘plab boshqa sohalarida, masalan, qurilishda ham mavjud. Yalpi ichki mahsulotning o‘sishi hisobiga kambag‘allikning qisqarish tezligi kam bo‘ldi. O‘zbekistonning o‘sish sur'atining yuqoriligi va YaIMning barqarorligi haqidagi ma'lumotlari hisobga olinsa, taqqoslanayotgan mamlakatlarning tajribasi asosida kambag‘allik darajasining yanada tez kamayishini kutish mumkin edi. So‘nggi bir necha avlodi butunlay qashshoqlikdan chiqib ketgan kishilarning ko‘pchiligi ish bilan ta'minlanganlik natijasida daromadning ortishi yuzaga keldi. O‘zbekiston bu dinamikaning ajoyib namunasidir: 10 yillik davrda mehnat va kichik biznes daromadlarining o‘sishi kambag‘allikning qisqarishi va umumiy farovonlikka erishishga olib keldi. Bugungi kunda ish haqi va biznesdan keladigan daromad O‘zbekistonning unchalik boy bo‘lmagan oilalari orasida uy xo‘jaliklari daromadlarining asosiy manbai hisoblanadi. Bundan tashqari, oxirgi o‘n yillikda ushbu daromad manbalarining ahamiyati tobora ortib bordi, aksincha, nafaqalarning, ijtimoiy yordam dasturlari va boshqa daromad turlarining roli kamaydi. Biroq O‘zbekistonning mehnat bozorida sezilarli zaifliklar mavjud.

Xalkaro valyuta fondi (XVF)ning mamlakatlar bo‘yicha so‘nggi hisobotida, mehnat zaxirasiga yiliga 500 ming nafar yangi ishchi qo‘shilishiga qaramasdan, ish bilan bandlikning qayd etilgan o‘sishi ishlab chiqarish va daromadning o‘sishidan ortda qolayotganligi ta'kidlanadi. Kambag‘al oilalar orasida bandlik imkoniyatlari kamroq; yaxshiroq ta'minlangan kishilar ancha yuqori o‘rtacha mehnat daromadlariga egalar. Umumiy rasmiy ma'lumotlarga ko‘ra, mehnat qiladigan aholining 38 foizi norasmiy ish bilan band (43% yoshlar). Bu ishchi kuchining katta qismi rasmiy ijtimoiy sug‘urta dasturlaridan foydalanmayapti degan ma'noni anglatadi. 1990 yilda Jahon banki ekspertlari kambag‘al davlatlarda qo‘llanadigan standartlardan foydalanib, dunyodagi kambag‘al aholi sonini o‘lchashni taklif qilishgan edi. 15 ta davlatdagi kambag‘allikning milliy darajasini o‘rganib, xarid qobiliyati asosida valyuta kurslarini qo‘llagan holda (xarid qobiliyati; butun dunyodagi ana shu narxlar asosida hisoblanadi) qayta hisoblashdi.

Natijada ekspertlar o‘rganilayotgan qashshoq mamlakatlarning oltitasida kambag‘allik darajasi kuniga bir kishi uchun 1 dollarga yaqin ko‘rsatkichni tashkil qildi. Bu ko‘rsatkich ilk xalqaro qashshoqlik chegarasi sifatida qabul qilindi. Dunyo mamlakatlaridagi hayot qiymatidagi tafovutlar ortib borgani sababli, Jahon

banki global kambag‘allik ko‘rsatkichini vaqti-vaqti bilan qayta ko‘rib chiqish zaruriyatiga duch keldi. 2005 yilda Jahon banki dunyoning eng qashshoq mamlakatlarida qabul qilingan kambag‘allik darajasi asosida ana shu ko‘rsatkichni qayta hisobladi. Natijada global qashshoqlik chegarasi 1,25 dollargacha ko‘tarildi. 2015 yilda chegara qayta ko‘rib chiqildi va 1,9 dollarga yetkazildi. Jahon bankining “Kambag‘allik va yalpi farovonlik” to‘g‘risidagi ma'ruzasi 1990 yildan boshlab har yili e'lon qilinadi. 2018 yil oktyabr` oyida chiqarilgan ma'ruzaga ko‘ra qashshoqlikning xalqaro chegarasi bir kishi uchun kuniga 1,9 dollar miqdori o‘zgarmadi. Biroq qashshoqlik bo‘yicha yangi ta'rif va o‘lchamlar kiritilmoqda, jumladan, ijtimoiy kambag‘allik. Bu ko‘rsatkich mutlaq va nisbiy kambag‘allik kontseptsiyasini birlashtiradi. Bundan tashqari, kambag‘allik daromadlar darajasi bo‘yicha kommunal xizmatlar (suv, elektr energiyasi), sog‘liqni saqlash yoki ta'lim olish imkoniyatini aks ettirmagani uchun ko‘p o‘lchamli kambag‘allik ko‘rsatkichi kiritildi. Ana shu tushunchaga mos ravishda global darajadagi kambag‘allar ulushi monetar kambag‘allik bilan taqqoslaganda taxminan 50 foizga yuqoriroq. Jahon bankida o‘rtadan past, o‘rta va yuqori– 3,2 dollar, 5,5 dollar va 21,7 dollar daromadlarga ega mamlakatlar uchun kambag‘allikning quyi va yuqori darajalari qabul qilingan. Bank mutaxassislari bu ko‘rsatkichlar daromad mezonlariga asoslangani va ular ta'lim olish, sog‘liqni saqlash xizmatlari va suv hamda elektr energiyasi bilan ta'minlanganlik kabi jihatlarni hisobga olmasligini ta'kidlashadi. O‘zbekiston uchun qashshoqlik chizig‘i – kuniga 3,2 dollardan kam pulga yashash degani, misol uchun besh kishidan iborat oilaning yalpi daromadi oyiga 480 dollar yoki 4,6 million so‘mdan kam bo‘lsa, bu oilani kambag‘al deb hisoblash mumkin. Ma'lumki, 2018 yildan buyon Jahon banki “Taraqqiyot strategiyasi” markazi bilan hamkorlikda “O‘zbekiston fuqarolarini tinglab” nomli loyihani amalga oshirib kelmoqda. Mazkur loyiha doirasida Jahon bankining Qashshoqlik va tenglik bo‘yicha global amaliyot markazi eksperti Uilyam Zeytts rahbarligida “Markaziy Osiyoda tumanlar miqyosidagi qashshoqlik darajasi, o‘rtacha iste'mol va aholining o‘rta sinfi ko‘rsatkichlari” bo‘yicha hisobot tayyorlandi.

Tahlillar O‘zbekistonning ayrim hududlarida daromad notekis taqsimlanganligini anglatmoqda. Kambag‘allikning yuqori darajasi Toshkent, Samarqand, Surxondaryo, Andijon viloyatlari va Qoraqalpog‘iston Respublikasining ayrim tumanlarida kuzatilmoqda. O‘rta sinf aholining umumiy aholi sonidagi ulushining eng past darajasi ham Samarqand, Surxondaryo, Andijon, Sirdaryo, Toshkent, Xorazm viloyatlari va Qoraqalpog‘iston Respublikasi ba'zi tumanlari ulushiga to‘g‘ri kelmoqda. Xulosa va takliflar Albatta, Prezidentimiz qayd etganidek, kambag‘allikni kamaytirish oylik yoki nafaqa

miqdorini ko‘paytirish, yoppasiga kredit berish, degani emas. Buning uchun, eng avvalo, aholini kasbga o‘qitish, moliyaviy savodxonligini oshirish, odamlarda tadbirkorlik hissini uyg‘otish, infratuzilmani yaxshilash, farzandlarini o‘qitish, sifatli davolanish, manzilli nafaqa to‘lash tizimini joriy qilish kerak.

Shu o‘rinda O‘zbekistonda kambag‘allikni qisqartirish dasturi loyihasiga ayrim fikr, g‘oya va takliflarni bayon qilishni ma'qul deb topdik. Xususan, - kambag‘allikni qisqartirish, aholining turmush darajasini oshirish va mamlakat ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishining eng muhim ustuvorligi sifatida ishsizlik darajasini pasaytirishga e'tiborni kuchaytirish lozim. Bunda ishga joylashish imkoniyatini yaratuvchi, tegishli davlat organlari bilan bir qatorda, fuqarolarning mas'uliyatini oshiruvchi, har bir insonning shaxsiy sharoitini hisobga oluvchi, o‘ziga mustaqil yordam bera olmaydiganlarni qo‘llab-quvvatlovchi faol va ta'sirchan siyosat yuritish, ushbu maqsadlarga jamiyat va xususiy sektor resurslarini jalb etish muhim ahamiyat kasb etadi; - nodavlat-notijorat tashkilotlar bilan hamkorlikda odamlarimizni tadbirkorlikka o‘qitishning eng ilg‘or dasturlarini ishlab chiqish va kasbga o‘qitishda nodavlat tashkilotlarning faolligini kuchaytirish; - fuqarolarning oilaviy byudjeti daromadlarini oshirishning eng samarali shakllaridan biri sifatida kasanachilik mehnatini rivojlantirish kerak. Bunda zamonaviy mashinalar, uskunalar, xomashyo va materiallarni xarid qilish uchun moliyaviy resurslardan foydalanish imkoniyatini, ularga marketingni amalga oshirish va kasanachilik mahsulotini ishlab chiqarishni tashkil etish maqsadida buyurtmachilarni topishga ko‘maklashish, bozorda talab yuqori mahsulotlarni ishlab chiqarishda boshqa tadbirkorlik sub'ektlari bilan kooperatsiyasini kengaytirishga ko‘maklashish; - ishga joylashishga muhtoj shaxslarga kasbiy tayyorgarlik, qayta tayyorlash va malaka oshirish tizimini kengaytirish, bozor ehtiyojlarini hisobga olgan holda, maqbul shart-sharoitlarni yaratishga yo‘naltirilgan choralar ko‘rish; - aholining real pul daromadlari va xarid qobiliyatini oshirish, buning uchun ijtimoiy mehnat taqsimotini to‘g‘ri yo‘lga qo‘yish orqali jon boshiga to‘g‘ri keladigan tovar va xizmatlar ishlab chiqarish hajmini, ya'ni mehnat unumdorligini keskin oshirish kambag‘allik holatida yoki chegarasida yashayotgan aholi qatlamini kambag‘allikdan chiqarish uchun ajratilayotgan imtiyozli kreditlardan va aholi tomorqalaridan maqsadli, samarali foydalanishda mikroklaster tuzilmalarini yaratish maqsadga muvofiq hisoblanadi.

Xulosa o‘rnida ta'kidlash lozimki, bugungi kunda Prezidentimiz tashabbusi bilan O‘zbekistonda kambag‘allikni kamaytirish muammosi davlat siyosati darajasiga ko‘tarildi. Bu muammo mamlakatdagi islohotlarning eng og‘ir yo‘nalishi ekanligini ta'kidlagan holda uni kamaytirish uchun aholining barcha qatlami birlashishi zarur. Xalqimiz farovonligiga erishish, nochor oilalarga doimiy daromad manbai yaratishda faol ishtirok etish bu boradagi islohotlarni jadallashtirishga yordam beradi. Bu mas'uliyatli vazifa eng avvalo olimlar zimmasiga tushishini unutmaslik kerak. Fikrimizcha, mazkur yo‘nalishda oliy ta'lim muassasalarida ilmiy izlanishlar olib borishni yo‘lga qo‘yish vaqti keldi. Bu borada biz jahon tajribasini o‘rganishimiz kerak. O‘shanda Prezidentimiz ta'kidlagan metodologiyani yaratish va hayotga tatbiq etish imkoniyatiga ega bo‘lamiz.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. *O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti SH.M. Mirziyoevning 2020 yil 24 yanvardagi Oliy Majlisga Murojaatnomasi. “Xalq so‘zi” gazetasi, 2020 yil 25 yanvar`, № 19 (7521).*
2. *Abdurahmonov Q.X., Xolmo‘minov SH.R. “Mehnat iqtisodiyoti va sotsiologiyasi”. O‘quv qo‘llanma -T.: O‘zbekiston yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg‘armasi nashriyoti, 2004 y.*
3. *Arxangel`skaya N. Lovushki bednosti.: Ekspert.- № 16.12.02.2010g.- s.2-5.*
4. *Axmadeev L. Bednost`: sotsial`niy portret yavleniya.: Ekonomika i upravlenie. - 2010g.- №4.- 78s.*
5. *Burlakova YE.V. Analiz fenomena bednosti i yee sushnost` v sovremennoy Rossii //*
6. *Rabotnik sotsial`noy slujbi. 2000. № 1.*
7. *Vavilina N.D. Bednost` v Rossii kak sotsial`naya problema. Novosibirsk, 2000.*
8. *Djumanova R.F. Aholi turmush darajasi: ko‘rsatkichlari va uni oshirish yo‘llari.*
9. *Dissertatsiya. Toshkent 2008 yil 103-114-betlar “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar”.*
10. *Ilmiy elektron jurnali. № 1, yanvar-fevral, 2020 yil 1/2020 (№ 00045)*
11. *http://iqtisodiyot.tsue.uz 84*
12. *https://repost.uz/raboti-net*
13. *https://www.worldbank.org*
14. *https://www.undp.org*

TDIU Magistratura bo‘limi 2-kurs talabasi
Rahmatov Dilshod Shermat o‘g‘li
TDIU Mustaqil izlanuvchi
Vaxabov Asadulla Ubaydullo o‘g‘li

TURIZM BOZORIDA XIZMATLAR MARKETINGINI RIVOJLANTIRISH YO‘LLARI.

Annotatsiya. *Xizmat ko‘rsatish sohasi keng qamrovliligi bilan iqtisodiyotda, aholi hayotida muhim o‘rin tutadi. Xizmatlar sohasi korxonalari faoliyatini balansli rivojlantirish va diversifikatsiyalashni ta’minlash, ular ko‘rsatadigan xizmatlarning raqobatbardoshliligi va sifatini oshirish maqsadida keng ko‘lamli ishlar olib borilmoqda. Ushbu tezisda turistik xizmat ko‘rsatish bozorida turli xildagi mehnat faoliyatlarining tafovutlari haqida so‘z boradi.*

Kalit so‘zlar: *xizmatlar marketingi, turistik firma, xizmat iste’moli.*

Mahsulot kapital va ishchi kuchi bozorlari bilan bir qatorda ular bilan birgalikda harakat qiluvchi keng xizmat ko‘rsatish bozori ham mavjuddir. Xizmat ko‘rsatish sohasi keng qamrovliligi bilan iqtisodiyotda, aholi hayotida muhim o‘rin tutadi. Bu sohada yangi ish o‘rinlarini kam xarajat bilan va tez muddatda tashkil etish mumkin. Mamlakatimizga chet el mamlakatlari fuqarolari hisobiga kiruvchi turizm salohiyati oshib bormoqda. Birgina 2016 yilda 2,027 ming kishiga xizmat ko‘rsatilgan bo‘lsa, bu raqam 2019 yilga kelib 6,749 ming kishiga ortdi. Shundan, turistik firma va tashkilotlar tomonidan 349 ming kishiga, mehmonxonalar tomonidan 1,094 ming kishiga, sanoat-kurort muassasalari tomonidan 25 ming kishiga, va boshqa dam olish tashkilotlari tomonidan 53 ming kishiga xizmat ko‘rsatilgan. Shu bilan birgalikda xizmat ko‘rsatuvchi turistik firmalar va tashkilotlarning soni ham yil sayin oshib bormoqda. 2016 yilda 433da turistik firma xizmat ko‘rsatgan bo‘lsa, ularning soni 2019 yilda 517taga yetgan.

Xizmatlar sohasi korxonalari faoliyatini balansli rivojlantirish va diversifikatsiyalashni ta’minlash, ular ko‘rsatadigan xizmatlarning raqobatbardoshliligi va sifatini oshirish maqsadida Vazirlar Mahkamasining “2016 — 2020-yillarda xizmatlar sohasini rivojlantirish dasturi to‘g‘risida” gi qarori qabul qilingan bo‘lib, unda 2020-yilga borib qishloq joylarda xizmatlarni 1,8 baravarga o‘stirish; muhandislik-kommunikatsiya, yo‘l-transport infratuzilmasini rivojlantirish, tarmoqlarda zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish hisobiga xizmatlar sohasini, tarkibiy o‘zgartirishlarni jadal rivojlantirish uchun shart-sharoitlar yaratish; raqobat muhitini shakllantirish, kichik va xususiy tadbirkorlik subyektlarini rivojlantirishga ko‘maklashish; turli innovatsiya xizmatlarini, yangi aloqa vositalarini kengaytirish kabi vazifalar oldinga qo‘yilgan.

Afsuski, 2020-yildagi koronavirus pandemiyasi bu sohaga salbiy ta’sir ko‘rsatdi. Shu bois, 2020-2021-yillarda tadbirkorlarga 24 ta turdagi soliq imtiyozlari, subsidiya va boshqa preferensiyalar taqdim etish orqali 35 trillion so‘mlik ko‘mak berildi. 2020-yili tadbirkorlikni rivojlantirish dasturlari doirasida xizmat sohasiga 1 trillion so‘m imtiyozli kredit resurslari berilgan. Bundan tashqari, tijorat banklari o‘z mablag‘lari hisobidan qo‘shimcha 14 trillion so‘m kreditlar ajratgan. Keng imtiyozlar berilgani natijasida servis sohalarida o‘zini o‘zi band qilgan 500 ming nafar fuqaro rasmiy ro‘yxatdan o‘tgan.

Prezident Shavkat Mirziyoyev raisligida 2021-yilning 22-aprel kuni hududlarda xizmat ko‘rsatish sohasi yo‘nalishlarini rivojlantirish masalalari bo‘yicha videoselektor yig‘ilishi o‘tkazilib, unda Prezident tadbirkorlarga ko‘maklashish, shu bilan birga, yangi loyihalarni shakllantirib borish yuzasidan ko‘rsatmalar bergan. Shuningdek, har bir hududning o‘ziga xosligidan kelib chiqib, xizmatlarni kengaytirish, yangi xizmat turlarini yo‘lga qo‘yish, ilg‘or tajribalar va namunaviy loyihalarni joriy etish bo‘yicha yangi metodologiya yaratish zarurligi ta’kidlangan.

Kotler (2010) [3] ta’rifiga ko‘ra “Xizmat ko‘rsatish – harakatlar, manfaatlar yoki qanoatlantirishlar sifatidagi sotish obyekti” hisoblanadi. Bu ta’rifdan kelib chiqadiki, xizmat ko‘rsatish saqlab qo‘yila olmaydigan va haridorga moddiy shaklga ega bo‘lmagan mavhum narsa taklif qilinadi.

Xizmat ko‘rsatish bozorida turli xil xizmatlar muomalada bo‘ladi. Shu sababli xizmat ko‘rsatish bozori tor yo‘nalishdagi tarkibiy bozorlarga bo‘linadi. Xizmat ko‘rsatishga odatda quyidagilar kiritiladi: transport, aloqa, savdo, moddiy-texnik ta’minot, maishiy-kommunal xizmatlar, bank-moliya, fan, ta’lim, sog‘liqni saqlash, madaniyat va san’at, jismoniy tarbiya, sport, turizm va boshqalar. Xizmat ko‘rsatishda turli xildagi mehnat faoliyatlarining umumiy tomoni – moddiy shaklga ega bo‘lmaydigan iste’mol qiymati yaratiladi. Shuning uchun xizmat ko‘rsatish bozori boshqa bozorlardan tubdan farq qiladi. Bu farqning ikkita asosiy sababi mavjud:

Birinchidan, xizmat uning amalga oshgunicha mavjud bo‘lmaydi, ya’ni mahsulot xizmat ko‘rsatish jarayonida vujudga keladi. Bu holat ikki turli xizmat ko‘rsatuvchini, ikkita raqobatchi firmani,

ularning xizmatlarini hattoki mahsulotlari bir xil bo‘lib ko‘ringan holda ham taqqoslash imkoniyatini bermaydi. Xizmat ko‘rsatish sifati amalga oshirilgandan so‘ng taqqoslash mumkin. Moddiy tovarlarni esa sotib olgunga qadar taqqoslash imkoniyatiga egamiz.

Ikkinchidan, xizmat ko‘rsatish sohasi maxsus bilim va malaka talab etadiki, xaridor uni nafaqat baholashi, hattoki tushunishi ham qiyin. Xizmat ko‘rsatish jarayonidagi mavhumlik xaridorni noqulay ahvolga tushirib qo‘yishi bilan birga ranjitishi, jahlini chiqarishi, ishonchsizlikni vujudga keltirishi mumkin.

Ishlab chiqarish va iste’molning o‘zaro aloqalari uzluksizligi, xizmat ko‘rsatishning ko‘p turlari kim taklif qilishidan qat’iy nazar bir-biridan ajralmas, deb hisoblanadi. Demak, mehmonxonada shaxslarga alohida xizmat ko‘rsatishni mehmonxona xizmatchisidan, restoranda xizmat ko‘rsatishni ofitsiantdan, chipta sotish bo‘yicha xizmat ko‘rsatishni kassirdan ajratib bo‘lmaydi. Ishlab chiqarish va iste’molning o‘zaro bog‘liqligi nuqtai nazaridan xizmat va mahsulot o‘rtasidagi farqi 1-rasm keltirilgan.



1-rasm. Mahsulot va xizmatda ishlab chiqarishning o‘zaro bog‘liqligi.

Xizmat iste’moli va ishlab chiqarish jarayoniga xaridorni jalb qilish, sotuvchi nafaqat nima ishlab chiqarish, balki qanday ishlab chiqarish haqida qayg‘urishi kerakligini bildiradi. Asosiy ma’noni ikkinchi masala egallaydi. Shuning uchun to‘g‘ri tanlash va mijozlar bilan shartnoma tuzuvchi shaxslarni o‘qitish, xizmat ko‘rsatish sifatini ta’minlash va xaridorning u yoki bu firmaga nisbatan ishonchini vujudga keltirish uchun zarurdir.

Bundan tashqari xaridor sotuvchining xizmatini o‘ziga xos ekspert sifatida, u kimning bilimi va professional mahoratiga suyanayotganligini tez-tez kuzatib boradi. Bu ma’noda doim sotuvchi xizmati uning bir qismi bo‘lib qoladi.

Faollik biror bir natija chiqsa, biror bir maqsadga yo‘naltirib tashkil etilsa, hamda dominantga nisbatan ierarxiya tashkil etilsa, eng yuqori cho‘qqisiga yetadi. Kelajakda sifatni tashkil etish tizimi, kishi psixikasiga jamlab tashkil qiluvchi, tashkillashtirilgan yo‘nalishning shu turi, xarakteri yagonaligini ko‘rsatadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. *O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasi. 2020. O‘zbekistonda turizm: 2016-2019 yillar. Toshkent – 2020.*
2. *O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “2016-2020-yillarda xizmatlar sohasini rivojlantirish dasturi to‘g‘risida”gi qarori. Toshkent sh., 2016-yil 26-fevral, 55-son.*
3. *Котлер Ф. Основы маркетинга. Учебное пособие. - М.: Издательский дом «Вильямс», 2010.*
4. *Kun.uz. (2021). Prezident xizmat ko‘rsatish sohasini rivojlantirish bo‘yicha qo‘shimcha choralarni belgilab berdi. kun.uz/uz/news/2021/04/22*
5. *Ergashxodjaeva Sh.Dj. Marketingni boshqarish. Darslik, T. TDIU, Iqtisodiyot, 2017.*
6. *www.stat.uz - O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasi rsmiy sayti.*
7. *www.uzbektourizm.uz - O‘zbekiston Respublikasi Turizm va sport vazirligi rasmiy sayti*

TDIU Xalqaro turizm fakulteti dekani
dots. Zufarova Nozima Gulamiddinovna
TDIU Magistratura bo‘limi 1-kurs talabasi
Xolmurotova Diyoraxon Ibragimovna

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINI RIVOJLANTIRISHDA “HARAKATLAR STRATEGIYASI” NING ROLI VA AHAMIYATI

Anotatsiya: *Ushbu maqolada davlat va jamiyat qurilishini takomillashtirishga yo‘naltirilgan demokratik islohotlarni chuqurlashtirish va mamlakatni modernizatsiya qilishda parlamentning hamda siyosiy partiyalarning rolini yanada kuchaytirish, davlat boshqaruvi tizimini isloh qilish, davlat xizmatining tashkiliy-huquqiy asoslarini rivojlantirish, "Elektron hukumat" tizimini takomillashtirish, davlat xizmatlari sifati va samarasini oshirish, jamoatchilik nazorati mexanizmlarini amalda tatbiq etish, fuqarolik jamiyati institutlari ,hamda ommaviy axborot vositalari rolini kuchaytirish haqida so‘z boradi.*

Kalit so‘zlar: *Modernizatsiya, suverenitet, Milliy komissiya, Demokratik, "Xabeas korpus".*

Mamlakatimizda mustaqillik yillarida amalga oshirilgan keng ko‘lamli islohotlar milliy davlatchilik va suverenitetni mustahkamlash, xavfsizlik va huquq-tartibotni, davlatimiz chegaralari daxlsizligini, jamiyatda qonun ustuvorligini, inson huquq va erkinliklarini, millatlararo totuvlik va diniy bag‘rikenglik muhitini ta’minlash uchun muhim poydevor bo‘ldi, xalqimizning munosib hayot kechirishi, fuqarolarimizning bunyodkorlik salohiyatini ro‘yobga chiqarish uchun zarur shart-sharoitlar yaratdi.

Iqtisodiyotda ma’muriy-buyruqbozlikka asoslangan boshqaruv tizimidan mutlaqo voz kechilib, bozor islohotlari bosqichma-bosqich amalga oshirilgani va pul-kredit siyosati puxta o‘ylab olib borilgani makroiqtisodiy barqarorlikni, iqtisodiyotning yuqori sur’atlar bilan o‘sishini, inflatsiyani prognoz ko‘rsatkichlari darajasida saqlab qolishni ta’minladi hamda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik, fermerlik harakatini rivojlantirish uchun keng imkoniyatlar va qulay sharoitlar yaratilishiga xizmat qildi. Ayni vaqtda mamlakatimiz bosib o‘tgan taraqqiyot yo‘lining chuqur tahlili, bugungi kunda jahon bozori konyunkturasi keskin o‘zgarib, globallashuv sharoitida raqobat tobora kuchayib borayotgani davlatimizni yanada barqaror va jadal sur’atlar bilan rivojlantirish uchun mutlaqo yangicha yondashuv hamda tamoyillarni ishlab chiqish va ro‘yobga chiqarishni taqozo etmoqda. Aholi va tadbirkorlarni o‘ylantirayotgan dolzarb masalalarni har tomonlama o‘rganish, amaldagi qonunchilik, huquqni qo‘llash amaliyoti va ilg‘or xorijiy tajribani tahlil qilish, shuningdek keng jamoatchilik muhokamasi natijasida ishlab chiqilgan hamda quyidagilarni nazarda tutadigan 2017—2021-yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasi Davlat va jamiyat qurilishini takomillashtirishga yo‘naltirilgan demokratik islohotlarni chuqurlashtirish va mamlakatni modernizatsiya qilishda parlamentning hamda siyosiy partiyalarning rolini yanada kuchaytirish, davlat boshqaruvi tizimini isloh qilish, davlat xizmatining tashkiliy-huquqiy asoslarini rivojlantirish, “Elektron hukumat” tizimini takomillashtirish, davlat xizmatlari sifati va samarasini oshirish, jamoatchilik nazorati mexanizmlarini amalda tatbiq etish, fuqarolik jamiyati institutlari hamda ommaviy axborot vositalari rolini kuchaytirish;

Qonun ustuvorligini ta’minlash va sud-huquq tizimini yanada isloh qilishga yo‘naltirilgan sud hokimiyatining chinakam mustaqilligini hamda fuqarolarning huquq va erkinliklarini ishonchli himoya qilish kafolatlarini mustahkamlash, ma’muriy, jinoyat, fuqarolik va xo‘jalik qonunchiligini, jinoyatchilikka qarshi kurashish va huquqbuzarliklarning oldini olish tizimi samarasini oshirish, sud jarayonida tortishuv tamoyilini to‘laqonli joriy etish, yuridik yordam va huquqiy xizmatlar sifatini tubdan yaxshilash;

Iqtisodiyotni yanada rivojlantirish va liberallashtirishga yo‘naltirilgan makroiqtisodiy barqarorlikni mustahkamlash va yuqori iqtisodiy o‘sish sur’atlarini saqlab qolish, milliy iqtisodiyotning raqobatbardoshligini oshirish, qishloq xo‘jaligini modernizatsiya qilish va jadal rivojlantirish, iqtisodiyotda davlat ishtirokini kamaytirish bo‘yicha institutsional va tarkibiy islohotlarni davom ettirish, xususiy mulk huquqini himoya qilish va uning ustuvor mavqeyini yanada kuchaytirish, kichik biznes va xususiy tadbirkorlik rivojini rag‘batlantirish, hududlar, tuman va shaharlarni kompleks va mutanosib holda ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiy ettirish, investitsiyaviy muhitni yaxshilash orqali mamlakatimiz iqtisodiyoti tarmoqlari va hududlariga xorijiy sarmoyalarni faol jalb etish;

Ijtimoiy sohani rivojlantirishga yo‘naltirilgan aholi bandligi va real daromadlarini izchil oshirib borish, ijtimoiy himoyasi va sog‘lig‘ini saqlash tizimini takomillashtirish, xotin-qizlarning ijtimoiy-siyosiy faolligini oshirish, arzon uy-joylar barpo etish, yo‘l-transport, muhandislik-kommunikatsiya va

ijtimoiy infratuzilmalarni rivojlantirish hamda modernizatsiya qilish bo‘yicha maqsadli dasturlarni amalga oshirish, ta’lim, madaniyat, ilm-fan, adabiyot, san’at va sport sohalarini rivojlantirish, yoshlarga oid davlat siyosatini takomillashtirish; Xavfsizlik, millatlararo totuvlik va diniy bag‘rikenglikni ta’minlash, chuqur o‘ylangan, o‘zaro manfaatli va amaliy ruhdagi tashqi siyosat yuritishga yo‘naltirilgan davlatimiz mustaqilligi va suverenitetini mustahkamlash, O‘zbekistonning yon-atrofida xavfsizlik, barqarorlik va ahil qo‘shnichilik muhitini shakllantirish, mamlakatimizning xalqaro nufuzini mustahkamlash chora tadbirlari ko‘zda tutilgan.

O‘zbikiston Respublikasi Prezidentini 7-fevral kungi farmoni bilan 2017−2021-yillarda O‘zbekistonni rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha harakatlar strategiyasini tasdiqladi. Strategiya loyihasi dolzarb hamda aholi va tadbirkorlarni tashvishga solayotgan masalalarni kompleks o‘rganish, qonunchilik, huquqni muhofaza qilish amaliyoti va xorijiy tajribani tahlil qilish yakunlari bo‘yicha ishlab chiqilgan. “Harakatlar strategiyasi”da qonun ustuvorligini ta'minlash va sud-huquq tizimini yanada isloh qilishga yo‘naltirilgan sud hokimiyatining chinakam mustaqilligini hamda fuqarolarning huquq va erkinliklarini ishonchli himoya qilish kafolatlarini mustahkamlash, ma'muriy, jinoyat, fuqarolik va xo‘jalik qonunchiligini, jinoyatchilikka qarshi kurashish va huquqbuzarliklarning oldini olish tizimi samarasini oshirish, sud jarayonida tortishuv tamoyilini to‘laqonli joriy etish, yuridik yordam va huquqiy xizmatlar sifatini tubdan yaxshilash;iqtisodiyotni yanada rivojlantirish va liberallashtirishga yo‘naltirilgan makroiqtisodiy barqarorlikni mustahkamlash va yuqori iqtisodiy o‘sish sur'atlarini saqlab qolish, milliy iqtisodiyotning raqobatbardoshligini oshirish, qishloq xo‘jaligini modernizatsiya qilish va jadal rivojlantirish, iqtisodiyotda davlat ishtirokini kamaytirish bo‘yicha institutsional va tarkibiy islohotlarni davom ettirish, xususiy mulk huquqini himoya qilish va uning ustuvor mavqeini yanada kuchaytirish, kichik biznes va xususiy tadbirkorlik rivojini rag‘batlantirish, hududlar, tuman va shaharlarni kompleks va mutanosib holda ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiy ettirish, investitsiyaviy muhitni yaxshilash orqali mamlakatimiz iqtisodiyoti tarmoqlari va hududlariga xorijiy sarmoyalarni faol jalb etish;ijtimoiy sohani rivojlantirishga yo‘naltirilgan aholi bandligi va real daromadlarini izchil oshirib borish, ijtimoiy himoya va sog‘lig‘ini saqlash tizimini takomillashtirish, xotin-qizlarning ijtimoiy-siyosiy faolligini oshirish, arzon uy-joylar barpo etish, yo‘l-transport, muhandislik-kommunikatsiya va ijtimoiy infratuzilmalarni rivojlantirish hamda modernizatsiya qilish bo‘yicha maqsadli dasturlarni amalga oshirish, ta'lim, madaniyat, ilm-fan, adabiyot, san'at va sport sohalarini rivojlantirish, yoshlarga oid davlat siyosatini takomillashtirish;xavfsizlik, millatlararo totuvlik va diniy bag‘rikenglikni ta'minlash, chuqur o‘ylangan, o‘zaro manfaatli va amaliy ruhdagi tashqi siyosat yuritishga yo‘naltirilgan davlatimiz mustaqilligi va suverenitetini mustahkamlash, O‘zbekistonning yon-atrofida xavfsizlik, barqarorlik va ahil qo‘shnichilik muhitini shakllantirish, mamlakatimizning xalqaro nufuzini mustahkamlash haqida so‘z boradi.

Farmon bilan 2017−2021-yillarda O‘zbekistonni rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasini amalga oshirish bo‘yicha Milliy komissiya, shuningdek ustuvor yo‘nalishlarni amalga oshirish bo‘yicha komissiyalar tashkil etildi. Milliy komissiyaga prezidentning o‘zi boshchilik qiladi.

Hujjatda harakatlar strategiyasini o‘z vaqtida va samarali amalga oshirish barcha davlat hokimiyati va boshqaruvi organlari hamda ularning mansabdor shaxslari faoliyatining birlamchi vazifasi va bosh ustuvor yo‘nalishi hisoblanishi belgilangan.

Davlat dasturida nazarda tutilgan tadbirlarni amalga oshirish uchun mas'ul davlat organlari va tashkilotlarga jismoniy va yuridik shaxslarning murojaatlari bilan ishlash tizimini tubdan takomillashtirish, aholi bilan ochiq muloqotni yo‘lga qo‘yishning yangi, samarali mexanizm va usullarini joriy etish, mansabdor shaxslarning aholi oldida hisobot berishi tizimini amalda tatbiq etish, shu asosda xalqning davlat hokimiyatiga bo‘lgan ishonchini mustahkamlashga alohida e'tibor qaratish topshirildi.

Farmonda jismoniy va yuridik shaxslarning murojaatlarini ko‘rib chiqishda byurokratik to‘siq va g‘ovlar yaratilishiga, aholi bilan muloqot jarayonini kampaniyabozlikka aylanishiga yo‘l qo‘ymasligi qayd etildi. Bundan tashqari, davlat dasturi doirasida o‘tkazilayotgan tadbirlarning ochiqligi, ularda fuqarolar, barcha darajadagi davlat hokimiyati vakillik organlari deputatlari, nodavlat notijorat tashkilotlari, fuqarolarning o‘zini o‘zi boshqarish organlari, nuroniylar, xotin-qizlar, yoshlar, ijodiy va ilmiy muassasalar vakillarining keng ishtirok etishini ta'minlash belgilangan.

Xulosa: Xulosa o‘rnida shuni ta’kidlash joizki Harakatlar strategiyasining amalga oshirilishi O‘zbekiston Respublikasining mamlakatni isloh qilish va modernizatsiyalash, rivojlangan bozor iqtisodiyotiga asoslangan huquqiy demokratik davlat, kuchli fuqarolik jamiyati barpo etish, qonun ustuvorligini, xavfsizlik va huquq-tartibotni, davlat chegaralarining daxlsizligini, jamiyatda millatlararo totuvlik va diniy bag‘rikenglikni ta’minlash yo‘lidagi shaxdam harakatlariga yangi kuch bag‘ishlaydi.

TDIU Xalqaro turizm fakulteti dekani
dots. Zufarova Nozima Gulamiddinovna
TDIU Xalqaro turizm fakulteti MR-91 guruh talabasi
Umarova Gulsanam

2022-2026-YILLARGA MO‘LJALLANGAN YANGI O‘ZBEKISTON TARAQQIYOT STRATEGIYASI USTUVOR YO‘NALISHLARI

Anotatsiya: *Mazkur maqolada,inson huquqlarini ta’minlash;davlat organlarining hisobdorligi va ochiqliligini kuchaytirish; fuqarolik jamiyati institutlarini amaldagi faolliyatini yuksaltirish;milliy iqtisodiyotini isloh qilish; soliq va moliya siyosatini liberallashtirish;tadbirkorlikni qo‘llab - quvvatlash;biznes-inkubatorlarni ko‘paytirish va yuksaltirish; mamlakatimizning xavfsizligi va mudofaasini kuchaytirish; ma’naviy taraqqiyotga yondashish; maktablarda ta’lim sifatini oshirish hamda kambag‘allikni qisqartirish yuzasidagi chora-tadbirlari haqida boradi.*

Kalit so‘zlar: *liberallashtirish,pragmatik,mahalla instituti,yashil makon,milliy manfaat, umum-bashariy muammolar.*

Mamlakatimizni 2017 — 2021-yillarda rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasi doirasida o‘tgan davr mobaynida davlat va jamiyat hayotining barcha sohalarini tubdan isloh etishga qaratilgan 300 ga yaqin qonun, 4 mingdan ziyod O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti qarorlari qabul qilindi.Shuningdek, Fuqarolarning ijtimoiy himoyasini kuchaytirish va kambag‘allikni qisqartirish davlat siyosatining ustuvor yo‘nalishi sifatida belgilanib, aholini yangi ish o‘rinlari va kafolatli daromad manbai, malakali tibbiy va ta’lim xizmatlari, munosib yashash sharoitlari bilan ta’minlash sifat jihatidan yangi bosqichga ko‘tarildi.

So‘nggi besh yillik islohotlarning natijasida mamlakatimizdaYangi O‘zbekiston barpo etishning zarur siyosiy-huquqiy,ijtimoiy-iqtisodiy va ilmiy-ma’rifiy asoslari yaratildi.Jahon miqyosidagi murakkab jarayonlarni va mamlakatimiz bosib o‘tgan taraqqiyot natijalarini chuqur tahlil qilgan holda keyingi yillarda “Inson qadri uchun” tamoyili asosida xalqimizning farovonligini yanada oshirish,iqtisodiyot tarmoqlarini kengaytirish va tarmoqlarini kengaytirish va tadbirkorlikni jadal rivojlantirish, inson huquqlari va manfaatlarini so‘zsiz ta’minlash hamda faol fuqarolik jamiyatini shakllantirishga qaratilgan islohotlarning ustuvor yo‘nalishlarini belgilash maqsadida “Harakatlar strategiyasidan Taraqqiyot strategiyasi sari” tamoyili 2022-2026-yillarga mo‘ljallangan yettita ustuvor yo‘nalishlarni o‘z ichiga oladi.

Mahalla instituti faoliyatining samaradorligini oshirish, uni jamoatchilik boshqaruvi va nazoratining tayanch bo‘g‘iniga aylantirish; xalq deputatlari Kengashlarini hududlarda mavjud muammolarni hal qilishdagi asosiy bo‘g‘inga aylantirish; mamlakatimizdagi islohotlarni izchil davom ettirishda Oliy Majlis palatalari va siyosiy partiyalar rolini yanada oshirish; ta’sirchan jamoatchilik nazoratini amalga oshirishning tashkiliy-huquqiy asoslarini takomillashtirish; Xalq bilan muloqotning mexanizmlarini takomillashtirish borasida so‘z boradi bir gap bilan aytganda, inson qadrini yuksaltirish va erkin fuqarolik jamiyatini yanada rivojlantirish orqali Xalqparvar Davlat barpo etishdir.

Ikkinchi ustuvor yo‘nalishda mamlakatimizda adolat va qonun ustuvorligi tamoyillarini taraqqiyotning eng asosiy va zarur shartiga aylantirish haqida boradi. Ushbu ustuvor yo‘nalish orqali quyidagi ishlar amalga oshirilishi nazarda tutilgan:

Huquqni muhofaza qiluvchi organlarning yangi qiyofasini shakllantirish va ularning faoliyatini xalq manfaatlari, inson qadr-qimmati, huquq va erkinliklarini samarali himoya qilishga yo‘naltirish; faol fuqarolik jamiyatini rivojlantirish hamda fuqarolar o‘rtasida qonunga hurmat va itoat qilish hissini shakllantirish;advokatura institutining inson huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlarini himoya qilishdagi salohiyatini tubdan oshirish, shuningdek, aholi va tadbirkorlik subyektlarining malakali huquqiy xizmatlarga bo‘lgan talabini to‘liq qondirish orqali qonun ustuvorligini ta’minlash va kuchaytirish nazarda tutilgan.

Shuningdek,Taraqqiyot Strategiyasi uchinchi ustuvor yo‘nalishida milliy iqtisodiyotni jadal rivojlantirish va yuqori o‘sish sur’atlarini ta’minlash orqali iqtisodiyot tarmoqlarida barqaror yuqori o‘sish sur’atlarini ta’minlash orqali kelgusi besh yilda aholi jon boshiga yalpi ichki mahsulotni — 1,6 baravar va 2030-yilga borib aholi jon boshiga to‘g‘ri keladigan daromadni 4 ming AQSh dollaridan oshirish hamda “daromadi o‘rtachadan yuqori bo‘lgan davlatlar” qatoriga kirish uchun zamin yaratilishiga; milliy iqtisodiyot barqarorligini ta’minlanishi va yalpi ichki mahsulotda sanoat ulushini oshirishga qaratilgan sanoat siyosatini davom ettirib, sanoat mahsulotlarini ishlab chiqarish hajmini 1,4 baravarga oshirilishiga erishishdir.

To‘rtinchi ustuvor yo‘nalishda Adolatli ijtimoiy siyosat yuritish, inson kapitalini rivojlantirish orqali quyidagi chora-tadbirlarni amalga oshirishdir: har bir fuqaroga davlat hisobidan aniq kasb-hunarga

o‘qish imkoniyatini yaratish; kasbga o‘qitish ko‘lamini 2 baravar oshirib, jami 1 million nafar ishsiz fuqaroni kasb-hunarlarga o‘qitish va bu jarayonda nodavlat ta’lim muassasalarining ishtirokini 30 foizga yetkazish; maktabgacha ta’limdagi qamrov darajasini hozirgi 67 foizdan kamida 80 foizga yetkazish; 2026-yilga qadar o‘quv dasturlari va darsliklarni ilg‘or xorijiy tajriba asosida to‘la qayta ko‘rib chiqib, amalda joriy etish; Qoraqalpog‘iston Respublikasi va Xorazm viloyatida boshlang‘ich sinf o‘quvchilarini bosqichma-bosqich bepul ovqat bilan ta’minlash; Oliy ta’lim bilan qamrov darajasini 50 foizga yetkazish va ta’lim sifatini oshirish.

Beshinchi ustuvor yo‘nalishda, mamlakatimizda ma’naviy taraqqiyotni ta’minlash va sohani yangi bosqichga olib chiqish ya’ni;

Ezgulik va insonparvarlik tamoyiliga asoslangan “Harakatlar strategiyasidan — taraqqiyot strategiyasi sari” g‘oyasini keng targ‘ib etish orqali jamiyatda sog‘lom dunyoqarash va bunyodkorlikni umummilliy harakatga aylantirish;Madaniyat va san’at sohalarini yanada rivojlantirish, madaniyat muassasalari va obyektlarining moddiy-texnika bazasini yaxshilash kabi bir qancha ishlar amalga oshirilishi kutilmoqda.

Oltinchi ustuvor yo‘nalishda milliy manfaatlardan kelib chiqqan holda umumbashariy muommolarga yondashish orqali quyidagi bir qancha ishlar amalga oshirish ko‘zda tutilgan;

Ekologiya va atrof muhitni muhofaza qilish, shahar va tumanlarda ekologik ahvolni yaxshilash, “Yashil makon” umummilliy loyihasini amalga oshirish; o‘rmonlar maydonini kengaytirish; ekstremizm va terrorizmga qarshi kurashishning samarali mexanizmlarini shakllantirish hamda korrupsiyaga moyil soha va tarmoqlarni aniqlash, korrupsiyaviy omillarni bartaraf etish tizimining samaradorligini oshirish, jamiyatda korrupsiyaga nisbatan murosasiz munosabatni shakllantirish.

Taraqqiyot Strategiyasining eng oxirgi yettinchi ustuvor yo‘nalishi “Mamlakatimiz xavfsizligi va mudoffa salohiyatini kuchaytirish,ochiq,pragmatik va faol tashqi siyosat olib borish” chora-tadbiri haqida so‘z boradi.Ushbu ustuvor yo‘nalishda bir qancha ishlar amalga oshirilishi ko‘zda tutilgan. Xususan, davlatning mudofaa qobiliyatini yanada mustahkamlash; Qurolli Kuchlarning jangovar shayligini, uning imkoniyatlari va qobiliyatini kuchaytirish; Markaziy Osiyoda xavfsizlik, savdo-iqtisodiy, suv, energetika, transport va madaniy-gumanitar sohalardagi yaqin hamkorlikni sifat jihatidan yuqori bosqichga olib chiqish; an’anaviy hamkorlarimiz bilan munosabatlarni yanada rivojlantirish, tashqi aloqalar geografiyasini kengaytirishga ustuvor ahamiyat qaratib, iqtisodiy diplomatiyani kuchaytirish chora-tadbirlarini o‘z ichiga olgan.

Xulosa: Ma’lumki, Shavkat Mirziyoyev o‘z nutqida Yangi O‘zbekiston Taraqqiyot strategiyasinining 7 ta ustuvor yo‘nalishlarini belgilab berdi. Mazkur kontseptual hujjatda islohotlarning uzviyligi va davomiyligini ta'minlash maqsadida “Harakatlar strategiyasidan – Taraqqiyot strategiyasi sari” degan tamoyil asosiy g‘oya va bosh mezon qilib olindi..

Ma’ruzaning e’tiborli jihatlaridan biri shundaki, Yangi O‘zbekiston Taraqqiyot strategiyasida birinchi o‘ringa shaxs, inson qadri yuqori o‘ringa qo‘yilib, “inson – jamiyat – davlat” degan yangi tamoyil asosida davlat va jamiyat boshqaruvini tashkil etadi. Bir so‘z bilan aytganda, amaliy natija, inson manfaati, uning qadr-qimmati bosh maqsadga aylangan.

O‘tgan yillar mobaynida ijtimoiy sohada amalga oshirilgan ishlarga nazar soladigan bo‘lsak, ijtimoiy himoya va doimiy yordamga muhtoj shaxslar bilan ishlashning “Temir daftar”, “Ayollar daftari”, “Yoshlar daftari” kabi yangicha ishlash mexanizmi joriy etildi. Ijtimoiy nafaqa bilan ta’minlanadigan aholi soni qariyb 1,5 barobar oshirildi.

Mazkur nutqda muallim va murabbiylar, professor-o‘qituvchilarga alohida e’tibor qaratilib, 2025 yilga borib, oliy toifali o‘qituvchilarning oylik maoshini ekvivalent hisobida 1 ming dollarga yetkazilishi o‘ylaymizki, barchaga birdek ma’qul bo‘ldi.

Raqamlarga e’tibor qaratadigan bo‘lsak, maktabgacha ta’limdagi qamrov darajasi 2017 yilda 27,7 foizni tashkil qilgan bo‘lsa, hozirda 62 foizni tashkil qilmoqda, 2030 yilga borib esa mazkur qo‘rsatkichni 80 foizga yetkazish maqsad qilinganligi ushbu sohada ham ulkan marralarni qo‘yayotganligimizdan dalolat beradi. Bitiruvchilarni oliy ta'lim bilan qamrov darajasi 2016 yili 9 foizni tashkil etgan bo‘lsa, bu ko‘rsatkich 2021 yilga kelib 28 foizni tashkil qilmoqda, bu ko‘rsatkichni 50 foizga yetkazish maqsad qilingan.

Xulosa o‘rnida aytish mumkinki, keng ko‘lamli islohotlar jarayoni izchil davom etib, ular sermahsul bo‘lishidan butun xalqimiz manfaatdor. Yangi O‘zbekiston Taraqqiyot strategiyasini amalga oshirishda barcha davlat va jamoat tashkilotlari, fuqarolik jamiyati institutlari, nodavlat notijorat tashkilotlari vakillari ham kamarbasta bo‘lishi kutilmoqda.

Yangi O‘zbekiston Taraqqiyot strategiyasi milliy rivojlanishimizning yangi bosqichini boshlab berishi hamda xalqimizni umumiy maqsadlar yo‘lida birlashtirib turadigan yaxlit ma’naviy asos va mezonga aylanishi ko‘zda tutilgan.

TDIU Xalqaro Turizm fakulteti
MR-31 guruh talabasi
Abdunabiyeva Araylim

MARKETING KOMMUNIKATSIYALAR TIZIMIDA REKLAMA

Reklama –marketingning muhim tarkibiy qismi ekanligi haqidagi asosiy ta'kidlar shunga asoslanadiki, marketing sohasi rivojlangan mamlakatlar hozirgi iqtisodiyotining barcha tomonlarini qamrab oladi va bunda marketing faoliyatining har qanday bosqichi ularning reklama faoliyati bilan bevosita yoki bilvosita aloqadordir. Yagona marketing strategiyasi doirasida reklama ishlab chiqarishga faol ta'sir ko'rsatadi, bozorga chiqishda esa talabni hisobga olgan holda tijorat natijalariga erishish olib keladi. Marketing tizimining mantiqiy tarkibiy qismi sifatidagi zamonaviy reklamaning farqlovchi belgisi shunchaki talabni shakllantirish emas, balki iste'molchilarning tanlab olingan segmenti ichida uni boshqarishdir. Bunga shuning uchun ham imkon tug'ildiki, birinchidan, bozor iste'molchilarning didi va talablarini aks ettiruvchi segmentlar yig'indisidir. Firmalar uchun maqsad kuchg'ayratlarini butun bozorga sochmasdan, tanlab olingan segmentga iloji boricha ko'proq kirib borishdan iboratdir. Ikkinchidan, mahsulotni va tegishlicha uning reklamasini tabaqalashtirish (differensiatsiyalash)ga asos bo'luvchi talab o'zgarishlarini yetarlicha aniq bilish mumkin. Tovarlarni tabaqalashtirish reklama faoliyatini yengillashtiradi va uning samaradorligini oshiradi. Foyda hajmi va reklama uchun zarur bo'lgan mablag' summasi odatda tabaqalashtirish darajasigabog'liq bo'ladi.Hozirgi vaqtda ishlab chiqarilayotgan mahsulotlarning turlari muntazam ravishda murakkablashib bormoqda va tovarlarning iste'mol xususiyatlari emas, balki ularning imij-bilding, ya'ni yetkazib berish va xizmat ko'rsatish qulayligi, kafolat ta'miri shartlari va shu kabi tavsiflari talab omillari sifatida oldinga chiqmoqda. Bugungi kunda xorij bozorlarida tovarlar jozibadorligining muhim unsuri (elementi) ular sotilganidan keyin ko'rsatiladigan xizmatlar darajasi hisoblanadi. Shunday qilib, bir tomondan, reklama mahsulot sotishni rag'batlantirishning narx bilan bog'liq bo'lmagan moslashuvchan vositasiga aylanib bormoqda, boshqa tomondan esa – birlashgan reklama-axborot kommunikatsiyasining yangi turiga aylanmoqda.Muayyan bozor vaziyatidan kelib chiqib belgilanadigan maqsadlarga ko'ra reklama quyidagi vazifalarni samarali hal qilish mumkin: axborot berish (yangi tovar, muayyan voqea, firma va h.k. haqida xabardorlik va bilimlarni shakllantirish); uqtirish (tegishli iste'molchi tomonidan firma qiyofasi va uning tovarlarini asta-sekin, muntazam ravishda ma'qul ko'rishni shakllantirish; xaridorni xarid qilishga ishontirish; sotib olish faktini rag'batlantirish va h.k.); eslatish (xabardorlikni qo'llab-quvvatlash, xaridlar orasida iste'molchilarning xotirasida tovar haqidagi axborotni saqlash; ushbu tovarni qayerdan sotib olish mumkinligini eslatib turish) va boshqa vazifalar.

Ko'p fanlar yutuqlari va usul-vositalarini qo'llamay turib, hozirgi sharoitlarda real tadbirkorlik faoliyatida reklamaning eng yuqori samarasiga erishishning iloji yo'q. Ushbu fanlar qatorida kommunikatsiyalar aloqasi muhim o'rin tutadi. Bu fan (aniqrog'i – hatto fanlarning butun bir majmui) inson aloqalari shakllanishi va faoliyat ko'rsatishining eng umumiy qonuniyatlarini ko'rib chiqadi.

Reklamani o'rganishga nisbatan ilmiy yondashuv uni inson aloqalarining bir shakli sifatida ko'rib chiqishni talab qiladi. O'zaro aloqani shakllantirish, reklama beruvchining auditoriya bilan muloqot kanallarini yo'lga qo'yishga urinishi uning mohiyatini tashkil qiladi. Aks holda (afsuski, bizda bunga misollar ko'p) reklama rasmiy tomondan turli reklama manbalari va ko'plab uni tarqatish kanallari sifatida qabul qilinadi. Bunday yondashuvda reklama tizimsiz va natijada amalda samarasiz bo'lib qoladi.

Reklama kommunikatsiyalarining asosiy vositalari. Garchi marketing kommunikatsiyalarining boshqa vositalari (to'g'ridan-to'g'ri marketing, sotishni rag'batlantirish va b.) uchun shaxslararo aloqadan boshlab kommunikatsiyaning barcha turlari dolzarb bo'lsa-da, aksariyat hollarda reklama ommaviy kommunikatsiyalarga kiradi.

Ijtimoiy kommunikatsiyaning asosiy funksiyalari quyidagilar hisoblanadi:

1. axborot (axborot uzatish);
2. ekspressiv (faqat ma'no axborotini emas, balki baholovchi axborotni ham ifodalash);
3. pragmatik (qabul qiluvchiga ma'lum bir ta'sirni amr etuvchi ko'rsatma berish imkoniyati).

Ko'rib turibmizki, kommunikatsiya sifatida reklama ko'rsatilgan har uchala funksiyalarni bajarishga qodir. Shunday xulosa ham to'g'ri bo'ladi: ijtimoiy kommunikatsiyaning har uchala funksiyasi qabul qiluvchiga reklama ta'siri o'tkazish jarayonida qo'llaniladi.

Marketing kommunikatsiyalari o‘z ichiga oladi reklama, aktsiyalar, savdo-sotiq, brendlash, tashviqot va onlayn reklama. Jarayon jamoatchilikka brendni bilish yoki tushunish imkoniyatini beradi. O‘sib borayotgan texnologiyalar va texnikalar bilan mijozlarning bevosita ishtiroki amalga oshiriladi. Bu ularning g‘oyalari va ijodlarini mahsulot ishlab chiqarish va brendni reklama qilishda ishtirok etish orqali amalga oshiriladi. Muvaffaqiyatli brendlash tashkilotning marketing dasturini qadrlaydigan auditoriyani jalb qilishni o‘z ichiga oladi.

Reklama marketing kommunikatsiyalarining kichik, ammo muhim qismidir; marketing kommunikatsiyalari aralashmasi maqsadli auditoriyaga aniq va izchil xabar etkazish uchun ishlatilishi mumkin bo‘lgan vositalar to‘plamidir. U shuningdek, odatda reklama aralashmasi deb ataladi. Crosier (1990) ta’kidlashicha, 4ps kontekstida barcha atamalar bir xil ma’noga ega: mahsulot, narx, joy va reklama. Narx maqsad auditoriyaga xabar yuborishi mumkin. Masalan, 50 dollarlik sumkani 10 dollarlik sumka bilan taqqoslaganda, birinchisi hashamatli yoki uzoq umr ko‘riladigan buyum sifatida qaralishi mumkin.

Kommunikatsiya, shu jumladan, reklama ham marketing kompleksining yuqorida qayd qilingan elementlari bilan yaqin aloqada bo‘ladi. Pepsi-Co1a Company firmasi o‘zi va auditoriyasi orasida o‘zaro xayrixohlik va ishonch munosabatlarini o‘rnatish hamda yoshlar qalbida quvonch va shodlik hissini uyg‘otuvchi ramziy qiyofada muhrlanib qolish uchun barcha vositalarni jalb etishga harakat qilmoqda. Kommunikatsiya siyosati maqsadining «reklama piramidasi» zinapoyalaridan yuqorilab borishiga ko‘ra evolyustiyasini «Marketing va reklama» nomli ukraincha ilmiy-amaliy jurnal misolida ko‘rib chiqamiz. Jurnalni maxsus nashrlar bozoriga kiritishning boshlang‘ich bosqichida u haqida iste’molchilarda biror ma’lumotning bo‘lmasligi tabiiy. Shuning uchun bu bosqichdagi kommunikatsiyaning asosiy maqsadi nashr mavzulari, uning bosilish davri, tarqatilish hududlari va boshqalar haqida imkon qadar ko‘p ma’lumot berishdan iborat bo‘ladi. Bu maqsadga erishishning asosiy quroli informativ reklama, jamoatchilik bilan aloqalar, homiylik va boshqalar bo‘ladi. Jurnal haqidagi ma’lumotni nufuzli umummilliy OAVda joylashtirish, haqiqiy biznes bilan shug‘ullanuvchi kishilar orasida tarqatish samarali usullardan hisoblanadi. Jurnal taqdimotini o‘tkazish, ilmiy-amaliy xarakterdagi tadbirlarda (konferensiya, davra suhbatlari, biznes-forumlar va b.) ishtirok etish ham maqsadga muvofiq.

Avvalgi omilning ta’siri bilan reklama vositalari samaradorligining tovarning yashovchanlik davri bosqichiga bog‘liqligiga ko‘p jihatdan o‘xshaydi. Ma’lumki, tovar uning ishlab chiqilishidan boshlab quyiladi bosqichlardan o‘tadi: tovarni ishlab chiqish, bozorga olib kirish, o‘sish, yetuklik, bozordan chiqish.

Aftidan, tovarni ishlab chiqish va bozorga kiritish bosqichlarida ishlab chiqaruvchi firma kommunikatsiya siyosatining birinchi navbatdagi vazifasi jamoatchilikda tovar haqidagi tushunchani shakllantirishdan iborat bo‘ladi. Shu nuqtai nazardan pablik rileyshnz, reklama va sotuvni tashviq qilish usullari yaxshi samara beradi. O‘sish bosqichida sotuv tashviqotining roli bir muncha pasayadi. Yetuklik davrida, tovar savdosi eng yuqori cho‘qqiga yetgan vaqtda esga soluvchi reklamadan foydalanish maqsadga muvofiq bo‘ladi. Tanazzul va bozordan chiqish bosqichining boshlanganidan dalolat beruvchi tovar savdosi ko‘lamining qisqarishi bilan asosiy e’tibor sotish tashviqoti usullariga qaratiladi. Bu asosan narxlarni chegirishdan iborat bo‘ladi.

BMK konsepsiyasini joriy qilish yo‘lida turgan qiyinchiliklarga qaramasdan firmalar faoliyati tajribasining ko‘rsatishicha mazkur konsepsiya borgan sari kengroq tan olinmoqda. Eng yangi kommunikatsiya texnologiyalari baynalmilal marketing kommunikatsiyasi yondoshuvini qo‘llash samaradorligini oshirishga ko‘maklashadi. BMK konsepsiyasi muallifi D. Shulst shu munosabat bilan quyidagi fikrni bildirgan: «Texnologiya – bu aynan BMK amalga oshirayotgan narsa bo‘lib, texnologiya yangiliklari qancha tez tarqalsa, BMK shunchalik tez rivojlanadi va yetuklik maqomini oladi. Texnologiya BMKni harakatga keltirar va mustahkamlar ekan, ular marketingning shunchaki navbatdagi o‘zgaruvchan bir mo‘jizasini yoki kommunikatsiya sohasining tez kunda o‘z dolzarbligini yo‘qotadigan va o‘z-o‘zidan yopiladigan jo‘shqin mavzusini tashkil etib qolmaydi, balki, aksinchadir. BMK – bu barcha marketing kommunikatsiyalarining kelajagidir».

Reklamaning firma marketingi tizimida, xususan marketing kommunikatsiyalari majmuida tutgan o‘rni haqida fikr yuritishni yakunlagach, reklama murojaatlarini ishlab chiqish xususiyatlari va kommunikatorning reklama faoliyatini tashkil etish muammolari haqida batafsil to‘xtalamiz.

TDIU PhD.Eshmatov Sanjar Azimqulovich

TDIU Magistratura bo‘limi 1-kurs talabasi
Normurodov Akmal Muhiddin o‘g‘li
TDIU MR-52 guruh talabasi
Rahmonov Bahodirjon Nazirjon o‘g‘li

EKSPORTNI RIVOJLANTIRISH VA QO‘LLAB-QUVVATLASH

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 21-oktabrdagi “Eksport faoliyatini moliyaviy qo‘llab-quvvatlashni yanada kengaytirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-6091-son Farmoni va 2021-yil 13-iyuldagi “Eksport faoliyatini moliyaviy qo‘llab-quvvatlashni yanada kuchaytirish to‘g‘risida”gi PQ-5184-son qaroriga asosan eksport bilan bog‘liq savdo operatsiyalari va eksportoldi moliyalashtirish kreditlari uchun Tiklanish va taraqqiyot jamg‘armasidan Eksportni rag‘batlantirish agentligi huzuridagi Eksportni qo‘llab-quvvatlash jamg‘armasiga 200 million AQSh dollari ajratilganligi ma’lumot uchun qabul qilinsin.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 7-maydagi “Eksport faoliyatini yanada qo‘llab-quvvatlash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarorining qabul qilinishi eksportchi korxonalarni davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlash va rag‘batlantirishlarning mantiqiy davomi bo‘ldi. Mazkur hujjatda eksport faoliyati bilan shug‘ullanuvchi tadbirkorlar uchun bir qator yengillik va imtiyozlar belgilab berilgan.

Qaror eksport faoliyatini qo‘llab-quvvatlash tizimini yanada takomillashtirish, shuningdek, 2017-2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha harakatlar strategiyasini “Ilm, ma’rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili”da amalga oshirishga oid Davlat dasturida belgilangan vazifalarni o‘zida ifoda etgan.

Ushbu qaror eksport faoliyati bilan shug‘ullanuvchi tadbirkorlarga nima beradi? Birinchidan, mahalliy eksport qiluvchi tadbirkorlarga 68 turdagi mahsulotlarni eksport qilishda, eksport bo‘yicha nafaqat temir yo‘lda, balki havo va avto transportida tashish xarajatlarining 50 foizgacha bo‘lgan qismi Eksportni rag‘batlantirish agentligi tomonidan qoplab beriladi.

Ikkinchidan, eksport qiluvchilar garov sifatida sug‘urta xizmatlaridan foydalanganda sug‘urta mukofotini qoplashga Eksportni rag‘batlantirish agentligi tomonidan kompensatsiya taqdim etiladi.

Uchinchidan, O‘zbekiston Respublikasi bojxona chegarasidan eksport operatsiyalari bo‘yicha olib o‘tilayotgan tovarlarning bojxona rasmiylashtiruvini amalga oshirishda jismoniy va yuridik shaxslarga nisbatan joriy qilingan barcha turdagi majburiy to‘lovlar va ijro xujjatlari bo‘yicha qarzdorligini tekshirish amaliyoti 2021-yil 1-yanvargacha bekor qilindi.

Ushbu qarorning ijrosi mahalliy tadbirkorlar tomonidan eksport qilinayotgan mahsulotlarning jahon bozoridagi raqobatbardoshligini oshirish orqali an’anaviy bozorlardagi o‘rnini mustahkamlash hamda yangi bozorlarga jadal kirib borishiga turtki bo‘ladi.

Eksport - tovarlarni chet ellik mijozlarga sotish bo‘lib, bunda mazkur mamlakatda ishlab chiqarilgan tovarlar mamlakatdan tashqariga chiqariladi.

Hozirda jadallik bilan rivojlanib borayotgan zamonda davlatlar bilan iqtisodiy va siyosiy aloqalarni kuchaytirish muhim ahamiyat kasb etadi. Keling hozirgi maqolamizda O‘zbekiston Respublikasida 2020-yildagi eksport hajmi va uning o‘sishiga yoki kamayishiga nimalar ta’sir etayotganini ko‘rib chiqamiz.

Davlat Statistika qo‘mitasi 2020-yilda O‘zbekiston tashqi savdo aylanmasi to‘grisidagi ma’lumotlariga ko‘ra 2020- yilning yanvar-dekabr oylari yakuni bilan respublikaning tashqi savdo aylanmasi 36 299,3 mln. AQSh dollarini tashkil etib, 2019- yilga nisbatan 5 451,7 mln. AQSh dollariga yoki 13,1% ga kamaydi.

Yuqoridagi ma’lumotlardan ko‘rinib turibdiki eksport hajmi sezilarli darajada kamaygan. Bunga asosiy sabablardan biri pandimeya sharoiti deb aytishimiz mumkin. Bizning eksport qilish bo‘yicha duch keladigan muammoimiz tovar assartimentining kamligi. Ya’ni biz o‘zimiz ishlab chiqarayotgan mahsulotlarimizni eksport qilamiz. Mening nazarimda bizning asosiy muammoimiz shu yerda. Biz asosiy e’tiborimizni chet eldagi yirik davlatlarga qanday mahsulotlar kerak? Bizning mamlakatda bu mahsulotlardan qaysilarini tavsiya eta olamiz? va shunga o‘xshash savollarga javob topsakgina eksport hajmiga salmoqli hissa qo‘shgan bo‘lamiz. Misol tariqasida ko‘radigan bo‘lsak Hindiston tibbiyot va IT sohasida yetakchi o‘rinlarda turadi va shu sohalarning kuchli vakillarini yetishtirib chiqaradi. Bu esa Hindistonning eksport bo‘yicha shu sohalarda yetakchilikni qo‘lga kiritishiga asosiy sabab hisoblanadi.

O‘zbekiston Respublikasi bilan Tashqi savdo aylanmasi (TSA) bo‘yicha 7ta davlat Xitoy Xalq Respublikasi (17,7%), Rossiya Federatsiyasi (15,5%), Qozog‘iston (8,3%), KoreyaRespublikasi (5,9%), Turkiya (5,8%), Qirg‘iz Respublikasi (2,5%) va Germaniya (2,3%) samarali hissani qayd etgan.

Ko‘rinib turibdiki O‘zbekiston Respublikasi rivojlangan davlatlarga qilinayotgan eksport hajmi umumiy eksport hajmining kam ulushini tashkil etadi. Bunday holatni bartaraf etish uchun biz rivojlangan davlatlarga ma’lum bir segment bo‘yicha o‘z tovarimizni taklif etishimiz zarur. Buning uchun avvalo shunday sohani topa bilish va shu sohada yetuk kadirlarni yetishtirib chiqarishimiz kerak. Biz chet el tajribasidan foydalangan holatda eksport hajmini o‘stirishimiz mumkin ammo bu yuqori darajadagi natijani bermaydi. Buning o‘rniga biz boj to‘lovlarini kamaytirishimiz, tadbirkorlarga hozirgidanda ko‘proq imkoniyat yaratishimiz, ochiq bozorni tashkil etishimiz shart. Bu holat bizga ma’lum bir muddat import hajmini sezilarli darajada oshishiga sabab bo‘ladi, lekin hozirgi hotirjam muhitni buzadi. Buning natijasida O‘zbekiston bozori to‘yinadi va ishlab chiqaruvchilar o‘z mahsulotlarini jahon standartlariga mos holatda ishlab chiqarishni kuchaytirishadi va bu eksport hajmini oshishiga sabab bo‘ladi.

Tashqi iqtisodiy faoliyat bo‘yicha 20 ta yirik hamkor-davlatlar orasidan beshta davlatda faol tashqi savdo balansi kuzatilgan, xususan, Afg‘oniston (772,3 mln. AQSh dollari), Qirg‘iz Respublikasi (610,1 mln. AQSh dollari), Tojikiston (307,2 mln. AQSh dollari), va Eron (33,2 mln. AQSh dollari) shular jumlasidandir.

Joriy yilning yanvar-noyabr oylarida mamlakatning eksportyorlari soni 6 109 tani tashkil etib, ular tomonidan 9 323,3 mln. AQSh dollari (qimmatbaho metallar eksportidan tashqari) qiymatidagi (2019-yilning mos davriga nisbatan 25,7% ga kamaydi) tovar va xizmatlar eksport qilinishi ta‘minlandi.

O‘zbekiston Respublikasining 2019-yil va 2020-yildagi eksport hajmini taqqoslash grafigi

O‘zbekiston Respublikasi eksporti dekabr oyida 930,4 mln. AQSh dollari qiymatida qayd etilib, o‘tgan yilning shu oyiga nisbatan 673,5 mln. AQSh dollariga kamaydi.

Hududlar kesimida respublika eksporti tarkibida eng yuqori ulushni Toshkent shahri 19,5% ulush bilan 2 954,7 mln. AQSh dollarini tashkil etdi. Respublika eksporti tarkibida eng quyi ulushni Jizzax viloyati 0,8% ulush bilan 124,1 mln. AQSh dollarini tashkil etdi.

Agar tashqi savdo aylanmasi infografikasi ko‘rsatkichlarini oylar bo‘yicha taqqoslasak, 2019 yilda JSTning iyun va iyul oylarida kichik sakrashlar bilan

Respublika tashqi savdo aylanmasi tarkibida Toshkentda muhim ulush qayd etilgan, bu 34,2% yoki 12,42 mlrd dollarni tashkil etadi, bu tarkibda eng kichik ulush 1,2% yoki 421,7 mln dollar darajasida Surxondaryoda qayd etilgan.

2020 yil yanvar-dekabr oylarida eksport qiluvchi sub’ektlarning umumiy soni 6 109 donani tashkil etdi, bu eksport hajmining maxsus eksportni hisobga olmaganda 9,32 milliard dollarga o‘sishini ta’minladi (pasayish, 2019 yilning shu davriga nisbatan 25,7 foizni tashkil etdi).

Eksport tarkibida 86,8% tovarlar bo‘lib, ular asosan sanoat mahsulotlari (19,2%), oziq-ovqat mahsulotlari va tirik hayvonlar (8,8%), kimyoviy moddalar va shu kabi mahsulotlarga (5,4%) to‘g‘ri keladi.

2020 yil dekabrida eksport 930,4 million dollarni tashkil etdi, 2019 yilning shu oyiga nisbatan 673,5 million dollarga kamaydi.

Eksport hajmining dinamikasi shuni ko‘rsatadiki, 2020 yilning III choragida uning hajmi 6,18 milliard dollarni tashkil etgan bo‘lsa, IV chorakda bu ko‘rsatkich 3,53 milliard dollarga kamayib, 2,65 milliard dollarni tashkil etdi.2020 yil III choragiga nisbatan pasayish 2,3 marta qayd etildi.

So‘nggi yillarda tadbirkorlik subyektlarining eksport faoliyatini davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlash va rag‘batlantirishga doimiy e’tibor qaratilmoqda.

O‘zbekiston Respublikasi Investitsiyalar va tashqi savdo vazirligi huzurida Eksportni rag‘batlantirish agentligi tashkil etilib, eksport hajmini oshirish uchun eksport qiluvchi korxonalarga moliyaviy ko‘mak berish mexanizmlari yaratildi.

“Eksport faoliyatini moliyaviy qo‘llab-quvvatlashni yanada kuchaytirish to‘g‘risida” Prezident qarori qabul qilindi.

Qarorga ko‘ra, eksport bilan bog‘liq savdo va eksportoldi operatsiyalarini moliyalashtirish uchun “Tiklanish va taraqqiyot” jamg‘armasidan “ Eksportni qo‘llab-quvvatlash ” jamg‘armasiga 100 mln dollar ajratiladi.

Bu mablag‘lar 5 yilga 1 foiz stavkada berilishi nazarda tutilgan.

Shuningdek, “Eksportni qo‘llab-quvvatlash” jamg‘armasi hisobidan ajratiladigan mablag‘lar o‘z vaqtida va to‘liq qaytarilishi lozimligi belgilandi.

2021 yil yakuniga qadar xalqaro moliya institutlari, xorijiy hukumat moliya tashkilotlari, xorijiy banklar va moliya kompaniyalaridan “Eksportni qo‘llab-quvvatlash” jamg‘armasi va mahalliy tijorat banklariga eksportoldi moliyalashtirish uchun 200 mln. dollar miqdoridagi mablag‘lar jalb etiladi.

Faraz qilaylik chet elik iste`molchilarni 70 ming so‘mlik futbolkaga talabi yuqori, biz ishlab chiqarayotgan futbolkaning tannarxi 65 ming so‘m. Bizning ichki bozorda ham bu futbolkani 70 ming so‘mdan sotsa bo‘ladi faqat kam miqdorda. Tadbirkorlar eksportdan foyda qolmasligini hisob- kitob qilib ham eksport qilishmaydi. Agar import bo‘layotgan yarim tayyor tovar arzon kirib kelsa bu futbolkaning tannarxi 50 ming so‘mga to‘g‘ri keldi deylik.Bu holatda tadbirkor 10 ming dona O‘zbekistonda sotib har biridan 20 mingdan foyda ko‘rgandan 20 ming dona ishlab chiqarib uni eksport qilish natijasida har biridan 15 ming foyda ko‘rishni afzal biladi.Bu esa o‘zimizni bozorni talabini qondiribgina qolmay qo‘shimcha sifatida 10 ming dona ko‘proq ishlab chiqarish va uni eksport qilish va buning natijasida 15000*10000=150000000 qo‘shimcha foyda kelishini,10 ming dona mahsulot ishlab chiqaradigan ishchilarni ish bilan ta’minlanishiga olib keladi.

Bir so‘z bilan aytganda biz yurtimizda eksport salohiyatini oshirish faqatgina eksportga emas balki ma’lum bir darajada import salohiyatiga ham bog‘liqdir. Importni rag‘batlantirish sifatida biz boj soliqlarini import bo‘ladigan tovarlar va xom-ashyolar uchun ham kamaytirishimiz zarur. Chunki eksport bo‘layotgan tovarlarning hammasi ham o‘zimiz yetishtirgan maxsulotlardan tayyorlanmaydi, balki ularning ko‘p qismini chetdan kirib kelayotgan yarim tayyor mahsulotlar tashkil qiladi. Tovarlar arzon kirib kelsa mahsulot tannarxi arzonlashadi bu esa exsport bo‘layotgan tovarni arzonroq ammo ko‘proq miqdorda exsport qilish imkoniyatini yaratadi. Import bo‘layotgan mahsulotlarning ko‘payishi narxni tushishiga olib keladi bu o‘z-o‘zidan inflatsiya darajasining tushishiga olib keladi.

TDIU Moliya va bugalteriya hisobi fakulteti
Farhodova Munisa Xusniddin qizi.

O‘ZBEKISTONDA TARAQQIYOT STRATEGIYASINI RIVOJLANTIRISHNING USTUVOR YO‘NALISHLARI

Yangi O‘zbekiston orzusi, bugungi kunlarimizga nisbatan aytganda, hozirga davrning taqozosi, uning asl qiyofasini, harakatlantiruvchi kuchlari va omillarini belgilaydigan g‘oyaviy-ma’naviy asos, xalqimizga xos yaratuvchanlik shijoati va keng ko‘lamli islohotlarimizning yaqqol ifodasidir.

Xalqimiz va davlatimiz o‘tgan besh yilda katta tajriba orttirdi. Xalqimizning ana shunday ishonchi va orzu-niyatlari, ezgu umidlarini ro‘yobga chiqarish maqsadida:

fuqarolar va millatlar o‘rtasida do‘stlik va hamjihatlik muhitini mustahkamlash;

O‘zbekistonda yashayotgan, millati, tili va dinidan qat'i nazar, har bir vatandoshimizning huquq va erkinliklari, qonuniy manfaatlarini himoya etish, kafolatli daromad manbai, tibbiy xizmatlar va uy-joy, sifatli ta'lim bilan ta'minlash;

mamlakatimizning xalqaro maydondagi obro‘-e'tibori va nufuzini oshirishga qaratilgan Yangi O‘zbekiston strategiyasini ishlab chiqildi.

Mamlakatimizni 2017-2021-yillarda rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasi doirasida o‘tgan davr mobaynida davlat va jamiyat hayotining barcha sohalarini tubdan isloh etishga qaratilgan 300 ga yaqin qonun, 4 mingdan ziyod O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti qarorlari qabul qilindi.

Inson huquqlarini ta’minlash, davlat organlarining hisobdorligi va ochiqligini kuchaytirish hamda fuqarolik jamiyati institutlari, ommaviy axborot vositalarining roli, aholi va jamoat birlashmalarining siyosiy faolligini oshirish bo‘yicha tizimli ishlar amalga oshirildi.

2022-2026- yillarga mo‘ljallangan Taraqqiyot strategiyasi tasdiqlandi. Unga ko‘ra 2026-yilgacha ehtiyojmand aholi ijtimoiy nafaqa va moddiy yordam bilan to‘liq qamrab olinadi.

2022-yil 1-apreldan Qoraqalpog‘iston Respublikasi va Xorazm viloyatida 1-4-sinf o‘quvchilari bepul ovqat ya’ni nonushta yoki tushlik bilan ta’minlanadi.

2023-yil 1-yanvardan pensiyani hisob-kitob qilishda ish haqining maksimal miqdori pensiyani hisoblash bazaviy miqdorining 10 barobaridan 12 barobarigacha oshiriladi.

Yangi O‘zbekistonning 2022-2026-yillarga mo‘ljallangan taraqqiyot strategiyasi va uni 2022-yilda amalga oshirish bo‘yicha “yo‘l xaritasi”ni tasdiqlashni nazarda tutuvchi O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Farmoni loyihasi tayyorlandi. Loyihada mutlaqo yangi yondashuv qo‘llanilib, rejalashtirilgan islohotlar natijadorligini taraqqiyotning maqsadlariga erishganlik darajasi asosida baholash tizimi joriy etilmoqda. Jumladan, Taraqqiyot strategiyasi va uni 2022-yilda amalga oshirish bo‘yicha “yil xaritasi” da mamlakatimizni rivojlantirishning 7 ta ustuvor yo‘nalishi doirasida qariyb 100 ta maqsadlarga erishish nazarda tutilmoqda.

Taraqqiyot strategiyasi yetti yo‘nalishdan iborat.

Birinchi yo‘nalish erkin fuqarolik jamiyatini rivojlantirish orqali xalqparvar davlat barpo etishga qaratilgan. Buning uchun kelgusida davlat funksiyalarining katta qismi markazdan hududlarga o‘tkaziladi. Har bir mahallada hokim yordamchisi lavozimi joriy etiladi. Tuman byudjeti qo‘shimcha manbalar bilan ta’minlanib, mahallaning alohida jamg‘armasi shakllantiriladi. Markaziy idoralar transformatsiya qilinib, ixcham va samarali boshqaruv tizimi yaratiladi, bir xil yo‘nalishdagi vazifalarni amalga oshirayotgan idoralar optimallashtiriladi.

Ikkinchi yo‘nalish adolat va qonun ustuvorligini mustahkamlash, inson qadr-qimmatini ta’minlash vazifalarini qamrab olgan. Shu maqsadda sudlov tizimi va advokatura instituti, huquq-tartibot organlari faoliyati takomillashtiriladi. Tadbirkor va mulkdorlar huquqlarining himoyasi kuchaytiriladi. Korrupsiyaga barham berishga davlat va jamiyatning barcha kuch va vositalari safarbar etiladi. Bunda aybdorlarni huquqiy javobgarlikka tortish bilan cheklanib qolmasdan, korrupsiyaning sabablarini oldindan bartaraf etish choralari ko‘riladi.

Uchinchi yo‘nalish milliy iqtisodiyotni rivojlantirish borasidagi rejalar bayon etildi. 2030-yilga borib, jon boshiga hisoblaganda, aholi daromadlari o‘rtacha ko‘rsatkichdan yuqori bo‘lgan davlatlar qatoriga chiqish maqsad qilingani aytildi. Bunga, avvalo, xususiy sektorni rag‘batlantirish va uning ulushini oshirish hamda to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jalb etish hisobidan erishiladi. Makroiqtisodiy barqarorlikni ta’minlab, inflyatsiya darajasini belgilangan 5 foizgacha pasaytirish choralari ko‘riladi.

Aholini uy-joy va toza ichimlik suvi bilan ta’minlash, zamonaviy yo‘l va kommunikatsiya tarmoqlarini barpo etish, jamoat transporti hamda hududlararo qatnovlarni yaxshilash bo‘yicha ham yirik loyihalar amalga oshiriladi.

To‘rtinchi yo‘nalish, sifatli ta’lim-tarbiya masalasi doimiy e’tibor markazida bo‘lishi ta’kidlandi. Shu maqsadda o‘qituvchilarning oylik maoshini izchil oshirib borish va 2025 yilga borib, 1 ming dollar miqdoriga yetkazish ko‘zda tutilgan. Yangi maktablar qurish, mavjudlarining moddiy-texnik bazasini mustahkamlash, sohaning barcha bosqichlari o‘rtasida uzviylikni ta’minlashga qaratilgan Milliy ta’lim dasturi ishlab chiqiladi.

Aholi salomatligini saqlash uchun barcha sharoit yaratiladi. Kelgusi besh yilda oliy toifali shifokorlar maoshini ham 1 ming dollar ekvivalentiga yetkazish mo‘ljallanmoqda. Viloyat, tuman va shaharlarda ixtisoslashgan tibbiy xizmatlar ko‘lami kengaytiriladi. Davlat tibbiy sug‘urta tizimi ishga tushirilib, mablag‘ aniq bemorga bog‘langan holda ajratiladi. Jismoniy tarbiya va sportni rivojlantirish, sog‘lom turmush tarzini qaror toptirish muhim vazifa bo‘lib qoladi.

Beshinchi yo‘nalish asosan ma’naviy va ma’rifiy sohalar rivojlantiriladi. Shu maqsadda “Yangi O‘zbekiston – ma’rifatli jamiyat” konsepsiyasi amalga oshiriladi. Madaniyat va san’atni yuksaltirish, yoshlarni sog‘lom e’tiqod ruhida tarbiyalash, millatlararo hamjihatlik va o‘zaro hurmatni mustahkamlashga ustuvor ahamiyat qaratiladi.

Oltinchi yo‘nalish, global muammolarning milliy va mintaqaviy darajadagi yechimlarini topish, bu boradagi barcha sa’y-harakatlarni uyg‘unlashtirish zarurligi ta’kidlandi. Xususan, ekologik tahdidlarning salbiy ta’siri ortib borayotgani qayd etildi. Orolbo‘yini ekologik innovatsiyalar va texnologiyalar hududi sifatida rivojlantirish, Butunjahon ekologiya xartiyasini ishlab chiqish masalalariga to‘xtalib o‘tildi.

Yettinchi yo‘nalish, mamlakatdagi tinchlik va xavfsizlikni ta’minlash, xalqaro hamkorlikni rivojlantirish borasidagi vazifalar o‘z ifodasini topgan. Qurolli Kuchlarimizning qudrati yanada oshirilishi, harbiylarning jangovar shayligi, jismoniy va ma’naviy tayyorgarligi kuchaytirilishi aytildi.

Xalqaro hamkorlikda pragmatik va chuqur o‘ylangan tashqi siyosat, iqtisodiy diplomatiya davom ettiriladi. Avvalo, qo‘shni mamlakatlar va dunyoning barcha mintaqalaridagi sheriklar bilan o‘zaro manfaatli va ko‘pqirrali aloqalar kengaytiriladi.

Taraqqiyot strategiyasi loyihasi:

inson qadrini yuksaltirish va erkin fuqarolik jamiyatini yanada rivojlantirish orqali xalqparvar davlat barpo etish;

mamlakatimizda adolat va qonun ustuvorligi tamoyillarini taraqqiyotning eng asosiy va zarur shartiga aylantirish;

milliy iqtisodiyotni rivojlantirish, uning o‘sish sur’atlarini zamon talablari darajasida ta’minlash;

adolatli ijtimoiy siyosat yuritish, inson kapitalini rivojlantirish;

ma’naviy taraqqiyotni ta’minlash, ushbu sohani tubdan isloh etish va yangi bosqichga olib chiqish;

umumbashariy muommolarga milliy manfaatlardan kelib chiqqan holda yechim topish;

mamlakatimiz xavfsizligi va mudofaa salohiyatini kuchaytirish, ochiq va pragmatik, faol tashqi siyosat olib borishga qaratilgan 7 ta ustuvor yo‘nalishdagi masalalarni qamrab oladi.

Kelgusi besh yilda aholi jon boshiga yalpi ichki mahsulot hajmi 1,6 barobar oshishi, 2030 yilga borib aholi jon boshiga to‘g‘ri keladigan daromad esa 4 ming dollarga yetishi kutilmoqda, buning natijasida O‘zbekiston qator "o‘rtacha daromad darajasi yuqori bo‘lgan davlatlar"qatoriga kirishi mumkin.

2023-2025 yillarda o‘rtacha yillik YaIM o‘sish sur’ati 6,5% ni tashkil etadi va iqtisodiyotni kreditlashning yillik o‘sish sur’ati 16-18% darajasida rejalashtirilgan.

Makroiqtisodiy barqarorlikni ta’minlash sohasida yillik inflyasiya darajasini 2022 yildagi 9 foizdan 2023 yilgacha 5 foizga bosqichma-bosqich pasaytirish, shuningdek, 2023 yildan boshlab yalpi ichki mahsulotga nisbatan 3 foizdan oshmasligi kerak bo‘lgan davlat byudjeti taqchilligini kamaytirish ko‘zda tutilmoqda. Dasturiy byudjetlashtirish tizimiga o‘tish ham rejalashtirilgan. Fuqarolik byudjeti qabul qilinib, aholi takliflaridan kelib chiqib, har bir tuman byudjetining 5 foizi dolzarb masalalarni hal etishga yo‘naltiriladi. Ichki yo‘llarni ta’mirlash uchun ajratilgan mablag‘ning 50 foizi jamoatchilik fikridan kelib chiqib taqsimlanadi.

Yillik tashqi qarzlar miqdori 4,5 milliard dollardan oshmaydi, davlat qarzlari esa yalpi ichki mahsulotning 60 foizidan past bo‘ladi.

Xulosa o‘rnida aytish joizki, Prezidentimizning yangi dasturi, eng avvalo, olib borilgan va rejalashtirilgan islohotlarning izchilligi va ketma-ketligini namoyon etmoqda. Ya’ni boshlangan islohotlar davom etadi va chuqurlashtiriladi, bu shubhasiz va zarur. Chunki ilgari belgilangan islohot maqsadlariga bir besh yillik prezidentlik muddatida erishish imkonsizdir. Aynan shu yo‘nalishlardagi islohotlarni davom ettirish esa belgilangan maqsadlarga erishishni kafolatlaydi.

TDIU. PhD. mustaqil izlanuvchi.
Xalikova Malika Mamurdjanovna

YOG‘ ISHLAB CHIQARISH KORXONALARIDA MARKETING TADQIQOTLARI O‘TKAZISHNI TAKOMILLASHTIRISH

Annotatsiya. *Ushbu maqolada yog‘ ishlab chiqarish korxonalarida marketing tatqiqotlarini nazariy-uslubiy asoslari tadqiq etilib, muallif tomonidan bozorning mintaqaviy tahlili, segmentatsiyasiga izoh berilgan. Muallif tomonidan yog‘ ishlab chiqarish korxonalarida marketing tatqiqotlarini shakllantirishning marketing strategiyasini ishlab chiqish bo‘yicha ilmiy taklif va tavsiyalar taqdim etigan.*

Kalit so‘zlar: *Yo‘l xaritasi, mintaqaviy tahlili, segmentatsiyasi, yog‘ ishlab chiqarish, marketing,*

Yog‘-moy sanoatida amaldagi ishlab chiqarishlarni texnik va texnologik jihatdan yangilash va yangilarini tashkil etish bo‘yicha investitsiya loyihalarini amalga oshirish yuzasidan “Yo‘l xaritasi” tasdiqlandi.

Prezident qaroriga binoan Vazirlar Mahkamasiga bir oy muddatda yog‘-moy sanoatida amaldagi ishlab chiqarishlarni texnik va texnologik jihatdan yangilash va yangilarini tashkil etish bo‘yicha investitsiya loyihalarini amalga oshirish yuzasidan “Yo‘l xaritasi"ni tasdiqlash vazifasi yuklatildi.

“Yo‘l xaritasi” quyidagi vazifalarni o‘z ichiga oladi:

- amaldagi ishlab chiqarishlarni texnik va texnologik jihatdan yangilash va yangilarini tashkil etish bo‘yicha 150 million $ miqdoridagi 37 ta investitsiya loyihalarini 2019−2022 yillarda amalga oshirish;

- tayyor o‘simlik yog‘i importini bosqichma-bosqich qisqartirish bilan bir vaqtda mavjud ishlab chiqarish quvvatlaridan foydalanishni 90%gacha yetkazish va yuqori qo‘shilgan qiymatli yog‘-moy mahsulotlarini ishlab chiqarish maqsadida yog‘-moy xom ashyolari olib kirish hajmlarini ko‘paytirish;

- 2022 yilga qadar respublikada muqobil moyli o‘simliklar yetishtirish hajmlarini ko‘paytirish hisobiga yog‘-moy xom ashyolari jamg‘arish miqdorini 100 ming tonnagacha yetkazish;

- 2022 yilga qadar o‘simlik yog‘i ishlab chiqarish hajmlarini 400 ming tonnagacha yetkazish;

- loyiha qiymati 100 million $ bo‘lgan istiqbolli investitsiya loyihalarini hamkorlikda amalga oshirish uchun xorijiy investorlarni jalb qilish.

O‘simlik moylari palma, kungaboqar, xantal va boshqa ko‘plab manbalardan olinadi va asosan pazandalik maqsadlarida ishlatiladi. O‘simlik moylari xamirga maydalangan tuzilishni berish, teksturani yaxshilash va pazandachilikda ingredientlarning bir-biriga yopishishini kamaytirish uchun qisqartiruvchi vosita sifatida ishlatiladi. O‘simlik moylari, shuningdek, pishirilgan mahsulotga o‘ziga xos lazzat beradigan zaytun va kunjut yog'i kabi lazzat kuchaytiruvchi sifatida ishlatiladi. O‘simlik yog'i boshqa ingredientlarning ta'mini olib yuradigan lazzat asosi sifatida ishlaydi. Pazandachilikda o‘simlik yog'ining bunday afzalliklari iste'molchilarning o‘simlik yog'ini iste'mol qilish istagiga bevosita ta'sir ko‘rsatib, global bozor o‘sishiga turtki bo‘ladi. O‘simlik yog‘i narxlari o‘sish dinamikasi.

Mahsulot turiga koʻra, jahon oʻsimlik moyi bozori palma yog'i, soya yog'i, kolza yog'i, kungaboqar yog'i, yerfistığı yog'i, zaytun moyi va boshqalarga boʻlingan. Palma yog'i segmenti bir qator sog'liq uchun foydalari va arzon narxi tufayli prognoz davrida jahon oʻsimlik moyi bozorida ustunlik qilishi kutilmoqda. Palma yog'ini iste'mol qilish koʻrish qobiliyatini yaxshilashga yordam beradi, antioksidantlarga boy yurak-qon tomir kasalliklarining oldini olishga yordam beradi va boshqalar qatorida soch oʻsishini yaxshilaydi.

Palma yog'i toʻyingan yog'larga boy va kaft mevasining mezokarpidan (qizil pulpa) olingan trans yog'lardan xoli. Palma yog'i Afrika, Janubi-Sharqiy Osiyo va Braziliyaning ba'zi tropik mintaqalarida keng tarqalgan pishirish moddasi sifatida keng qoʻllaniladi. Biroq, kolza yog'i global oʻsimlik moyi bozorida eng tez oʻsishni ta'minlashi kutilmoqda. Yomon xolesterinni kamaytirishga yordam beradigan, shuningdek, miya rivojlanishi uchun muhim boʻlgan muhim omega-3 va omega-6 mavjudligi sababli, kolza yog'iga butun dunyo boʻylab sog'liq uchun ongli odamlar orasida talab ortib bormoqda.

Jahon oʻsimlik moyi bozori qadoqlash turiga koʻra qutilarga, shishalarga, qoplarga va boshqalarga boʻlingan. Baholash davrida butilkalar segmenti jahon oʻsimlik moyi bozorida ustunlik qilishi kutilmoqda, chunki butilkalar bir necha oʻlchamlarda mavjud, tashish oson, saqlash oson va tejamkor. Torbalar segmenti eng yuqori CAGRni qayd etishi prognoz qilinmoqda, chunki sumkalar saqlash va ishlatish uchun qulaylikni ta'minlaydi va ularni toʻldirish paketlari sifatida ishlatish mumkin.

Oʻsimlik moyining jahon bozori, shuningdek, tarqatish kanali boʻyicha doʻkonga asoslangan va doʻkondan tashqariga boʻlingan. Doʻkonga asoslangan segment yanada gipermarket va supermarketlarga, maishiy doʻkonlarga, ixtisoslashtirilgan doʻkonlarga va boshqalarga ajratilgan. Doʻkonga asoslangan segment yuqori daromad keltirishi kutilmoqda, gipermarketlar va supermarketlar kichik segmenti kuchli sotuvchi tarmoqlari tufayli eng katta hisoblanadi. Doʻkondan tashqari segment elektron tijorat sanoatidagi texnologik yutuqlar va iste'molchilarning onlayn chakana savdoga boʻlgan afzalliklari tufayli baholash davrida yuqori CAGRni roʻyxatdan oʻtkazishi kutilmoqda.



Mintaqaviy tahlil:

Jahon o‘simlik moyi bozori Shimoliy Amerika, Evropa, Osiyo-Tinch okeani va dunyoning qolgan qismiga bo‘lingan.

Osiyo-Tinch okeani mintaqasi ustunlik qilishi va prognoz davrida tez o‘sishda davom etishi kutilmoqda. Mintaqadagi qishloq xo‘jaligi amaliyotlari va ovqatlanish odatlarini o‘zgartirish bilan shug'ullanadigan ko‘p qishloq aholisi prognoz davrida mintaqadagi o‘simlik moyi bozorini faollashtirishi kutilmoqda.

Global o‘simlik moyi bozorining asosiy ishtirokchilaridan ba'zilari: The Manischewitz Company (AQSh), Conagra Brands, Inc. (AQSh), Waitrose & Partners (Buyuk Britaniya), The JM Smucker Co. (AQSh), IFFCO (BAA), Unico (Kanada), Woolworths Group Limited (Avstraliya), Edible Oils Ltd. (Buyuk Britaniya), Marico Limited (Hindiston) va Adani Wilmar Limited (Hindiston).

O’zbekistonning iste’mol bozorining xususiyatlariga qarab, yog‘ ishlab chiqarish korxonalarida marketing tatqiqotlari yuqori bo’lmaganligi sababli yangi brendni yaratish va uni bozorda qo’llash katta vaqt va moliyaviy resursni talab qilmasligi, ichki bozorda iste’mol tovarlari assortimenti yangilanib borish dinamikasining tez o’zgaruvchanligi iste’molchilarni u yoki bu mahsulotga moyilligini shakllanishiga yo’l qo’ymayotganligi, iste’molchilar xorijiy brendlarga nisbatan ishonchining pasayib borayotganligi, ichki bozorda hali ishlab chiqaruvchilarning savdo markasiga iste’molchilar tomonidan to’la ravishda ishonch bildirish yo’qligi, bozorda mahalliy ishlab chiqaruvchilar brendni yaratish keng reklama kompaniyasini o’tkazishga ehtiyoj o’sib borayotganligi va iste’molchilarda reklamaga bo’lgan ishonchning yuqoriligi kabi holatlar aniqlandi.

Marketing tatqiqoqtlari shakllantirish va rivojlantirish printsiplarini tizimlashtirish natijalari bozor uchun tatqiqot printsiplari to’rt pozitsiyasiga qarab (yaratish, pozitsiyalash narxni shakllantirish, rivojlanish va boshqarish) printsiplari bilan bog’liq ekanligini tushunishga asos bo’ldi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Мировой рынок продовольствия в эпоху «генной» революции, 2020, изд. «Экономика»;
“Food and Agriculture Organization” халқаро ташкилотининг расимий статистикаси.
2. Assel G. Marketing: Printsipы i strategiya: -M.: Infra-M.,1999.
3. Churchill G.A, Brown T.V. Basic marketing research, -Thomson, United States, 2010;
4. Kotler Ph. Marketing essentials. –Prentice Hall, United States, 2019.
5. Kotler Ph., Setiawan I., Kartajaya H. Marketing 3.0: From Products to Customers to the Human Spirit. – wiley, 2012.
6. Malhotra N.K. Marketing research an appled orientation. – Prentince Hall, US, 2016.
7. Kennedy Dr No B.S. Guide to Brand – Building by Direct Response – Enterpreneur, 2014.
8. Praet V.D. Unconscious Branding.– Prentince Hall, USA, 2012.
9. Salenbacher J. Creative personal branding. –BIS Publishers, 2013,
10. Traindl A. Store branding excellence. – ratail /branding. -2011.

Муттозбегим Холматова
“Бизнес бошқаруви ва логистика кафедраси”,
Таянч докторанти.

“ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКДА АЁЛЛАРНИНГ ЎРНИ”

Аннотация: *Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши кенг кўламларда амалга оширилмоқда. Бунда аёлларнинг ҳам меҳнатини ҳисобга олиш зарур. Бугунги кунда аёлларнинг ушбу сектордаги улуши тобора шаклланиб бормоқда.*

Аннотация: *В Узбекистане в широкомасштаб развивается малый бизнес и частное предпринимательство. В то же время, надо уделить особое внимание на женский труд. На сегодняшний день в этом секторе более увеличивается доля женщин.*

Кириш. Бугунги кунда Президентимиз Ш.Мирзиёев раҳбарлигида аёллар учун доимий иш жойларини яратиш ва шу билан бир қаторда, оилавий бизнес, касаначилик, ҳунармандчилик, томорқа хўжалигини кенг ривожлантириш ишлари бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни кўриш вазифалари белгиланди ва амалга оширишга киришилди. Ўзбекистонда «Бизнес аёллар” дастури қабул қилинди Тадбиркор аёллар улушини ҳозирги 25 фоиздан 40 фоизга етказиш бўйича 2022-2024 йиллар учун “Бизнес аёллар” дастури қабул қилинади. Бу ҳақда Шавкат Мирзиёев 1 март куни бўлиб ўтган йиғилишда маълум қилди. Қайд этилишича, бугунги кунда 400 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилоти аёлларни касбга ўқитиш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш, ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича яхши тажриба яратган.

Шу боис, қишлоқ жойларида бундай лойиҳаларни амалга ошириш учун нодавлат ташкилотларга 2 миллиард сўмгача грантлар ажратилади. Ўзи ёки қарамоғида ногиронлиги бор яқини бўлган хотин-қизларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш, уларни касбга ўқитиш борасида, нодавлат нотижорат ташкилотларига берилаётган грантлар миқдори 5 бараварга оширилиб, 200 миллион сўмгача етказилади (амалда 40 миллион сўм).

"Аёллар бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш учун, қўшимча шарт-шароитлар яратамиз", деди президент. Бунинг учун тадбиркор аёллар улушини ҳозирги 25 фоиздан 40 фоизга етказиш бўйича 2022-2024 йиллар учун “Бизнес аёллар” дастури қабул қилинади. Ушбу дастур ижросига жами 8 триллион сўм маблағ йўналтирилади. Мутахассисларнинг фикрига кўра, айнан хотин-қизлар тадбиркорлигининг салоҳияти жаҳон ялпи ички маҳсулотини икки баробарга ошириши мумкин. Boston Consulting Group компанияси экспертлари ҳам айнан шундай хулосага келди. Улар ўтказган тадқиқот маълумотларига кўра, агар аёл тадбиркорлар сони эркак бизнесменлар сонига тенг бўлганида, жаҳон иқтисодиёти ҳажми 2,5 триллион доллардан 5 триллион долларга ошган бўларди.

Кейинги йилларда давлатимиз раҳбарияти томонидан аёллар иқтисодий имкониятларини кенгайтириш ва гендер тенглигини таъминлаш учун қонунчилик негизини мустаҳкамлаш, шунингдек, институционал базани шакллантириш борасида муҳим қадамлар қўйилди.Бугунги кунда аёллар юртимизнинг меҳнатга лаёқатли ва иқтисодий жиҳатдан фаол аҳолисининг катта қисмини ташкил этилишини инобатга олиб, Ўзбекистон Ҳукумати хотин-қизлар тадбиркорлигини мамлакатимиз иқтисодий тараққиёти учун энг муҳим ресурслардан бири сифатида кўриб чиқмоқда.Ижтимоий соҳага йўналтирилган бизнес, яъни болалар ва ёшларни ҳар томонлама ривожлантириш ва уларга таълим бериш соҳасидаги лойиҳаларнинг 90 фоизи айнан хотин-қизлар томонидан амалга оширилаётгани муҳим жиҳат ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Бугунги кунга келиб республикамиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида “Тадбиркорлик”. “Тадбиркор”, “ Бизнес”, “Бизнесмен” каби терминлар кенг қўлланила бошланди. Уларнинг мазмун ва моҳиятини англаш маълум бир маънода кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳақида гасаввурни шакллантиради. Тадбиркорлик уз ичига ижтимоий муносабатларни қамраб олган ижтимоий-и қтисодий ҳодисадир. Унда ҳуқуқий, руҳий, ташкилий, иқтисодий ва тарихий томонлар мавжуд. Мазмуни ва моҳияти бўйича унумли фаолиятни англатади. Фикримизча, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда аёллар меҳнатининг ролини ошириш ва ундан фойдаланишни илмий тарзда ўрганишга оид муаммолар турли давлатларда турлича ечимга эга бўлган. Масалан, ғарбда таниқли иқтисодчи олимларидан

ҳисобланган Э.Гидденс, Г.Силласте, Т.Парсоннинг илмий ишларида аёллар меҳнатининг ролини ошириш бўйича илмий назарий ёндашувлар ишлаб чиқилган. Америкалик социолог олимлар Л.Вард В.Томос, А.Канте ва Г.Спенсер кабилар ҳам ўз илмий қарашларида аёллар меҳнатидан самарали фойдаланиш ва бунинг натижасида иқтисодиётнинг ривожланишига туртки берувчи ғояларини яратганлар. Россиялик олимлар қаторида аёллар меҳнатидан фойдаланиш масалалари бўйича Э.Н. Фетшов, П.Сорокин, М.Ривкин, Т.Заславская, Т.Безденежник, С.Суханов ва Л.Бабаева кабиларнинг илмий ишларини алоҳида қайд этиш мумкин. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда аёллар меҳнатининг роли ва уни ошириш, шунингдек, аёллар меҳнатидан фойдаланиш масалаларига оид фундаментал-назарий ва амалий муаммолар республикамизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг бир қатор асарларида ўрганилган. Шу кунларда Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг амалий саъй-ҳаракатларида аёллар меҳнатидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қолаверса, Р.Убайдуллаева, Д.Рахимова, М.Собирова, С.Қосимова каби олимларнинг илмий мақолалари ва асарларида аёллар меҳнатидан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари ёритилган.

Тадқиқот методологияси. Илмий мақолани ёритишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий соҳалардаги таниқли олимларнинг илмий асарлари, уларнинг мазмун, моҳияти ўрганилиб, мазкур хусусий секторни ривожлантириш ва унда аёллар меҳнатининг аҳамиятини ифодаловчи мавжуд кўрсаткичлар статистик таҳлил қилинди.

Таҳлил ва натижалар. Ҳозирги давр ўзгаришлари ва глобаллашув жараёнларининг кенгайиб боришига кўра, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда аёлларнинг ўрнини белгилаш ва бу борада ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар ҳамон ўз ечимини кутмоқда. Маълумки, Ўзбекистонда хотин-қизларнинг мавқеи ва ролини юксалтириш, ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш, уларнинг ижтимоийсиёсий, иқтисодий фаоллигини ошириш, умуман, ҳаётнинг барча жабҳасини Ўзбекистонда «Бизнес аёллар” дастури қабул қилинди Тадбиркор аёллар улушини ҳозирги 25 фоиздан 40 фоизга етказиш бўйича 2022-2024 йиллар учун “Бизнес аёллар” дастури қабул қилинади. Бу ҳақда Шавкат Мирзиёев 1 март куни бўлиб ўтган йиғилишда маълум қилди. Қайд этилишича, бугунги кунда 400 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилоти аёлларни касбга ўқитиш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш, ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича яхши тажриба яратган.

“Мамлакатимизда аёлларнинг камситилишини бартараф этиш ва уларни мамлакат ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида фаол иштирок этишга жалб қилиш учун барча ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилган. Аёллар ва эркакларнинг тенглиги, аёлларни камситишга йўл қўймаслик масалалари Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган.

1. Воронкова О.В. Саталькина Н.И. Маркетинг услуг.:учебное пособие /О.В.Воронкова, Н.И.Саталькина.-Тамбов:Изд-во ФГБОУ ВПО «ТГТУ», 2011. - 92 с.

2. Поликарпова Я.Н. Основы маркетинга на транспорте. Часть 2. Маркетинг транспортных процессов. Учебное пособие.-М.:Мир науки, 2016. - 102 с.

3. Шевченко М.В. Транспортный маркетинг: учеб. пособие / М.В.Шевченко; ФГБОУ ВО РГУПС. – Ростов н/Д, 2016. -84 с.

4. Шкурин М.И. Маркетинг на транспорте.Уч. пособие. – Гомель: БелГУТ, 2003. – 223 с.

Umarova Go‘zal Gayratovna
“Tarmoqlar iqtisodiyoti” kafedrasi PhD., dotsent
Eshboyev Shahobiddin Anorqul o‘g‘li,
“Iqtisodiyot” yo‘nalishi 2-kurs magistranti

TIJORAT BANKLARI AMALIYOTIDA VUJUDGA KELADIGAN KREDIT RISKLAR VA ULARNING SHAKLLARI

Annotatsiya*:Mazkur tezisda kredit riski tushunchasi, uning kelib chiqish turlari va ularning xususiyatlari, kredit riskini boshqarishning nazariy asoslari yoritilgan. Tezis so‘nggida banklarda kredit riskini boshqarishni takomillashtirish borasida muallif xulosalari keltirilgan.*

Kalit so‘zlar: *risk, kredit riski, diversifikatsiya, Bazel qo‘mitasi, garov.*

Kirish

Tijorat banklari faoliyatida maksimal daromadga erishishni aniq maqsad qilib bajarilayotgan riskli operatsiyalar natijasida albatta daromadga erishilishiga olib keladi va bu bank boshqaruvining qabul qiladigan qarorlariga ayniqsa bog‘liqdir. Tijorat banklarining riskli operatsiyalari bir tomondan iqtisodiyotning barcha sektorlarida bank-moliya xizmatlarini ko‘rsatadi, jamiyatning iqtisodiy talablarini qondirib, butun jamiyat kapitalini oshishiga xizmat qilsa, ikkinchi tomondan, mablag‘larini samarali ob’ektlariga joylashtirilishi banklarning iqtisodiy sub’ekt sifatidagi daromadini oshiradi.

Shu bilan birga ayni paytda, respublikamiz moliya-bank tizimi barqarorligini ta’minlash, bank aktivlari sifatini oshirish, bank faoliyatidagi risklarni boshqarishni takomillashtirish bo‘yicha muhim chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda. Shuningdek risklarni baholash tizimini takomillashtirish, xususan, bank risklarini boshqarishni chuqur omilli tahlil qilish mexanizmini joriy etish, zahiralarni shakllantirish, kredit portfelini diversifikatsiyalash, muammoli kreditlarning yuzaga kelishiga yo‘l qo‘ymaslikka qaratilgan choralarni ko‘rish, kutilayotgan yo‘qotishlar modellari asosida ehtimoliy yo‘qotishlarga zahiralarni shakllantirish, kapital etarliligiga talablarni takomillashtirish bo‘yicha Bazel qo‘mitasi

talablarini bank nazorati tizimiga joriy etish, tijorat banklari korporativ boshqaruv tuzulmasiga majburiy tarzda bevosita bank kengashiga bo‘ysinuvchi risklarni nazorat qiluvchi qo‘mitasini kiritish ham ko‘zda tutilgan[1].

Asosiy qism

Aniq va sifatli ma’lumotlarga asoslangan holda muammo va kamchiliklarni tadqiq va tahlil qilish, ular asosida tegishli xulosa va takliflarni berish orqali muammolarni yechimini topish yoki bartaraf etish yo‘llarini aniqlash muhim hisoblanadi. Respublikamiz bank tizimida ham mustaqillik davrida erishilgan yutuqlar bilan birga ba’zi muammolar ham saqlanib qolmoqdaki, bular asosan bankning riskli faoliyati, xususan, yuqori daromad keltiruvchi va yuqori darajada riskka beriluvchan aktivlarining sifatini doimiy tahlil qilib borish, ushbu aktivlar bo‘yicha yo‘qotilishlar oldini olish orqali aksiyadorlar va mijozlar manfaatlarini himoya qilish tijorat banklari uchun dolzarb masalalardan hisoblanadi

Risk tushunchasi ham, uning amalda bo‘lishi ham yangi emas. Uning safdoshi qat’iyatsizlik, voqea yuz berishi yoki yuz bermasligini yuz foiz aniqlik bilan oldindan ayta bilish imkoniyati yo‘qligidir. Ayni vaqtda osonroq yo‘l bilan borish imkoniyatiga ham egamiz. Shunday yo‘lni tanlash uchun har bir tavakkal ishning xajmi va qudratini, xilini aniq bilishimiz zarurdir.

Banklarning aktivlarni joylashtirishi, shu jumladan, kreditlar berish bilan bog‘liq faoliyati eng yuqori daromad keltiruvchi faoliyat bo‘lishi bilan birga, eng yuqori tavakkalchilikka asoslangan faoliyat hamdir. Bozor institutlari endi shakllanib ulgurgan, davlat yakkaxokimligidan qutulib, ko‘p ukladli iqtisodiyotni yangidan shakllantirish sharoitida qarz oluvchilar to‘g‘risida ob’ektiv ma’lumotlarning yo‘qligi banklarning kredit faoliyatidagi tavakkalchilik darajasini keskin oshiradi.

Banklarda kredit tavakkalchiligini kamaytirish eng avvalo, qarz oluvchining moliyaviy holati va istiqboldagi faoliyati tahlilining sifatiga bog‘liq albatta.

Banklar turli xil yuridik va jismoniy shaxslarga o‘z va qarz mablag‘lari hisobidan kredit beradi. Bank resurslari mijozlarning hisob-kitob, joriy, muddatli va boshqa schyotlari, banklararo kredit, qarz qimmatli qog‘ozlarini chiqarish hisobidan shakllanadi.

Kredit risklarini boshqarish bank tizimida muhim hisoblanadi. Kreditlarni samarali boshqarishning asosiy elementlari-yaxshi rivojlangan kredit siyosati va tartibi, portfelni yaxshi boshqarish, kreditlarni samarali nazorat qilish hisoblanadi.

Kredit riski – qarz oluvchi tomonidan asosiy qarz summasining va kredit bo‘yicha foizlarning to‘lanmasligi, shuningdek foiz stavkalari riskidir. Kredit riskidan qochish uchun qarz oluvchilarni puxta sinchiklab tanlash, kredit berish shartlarini tahlil qilish, qarz oluvchining moliyaviy holati va kreditni qaytarish qobiliyati doimo nazorat ostida bo‘lishi lozim. Bu shartlarning bajarilishi muhim bank operatsiyasini amalga oshirish–kredit berishi kafolatlanadi[2].

Kredit riski yoki qarzning qaytarmaslik xavfi kreditorning kredit kelishuviga asosan kreditni o‘z vatida qaytarilishiga va kredit shartlarini bajara olishiga ishonchsizligidan kelib chiqadi. Kredit riski bank faoliyatida uchraydigan risklarning eng yirigidir.

Bu holat quyidagilar ta’sirida vujudga kelishi mumkin:

a) tadbirkorlikda, iqtisodiy yoki siyosiy muhitda kutilmagan o‘zgarishlar yuz berishi natijasida qarzdorning pul tushumini kerakli darajada ta’minlay olmasligi;

b) kreditga quyilgan garovning kelajakdagi qiymati va sifatiga bo‘lgan ishonchsizlik (narx o‘zgarishi, qo‘yilgan mulkning xaridorligi)

s) qarz oluvchining tadbirkorlik dunyosida obro‘siz bo‘lib qolishi.

Yuqorida qayd etilgan holatlar banklarning risklarni boshqarish va ularni rejalashtirish uchun doimiy ishlar olib borishiga majbur etadi.

Kredit risklari tarkibiga quyidagi risklarni kiritish mumkin[3]:

1. Kreditni o‘z vaqtida qaytarmaslik bilan bog‘liq risk. Bu risk qarz oluvchining kredit shartnomasining shartlarini bajarmasligi: kreditni va uning foizini qaytarmaslik bilan bog‘liq.

2. Likvidlik riski (to‘lovlarning muddatida o‘tkazmaslik), bu risk kreditni va foizlarni muddatida qaytara olmaslik natijasida bank likvid mablag‘larining kamayishiga olib kelishi bilan bog‘liq.

3. Kreditni ta’minlash bilan bog‘liq risk, bu riskni alohida ko‘rib bo‘lmaydi, balki bu kreditni qaytarmaslik bilan bog‘liq bo‘lgan risk bilan birgalikda o‘rganiladi. Bu risk turi kredit uchun qo‘yilgan garovni sotishdan tushgan mablag‘ ajratilgan kreditni qoplash uchun yetarli emasligi bilan bog‘liqdir, natijada bank o‘z talabini to‘la qondira olmaydi.

4. Qarz oluvchining ishbilarmonligi bilan bog‘liq risklar. Bu risk korxonaning ish faoliyati bilan bog‘liq bo‘lib (sotib olish, ishlab chiqarish va sotish), ammo boshqa risklardan farqli o‘laroq bu riskka korxona rahbariga bog‘liq bo‘lmagan faktorlar ta’sir ko‘rsatadi, masalan tarmoqning rivojlanishi va kon’yukturasi. Bu riskning xajmini investitsion dastur va ishlab chiqaradigan mahsulot turi va sifati

belgilaydi.

5. Kapitalning tarkibiy qismi bilan bog‘liq risklar. Bu risklar passivlarning tarkibiy qismi va ishbilarmonlik riski bilan bog‘liq.

Bank kredit riskining darajasi quyidagi faktorlarga bog‘liq:

- bank kredit faoliyatining ma’lum bir sohada markazlashuvi darajasi;
- o‘ziga xos ma’lum qiyinchiliklarni boshidan kechirayotgan mijozlarga kredit va boshqa bank xizmatlarining qancha to‘g‘ri kelishi;
- kam o‘rganilgan, yangi, noan’anaviy sohalarda bank faoliyatining markazlashuvi;
- kredit berish, qimmatli qog‘ozlar portfelini shakllantirish bo‘yicha bank siyosatiga xususiy va jiddiy o‘zgarishlar kiritish;
- yangi va yaqinda jalb qilingan mijozlarning foizi;
- qisqa vaqt ichida amaliyotga juda ko‘p xizmatlarning kirgizilishi (u vaqtda bankda salbiy talablar ko‘payishi mumkin);
- bozorda sotilishi qiyin bo‘lgan qimmatliklarni yoki qiymati tez tushadigan narsalarni garov sifatida qabul qilib olish va boshqalar.

Kredit risklarini baholashning besh asosiy o‘lchovi mavjud:

a) Reputatsiya. Mazkur jaraen shaxsiy muomala, ham shaxsiy, ham ish bo‘yicha tajribasidan iborat bo‘lishi kerak. (kreditor, mahsulot yetishtirib beruvchilar va mijozlarni tekshirish)

b) Imkoniyatlar. Qarz oluvchining o‘zining barcha operatsiyalari bo‘yicha (o‘zining butun faoliyati davomida qarz oluvchining olgan pullari) yoki aniq loyiha bo‘yicha mablag‘ olish qobiliyati va pul vositalarini boshqarish qobiliyati (bu avvalgi loyihalardan ma’lum bo‘lishi kerak).

v) Kapital. Qarz oluvchining kapital bazasi va kredit so‘ralgan loyiha uchun o‘zining mablag‘larini sarflashga doir qat’iyligi. Qarz oluvchi loyiha xavfi mas’uliyatini kredit beruvchi bank bilan birga o‘z zimmasiga olishi, o‘zining xissadorlik kapitalining qabul qilinishi mumkin bo‘lgan qismini taqdim etib, o‘ziga tegishli bo‘lgan majburiyatlarni o‘z zimmasiga olishi kerak.

g) Shart-sharoitlar. Maxalliy, xududiy va umummilliy iqtisodning joriy axvoli va tavsifi, shuningdek qarz oluvchvi xo‘jaligining sohalari.

d) Garov. Kreditni garov yoki kafillik shaklida ishonchli ta’minlash boshqa tomondan kuchsizliklarni yo‘qa chiqarib qo‘yadi.Yaxshi bir qoida bor: faqat garov va kafillik asosida xech vaqt kredit bermang.

Quyidagi faktorlarni inobatga olish zarur[4]:

Garov sifati - asbob uskuna eskirib qolganmi yoki buzilganmi, xaridorligi, bozorda sotilishi mumkinligi, garov sifatida inflyatsiyadan himoya qilinganmi?

- Majburiyatlar bajarilmaganda garov yangillik bilan qonuniy tarzda undirilishi mumkinmi?
- Garovning bozor narxi va kredit miqdorining o‘zaro mumkin bo‘lgan nisbati va uning tez-tez qayta ko‘rib chiqilishi lozimligi?

Kredit risklarining darajasiga baho berishning muhim usullaridan biri reyting tizimidir. Banklar o‘z kreditlarini tekshirishda va aktivlar monitoringida uni keng qo‘llaydilar. Bu sistemadan foydalanish xavf tug‘ilishi paytida kreditdan olinadigan daromadni aniqlashga yordam beradi.

Banklar odatda kredit sifati bo‘yicha o‘zlarining xususiy reyting sistemalarini ishlab chiqadilar, ayrimlari oddiy sxemalardan foydalanadilar, boshqalari murakkab va bo‘linib ketgan, hamma narsani o‘z ichiga oladigan sxemalarni ishga soladi.

Shunday bo‘lsa ham maqsad doim bir bo‘lishi kerak: kredit berishda ham, uning bahosini belgilashda ham bankning kredit bo‘limi uchun qaror qabul qilish jarayonini yengillashtirish. Odatda bu narsa risk toifalarini raqamlar yoki xarflar bilan atash, ularni klassifikatsiya qilish yo‘li bilan amalga oshiriladi.

Reyting doim qator faktorlarga asoslanishi va xamma vaqt quyidagilarni o‘z ichiga olishini qayd qilish muhimdir[5]:

- kredit maqsadi;
- kredit miqdori va yo‘qotishlar extimolining umumiy miqdori;
- qarz oluvchi ishlaydigan soha;
- qarz oluvchining moliyaviy ahvoli va avval olgan kreditlari.

Xulosa

Bank riskini optimal darajadagi kattaligiga erishish katta miqdordagi daromadni topishga olib keladi. Riskni yo‘l qo‘yilishi mumkin bo‘lgan darajasining oshishi bankning bankrotlik holatiga olib kelishi mumkin.

Risk va daromadlilik xarakteristikasini aks ettiruvchi portfelli yondashuv formulalari keltirildi.

Bunda tijorat banklarining moliyaviy risklarni baholashda qo‘llaniladigan bir qator formulalar keltirib o‘tilgan. “Portfel nazariyasi” ga muvofiq:

- Riskdan qochish (Risk Aversion) konsepsiyasida aksiyador va investorlar imkoniyat paydo bo‘lishi bilanoq, doimo riskdan qochishga intilishadi.

- koordinata tizimida joylashgan samaradorlik darajasining “mustaqil egri chiziqlari” (Indifference Curves) konsepsiyada aks ettiriladi.

- kapitalni taqsimlash” (Kapital Rationing) konsepsiyasi investisiyalarni sun’iy ravishda cheklash (shu jumladan, davlat tomonidan ham) mavjud bo‘lgan shart-sharoitlarda ishlatilishi mumkin.

Tijorat banklari kredit portfelining sifatini belgilovchi mezonlarni keltirib o‘tdik. Tijorat banki aktivlar portfelining sifatini «o‘ta kuchli»dan «qoniqarsiz»gacha baxolash va kredit portfelining sifatiga I-V bo‘lgan reyting ballini berish mumkin. Bank kredit portfeli «4,1» va undan yuqori ballga baxolansa, bankda kredit bo‘yicha riskni yuzaga kelish muammosi borligini ko‘rsatadi. Bu esa vaqtida chora ko‘rilmasa, risk darajasining oshib ketishi bank uchun salbiy oqibatlarga olib kelishi mumkinligi to‘grisida xulosa qilishiga asos bo‘ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. *Чепель С.В. Системный анализ и моделирование перспектив устойчивого развития национальной экономики Узбекистана: /Монография/ - Ташкент: IFMR, 2014. Стр.10.*

2. *Nafasov D.B. Bank risklarini boshqarish metodologiyasini takomillashtirish. “Iqtisodiyot va innovasion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 1, yanvar-fevral, 2017 yil*

3. *https://hozir.org/moliyaviy-risklar-nazariyasi.html?page=11*

4. *https://fayllar.org/bank-risklari.html?page=12*

5. *М. В. Романовский, Н. Г. Иванова. Финансы [Электронный ресурс]: учебник для академического бакалавриата / ред.. . 5-е изд. перераб. и доп. Москва: Юрайт, 2016. – Режим доступа http//www.biblioonline.ru*

Мадаминова Наргиза Ибадуллаевна
МКФ-10 гуруҳи 2-босқич магистранти

ДАВЛАТ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЛЮТА БИРЖАСИДА ЖОЙЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: *Ушбу мақолада Ўзбекистонда Давлат қимматли қоғозларининг таснифи, уларни чиқариш, жойлаштириш ва муомалада бўлишини такомиллаштириш масаласи кўриб чиқилиб, таклиф ва тавсиялар берилган.*

Калит сўзлар: *Давлат қимматли қоғозлари, Марказий банк облигациялари, ғазначилик вексели, бюджет маблағлари, облигация, валюта биржаси.*

Ҳозирги кунда Республикамизда қимматли капитал бозори фаолиятини замон талаби даражасида ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бунда ушбу соҳанинг хуқуқий базасини янада такомиллаштириш, шунингдек, Ўзбекистонда давлат қимматли қоғозларини чиқариш жойлаштириш ва муомалада бўлиши жараёнини янада такомиллаштириш муҳим аҳамиятга касб этади.

Аҳолида қимматли қоғозларга булган ишончни ошириш, улардан унумли инвестиция мақсадида фойдаланиш ва даромадларини фойдали сармоя йўли билан купайтириш асосини ўргатиш ҳозирги замон талаби бўлиб бормоқда. Бундан ташқари, иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш, фонд бозорини ривожлантириш ва соғлом рақобат муҳитини яратиш фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш, жамият ва давлат фаолиятининг барча соҳаларини жадал ва барқарор ривожлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлат қимматли қоғозлари ўзларининг функционал, ташкилий-ҳуқуқий тузилишига эга бўлган бозор иқтисодиётининг талаблари асосида ривожланаётган ҳар қандай давлатнинг молиявий тизимининг ажралмас бўлаги ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида бу тузилма 1990 йиллар бошида давлатнинг барча иқтисодий тизимини чуқур ислоҳ қилиниш жараёнида шакллана бошлади. Давлат қимматли қоғозлари ва ушбу бозорининг ишлаш механизмлари доимий равишда тўхтовсиз ривожланаётган тизим бўлиб, уни ўрганиш ва такомиллаштириш молия бозори тузилмаларида ишловчи тадқиқотчилар ва амалиётчилар томонидан амалга оширилмоқда. Давлат қимматли қоғозларини муомалага чиқариш бюджет дефицитини қоплашнинг иқтисодий жиҳатдан энг самарали усулларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонунда шундай таъриф берилган: давлат қимматли қоғозлари — Ўзбекистон Республикасининг ғазна мажбуриятлари ва Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколат берган орган томонидан чиқарилган облигациялар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг облигациялари.

Давлат қимматли қоғозлари муддатига кўра уч турга булинади:

- қисқа муддатли (1 йилгача);
- ўрта муддатли (1 йилдан 5 йилгача);
- узок муддатли (5 йилдан 30 йилгача).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 декабрдаги 1016-сонли "Ўзбекистон Республикасининг Давлат Ғазначилик мажбуриятлари ва облигацияларини муомалага чиқаришни ташкил этиш чора- тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, Ўзбекистон Республикасининг давлат ғазначилик мажбуриятлари ва облигацияларини (давлат қимматли қоғозлари) муомалага чиқариш тартиб қоидалари белгилаб қўйилган. Ушбу қарор ижросини самарали таъминлаш юзасидан, 2018 йилнинг 26-28 декабр кунлари Марказий банк томонидан Молия вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида сўндириш даври олти ой, бир йил ва уч йилгача бўлган муддатда 1 млн.сўм номинал қийматга эга бўлган, умумий ҳажми 592,1 млрд.сўмлик 600 минг дона давлат қимматли қоғозларини жойлаштириш бўйича аукцион савдолари ўтказилган.

Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозларига қуйидагилар киради:

-Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ҳужжатсиз шаклда муомалага чиқарилган ва тижорат банклари, шунингдек бошқа юридик шаҳслар- Ўзбекистон Республикаси резидентлари ўртасида жойлаштириладиган купонли ва дисконтли ғазначилик мажбуриятлари ва облигациялари;

-ҳужжатсиз шаклда чиқарилган ва тижорат банклари ўртасида жойлаштириладиган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки облигациялари.

Давлат қимматли қоғозларини жойлаштириш оддий ауксион шаклида ўтказилади.

Давлат қимматли қоғозларини муомаласи ауксион савдоларида узлуксиз икки томонлама ауксион услубида амалга оширилади.

Давлат қимматли қоғозлари савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш "Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида давлат қимматли қоғозлари билан савдо ўтказиш қоидалари" ва "Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг облигациялари билан савдолар ўтказиш қоидалари" билан тартибга солинади.

Давлат қимматли қоғозларини муомаласи бўйича барча операциялар Марказий банк ва Ўзбекистон Республикаси валюта биржаси билан тузилган битимлар асосида операцияларни ўтказишга ваколатли дилерлар орқали амалга оширилади.

Сўнги давр натижаларига кўра 2022 йилнинг 2-16 февраль кунлари Марказий банк томонидан Ўзбекистон Республика валюта биржасида 1 млн.сўм номинал қийматга эга, умумий ҳажми 3.502 трлн.сўмлик 3 601 800 дона давлат қимматли қоғозларини жойлаштириш бўйича аукцион савдолари ўтказилди. (1-жадвал)

1-жадвал.

2022 йилнинг 2-16 февраль кунлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки облигацияларининг бирламчи жойлаштириш натижалари (млрд.сўм) ҳақида МАЪЛУМОТ

Аукцион ўтказилиши санаси	Муомила даври (кунлар)	Эълон қилинган эмиссия ҳажми	Тақдим этилган буюртмалар ҳажми	Қондирилган буюртмалар ҳажми	Ўртача тортилган даромадлилик даражаси %	ин%	акс.%
16.02.2022	**45**	**600**	**296.70**	**296.70**	**13.94**	**3.86**	**3.94**
14.02.2022	**90**	**600**	**583.94**	**580.03**	**13.96**	**3.88**	**3.97**
11.02.2022	**60**	**500**	**488.81**	**488.81**	**13.92**	**3.81**	**4.00**
09.02.2022	**75**	**600**	**697.32**	**583.52**	**13.75**	**3.45**	**3.92**
07.02.2022	**90**	**500**	**499.94**	**483.38**	**13.94**	**3.88**	**3.97**
04.02.2022	**60**	**600**	**586.67**	**586.67**	**13.82**	**3.68**	**4.00**
02.02.2022	**90**	**500**	**494.09**	**483.35**	**13.97**	**3.97**	**3.97**

Манба: муаллиф томонидан Марказий банкнинг аукцион натижалар асосида ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорининг (2018 йил 14 декабр №1016) 2-бандининг бешинчи хатбошида, давлат қимматли қоғозлари тижорат банклари ва юридик шахслар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари ўртасида жойлаштирилиши кўрсатиб ўтилган. Бироқ, ушбу қарорга мувофиқ, давлат қимматли қоғозларлар фақатгина тижорат банклари ва юридик шахслар ўртасида жойлаштирилиши билан чегараланиб қолмоқда.

Олиб борилган тадқиқот ва ўрганишлар натижаларидан хулоса қилган ҳолда ушбу илмий мақоланинг якунида бир нечта таклиф ва тавсиялар бериб ўтсам:

1. Давлат қимматли қоғозлари бозорида қимматли қоғозлар ва облигацияларнинг узоқ муддатли турларини муомалага чиқариш керак. Узоқ муддатли активлар 10 йил ва ундан кўпроқ

муддатга муомалага чиқарилиши натижасида янги узоқ муддатли инвестицион маблағларни жалб қила олиш имконияти вужудга келади.

2. Давлат қимматли қоғозлари бозорига маблағларни жалб қилиш мақсадида гуруҳий инвесторлар ва жисмоний шахсларга мўлжалланган янги молиявий активларни жорий қилиш лозим. Жаҳон амалиётидан керагича фойдаланиш ва муҳим инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун яратилган активларни эмиссия қилиш керак.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат қимматли қоғозларни фақатгина тижорат банклари ва юридик шахслар эмас, балки жисмоний шахслар ҳам сотиб олиш имкони яратиб берилса, аҳолини бўш турган пул маблағларини Республикамизнинг ижтимоий иқтисодий ривожланиш жараёнида бир қанча соҳаларини такомиллаштириш ишлари учун йўналтириш имкон вужудга келади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки берган маълумотга асосан, 2021 йилда инфляция даражаси 11,1 фоизни ташкил этган бўлиб, 2022 йил эса 9-10 фоиз кўрсаткич кўтилаётганини инобатга олсак, мазкур Давлат қимматли қоғозларининг йиллик 12,9-14 фоиздаги ставкаси юридик шахслар ва балки жисмоний шахслар учун ҳам қониқарли ва жозибали бўлмайди. Шу жойда, аҳолига тижорат банкларимиз томонида 22-23 фоизларда таклиф қилинаётган кредитларни ҳисобга олинса мақсадга мувофиқ бўларди.

и.ф.д, Якубов Искандар Одилович
Назарова Умида Бахтияровна
ТДИУ, магистр 2-курс

ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ.

Аннотация: *Ушбу тезисда Тошкент шаҳрига жалб қилинган хорижий инвестициялардан фойдаланиш, уларни тармоқларга йўналтириш, шаҳарнинг ялпи ҳудудий маҳсулоти, мазкур ҳудудни янада ривожлантириш борасида маълумотлар берилган.*

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини ривожланаётган давлатларнинг иқтисодий жиҳатдан юқори ривожланиш даражасига етказиб олишни мақсад қилган мамлакатимизнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш, инвестиция маблағларининг ички капитал ресурслар ҳамда хорижий инвестиция ва кредитлар асосида кўпайишига эришиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада президентимиз Ш.М.Мирзиёев “Инвестицияларнинг ўсиш суръатлари 10 йилда ялпи ички маҳсулотнинг камида 25 фоизини ташкил этиши учун зарур шароит яратамиз”[1] деб, таъкидладилар. Шулардан келиб чиқиб, ҳудудлар иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилиш ҳудудий инвестиция сиёсатининг бош мақсади бўлиб ҳисобланмоқда.

Ҳар бир минтақа ўзининг табиий-иқлим шароитига, меҳнат ресурсларига, молиявий ва бошқа ресурсларига, шунингдек, маҳаллий бошқарув органлари томонидан хорижий инвесторлар учун яратилган шарт-шароитларига эга ва улар бир-биридан кескин фарқ қилади. Шунинг учун, минтақалар орасидаги фарқларни баҳолаш ва уларни солиштириш бўйича ҳудудларнинг инвестицион салоҳиятидан, имкониятларидан, самарадорлик кўрсаткичларидан фойдаланилади.

2021-йил январ-декабрь ойларида жами 104,5 трлн. сўм асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилди. Унинг таркибида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 28,9 %ни ёки 30,2 трлн. сўмни ташкил этди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги хорижий кредитлар 17,3 трлн. сўм ёки 16,6%ни ҳамда кафолатланмаган бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар 57,0 трлн. сўм ёки 54,5% даражасида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида шундай дегандилар: “Ҳудудларни ривожлантиришга оид масалаларни ҳал этишда аксарият ҳокимларда масъулиятни ўз зиммасига олиб, мустақил қарор қабул қилиш ва ташаббускорлик етишмаяпди. Малумки , 2019-йилда Тошкент шаҳрида экспримент тариқасида давлат бошқарувининг янги тартиби жорий этилиб, шаҳар ҳокими ва туман ҳокимларига молия, иқтисодиёт, инвестиция, қурилиш, уй-жой ва коммунал хизмат соҳалари раҳбарларини тайинлаш ваколати берилди”[2]. Инвестицияга алоҳида урғу берганликлари ҳам, инвестициянинг иқтисодий аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. Тошкент шаҳрида хорижий инвесторлар учун кенг имкониятлар яратилган. Шу имкониятлардан фойдаланиб, жалб қилинган хорижий инвестицияларни тўғри йўналтириш лозим.

Ҳудудларда инвестиция муҳитини яхшилашда асосий қадам хусусий ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича шарт-шароитлар яратишга қаратилган саъй-ҳаракатлар орқали тўлиқ ва самарали асос шакллантириш лозим. Тошкент шаҳри туманларида

инвестиция муҳитини ҳар томонлама баҳолаш, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимига тўсқинлик қилувчи муаммоларни аниқлаш муҳим вазифа ҳисобланади.

2019-2021-йилларда Тошкент шаҳрида Ялпи ҳудудий маҳсулотни (ЯҲМ) яратишда ҳудудлар ва тармоқларнинг улуши, табиийки, турлича бўлган. Саноат, қурилиш, хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланган ҳамда юқори технологияларга ихтисослашган корхоналари кўп бўлган ҳудудларнинг ЯҲМдаги улуши ҳам юқори бўлади (1-жадвал). Ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти юқорилиги сабаб, ҳар йили ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми бўйича ҳам Тошкент шаҳри юқори бўлган.

1-жадвал.

Тошкент шаҳрининг 2019-2021-йилларда ЯҲМ ҳажми ва ўсиш суръатлари.

	2019-йил		2020-йил		2021-йил	
		ўсиш суръати, %да	млрд. сўм	ўсиш суръати, %да	млрд. сўм	ўсиш суръати, %да
ЯҲМ	86 126,2	108,4	97 108,0	102,4	121 829,5	114,1
Саноат	27 074,3	105,5	30 015,1	100,2	38 013,5	113,9
Қурилиш	6 972,0	135,5	8144,9	106,6	11 040,3	117,7
Хизматлар	42 621,3	106,4	49 030,2	102,8	61 158,2	113,6
Маҳсулотларга соф солиқлар	9 458,6	108,8	9 917,8	104,0	11 617,5	114,3

1-жадвалдан кўриниб турибдики, 2021 –йилда Тошкент шаҳри ЯҲМида энг юқори улушга эга тармоқ сифатида хизматлар соҳасини (50,2%) айтамиз. Энг кам кўрсаткич, қурилиш соҳасига (9,1%) тўғри келмоқда. Тошкент шаҳрида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилмайди, шунинг учун ҳам бошқа вилоятларга қараганда жон бошига тўғри келадиган ЯҲМ, жон бошига тўғри келадиган ўртача даромад ҳамда асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларнинг ҳажми ҳам юқори бўлади.

Рақамли иқтисодиёт ривожланаётган даврда хорижий инвесторлар учун қулай имкониятлар яратилмоқда. Тошкент шаҳар туманларида инвестиция марказлари ташкил этилди, инвестиция паспортлари йўлга қўйилди, инвестиция форуми ўтказилмоқда. Чет эл инвестицияларини илмий тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларига жалб қилиш, уларни қўллаб қувватлаш, хориждан янги техникалар учун литцензиялар сотиб олиш, катта лабороторияларни сақлаб туришга қуввати етадиган йирик корпорациялар тузиш орқали илмий техник имкониятлар оширилади. Хорижий инвестицияларни ўзаро манфаатдорлик асосида устувор соҳаларга жалб қилиш лозим.

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, ресурс, экологик ва бошқа салоҳиятлари катта бўлиб, уларни тўлиқ очиб берилиши инвестицион жозибадорликни оширишга бевосита ижобий таъсир кўрсатади. Бунинг учун мамлакат ҳудудларининг инвестиция кўрсаткичларига эътибор қаратиш лозим бўлади. Ҳудудни ривожлантиришга унинг муҳим тармоқларига хорижий ва ички инвестицияларни жалб қилиш орқали, уларни тўғри йўналтириш орқали,инвесицион фаолликни ўзгариши орқали эришилади. (2-жадвал)

2-жадвал

2017-2021-йилларда Тошкент шаҳрида инвестицион фаолликнинг ўзгариши.

Кўрсаткичлар	2017-йил	2018-йил	2019-йил	2020-йил	2021-йил	2021-йилда 2017-йилга нисбатан (+;-)
Асосий капиталга киритилган инвестициялар. жами, млрд. сўм	13 573,7	21 861,5	41 497,9	44 778,8	57 611,3	44 037,6
Ўсиш кўрсаткичлари, %	101,3	114,7	142,5	96,5	104,0	2,7
Хорижий инвестициялар ва кредитлар. млрд. сўм. Шу жумладан:	2 456, 8	3 753,3	17995,7	14 093,0	22 835,6	20 378,8
Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, млрд. сўм	1 986,4	2 311,1	6 731,4	4 988,6	5 294,8	3 308, 4

2-жадвалдан кўриниб турибдики, асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми 2017-йилда 13 573,7 млрд. сўм бўлиб, ўсиш 101,3% ни, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 1986,4 млрд. сўмни ташкил этган. 2021-йилда бу кўрсаткичлар мутаносиб равишда 57 611,3 млрд. сўмни, хорижий инвестициялар ва кредитлар 22 835,6 млрд. сўмни, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 5 294,8 млрд. сўмга тенг бўлган.демак, таҳлилдан кўриниб турибдики, инвестициялар бўйича меъёрий-ҳуқуқий базанинг шакллантирилганлиги хорижий инвестициялар миқдорининг таҳлил даврида ошишига сабаб бўлган.

Иқтисодиётда инвестицион самарадорликни шакллантириш макроиқтисодий жиҳатдан мураккаб жараён бўлиб, уни бошқаришда ташкилий-иқтисодий механизмлар алоҳида ўрин эгаллайди. Мазкур механизм инвесторларни жалб қилиш ва мақсадли инвестиция дастурларини амалга оширишнинг устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

Тошкент шаҳрида коммунал хизматлар сифатини ошириш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини янгилаш ишлари такомиллашмоқда. Масалан, Юнусобод туманидаги кўп қаватли уйларни бошқариш профессионал бошқарув компанияларига ўтказилди. Туманларда замонавий уйлар, меҳмонхоналар, таълим ва тиббиёт муассасалари ҳамда бошқа иншоотлар барпо этиш, иссиқлик таъминоти тизимини, оқава сув тизимини ривожлантириш, коммунал хизматлар бошқарув марказини ташкил этиш лойиҳалари, туризм лойиҳалари амалга оширилди. Сергели туманида Европа стандартлари бўйича замонавий индустриал технопаркни ишга туширилмоқда. Бунинг инвесторлар учун қулайлиги шундаки, барча бино-иншоотлар тўлиқ тайёр ҳолда топширилиб, зарур инфратузилма билан таъминланади. Яшнобод туманида 2020-йилда “Технопарк”МЧЖ ва “электрон газ ҳисоблагичлар ишлаб чиқариш” корхонаси, 2021-йилда “Премиум Узбекистан” МЧЖ спирт маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва “ИСКО” МЧЖ қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш инвестицион лойиҳалари амалга оширилди.



1-расм: 2021 йилда Тошкент шаҳрининг туманлари кесимида асосий капиталга киритилган хорижий инвестициялар (жамига нисбатан %да).

1-расмдан кўриниб турибдики, энг кўп хорижий инвестиция Юнусобод - 3028.7 млрд. сўм (25,5%), Шайхонтоҳур -1871,8 млрд. сўм (15,7) ва Олмазор - 1826,6 млрд. сўм (15.4%) туманларига киритилган. Бу туманларга ўзлаштирилган хорижий инвестициялар доирасида турар жойлар, хизмат кўрсатиш ва саноат соҳаларида бир қанча лойиҳалар амалга оширилиб, янги иш ўринлари яратилди.

Тошкент шаҳри инвестицион муҳитининг жозибадорлиги шаҳар иқтисодиётига хорижий инвестициялар жалб қилинишида муҳим аҳамият касб этади. Бу эса, республика иқтисодиёти учун ҳам, инвестиция захираларининг хорижий манбаларига мурожаат этишни, ҳозирги иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида даврнинг ҳам стратегик, ҳам жорий масалаларини ҳал қилиш заруратига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Хорижий инвестициялардан самарали фойдаланиш ҳамда унинг самарадорлигини оширишда юзага келувчи ноаниқлилик ва таваккалчилик даражаларини аниқлаб бориш, пишиқ-пухта инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш, таҳлил қилиш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш ҳудуд иқтисодиётини ривожлантиради, аҳоли турмуш даражаси яхшиланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. *Ш.М.Мирзиёев Янги Ўзбекистон стратегияси.- Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2021.*

2. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишланган илмий- оммабоп қўлланма. [Матн]. – Т.: ”Маънавият”, 2019.*

3. *И.О.Якубов. Минтақавий иқтисодиёт. Дарслик, Т.: 2021.*

4. *Мустафакулов Ш.И. Инвестицион муҳит жозибадорлиги. Илмий амалий қўлланма. – Т.: 2017*

5. *М.С.Қосимов. Инвестиция лойиҳалар таҳлили. Дарслик, Т.: 2021.*

6. *http://www.stat.uz/ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси веб-сайти.*

7. *http://www.toshstat.uz/ Тошкент шаҳар статистика бошқармаси веб-сайти.*

Аминова Барчиной ТДИУ магистри
Иномжонов Бунёджон ТДИУ магистри

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЛОГИСТИК МАРКАЗЛАРДА ЭКСПОРТ ВА ИМПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАРТИБГА СОЛИШДА БОЖХОНА ОРГАНЛАРИННГ ТУТГАН ЎРНИ

Жаҳон тажрибасидан маълумки, ташқи савдони иқтисодий ва маъмурий тартибга солишда давлат томонидан турли хил иқтисодий ва маъмурий чоралар белгиланиши мумкин. Иқтисодий чоралар сифатида маълум товарларга белгиланадиган божлар миқдорини орттириш ёки камайтириш, маъмурий чора сифатида эса, алоҳида товарлар учун квоталар, лицензиялар, белгилаш сингари чоралар кўрилиши мумкин. Бундай усулдан фойдаланилганда давлат томонидан маълум турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун алоҳида маблағлар ажратиш ва имтиёзлар бериш экспортбоб маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни маълум муддатга солиқлардан озод қилиш, кредитлар бериш, экспорт қилинадиган маҳсулотни божлардан озод қилиш сингари чора-тадбирлар қўлланилиши мумкин.

Глобализация жараёнларининг кучайиб бориши шароитида, мамлакатнинг халқаро майдонда ўз ўрнини эгаллаши биринчи навбатда халқаро иқтисодий муносабатлардаги иштирокига боғлиқ. Мустақилликнинг илк йилларидан мамлакатимизда иқтисодиёт соҳасини, хусусан ташқи иқтисодий фаолият соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига ёки божхона ҳудудидан ишлаб чиқариш, олиб чиқиш ёки олиб кириш пайтида бевосита ёки билвосита субсидиялардан фойдаланилган товарлар олиб кирилса, ёки олиб чиқилса, унинг оқибатида Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига моддий зиён етказиш хавфи бўлса, бундай ҳолларда компенсация божлари жорий этилади.

Ўзбекистонда божхона тарифи назарияси халқаро талаблар даражасида мунтазам такомиллаштириб борилаётганлиги ва давлатнинг бош ислоҳотчи сифатида бошқарувни амалга ошираётганлиги миллий иқтисодиётимизни ривожланишида ўзининг самарали натижаларини бермоқда. Халқаро иқтисодий муносабатларда товарларга бож белгилашда товарларнинг божхона қийматларини аниқлаш муҳим амалий аҳамиятга эгадир. Божхона қиймати Ўзбекистон Республикасининг «Бож тарифи тўғрисида»ги қонунига мувофиқ белгиланган ва божхона тўловларини ҳисоблаб чиқариш учун фойдаланиладиган товар қийматидир.

Божхона қиймати божхона расмийлаштируви вақтида декларант томонидан божхона органларига тақдим этилади. Товарнинг божхона қийматини аниқлаш декларант томонидан амалга оширилади. Божхона органи ходими эса товарнинг божхона қиймати устидан назоратини амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси «Бож тарифи тўғрисида»ги қонунига биноан мамлакатимизнинг бошқа давлатлар билан савдо иқтисодий муносабатларини амалга оширишда тариф преференциялари, яъни, имтиёз берилиши кўзда тутилган. Тариф преференцияси деганда Ўзбекистон Республикасининг божхона сиёсатини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товар учун бож тўлашга нисбатан ўзаро ёки бир томонлама имтиёз берилиши тушунилади. Бож тарифи билан преференциялар қуйидаги кўринишда берилиши мумкин: Бож тўлашдан мажбурий озод қилиш. Истисно ҳолларда бождан озод қилиш. Илгари тўланган божни қайтариш. Бож ставкаларини пасайтириш. Преференцияли олиб кириш ва олиб чиқишга нисбатан тариф квоталарини белгилаш.

Мамлакат ташқи иқтисодий фаолиятининг (ТИФ) энг муҳим бўлимларидан бири ташқи савдодир. Ҳар қандай давлатнинг Ташқи савдо фаолиятининг (ТСФ) ривожланиш даражаси айни давлатнинг иқисодий салоҳияти ҳақида фикр юритиш имконини беради. XX асрнинг охирларига келиб дунё миқёсида ишлаб чиқаришнинг ривожланишига нисбатан жаҳон савдосининг ўсиши тезлашганлиги яққол кўзга ташланади. ТСФ ривожланиши динамикасини таҳлил қилишда меркантилистлар назарияси муҳим аҳамиятга эгадир. Бу назарияга кўра давлат ташқи бозорда имкони борича товарларни кўпроқ сотиши ва камроқ сотиб олиши, бойлик сифатида олтинни жамғариши лозим. Меркантилистлар назариясини капитализмгача бўлган протекционизм таълимоти деб қараши мумкин. Протекционизм таълимоти миллий иқтисодиётни чет эл рақобатидан давлат ҳимоясини таъминлашни талаб этади. Эркин савдо тарафдорлари эса экспорт ва импорт таркибини давлат эмас, балки бозор шакллантириши лозим деб ҳисоблайдилар.

Ташқи савдонинг ривожланиши мамлакатда маълум соҳаларга ихтисослашувини чуқурлаштириб, ўзида мавжуд омиллар самарадорлигини ошириши ва оқибатда товарлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имкониятини яратади.

Импортни тартибга солишда эса четдан келтириладиган замонавий технологиялар ва мамлакат стратегиясида муҳим аҳамиятга эга бўлган хом ашё маҳсулотларини импорт божларидан озод қилиш, улар учун чет давлатларда берилган сертификатларни тан олиш сингари усуллардан фойдаланиш мумкин. Ўзбекистонда ташқи савдони иқтисодий ва маъмурий тартибга солиш

механизмини ишлаб чиқишда давлатни бош ислоҳотчи сифатидаги бажарган вазифалари мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан амалга оширилган тадбирлар ўзининг самарали натижаларини берганлиги оқибатида бозорлар зарур товарлар билан таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг инвестиция дастурига мувофиқ олиб келинаётган технологик асбоб ускуналар, медицина анжомлари ва дори-дармонларга шунингдек бюджет ҳисобига олиб келинаётган товарлар, қишлоқ хўжалик техникаси қўшилган қиймат солиғи тўлашга имтиёзлар берилган.

2017-2019 йиллар давомида Божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш божхона режимини 115 та (2019 йилда 73 та) корхоналар ўз фаолиятларида қўллашган. Қайта ишлаш учун олиб чиқилган товарларнинг умумий божхона қиймати 458,7 млн. АҚШ долларини (2019 йилда 185,8 млн. АҚШ доллари) ташкил қилган. Божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш божхона режимини қўллашда асосий ҳамкор давлатлар сифатида Россия, Сингапур, АҚШ, Швейцария, Украина, Италия ва Канада иштирок этишди (1-жадвал).

1-жадвал

Божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш божхона режимини қўллашда Ўзбекистон корхоналари асосий ҳамкорлик қилувчи ҳамкор давлатлар (2017-2019 йилларда)

Давлатлар	Қиймати, млн. АҚШ доллари	Улуши,%
РОССИЯ	83,1	29,0%
СИНГАПУР	62,8	21,9%
АҚШ	44,9	15,6%
ШВЕЙЦАРИЯ	38,9	13,6%
УКРАИНА	15,4	5,4%
ИТАЛИЯ	12,8	4,4%
КАНАДА	10,9	3,8%

Юқоридаги жадвалда номи қайд этилган мамлакатлар иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар бўлиб, божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш божхона режими асосан шундай мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишни тақозо этиши тўғрисида хулоса қилишимиз мумкин.

Ташқи савдо муносабатлари ривожланиш динамикасини ўрганиб бориш билан бирга божхона идоралари ҳузурида мониторинг марказларини тузиш ва улар ёрдамида кундалик ахборотларни олиб бориш орқали мамлакат ички бозори билан четга экспорт қилинаётган ва четдан келтирилаётган товарлар ҳақида ҳамда уларга белгиланадиган чора-тадбирлар ҳақида ҳукуматга ўз вақтида тегишли таклифлар киритиб боришни янада такомиллаштириш зарур.

Ташқи савдони тартибга солишда бошқа бўғинлар қатори божхона тўловлари ўзига хос индикатор вазифасини ўташи даркор. Чунки, мамлакатдан экспорт-импорт қилинаётган барча товарлар ҳақидаги батафсил маълумот фақат БЮД маълумотлари асосидагина тўғри ҳисобга олиб борилиши мумкин.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни жаҳон бозорига олиб чиқиш учун ҳар томонлама имконият яратиш, ташқи савдони ривожланишига кенгроқ шароит яратиш ҳамда четдан келтирилаётган товарлар учун давлат томонидан белгиланган бож тўловларини ўз вақтида ундириш мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий омилларидан биридир.

Бир қатор тез ривожланган давлатлар тажрибасидан маълумки давлатнинг иқтисодий жараёнларни тартибга солувчи роли мамлакат иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эгадир. Бундай холатни Хитой, Жанубий Корея сингари давлатлар тараққиётида яққол кузатиш мумкин.

Бозорларда сифатсиз товарларнинг сотилишига чек қўйиш, четдан олиб келинган товарларни асоссиз равишда кўп қўллардан ўтишига барҳам бериш истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилишнинг асосий усуллари эканлиги кўплаб давлатлар тажрибасидан маълум. Четдан товар олиб келишни тартибга солиш ва аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида, тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, маълумотлар базасини яратиш, бозорларда иқтисодий жиҳатдан хавфли гуруҳга кирадиган, яъни ноқонуний йўллар билан республикамиз ҳудудига кириб келган товарларни ажратиб олишга имкон туғдириб ҳамда юқори даражада фойда олиниб сотилаётган товарларни аниқлаш ҳамда зарур топилса улар учун божхона тўловларини кўтариш ва бюджетга қўшимча тушумлар тушуриш имкониятини беради.

Husainov Humoyun Abdutolib o‘g‘li
TDIU, Magistratura bo‘limi, MME-10 guruhi, 2-kurs

TOVAR VA PUL BOZORLARINING O‘ZARO BIRGALIKDAGI MUVOZANATI MODELINING MILLIY IQTISODIYOTNI TAHLIL QILISHDAGI AHAMIYATI

Annotatsiya: *Ushbu maqolada tovar va pul bozorlarining o‘zaro birgalikdagi muvozanat modelining paydo bo‘lishi, o‘ziga xos jihatlari, afzalliklari va kamchiliklari tadqiq etilgan.*

Tayanch iboralar: *IS-LM modeli, pul bozori, yalpi talab, ishsizlik, likvidlilikni afzal ko‘rish, foiz stavkasi, yalpi daromad.*

Mamalakat iqtisodiyotida kuzatilayotgan jarayonlarni tahlil qilish borasida bir nechta maktablar, qarashlar, modellar shakllangan. Ayniqsa, 1929-1933-yillarida yuzaga kelgan inqiroz – “Buyuk depressiya” iqtisodiy jarayonlarni modellashtirish orqali oldindan baholash va ta’sir ko‘rsatish muhim ekanligini ko‘rsatib berdi. Makroiqtisodiyot iqtisodiyotning bir qismi sifatida umumiy o‘zgaruvchilarni tahlil qilganligi va murakkab iqtisodiy jarayonlarni boshqarishda qo‘llaniladigan iqtisodiy siyosatni belgilashda asosiy omil bo‘lganligi sababli unda modellardan foydalanish dolzarblik kasb etadi.

Shunday modellardan biri tovar va pul bozorida o‘zaro birgalikdagi muvozanatni ta’minlash shartlari va makroiqtisodiy siyosat tadbirlarining ushbu bozorlarga ta’sirini bir butunlikda tahlil qiluvchi IS – LM modeli hisoblanadi.

An’anaviy makroiqtisodiyot nazariyasi va siyosat amaliyotining asosini IS-LM modeliga asoslangan yalpi talab-yalpi taklif (AD-AS) paradigmasi sifatida ifodalash mumkin. Masalan, Dornbush va Fisher IS-LM modelini “zamonaviy makroiqtisodiyotning yadrosi” deb atashadi [1]. Patinkin buni Keynsning “markaziy xabari” deb hisoblaydi [2]. Solou buni iqtisodchilarning “o‘rgatilgan sezgi”si deb ataydi [3]. Shuning uchun IS-LM modeli bir vaqtlar makroiqtisodiyotning hukmron mavqeyini egallagan va iqtisodchilar uchun makroiqtisodiy siyosatni muhokama qilish uchun umumiy qolip bo‘lgan.

IS-LM modelining paydo bo‘lishi Jon Meynard Keynsning 1936-yilda chop etilgan “Bandlik, foiz va pulning umumiy nazariyasi” asariga borib taqaladi. Ushbu asar yuqorida keltirilgan “Buyuk depressiya”dan so‘ng, ishsizlik eng yuqori darajaga yetgan, og‘ir iqtisodiy tizimni tuzatish uchun hech qanday chora yo‘qdek ko‘ringan katta tartibsizlik davrida yozilgan. Iqtisodiyotda kuzatilgan chalkashlik iqtisodchilarni “ayamadi”, ular o‘zlarining tajribalari va g‘ayrioddiy instinktlari o‘rtasida bo‘linib ketishdi. Iqtisodiy nazariyaga ko‘ra, ishsizlik real ish haqining haddan tashqari yuqoriligi tufayli yuzaga kelgan bo‘lishi kerak, shuning uchun uni kamaytirish chorasi bo‘lishi lozim. Shunga qaramay, iqtisodchilarning instinktlari ularga bu noto‘g‘ri ekanligini va chora davlat tomonidan talabni faollashtirishda ekanligini aytdi. Keynsning kitobi iqtisodchilarning his-tuyg‘ulari uchun nazariy asos yaratish orqali ushbu qarama-qarshilikni hal qilishga qaratilgan edi. Taklif etilgan yo‘l faqat qisman muvozanat tahlili bilan bog‘liq bo‘lgan Marshall nazariyasini umumlashtirish natijasida olingan bo‘lib, bozorlar o‘rtasidagi o‘zaro bog‘liqlik bilan aloqador muammolarni hal qilish imkoniyatni beradi. Keynsning tahmini shundaki, ishsizlik yalpi talabning yetishmasligi bilan bog‘liq bo‘lib, uning sababi pul bozori yoki moliyaga bog‘liq.

Keynsning kitobi kaleydoskopik xarakterga ega bo‘lib, shu vaqtga qadar ma’lum bo‘lgan bir nechta fikrlarni aralashtirib yubordi. Asarning asosiy mazmuni uch yosh iqtisodchi - Jeyms Mid (1907-1995), Roy Xarrod (1900-1978) va Jon Hiks (1904-1989)lar 1936-yil sentyabrida Oksfordda Ekonometrik jamiyatning Yevropa yig‘ilishida Keyns kitobiga o‘z talqinlarini taqdim etganida oydinlashdi. Uchta maqoladan Hiks (1937)ning nashri mashhur bo‘ldi. Unda IS-LM modeli deya e’tirof etilgan birinchi versiya mavjud edi. Hiks Keynsning chalkash mulohazalarini iqtisodchilar tushunadigan oddiy va sodda tenglamalar tizimiga aylantirishga muvaffaq bo‘ldi. Hiksning maqolasida ikkita alohida bozor natijalarini bitta oddiy ikki o‘lchovli diagrammada ko‘rsatishga imkon beruvchi mohir chizma mavjud edi. Aslida, u umumiy nazariyaning markaziy xabarini qamrab olish qobiliyati Keyns ishining bir nechta tarjimonlari tomonidan shubha ostiga olinganiga qaramay, yangi paydo bo‘lgan makroiqtisodiyot fanining tashkiliy nazariy uskunasiga aylandi. Hiksning asl diagrammasi 1-rasmda ko‘rsatilgan.



1-rasm. Hiks diagrammasi [4]

Ushbu diagramma ma’lum bir bozorda talab va taklifning mos kelishining Marshallning “qaychi” tasviriga o‘xshaydi, ammo uning mazmuni butunlay boshqacha. Birinchidan, u yagona bozorga taalluqli emas. Ikkinchidan, u ko‘rsatadigan ikkita funksiya talab va taklif emas. Buning o‘rniga u vertikal o‘qda foiz stavkasini, gorizontal o‘qda esa umumiy nominal daromadni o‘rnatadi. Pastga qiyshaygan IS egri chizig‘i daromad va foiz stavkasi (i) kombinatsiyasi bo‘lib, ular uchun investitsiyalar (foiz stavkalari funksiyasi) va jamg‘arma (daromad funksiyasi) tengdir. Investitsiyalar foiz stavkasiga teskari o‘zgaradi, jamg‘arma esa daromad bilan ortadi, deb taxmin qilinadi. Yuqori daromad yuqori jamg‘armani anglatadi. Natijada, investitsiyalar teng jamg‘armaga erishish uchun foiz stavkasi past bo‘lishi kerak. Bu daromad va foiz stavkasi o‘rtasidagi teskari bog‘liqlikni tushuntiradi.

Yuqoriga qiyshaygan LL egri chizig‘i pulga bo‘lgan talab va taklifni teng ushlab turadigan daromad hamda foiz stavkasi kombinatsiyasini ifodalaydi. Pul bozorida ma’lum pul taklifi pulga bo‘lgan talabga duch keladi, bu daromad va foiz stavkasi funksiyasidir. Daromad oshgani sayin, pulga bo‘lgan talab ortadi. Pulga bo‘lgan talabning yana bir komponenti likvidlikni afzal ko‘rishdir. Pulni ushlab turish obligatsiyalar bo‘yicha yuqoridagi foizlarning imkoniyat xarajatlarini o‘z ichiga oladi. Demak, foiz stavkasi qanchalik yuqori bo‘lsa, pulga bo‘lgan talabning ikkinchi komponenti shunchalik past bo‘ladi. Pul taklifini o‘zgarmas deya tutadigan bo‘lsak, daromadning o‘sishi pulga bo‘lgan yuqori tranzaksiya talabini o‘z ichiga oladi. Pulga bo‘lgan jami talab va taklif mos kelishi uchun jami talabning likvidlik afzal ko‘rish qismi kamayishi kerak. Bu yuqori foiz stavkasini talab qiladi, ya’ni LL egri chizig‘i yuqoriga qiya yo‘nalgan bo‘ladi.

Hiks Keyns va klassik iqtisodchilar o‘rtasidagi asosiy farqni LL egri chizig‘ida aniqladi. Hiksning fikricha, LL egri chizig‘i IS va LL egri chiziqlari kesishgan gorizontal kesimni ko‘rsatsa, Keyns tizimi "klassik dunyodan butunlay uzilib qoladi" [4]. Likvidlik tuzog‘i deb atalgan bu vaziyatda pul-kredit ekspansiyasi fiskal siyosatdan farqli o‘laroq bandlikni oshirishga qodir emas.

Hiksning modeli hozirgi ko‘rinishdagi IS-LM modeliga aylanmasligi kerak edi. Franko Modigliani (1918-2003) Hiks modelidan IS-LM formulasiga o‘tish bo‘yicha hisob-kitoblarni ishlab chiqqan olim hisoblanadi. Bu harakatdagi yana bir nufuzli iqtisodchi Alvin Xansen (1887–1975) dir. Likvidlikni afzal ko‘rish rolini rad etar ekan, Modigliani quyidagicha fikrni ilgari suradi: Keynscha natija quyidagi ikki omil birgalikda mavjud bo‘lganda albatta yuzaga keladi: ishchi kuchi taklifi egri chizig‘ining ma’lum bir shakli (mehnat taklifiga ta’sir ko‘rsatadigan ijtimoiy elementlarni qamrab olishi kerak) va pul bozoridagi qandaydir tartibsizlik, asosan, pulning yetarli emasligi. Ushbu yondashuv bo‘yicha, klassik va Keynscha submodellar Hiksning asl maqolasidagi fikrlarga qaraganda keskinroq qarama-qarshi bo‘lib qoladi [6]. Klassik modelda endi o‘z ichiga moslashuvchan ish haqi va umumiy bozor tozalashini, Keynscha model esa qat’iy kamayuvchi ish haqi va (ehtimol) majburiy ishsizlik olar edi. Modigliani fikriga ko‘ra, Keyns modeli investitsiyalar yetishmasligi bilan emas, balki pul miqdori va ish haqi o‘rtasidagi noto‘g‘ri moslashuv bilan xarakterlanadi, bunda ish haqi pul miqdoriga nisbatan juda yuqori. Bunday vaziyatdan chiqishning to‘g‘ri yo‘li - pul massasini ko‘paytirishdir.

Ikkinchi jahon urushi (1939-1945) tugaganidan keyin taxminan yigirma besh yil davomida IS-LM modeli makroiqtisodiyotda hukmronlik qildi. Daraja bo‘yicha standart darsliklar o‘zlarining asosi sifatida IS-LM modelini qabul qildilar. U bir necha yo‘llar bilan boyitildi, xususan, ochiq iqtisodiyotni

inobatga olish, Fillips egri chizig‘ini integratsiyalash va mikroiqtisodiyotdan iste’mol funksiyasi, portfel qarorlari hamda investitsiyalarni rejalashtirish shular jumlasidandir. IS-LM modelining muvaffaqiyatini uning ekonometrik modellashtirishga moslashishi bilan ham izohlash mumkin.

Model nazariy jihatdan dominant mavqega ega bo‘lganligi sababli o‘zining amaliy siyosat masalalariga oid Keyns nazariyasi xususiyatini yo‘qotdi, ya’ni Keynscha nazariyasini yoqlamaydiganlar shunchaki uning faqat klassik varianti to‘g‘ri ekanligini aytishlari mumkin edi, uning Keynscha varianti qat’iy ish haqi stavkasini atayin tushirganligi sababli noto‘g‘ri degan fikrga kelishlari mumkin. Shunday qilib, ushbu modelning o‘ziga xos jihati shundaki, Keyns nazariyasini yoqlovchilar ham, unga qarshi chiquvchilar ham o‘z fikrlarini isbotlashda ushbu modeldan foydalanishlari mumkin.

IS-LM modeli muvaffaqiyatining bir qancha sabablari bor. Birinchidan, u Keyns nazariyasini o‘ziga xos qilib qo‘ydi. Ikkinchidan, u bozorlar o‘rtasidagi o‘zaro bog‘liqlikning soddalashtirilgan hisobini taqdim etib, daromad, foiz stavkasi, jamg‘arma, investitsiyalar, pulga bo‘lgan talab va taklif kabi fundamental makroiqtisodiy o‘zgaruvchilar o‘rtasidagi o‘zaro bog‘liqlikni o‘rganish imkonini berdi. Uchinchidan, model qiziqarli qiyosiy statik mashqlarni taklif qiladi. Masalan, investitsiyaga moyillikning ortishi IS egri chizig‘ini o‘ngga, pul taklifining ortishi esa LM egri chizig‘ini o‘ngga siljitadi. To‘rtinchidan, nihoyat, u tanqidlarga chidamliligini isbotladi.

1970-yillarda IS-LM modelining hukmronligi Robert E. Lukas va Tomas Sargent kabi yangi klassik iqtisodchilar boshchiligidagi Keyns nazariyasiga qarshi kengroq hujumning bir qismi sifatida qattiq shubha ostiga olindi. Modelning yo‘q bo‘lib ketishi xavfi ishsizlikni o‘rganishga qaratilgan Keyns makroiqtisodiyotining qulashi va uning o‘rnini ishsizlik muammosi juda kichik o‘rin egallagan, dinamik stoxastik Valras makroiqtisodiyoti egallashi bilan birga kechdi.

IS-LM modelining shu paytgacha e’tibordan chetda qolgan modelning noto‘g‘ri mikro asoslari, uning iqtisodiy kutilmalarni hisobga olmasligi, uzoq muddatli tahlil bilan aloqasi yo‘qligi va muqobil iqtisodiy siyosatlarni tanlash uchun makroekonometrik modellarni yo‘naltirishga qodir emasligi kabi kamchiliklari endi to‘liq oshkor bo‘ldi.

2. Revenues from markets. Revenues (one-time fee payments) from various markets (farmers' markets, commodity markets, livestock markets, etc.) located in the relevant administrative territory (province, district, city) are also included in the revenues of local budgets.

3. Non-refundable receipts from legal entities and individuals, as well as from foreign countries. Such income usually includes income provided in the form of gifts, as well as in the form of non-discriminatory sponsorship.

4. Other income. Revenues from the sale of property transferred to other revenues, revenues from the placement, commissioning and sale of state assets in accordance with the established norms, state duties, levies, compensation and fines transferred to the budget of the Republic of Karakalpakstan, regional and Tashkent city budgets in accordance with the law sanctions, proceeds from the sale of ownerless property, property transferred to the state under the right of inheritance, treasury to be transferred to the state revenue under the law, and other income in accordance with the legislation.

Regulatory (balancing) revenues of local budgets

In the budget practice of Uzbekistan, the revenues of local budgets (local taxes and levies) may not be enough to cover the expenses to be made from the budget of the region (region, district, city). In order to ensure that there are no interruptions in the financing of these expenditures, additional regulatory revenues will be provided to local budgets to supplement revenues. (The mechanism for regulating local budget revenues will be discussed in more detail in the next paragraph of the manual).

Regulatory (balancing) revenues of local budgets include:

1. National taxes in accordance with established norms (amounts). That is, the level of socio-economic development of the region (region, district, city), the amount of planned expenditures from the local budget, as well as a certain amount of the local budget, depending on the amount of own revenues (normative) is left to local budgets. Today, national taxes such as corporate income tax, single tax payment, personal income tax, fixed tax on certain types of business activities, value added tax, excise tax and subsoil use tax are levied on local budgets).

2. Inter-budget transfers. Subventions, transferred revenues and subsidies allocated from the republican budget of the Republic of Uzbekistan are the next regulatory revenues of the republican budget of the Republic of Karakalpakstan, regional budgets and the city budget of Tashkent.

Expenditure system of local budgets

As noted above, local budgets fully cover all areas and directions of socio-economic development of the region, as well as an important source of funding for the implementation of various economic and social tasks. According to the current legislation, the expenses financed from the republican budget of the Republic of Karakalpakstan, regional budgets of the regions and the city budget of the Tashkent city can be grouped as follows: [4]

1) Social sphere and social support expenditures

Expenditures on social sphere and social support of the population financed from the republican budget of the Republic of Karakalpakstan, regional budgets of the regions and the city budget of the city of Tashkent are large, and in turn they are carried out in the following directions:

- ✓ Costs of general secondary education, secondary special, vocational education, out-of-school education, professional development and retraining of teachers, maintenance of other ancillary and methodological educational institutions;
- ✓ Expenditures on maintenance of orphanages, state children's camps, ancillary services and targeted activities in the education system, the legislation provides for funding from the republican budget of the Republic of Karakalpakstan, regional budgets and the city budget of Tashkent;
- ✓ Branch of the Republican Center for Emergency Care, multidisciplinary and specialized medical centers, specialized hospitals and dispensaries, maternity and obstetric complexes, centers for medical diagnosis and state sanitary-epidemiological control, institutions of blood transfusion and forensic science, Institute of Health and Medical Statistics maintenance of the branch, other treatment-and-prophylactic institutions and ancillary organizations under the territorial health authorities, as well as payment for services provided by the legislation financed from the republican budget of the Republic of Karakalpakstan, regional budgets and the city budget of Tashkent;
- ✓ The cost of implementing public health measures in accordance with the adopted state programs;
- ✓ The cost of maintaining cultural, physical culture and sports institutions under the territorial bodies of culture and sports, as well as the implementation of targeted measures for the development of culture and sports;
- ✓ Expenses for the maintenance of archives under the Council of Ministers of the Republic of Karakalpakstan, regional and Tashkent city khokimiyats; Expenditures on maintenance of boarding

houses, boarding houses and sanatoriums for the elderly and disabled, rehabilitation centers for the disabled, other institutions under the Council of Ministers of the Republic of Karakalpakstan, regional and Tashkent city khokimiyats, as well as expenditures on targeted social protection measures;

- ✓ Costs of reimbursement of losses of urban passenger transport carriers related to the transportation of passengers and luggage at limited rates, as well as the provision of preferential transportation services to certain categories of citizens.

2) Economic expenditures

Economic expenditures to be financed from the republican budget of the Republic of Karakalpakstan, regional budgets of the regions and the city budget of the city of Tashkent are as follows:

- ✓ Maintenance of territorial control bodies in the field of agriculture, including payment for the services of institutions for combating animal diseases, as well as land reclamation;
- ✓ Carrying out repair work on housing and communal services;
- ✓ Maintenance of some technical sections of waterways; improvement of settlements;
- ✓ Repair of streets of cities, other settlements and inter-farm rural highways, and also expenses of separate organizations;
- ✓ Maintenance costs of forestry provided by the legislation.

3) Expenditures for financing centralized investments ordered by the Council of Ministers of the Republic of Karakalpakstan, khokimiyats of regions and the city of Tashkent.

4) Maintenance costs of local public authorities and administration.

These costs include the maintenance the Council of Ministers of the Republic of Karakalpakstan, regional and Tashkent city authorities, their departments and divisions.

5) Expenses for formation of reserve funds of the republican budget of the Republic of Karakalpakstan, regional budgets of regions and the city budget of the city of Tashkent. Reserve funds of the republican budget of the Republic of Karakalpakstan, regional budgets and the city budget of the city of Tashkent are established during the financial year to ensure timely and uninterrupted financing of additional, unforeseen expenses in economic, socio-cultural and other spheres. Reserve funds of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan, the republican budget of the Republic of Karakalpakstan, regional budgets of the regions and the city budget of the city of Tashkent, the republican budget of the Republic of Uzbekistan, the republican budget of the Republic of Karakalpakstan,

6) Costs of compensation for damage caused to legal entities and individuals in connection with the seizure of land for state or public needs. Such costs include compensation for damage caused by the need to acquire land plots of legal entities and individuals in the area for the improvement of a particular area or, if necessary, the construction of industrial enterprises.

7) Expenses of the organizations and actions financed at the expense of means of the republican budget of the Republic of Karakalpakstan, regional budgets of areas and the city budget of the city of Tashkent. This cost group includes the cost of elections to the regional, district and city councils of people's deputies, the cost of financing the activities of political parties in accordance with the charter, the cost of holding national holidays such as "Independence day" and "Navruz".

8) Transfers to lower budgets. From the republican budget of the Republic of Karakalpakstan, regional budgets of regions and the city budget of the city of Tashkent to the budgets of districts and cities can be allocated budget loans, subsidies, subventions and transferred revenues.

According to the current budget legislation of the Republic of Uzbekistan, the following expenditures will be made from the budgets of districts and cities:

1) Expenditures on social sphere and social support of the population. This cost category includes the following areas:

- ✓ Expenditures on activities in the education system provided by the legislation for the maintenance of departments of methodological support and organization of public educational institutions of districts (cities), as well as preschool, general secondary education, extracurricular educational institutions under their jurisdiction;
- ✓ costs of maintenance of treatment-and-prophylactic institutions at the disposal of district (city) medical associations and district, city institutions of state sanitary-epidemiological control;
- ✓ the cost of implementing public health measures in accordance with the adopted state programs;
- ✓ Expenditures on maintenance of cultural, physical culture and sports institutions under the departments of culture and sports of districts (cities), as well as targeted activities for the development of culture and sports;

✓ social benefits and financial assistance to low-income families by citizens' self-government bodies and financial assistance to families affected by natural disasters, social assistance at home, social assistance to persons of retirement age who served in the aftermath of the Chernobyl disaster and support costs.

2) Economic costs. The cost of the economy from the budgets of districts and cities includes the cost of maintaining veterinary laboratories and animal disease control stations, the cost of repairing the streets of cities and other settlements, as well as inter-farm rural roads, the cost of repairs of housing and communal services, and the population. the cost of landscaping the points.

3) Expenses for maintenance of district and city authorities and their departments.

4) Expenditures on maintenance of citizens' self-government bodies.

5) Other expenses, example given the expenses of certain organizations and activities, which are provided by the legislation from the budgets of districts and cities.

To summarize, it should be noted that today in our country, as in a number of areas, the budget is free and a number of measures are being taken to further improve its transparency. A clear example of this is the creation of the site “Openbudget.uz” in our country and the budget parameters provided to it today. This shows that budget policy is entering a new era and needs to be developed.

After reviewing today's article, I would like to make the following suggestions.

✓ It is necessary to create a section on the Internet portal “Openbudget.uz” which will show where and how much the local budget revenues go to the account;

✓ Development of a system of spending local budget expenditures on the Internet portal "Openbudget.uz" by studying the views of the population and in areas of priority importance for a particular region;

✓ It is necessary to establish a system of regular communication of the concept of the local budget to the population, because the majority of the population does not have enough information.

We all know that today, as a consistent continuation of the action strategy 2017-2021, the “Development strategy of the new Uzbekistan for 2022-2026” also pays great attention to the budget system.

As a researcher I want to say that budget transparency, budgetary system is being the modern form on its field. Furthermore, inhabitants of Uzbekistan are also getting more knowledge about budgetary system, for my prospective it is very good result for the country. In some years, budgetary system of Uzbekistan will be one of the best system in central Asia on its fields.

References:

1. Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan "On measures to organize the work to identify reserves to expand the revenue base of local budgets" No. 445 of 29.06.2017

2. Information of the Ministry of Finance of the Republic of Uzbekistan.

3. "Financial budget" textbook. Tashkent Financial Institute. Toshkent - 2020.

4. Methodical manual "Medium-term budget". On the example of the budget of Namangan region. Tashkent – 2017

5. “Development strategy of the new Uzbekistan for 2022-2026” Decree of the President of the Republic of Uzbekistan, PF-60 dated 28.01.2022

5. Websites

Stat.uz (https://stat.uz/uz/)

Openbudget.uz (https://www.openbudget.uz/)

Center for “Development Strategy”

Omonova Shohista Ikrom qizi
"Mintaqaviy iqtisodiyot" yo‘nalishi
II kurs, MRE 10-guruh magistranti

IJTIMOIY-IQTISODIY ISLOHOTLARNING IQTISODIY O‘SISHGA TA'SIRI

Annotatsiya: *Hozirgi kunda mamlakatimizda bir qator ijtimoiy-iqtisodiy islohotlar amalga oshirilmoqda. To‘g'ri belgilangan ijtimoiy-iqtisodiy siyosat mamlakatda jadal iqtisodiy o‘sishni ta'minlaydi. Iqtisodiy o‘sishga erishilganda mamlakatda aholi turmush tarzi yaxshilanadi. Maqolada yurtimizda amalga oshirilayotgan ijtimoiy-iqtisodiy siyosat va uning iqtisodiy o‘sishga ta'siri tahlil qilingan.*

Kalit so‘zlar: *Iqtisodiy o‘sish, YaIM, ijtimoiy-iqtisodiy siyosat, bank tizimi, ijtimoiy islohotlar, soliq tizimi.*

Kirish.

Mamlakatimiz mustaqillika erishganidan so‘ng iqtisodiyotni rivojlantirish, aholi turmush tarzini yaxshilash, farovonlikka erishish maqsadida keng ko‘lamli islohotlar amalga oshirildi. Qo‘yilgan maqsadga erishish uchun har bir soha va tarmoqlar uchun qabul qilingan qarorlar, farmonlar, qonunlar va ularning ijrosi muhim ahamiyatga ega.

Bu islohotlardan ko‘zlangan pirovard maqsad bitta – xalqimizni hayotdan rozi qilish, boy qilish. Bunga odamlarni tadbirkorlikka, ishbilarmonlikka o‘rgatish, kichik biznes va tadbirkorlik sohasini qo‘llab-quvvatlash va rag‘batlantirish orqali erishish mumkin. Zotan, Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev ta’kidlaganidek, “xalq boy bo‘lsa, davlat ham boy va qudratli bo‘ladi”. [1]

Tadqiqot metodoligiyasi.

Tanlangan metodologiya umumiy tadqiqot strategiyasi, kompleks tahlil usullari, ma'lumotlarni qayta ishlash va umumlashtirish, statistik tahlil usullaridan foydalanishning kombinatsiyasidir. Ular birgalikda ishda belgilangan maqsad va vazifalarga erishish uchun muammoning keng qamrovli ilmiy tadqiqotini o‘tkazishga qaratilgan.

Tadqiqot natijalari.

Iqtisodiy o‘sish deganda bevosita yalpi ichki mahsulot (YaIM) va uning aholi jon boshiga to‘g‘ri keluvchi qiymatining ortishi tushuniladi.[2]

Agar YaIM hajmining o‘zgarish sur'ati aholi sonining o‘zgarish sur'atidan yuqori bo‘lsa, aholining turmush farovonligi ortadi. Agar ushbu ko‘rsatkichlar bir xil bo‘lsa, aholining turmush darajasi o‘zgarmaydi. YaIM hajmining o‘zgarish sur'ati aholi sonining o‘zgarish sur'atidan ortda qolsa, aholi turmush darajasining pasayishi kuzatiladi.

Iqtisodiy o‘sishga ekstensiv va intensiv omillar ta'sir qiladi.

Ekstensiv omil - ishlab chiqarishning amaldagi shakli saqlab qolingan holda iqtisodiy o‘sishga erishish omili. Misol uchun sanoatda yangi quvvatlarni jalb qilish yoki ishga tushirish, dehqonchilikda yer maydonini kengaytirish ekstensiv iqtisodiy o‘sish omillari bo‘lishi mumkin.

Intensiv omil - mavjud ishlab chiqarish shaklini samarali tarzda o‘zgartirish orqali iqtisodiy o‘sishga erishish omili. Bunda iqtisodiy o‘sishga ishlab chiqarish jarayoniga yangi texnologiyalarni jalb qilish, innovatsion metodlardan foydalanish, xodimlar malakasini oshirish orqali erishiladi.[3]

Iqtisodiy o‘sishning ikkala omilidan ham hozirda alohida-alohida foydalanish holatlari deyarli kuzatilmaydi. Ekstensiv va intensiv omillardan birgalikda foydalangan holda kutilgan iqtisodiy o‘sishga erishish imkoniyati ortadi.

1-jadval.

	1995	2018	Growth		1995	2018	Growth
China	610	9771	**16,0**	Moldova	477	3227	**6,8**
Azerbaijan	397	4721	**11,9**	Mongolia	632	4122	**6,5**
Vietnam	277	2567	**9,3**	India	374	2010	**5,4**
Armenia	456	4212	**9,2**	Belarus	1371	6290	**4,6**
Lithuania	2169	19153	**8,8**	Russia	2666	11289	**4,2**
Georgia	578	4717	**8,2**	Tajikistan	214	827	**3,9**
Latvia	2322	17861	**7,7**	Kyrgyzstan	364	1281	**3,5**
Kazakhstan	1288	9813	**7,6**	Ukraine	936	3095	**3,3**
Estonia	3131	23266	**7,4**	Uzbekistan	586	1532	**2,6**

Aholi jon boshiga YaIM, AQSh dollarida, nominal o‘sish.[4]

Yuqoridagi jadvalda bir nechta davlatlarning 1995-2018-yillar davomida nominal o‘sish ko‘rsatkichi aks ettirilgan. O‘zbekiston rivojlanayotgan mamlakat sifatida 1995-2018-yillarda 2,6 foiz nominal o‘sish ko‘rsatkichiga erishgan.

1995-yilda Xitoy va O‘zbekistonning YaIM hajmi deyarli bir xil bo‘lgan bo‘lsa ham 2018-yilga kelib O‘zbekistonning nominal iqtisodiy o‘sish ko‘rsatkichi Xitoynikidan deyarli 6 barobar kam. Bu O‘zbekiston iqtisodiy o‘sishga juda sekinlik bilan erishilayotganligini anglatadi. Shuningdek, O‘zbekistonning nominal iqtisodiy o‘sish ko‘rsatkichi O‘zbekiston bilan ayni bir yilda mustaqillika erishgan qo‘shni davlatlar Qozog'iston, Tojikiston va Qirg'izistonnikidan ham kam.

O‘sish ko‘rsatkichini yanada oshirishda mamlakatimizdagi ijtimoiy-iqtisodiy islohotlarining o‘rni muhim. Xususan, bank tizimi iqtisodiyotning tomirlari hisoblanib, o‘tgan 31 yil davomida bank tizimini isloh qilish va tartibga solish uchun bir nechta huquqiy hujjatlar qabul qilindi. Jumladan, 2019-yil 11-noyabrda O‘RQ-582-sonli Markaziy bank to‘g'risidagi qonunning yangi tahriri qabul qilindi.

Ilgari Markaziy bankning bosh maqsadi milliy valyutaning barqarorligini ta'minlash bo‘lgan bo‘lsa, yangi tahrirga asosan Markaziy bank faoliyatining asosiy maqsadlari narxlarning, bank tizimining, to‘lov tizimlari ishlashining barqarorligini ta'minlashdan iborat etib belgilandi.[5] Ya'ni mamlakatda narxlarning barqarorligi ta'minlanishi aholi turmush darajasiga ta'sir etib, iqtisodiy o‘sishga erishishni ta'minlaydi.

Shuningdek, yuqori foiz stavkalari iste'mol narxlariga ta'sir qilishi va inflyatsiyani yuzaga keltirishini inobatga olgan holda O‘zbekiton Respublikasi Markaziy banki O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Inflyatsion targetlash rejimiga bosqichma-bosqich o‘tish orqali pul-kredit siyosatini takomillashtirish to‘g‘risida” farmoniga asosan 2020-yildan inflyatsiyon targetlash rejimiga o‘tdi.

Inflyatsion targetlash deganda – oldindan belgilanadigan inflyatsiya darajasi (target)ni keng jamoatchilikka e'lon qilish, hamda ushbu ko‘rsatkichga erishish va uni saqlab qolish jarayoni tushuniladi.[6]

O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki tomonidan inflyatsion targetlash rejimiga bosqichma-bosqich o‘tilayotgan bo‘lib, 2023-yilda 5 foiz darajadagi inflyatsion maqsad (target)ga erishish rejalashtirilgan.

Mamlakat byudjetining asosiy shakllantirish manbai bo‘lgan soliq tizimi to‘g'ri yo‘lga qo‘yilgan bo‘lsa, byudjet daromadlari ortadi hamda yanada ko‘proq islohotlarni amalga oshirish imkoni bo‘ladi. Shu sababdan, soliq to‘lovchilarga adolatli soliq solish tizimini yaratish maqsadida 2019-yil 30-dekabrda O‘zbekiston Respublikasi soliq kodeksining yangi tahriri qabul qilindi. Bunda bir nechta soliq turlari umumlashtirildi, ba'zilari olib tashlandi, ba'zilarini hisoblashni soddalashtirish maqsadida yagona stavka joriy etildi.

Jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig'ining yagona stavka 12% etib belgilanishi, yillik aylanmasi 1 mlrd so‘mdan oshgan yuridik shaxslarni to‘g'ridan-to‘g'ri umumbelgilangan soliq to‘lovchilar toifasiga o‘tishi va boshqa o‘zgarishlar yashirin iqtisodiyot faoliyatining ma'lum darajada kamayishiga olib keldi va bu YaIM ko‘rsatkichiga sezilarli darajada ta'sir qiladi.

Shu jumladan, ijtimoiy sohani isloh etish maqsadida ham qator ishlar amalga oshirilmoqda. Aholini uy-joyga muhtoj qatlamini uy bilan ta'minlash maqsadida O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining PF-6186-sonli "Bozor tamoyillariga asoslangan ipoteka kreditlarini ajratish orqali aholini uy-joy bilan ta'minlashga oid qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g'risida"gi farmoni va Vazirlar Mahkamasining 2021-yil 23-avgustdagi 537-sonli qarori qabul qilindi. Bunda uy-joyga muhtoj bo‘lgan aholiga yangi qurilgan uylarni ipoteka kreditlari asosida olish uchun kerak bo‘lgan boshlang'ich badalning 32 million so‘mi davlat tomonidan subsidiya sifatida ajratiladi hamda dastlabki 5 yil davomida kredit foizining 10 foizdan oshgan qismi to‘lab beriladi.[7]

Xulosa va takliflar.

Xulosa qilib aytganda, hozirda mamlakatimizda iqtisodiy o‘sishning yuqori ko‘rsatkichlariga erishish maqsadida bir qator ijtimoiy-iqtisodiy islohotlar amalga oshirilmoqda va bu harakatlar tufayli yaxshi natijalarga erishish ko‘zda tutilgan.

1. Soliq tizimida bir qancha yutuqlar bo‘lgani kabi, bir qator kamchiliklar ham bor, ya'ni hozirgi kunda qo‘shilgan qiymat solig'i (QQS) to‘lovchilari uchun QQS to‘lashda bo‘shliq nisbati koeffitsienti joriy etilgan bo‘lib, bu tufayli tadbirkorlar toifalarga ajralib qolmoqda va QQS to‘lovchisi bo‘lmaslik maqsadida daromadlarini yashirish holatlari ham yuzaga kelmoqda. QQS tadbirkorni boshqaruvchi richag vazifasini o‘tamasligi kerak. Yashirin iqtisodiyotning mavjudligi, YaIM hajmining kamayishiga va aholi jon boshiga daromadlarning qisqarishiga olib keladi.

2. Shuningdek, mamlakatimizda bir nechta eksport faoliyati bilan shug'ullanuvchi korxonalar bo‘lib, ular eksport qilingan tovar va xizmatlardan QQS to‘lashdan ozod etilgan. Eksport qiluvchi

korxonalar uchun xarid qilingan tovar va xizmatlar uchun to‘lagan QQS summasi uni to‘lashda hisobga olinmaydi, aksincha ortiqcha to‘lov sifatida qaytarib beriladi. Lekin hozirgi kunda eksportyor korxonalar tezlashtirilgan tartibda ya'ni 7 kunda QQS ni qaytarib olish huquqiga ega bo‘lsalar ham, QQS ni qaytarish oylar mobaynida cho‘zilmoqda. Bu esa eksportyor korxonalarning materil va xomashyolar uchun mablag'lari yetmay qolishi holatlari, natijada esa ishlab chiqarish hajmi kamayishiga yoki ishlab chiqarishda uzilishlar bo‘lishiga olib kelmoqda. Bilamizki, xorijiy valyutaning milliy valyutaga nisbatan kursini belgilash koridorida tashqi savdo balansi omili ham bor. Milliy valyutamizning qadrsizlanishi, inflyatsiyani yuzaga keltiruvchi omillardan biri hisoblanadi. Yuqori inflyatsiya darajasi esa, mamlakatda iqtisodiy o‘sish kuzatilmayotganligini anglatadi.

3. Aholini uy-joyga muhtoj qatlamini uy bilan ta'minlash maqsadida qabul qilingan farmon va qarorlar natijasida bir qancha oilalar uy-joyli bo‘ldi. Lekin bu ko‘rsatkich uy-joyga muhtoj aholining 1/10 qismini ham tashkil etmaydi. Sababi, subsidiya asosida faqat yangi qurilgan ya'ni birlamchi bozordan uy-joy xarid qilish mumkin. Yangi uylarni qurayotgan tashkilotlarning ko‘pi xususiy korxonalar bo‘lib, ular subsidiya asosida uylarni sotishni xohlashmaydi. Shu sababli, subsidiya asosida ikkilamchi bozordan ham uy-joy xarid qilish, yangi qurilgan uylarni subsidiya asosida sotgan tadbirkorlarga soliq imtiyozlari berilishi tartibi yo‘lga qo‘yilishi lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. uza.uz
2. "O‘zbekiston ovozi" ijtimoiy-siyosiy gazetasi, iqtisodchi Akram Mo‘minov
3. investopedia.com
4. https://databank.worldbank.org/source/world-development-indicators
5. 2019-yil 11-noyabr O‘RQ-582-sonli Markaziy bank to‘g'risidagi qonun
6. finlit.uz
7. Vazirlar Mahkamasining 2021-yil 23-avgustdagi 537-sonli qarori

Yangiyeva N.S.
Magistratura bo‘limi, 2-bosqich, MSS-10 guruhi talabasi.

JISMONIY SHAXSLARNING KO‘CHMAS MULKINI SOLIQQA TORTISH AMALIYOTINI TAKOMILLASHTIRISH

Annotatsiya: *Ko‘chmas mulk ob’ektlariga xos bo‘lgan xususiyat ularni budjet daromadlarining eng barqaror va oson boshqariladigan manbai sifatida ajratish imkonini berdi. Ko‘chmas mulk nafaqat hayotni ta’minlashning zaruriy elementi, balki uning yuqori ijtimoiy va iqtisodiy ahamiyatini belgilovchi iqtisodiy faoliyatining o‘ziga xos xususiyatidir.*

O‘zbekistonda ko‘chmas mulkning kadastr qiymatiga asoslangan mulk solig‘i va yer solig‘i bo‘yicha mahalliy soliq yig‘ishning yagona tartibiga bosqichma -bosqich o‘tish munosabati bilan ko‘chmas mulkka soliq solish masalalari alohida ahamiyat kasb etmoqda.

Ko‘chmas mulk obyektlarini bozor bahosiga yaqin bo‘lgan kadastr qiymati asosida mol-mulk va yer soliqlarini hisoblash tizimini joriy etish ikki bosqichda amalga oshirilishi ko‘zda tutilgan:

Birinchi bosqich (2021−2023 yillar) — ko‘chmas mulk bo‘lgan turar-joy fondi ob’ekti (kvartira, yakka tartibdagi uy-joylar, dala-hovli), shuningdek, ushbu ob’ektlar egallagan yer uchastkalari;

Ikkinchi bosqich (2022−2024 yillar) — yashash uchun mo‘ljallanmagan alohida ko‘chmas mulk obyektlari, shuningdek ushbu obyektlar egallagan yer uchastkalari. 2021−2022 yillarda bozor qiymatiga asoslanib, kapital qurilishga mo‘ljallangan obyektlar va yer uchastkalaridan foydalanishga bog‘liq holda ko‘chmas mulk obyektlarini kadastr qiymatini aniqlash bo‘yicha sinov tartibida respublika hududlarida «tajriba-sinov» asosida o‘tkaziladi.

Jismoniy shaxslardan olinadigan mol-mulk solig‘i O‘zbekiston Respublikasining 1993 yil 28 dekabrda qabul qilingan “ Jismoniy shaxslardan olinadigan mol-mulk solig‘i to‘g‘risida” gi qonuniga asosan 1994 yil 1 yanvardan joriy etildi. Jismoniy shaxslar uchun mulk solig‘ining bazasi 2018 yilga qadar mulkning inventarizatsiya qiymati hisoblanar edi. Mulkning inventarizatsiya qiymatini aniqlashda eskirgan normativ baholash tizimidan foydalanilishi natijasida ko‘chmas mulklarning haqiqiy bozor bahosidan ancha katta og‘ishlarga va soliq bazasining sun’iy ravishda kichik bo‘lishiga yo‘l qo‘yib kelindi. Jismoniy shaxslardan olinadigan mol- mulk solig‘i 2018 yildan boshlab ko‘chmas mulkning kadastr qiymatidan kelib chiqqan holda hisoblanadigan bo‘ldi. Mol-mulkning inventarizatsiya qiymatidan kadastr qiymatiga o‘tish munosabati bilan baholovchi organlar tomonidan baholanmagan mol-mulklarning shartli qiymati 10 barobarga oshirildi.

Mamlakatimizda Davlat soliq qo‘mitasi huzuridagi Kadastr agentligi tomonidan 2022 yil 1 yanvarga qadar ko‘chmas mulk ob’ektlarning kadastr qiymatini ularning bozor bahosiga asoslangan holda aniqlash, har bir egalik qiluvchiga tegishli bo‘lgan ko‘chmas mulk ob’ektlari to‘g‘risida to‘liq va ishonchli ma’lumotlar bazasini yaratish uchun axborot tizimini takomillashtirish, ko‘chmas mulk ob’ektlarini ularning bozor bahosidan kelib chiqqan holda sifatli baholashdan o‘tkazish metodikasini ishlab chiqish belgilandi. Shuni ham ta’kidlashimiz kerakki, yer uchastkalarini kadastr baholash natijalari toifalari mamlakatimizdagi barcha foydalanuvchilar va yer egalarining manfaatlariga tegishli ekanligini unutmasligimiz lozim.

Amaldagi qonunchilikka ko‘ra mol-mulk solig‘ining bazasi korxonalar uchun ko‘chmas mulkning yillik o‘rtacha qoldiq qiymati, jismoniy shaxslar uchun esa ko‘chmas mulkning kadastr qiymatidan iborat. Fikrimizcha, ko‘chmas mulkni soliqqa tortish mexanizmining asosi yuridik va jismoniy shaxslar uchun bir xil bo‘lishi lozim. Mulkni soliqqa tortish tizimini maksimal darajada unifikatsiyalash uchun amaldagi yuridik shaxslar uchun alohida, jismoniy shaxslar uchun alohida o‘rnatilgan tartib qoidalardan voz kechish zarur. Chunki aynan shunday mexanizm mulk solig‘i yukini kamaytirish maqsadida tadbirkorlik sub’ektlari tomonidan har xil bahonalar o‘ylab topilishiga sabab bo‘lmoqda. Demak yuridik shaxslar uchun ham mol-mulk solig‘i bazasi sifatida ko‘chmas mulkning kadastr qiymati o‘rnatilishi lozim. Bunda kirim qilingan asosiy vosita (ko‘chmas mulk) buxgalteriya qiymatining amortizatsiya ajratmalari orqali xarajatlarga olib borilishi faqat foyda solig‘ini hisoblab chiqish maqsadlarida amalga oshirilishi ko‘zda tutiladi.

Mulk solig‘i bazasini isloh qilish bilan bog‘liq yana bir masala bu ko‘chmas mulk ob’ektlari kadastr qiymatini ularning real bozor qiymati bilan muvofiqlashtirishdir. Soliqning ko‘chmas mulk bozor qiymatiga nisbatan hisoblanishi mazkur soliqdan ko‘zlangan asl maqsadlarga (fiskal, iqtisodiy, ijtimoiy) to‘laqonli erishish imkoniyatini yuzaga keltiradi.

Mulk solig‘i mexanizmini takomillashtirishdagi yana bir muhim element soliq stavkasidir. Ko‘chmas mulk solig‘i bazasining yuridik va jismoniy shaxslar uchun unifikatsiyalanishi o‘z-o‘zidan soliq stavkalarini ham bir xilda qo‘llashni, soliq bazasining bozor qiymati asosida belgilanishi esa stavkalarni qayta ko‘rib chiqishni talab etadi. Xorijiy tajribada soliqqa tortishdagi ijtimoiy adolat ta’minlanishi uchun ko‘chmas mulk solig‘i stavkalarini belgilashda mulkning bozor (kadastr) qiymati oshib borishiga qarab progressiv mexanizm asosida belgilash prinsipiga amal qilinadi. Bundan tashqari, aksariyat mamlakatlarda kochmas mulkni soliqqa tortishda “nol” foiz qo‘llaniladi.

Rivojlangan xorijiy mamlakatlarda ko‘chmas mulk soliqlari ko‘chmas mulk ob’ektlarining baholangan qiymatining ma’lum foizini tashkil etadi. Shu bilan birga mamlakatlar o‘rtasida soliq solinadigan bazaning hajmini aniqlashga yondashuvlar farq qilishi mumkin. Soliqni hisoblash odatda quyidagi qiymatlardan biriga asoslanadi:

- soliqqa tortiladigan ko‘chmas mulkning sotish qiymat;
- ijaraga berilishi mumkin bo‘lgan daromad miqdori sifatida hisoblangan qiymati.
- soliq solinadigan ko‘chmas mulk maydoni.
- soliq solinadigan ob’ektlarning tarkibi va ularning foydalanish maqsadlariga qarab har xil stavkalar qo‘llaniladi.

2018 yilda boshlangan soliq siyosatida imtiyozlarning samaradorligini monitoring va nazorat qilish bo‘yicha ta’sirchan tizimning mavjud emasligi sababli sog‘lom raqobatni ta’minlashga salbiy ta’sir ko‘rsatuvchi, xo‘jalik yurituvchi sub’ektlarni soliq va bojxona, shu jumladan individual xususiyatga ega bo‘lgan imtiyozlar hisobiga qo‘llab quvvatlash amaliyotining keng tarqalganligini hisobga olgan holda, 2018 yil 1 noyabrga qadar muddatda samarasiz soliq va bojxona imtiyozlari hamda preferensiyalarini bekor qilish, O‘zbekiston Respublikasining soliq va bojxona kodekslariga muvofiq doimiy amal qiluvchi soliq hamda bojxona imtiyozlarini taqdim etish tartibini joriy qilish amalga oshirildi. O‘zbekiston Respublikasida ko‘chmas mulkka soliq solishni rivojlantirish yo‘nalishi bo‘yicha olib borilayotgan siyosat mavjud soliqlarning moliyaviy ahamiyatini oshirishga qaratilgan. Shu bilan birga, ko‘chmas mulk ob’ektlariga soliq solinadigan bazani aniqlashda yagona yondashuvga o‘tish orqali ko‘chmas mulkka soliq solish tizimini takomillashtirish amalga oshirilmoqda.

Amalga oshirilayotgan islohotlarning yana bir yo‘nalishi asosiy vositalarning faol qismiga soliq yukini kamaytirishdir. Biroq, shuni unutmaslik kerakki, soliq to‘lovchilar doirasini yoki soliq solinadigan ob’ektlar doirasini kengaytirish yoki soliq ma’muriyatining zaxiralari hisobiga soliqlarning pasayishini oldini olish bilan, ko‘char mulkka soliq yukini kamaytirishni ta’minlash mumkin. Shuni ta’kidlash kerakki, 2010-2020 yillar davomida yuridik shaxslarning mol – mulkiga solinadigan soliqning budjetga tushadigan umumiy miqdoriga nisbatan qarzi o‘rtacha 3% ni tashkil etdi. Shu bilan birga, yuridik

shaxslarning mol-mulkiga solinadigan soliqning budjetga tushmaydigan katta qismi ular uchun belgilangan imtiyozlarga to‘g‘ri keladi.

So‘nggi ikki yil davomida koronavirus pandemiyasi davrida aholini, ayniqsa, umumiy ovqatlanish, savdo va xizmatlar sohasidagi tadbirkorlik sub’ektlarini qo‘shimcha ravishda qo‘llab – quvvatlash, ularning daromadlarini ta’minlash , sanitariya- epidemiologik vaziyat yaxshilanishiga qarab ushbu sub’ektlarni jadal qayta tiklash, shuningdek, ish o‘rinlarini saqlab qolish maqsadida yangi imtiyozning joriy qilinishi hisobiga soliq imtiyozlari miqdori sezilarli darajada oshdi. Birgina O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 20 iyuldagi PF -6029-sonli farmoniga asosan 2020 yil 31 dekabrga qadar mol –mulk solig‘i va yer solig‘ini to‘lashdan ozod qilish bo‘yicha berilgan imtiyozlar miqdori qariyb 500 mlrd. so‘mni tashkil etgan. 2016 – 2020 yillarda mol-mulk va yer solig‘i bo‘yicha berilgan imtiyozlarda yuridik shaxslarga berilgan imtiyozlar ulushi jismoniy shaxslarga berilgan imtiyozlarga nisbatan 2 barobar ko‘pligi bilan farqlanadi.

Jismoniy shaxslarning mol –mulk solig‘i bo‘yicha soliq bazasini tahlil qilish natijasida soliq imtiyozlarini berishning amaldagi tartibidan foydalanish O‘zbekiston Respublikasida soliq solinadigan qiymatning kadastr qiymatidan sezilarli darajada chetga chiqishiga olib keldi. O‘zbekiston Respublikasida soliq bazasining notekis pasayishi soliq yukining taqsimlanishiga salbiy ta’sir ko‘rsatadi, shuningdek mahalliy budjetlarning o‘zlarining soliq tushumlarining o‘sishiga to‘sqinlik qiladi. Shu munosabat bilan jismoniy shaxslarning mol-mulk solig‘i bo‘yicha imtiyozlar berish yondashuvini ko‘rib chiqish maqsadga muvofiqdir.

Mamajonova Enaxon Mirfoziljonovna
MMRT-10 guruhi 2-kurs magistranti

MARKETING KORXONANING TIJORAT FAOLIYATINING SAMARADORLIGINI OSHIRISHDAGI ASOSIY OMIL SIFATIDA

Annotatsiya. *Maqolada "Marketing”, atamasining turli ta'riflari ko‘rib chiqildi va iqtisodiy adabiyotlardagi ikkita asosiy ta’rifga alohida e`tibor qaratildi. Maqolada korxona marketingining funktsiyalari, ob'ektlari va sub'ektlari ko‘rib chiqildi, bundan tashqari bozor kontseptsiyasining asosiy tamoyillari va qoidalariga tavsif berildi. Iqtisodiy samaradorlikni hisoblashning ko‘rsatkichlari va usullari ko‘rib chiqildi. Korxonada marketing va korxona tijorat faoliyati o‘rtasidagi o‘zaro bog'liqlig tahlil qilindi.*

Kalit so‘zlar: *marketing, iqtisodiy samaradorlik, tijorat faoliyati, bozor tahlili,bozor kontsepsiyasi.*

Marketing atamasi iste’molga XIX asrning 60-yillarida Makkovern tomonidan kiritilgan. Marketing nazariy konsepsiya va tijorat faoliyatining o‘ziga xos hodisasi tarzida XX asr boshlarida AQShda ilk bor qo‘llanildi. Bu davr ishlab chiqarish inqirozi bilan tavsiflanib, iste'molchilarning ehtiyojlarini qondirish bilan bog'liq muammolari bilan bog‘liq edi.

Ushbu davrda marketingning tijoratdagi asosiy maqsadi korxona tomonidan ishlab chiqarilgan yoki ishlab chiqara oladigan mahsulotni sotib olishga qodir xaridorni topishdan iborat bo‘lgan.

Marketing nazariyasiga ko‘ra, korxonalar o‘z faoliyatining asosiy tamoyili sifatida korxona tomonidan ishlab chiqarilgan mahsulotni sotish emas, balki iste'molchilar talabiga mos keladigan mahsulotlarni ishlab chiqarishga qaratilgan bo‘lishi kerak.

Hozirgi kunda “Marketing” bu nafaqat falsafa, fikrlash tarzi va iqtisodiy tafakkur yo‘nalishi, balki ayrim korxonalar, kompaniyalar, tarmoq va butun iqtisodiyot kesimida amaliyot faoliyati hamdir. AQSH va boshqa xorijiy davlatlarning iqtisodiy adabiyotlarida marketingga turli ta’riflar mavjud. Shular ichida eng keng tarqalgan marketing ta’rifi Amerika marketing assotsiatsiyasi tomonidan berilgan bo‘lib, uning mazmuni quyidagichadir, ya’ni marketing – narx shakllantirish, g‘oyalarni siljitish va amalga oshirish, tovar va xizmatlarni ayirboshlash orqali sotish natijasida alohida shaxslar va tashkilotlar talabini qondirishga yo‘naltirilgan jarayon.

Amerikalik iqtisodchi va marketolog F.Kotler o‘zining "Marketing asoslari.” kitobida quyidagi ta’rifni beradi: “Marketing – ayirboshlash orqali iste’molchilarning talab va ehtiyojlarini qondirishga yo‘naltirilgan inson faoliyatidir”.

Xorijiy mamlakatlarning iqtisodiy adabiyotlarida “marketing” tushunchasi yangilik emas. Ammo shunga qaramay, ushbu kontseptsiyaning aniq ta'rifi yo‘q. Biroq, iqtisodiy madaniyatda bu atama ikkita asosiy tushuncha sifatida talqin qilinadi.

Birinchidan, bu mahsulot ishlab chiqarilishining boshidan yakuniy natijaga (iste'molchi foydalanish) qadar ishlab chiqish va rag'batlantirishga qaratilgan faoliyatdir.

Ikkinchidan, "marketing" tushunchasini talab qilinadigan tovarlar va xizmatlarni ishlab chiqarishga qaratilgan kompaniyani tashkil etish va boshqarishning murakkab tartibi sifatida ko‘rish mumkin.

Ushbu kontseptsiya bilan marketingni kompaniyaning bozorni o‘rganish, rejalashtirish, narxlash, reklama, tovar yoki xizmatlarni ishlab chiqarish va sotish va boshqalarni o‘z ichiga olgan bir qator funktsiyalari sifatida belgilash mumkin.

Marketing ko‘p funktsiyali tizim sifatida, u mahsulot yoki xizmatning o‘z g'oyasi va kontseptsiyasini ishlab chiqishdan boshlanadi.

Marketing munosabatlarining sub'ektiga tashkilotchilar / ishlab chiqaruvchilarning o‘zlari, vositachilar va tashkilot (korxonalar) iste'molchilari kiradi. Eng faol pozitsiyani ishlab chiqaruvchilarning o‘zlari va, albatta, vositachilar egallaydi.

Marketing munosabatlari ob'ektiga bevosita foydalaniladigan barcha moddiy komponentlar (xizmatlar, mahsulotlar va tovarlar) kiradi.

Yuqoridagilardan kelib chiqib, bozor kontseptsiyasining asosiy tamoyillari va qoidalarini umumlashtirishimiz mumkin:

— korxona siyosati, shu jumladan korxona faoliyatini boshidan oxirigacha rejalashtirish, hatto uning moliyaviy faoliyat ham iste'molchiga yo‘naltirilgan bo‘lishi lozim;

— har qanday tashkilotning maqsadi foyda olishdir va shunga bois korxonada sotish hajmi ko‘p bo‘lishi lozim;

— korxona uzoq muddatli prespektivada bozorning ma'lum ulushini qamrab olishni ko‘zlashi lozim;

— bozor bilan samarali aloqani ta'minlash, mahsulotni samarali targ‘ib qilish maqsadida barcha mavjud reklama vositalaridan foydalanish va reklamani faol shakllantirish.

Marketologlarning asosiy maqsadi tovar va xizmatlarga bo‘lgan xarajatlarni minimallashtirish asnosida, ularning sotish hajmini maksimal oshirishdan iborat bo‘lib, bu jarayon o‘z ichiga albatta tovar va xizmatlarni rivojlantirishning keyingi istiqbollarini o‘z ichiga olgan bo‘lishi kerak.

Faqat bu holatda tijorat faoliyatining maqsadi foydani maksimal darajada oshirish va xarajatlarni kamaytirishdir.

Yuqoridagilarni inobatga olib shuni aytishimiz mumkinki, marketing korxonanng tijorat faoliyati samaradorligini oshirish usullarining ajralmas qismlaridan biridir.

Samaradorlik - olingan samaraning (natijaning) unga erishish uchun zarur bo‘lgan xarajatlarga (moddiy, mehnat, moliyaviy, axborot, intellektual) nisbatini aks ettiruvchi nisbiy ko‘rsatkichdir.

Samaradorlik juda murakkab iqtisodiy kategoriya bo‘lib, boshqaruvning turli darajalarini (masalan, hukumat, sanoat yoki korxona kesimida) qamrab oladi. Uning qiymatiga bir qator omillar ta'sir ko‘rsatadi. Xususan, korxonaning tijorat faoliyati samaradorligi, resurslardan foydalanish samaradorligi, ishlab chiqarish samaradorligi va ushbu jarayonlarni tahlil qilish uchun ko‘rsatkichlar tizimi zarur bo‘ladi.

Marketingning maqsadi minimal xarajat orqali sotish hajmini ko‘paytirish bo‘lganligi sababli, ushbu jarayonga ta'sir qilishi mumkin bo‘lgan samaradorlik ko‘rsatkichlarini ko‘rib chiqish lozim. (1-jadval).

Korxonaning samaradorlik ko‘rsatkichlari.

1-jadval

Ko‘rsatkichlar	**Hisoblash usuli**	**Ma'nosi**
Savdo rentabelligi	**R prod. = P (sof daromad)/V (daromad)(**1) Bu yerda P - ma'lum bir davrda sotishdan olingan foyda V- kompaniyaning xuddi shu davrdagi mahsulotni sotishdan tushgan daromadi	Savdo rentabelligi sof foydaning umumiy daromadga nisbati sifatida hisoblanadi.
Xarajatlar rentabelligi	**R=P/Dh×100%** (2); Bu yerda P - davr uchun sotishdan olingan foyda; PS - davr uchun umumiy xarajatlar	Korxonaning bir so‘m qiymatidan sotishdan qancha foyda olishini tavsiflaydi.
Aktivlar rentabelligi	**Raktiv= (sof foyda/o‘rtacha yillik aktivlar) ×100%** (3)	Jozibadorlik manbasidan qat'i nazar, aktiv qiymati birligidan qancha foyda birligi olinganligini tavsiflaydi.

Korxona faoliyati samaradorligini oshirishning eng muhim uslublaridan biri bu korxonada bozorni to‘liq tahlil qilish uchun tizimli marketingni tashkil etishdir. Bu esa o‘z navbatida mahsulotni narxi, unga bo‘ladigan talab hajmini, modeli va uning istiqbolini prognoz qilish imkoniyatini yaratadi. Iqtisodiy rivojlangan mamlakatlarda marketing xizmatlarini ko‘rsatishga ixtisoslashgan mahsus korxonalar mavjud.

Marketing korxona samaradorligiga uning korxona foydasini shakllantirishdagi aktiv roʻli orqali ta’sir qiladi.

Marketing boshqaruv tizimining asosiy vazifalari quyidagilardan iborat:

– birinchidan, u korxona bilan oʻzaro bog'liq boʻlgan bozorga kirish, oʻrganish, tahlil qilish va kuzatib boorish bilan shug'ullanadi;

– ikkinchidan, kompaniyanining bozordagi faoliyati taktikasini ishlab chiqish va uni amalga oshirish.

Har qanday korxona muvaffaqiyatining kaliti iste'molchilarning ehtiyojlariga qiziqish va ularni qondirishdir. Korxona faoliyati samaradorligini oshirish uchun ite’molchilaning talab va ehtiyojlarini aniqlovchi soʻrovlarni va tadqiqotlarni olib borish.

Bundan tashqari bozor va raqobatchilarni tahlil qilish, manopoliyani oʻrganish maqsadida marketingda ishlab chiqarish bozorining strukturasini oʻrganish ham muhim roʻl oʻynaydi.

Raqobatchilarni tahlil qilishda raqobatchi bozorda qaysi boʻshliqlarni nazorat qilishini, uni ishlab chiqarishni rivojlantirishni va tovarlarning sifatini, shuningdek, barcha reklama komponentlarini va texnik imkoniyatini aniqlash kerak Professional tarzda olib borilgan tadqiqotlar davomida mutaxassislar raqobatbardosh korxonalarning ijobiy va salbiy tomonlarini aniqlashlari, ularning kuchli va zaif tomonlarini oʻrganishlari mumkin, bu esa keyinchalik korxona foydasining oʻsishi va uning rivojlanishida muhim roʻl oʻynaydigan qarorlar qabul qilishida muhim roʻl oʻynaydi.

Oʻtkazilgan tadqiqotlar misollaridan foydalanib, biz shuni ta'kidlashimiz mumkinki, korxonalar faqatgina tovarlar (xizmatlar) tsikli bir-biriga toʻg'ri kelganda yaxshi foyda va maksimal samaradorlikka ega boʻladi.

Kompaniyalarga nisbatan marketingning asosiy vazifasi iste'molchilar orasida talabga ega boʻlishi mumkin boʻlmagan foydasiz sohalarda pulni tejash imkoniyatidir. Bundan kelib chiqadiki, bir vaqtlar marketing xizmatlariga sarflagan korxona kelajakda sarflangan pulni albatta tejaydi va hatto qoplaydi. Bundan tashqari, marketing xizmati tashkilotning moliyaviy bozorda va iste'molchilar (mos ravishda raqobatchilar) koʻz oʻngida reytingini oshiradi.

Xulosa oʻrnida aytishimiz mumkinki marketingning korxona faoliyatidagi oʻrni beqiyosdir. Marketing korxonani istiqbolsiz bozorlarga kirishini va iste’molchilar talabini qondira olmaydigan va bozorda oʻz oʻrnini topa olmaydigan mahsulotlarni ishlab chiqarishini oldini olishi orqali, korxonaning foydasiz harajatlarni oldini oladi. Bu esa oʻz navbatida korxona uchun yuqorida keltirilgan salbiy jarayonlardan yuzaga keladigan harajatlardan koʻra, kelajakda qoplash imkoniyatini beruvchi marketing xizmatlaridan foydalanish ham afzal ham foydalidir.Bundan tashqari marketing xizmati korxonani moliya bozorida va iste’molchilar nazarida jozibadorligini oshiradi.

Foydalanilgan adabiyotlar roʻyxati.

1. *Oʻzbekiston milliy ensiklopediyasi. Davlat ilmiy nashriyoti. Toshkent 2003-y. 479 bet*
2. *Amerika marketing assotsiatsiyasi. Rasmiy sayt. - [Elektron resurs]. https://www.ama.org*
3. *Mamanazarov A., Mamanazarov M.Marketing terminlari izohli lugʻati T.:. Sharq, 2012.*
4. *Котлер Ф. Основы маркетинга. Краткий курс: учеб. пособие. – М.: Издательский дом «Вильяме», 2007. – 656 с*
5. *Qosimova M.S., Yusupov M. A., Ergashxoʻjayeva Sh. Z. Marketing: Darslik. 2010.*
6. *Маркетинг: учебник / Соловьев Б.А., Мешков А.А., Мусатов*

Matyakubov X.B.
«Davlat moliyasi va xalqaro moliya»
Magitratura mutaxassisligi 2-bosqich magistranti

O‘ZBEKISTONDA FOND BOZORINI RIVOJLANTIRISH MASALASI

Annotatsiya: *Mazkur ilmiy ma’ruza tezisida Oʻzbekistonda fond bozorini rivojlantirish va bugungi bozor iqtisodiyoti rivojlanayotgan davrda uning ahamiyati haqida fikr yuritiladi. Shu bilan bir qatorda, fond birjasi hamda uning rivojida tijorat baknlarini tutgan oʻrni toʻgʻrisida ham mulohazalar keltirib oʻtilgan.*

Kalit soʻz va birikmalar: *fond bozori, fond birjasi, tijorat banklari, bozor iqtisodiyoti.*

Bugun jadal rivojlanish asrida har qaysiki davlatning iqtisodiy hayotida koʻzga tashlanadigan jihati, ma’lum tarmoqlarida pul yetishmovchiligi bilan bir qatorda, yana ayrim tarmoqlarida koʻpgina miqdordagi pullar boʻsh yotishidir. Ayni shu oʻrinda bir tarmoqdagi mavjud mablagʻni oʻz oʻrnida ma’lum muddat davomida ortiqcha boʻlishi yoxud yetishmovchiligi navbatma-navbat oʻrin almashishini hisobga olib aytadigan boʻlsak, mablagʻi yetarli darajada boʻlgan va mana shu mablagʻga ehtiyoji boʻlgan tarmoqlarni iqtisodiy maydonda bir-biriga duch keltiruvchi soha bu — moliya bozori, ya’niki, fond birjasidir. Bugungi kunda jahonning zamonaviy ustunlikka ega Qator mamlakatlari bozor iqtisodiyotidada

fond birjalarining faoliyatini ko‘rishimiz mumkin. Shu jumladan, fond birjalari bozor iqtisodiyotining muhim instituti sifatida qaraladi hamda o‘ziga tegishli bo‘lgan moliya institutlarining faoliyatini milliy iqtisodiyotidan kelib chiqqan holda ahamiyati muhim sanaladigan qator vazifalarni ham o‘z zimmasiga oladi. Shu o‘rinda fond bozorini jismoniy yoki bo‘lmasa, qimmatli qog‘ozlar bilan operatsiyalarni amalga oshirish imkonini yaratuvchi mexanizmlarning jamlanmasi deyishimiz mumkin. Qimmatli qog‘ozlarning savdosi uchun ayni mo‘ljallangan uyushgan bozor ham, shu qimmatli qog‘zolarni sotuvga chiqaradgigan sotuvchisi va uni xarid qiluvchi xaridorlarni bir-biri bilan uchrashtiruvchi joy ham — fond birjasiidir.

Biz iqtisodiyotning jahon tajribasiga yuzlanib aytishimiz mumkinki, iqtisodiy sohaning turfa tarmoqlari uchun zaruriy investetsiyalarni jalb etishnining muhim manbai sifatida qimmatli qog‘ozlar bozorining ahamiyati yuqori. Hamda bank krediti orqali moliyalashtirishning muqobil varianti hamdir. Aynan shu jihatdan ham qanday davlat bo‘lishidan qat’iy nazar, iqtisodiy tizimining holati fond bozoridagi ko‘rsatadigan faolligi orqali namoyon bo‘ladi. Mazkur bozorda yuridik yoki jismoniy jismoniy shaxslar qo‘llaridagi mablag‘ini kelajakda foyda olish maqsadida aksiya hamda boshqa qimmatli qog‘ozlarga yo‘naltiradi. Qimmatli qog‘ozlar ortidan foyda olish dividend yoki foiz ko‘rinishida yoxud ularni ikkilamchi ravishda yuqoriroq bahoga sotish evaziga amalga oshiriladi. Moliyaviy fond birjalarining o‘z faoliyatining mavjudligi bir necha subyektlarga borib taqaladi, ya’ni moliyaviy fond birjalari ayni shu subyektlarning ishtiroki bilangina faoliyatini amalga oshira oladi. Ular: emitentlar, investorlar va prefessional a’zolardir. Uchala subyektga quyidagi ko‘rinishda ta’rif berishimiz joiz bo‘ladi:

* ***Emitentlar.*** *Fond bozorida ishtirok etadigan ushbu subyekt yuridik shaxs, davlat organi yoki mahalliy hokimiyat organi ham bo‘lishi mumkindir;*

* ***Investorlar.*** *Fond bozorida qatnashadigan bu subyekt turi jismoniy va yuridik shaxslar — kompaniya va korxonlar, davlat idoralarini o‘z tarkibiga oladi. Bu qayt etilgan shaxslar kelajakda o‘z kapitallarini foyda olish yo‘lida sarflashlari, aniqroq aytadigan bo‘lsak, foyda ko‘rishni maqsad qilib, qimmatli qog‘ozlar xaridiga jalb qilishlari mumkin;*

* ***Professional a’zolar.*** *Uchinchi subyekt sifatida fond bozorida ishtirok etadigan shaxslar deya olamiz ularni. Broker-u treyderlar, dillerlar professional a’zolar deyish ham to‘g‘ri bo‘ladi. Qisqa qilib aytganda, ular tomonlardan birining vakili hamda vositachilardir. Muvaffaqiyatli bitimning ma’lum foizlarini bu guruh vakillari qo‘lga kiritadi. Ayni shu sababdan ham kelajagi porloq savdo shartnomalarini bajarishda o‘z ishtiroklarini ta’minlash ularning manfaatlariga munosib xizmat qiladi.*

Bilamizki, bugungi kunda jamiyatimizda iqtisodiyot sohasi tobora ilg‘orlab bormoqda. Shu sabab ham davr iqtisodiyotining rivojlanish darajasiga nazar tashlab, davlatimizning iqtisodiy «ahvoliga» nisbatan bemalol fikr bildirishimiz mumkin bo‘ladi. Sababi moliya bozoriga ta’sir ko‘rsatgan holda jamiyatning iqtisodiy jihatdan faoliyatini boshqarish imkoni tug‘iladi. Ana shuning uchun ham iqtisodiyotimizdagi muhim vazifalardan biri bu —fond bozorini rivojlantirish bo‘lib turibdi. Shuning barobarida, mamlakatimizning fond bozorini hozirgidanda yuksaltirish va barqarorlashtirishda tijorat banklariga murojaat qilib va ularning investetsiyalaridan unumli foydalanish maqsadga muvoqfiq bo‘ladi. Ham xulosa ham taklif sifatida aytish mumkinki, respublika tijorat banklarining qimmatli qog‘ozlarini xalqaro fond birjalariga chiqarish, ularning sotuvda bo‘lishini ta’minlash mexanizmini joriy etish davlatimiz uchun fond bozorida faqat oldinlashga sabab bo‘ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Sh.M.Mirziyoyev. «O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha harakatlar strategiyasi to‘g‘risida»gi farmoni 07.02.2017 PF-494

2. X.Sh.Tillayev. Tijorat banklarining qimmatli qog‘ozlar bozoridagi investetsiyalar faoliyatini takomillashtirish.2018.www.wc.tseu.uz.

Odilov S.O, Qayumov Sh.N
Magistratura bo‘limi MIIT-10 guruh talabasi

BIZNESNI RIVOJLANTIRISHDA IJTIMOIY MEDIA-MARKETINGDAN SAMARALI FOYDALANISH

Annotasiya. *Maqolada Biznesni rivojlantirishda Social Media Marketingdan foydalanish samarali usul ekanligi va uni yanada kengroq qo‘llash lozimligi yoritib berilgan.*

Kalit so‘zlar: *Veb-sayt, ijtimoiy tarmoqlar, Instagram, telegram facebook, Social Media Marketing.*

Kirish

Har qanday biznes uchun veb-sayt yaratish va uni rivojlantirish muhim ahamiyatga ega. Veb-saytga ega bo‘lish bilan bir qatorda, ijtimoiy tarmoqlar orqali Internet tarmog'ini kengaytirish kerak.

Instagram, Facebook va Telegram kabi ijtimoiy tarmoqlar raqobatbardoshlikni saqlab qolish uchun zarurdir. Bugungi kunda ijtimoiy tarmoqlarda faol akkauntlari bo‘lmagan kompaniyalar ko‘plab marketing imkoniyatlarini qo‘ldan boy berishadi.

Ijtimoiy media -marketing - bu har qanday hajmdagi korxonalar uchun istiqbolli va mijozlarga erishishning kuchli usuli. Sizning mijozlaringiz allaqachon brendlar bilan ijtimoiy tarmoqlar orqali muloqot qilmoqdalar va agar siz o‘z auditoriyangiz bilan Facebook, Twitter, Instagram va Telegram kabi ijtimoiy platformalar orqali to‘g'ridan-to‘g'ri gaplashmasangiz, siz yutqazasiz! Ijtimoiy tarmoqlarda ajoyib marketing sizning biznesingizga ajoyib muvaffaqiyat keltirishi mumkin, brendning sodiq himoyachilarini yaratadi va hatto yetakchi va sotuvchilarni boshqaradi.

Metodologiya

Bu sohada ilmiy bilishning dialektik, tahlil, mantiqiylik, tarixiylik va boshqa usullar va metodlardan foydalandik.

Adabiyotlar sharhi

Ijtimoiy media marketing kampaniyalari bir vaqtning o‘zida keng auditoriyani jalb qilishning afzalliklariga ega. Misol uchun, kampaniya joriy va bo‘lajak mijozlarga, xodimlarga, bloggerlarga, ommaviy axborot vositalariga, keng jamoatchilikka va boshqa manfaatdor tomonlarga, masalan, uchinchi tomon sharhlovchilari yoki savdo guruhlariga murojaat qilishi mumkin[1].

Barcha ijtimoiy media kanallarida 3,6 milliarddan ortiq foydalanuvchi mavjud. Bitta post ulushi brend ta'sirini eksponent ravishda oshirishi mumkin[2].

Bugungi iste'molchilar tashkilot yoki mahsulot haqida ko‘proq bilmoqchi bo‘lganlarida ijtimoiy tarmoqlarni ko‘rib chiqishga shoshilishadi, chunki u erda ular bu biznes haqida gapirayotganlarni topadilar.Agar sizda ijtimoiy tarmoq bo‘lmasa-chi? Siz taassurot qoldirish uchun ajoyib imkoniyatni qo‘ldan boy berasiz[3].

Adabiyotlarni ko‘rib chiqish jarayonida keltirilgan fikrlari juda to‘gri ko‘rsatilganligiga ishonch hosil qilindi. Biznesni rivojlantirish, ko‘proq mijozlarni jalb qilish va boshqa ko‘plab imkoniyatlarni ijtimoiy media marketingi taqdim etishini ko‘rishimiz mumkin. Mijozlarni qiziqtirish va ularga foydali ma’lumotlarni taqdim qilishda, reklama qilishning juda samarali vosita bo‘lib hisoblanadi.

Asosiy qism

Social Media Marketing (SMM) - Ijtimoiy media marketing bu marketingning bir shaklidir. Ya’ni bu o‘z brendingizni tanitish, kompaniya mahsulotlari va xizmatlarini sotish uchun ijtimoiy media va ijtimoiy tarmoqlardan foydalanishni anglatadi. Ijtimoiy media marketingi kompaniyalarga mavjud mijozlar bilan muloqot qilish va yangi mijozlarga erishish yo‘lini taqdim etadi, shu bilan birga ularga o‘zlarining xohlagan madaniyati, maqsadi yoki xizmatlarini yoritish imkonini beradi. Ijtimoiy media marketingi sotuvchilarga o‘z sa'y-harakatlari muvaffaqiyatini kuzatish imkonini beradigan maqsadli ma'lumotlarni tahlil qilish vositalariga ega.

Ijtimoiy media marketingi (SMM) qanday ishlaydi?

Ijtimoiy media bizning jamiyat sifatida ishlash uslubimizni, jumladan, bir-birimiz bilan bog'lanish uslubimizni o‘zgartirdi. Facebook, Twitter va Instagram kabi platformalar paydo bo‘lishi bilan korxonalar ham e'tiborga olishdi. Ular ijtimoiy media marketingi orqali o‘z manfaatlarini ko‘tarish uchun ushbu saytlardan foydalana boshladilar. Buning sababi, bu saytlar iste'molchilarning xatti-harakatlarini o‘zgartirishga qodir. Ijtimoiy media veb-saytlari sotuvchilarga kontentni targ'ib qilish va odamlarni u bilan shug'ullanish uchun keng ko‘lamli taktika va strategiyalarni qo‘llash imkonini beradi. Ko‘pgina ijtimoiy tarmoqlar foydalanuvchilarga batafsil geografik, demografik va shaxsiy ma'lumotlarni taqdim etish imkonini beradi, bu esa sotuvchilarga o‘z xabarlarini foydalanuvchilar bilan rezonanslashadigan narsalarga moslashtirish imkonini beradi.

Biznesda SMMdan foydalanish uchun e’tibor qaratilishi lozim bo‘lgan jihatlar:

- **Ijtimoiy media tarkibini rejalashtirish** - Ijtimoiy media marketing rejasini tuzish juda muhim. Maqsadli auditoriyangizni qiziqtiradigan kontent g'oyalariga yordam berish uchun kalit so‘zlar va raqobatbardosh tadqiqotlarni ko‘rib chiqish . Sizning tarmog'ingizdagi boshqa korxonalar ijtimoiy tarmoqlarda ishtirok etish uchun nima qilmoqda?
- **Ajoyib ijtimoiy kontent** - Internet-marketingning boshqa sohalariga mos keladigan bo‘lsak, kontent ijtimoiy media-marketing haqida gap ketganda ustunlik qiladi. Muntazam ravishda xabar yuborishingizga ishonch hosil qiling va sizning ideal mijozlaringiz foydali va qiziqarli topadigan haqiqatan ham qimmatli ma'lumotlarni taqdim eting. Ijtimoiy tarmoqlarda baham ko‘radigan kontentga ijtimoiy tarmoqlardagi rasmlar , videolar, infografika, ko‘rsatmalar va boshqalar kiradi.
- **Doimiy brend tasviri** - marketing uchun ijtimoiy tarmoqlardan foydalanish sizning biznesingizga turli xil ijtimoiy media platformalarida brend obrazini loyihalashtirish imkonini beradi. Har

bir platformaning o‘ziga xos muhiti va ovozi bo‘lsada, sizning biznesingizning asosiy identifikatori, u do‘stona, qiziqarli yoki ishonchli bo‘lsin, izchil bo‘lishi kerak.

- **Kontentni targ'ib qilish uchun** ijtimoiy media - bu sizning eng yaxshi saytingiz va blogingiz mazmunini o‘quvchilar bilan bo‘lishish uchun ajoyib kanal. Ijtimoiy tarmoqlarda sodiq obunachilarni yaratganingizdan so‘ng, siz o‘zingizning barcha yangi tarkibingizni joylashtirasiz va o‘quvchilaringiz darhol yangi narsalarni topishiga ishonch hosil qilasiz. Bundan tashqari, ajoyib blog mazmuni sizga ko‘proq izdoshlar to‘plashga yordam beradi. Bu kontent marketingi va ijtimoiy media marketingi bir - biriga foyda keltirishi ajablanarli .
- **Tanlangan havolalar bilan bo‘lishish** - Ijtimoiy tarmoqlarni marketing uchun ishlatish - izdoshlar, muxlislar va fidoyilarga ega bo‘lish uchun o‘ziga xos, o‘ziga xos kontentdan foydalanishning ajoyib usuli, bu shuningdek tashqi maqolalarga havola qilish imkoniyatidir. Agar boshqa manbalar sizning maqsadli auditoriyangizga yoqadi deb o‘ylaydigan ajoyib va qimmatli ma'lumotlarni taqdim etsa, ularga havola qilishdan uyalmang. Kuratorlik va tashqi manbalarga havola qilish ishonch va ishonchni yaxshilaydi va siz buning evaziga ba'zi havolalarni olishingiz mumkin .
- **Raqobatchilarni kuzatib borish -** Raqobatchilarni kuzatib borish har doim muhim - ular kalit so‘zlarni tadqiq qilish va boshqa ijtimoiy media marketing tushunchalari uchun qimmatli ma'lumotlarni taqdim etishi mumkin. Agar sizning raqobatchilaringiz xuddi shu narsani qilishni o‘ylab, ular uchun ishlaydigan ijtimoiy media marketing kanalidan yoki texnikasidan foydalanayotgan bo‘lsa, lekin buni yaxshiroq qiling!
- **Analitik yordamida muvaffaqiyatni o‘lchash** -Siz ma'lumotlarni kuzatmasdan turib ijtimoiy-media marketing strategiyalaringizning muvaffaqiyatini aniqlay olmaysiz . Google Analytics ijtimoiy media-marketingning eng zo‘r vositasi sifatida ishlatilishi mumkin, bu sizning eng zafarli ijtimoiy media marketing texnikangizni o‘lchashga, shuningdek qaysi strategiyalardan voz kechish yaxshiroq ekanligini aniqlashga yordam beradi. Ijtimoiy media marketing kampaniyalaringizga kuzatuv teglarini qo‘shing, shunda ularni to‘g'ri kuzatib borishingiz mumkin. Va har bir ijtimoiy platformadagi tahlillardan foydalangan holda, sizning qaysi ijtimoiy kontentingiz tomoshabinlar bilan yaxshiroq ishlashini aniqroq bilib olasiz.
- **Ijtimoiy media inqirozlarini boshqarish** - har doim ham ijtimoiy tarmoqlarda brendlar uchun hamma narsa bir xil emas. Sizning xodimlaringiz snafu bilan qanday ishlashni bilishlari uchun o‘yin kitobini qo‘yish yaxshiroqdir. Bizning tekshiring ijtimoiy media inqiroz boshqarish uchun qo‘llanmasini ular qanday yomon, ijtimoiy media ofatlar misollar, shuningdek, maslahatlar ko‘rish uchun kerak ishlov berilgan.

Xulosa

Ijtimoiy media marketingida qo‘llaniladigan asosiy strategiya shaxsiy foydalanuvchilar o‘z oilalari, do‘stlari va hamkasblari bilan baham ko‘radigan xabarlar va kontentni ishlab chiqishdir. Ushbu strategiya og'zaki so‘zga tayanadi va bir qator afzalliklarni beradi. Birinchidan, u ijtimoiy media menejeri boshqa yo‘l bilan kira olmagan bo‘lishi mumkin bo‘lgan tarmoqlar va foydalanuvchilarga xabarning kirishini oshiradi. Ikkinchidan, umumiy kontent qabul qiluvchi biladigan va ishonadigan kishi tomonidan yuborilganda yashirin tasdiqga ega.

Ijtimoiy media strategiyasi yopishqoq tarkibni yaratishni o‘z ichiga oladi. Bu shuni anglatadiki, u foydalanuvchining e'tiborini tortadi va ular mahsulot sotib olish yoki o‘z tarmog'ida boshqalar bilan tarkibni almashish kabi istalgan harakatni amalga oshirish imkoniyatini oshiradi.

Marketologlar foydalanuvchilar orasida tez tarqaladigan virusli kontent yaratadilar. Ijtimoiy media marketingi, shuningdek, mijozlarni mahsulot sharhlari yoki sharhlar kabi o‘z tarkiblarini yaratish va baham ko‘rishga undashi kerak. Bu marketing sohasida daromadli media deb ataladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. *Vekshinskiy, A.A. Internet-marketing zamonaviy marketing kontseptsiyasining yangi yo‘nalishi sifatida // Xizmat ko‘rsatishning texnik va texnologik muammolari. 2019. № 2, bet. 102-108.*
2. *https://www.investopedia.com/terms/s/social-media-marketing-smm.asp*
3. *https://whatis.techtarget.com/definition/social-media-marketing-SMM*
4. *https://www.digitalmarketing.org/blog/what-is-social-media-marketing*
5. *Pobejimova, M.P. Internet-marketing vositalari va tendentsiyalari / M.P. Pobejimova // Fandagi innovatsiyalar. 2019 yil. 48-son, 2-bet. 37-40.*
6. *Melikulov Axmadjon Mengnimurodovich. SMM (Social media marketing) haqida 2022-yil.*
7. *Yulduz Asqar Qizi Hakimboyeva. Zamonaviy media makonda internet va unda axborot almashinuvining o‘ziga xosligi. 2021-yil.*

“Korporativ boshqaruv” kafedrasi dotsenti Temirov A.
“Korporativ boshqaruv” mutaxasisligi 2-kurs magistratura talabasi
Mahmudov Jasurbek Shahobjonovich.

O‘ZBEKISTONDA DIVIDEND SIYOSATINI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI

Annotatsiya: *Maqolada tijorat banklari dividend siyosatining rolini oshirishdaxorijiy va mahalliy adabiyotlar o‘rganilib, muntazam dividend siyosatining afzallik jihatlari tadqiq qilingan. Ayniqsa, tadqiqotchilarning ilmiy fikrlarini o‘rganish natijasida tijorat banklarining dividend siyosatida uchraydigan bir qancha kamchilikva muammolar aniqlandi. Shuningdek, tijorat banklari fond bozorining faol ishtirokchisi sifatida tadqiq qilinib, ularning dividend to‘lovlari yuzasidan moliyaviy ma’lumotlari o‘rganildi. Amalga oshirilgan tadqiqot asosida xulosalar va amaliy tavsiyalar shakllantirilgan.*

Kalit so‘zlar: *tijorat banki, aksiya, dividend, dividend siyosati, kapital, investor.*

Iqtisodiyotning lokomotivi hisoblangan bank sektorini rivojlantirishda tijorat banklari tomonidan o‘z faoliyatlarini yanada taraqqiy etishlarini ta’minlash va faoliyat ko‘lamini kengaytirishlari uchun doimiy ravishda resurslarga ehtiyoj sezadilar. Sog‘lom raqobat sharoitida esa har qanday resurslarni tekinga jalb qilish vaundan evazsiz foydalanish imkoniyatlari cheklangan.

Bu holat esa, o‘z navbatida banklarda dividend siyosatiga alohida ahamiyat berishlozimligini ko‘rsatmoqda. Ma’lumki, tijorat banklari moliyaviy barqarorligini ta’minlash uchun ustav kapitalini doimiy ravishda oshirib borishlari talab etiladi. Ustav kapitalini oshirib borish uchun bankning aksiyalarini qimmatli qog‘ozlar bozorida joylashtirish va buning uchun birinchi navbatda, aksiyalarga chet el va mahalliy investorlarni qiziqtirish zarur. Har bir aksiya uchun to‘lanadigan dividend miqdori aynan investorlarni qiziqtiradigan muhim masalalardan biri hisoblanadi. CHunki aksiyalarning xaridorgirligi banklar tomonidan yuritilayotgan oqilona dividend siyosati orqali belgilanadi. Afsuski, ushbu masala banklarimizning asosiy kun tartibidagi masalasi emas.

Shuning uchun O‘zbekiston bank tizimini rivojlantirish maqsadida ilg‘or tajriba asosida aksiyadorlik tijorat banklaridagi dividend siyosati rolini oshirish dolzarb va amaliy ahamiyatdagi masala bo‘lib, shu nuqtai nazardan dividend siyosatiga jiddiy e’tibor qaratish talab etiladi.

O‘zbekiston Respublikasining bank tizimini 2020-2025 yillar davomida islohqilish strategiyasiga asosan xalqaro moliya institutlari ko‘magida «Ipoteka-bank» ATIB, «O‘zsanoatqurilishbank» ATB, «Asaka» ATB, AT «Aloqabank», «Qishloq qurilish bank» ATB va «Turonbank» ATBdagi davlat ulushlarini bosqichma-bosqich xususiylashtirish, bunda birinchi bosqichda ularni institutsional o‘zgartirishni (faoliyatini transformatsiya qilish), ikkinchi bosqichda esa davlat aksiyalari paketini sotish mo‘ljallanayotgan [1] davrda belgilangan topshiriqning bajarilishi tijorat banklarining dividend siyosati bilan uzviy bog‘liqligini ko‘rsatib turibdi. Bugungi kunda tijorat banklari tomonidan yuqoridagi masalalarni amalga oshirish yuzasidan kerakli ishlar olib borilmoqda.

Qayd etilgan jihatlardan kelib chiqib, quyida banklar tomonidan olib borilayotgan dividend siyosatining rolini va ayrim xususiyatlarini ko‘rib chiqamiz.

Bugungi kunda O‘zbekiston Respublikasida fond bozorida eng faol ishtirokchi sifatida tijorat banklarini ko‘rish mumkin. Tijorat banklari qimmatli qog‘ozlar bozorida ham emitent sifatida, ham investor va vositachi sifatida ishtirok etadi. SHuning uchun, tijorat banklari qimmatli qog‘ozlar emitenti sifatida investorlarni daromad olishlarini ta’minlashlari kerak.

Tijorat banklari emitent sifatida aksiyadorlarga doimiy dividendlar to‘lanishi orqali qo‘shimcha aksiyalarni joylashtirish imkoniyatini qo‘lga kiritadi va bu orqali banklarning kapitallashuvini ortishiga sabab bo‘ladi. SHuning uchun ham tijorat banklari dividend siyosatiga alohida e’tibor berishlari zarur.

Dividend siyosati banklarning strategik maqsadlariga erishish uchun qudratli vositalardan biridir. Binobarin, banklarning daromadi etarli bo‘lganda ham, dividend to‘lovlari banklarning investitsion jozibadorligini, kapitalizatsiya darajasini, uning aksiyalari likvidliligini oshirishda va natijada banklar moliyaviy barqarorligini ta’minlashda muhim rol o‘ynaydi.

Yuqoridagilarni inobatga olgan holda, tijorat banklarining samarali dividend siyosati quyidagi afzalliklarni beradi.

Milliy fond bozorining asosiy ishtirokchisi bo‘lgan tijorat banklari dividend siyosatida bir qator quyidagi kamchiliklar va muammolar mavjud:

- tijorat banklarining asosiy aksiyadorlari davlatning yirik korxonalari ulushidan iboratligi va natijada zamonaviy biznes jarayonlarda faol ishtirok etmasligi;
- potensial investorlarni qoniqtiradigan va bank kapitalini oshirish uchun xizmat qiladigan oqilona dividend siyosatini olib borish uchun investorlarga shart- sharoit yaratish zarurati;

tijorat banklarida qimmatli kog‘ozlar bo‘yicha daromadlik va likvidlilikni ta’minlashda oqilona dividend siyosatini tashkil etadigan malakali kadrlar etishmasligi;

- tijorat banklaridagi korporativ boshqaruvning shaffofligi va korporativ boshqaruv tamoyillari

talablari mos emasligi;

- tijorat banklaridagi dividend to‘lovlarining pastligi yoki umuman dividend to‘lanmasligi, natijada aksiyalarga qiziqishning mavjud emasligi;
- tijorat banklari tmonidan aksiyadorlar yig‘ilishini 1 yilda bir martanomigagina o‘tkazishlari va dividend to‘lovlari haqidagi mu’lumotlarning ba’zi banklar internet sahifasidan yoki boshqa manbalardan ochiq va to‘liq holatda topishniimkoni yo‘qligi.

Bank sektorini rivojlantirishda dividend siyosatining rolini oshirish maqsadida olib borilgan o‘rganishlarimiz asosida quyidagi xulosa va amaliy takliflar shakllantirildi:

Birinchidan, bugungi kunda tijorat banklarining aksiyalari va ulardan kutiladigan daromadlar to‘g‘risidagi tushunchalarni oddiy ommaga oddiy va sodda uslubda to‘g‘ridan-to‘g‘ri tushuntira oladigan malakali mutaxasislar bilan ta’minlash, buning uchun yuqori tajribaga ega mutaxasislarni jalb qilish lozim.

Ikkinchidan, tijorat banklarining doimiy ravishda dividendlar to‘lashlari qo‘shimcha aksiyalar chiqarish yo‘li bilan kapital jalb qilish orqali moliya bozoridagi mavqeini yaxshilashi va muntazam dividend to‘lovlari orqali investorlarni qiziqtirishlari, IPO uchun investitsion jozibadorlikni yuzaga keltirishda asosiy rolni o‘tab berish, boshqa banklar tomonidan birlashtirishlar va qo‘shib olishlarda himoya vositasi kabi afzalliklarni beradi.

Uchinchidan, bank tizimi oldida turgan muhim masalalardan biri bo‘lgan davlat ulushi mavjud tijorat banklarini xususiylashtirish va transformatsiyajarayonlarini samarali tashkil etish hamda o‘z ulushini chet el investorlariga sotish uchun dividend to‘lovlarining doimiyligi va yilik inflyasiya darajasidan past bo‘lmasligini ta’minlash bank aksiyalarini reklama qilib beradi.

To‘rtinchidan, tijorat banklari tomonidan doimiy dividendlar to‘lab boriladiganbo‘lsa, aksiyalarni xalqaro miqyosda joylashtirish jarayonlari tezlashishi mumkin.

Beshinchidan, tijorat banklarining doimiy dividend to‘lay olish qobiliyati uninghisobot yilida qancha sof foyda olgani va moliyaviy barqarorligi bilan baholanishi, dividend siyosatining asosiy ahamiyati esa aksiyadorlar sonini ko‘paytirishdan iborat bo‘lishi, pirovard natijada bank kapitali samarali boshqarilishiga erishiladi.

Oltinchidan, tijorat banklarining investitsion jozibadorligini ta’minlashning muhim jixatlaridan bo‘lgan axborotlarning shaffofligi masalasini hal etish uchun barcha tijorat banklarining moliyaviy hisobotlari asosida tahlilni amalga oshiradigan alohida maxsus reyting agentligini tashkil etish va ushbu agentlikka moliyaviy hisobotlar tahlili asosida moliyaviy barqarorlik, rentabellik, aksiya daromadliligi, aksiya riski va bir qancha muhim ko‘rsatkichlarni e’lon qilib borish vazifasini yuklash maqsadga muvofiq bo‘lar edi.

Ettinchidan, xalqaro tajribada banklar ustav kapitalida davlat ulushining mavjudligi dividend to‘lovlarining juda past miqdorda bo‘lganligini inobatga olib, xususiylashtirish va transformatsiya jarayonlarini samarali olib borish maqsadidadavlat ulushi mavjud tijorat banklari dividend siyosatini jiddiy ko‘rib chiqish va albatta dividend to‘lovlarini oshirish, natijada xorijiy investorlarni bank aksiyalariga bo‘lgan qiziqishini oshirish mumkin.

Adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “2020 – 2025 yillarga mo‘ljallangan O‘zbekiston Respublikasining bank tizimini isloh qilish strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-5992-sonli Farmoni. 2020 yil 12 fevral.

2. Elmirzaev S.E. Dividend siyosati tashkiliy xususiyatlari va takomillashtirish masalalari. // Xalqaro moliya va hisob. №2. 2016 yil.

3. SHerqo‘zieva N. Aksiyadorlik jamiyatlari moliyaviy boshqaruv tizimida dividend siyosatining o‘rni. // Xalqaro moliya va hisob. №3. 2019 yil.

4. K.Michael Casey, Ross N. Dickens. The effects of tax and regulatory changes on commercial bank dividend policy. // The Quarterly Review of Economics and Finance. Volume 40, Issue 2, Summer 2000, Pages 279-293.

5. L.Lepetit, C.Meslier, F.Strobel, L.Wardhana. Bank dividends, agency costs and shareholder and creditor rights. // International Review of Financial Analysis. Volume 56, March 2018, Pages 93-111. Enrico Onali, Ramilya Galiakhmetova, Philip Molyneux Giuseppe Torluccio. CEO power, government monitoring, and bank dividends. // Journal of Financial Intermediation. Volume 27, July 2016, Pages 89-117

6. Kunarov R.R. va Bo‘riev J.P. Tijorat banklari dividend siyosati xususiyatlari. //Xalqaro moliya va hisob. №4. 2020 yil.

7. https://www.ipotekabank.uz/uzb/investors/dividends/

8. https://sqb.uz/uz/for-investors/shares-and-dividends-uz/

Magistratura bo‘limi, MST-10 guruh magistri
Qurbonboyev Abdulla Mansur o‘g‘li

TIJORAT BANKLARI ISHTIROKIDA XALQARO MOLIYA INSTITUTLARI RESURSLARI HISOBIDAN LOYIHALARNI MOLIYALASHTIRISHNING STATISTIK TAHLILI

Annotatsiya: *maqolada O‘zbekiston banklarining xalqaro moliyaviy institutlari bilan o‘zaro xamkorligini statistik o‘rganish masalalarini yoritishga qararilgan. Banklar faoliyatini ifodalovchi statistik ko‘rsatkichlar yordamida bank soxasida yuzaga keladigan rivojlanish tendensiyalari, qonuniyatlari statistic baxolangan.*

Kalit so‘zlar:*. xalqaro moliya institutlar, iqtisodiy o‘sish sur’atlari, iqtisodiy samaradorlik, valyutaning konvertirlangani, qisqa muddatli kredit, devalvatsiya, siyosiy barqarorlik.*

Bugungi sharoitda mamlakatning barqaror iqtisodiy o‘sishini ta’minlash bank tizimining investitsiyaviy jarayonda faol ishtirok etish, avvalambor iqtisodiyotning real sektorini kreditlashga bog‘liqdir. Bu ishlab chiqarishni modernizatsiya qilish, texnik va texnalogik qayta jihozlash, yangi texnalogiyalarni ishlab chiqarish va joriy etish, buning asosida iqtisodiyotning tez sur’atlarda rivojlanishini ta’minlash dasturlarini amlaga oshirish uchun ichki va xorijiy investitsiyalarni keng jalb qilish va ulardan samarali foydalanish yo‘li bilan investitsiyaviy faoliyatini jadallashtirishni nazarda tutadi. Mazkur jarayonlarda xorijiy investitsiyalar, xalqaro moliya institutlari va bank tuzilmalari tomonidan ko‘rsatiladigan aniq yordami va ko‘magi muhim ahamiyat kasb etadi.

Bugungi kunda respublika tijorat banklarining xalqaro moliya institutlari bilan hamkorlikni rivojlantirish ishbilarmonlik aloqalarni mustahkalashi quyidagi ustuvor yo‘nalishlarda amalga oshirilmoqda: korrespondetlik munosabatlari, banklararo operatsiyalar va savdo operatsiyalarini qisqa muddatli moliyalashtirish sohalarida. Xususan, ayni paytda O‘zbekiston tijorat banklari JP Morqan Chase (AQSh), Korea EximBank (Koreya Respublikasi), UBS AG (Shveytsarmya), Commerzbank AG (Germaniya), SMBC (Yaponiya), RZB (Avstriya), Citi Bank (AQSh), VTB (Rossiya) va boshqa shunga o‘xshash etakchi banklarning savdoni moliyalashtirish sohasidagi eksport-import operatsiyalari bo‘yicha kredit liniyalaridan foydalanib kelinmoqda.

Keyngi yillarda Xalqaro moliya institutlari kredit liniyalari mablag‘larini o‘zlashtirish doirasida tijorat banklari faoliyatida investitsiyaviy loyihalar bilan ishlashning “loyihaviy moliyalashtirish” degan nom olgan tubdan yangi shakli tobora keng ommalashmoqda. Binobarin, kreditlash turli tarmoqlar bo‘yicha amalga oshirilmoqda, qarz mablag‘lari esa ham milliy valyutada, ham EAVda taqdim etiladi. Bunda:

- import asbob-uskunalari va texnalogiyalari xaridlarini moliyalashtirish;
- ishlab chiqarishni kengaytirish (asosan engil va oziq-ovqat sanoati sohasida);
- qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini tayyorlash va ularga birlamchi ishlov berish;
- asosiy vositalarni, shu jumladan, mashina va asbob-uskunalar, mehnat qurollari, xom ashyo, yarim tayyor mahsulotlar, furniturani xarid qilish, hunarmadchilikni rivojlantirish, kasanachilikni tashkil etish, turizm va xizmat ko‘rsatish, ayniqsa, qishloq joylarda ularni rivojlantirish loyihalari amalga oshiriladi.

2016-yil yakuni bo‘yicha O‘zbekiston bank tiziminig kapital etarliligi darajasi 23,6 foizni tashkil etadi, bu esa Xalqaro bank nazorati bo‘yicha Bazel qo‘mitasining talablaridan 3 marta ko‘pdir. Bank tizimining joriy likvidliligi so‘ngi yillarda 64,5 foizdan yuqori darajada saqlanib, belgilangan xalqaro standartlardan 2 martaga ortiqdir. Bugungi kelib faoliyat ko‘rsatib kelayotgan 26 tijorat bankiga “Fitch Ratings”, “Standard & Poor’s”, “Moodys” singari etakchi xalkaro reyting agentliklari tomonidan “barqaror” prognozi bilan ijobiy reting belgilangan. Butun dunyoda mazkur ko‘rsatgichlardan bank sektori holatining bahosini aniq ravshan ko‘rsatadigan dastak sifatida foydalaniladi.

Shuningdek, so‘nggi yillarda bank tizimini erkinlashtirish, isloh qilish va uning tadbirkorlikni qo‘llab-quvvatlashdagi rolini kengaytirish borasida amalga oshirilayotgan islohotlar Jahon banki va Xalqaro moliya korporasiyasi tomonidan yuqori baholanib kelinmoqda.

Xususan, mazkur xalqaro tashkilotlar tomonidan 2018-yilning oktyabr oyida e’lon qilingan “Biznesni yuritish – 2019” mamlakatlarning yangi reytingida O‘zbekiston qulay ishbilarmonlik muhiti ko‘rsatkichlari bo‘yicha jahonning 189 ta davlati orasida 54 pog‘ona ko‘tarilib, 87-o‘rinni egalladi.

“Kreditlar olish indeksi” bo‘yicha O‘zbekiston bank tizimi ko‘rsatkichlari oldingi yilga nisbatan bir yo‘la 63 pog‘onaga yoki 105-o‘rindan 42-o‘ringa ko‘tarildi.

Respublika bank tizimida kreditlash mexanizmini takomillashtirish va soddalashtirish borasida samarali tadbirlarning izchil va uzluksiz ravishda amalga oshirilishi natijasida ushbu ko‘rsatkich bo‘yicha mamlakatimiz reytingi so‘nggi 3 yil ichida 112 pog‘onaga ko‘tarildi.

O‘zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti I.A.Karimov ta’kidlaganlaridek, “Jahon bankining ma’ruzasida O‘zbekiston keyingi yillarda tadbirkorlik faoliyati uchun ishbilarmonlik muhitini yaxshilash sohasida eng yaxshi natijalarga erishgan dunyodagi o‘nta davlat qatoridan joy olgani qayd etilgan.”.

Shuni qayd etish kerakki, amaldagi normativ-xuquqiy baza bank xizmati tizimini yanada takomillashtirish, kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni qo‘llab-quvvatlash maqsadida respublikamizda qabul qilinayotgan yangi qonun hujjatlari ham Xalqaro moliya institutlari hamda xorijiy davlatlar hukumatlari vakillarining e’tirofiga sazovar bo‘lib kelmoqda.

Bank investitsiyaviy faoliyatining asosiy yo‘nalishlarini ko‘rib chiqib shuni aytish mumkinki, mamlakatimizda faoliyat ko‘rsatib kelayotgan tijorat banklarining xorijiy investitsiyalar va kredit liniyalarini jalb qilish sohasida Xalqaro moliya institutlari bilan xamkorligini yanada kengaytirish dolzarb masalaligicha qolmoqda.

Shundan kelib chiqib xulosa qilish mumkinki, bugungi kunda shularga asosan shakllangan mahalliy korxonalarimiz, kichik bines va xususiy tadbirkorlik sub’ektlari, fermerlikni o‘zaro kafolatli tarzda kreditlash mehanizmi to‘laligicha o‘zini oqlamoqda va bu mehanizm milliy iqtisodiyotimizning raqobatbardoshligini va aholining farovonligini oshirishga beminnat xizmat qilib kelmoqda.

O‘zbekiston Respublikasi Tashqi iqtisodiy faoliyat Milliy bankida ham xalqaro kreditlar bilan operatsiyalar amalga oshiriladi.

TIF Milliy bankida kichik biznesni rivojlantirish uchun taqdim etilgan xorijiy kredit yo‘nalishlarining asosiy mezonlari. Umumiy talabalar:

Qarz oluvchi - xususiy kichik korxona (yoki nazorat ishtiroki xususiy shu’baga tegishli bo‘lgan aralash sarmoyali korxona) yoxud davlat tomonidan nazorat qilinadigan, lekin xususiy mulkchilik shakliga va xususiy nazoratga o‘tishning bank uchn maqbul bo‘lgan aniq rejasini amalga oshirayotgan davlat korxonasi bo‘lishi kerak.

Kreditning eng katta summasi - kontrakt qiymatining 85%dan oshmasligi kerak

Qarz oluvchining o‘z mablag‘lari (o‘z saromyasi) - loyiha dastlabki qiymatining kamida 25%. Qarz oluvchi ta’minot sifatida loyihani amalga oshirishda zarur bo‘ladigan binolar, inshootlar, mashina va usunalarni, shuningdek ishlab chiqarish boshlanishidan oldingi davrda moliyaviy xarajatlarni qoplash hamda aylanma sarmoyani shakllantirish uchun kerakli boshqa vositalar ko‘rinishidagi o‘z sarmoyasini taqdim etishi mumkin.

Garov ta’minoti - Kredit summasining 120%. Xukumat, birinchi darajali anklar, uchinchi shaxslarning kafolati, sug‘urta vasiqalari, asosiy vositalar - binolar, inshootlar (baholangan qiymatining 70%gacha), uskunalar (baholangan qiymatining 60%gacha)

O‘zmilliybank boshqaruv uchun vositachilik haqi - kredit summasidan 0,15% to‘lov kunidagi O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankninng kursi bo‘yicha

To‘lovlar davriyligi - Har 6 oyda

Xitoy Davlat taraqqiyot bankining kredit yo‘nalishi qo‘shimcha talablar:

Kreditlardan maqsadli foydalanish - Xitoydan tovar va xizmatlarni sotib olish (Xitoyda ishlab chiqarilgan tovarlar ulushi kamida 50%);

Xorijiy bankning kredit boshqaruvi uchun vositachilik haqi - qarz kelishuviga asosan;

Koreya Eksimbankining kredit yo‘nalishi bo‘yicha qo‘shimcha talablar:

Kreditlardan maqsadli foydalanish - Koreyadan tovar va xizmatlar sotib olish;

Xorijiy bankning kredit boshqaruvi uchun vositachilik haqi - har bir ma’qullangan, individual uzoq muddatli kredit uchun 0,20% yillik (bir martalik)

Xorijiy bankning majburiyat uchun vositachilik haqi - kredit summasining foydalanilmagan va bekor qilinmagan qismiga 0,5% yillik.

“Asaka” bank hozirgi kunda sanoat sohalarida amalga oshirilayotgan bir qator sarmoya loyihalari quyidagi xalqaro kredit yo‘nalishlari bo‘yicha moliyalashtirilgan:

−Xalqaro Moliya Korporatsiyasi – XMK;

−Osiyo Rivojlanish Banki – ORB;

−Islom Rivojlanish Banki – IRB;

−“Commerzbank AG” (Germaniya);

−“Landens Bank Berlin AG”ning 2 kredit yo‘nalishi (Germaniya);

−“Dresdner Bank” (Germaniya);

−“Hipovereyns bank” (Germaniya);

–“Banco Santander Setral Hispano”ning 2 kredit yo‘nalishi (Ispaniya);
–“Societe Generale” (Ispaniya vakolatxonasi);
–“Instituto de Kredito Ofisial” (Ispaniya);
–“Rayfayzen bank” (Chexiya);
–Milliy eksport kredit agentliklari bilan hamkorlik.

Tadqiqotlarimiz ko‘rsatadiki, “O‘zsanoatqurilishbank” quyidagi kredit liniyalari orqali kreditlar ajratadi:

D.A. Raxmonov, L.B. Olimov
Magistratura bo‘limi “Bojxona ishi” yo‘nalishi
2-bosqich talabalari, TDIU

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINI BOJXONA SOHASIDAGI XALQARO HAMKORLIGI VA UNI RIVOJLANTIRISH

Annotatsiya. *Maqolada bojxona sohasining xalqaro hamkorligi va uni rivojlantirishda olib borilayotgan keng ko‘lamli ishlar amaliy hamda nazariy misollar orqali yoritib berilgan. O‘zbekiston Respublikasi bojxona sohasidagi xalqaro hamkorlik huquqiy bazasini tahlil qilish, milliy qonunchilikni o‘rganib chiqish va uni tashkil etish asoslarini yoritish mazkur maqolaning maqsadi etib belgilangan. Bojxona sohasining xalqaro hamkorligi o‘laroq fiskal siyosatni tartibga solishda, tashqi siyosatni qulay sharoitlarda rivojlantirishda, chet el tajribalarini qo‘llashda, xalqaro munosabatlarni yo‘lga qo‘yishda ilmiy-amaliy asoslarda chet el tadqiqotchilari, olimlarining adabiyotlari va maqolalaridan tahlil qilinib, ularning fikr – mulohazalari, chuqur qarashlari inobatga olingan va samarali foydalanish yo‘llari ko‘rsatib o‘tilgan.*

Kalit so‘zlar. *Bojxona ishi, xalqaro savdo, tashqi iqtisodiy faoliyat, tashqi siyosat, export, import, investitsiya, xalqaro shartnoma, xalqaro konvensiya, bojxona deklaratsiyasi, jahon bojxona tashkiloti, Kioto konventsiyasi, bojxona kodeksi.*

Kirish. Bugungi kunda bojxona sohasidagi xalqaro hamkorlikni rivojlantirishga deyarli barcha davlatlarda jiddiy e’tibor qaratilmoqda. Mazkur soha esa yangilanayotgan O‘zbekiston Respublikasi tashqi siyosatning eng muhim ustuvor yo‘nalishlaridan biri sanaladi. O‘zbekiston barcha xorijiy hamkorlar bilan o‘zaro foydali munosabatlarni rivojlantirishdan manfaatdor bo‘lib, asosiy tashqi siyosiy harakatlarini 2017 — 2021-yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasida belgilangan eng muhim sohalarga qaratgan. Mazkur hujjat mamlakatning tashqi siyosat sohasida quyidagi eng muhim ustuvor yo‘nalishlarini shakllantiradi:

- davlat mustaqilligi va suverenitetini mustahkamlash, mamlakatning xalqaro munosabatlarning to‘laqonli subyekti sifatida o‘rni va rolini yana-da mustahkamlash, rivojlangan demokratik davlatlar qatoriga kirish, O‘zbekiston atrofida xavfsizlik, barqarorlik va do‘stona qo‘shnichilik munosabatlar mintaqasini yaratish;
- O‘zbekiston Respublikasining xalqaro nufuzini mustahkamlash, dunyo hamjamiyatiga mamlakatda amalga oshirilayotgan islohotlar to‘g‘risida obyektiv axborotni yetkazish;
- O‘zbekiston tashqi siyosiy va tashqi iqtisodiy faoliyatining me’yoriy-huquqiy bazasini, shuningdek xalqaro hamkorlikning shartnoma-huquqiy asoslarini takomillashtirish;
- O‘zbekiston davlat chegarasini delimitatsiya va demarkatsiya qilish masalalarini tartibga solish [5].

Umuman, O‘zbekistonning tashqi siyosat sohasidagi ustuvor yo‘nalishlari barqaror, adolatli va demokratik davlat qurishga, mamlakatning tashqi oshkoraligini ilgari surishga hamda regional va ko‘p tomonlama o‘zaro hamkorlikni rivojlantirishga qaratilgan.

Mamlakat hozirgi tashqi iqtisodiy faoliyatining ustuvor yo‘nalishlari kelgusiga qo‘yilgan xalqaro hamkorlik xaritasi negizidagi vazifalar doirasida bo‘lib, xalqaro maydonda aloqalarni kengaytirishga yangi yondashuvlarni ishlab chiqish bo‘yicha amaliy qadamlarda o‘z aksini topmoqda. Shu munosabat bilan Turkiya, Hindiston, Xitoy, Yaponiya, Germaniya, Fransiya, Afg‘oniston, Qozog‘iston, Turkmaniston, Pokiston, Rossiya kabi dunyo mamlakatlari bilan ko‘p qirrali hamkorlikni yana-da rivojlantirishga doir bir qator tegishli dasturiy hujjatlar ishlab chiqilgan va qabul qilingan, “yo‘l xaritalari” tasdiqlangan [7].

Oliy va yuqori darajalardagi tashriflar davomida mamlakatning milliy manfaatlariga javob beradigan hamda yaqin va uzoq xorijiy davlatlar bilan aloqalarni kengaytirishga qaratilgan faol, ochiq,

pragmatik va chuqur o‘ylangan tashqi siyosiy yo‘nalishni rivojlantirish bo‘yicha keng ko‘lamli ishlar amalga oshirilmoqda va buni MDH davlatlari o‘laroq ko‘rib chiqamiz [4].

Adabiyotlar sharhi. Bizga ma’lumki, xalqaro maydondagi hamkorlik ilg‘or dunyo tajribasini o‘rganish, xorijiy mamlakatlar bilan aloqalarni yo‘lga qo‘yish orqali O‘zbekistonni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish bo‘yicha vazifalarni hal qilishga yordam berishi kerak, bu mamlakatda maksimal qulay amaliy va investitsion muhitni shakllantirishga o‘z hissasini qo‘shadi. Bu borada Respublikada tashqi siyosiy strategiyasi xorijiy mamlakatlar bilan savdo-iqtisodiy hamkorlikni rivojlantirish, xorijiy investitsiyalarni, ilg‘or texnologiyalarni ishlab chiqarishga jalb etish, mahalliy eksport geografiyasini kengaytirish sohasida yangi qirralarni ochdi.

Hammaga ayonki, bojxona xizmati va uning xalqaro hamkorligisiz xalqaro savdo-iqtisodiy aloqalarni rivojlantirish mumkin emas taqdim etiladi. Uning strategik yo‘nalishi esa tashqi iqtisodiy faoliyat sohasida iqtisodiy xavfsizlikni ta’minlash, ichki bozor va davlat manfaatlarini himoya qilish, tashqi savdo uchun qulay shart-sharoitlar yaratishdan iborat [5].

Tezlashtirilgan rivojlanishning yangi bosqichi kelishi bilan, Prezident Sh.Mirziyoyev boshchiligida O‘zbekistonning tashqi siyosati sezilarli o‘zgarishlarni boshidan kechirdi. Demokratiyani amalga oshirishdagi muhim voqea O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 07.02.2017 4947-son “2017-2021-yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasi” O‘zbekiston jamiyat hayotining barcha sohalarini qamrab olgan farmoni bilan tasdiqlanishidan iborat edi. 2020 yilda mamlakatimiz raislik qilgan MDH ko‘p qirrali hamkorlikni rivojlantirish va O‘zbekistonning o‘z faoliyati davomida davlatlararo muloqotini qo‘llab-quvvatlashda tarixiy ahamiyatga ega. O‘zbekistonda yangi “Taraqqiyot konsepsiyasi”ni qabul qilish, va “MDHni 2030 yilgacha iqtisodiy rivojlantirish strategiyasi”ni jadallashtirish ilgari surilgan taklifi bunga dalildir [7].

Xalqaro bojxona hamkorligida ifodalangan ittifoqchilar hududida savdo-iqtisodiy integratsiyaning ustuvor yo‘nalishlari MDHga a’zo davlatlardagi ijobiy o‘zgarishlar dinamikasiga ta’sir ko‘rsatishning muhim vositalaridan biri bo‘lib ko‘rinadi. O‘zbekiston Investitsiyalar va tashqi savdo vazirligi ma’lumotlariga ko‘ra, 2019 yilda respublika va MDH davlatlari o‘rtasidagi tovar ayirboshlash hajmi 14,6 milliard dollarni tashkil etgan. 2018 yilga nisbatan 20 foizga o‘sgan. Asosiy savdo hamkorlari Rossiya (MDH davlatlari bilan umumiy savdo hajmining 46 foizi), Qozog‘iston (23%), Qirg‘iziston (6%), Turkmaniston (4%)[8]. 2019-yilda O‘zbekistondan, shu jumladan MDH davlatlariga eksport qilinadigan asosiy xom ashyo va mahsulotlar oltin va qimmatbaho metallar (umumiy eksportning 28,5 foizi), xizmatlar (19,9%), energiya resurslari (14,1%), to‘qimachilik mahsulotlari (9,1%), oziq-ovqat mahsulotlari (8,5%), qora va rangli metallar (9,3%). (1-diagramma)



Diagramma 1.

O‘zbekistonga import qilingan tovarlar mashina va uskunalar (38,4%), xizmatlar (10%), qora metallar (9,1%), kimyo va plastmassa (6,8%), oziq-ovqat mahsulotlari (5,2%), energiya mahsulotlari (3,8%) edi (2-diagramma).



Diagramma 2

MDH davlatlari bojxona organlarining hamkorligi rivojlantirishni quyidagi asosiy sohalarda nazarda tutadi:

− MDHga a’zo davlatlarning bojxona qonunchiligini Jahon bojxona tashkiloti talablari asosida bosqichma-bosqich yaqinlashtirish;

− MDHga a’zo davlatlarning bojxona qonunchiligini, kuchga kirgan va amalda bo‘lgan yoki kirishga tayyorlanayotgan yangi bojxona kodekslarini, xalqaro shartnomalar, shu jumladan Kioto konventsiyasi tajribasi va tamoyillari asosida qoidalarni global uyg‘unlashtirish;

− MDHning bojxona sohasidagi xalqaro huquqiy bazasini inventarizatsiya qilish;

− tovarlarning tranzitidagi to‘siqlarni bartaraf etish, tovarlarni dastlabki deklaratsiyalash va va transport vositalarining zamonaviy axborot texnologiyalarini joriy etishga ko‘maklashish [3]

Ushbu muhim kelishuvlarga MDH ning 70-yig'ilishida erishildi. 2019-yil 21-noyabr kuni O‘zbekiston Respublikasida bo‘lib o‘tkan ikki tomonlama va ko‘p tomonlama xalqaro anjumanda Armaniston, Belarus, Ozarbayjon, Rossiya, Tojikiston, Qirg‘iziston, Qozog‘iston va O‘zbekiston Bojxona xizmati boshliqlari, bojxona ishini rivojlantirishning dolzarb masalalari ko‘rib chiqishdi va umid qilamizki kelgusida bu kelishuvlar xalqaro bojxona hamkorligi rivojlanishida o‘z samarasini beradi[9].

Adabiyotlar

1. *“O‘zbekiston Respublikasining bojxona kodeksini tasdiqlash to‘g‘risida”gi O‘RQ-400-son/ Toshkent sh., 2016-yil 20-yanvar.*

2. *“Xalqaro shartnomaga qo‘shilish to‘g‘risida”gi 2020-yil 24-apreldagi PQ4694-son qaror.*

3. *Стратегия экономического развития Содружества Независимости на период до 2020 года (подписана главами правительства стр СНГ 14.11.2008 в г. Кишиневе) [Электронный ресурс]. URL-адрес: https://e-cis.info/cooperation/2882/84863/.;*

4. *Qaxxorov A. “Xalqaro bojxona tashkilotlari va xalqaro konvensiyalar” fanidan ma’ruzalar matni. Toshkent, 2015. 1-57 b.*

5. *Р.Х.Мадалиева, Н. А. Абдусамедов, Б. М. Мардонов “Международное таможенное сотрудничество Узбекистана в рамках интеграционных процессов содружества независимых государств”.* ***Вестник Российской таможенной академии • № 2 • 2020 стр.128***

6. *Xalq so‘zi gazetasi Yangilanayotgan O‘zbekiston tashkiloti siyosatining eng muhim ustuvor yo‘nalishlari 09 Avgust 2020 yil soni Alisher Qodirov, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Strategik va mintaqalararo tadqiqotlar instituti bo‘lim rahbari.*

Internet saytlari

7. *https://customs.uz/uz/news/view/7012*

8. *https://review.uz/ru/news/economy/*

9. *http://www.customs.uz/ru/news/ko‘rish/2915*

Prof.A.A.Yadgarov,
Ruzimurodov Ulmas

E-COMMERCE IN DEVELOPING COUNTRIES AND UZBEKISTAN, HOW TO DEVELOP ELECTRONIC MARKETS DURING THE INTRODUCTION OF MODERN SYSTEMS

Abstract: *In this modern world that we are living in, the rapid proliferation of the Internet gave rise to the concept and practice of electronic commerce (e-commerce, from here onwards), which has become a common phenomenon in the world today. Internet-based economic structures and information groups are the new business reality, as organisations and individuals revel in the ease of purchasing commodities and services from foreign shores. Most developing countries, however, are far from experiencing this reality due to many factors which act as obstacles for e-commerce to flourish and Uzbekistan as well.*

Key Words: *E-Commerce, developing countries, impact, barriers, e-commerce in Uzbekistan*

Introduction

The definition of e-commerce is the electronic process by which individuals or organisations make a transaction, such as buy, sell, transfer, or exchange products, services and/or information (Turban, McLean and Weatherbe 2004). In a nutshell, e-commerce effectively erases the necessity of huge investments or outlays on physical infrastructure to develop a global presence, which has led to a revolution in the way business is conducted around the world. For developing countries in particular, it has the potential to present solutions to many prevalent problems such as provision of remote healthcare and education. However, these countries are unable to reap these benefits, as there is a vast difference between the adoption rates, implementation and use of e-commerce in developed and developing nations, with the latter lagging behind to a significant extent. This essay aims to understand the various reasons for this, as well as the potential impact of e-commerce technologies for developing countries. It begins by introducing the rampant disparities between both sets of countries in its adoption, before progressing to a discussion on the various barriers these countries face, which hinder the growth of ecommerce. It also sheds some light on research on the critical success factors for e-commerce, at least a multiple of which are noticeably missing in these countries. It ends with a few measures taken to boost e-commerce in these countries and the thought that a strategic focus is necessary if developing countries want economic growth, via e-commerce.

High growth, still a rocky road – The case of developing countries

Developing countries represent a market with immense potential for e-commerce. Academic research usually mentions ecommerce as a sound strategy and an ideal opportunity for these countries to cash in on new economic avenues. to the UNDP (2005), developing countries should embrace e-commerce wholeheartedly as it will enhance their economic and social development, lead to gains in commercial productivity, lower the operating costs of businesses, and enhance the level of domestic integration with international markets.

These countries have generally exhibited low rates of basic Internet usage, but the growth rate has been high. UNCTAD (2005) reported that between the years 2000 and 2005, these countries experienced a spike on Internet user population to around 400 million, which equated to a growth rate of 300%, and an increase in their international proportion of all Web users from 25% to 40% and now 2022 these numbers are huge – there are 7.7 billion people in the world, with 3.5 billion of us online. This means social media platforms are used by one-in-three people in the world, and more than two-thirds of all internet users. Social media has changed the world.Internet bandwidth displays a similar trend as the increase in bandwidth in these countries was twice as that of developed countries. While these statistics can be extrapolated to a corresponding increase in e-commerce adoption in developing countries, there are many local realities which act as obstacles for these countries in their quest for economic prosperity via e-commerce.

Success Stories – Still a long way to go

This is not to say that e-commerce is not thriving in these countries. Hussain (2013) quoted the example of China, where online trade skyrocketed by 120% in the previous ten years. This is hardly surprising as research on e-commerce in developing countries pins the country as most likely to emerge as the world leader in the global e-commerce market, with its third largest Internet user population in the world. Its business leaders are generally cognizant of the benefits of ecommerce in terms of enhancing

Chinese presence in the international business arena, strengthening business processes and channels, and forming better customer relationships. These factors notwithstanding, the country is still struggling with realising the full potential of e-commerce due to state restrictions, payment systems, and inadequate telecommunication facilities (Stylianou, Robbins and Jackson 2003).

Latin America, of which Brazil comprises 59%, also exhibited monumental growth in e-commerce, as revenues increased from 1.6 billion USD to 43 billion USD in the last ten years (Hussain 2013). Another developing country which isdisplaying rapid progress is e-commerce is India. While the sector may still be in its infancy stage, research showed that it grew from 3.8 billion USD in 2009 to 12.6 billion USD in 2013, which equated to a CAGR of approximately 35%. Thelion's share of this market, roughly 70%, is held by online travel, but e-retail is the fastest-growing segment (PWC 2014).In 2015 Brazil also came to Uzbekistan and bought the online platform Torg.uz. Then torg.uz is changed in to the OLX. Now OLX one of the biggest e-commerce platform in the Uzbekistan.

Uzbekistan– Logistics hindering growth and developing of e-commerce

Expanding on the example of Uzbekistan, for this country, logistical problems act as one of the barriers to growth of e-commerce. All logistical models conceived in the country consider the larger metropolitan cities and Tier-1 cities as their target, wherethe customer usually belongs to either the upper affluent or middle class, and has easy access to the Internet. Also, delivery costs are high for e-retailers, as the majority of goods being ordered online are transported by air. This also causes shortage of cargo space on airlines in times of high demand, such as summer times, airline system is also so costly. But while Uzbekistan can boast the number of mobile users in the world, e-retail sales are less than 0.5 % of the country's entire retail sales. The e-commerce industry is in the early stages of development in Uzbekistan. As of April 2021, the number of internet users is estimated at **22.6 million** – 19.4 million mobile internet users and 3.2 million fixed broadband internet users - in a country with 34 million people. When this figure is compared with 6% in theUS and 5% in China, it does appear as if the country's e-commerce sector needs to firm up its delivery network (Digital in Uzbekistan 2021). The throughput of international data transmission channels is 1200.0 Gbit/s. The country has been investing in its telecommunications infrastructure but ranks only 118th out of 138 countries in mobile internet, with 18.39 Mbps download and 9.47 Mbps upload speed. It ranks 90th out of 174 countries in fixed broadband internet with 44.36 Mbps download and 44.51 Mbps upload speed. To facilitate e-commerce development, the government charges only a 2% tax on online revenue, compared to a 4% rate for traditional businesses. Uzbekistan's laws permit online sales of drugs and medical devices and permits electronic checks and invoices as legal confirmation of payment for goods and services. The Central Bank of Uzbekistan signed a 2019 memorandum of understanding with Visa to develop infrastructure for digital payments, and many banks offer payment software and services to e-commerce websites to facilitate processing of online payments. To increase the number of IT professionals, Tashkent University of Information Technologies opened an e-commerce department in 2018. In 2020 and 2021 the government took several important steps to boost e-commerce growth:

- Adoption of the Digital Uzbekistan-2030 Strategy in October 2020: The government plans to increase the length of the fiber-optic communication network built throughout the country from the current 41,000 kilometers (25,476 miles) to 250,000 kilometers (155,343 miles) by 2030; grow the high-speed internet coverage level from the current 67% to 100% by 2030; expand broadband mobile network coverage from the current 78% to 100% by 2022; and increase the annual quotas for admission to higher and secondary special education institutions in the field of information technology from the current 7,000 to 20,000 by 2030. Uzbekistan has announced it plans to invest $2.5 billion into the development of the digital infrastructure in 2021-2022.
- Launch of the National Online Trading Platform https://unisavdo.uz/ by Ozbekiston Pochtasi (the state postal service company) in March 2021: Entrepreneurs will be able to put their products up for auction through the system; Ozbekiston Pochtasi will deliver purchased goods to buyer's address and, thus, assume responsibility as a guarantor between seller and buyer; the state company plans to increase the number of logistics centers from 4 in 2021 to 30 in 2025 and increase the number of items posted on the Platform from 10,000 in 2021 to 1,500,000 in 2025; the number of local and international online stores for cooperation should rise from 10 in 2021 to 125 in 2025.
- The Uzbekistan Export Promotion Agency established cooperation with Chinese e-commerce firm Alibaba in October 2020, creating a "Made in Uzbekistan" section on the Alibaba.com platform, where products of selected domestic companies will be exhibited; the government plans to provide financial support for the registration of more than 300 local companies on the Alibaba.com platform.

The outlook however, is not completely bleak, as e-retailers are looking to counter the various problems associated with contrived addresses, cash-on-delivery, and returned merchandise by investing the requisite amount of capital and establishing their own logistics business. Flip Kart and Amazon India have already undertaken various initiatives in this regard. However, setting up a captive logistics infrastructure is not without its own perils – these companies are finding their delivery costs to be 10 to 20% higher than those of the logistics experts. Higher delivery costs may lead to elimination of the benefit of free delivery by e-retailers, who are already trying to attain success in a complex business model which offers thin profit margins (PWC 2014).

Barriers to growth of e-commerce in developing countries

Regardless, there are many obstacles in developing countries which seriously hinder the growth of their e-commerce industry. E-commerce has the potential to provide many opportunities in a manner unprecedented by other technological advancements, with its positive impact on trade, investment, business transactions, and market penetration (Wresch and Fraser 2011). But the conclusion reached by many researchers who have tried to search for the realisation of these benefits

in developing countries has been, by and large, disappointing. According to Molla and Heeks (2007, 105), "the majority of businesses do not appear to have obtained E-commerce benefits in terms of expanding their access to markets, improving their reach or linkages to customers or suppliers, or in relation to cost savings or other efficiency gains".

The obstacles may vary between countries and regions but the commonly reported barriers that these countries face include a severe dearth of managerial skills requisite to formulate and implement an e-commerce strategy for business. Internet connectivity with regard to the cost, quality, and speed of the service provided is another stumbling block while lack of effective branding and trust issues is another important barrier to e-commerce growth. The latter has succeeded in pricking the e-commerce bubble in these countries as buyers feel more secure conducting transactions from renowned companies and brands (usually belonging to developed countries) rather than from unknown companies online (Travica et al. 2007). Lack of robust logistical networks is a barrier already discussed with reference to the Uzbekistan e-commerce market, and this factor is a common barrier for e-commerce in developing countries. Another common obstacle these countries face is the absence of a sound legal and regulatory environment for e-commerce, which acts as a deterrent for both buyers and sellers to conduct business over the Internet (UNCTAD 2004).

Pre-conditions for success of e-commerce initiatives

A very relevant aspect for the purpose of this discussion is that of the conditions necessary which favour the growth of ecommerce in a country. Travica et al. (2007) and Sridhar and Sridhar (2006) conducted research and found a few common critical success factors for e-commerce. These authors stated that for e-commerce initiatives to succeed, the first and foremost condition must be customer readiness, or propensity for e-commerce. Travica et al. (2007) refer to this as the "cultural layer", and explains it to be the readiness that shoppers may or may not display towards adopting e-commerce, which in turn stems from their historical association, or lack of, with it. He contrasts the US and Latin America, where the former has always been comfortable with catalogue-based shopping, and the latter regards shopping as a social act necessitating interaction. Trust, as discussed earlier, is an important aspect of this layer: even in the US where Amazon and eBay earned more than 4 billion USD and 15.7 billion USD respectively in just the first quarter of 2008, and customers are traditionally attuned to the practice of online shopping, there are persistent issues regarding trust (Elbeltagi 2007; Feigenbaum, Parkes and Pennock 2009). Developing countries, owing to the newness of e-commerce as a concept, then, find propensity for e-commerce to be significantly lacking, leading to low adoption rates.

Other preconditions include technical and managerial expertise, and legislation. Travica et al. (2007) reported that while technical expertise may be on the rise, there is a dearthof managers willing to champion e-commerce objects. The regulatory improvement is gradually becoming more conducive to e-commerce efforts, as noted by Kariyawasam (2008) when he appraised the efforts of Asian countries such asSri Lanka, which was on the verge of passing an electronic signature law, to provide better legal support. E-payment and banking systems, and software services must exist in a country which hopes to attain economic progress via e-commerce. This is another frontier which is can be regarded a work in progress, with banks in developing countries equipping themselves with systems for electronic payments and local software support. Telecommunications infrastructure remains a major condition missing in developing countries as even with increased rates of Internet access, these countries still report a very low ratio of user accounts per 100 people. Logistical networks, including both delivery services and traffic infrastructure, are both essential preconditions for growth of e-commerce, and areas where developing

countries are struggling (Wresch and Fraser 2011). Delivery services are not dependable, and this combined with outdated technology (compared to the US) and strict customs laws render international shippers reluctant to do business with these countries, whereas their revenues in European countries are increasing by billions every year (Cooke 2007). Traffic infrastructure problems include custom delays, exorbitant custom duties, lengthy delays in shipping to customers, and sudden increases in shipping costs of inputs and finished products. These problems are rampant in developed countries, and to a much greater extent in developing and under developing countries as the latter often find themselves unable to make the required national expenditures in the aforementioned areas.

Recommended measures to boost growth of e-commerce in developing and under developing countries

The term 'digital divide' is often used in reference to the "disparities between groups and societies in the adoption and diffusion of electronic information and communications technologies (ICTs) and E-business practice" (Genus and Noor 2005, 82). With reference to the adoption and growth of e-commerce, the gap between developed and developing countries is gradually narrowing down.

However, one of the major critical success factors of e-commerce is training and education. Developing countries face the digital divide primarily because they lack the requisite intellectual human capital. Mass illiteracy and little to no command over the English language render e-commerce an exercise in futility. Hence, the most important measure which needs to be taken is to engage in capacity building in e-commerce skills. Training and education can be imparted via various means using the internet itself, such as distance learning and specialised links with universities. Uzbekistan has effectively used the Open University concept to reduce illiteracy and cash in on the opportunities provided by e-commerce (2017 ministry of education).

The government has a very strong role to plays state policy, specifically legislation, significantly affects adoption and growth of e-commerce. One of the most important measures that can be taken and that will counter multiple barriers to ecommerce growth is the development of a supportive regulatory and legal environment. E-commerce strategies will be successfully owned only when consumers and businesses trust the concept and its premise, and are sure of its security and reliability (Zaied 2008). For them to feel confident, a solid regulatory umbrella must include enabling laws pertaining to ebusiness, regulations on consumer protection, e-transactions, and cybercrime as well as carefully laid out processes for redress in the event of abuse. UNCTAD (2015) statistics reveal that under developing countries are slow to adopt these laws; particularly those in Uzbekistan have not adopted these laws or produced draft legislation. These laws are vital for doing business online as the Internet by its very nature exposes customers to possible instances of deception and fraud.

Financial systems in under developing countries need to be restructured to enable online payment mechanisms and credit facilities. Developing countries are generally lagging behind in this regard, other than those with governments that are aggressively supporting e-commerce and reaping the benefits of doing that, such as Korea. In fact, regulatory support has a stronger impact on e-commerce in developing countries relative to developed countries (Zhu et al. 2004). Inadequate infrastructure acts as a major obstacle for e-commerce in developing countries, and the government should invest in legal, financial, logistical, and telecommunication infrastructure which is the backbone of any e-commerce initiative. It is vital that regional integration communities and developed countries partner with developing countries to facilitate in building long-term capacities for e-commerce, and ensure that a compatible infrastructure is developed to enable e-commerce across national boundaries.

Conclusion

The argument most commonly stated against free trade and liberal markets is that these worsen the gap between developed and under developing nations. The recent rise of the Internet economy has added further fuel to this critique, as the digital divide has revealed sharp disparities between the countries which are equipped with information, and those which are not. Given the immense potential that e-commerce has to act as a powerful tool in reducing the gap and give developing countries the chance to achieve economic equality, it is necessary that these countries develop dedicated national strategies and policies for e-commerce development, customised to their resources and situation. This, if followed by investments in telecommunications infrastructure, an enabling legal and regulatory climate, sound institutional reforms and training and education of human resources, will ensure that developing countries become strong contenders in the global e-commerce sector and also under developed countries have to lean on that structures which are developed countries used on for being strong part of the e-commerce.

Jalilov Jamshid G‘anijonovich
Marketing kafedrasi, PhD, Katta o‘qituvchi
Sirojiddinov Shaxriddin Nurmamat o‘g‘li
Magistratura bo‘limi MMRT – 10, 2-kurs talabasi

O‘ZBEKISTON YENGIL SANOAT BOZORI UCHUN MARKETING STRATEGIYALARIDAN OQILONA FOYDALANISHNING ZAMONAVIY YO‘LLARI

Annotatsiya: Ushbu maqolaning asosiy maqsadi O‘zbekiston yengil sanoat bozorida marketing strategiyalaridan foydalanishning asosiy yo‘llarini aks ettirish va mamlakat yengil sanoat bozorining bugungi holatini tahlil etilgan ma’lumotlar asosida keng yoritib berishdir. Ayni paytda maqoladagi izlanishlar O‘zbekiston yengil sanoat bozoridagi mahsulotlarning yetishtirilishidan tortib xaridorlarga yetib borgunga qadar bo‘lgan jarayonlarni bosqichli ravishda tahlil qiladi. Shu bilan bir qatorda mamlakatda qabul qilinayotgan yangi qonunlarning sohaga ta’sirini ham baholab berish uchun foydali hisoblanadi.

Kalit so‘zlar: *yengil sanoat bozori, marketing strategiyalari va mahsulot.*

Bugungi globallashgan iqtisodiy jarayonlar olamida O‘zbek tekstil sanoati ham jadal ravishda rivojlanib bormoqda. Bunga biror bir e’tiroz bo‘lishi mumkin emas. Keltirib o‘tilayotgan statistik ma’lumotlarga qaraydigan bo‘lsak, deyarli har oy mamlakatning qaysidir hududida yangi korxona sanoat korxonalari ochib kelinmoqda. Bularning katta qismi esa tekstil sanoati ulushiga to‘g‘ri keladi. Bu esa yuqorida keltirilayotgan firklarning ayni tasdiqi ekanligidan dalolat beradi. Shu bilan birgalikda mamlakat prezidenti Sh. M. Mirziyoyev ham sohani rivojlantirish maqsadida bir qancha farmon va qarorlar imzolab, ular ijrosi yuzasidan shaxsan nazoratni o‘z qo‘liga olganligi esa soha istiqbolli ekanligidan darak beradi. Xususan, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 16.09.2019 yildagi PQ-4453-sonli “Yengil sanoatni yanada rivojlantirish va tayyor maxsulotlar ishlab chiqarishni rag‘batlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” shular jumlasidandir.

Ayni shu davrda ushbu yengil sanoat bozori uchun eng muhim bo‘lib turgan masala bu tekstil mahsulotlari marketingini oqilona amalga oshirish hisoblanadi. Mahsulot marketingi shunchalik muhim hamda yuqori darajali jarayon ekan, demakki ushbu jarayonni amalga oshirish strategiyalari ham yuqori sahnaga chiqib qoladi. Endilikda, marketing strategiyalari raqamlashib borayotgan dunyo iqtisodiyotining ajralmas bir bo‘lagi bo‘libgina qolmasdan uning eng samarali sohasiga ham aylanib ulgurdi. Samarali marketing ko‘rib chiqilgan, yaxshi ma'lumotga ega marketing strategiyasidan boshlanadi. Yaxshi marketing strategiyasi sizning biznesingiz uchun aniq, real va o‘lchanadigan marketing maqsadlarini belgilashga yordam beradi.

Marketing strategiyasi - bo‘lajak iste'molchilarga erishish va ularni o‘z mahsuloti yoki xizmatlarining mijozlariga aylantirish uchun biznesning umumiy o‘yin rejasini anglatadi. Marketing strategiyasi kompaniyaning qiymat taklifini, asosiy brend xabarlarini, maqsadli mijozlar demografiyasi haqidagi ma'lumotlarni va boshqa yuqori darajadagi elementlarni o‘z ichiga oladi. Dunyo marketologlari nazarida esa marketing strategiyasi qisqa qilib aytganda tashkilotning marketing maqsadlariga erishish uchun maxsus ishlab chiqilgan kompleks rejasi demakdir.

Tahlillar va asosiy ko‘rsatkichlar.

Bugungi kun statistik ma’lumotlarini tahlil qilish har qanday soha rivojida eng muhim jarayon hisoblanadi. Shunday ekan, O‘zbekiston yengil sanot sohasi rivojiga baho berish uchun berish bir nechta tahliliy usullardan foydalangan holda tanlangan ma’lumotlarni qayta ishlab aniq bir xulosa va takliflar berish jarayoniga yetib kelamiz. Quyida ushbu maqolani yoritish uchun foydalanilayotgan tahliliy usullarni sanab o‘tamiz: *tezkor, istiqbolli hamda taqqoslama tahlili*.

Tezkor tahlillar joriy tahlillardan farqli o‘laroq asosan boshlang‘ich ma’lumotlarni o‘z ichiga olgan holda amalga oshiriluvchi tahlildir.

Istiqbolli tahlillar kelgusida ko‘zda tutilgan faoliyatni baholash va rejalashtirish uchun amalga oshiriladigan tahlil hisoblanadi.

Taqqoslama tahlillar bu iqtisodiy jarayonlarda keng ravishda foydalaniladigan tahlil bo‘lib, bir necha o‘xshash holat va ma’lumotlar bir biriga solishtirma usulda tahlil qiladi.

O‘zbekiston yengil sanoatida bir qancha asosiy ko‘rsatkichlar mavjud, shular qatorida quyidagilarni alohida ta’kidlab o‘tishimiz joiz bo‘ladi:

- Yengil sanoatning mamlakat sanoat sohasidagi ulushi;
- Sohadagi ish o‘rinlarining oshishi;

- ❖ Soha daromadlari;
- ❖ Tarkibiy o‘zgarishlar;
- ❖ Soha korxonalarining byudjetga to‘lovlarining o‘sishi;
- ❖ Sohadagi klaster korxonalari soni.

Ayni shu ko‘rsatkichlar asosida mamlakat yengil sanoatiga tahliliy baho berish mumkin.

1 – rasm, O‘zbekiston tekstil sanoati asosiy ko‘rsatkichlari.

Manba: Iqtisodiy tadqiqotlar va islohotlar markazi.

2 – rasm, O‘zbekiston to‘qimachilik sanoatidagi ko‘rsatgichlar.

***Tekstil sanoatida marketing strategiyalaridan foydalanish*.**

To‘qimachilik sanoati kompaniyasining marketing rejasi bu marketing maqsadlari va vazifalari va ularga erishish uchun muddatli harakatlar bilan aniqlanadigan bozorning o‘ziga xos strategiyasini belgilaydi. To‘qimachilik sanoati to‘qimachilik va boshqa matolarni loyihalash va ishlab chiqarishni o‘z ichiga oladi. Tarqatish kanallariga ishlab chiqaruvchilar, import qiluvchilar va chakana sotuvchilar kiradi. Tarqatish kanallarining keng doirasi, shuningdek, mahsulot va xizmatlar segmentlarining xilma-xilligi natijasida har bir marketing rejasi turlicha bo‘ladi va shunga asoslanib har bir kompaniyaning maqsad va vazifalariga moslashtiriladi. Quyida dunyo yengil sanoatida keng ravishda foydalanilib kelayotgan va mamlakatimizda marketing rivoji uchun foydali zamonaviy marketing strategiyalari qayd etiladi.

1 – jadval. Zamonaviy marketing strategiyalari.

Marketing Strategiyasi	Mazmuni	Foydalanish yo‘llari
Ijtimoiy tarmoq va virusli marketing	*Ijtimoiy media marketingi foydalanuvchilarga qimmatli deb topadigan va o‘z ijtimoiy tarmoqlari bo‘ylab baham ko‘rishni xohlaydigan kontent bilan ta'minlashga qaratilgan, natijada ko‘rish va trafikni oshiradi. Kontent, video va tasvirlarning ijtimoiy media ulushlari ham qidiruv tizimini optimallashtirish sa'y-harakatlariga ta'sir qiladi.*	*Facebook, Twitter, YouTube, Instagram va Google kabi qidiruv tizimlari*
Matbuotda Pulli reklama	*Pullik media - bu kompaniyalar pullik reklama orqali veb-saytlar trafigini oshirish uchun foydalanadigan vositadir. Eng mashhur usullardan biri bu bosish uchun to‘lov (PPC) havolalari. Aslida, kompaniya o‘z mahsuloti yoki xizmatiga tegishli kalit so‘zlar qidirilganda qidiruv tizimi natijalarida reklama sifatida ko‘rinadigan havolani sotib oladi yoki "homiylik qiladi" (bu jarayon odatda qidiruv tizimi marketingi yoki SEM deb nomlanadi).*	*Facebook, Twitter, YouTube hamda Google reklamalari*
Internet Marketing	*Internet-marketing yoki onlayn marketing, e-tijorat savdosini reklama qilish va oshirish uchun veb va elektron pochtani birlashtiradi. Ijtimoiy media platformalari, shuningdek, brend mavjudligidan foydalanish va mahsulot va xizmatlarni targ'ib qilish uchun kiritilishi mumkin.*	*Barcha turdagi internet manbalari.*
Email marketing	*Elektron pochta marketingi etakchilarni tarbiyalash va aylantirishning juda samarali usulidir. Biroq, sizning xabaringiz spam-filtrlarga tushib qoladimi, bu tasodifiy o‘yin emas. Buning o‘rniga, elektron pochta marketingi - bu sotib olish qarorlariga ta'sir qilish maqsadida aniq istiqbollar va mijozlarga qaratilgan avtomatlashtirilgan jarayon.*	*Elektron pochtalar: Gmail, Mail.ru, Yahoo.com, shu kabilar.*
To‘g‘ridan-to‘g‘ri sotish	*To‘g'ridan-to‘g'ri sotish ism taklif qilgan narsani amalga oshiradi - mahsulotlarni to‘g'ridan-to‘g'ri iste'molchilarga sotish va sotish. Ushbu modelda savdo agentlari mahsulotlarni chakana savdo joylaridan uzoqda, odatda, bir kishining uyida namoyish qilish va sotish orqali shaxslar bilan yuzma-yuz munosabatlar o‘rnatadilar.*	*Amway, Avon, Herbalife va Mary Kay.*
Xarid nuqtasi marketingi (POP)	*Sotib olish nuqtasi marketingi (yoki POP marketingi) maxsus auditoriyaga sotadi - bu xaridorlar allaqachon do‘konda va sotib olishga tayyor. Mahsulot displeylari, paketdagi kuponlar, mahsulotning afzalliklari haqida gapiradigan suhbatdoshlar va boshqa e'tiborni tortadigan "qizg'inchilar" ko‘pincha javonda sotib olish qarorlarini chalg'itib, shunchaki yaxshi va juda ko‘zga ko‘ringan taklifni qabul qilib yuborishadi.*	*KitKat, Nesquick kabi mahsulotlarni sotishda xarid nuqtasidagi flayer va broshuralar.*
Topilgan Media yoki PR	*Topilgan OAV (yoki "erkin ommaviy axborot vositalari") - bu pullik reklamadan tashqari sa'y-harakatlar orqali yaratilgan reklama. Bu turli shakllarda bo‘lishi mumkin - ijtimoiy media guvohnomasi, og'zaki so‘z, televidenie yoki radio haqida eslatma, gazeta maqolasi yoki tahririyati - lekin bir narsa doimiy: ishlab topgan ommaviy axborot vositalari so‘ralmagan va faqat organik tarzda olinishi mumkin.*	*Turli xil media muhokamalar asosida, jumladan ijtimoiy tarmoqlardagi mashxur trendlar.*
Og‘zaki marketing	*Brend hikoyalari iste'molchilarni hissiy darajada jalb qilish uchun tanish aloqa formatidan foydalanadi. Faqat faktlar va raqamlarni so‘zlab berish o‘rniga, hikoya qilish sizning kompaniyangiz kimligi, nima bilan shug'ullanayotganingiz, muammolarni qanday hal qilishingiz, nimani qadrlayotganingiz haqida umumiy fikrlarni insonlar ongida hosil qilish jarayonidir.*	*Mahsulot haqidagi fikr va qarshlar og‘zaki ravishda ko‘chib yurishi.*

Xulosa.

Yuqorida keltirib o‘tilgan tahlil va strategiyalardan kelib chiqgan holda shuni aytish mumkinki, mamlakatimizda yengil sanoat, xususan, to‘qimachilik va tekstil sohalarini rivojlantirishni jadallashtirishda to‘g‘ri marketing strategiyalarni tanlab olish va joriy qilish sohada samaradorlikni oshirishga bevosita xizmat qiladi. Shu maqsadda yengil sanotni bosqichma-bosqich raqamli iqtisodiyot tarmog‘iga aylantirish, yengil sanoat sohasidagi korxonalar va kompaniyalar raqobatbardoshliligini ta’minlash, tovar-maxsulot sotuvi usullari va bozorni o‘rganish hamda tahlil qilish, maxsulotning iste’molchiga yetib borishi uchun qulay shart-sharoit yaratish va h.k. larni taklif qilamiz. Shu jumladan, O‘zbekiston yengil sanoat rivoji uchun zamonaviy xalqaro marketing strategiyalaridan (Internet va email marketing) muvofiq foydalanish va amaliyotga tatbiq qilish, kiritilayotgan o‘zgarishlarni bosqichma-bosqich joriy qilish, erishilayotgan yutuqlar sarhisobini tahlil qilish va kelgusi harakatlarni reja asosida to‘g‘ri tashkillashtirish kabi masalalar ham muhim ahamiyat kasb etadi. Xulosa o‘rnida aytish joizki, iqtisodiyoti asosan qishloq xo‘jaligiga asoslangan mamlakatimizda yengil sanoatning rolini oshirish,

jumladan, tekstil va to‘qimachilik maxsulotlari ishlab chiqarilishini ko‘paytirish va shu orqali yengil sanoat bozori marketingini oqilona usullarda jadal sur’atda rivojlantirish o‘z o‘rnida O‘zbekistonning iqtisodiy potensialini yanada yuksaltirgan holda, iqtisodiyotda bir qancha ijobiy islotlar bo‘lishini ta’minlaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. *O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 16.09.2019 yildagi PQ-4453-sonli “Yengil sanoatni yanada rivojlantirish va tayyor maxsulotlar ishlab chiqarishni rag‘batlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” prezident qarori.*
2. *Ergashxodjaeva SH.Dj. Strategik marketing. - T.: IQTISODIYOT, 2019. - 232 bet)*
3. *F.Kotler; G.Armstrong. Marketing “Asoslari” 14 edition. 2018.*
4. *George J. Avlonitis “Marketing strategies and tactics in a period of recession” 2016.*
5. *Shoalimov A.X. Tojiboyeva Sh.A. “Iqtisodiy tahlil nazariyasi” Darslik. –T.: TDIU, 2010.*

Jalilov Jamshid G‘anijonovich
Marketing kafedrasi, PhD, Katta o‘qituvchi
Sirojiddinov Shaxriddin Nurmamat o‘g‘li
Magistratura bo‘limi MMRT – 10 2-kurs talabasi

DUNYO BOZORIDA BRAND NOMLARINING O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI.

Annotatsiya: *Ushbu maqolada jahon bozoridagi eng yirik kompaniyalar nomlari, ularning jahonda qanday o‘rin egallayotganining reytinglari haqida fikr yuritiladi va ularning iste’molchilarning jalb etish xususiyati hamda marketing sohasidagi yutuqlari ko‘zda tutilgan holda O‘zbekiston va dunyo bozoridagi ahamiyati haqida so‘z boradi.*

Kalit so‘zlar: *Brend, brend reytingi va iste’molchi e’tibori.*

Bugungi kun iqtisodiyot olami ko‘plab o‘zgarishlar va globallashuv maydoniga aylanib ulgurdi. Ushbu maydonning ajralmas qismi sifatida rivojlanib kelayotgan marketing jarayonlari ham butun jahon biznesi uchun yuqori ahamiyat kasb etib kelmoqda. Ayni shu jarayonlarning tarkibiy qismi o‘laroq, har bir ishlab chiqarilayotgan yangi turdagi mahsulotlar uchun alohida o‘ziga jalb qilish xusisiyatiga ega bo‘lgan nom tanlanishi juda katta ahamiyatga ega va mahsulotlar ana shu nomlar orqali iste’molchilarga yetib borib, ularda sodiqlik hissini uyg‘otib, uni “brend” darajasiga ko‘taradi. Demakki, mahsulot nomi brend darajasiga ko‘tarilib uning yangi statusini belgilab berar ekan, unda mahsulot uchun nom tanlash ham muhim bir jarayonligi yaqqol ko‘zga tashlanib ulgurdi. Global iqtisodiyotda yuqori mashxurlik darajasiga ega bo‘lgan mahsulotlar uchun nom tanlash dastavval bir muncha oddiy va oson jarayon bo‘lgan bo‘lsa, bugungi kunda bu jarayon anchayin murakkablashgan bosqichga yetgan desak mubolag‘a bo‘lmasa kerak.

Brend - bu bir ishlab chiqaruvching tovarini yoki xizmatini boshqa ishlab chiqaruvchilardan farq qiladigan ism, atama, dizayn, belgi yoki boshqa xususiyatlarini bildiradi. Brendlar biznesda, marketingda va reklama sohasida tan olinish uchun ishlatiladi va eng muhimi, markaning mijozlari, uning egalari va aksiyadorlari manfaati, aniqlangan obyekt uchun tovar sarmoyasi sifatida qiymat yaratish va saqlash uchun ishlatiladi. Brend nomlari ba'zan umumiy yoki do‘kon brendlaridan ajralib turishi kerak. Brend nomlari bilan ishlash esa o‘z navbatida brending deyiladi va brending bu marketing kommunikatsiyalari tizimining firma stili va uning elementlarini ishlab chiqish, firmani raqobatchilardan ajratib turuvchi o‘ziga xos imijini yaratish sohasi.

Mahsulot ishlab chiqarish sohasida birinchi navbatda kompaniyalar nomlari va ularning iste’molchilarga ta’sir qilish psixologiyasiga qarab mahsulotlarga nom qo‘yish asosiy omil hisoblanadi. Misol uchun, O‘zbekistondagi ba’zi kompaniya va firma nomlari iste’molchilarga ta’sir qilish doirasi bir muncha sust. Negaki, mahsulot nomi bir muncha chet el brend nomlari xususiyatlaridan foydalanib qo‘yilgan nomlardir. Shuning uchun ham O‘zbekiston milliy brendlar reytingida 100 ta davlat ichida 70-o‘rinda turibdi. Brand Financening oxirgi tadqiqotlariga ko‘ra, dunyoning eng qimmat milliy brendlari AQSh, Xitoy va Germaniya bo‘lib qolmoqda. Milliy brendlarning baholanishi bo‘yicha 2018-yilgi statistik ma’lumotlarga qaraganda AQSh 7.2 foizga o‘sib, 27.751 trln dollarga baholangan, Xitoy brendlari 40,5 foizga yuqorilab, 19,486 trln dollargacha yetgan. Germaniya brendi esa 5.7 foizga arzonlashib, 4.855 trln dollarni tashkil qilgan. Shu qatorda O‘zbekiston 70-o‘rinda bo‘lib, MDH davlarlari ichida 4-o‘rinni egallagan. Bu oldingi yillarga nisbatan 2 pog‘ona yuqori ko‘rsatgich. Brendning baholanishida davlatning yalpi ichki mahsuloti, investitsiyaviy va turistik jozibadorligi, siyosati va savdo qoidalari, ijtimoiy jihatlari va boshqa mezonlar hisobga olingan.

Qo‘chimcha qilib shuni aytish joizki, bozor iqtisodiyoti sharoitida mamlakatning nomi ham brend hisoblanadi. Masalan, Shvetsariya haqida o‘ylaganizda birinchi navbatda banklar, soatlar va Alp tog‘lari ko‘z oldizga keladi, Yaponiya esa “Kunchiqar mamlakat” yoki bo‘lmasa elektronikaning yuksak na’munalari, samuraylar ko‘z oldizda namoyon bo‘ladi. Dunyo bozorida mamlakatning nomi ham imij hisoblanadi. Mamlakat nomi brendi bo‘yicha Brand Financening reytingida dastlabki o‘rinlarni Singapur, Shvetsariya, BAA, Gonkong, Niderlandiyalar (AAA) egallab turibdi. O‘zbekiston esa bunda 18 pog‘ona yuqorilab 49-o‘rinda (AA-) Italiya, Polsha, Quvayt davlatlari bilan bir qatordan joy olgan.

Kantar BrandZning 2021-yilgi dunyodagi eng qimmat brendlari bo‘yicha olib borgan statistik ma’lumotlariga ko‘ra Amazon va Apple yetakchilik qilmoqda.

1-jadval. Dunyo bo‘yicha brendlarning reytingi ko‘rsatkichlari.

Reyting 2021	Brend	Brend qiymati ($Mil) 2021	O‘sish % 2020
1	Amazon	683,852	64%
2	Apple	611,997	74%
3	Google	457,998	42%
4	Microsoft	410,271	26%
5	Tencent	240,931	60%
6	Facebook	226,744	54%
7	Alibaba	196,912	29%
8	Visa	191,285	2%
9	Mc Donald’s	154,921	20%
10	MasterCard	112,876	4%

2020/21-yil brend o‘sishi bo‘yicha rekord yil bo‘ldi. Ko‘pchilik qiyin yilni boshidan kechirganiga qaramay, Brand Finance tadqiqotchilari kuchli brendlar aktsiyadorlarning yuqori daromadini, barqarorligini va tezroq tiklanishini yana bir bor isbotladi. Global elektron tijorat 2020 yilda sotuvlar hajmining 12 foizidan 15 foizigacha o‘sishi bilan, bu savdo zanjiridan to FedEx va UPS kabi kuryerlargacha bo‘lgan brendlar uchun ijobiy yil bo‘ldi. Biroq, ko‘pchilik pandemiyaning boshida qiyinchiliklarni bashorat qilgan sohalarda o‘sishni ham ko‘rdik. Masalan, kiyim -kechak brendlari reytingda ommaviy axborot vositalari va ko‘ngilochar brendlardan ham ko‘proq o‘sdi va hashamatli brendlar, butun dunyo bo‘ylab sayohatlarning kamayishiga qaramay, o‘z kuchlarini qayta yo‘naltirishdi va natijada o‘sishni ko‘rishdi.

Hozirgi bozor iqtisodiyotida brend nomlari ham juda katta ahamiyat kasb etadi. Negaki, iste’molchilarni birinchi navbatda mahsulotning ichki xususiyatlari emas balki uning nomi va qanday talaffus qilinishi e’tiborni tortadi. Misol uchun, Mc Donald’s korparatsiyasining asoschisi Ray Kroc aka-uka McDonaldlardan kompaniyani torib olayotganida shunday degan edi, - “Kompaniyani sizlardan men tortib olayotganim yo‘q, sizlar o‘zlaringiz menga topshirdilaringiz. Faqat birgina meni oshxonangizga kiritdingizmi? Yo‘q, mendan oldin ham bir necha tanishlaringni va o‘rtoqlaringiz kiritgansizlar, ular ham sizlardan o‘rganib burger tayyorlashni boshlashdi, lekin ish jarayonini yurita olmadilar. Menga oshxonangizni yoki bo‘lmasa burgerlaringizni umuman qizig‘i yo‘q, menga birgina “McDonald’s” degan so‘zning o‘ziyoq menda ishtiyoq va qattiyat uyg‘otdi.” Bundan ko‘rinib turibdiki, bu nom hozirgi kunda dunyo brendlari ichida kuchli 10 talikda turibdi. Shunday ekan mahlusot nomlari va talaffuzi juda katta ahamiyat kasb etadi. Brend nomlari iste’molchilarga birgina so‘z bilan kirib borsa, ularda mahsulotga bo‘lgan qiziqish yanada ortadi. Chunki boshida aytishga qiynalmagan iste’molchi sotib olishga ham hech qachon qiynalmaydi. Yana bunday misollar juda ko‘p: Nike, Adidas, Reebok, Tesla, Iphone va kh.

Bizning mamlakatimizda esa bunday nomlarni topish juda mushkul. Negaki mahsulot nomlari va kompaniyalar nomlari bir necha so‘zdan iborat bo‘lib,hattoki kompaniya asoschisi nomi bilan atalib qo‘yiladi, bu esa iste’molchilar qalbiga bu nomlar orqali kirib borish muncha qiyin sanaladi. Misol uchun, To‘xtaniyoz ota kolbasalari, Ro‘zmetov, Asil; kiyim tikish fabrikalari nomlarida albatta “tekstil” degan so‘z bor (Mega Soft Textile, Bagira Textile). Bunday narsalar hech qachon iste’molchilarni e’tiborini tortmaydi. Kompaniya nomi brendning ya’ni mahsulotning rivojlanishi uchun muhim ahamiyatga ega. Axir jarangdor nom raqobatchilar olomoni orasida ajralib turishga yordam beradi. Ijodkorlar “naming” – savdo markasi uchun betakror nom o‘ylab topish jarayonida anchadan beri bosh qotirib ulkan natijalarga erishmoqdalar. Shunday ekan o‘zgarishlar vaqti kelgani aniq.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. *Brand Finance Global500 report 2019.*
2. *Ergashxo‘jayeva Sh., Qosimova M. “Marketing asoslari” O‘quv qo‘llanma 2019-yil, 288-bet.*
3. *P.Kotler., G.Armstrong “Principles of Marketing” 11th edition. 2016.*
4. *The Kantar BrandZ Most Valuable Global Brands 2021 ranking reports.*

Usmonov Abbos Valijon o‘gli
2-kurs MIIT-10 guruh magistranti.

O‘ZBEKISTONDA RAQAMLI IQTISODIYOTNING MUOMMOLAR YECHIMLAR VA ISTIQBOLLARI

Annotatsiya: *Ushbu tezisda hozirgi vaqatda Ozbekistonda raqamli iqtisodiyot-ning o‘rni va ahamiyati to‘g‘risida so‘z boradi. Undan tashqari raqamli iqtisodiyotning iqtisodiyotdagi o‘rni ham yoritiladi.*

Mavzuni boshlamasdan avval davlatimiz rahbarinig ushbu so‘zlarini eslab o‘tmasak bo‘lmas, Albatta raqamli iqtisodiyotni shakllantirish kerakli infratuzilma, ko‘p mablag‘ va resurslarni talab etishini juda yaxshi bilamiz. Biroq, qanchalik qiyin bo‘lmasin, bu ishga bugun kirishmasak qachon kirishamiz. Ertaga juda kech bo‘ladi. Shu bois raqamli iqtisodiyotga faol o‘tish kelgusi besh yildagi eng ustuvor vazifalarimizdan biri bo‘ladi. Haqiqatdan ham bu so‘zlarda jon bor. So‘nggi yillarda iqtisodiyotni rivojlantirishda ilg‘or texnologiyalar va innovatsiyalarning ahamiyati oshib bormoqda. Eng yangi texnologiyalar ishlab chiqarish va biznes jarayonlarining samaradorligini oshirishi mumkin. Shuni inobatga olib O‘zbekistonda Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish uchun qo‘shimcha shart-sharoitlarni yaratish, shuningdek, 2017-2021-yillarda O‘zbekistonRespublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasining maqsadlariga muvofiq quyidagilar qabul qilindi:

O‘zbekiston Respublikasida raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida» 2018-yil 3-iyuldagi PQ-3832-son Farmoni.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining «Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish maqsadida raqamli infratuzilmani yanada modernizatsiya qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida» 2018-yil 21-noyabrdagi PQ - 4022-son Qarori.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 07.03.03-yildagi PQ-3832-son «O‘zbekiston Respublikasida raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida» hamda zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalangan holda amaliy ko‘nikmalarga ega bo‘lgan blokcheyn texnologiyalarin ishlab chiqish va ulardan foydalanishda malakali kadrlar tayyorlash va bundan tashqari O‘zbekiston Respublikasi prezidenti 2018 yil 28 dekabrdagi 2019 yil uchun eng muhim ustivor vazifalar haqidagi Oliy Majlisga muroja’atnomasida ham mamlakatimizda raqamli iqtisodning rivojlanishi bo‘yicha quyidagilarni aytib o‘tdi.

“Iqtisodiyotning barcha sohalarini raqamli texnologiyalar asosida yangilanishini ko‘zda tutadigan “Raqamli iqtisodiyot milliy kontseptsitasini ishlab chiqishimiz kerak. Shu asosda “Raqamli O‘zbekiston-2030” dasturini hayotga tadbiq etishimiz zarur. Raqamli iqtisodiyot yalpi ichki mahsulotni kamida 30 foizga o‘stirish, korruptsiyani keskin kamaytirish imkonini beradi. Nufuzli xalqaro tashkilotlar o‘tkazgan tahlillar ham buni tasdiqlamoqda. Shuning uchun Hukumatga ikki oy muddatda raqamli iqtisodiyotga o‘tish bo‘yicha yo‘l xaritasini ishlab chiqish topshiriladi. Bu borada axborot xavfsizligini ta’minlashga alohida e’tibor qaratish zarur.

Avvalo shuni aytish kerakki, raqamli iqtisodiyot o‘zaro bog‘liq bo‘lgan ishlab chiqarish va boshqaruv jarayonlarining zanjiridan iborat bo‘lib, uning ajralmas elementi zanjirlararo (insonlararo, mashinalararo, bulutlar orqali, data markazlararo) raqamli texnologiyalar yordamida amalga oshiriladigan ma’lumot almashinishdir . Raqamli iqtisodiyotda raqamli ko‘rinishdagi ma’lumotlar barcha ijtimoiy-iqtisodiy sohalardagi ishlab chiqarishning asosiy elementi hisoblanadi va bunday iqtisodiyot tizimiga bosqichma-bosqich o‘tish mamlakatimizning global miqyosdagi raqobatbardoshliligi oshirib, fuqarolarning hayot sifatini yanada oshiradi,yangi ish joylarini yaratadi, jadal iqtisodiy o‘sishga imkon yaratadi va milliy mustaqillikni ham ta’minlab beradi . Ushbu raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish dasturi quyidagi maqsadlarini amalga oshirish uchun xizmat qilishi kerak.

O‘zbekiston Respublikasida raqamli iqtisodiyotning ekotizimini yaratish;

Mamlakat raqamli iqtisodiyot tizimining institutlari va infratuzilmasini yaratish;

Respublikaning barcha tarmoqlarini qamrab oluvchi informatsion jamiyat tashkil qilish uchun kerakli bo‘lgan barcha chora-tadbirlarni amalga oshirish;

Global miqyosda va global bozorlarga respublikamizning raqobatbardoshliligini oshirish.

Endi global information tizimda mavjud bo‘lgan ochiq ma’lumotlar va adabiyotlardan foydalangan xolda bir qancha rivojlangan mamlakatlar misolida raqamli iqtisodiyot infratuzilmasini shakllantirishning asosiy ko‘rsatgichlari va uning o‘ziga xos hususiyatlari bilan tanishib chiqamiz

Raqamli elektron biznes sohasidagi kompaniyalarning kapitalizatsiyasi foydalanuvchilar soniga va ular sonining ko‘payishiga bog‘liq bo‘lib qoladi. Bu esa kompaniyalarga sotuvdan katta miqdordagi daromad olinishiga sabab bo‘ladi. Masalan, YouTube bir kunda 100 million so‘rov oladi, Facebookda esa 2 milliarddan ko‘p ishtirokchilar mavjud. Huddi shu juda katta foydalanuvchilar guruhini qamrab olish nafaqat kapitalizatsiyani ko‘paytiradi, balki reklamada ham katta miqdordagi mablag ishlab olishga sabab

bo‘ladi. Masalan, 2015 yilda Facebook reklamaning o‘zidan 26,9 milliard dollardan ortiq mablag ishlab oldi. 2016 yil natijalari bo‘yicha Facebookning yillik daromadi 27,6 milliard dollarni tashkil qilib, sof foyda 10,2 milliard dollarni tashkil etgan. Shunday qilib, raqamli iqtisodiyot – yangi iqtisodiy muhit bo‘lib, u biznes uchun yangi va juda kata imkoniyatlar yaratib beradi.

Taklif va hulosalar

Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish O‘zbekiston Respublikasi uchun ham uning dunyo miqyosidagi raqobatbardoshligini belgilab beradigan strategik ahamiyatga molik masalalardan biri hisoblanadi. Bu esa davlatimizga raqamli iqtisodiyotning rivojlanishini uchun shart-sharoitlar yaratish, uni eng kerakli sohalarga yo‘naltirish va bu jarayonni imkoniyat darajasida rag‘batlantirish zarurligi demakdir.Milliy iqtisodiyotimizning yana bir muhim ajralib turadigan jihati shundaki, YIM asosiy qismi davlat korporatsiyalari (yoki davlat ishtiroki ulushi katta bo‘lgan kompaniyalar) tomonidan yaratiladi. Bunday sharoitlarda profilli vazirliklar yoki davlat korporatsiyalari rahbarligi ostida industrial raqamli platformalar yaratish eng oqilona qadam bo‘lib hisoblanadi. Bunday platformalar raqamli iqtisodiyotning tez rivojlanishi va unga mos keluvchi texnologiyalarning keng tarqalishi uchun zarur infratuzilma bazisini yaratadi. Fikrimizcha, raqamli iqtisodiyot platformalari tuzishda asosiy e’tiborni quyidagi yo‘nalishlarga qaratish zarur: telekommunikatsiyalar, energetika, transport, sog‘likni saqlash, soliq va soliqqa tortish, dori-darmonlarlogistikasi,ma’lumotlarni qayta ishlash, turizm, tashqi iqtisodiy faoliyat, ko‘chmasmulk savdosi va ishlab chiqarish. Aynan shu sohalarning rivojlanishi kerakli infratuzilma va mos texnologik bazis yaratishga imkon beradi. So‘ngra ularni iqtisodiyotning boshqa sohalarga ko‘chirgan holda O‘zbekistonda raqamli iqtisodiyotni maksimal darajada tez shakllantirish mumkin bo‘ladi. Bunday yondashuv bugungi kunda respublikamiz uchun eng maqsadga muvofiq bo‘lib ko‘rinadi, lekin u ham kamchiliklardan xoli emas, albatta. Ammo mos keluvchi strategiya tanlashda unga asoslanishi lozim bo‘lgan raqamli iqtisodiyot konsepsiyasini shakllantiish uchun taxmin qilingan yo‘l risklarini ham, raqamli iqtisodiyot risklarini ham hisobga olish lozim. Rivojlangan mamlakatlar raqamli iqtisodiyotining ko‘plab dasturlari (AQSH, Avstriya, Avstraliya, Buyuk Britaniya,Koreyava boshqalar) asosiy e’tiborni “raqamli tibbiyot” va “aqlli shahar” ijtimoiy yo‘nalishlariga qaratgan. Bunday loyihalarni rivojlantirish yo‘nalishi jiddiy iqtisodiy samaraga ega emas, ammo bu tanlov bir qator dalillar vositasida bir qadar asoslanishi mumkin.

Raqamli iqtisodning yana boshqa bir xizmatlari, shu jumladan, big data, sun’iy intellect, mashina vositasida ta’lim berish, kraudsorsing, kraudfunding, blokcheyn va bulutli texnologiyalar ham kelajak iqtisodiyotida va korporativ boshqaruvda halqiluvchi ahamiyat kasb etishini hayotning rivojlanish tendentsiyalari yaqqol ko‘rsatib turibdi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yhati

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 28 dekabrdagi 2019 yil uchun eng muhim ustivor vazifalar haqidagi Oliy Majlisga Muroja"atnomasi.

2. Постановление Кабинета Министров «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию и внедрению цифровой экономики в Республике Узбекистан от 31 августа 2018 года.

3. Гулямов С.С. va boshqalar.Raqamli iqtisodiyotda blokcheyn texnologiyalari. T.: “Iqtisod Molia” nashriyoti, 2019. 396 bet.

4. Аюпов Р.Х., Балтабаева Г.Р. Ракамли валюталар бозори: инновациялар варивожланиш истикболлари. –Т: “Фан ва технология” nashriyoti, 2018, 172бет.

5. ЛапидусЛ.В. Цифровая экономика: управление электронным бизнесом иэлектронной коммерцией. –М.: ИНФРА-М, 2017. -281 с.

6. https://ru.wikipedia.org/wiki/- Vikipediadagi sahifa

Аббосов Нодирхон Фурқат ўғли,
МКБ-10 гуруҳ магистри,
Илмий раҳбар: и.фн., доц.А.А.Темиров

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация:*Тезисда муаллиф томонидан тижорат банклари барқарорлиги ва муваффақиятли фаолият юритилишида корпоратив бошқарувининг ўрни ва роли тўғрисда фикр юритилган, шунингдек, корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.*

Иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида республикамизда фаолият юритаётган тижорат банкларининг роли тобора ортиб бормоқда. Чунки хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳеч бири банк хизматини четлаб ўтиб фаолият юрита олмайди, ўзаро ҳисоб-китобларини банк

ёрдамисиз ўтказа олмайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек “Банк ва молия тизимида ислоҳотларни жадал давом эттириш, соҳага замонавий бозор механизмларини кенг жорий этиш зарур. Бугунги кунда банк тизимидаги энг асосий муаммо – улар капиталининг асосий қисми, яъни, 83 фоизи давлатга тегишли эканидир. Бу, ўз навбатида, банк секторида соғлом рақобатга тўсиқ бўлиб, хизмат кўрсатиш сифатига салбий таъсир қилмоқда.” [1].

Тижорат банклари барқарорлиги ва муваффақиятли фаолият юритиши корпоратив бошқарувини қандай ташкил этилганлигига боғлиқ. Корпоратив бошқарув деганда банк стратегик мақсадларини аниқлаш ва уларга эришиш устидан назорат қилиш учун зарур ташкилий тузилмани, шунингдек, бошқарувга оид қарорлар қабул қилиш имконини таъминловчи, банк бошқарув органлари ва бошқа манфаатдор томонлар ўртасидаги муносабатлар мажмуи, шу жумладан, бошқарув органларининг ваколатларини ва жавобгарлигини тақсимлаш ҳамда бошқарувга оид қарорлар қабул қилиш имконини яратиш тушунилади [2]. Тижорат корхоналарида банк кенгаши аъзолари ва раҳбарларига банкни бошқариш бўйича эркин ҳаракат қилиш имкони берилган.

Маълумки, тижорат банклари, асосан, жалб қилинган маблағлар асосида операцияларни амалга оширадилар. Айниқса, банклар ўз фаолиятини сақлаш учун акциядорлик капиталидан фойдаланишига қарамасдан, банк фаолияти омонатчилар маблағларининг йўқолишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли ҳам банкларда корпоратив бошқарувни самарали ташкил этиш муҳим масала ҳисобланади.

Бошқа акциядорлик жамиятлари каби акциядорлик тижорат банклари бошқарувининг юқори органи бўлиб акциядорлар умумий йиғилиши ҳисобланади. Миноритар акциядорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Республикамиз банкларда миноритар акциядорлар қўмитаси ташкил этилган, шунингдек Банк Кенгаши таркибига банкнинг миноритар акциядорлари манфаатларини ифодалайдиган аъзолари ҳам киритилади.

Тижорат банкларида Банк Кенгашининг раислигига, агар банк уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, кўпчилик овоз билан кенгаш аъзоларининг бири сайланади. Кенгаш раиси унинг фаолиятини бошқариш ва самарадорлигини таъминлашга жавобгар, шунингдек, кенгаш аъзолари ўртасида ишончли муносабатларни шакллантиришга хизмат қилади. Кенгаш йиғилишларида раис тўлиқ ва кенг қамровли маълумотларни таҳлил қилган ҳолда мустақил фикр алмашинувлари, танқидий қарашлар ва ижодий ёндашувлар асосида қарорлар қабул қилинишини таъминлаши лозим. Агар банк акцияларининг 50 фоиздан ортиғи давлатга тегишли бўлса, Банк Кенгаши раиси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тақдимномасига кўра Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланади. Банк Кенгаши раисининг ўринбосари банк Кенгаши раиси томонидан банк Кенгаши аъзоларидан тайинланади [6].

Банкнинг касбга оид этикаси кодекси унинг банк корпоратив бошқаруви даражасига ижобий таъсир кўрсатишини таъминлаш мақсадида барча ходимларга етказилиши ва унга банк ташкилий тузилмасининг барча ташкилий даражаларида, жумладан банк Кенгаши ва Бошқарувида риоя этилиши зарур. Банкнинг стратегик мақсадларига эришишининг муҳим омили бўлиб, корпоратив бошқарувнинг қуйидаги жиҳатларини аниқлаб берадиган касбга оид этикаси стандартларини ўрнатишга йўналтирилган банк Кенгаши ва Бошқаруви фаолияти ҳисобланади:

-банк ташкилий тузилмаларининг барча даражаларида ички назоратнинг самарали тизимини таъминлаш, шу жумладан, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш масалалари бўйича;

-соғлом ва хавфсиз банк амалиётини ўтказиш;

-манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш ҳамда манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкин бўлган ҳолатлар ва фаолият соҳаларини аниқлаш;

-банк ходимлари ва мансабдор шахсларини кредитлашда банк хавфсизлиги ва ишончлилиги талабларига риоя этиш ва бошқалар.

Тижорат банкларида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминловчи ҳамда банк инсайдерлари ва аффилланган шахслари билан операцияларни тартибга солувчи механизмлар ишлаб чиқилган. Кадрлар сиёсати борасида корпоратив бошқарув ходимларни (жумладан банк раҳбариятини) ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш, ходимларни ўқитиш, кадрлар жойини ўзгартириш ва мансабда ўсиш, банк ходими томонидан ўз мажбуриятларининг лозим даражада бажарилмаслиги, банкнинг касбга оид этикаси

кодексининг бузилиши учун чоралар кўриш масалалрига тааллуқли ички ҳужжатларнинг мавжудлиги ва уларга риоя этилишини кўзда тутади.

Тижорат банклари фаолиятини бошқаришдаги ошкоралик акциядорлар, омонатчилар ва банкнинг бошқа кредиторлари учун бошқарув органлари фаолияти мониторингини амалга ошириш, самарали корпоратив бошқарувни амалга ошириш борасида банк обрўсини ушлаб туриш имконини беради, шунингдек банк Кенгаши ва Бошқаруви ишининг самарасини баҳолаш учун зарур ахборотни етказиб беради.

Тижорат банкининг жорий фаолиятини унинг раҳбарияти-банк бошқаруви амалга оширади. Бошқарув раисининг мажбуриятларига банк Кенгаши ва акциядорлар Умумий йиғилиши қарорларини бажариш киради. Бошқарув раиси лавозимга банк Кенгаши қарори билан тайинланади, кейинчалик акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади. Банк бошқаруви томонидан банкнинг кунлик назорати амалга оширилиши лозим. Банк Бошқаруви зиммасига банк фаолиятини бошқариш учун алоҳида сиёсат турларини, жумладан, банк кредит сиёсати, банк ликвидлигини бошқариш сиёсати, инвестиция сиёсати ва эмиссия сиёсатини ишлаб чиқиш масъулияти юкланган [3].

Банклар ошкор этилаётган ахборот аниқ ва равшан бўлиши, ундан акциядорлар, омонатчилар, бошқа манфаатдор тарафлар ва бозор иштирокчилари осон фойдалана олиши учун тушунарли шаклда тақдим этилиши лозим.

Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг 32 та банкидан 13 та тижорат банкининг устав капитали таркибида давлат акция пакетлари мавжуд. Давлат улуши мавжуд банкларида бозор ислоҳотларини амалга ошириш, жумладан, корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этиш масалалари кўриб чиқилмоқда. Бунинг асосий сабаблари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

-мазкур банкларда бозор иқтисодиёти тенденцияларга мослашувчанлик ва ўзгаришларни қабул салоҳияти мавжуд эмаслиги;

-уларнинг инвестицияларни жалб этиши қобилияти пасайиб кетишига сабаб бўлган солиқ ва божхона имтиёзларига ортиқча боғланиб қолганлиги;

-индивидуал характерга эга эканлиги;

-стратегик режалар тизими, таҳлилнинг йўқлиги;

-таваккал йўл билан бошқариш.

ислоҳотлар ўтказиш заруратини келтириб чиқарди.

Давлат улуши мавжуд банкларида ислоҳотларни ўтказишда қуйидагилар эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз:

-ушбу банкларни бошқариш учун бозор механизмларини ишлаб чиқиш;

-улардаги замонавий корпоратив бошқарув усулларини жорий этиш;

-уларнинг устав капиталидаги давлат улушини аста-секин қисқартириш;

-қисқартирилган улушни халқаро ташкилотлар ва бошқа миллий ва хорижий компанияларга бериш орқали хусусийлаштиришни таъминлаш ва бошқалар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. https://uznet.press

2. Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисидаги Низом. 30.06.2000. № 3254.

3. Анализ банковского сектора: Что ждет банки Узбекистана? www.Experian. 09.04.2018.

4. Банковские операции: учебное пособие / кол. авторов ; под ред. О.И. Лаврушина. - М.: КНОРУС, 2012. - 384 с.

5. Михайлов Д.М. Корпоративное управление. Учебное пособие. -М.: КНОРУС.2013. 256 с.

6. Темиров А.А. Пути совершенствования корпоративного управления в коммерческих банках Республики Узбекистан // Управление государственное, муниципальное и корпоративное: теория и лучшие практики : материалы Пятой международной научно-практической конференции (16–17 октября 2020 г.) – Ростов н/Д, 2020. – 404 с.

Аббосов Нодирхон Фурқат ўғли,
Магистратура бщлими, МКБ-10 гуруҳ магистри,
Илмий раҳбар: и.фн., доц.А.А.Темиров

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация: *Тезисда муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида корпоратив бошқарув бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот берилган, шунингдек корпоратив бошқарувни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.*

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида корпоратив бошқарув юзасидан амалга оширилган тадқиқотлар тижорат банкларининг корпоратив бошқарув фаолиятида банк стратегик мақсадларини аниқлаш ва уларга эришиш устидан назорат қилиш учун зарур ташкилий тузилмани, шунингдек бошқарувга оид қарорлар қабул қилиш имконини таъминловчи, банк бошқарув органлари ва бошқа манфаатдор томонлар ўртасидаги муносабатлар мажмуи, шу жумладан бошқарув органларининг ваколатларини ва жавобгарлигини тақсимлаш ҳамда бошқарувга оид қарорлар қабул қилиш имконини яратиш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, тижорат банкларида корпоратив бошқарув деганда банк стратегик мақсадларини аниқлаш ва уларга эришиш устидан назорат қилиш учун зарур ташкилий тузилмани, шунингдек бошқарувга оид қарорлар қабул қилиш имконини таъминловчи, банк бошқарув органлари ва бошқа манфаатдор томонлар ўртасидаги муносабатлар мажмуи, шу жумладан бошқарув органларининг ваколатларини ва жавобгарлигини тақсимлаш ҳамда бошқарувга оид қарорлар қабул қилиш имконини яратиш тушунилади [1].

Банк тизимидаги корпоратив бошқарувнинг ўзига хосликлари бу бошқарув мулкдорлар, менеджерлар ва кредит ташкилотлари ходимлари, шунингдек кредиторлар ўртасидаги муносабатлардан иборат эканлиги билан белгиланади. Бу ўзаро муносабатлар қонунчилик билан белгиланади, шу боисдан у ёки бу мамлакатдаги корпоратив бошқарувнинг хусусиятлари аввало ташкилотлар фаолиятининг ҳуқуқий асосига боғлиқдир. Турли мамлакатларда у ўзига хос турлича белгиларга, фаркдарга ҳам эга бўлиши мумкин, аммо бундай асоснинг ягона тамойиллари ҳам мавжуд, бу акционерлик жамиятлари тўғрисидаги қонунчиликдир.

Ўзбекистонда ҳам илғор хориж тажрибасини чуқур ўрганиш, уни молия-банк секторига ҳам жорий этишга бўлган эътибор кейинги йилларда мутлақо ўзгарди. Буни корпоратив бошқарув соҳасида сўнгги йилларда қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар асосида киритилган асосий ўзгаришлар тасдиқлаб турибди. Шулар асосида сўнгги пайтларда республикамиз иқтисодиёти ва молия-банк соҳасида давлат иштирокини янада қисқартириш, фонд бозорини ривожлантириш ва соғлом рақобат муҳитини яратиш, шу орқали фаол инвестиция сиёсатини олиб боришни рағбатлантириш муҳим вазифага айланди [2].

Тижорат банкларида самарали корпоратив бошқарувнинг асоси бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

-банкнинг ички ҳужжатларида белгиланадиган ваколат ва вазифаларнинг аниқ тарзда тақсимланиши;

-етарли даражадаги ҳисобдорлик;

-ўзаро назорат қилиш ҳамда банк учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган қарорлар қабул қилинишининг олдини олишни таъминловчи, банк бошқаруви органлари ёки таркибий тузилмалар ўртасидаги ваколатларнинг тақсимланиши;

- ўзининг ваколатлари ва вазифаларини яхши билувчи, функционал вазифаларини бажаришда юқори даражадаги ишбилармонлик ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этувчи, банк кузатув кенгашининг ва ижроия органининг юқори малакали аъзолари мавжудлиги.

Банк корпоратив бошқарувининг жаҳон тажрибасида тўпланган умумий жиҳатлари банк назорати бўйича Базел қўмитасининг 1999 йил сентябр ойида қабул қилинган «Кредит ташкилотларида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш» тавсияларида ўз ифодасини топди. Жумладан, тавсияларда таъкидланишича, банк назорати Базел қўмитаси томонидан мунтазам ўтказилаётган банк назоратини такомиллаштириш бўйича тадбирлар доирасида қўмитага аъзо

мамлакатларда ва бошқа мамлакатларда тўпланган коллектив назорат тажрибасини умумлаштириш юзасидан анча ишлар бажарилди. Бу хужжат умуман олганда қўмита томонидан банкларда корпоратив бошқарувнинг муҳимлигини тасдиқлаш мақсадида чоп этилган [4].

Халқаро молия тузилмалари томонидан аниқланган муҳим муаммо - бу банк томонидан тижорат банкларига хос бўлмаган вазифаларни 85 бажараётганлигидир. Айнан мазкур масала мамлакатимиз банк тизимида ҳам мавжуд бўлиб, унинг олдини олиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Халқаро банк амалиётида корпоратив бошқарув тажрибаларини қайта тизимлаш орқали мамлакатимиз тижорат банкларида қуйидаги асосий ҳолатларга эътибор қаратиш лозим:

- миноритар акциядорлар ҳуқуқларини кенгайтириш орқали уларнинг банк бошқарувидаги иштирокини фаоллаштириш мақсадга мувофиқ;

- тижорат банклари фаолияти тўғрисидаги ахборотни таиёрлаш ва етказиш тартибини янада аниқрок белгилаб қуйиш мақсадга мувофиқ, жумладан молия ва операция фаолиятига оид ахборотни тақдим этишнинг тасдиқланган шаклларини инвестор, мижозлар ва бошқа манфаатдор шахсларга етказилишини таъминлаш лозим;

- Кузатув кенгаши томонидан акциядорларнинг ишончли вакили сифатидаги ўз вазифаларини самарасини ошириш, уларнинг банк фаолияти билан боғлиқ қарорларни қабул қилишдаги иштирокини янада кучайтириш лозим;

- Кузатув кенгаши аъзоларига мустақил фаолият юритиш учун тегишли имкониятларни бериш мақсадга мувофиқ;

- корпоратив бошқарув давр талабига мос равишда муттасил такомиллашиб бориши зарур. Шундагина, рақобатчилардан устунликка эришиши мумкин;

- тижорат банкларини капиталлаштириш даражасини ошириш ҳамда инвестицион жараёнлардаги иштирокини жадаллаштириш мақсадида тижорат банклари кенгашлари томонидан мазкур йуналишларни амалиётга татбиқ этиш бўйича тезкор чора-тадбирлар кўриш, бу масалага тижорат банклари кенгашининг алоҳида эътибор қаратишлари ва келгусида банкмолия тизимини ривожлантириш борасида улар зиммасига юклатилган вазифаларни тўлиқ бажариши лозим;

- банк назорати бўйича Базел «Капиталнинг халқаро конвергенцияси» келишувига асосан ишлаб чиқилган, банкларда корпоратив бошқарувни такомиллаштириш бўйича тавсияларини инобатга олган ҳолда, меъёрий-хуқуқий хужжатларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритишдан иборат.

Бу банклар томонидан маълумотларни ёритиш, банк рискларини баҳолаш ҳамда банк капитали етарлилигини аниқдашда уларни ҳисобга олиш бўйича илғор тажрибаларни Республикамизда кенг қўллаш имконини беради. Фикримизча, юқорида келтирилган таклифларнинг амалиётга жорий этилиши Ўзбекистон тижорат банкларида корпоратив маданиятнинг юксалишига имкон яратиб беради ва бу ўз навбатида Ўзбекистоннинг реал ишлаб чиқариш секторида акциялаштириш жараёнининг чуқурлашувига ўз таъсирини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисидаги Низом. 30.06.2000. № 3254.*
2. *Банковские операции: учебное пособие / кол. авторов ; под ред. О.И. Лаврушина. - М.: КНОРУС, 2012. - 384 с.*
3. *Михайлов Д.М. Корпоративное управление. Учебное пособие. -М.: КНОРУС.2013. 256 с.*
4. *Темиров А.А. Пути совершенствования корпоративного управления в коммерческих банках Республики Узбекистан // Управление государственное, муниципальное и корпоративное: теория и лучшие практики : материалы Пятой международной научно-практической конференции (16–17 октября 2020 г.) – Ростов н/Д, 2020. – 404 с.*
5. *Юлдашнва Г. Тижорат банкларида корпоратив бошқарувни ривожлантириш истиқболлари // Молия ва банк иши электрон илмий журнали. № 4, 2020.*

Абдураззоков Суннатбек Алишер ўғли
МКБ-10 гуруҳ магистранти
Илмий раҳбар: и.ф.н, доц. Темиров А.А.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: *Тезисда муаллиф томонидан акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш бўйича маълумотлар ёритилган, шунингдек уни Ўзбекистон Республикаси компанияларида такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган*

Бугунги кунда акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни ривожлантиришни тизимли йўлга қўйиш, уларда корпоратив бошқарув даражасини рейтинг асосида мунтазам баҳолаш ва мониторинг қилиб бориш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда. Корпоратив бошқарув мезонларини инновацион ғоялар билан уйғунликда кенг тараққий топтириш бўйича изланишлар давом эттирилмоқда. Булар уларни бошқариш тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг фаол жорий этилиши, корпорацияларни бошқаришда манфаатдор томонлар ролининг ортиши, директорлар кенгашининг мувозанатлашган таркиби ва манфаатлар қарама-қаршилиги муаммосини ҳал этишдаги ролини ортишида намоён бўляпти.

Бунинг натижасида эса рақобатнинг кучайиши кузатилмоқда, натижада корхоналар раҳбарияти доимий равишда рақобат шароитларига мос келадиган янги тармоқларни, корхоналарни бошқариш воситалари ва рақобатбардошликни ошириш йўлларини қидирмоқдалар. Бундай воситалар орасида корпоратив бошқарув алоҳида аҳамиятга эга.

Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизими фаолият шаффофлигини оширишга, акциядорлар ва инвесторлар билан ишончли ва самарали муносабатларни яратиш ва сақлашга қаратилган. Ахборотни ошкор қилишнинг юқори даражадаги шаффофлиги ва тўлиқлигини таъминлаш жамият учун энг муҳим устувор йўналишлардан биридир [1].

Кўп ҳолларда акциядорларни назорат қилиш турли хил мотивлар ва устуворликларга эга, бошқарув билан муносабатларни ўз услубида ўрнатади, баъзи ҳолларда бошқарувда фаол иштирок этади, бошқаларда - фақат асосий қарорлар устидан назоратни кузатув кенгаши ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши орқали амалга оширади. Корпоратив бошқарув тамойиллари ва усулларини жорий этишнинг аҳамияти ҳақида гапирганда, қуйидаги ижобий натижаларни келтириш мумкин:

-акциядорлик жамиятлари жозибадорлигини ва акциядорларнинг қизиқишини ошириш;

-акциялар қийматининг ошиши ва жалб қилинган капитал нархининг пасайиши;

-акцияларнинг номинал қиймати бирлигига жалб қилинган капитал ҳажмининг ўсиши; дивидендлардан тежаш имконияти (акциядорлар бозор қийматининг ўсиши ҳисобига фойда кўришади);

-акциядорлик жамиятлари ва унинг акциядорларининг фойдали ва барқарор ривожланиши манфаатлари учун оператив самарадорлик ва капиталдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

-компания ва мамлакат обрўсини ошириш.

Барча корпоратив бошқарув тизимлари тўрта асосий тамойил атрофида қурилади: ҳалоллик, ҳисобдорлик, жавобгарлик, ошкоралик. Акциядорлик жамиятлари корпоратив бошқарув тузилмасига қуйидагилар киради:

• акциядорларнинг умумий йиғилиши;

• кузатув кенгаши;

• ижро этувчи орган.

Корпоратив бошқарувни ҳар хил табиатдаги бир-бирига боғланган механизмларнинг мураккаб мажмуаси сифатида қараш мумкин: ташкилий-ҳуқуқий, иқтисодий, мотивацион, ижтимоий-психологик, уларнинг ҳар бири ўзига хос жамият фаолиятига таъсир шакллари ҳисобланади. Корпоратив бошқарув доирасида инвесторлар менежерлар фаолияти устидан қандай қилиб назоратни амалга ошириши, шунингдек менежерлар корхона фаолияти натижалари учун инвесторлар олдида қандай жавобгар бўлишлари аниқланади.

Тегишли корпоратив бошқарув тизими инвесторларга менежмент ўз сармояларини молия-хўжалик фаолияти учун оқилона фойдаланаётганига ва шу билан инвесторнинг капиталдаги улуши қийматини ошираётганига ишонч ҳосил қилишга имкон беради [2].

Корпоратив бошқарув тизимининг самарали қурилиши корпоратив муносабатлар иштирокчилари ўртасидаги низоларни минималлаштириш ва уларнинг манфаатларини қондириш даражасини максимал даражага кўтариш ва индивидуал корпоратив мақсадларга эришиш шароитида корпорация ривожланишининг барқарорлигини таъминлаши мумкин [3].

Корпоратив бошқарувни ривожлантириш ҳар бир компаниянинг стратегик мақсадидир. Ушбу мақсадга эришиш компанияга нафақат ўз имиджини яхшилашга ва манфаатдор

томонларнинг тахминларини ва тартибга солиш талабларини қондиришга, балки ўз жараёнларида иқтисодий самарадорликни оширишга ва компаниянинг барқарор ривожланишига ҳисса қўшиши мумкин.

Юқорида келтирилгандардан хулоса қилиб шуни айтиш керакки, мамлакатимиз акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни янада ривожлантиришнинг айрим йўналишларини ишлаб чиқишга имкон берди:

-акциядорлик жамиятлари фаолиятида давлат идоралари, акциядорлар ва менежмент ўртасидаги вазифалар ва ваколатларни аниқ чегаралаш;

-халқаро тажрибани чуқур ўрганиш асосида корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини амалга ошириш;

-акциядорлик жамиятларига хорижий инвестицияларни жалб қилиш, акциядорлик жамиятларининг очиқлиги ва ошкоралигини ошириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларининг халқаро стандартларини жорий этиш учун қулай шароитлар яратиш;

-акциядорлик жамиятлари фаолиятини стратегик бошқариш ва назорат қилишда акциядорларнинг, шу жумладан миноритар акциядорларнинг ролини ошириш;

-қимматли қоғозлар бозорини, айниқса иккиламчи бозорни янада ривожлантириш, унинг ахборот-техник базасини мустаҳкамлаш.

Юқорида келтирилган таклифларни амалга ошириш натижасида акциядорлик жамиятлари ўзларининг устав фондларига чет эл капиталини кенг жалб қилишлари мумкин, натижада корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини фаол жорий этиш, акциядорлар учун қулай шароитлар яратиш корхонани стратегик бошқариш ролини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Турсунов Г. Важность корпоративного управления АО в современном развитии экономики страны // Бизнес-эксперт, № 3, 2017.

2. Исаев Д. Корпоративное управление и стратегический менеджмент: информационный аспект. Litres, 2019.

3. Basyuk A.S., Prokhorova V.V., Kolomyts O.N., Shutilov F.V., Anisimov A.Y. Administration management in the innovation cluster // International Review of Management and Marketing. 2016. Vol. 6. № 6. P. 180-184.

4. Ашуров З.А. Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизимини замонавий халқаро стандартлар асосида инновацион ривожлантириш истиқболлари // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 4-5, август-октябрь, 2018 йил.

5. Суюнов Д.Х., Хошимов Э.А. Корпоратив бошқарув моделлари: концептуал жиҳатлар, замонавий тенденциялар ва конвергенция имкониятлари // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, 2017.

Абдураззоков Суннатбек Алишер ўғли
МКБ-10 гуруҳ магистранти
Илмий раҳбар: и.ф.н, доц. Темиров А.А.

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ ЗАМОНАВИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ

Аннотация: *Тезисда муаллиф томонидан корпоратив бошқарувга оид фикрлар, унинг замонавий механизмлари ҳақида фикр билдирилган, шунингдек Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган*

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида корпоратив бошқарувга оид ислоҳотлар давом этмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган жадал ислоҳотлар негизида иқтисодиётнинг барча тармоқларини модернизациялаш, техниктехнологик янгилаш ва рақобатчиликка асосланган бизнес муҳитини яратиш, шу жумладан давлат тассарруфидан чиқарилган ва хусусийлаштирилган корхоналар негизида ташкил этилаётган хўжалик субъектлари, шунингдек, давлат улушига эга бўлган акциядорлик жамиятлари фаолиятини бошқариш самарадорлигини янада оширишнинг аҳамияти ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида нафақат иқтисодиётнинг таянч тармоқларини, балки, энг аввало, ҳудудларни комплекс ривожлантириш ва мамлакатимиз барча фуқароларининг ҳаётий манфаатларини таъминлашга ва уларнинг даромадларини кўпайтиришга доир истиқболдаги муҳим вазифалар туриши керак” [1].

Мамлакатимизда охирги йилларда амалга оширилган ҳуқуқий, тартибга солувчи ва институционал тадбирлар натижасида корпоратив бошқарувнинг ўзига хос тизими ҳам микродаражада, яъни корпоратив муносабатларнинг ички иштирокчиларини ўз ичига олган

акциядорлик жамиятлари миқёсида, ҳам макродаражада, яъни корпоратив муносабатларнинг ташқи иштирокчиларини ўз ичига олган мамлакат миқёсида шаклланди.

Шу билан бирга, миллий корпоратив бошқарув тизимини шаклланиши ва ривожланишининг муайян ижобий жараѐнларига қарамасдан, корпоратив бошқарув соҳасида айрим муаммолар ва ҳал этилмаган масалалар тўпланиб қолмоқдаки, уларни ҳал этмасдан туриб, корпоратив бошқарув тизимини кейинги даврда ривожлантириш, қолаверса, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, мамлакат рақобатбардошлигига эришиш жараёни қийинлашиши мумкин [2].

Шунинг учун акциядорлик жамиятлари фаолиятида корпоратив бошқарув самарадорлигини янада ошириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармонида корпоратив бошқарув тизимини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгиланди:

-халқаро тажрибани чуқур таҳлил қилиш ва шу асосда замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш, ишлаб чиқариш, инвестиция, моддий-техник, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

-чет эл капитали иштирокида акциядорлик жамиятларини ташкил этиш, акциядорлик жамиятларига хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш;

-эски бўлинмалар ва лавозимларни тугатиш, замонавий халқаро стандартлар ва бозор иқтисодиёти талабларига мос янги бўлинма ва лавозимларни жорий этишни инобатга олган ҳолда, акциядорлик жамиятларини бошқариш тузилмасини тубдан қайта ташкил этиш;

-акциядорлик жамиятларини стратегик бошқариш, бошқарув ходимларининг самарали фаолиятини назорат қилишни таъминлашда акциядорлар, жумладан, миноритар акциядорлар ролини ошириш;

-етакчи хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорлик асосида бошқарув ходимларини тайёрлаш ва уларнинг касб даражасини ошириш, шунингдек, акциядорлик жамиятларида раҳбарлик лавозимларига чет эллик юқори малакали менежерларни жалб қилиш.

Белгиланган вазифалар ва тадбирларни бажариш юзасидан корхоналарга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан ошириш, бўлажак инвесторлар учун уларнинг очиқлиги ва жозибадорлигини таъминлаш, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорлар ролини кучайтириш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида корпоратив бошқарувнинг ташкилий иқтисодий механизмини такомиллаштиришнинг аҳамияти ва зарурлиги ортиб бормоқда [5].

Бозор иқтисодиёти шароитида корпоратив бошқарув механизмлари мулкчилик ҳуқуқини рўёбга чиқариш ва корпоратив назоратнинг муайян тузилмаларини шакллантиришни таъминлашга йўналтирилган. Корпоратив бошқарув механизмлари корхона раҳбарияти устидан унинг мулкдорлари томонидан назорат қилиш усуллари сингари ҳамда етакчи менежерларнинг ўз-ўзини ҳимоялаш ва акс таъсир қилиш усуллари сингари ишлайди [3].

Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини ошириш бўйича қуйидагиларни амалга оширишни мақсадга мувофиқ, деб хисоблаймиз:

1. Корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолашдан ташқари кузатув кенгаши фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва улар асосида умумий кенгаш фаолияти, унинг қўмиталари ва ҳар бир аъзоси фаолиятини баҳолаш амалиётини жорий этиш талабларини Корпоратив бошқарув кодекси билан мустаҳкамлаб қўйиш.

2. Кузатув кенгаш аъзоларига тўланадиган мукофотлар ҳажмини кенгаш фаолиятини баҳолаш натижаларига боғлаш ва ҳар бир аъзони кенгашнинг умумий фаолияти самарадорлигига қўшган ҳиссасига қараб рағбатлантириш сиёсатини қўллаш.

3. Кузатув кенгаши таркибидаги мустақил аъзоларнинг нафақат минимал миқдорини таъминлаш, балки уларнинг улуши ортишини рағбатлантириш чораларини кўриш.

4. Кузатув кенгашининг мустақил аъзосини ким кўрсатиши масаласига аниқлик киритиш, уларнинг маълумотлар базасини шакллантириш, малакасини ошириш тизимини шакллантириш.

5. Ижроия органи фаолияти самарадорлигини баҳолашда танлаб олинадиган самарадорликнинг энг муҳим кўрсаткичларининг (KPIs) мувозанатлашган ҳолда бўлишини таъминлаш ва уларнинг умумий йиғма (интеграл) кўрсаткични шаклланишидаги салмоғини белгилаш жараёнларини тартибга солиш зарур.

Юқорида берилган таклиф ва тавсияларни амалда қўллаш Ўзбекистон корпоратив бошқарув тизимининг ҳуқуқий, тартибга солувчи ва институционал асосларини такомиллаштиришга хизмат қилади, бу эса акциядорлик жамиятларининг фаолияти самарадорлиги ва шаффофлигини оширади, акциядорлар ва бошқа манфаатдор томонларнинг корпоратив бошқарувдаги ролини кучайтиради, ва пировардида, мамлакатнинг барқарор иқтисодий ўсишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz).

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz).

3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикасининг Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимга бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи, 2016 йил 15 декабрь.

4. Ашуров З.А. Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизимини замонавий халқаро стандартлар асосида инновацион ривожлантириш истиқболлари // "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий электрон журнали. № 4-5, август-октябрь, 2018 йил.

5. Мўминова Э.А. Корпоратив бошқарув асосидаги корхоналарда модернизациялаш жараёнларини амалга ошириш хусусиятлари // "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali. № 6, 2020.

6. // Собиров А.О. Корпоратив бошқарувнинг энг муҳим замонавий стандартлари: умумий тавсифи Корпоратив ва лойиҳа бошқаруви: жорий ҳолат, муаммолар ва замонавий механизмлари. Халқаро илмий-амалий онлайн конференция материаллари – Тошкент: Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби, 2021.– 452 б.

Akbarova Barno Shuxratovna
TDIU, Statistika kafedrasi dotseti v.v.b, PhD
G'anieva Zulfuzar, MST-10 guruh magistranti **.**

XORIJIY INVESTITSIYALARNI JALB ETISH ORQALI KICHIK BIZNESNI RIVOJLANTIRISHDA AMALGA OSHIRILAYOTGAN ISHLARNI TAHLILI

Bugungi kunda kichik biznes subyektlari uchun O'zbekiston Respublikasi Soliq kodeksida doimiy tusdagi, Hukumatning alohida qarorlari bilan ham doimiy hamda muayyan muddatga belgilangan imtiyozlari joriy qilingan. Ushbu imtiyozlardan xorijiy investitsiyalar ishtirokidagi korxonalar qonun hujjatlariga muvofiq mahalliy korxonalar kabi foydalanishi huquqiga egadirlar.

Iqtisodiyotga chet el investorlarini jalb qilishga qaratilgan chora-tadbirlarni amalga oshirilishi borasida Prezidentimizning alohida Farmon va qarorlari bilan ham qator imtiyozlari berilgan.

Jumladan, Prezidentimizning 2005 yil 11 apreldagi «To'g'ridan-to'g'ri xususiy xorijiy investitsiyalarni jalb etishni rag'batlantirish borasidagi qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida» PF-3594-sonli Farmoni qabul qilingan.

Mazkur Farmon bilan to'g'ridan-to'g'ri xususiy xorijiy investitsiyalarni jalb etadigan iqtisodiyot tarmoqlari korxonalari investitsiyalar hajmidan kelib chiqib, foyda solig'i, mulk solig'i, obodonlashtirish va ijtimoiy infratuzilmani rivojlantirish solig'i, mikrofirma va kichik korxonalar uchun belgilangan yagona soliq to'lovi, shuningdek Respublika yo'l jamg'armasiga majburiy ajratmalar to'lashdan ozod qilish ko'rinishida soliq imtiyozlari berilgan.

Soliq siyosatining vazifasi – bir tomondan, byudjet daromadining barqaror safarbarligini ta'minlashdan, ikkinchi tomondan – korxonalarni respublika uchun zarur bo'lgan mahsulotlar ishlab chiqarishni ko'paytirishga rag'batlantirishdan iborat. Respublika mintaqalariga xorijiy sarmoyalar va zamonaviy texnologiyalar jalb etishni rag'batlantirilishini kuchaytirish, xorijiy investorlar hamda xorijiy investitsiyalar ishtirokidagi korxonalar uchun kafolatlar va imtiyozlar tizimini yanada mustahkamlash maqsadida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2012 yil 10 apreldagi "To'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar jalb etilishini rag'batlantirishga oid qo'shimcha chora - tadbirlar to'g'risida"gi PF-4434-sonli Farmoni qabul qilindi.

Investitsiyalar – bu davlat, yuridik va jismoniy shaxslarning daromad olish va boshqa ijobiy samaradorlikka erishish maqsadida mamlakat ichkarisi va tashqarisida yangi korxonalar tashkil etish, faoliyat ko'rsatayotgan korxonalarni kengaytirish, qayta ta'mirlash va texnik jihatdan qayta qurollantirish, ko'chmas mulk, aktsiyalar, obligatsiyalar va boshqa qimmatli qog'ozlar hamda aktivlarni sotib olishga yo'naltirilayotgan moliyaviy mablag'lari, mulkiy va intellektual boyliklardir. Investorlar - xususiy va qarzga olingan mulkiy va intellektual qiymatlarni sarflash haqida qaror qabul qiluvchi investitsiya faoliyati subyektlaridir. Investorlar ob'ektlar va investitsiya natijalariga egalik qilish, foydalanish va tasarruf qilish huquqiga ega. Investorlar kreditorlar va xaridorlar rolini bajarishlari, shuningdek,

investitsiya faoliyatining boshqa ishtirokchilari funktsiyalarini bajarishlari mumkin. To‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar ishlab chiqarishni moliyalashtirishning asosiy manbasi bo‘lish bilan birga, yangi texnologiyalar, texnik va menejerlik nou-xaular orqali inson kapitalini rivojlantirishning ham maqbul usuli hisoblanadi. Ko‘pgina rivojlanayotgan mamlakatlarda esa korxonalardagi kapital, texnologiya, zamonaviy boshqaruv, texnika va malakali mehnat resurslari etarli emas va bu mamlakat iktisodiyotiga to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar jalb etishning zarur ekanligini ko‘rsatadi».

2020 yilning yanvar-iyun oylarida investitsion faollikni pasaygani kuzatilib, asosiy kapitalga o‘zlashtirilgan investitsiyalar hajmini o‘tgan yilning mos davriga nisbatan o‘sish sur‘ati 87,2 %ni tashkil etdi.

2020 yilning yanvar-iyun oylarida 84,8 trln. so‘m asosiy kapitalga o‘zlashtirilib, ularning 65,1 %i yoki 55,1 trln so‘mi jalb etilgan mablag‘lar hisobidan moliyalashtirilgan bo‘lsa, korxona, tashkilot va aholining o‘z mablag‘lari hisobidan 34,9 % yoki 29,7 trln. so‘m moliyalashtirildi. yanvar investitsiyalar o‘zlashtirilib, ularning jami investitsiyalar hajmida, markazlashgan moliyalashtirish manbalari hisobidan moliyalashtirilgan asosiy kapitalga investitsiyalarning ulushi, o‘tgan yilning mos davridagi ulushiga nisbatan 8,1 % punktga kamayib, 23,2 % ni yoki 19641,5 mlrd. so‘mni tashkil etdi.

Mos ravishda, markazlashmagan moliyalashtirish manbalari hisobidan 65165,2 mlrd. so‘m yoki jami investitsiyalarning 76,8 % investitsiyalari o‘zlashtirilib, o‘tgan yilning mos davridagi ko‘rsatkichga nisbatan 8,1 % punktga ko‘paydi.

To‘g‘ridan - to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar mamlakat iqtisodiyoti uchun nafaqat jahon kapital bozoriga chiqish, balki undagi tovarlar va xizmatlar savdosida qatnashish imkoniyatini ham kengaytiradi. “To‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalardan foyda va uning o‘zi uch guruh omillarga bog‘liq, ya’ni xalqaro ishlab chiqarishga kirishayotgan firmaning mulkka egalik qilishdan yuzaga keladigan qiyosiy afzalliklari transmilliy korporatsiyaning qaysi hududda ishlab chiqarishni tashkil etishini belgilovchi hududiy joylashuv omillari, transmilliy korporatsiyalarning boshqa firmalarga litsenziya sotish yoki ular bilan franchayzing shartnomasini tuzishdan ko‘ra to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni kiritishni ma’qul ko‘rishlariini asoslovchi internatsionalizatsiyalashuv omillari OLI modelida mazkur uchta guruh afzalliklaridan to‘liq foydalanish imkoniyati xalqaro kapital harakati shakllaridan faqat to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar usulida mavjudligini asoslab berildi”.

Xulosa qilib aytadigan bo‘lsak, investitsiya jarayonida ishtirokchi tomonlarni o‘zaro bir-biri to‘g‘risidagi to‘liq va ishonchli ma’lumotlar bilan ta’minlash kerak. O‘zbekistonda xorijiy investitsiyalar ishtirokidagi kichik biznes korxonalar uchun avtomatlashtirilgan axborot tizimi va dasturiy ta’minotni takomillashtirish maqsadga muvofiq bo‘ladi.

Акбарова Барно Шухратовна
ТДИУ, Статистика кафедраси доцент в.в.б. PhD,
Набихўжаева Махфуза Улуғбек қизи,
ТДИУ, МСТ-10 гурух магистранти

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Мамлакатимиз иқтисодиётини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этишда раҳбарлар бизнес қарорларини қабул қилишда бухгалтерия ҳисобининг роли каттадир. Бизнес ва тадбиркорнинг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятини бошқаришда бухгалтерия ҳисобини ўрганиш жараёни ушбу заруратни туғдирди

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликдаги бошқарув қарорларининг натижаларини баҳолаш ва уларнинг бажарилишининг масъуллиги фақатгина ички ҳисобот маълумотларига асосан амалга оширилади. Бизнес ва тадбиркорнинг истиқболини режалаштириш ва белгилашда бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос усуллар ёрдамида аналитик ҳисоб-китобларга асосланади. Шунингдек, бухгалтерия ҳисобнинг ўзига хос хусусиятлари ва услубига, ишлаб чиқаришни юритиш тамойилларига эга бўлиб, у бухгалтерия ҳисобининг мустақил бўғини сифатида фаолият юритиши муҳим аҳамият касб этади.

Биринчи Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда аҳоли бандлиги ва даромадларининг барқарор манбаи бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ҳозирги кунда иқтисодиётнинг муҳим бўғини бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, соҳа ривожи учун катта имтиёз ва имкониятлар яратиб берилмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат ва

жамиятимиз ривожида алоҳида ўрин эгалламоқда. Бугунги кунда биз бу соҳани ривожлантирмай туриб иқтисодиётимизнинг келажагини таъминлай олмаймиз. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ички бозоримизни рақобатдош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда, аҳолини иш билан таъминлаш ва шу аснода уларнинг асосий даромад манбаи, фаровонлигининг ошиб боришига эришишда энг асосий омиллардан бири ҳисобланади ҳамда жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий таянчи ва пойдевори бўлган мулкдорлар синфи, яъни ўрта синфнинг шаклланиши ва мустаҳкамланишини таъминлайди. Шунингдек, бу соҳа ҳозирда жамиятимиздаги ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг кафолати ва таянчига, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бормоқда.

Маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг самарадорлиги кўп жиҳатдан унинг бошқарув тизими мукаммаллиги ҳамда унда ҳисоб ишларини тўғри ташкил қилишга узвий боғлиқдир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини самарали бошқаришда қўйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- ишлаб чиқаришнинг бизнес-режасини тузиш ва уни ҳисобга олишда ўлчовнинг бир хил режа-ҳисоб бирлигидан фойдаланиш;
- кичик бизнес ва тадбиркорлик бўлимларининг фаолиятини баҳолаш;
- иқтисодий ахборотларнинг тўлиқлиги ва мукаммаллиги;
- кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ёритишда даврийлик;
- сарфланган харажатлар устидан бюджет (смета) ва меъёрий назоратни ўрнатиш;
- сегмент ҳисоботини тайёрлаш ва тақдим қилиш
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг маркетинг фаолиятини тўғри йўлга қўйиш;
- ахборотлар тўплаш ва таҳлил қилиш тизимини яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш йўлларини ишлаб чиқиш;
- уларда бошқарув қарорларининг бажарилишини назорат қилиш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида ҳисоб ишларини тўғри йўлга қўйиш;
- хомашё ва материаллардан оқилона ва самарали фойдаланиш;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини тўғри ҳисоблаш ва уни камайтириш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида бухгатерия ҳисобини автоматлаштириш ва ҳ.к.

Алоҳида қайд этиш керакки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари бошқарув жараёнига таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар корхонанинг ишлаб чиқариш, тижорат молиявий ва бошқа фаолияти натижаларига жиддий таъсир кўрсатиш сабабли бошқарув қарорларини қабул қилишда ҳар бир омилни ҳисобга олиш зарур. Кичик бизнесни бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари уни бажараётган функцияларига иқтисодиётдаги ўрнига у фаолият юритаётган бизнес муҳитига ва ниҳоят давлат томонидан унга нисбатан олиб борилаётган сиёсатга боғлиқ. Булар кичик бизнесни бошқаришга хос омилларни келтириб чиқаради. Жумладан, “Кичик бизнес субъектлари томонидан статистик ва солиқ ҳисоботларини тақдим этиш механизмлари сезиларли даражада соддалаштирилди. Бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг 98 фоизи солиқ ва статистика ҳисоботлари топширишни, божхона декларацияларини расмийлаштиришни эски усулдаги қоғоз тўлдириш йўли билан эмас, балки бевосита - электрон шаклда амалга оширмоқда.

Энг аввало қайд этиш мумкинки, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари янада қўллаб-қувватлаш мақсадида уларда бухгалтерия ҳисобини соддалаштириш ҳамда ҳисоб-китоб ишларини енгиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Бу борада мамлакатимиз бухгалтерия ҳисоби тизимида ислоҳотлар олиб борилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари электрон шаклда ҳамда уларда бухгалтерия ҳисобининг марказлашган тизимини ташкил қилиш борасида муҳим ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи субъектлар учун марказлаштирилган бухгалтерия ҳисоби хизматини ташкил қилишдан мақсад уларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини самарали бошқариш ва истиқболларини белгилашда асосий манба ҳисобланган бухгалтерия ҳисоби тизимини яхшилаш, ҳисобини юритиш ва ҳисоботларни тузишда бухгалтер мутахассислиги бўлган шахслардан фойдаланиш билан уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, бурч ва жавобгарлигини ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар асосида белгилаш орқали ҳисоб сиёсатини тўғри шакллантиришга ёрдам беришдир”.

Юқорида қайд этилган тадбирларни амалга ошириш республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмини янада такомиллаштириш имконини берада. Кичик тадбиркорликни ривожлантириш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми тизимини такомиллаштириш ҳамда уларда бухгалтерия ҳисоби ишларни ҳорижий илғор тажрибани ўрганган ҳолда республиканинг ўзига хос миллий хусусиятлари ҳисобга олиб ёндашиш мақсадга мувофиқдир. Жаҳон мамлакатларининг кичик

бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштириш асосида миллий иқтисодиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Бу борада мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш ҳамда уларда ҳисоб ишларини осонлаштириш мақсадида 20-сонли ”Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан соддалаштирилган тартибда ҳисоб юритиш ва ҳисоботлар тузиш тўғрисида” ги бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарини келтириш ўзи кифоя қилади.

Мазкур БҲМС га мувофиқ, “Кичик тадбиркорлик субъектлари учун ҳисоб юритиш ва ҳисоботларни тузиш тартибини белгилаш мазкур андозанинг мақсади ҳисобланади.

Алоҳида операциялар ва ҳодисаларни муфассал акс эттириш, ўлчаш ва очиб бериш мақсадида мазкур андоза бошқа БҲМАлар билан биргаликда қўлланилади”.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ҳамда бухгалтерия ҳисоби регистрларини қуйидаги талабларга риоя қилган ҳолда ўз ишлари моҳиятига мустақил равишда мослаштириб олиш мумкин:

- ягона услубият асоси (иккиёқлама ёзув тамойили)
- таҳлилий ва жамлама ҳисоб маълумотларининг ўзаро боғлиқлиги;
- барча хўжалик операцияларининг регистрларда ялпи акс эттирилиши;
- ҳисобга олишнинг бошланғич ҳужжатлари асосида ҳисобга олиш; хўжалик фаолиятини бошқариш ва назорат қилиш учун, шунингдек, молиявий ҳисоботларни тузиш учун зарур кўрсаткичлар бўйича бошланғич ҳужжатлар маълумотларини тўплаш ва тизимлаштириш.

Умумий хулоса сифатида айтиш мумкинки, бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ролини ошириш ҳамда уларда бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш мақсадида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар уларнинг фолиятини эркинлаштиришга қаратилмоқда. Бунинг натижасида ушбу тармоқ кун сайин мамлакат иқтисодиёти ривожида солмоқли ўринларни эгаллаб келмоқда.

Магистратура бўлими, МСТ-10 магистри
Амиров Саидсадриддинхон Ахрор ўғли

МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЖТИМОИЙ - ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ

Аннотация. *Мақолада Ўзбекистон Республикасида мехнат ресурслари миграциясини статистик ўрганиш масалалари кўриб чиқилган. Статистик усуллар ёрдамида мехнат ресурслари миграциясини ифодаловчи статистик кўрсаткичлар, уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи ижтимоий-иқтисодий омиллар статистик бахоланган.*

Калит сўзлар:*. Мехнат миграцияси, мехнат ресурслари, миграция турлари, халқаро миграция, мажбурий кўчувчи, эммиграция, ички миграция, вақтинчалик миграция, ташқи миграция,кўчиб келганлар сони, кўчиб кетганлар сони.*

Иқтисодиёт фанлари жумладан статистика фани олдига бозор механизмининг ажралмас қисми сифатида меҳнат ресурсларини ўрганиш заруратини кўндаланг қилиб қўйди. Мавжуд иш ўринлари билан меҳнатга лаёқатли аҳолининг уларга бўлган эҳтиёжлари ўртасидаги мувозанатни таъминлашда унинг ролини аниқлашни тақозо этади. Кўп мулкчилик шакллари ривожланиб бораётган шароитларда инсоннинг меҳнат қилиш ҳуқуқини йўлга солиб турувчи бозорга хос бўлган ва бозорга хос бўлмаган омиллар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик масалаларини, меҳнат салоҳиятини ижтимоий фойдали фаолиятнинг турли соҳа ва турлари ўртасида оқилона тақсимлаш ва қайта тақсимлашга эришиш усулларини ишлаб чиқишни талаб қилади.

Моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш икки зарур таркибий қисмдан иборат бўлиб, улар бир томондан, моддий ресурслар (хомашё, асбоб-ускуналар ва ҳоказолар) ва иккинчи томондан, меҳнат ресурслари, яъни касб малакалари ва билимларига эга бўлган ходимлардан иборат бўлади. Бошқачароқ қилиб айтганда, мамлакат аҳолисининг бир қисми бўлган меҳнат ресурслари моддий ресурслар билан бир қаторда иқтисодий ривожланиш омили сифатида ҳам намоён бўлади. Бироқ бу омиллар ўз хусусиятларига кўра бир-бирларидан муҳим белгилари билан фарқланади.

Меҳнат ресурслари – булар кишилар, улар фақат моддий неъматлар яратиб қолмай, шу билан бирга уларни истеъмол ҳам қиладилар. Кишилар моддий ва маънавий эҳтиёжлари жиҳатидан бир хил бўлаолмайди. Бунга уларнинг жинси, ёши, соғлиги, оилавий аҳволи, маълумот даражаси ва бошқа ижтимоий, руҳий-физиологик сифатлари сабаб бўлади, шунинг учун бир киши иккинчисига ўхшамайди.

Бозор муносабатлари фақат иқтисодиёт ва унинг иштирокчиси бўлган инсонга таъсир этиш билан бир қаторда, кўп жиҳатдан назарий тушунчаларга ҳам мазмунан таъсир қилмоқда. Масалан, «меҳнат ресурслари», «ишчи кучи» каби иқтисодий тушунча ва категорияларнинг ҳам ижтимоий-иқтисодий маъноси бирмунча ўзгариб бормоқда. Бу тушунчалар фақат илмий адабиётларда эмас, балки кундалик амалиётимизда ҳам кенг фойдаланилмоқда. Уларга бериладиган турли талқинлар кўп ҳолларда илмий-амалий фаолиятнинг характерига таъсир этмай қолмайди.

Ривожланган мамлакатлардаги каби Ўзбекистон Республикасида ҳам мустақиллик йиллари Халқаро Меҳнат Ташкилоти тавсия этган аҳолини таснифлаш тизимига ўтилди, унга кўра аҳолини тизимли тақсимлашда мамлакат меҳнат ресурслари иқтисодий фаол ва иқтисодий нофаол қисмларга ажратиладиган бўлди.

Моддий неъматлар руҳий физиологик ва ақлий сифатлари билан ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатишга қодир бўлган меҳнатга лаёқатли аҳолини меҳнат ресурслари деб аталади.

Меҳнат ресурслари таркибига фақат иқтисодий фаол аҳолигина эмас, шу билан бирга ҳозирги пайтда ишламаётган ва иш қидирмаётган меҳнатга қобилиятли шахслар, шу жумладан ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олаётганлар аҳоли ҳам киритилади. Меҳнат ресурслари иқтисодиётда меҳнат билан банд бўлган, банд бўлмаса ҳам меҳнат қилишлари мумкин бўлган кишиларни қамраб олади. Бошқача айтганда, меҳнат ресурслари меҳнат қилиш имкониятига эга ҳақиқий ва потенциал ходимлардир.

Меҳнат ресурслари шаклланишини ўрганишда уларни ёш гуруҳлари бўйича кўриб чиқишимиз ҳам мақсадга мувофиқдир. Кишиларни гуруҳларга ажратишда уларнинг ёши чегараларини аниқлаш асосий муаммо ҳисобланади Бу масалани ҳал этишда ҳуқуқий асосланган ва амалда мавжудларини ажратиш муҳим роль ўйнайди. Бунда инсон организмининг нафақат биологик хусусиятлари, балки мамлакатдаги ижтимоий ва иқтисодий шароитлар, аҳолининг турмуш даражаси, умумий, ўрта махсус ва олий таълим тизимининг ҳолати, ўртача умр давомийлиги ва бошқалар ҳам ҳисобга олинади. Шуларга асосланган ҳолда ижтимоий-иқтисодий нуқтаи назардан аҳолини ёшига кўра 6 гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Болалар (0-15 ёш) - мамлакат жами аҳолисининг энг катта қисмини ташкил этиб, уларнинг аксарияти меҳнат жараёнида иштирок этмайди. Аммо ушбу гуруҳ салмоғи меҳнат салоҳиятининг келгуси ва истиқбол кўрсаткичларини белгилаб беради. Чунки бу қатламнинг юқори чегарасидаги ўсмирлар тез орада меҳнат ресурслари сафига қўшилади.

2. Ўсмир ёшлар (16-24 ёш) - мазкур гуруҳнинг катта қисми иқтисодий нофаол аҳоли таркибига кириб, улар мактаб, академик лицей, коллеж ва олий ўқув юртларида таълим олаётган ёшлар, туғруқ таътилидаги аёллар ҳисобланади. Шунингдек, улар таркибида иқтисодиётнинг қатор соҳа ва тармоқларида банд бўлганлари ҳам мавжуд бўлиб, меҳнат фаолияти аксарият ҳолларда бошланғич кўринишга эга бўлади.

3. Ўрта ёшлилар (25-30 ёш) - улар ўзи жисмоний ҳолати ва имкониятлари жиҳатдан юқори кўрсаткичга эга бўлиб, меҳнатга лаёқатли жами аҳолининг асосий қисмини қамраб олади. Бу гуруҳ вакиллари аниқ ҳаёт йўлларини танлаб олган, ўз оиласига эга бўлган ва жамиятда маълум ютуққа эришган ҳисобланади. Лекин уларнинг барчаси ҳам иқтисодиётда банд бўлмайди, чунки бу таркибда ёш болали оналар ва аёллар ҳам кўпчиликни ташкил этади.

4. 31-59 ёшдаги аҳоли – ушбу гуруҳдаги аҳоли юксак меҳнат салоҳиятига эга бўлиб, ҳаётий ва иш тажрибасининг юқори кўрсаткичига эришади. Шу вақтгача олган амалий кўникма ва малакаларини ишлаб чиқариш жараёнларига сафарбар этадилар ҳамда меҳнат жамоасида алоҳида ўрин эгаллайдилар. Бу тоифа инсонлар ёшларга ўрнак ва маслакдош бўлади. Ушбу ёш чегарасидаги кишиларнинг иқтисодий фаоллик даражаси бошқаларга нисбатан юқори ҳисобланади. Шунингдек, мазкур қатламнинг юқори қисмида пенсия ёшига етган аёллар ҳамда меҳнат фаолиятини якунлаш тараддудида бўлган эркаклар ҳам мавжуд.

5. 60 дан 70 ёшгача бўлганлар – бу қатлам вакиллари пенсия ёшига етган аҳоли ҳисобланиб, уларнинг аксарияти пенсияда бўлади. Лекин, уларнинг орасида ўз иш фаолиятларини давом эттираётганлари ҳам бўлиб (айниқса, эркаклар), улар ҳам бутунлай нафақага чиқиш ва меҳнат фаолиятини якунлаш арафасида бўладилар.

6. Кексалар (70 ва ундан катта ёш) – уларнинг деярли ҳаммаси меҳнат фаолиятидан четлашган бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилигига кўра, аҳоли меҳнат лаёкати бўйича уч гуруҳга ажратилади. Жумладан:

- меҳнатга қобилиятли ёшгача (0-15 ёш);
- меҳнатга қобилиятли ёшдаги (16-54 ёшли аёллар, 16-59 ёшли эркаклар);
- меҳнатга қобилиятли ёшдан катталар (55 ёш ва ундан катта аёллар, 60 ёш ва ундан катта эркаклар).

Ресурсларнинг аксарият қисмини меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга қобилиятли аҳоли ташкил этади. Шунинг учун ҳам меҳнат ресурсларининг динамикасига хос хусусиятлар кўпроқ даражада шу ёшдаги аҳоли билан боғликдир. Хизмат қилишга лаёқатли ёшдан катта кишилар,

ишловчи пенсионерлар ва меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик кишилар, ишловчи ўсмирлар ресурслар салмоғида у даражада сезиларли роль ўйнамайди. Иқтисодиётда ҳамиша пенсия ёшдаги кишилар меҳнатидан фойдаланиш «нуқта»лари бўлади. Улар орасида юқори ақлий малака ишлатишни талаб қиладиган фаолият турлари ҳам бўлиб, инсондан юқори тайёргарлик ва муайян амалий тажрибани талаб қилади.

Шундай қилиб, биз меҳнат ресурслари бутун аҳолига тааллуқли жараёнлар билан бевосита боғлиқлигини эътироф этган ҳолда, шу динамиканинг маълум даражада нисбий «мустақиллиги»га эътибор қаратамиз. У мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан боғлиқ демографик асосни яхшироқ тушунишга ёрдам беради. Меҳнат ресурслари сони (динамикаси)нинг ўзгариши билан бутун аҳолининг ўзгариши ўртасида боғлиқлик бор. Бироқ, у биринчи қарашда унчалик кўзга ташланмайди. Меҳнат ресурсларининг миқдори ҳамиша бутун аҳоли сони каби ўзгаравермайди. Бу фарқланиш турли йўналишларда бўлиши ҳам мумкин.

Фикримизни батафсилроқ асослаш мақсадида, дастлаб «ресурс» сўзи билан фойдаланиш мумкин бўлган турли воситалар, захиралар, имкониятлар, манбалар белгиланишини эслайлик. Шундай экан, бир корхона иккинчи корхонанинг на сотишни, на беришни хаёлига келтирмаган мулки бўлган баъзи материалларини ўз моддий ресурси деб ҳисоблаши мумкин эмас. Бошқа кишилар ихтиёрида бўлган ва бизга тегишли бўлмаган, бунинг устига бизга қарзга беришга ҳам мўлжалланмаган пулларни ўз молиявий ресурсларимиз дейиш мумкин бўлмаганидек яшаш учун ошкора маблағларга эга бўлган, ишламаётган ва қонунга кўра ишлашга мажбур этиб бўлмайдиган шахсларни ҳам меҳнат ресурслари қаторига киритиш мумкин эмас. Демак, фойдаланиш мумкин бўлмаган нарсларни ресурс деб атаб бўлмайди.

Аммо, иқтисодиётда ишлаб чиқаришнинг ривожланиш манбаи сифатида бошқа ресурслар билан бир қаторда инсон ресурслари ёки бугунги кунда меҳнат статистикасида қўлланиладиган меҳнат ресурслари тушунчасидан кенг фойдаланамиз. Иқтисодиётда бу атамалардан ташқари «иш кучи» тушунчаси ҳам мавжуд бўлиб, бу атамадан эркин фойдаланилганда бир қатор илмий мунозаралар юзага келади.

Айтиб ўтишимиз керак, бундай мунозаралар феномеи анчадан бери мавжуд. Маълумки, турли илмий мактаблар вакиллари кўпчилик ҳолларда турли нарса ва тушунчаларни бир хил атама билан атайдилар ва аксинча, айни бир нарса ва ҳодисаларни турлича атайдилар.

Иқтисодиёт назарияси бўйича илмий мактаб соҳиби П.Самуэльсон буни «сўзлар диктатураси» деб атаб, ижтимоий-иқтисодий фанларда жуда хавфли оқибатларга олиб келишини огоҳлантирганди.

Юқорида қайд этилган минтақа меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишнинг таркибий қисмларини чуқур тадқиқ этиш унинг шаклланиш жараёнини батафсил ифодалайди ҳамда бу соҳада ечилиши лозим бўлган асосий муаммоларни аниқланишига имкон беради: ишчи кучига талабнинг камайиши ва унинг таклифини ўсиши; шахар меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ва таклифнинг оқилона мувозанатини ўрнатиш; меҳнатга одилона баҳони ўрнатиш; иш билан банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли шахар аҳолисининг рақобатбардошлилигини ва малакасини ошириш, қўнимсизликни камайтириш ва уни ижтимоий ҳимояланганлигини таъминлаш. Бу муоммоларни шахар тармоқларини хозирги замон талабига мос равишда ривожлантириш, ўқув муассасаларини ва бандлик хизматлари фаолиятини яхшилаш ва шахар меҳнат бозорида ижтимоий иқтисодий муносабатларни самарали тартибга солиш йўли билан мувоффақиятли хал этиш мумкин.

Арипова Шахина Шухратовна
ТДИУ, Магистратура 2-курс

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВОСИТАЛАРИ ДИСТРИБЬЮЦИЯСИНИ БАШОРАТЛАШ ВА УНИНГ СТРАТЕГИЯСИ

Буюртмалар портфелини шакиллантириш меркетинг тадқиқотлари ўтказишни талаб қилади. Саноат таварлари бозорини ўрганиш бир неча йўналишларда амалга оширилади. Аммо, маҳсулотлар сотилиши билан боғлиқ бўлган ахборотларни тадқиқотнинг қуйидаги беш йўналиши орқали олиш мумкин:

1. *Бозор ҳажмини аниқлаш.*
2. *Сотиш натижалари таҳлили.*
3. *Сотишни башорат қилиш.*
4. *Истеъмолочиларнинг хулқ-атвори таҳлили.*
5. *Рақобатчилар фаолиятининг таҳлили.*

Бозор ҳажмини аниқлаш. Бозор ҳажмини аниқлаш компаниянинг бозорда қандай улушга эга эканлигини белгилайди. Бундан ташқари сотиш дастурини режалаштириш, бозор ҳудудларини белгилаш,улгиржи савдогарларнинг фаолиятини ва янги товарларини баҳолаш ҳамда самарали

рекламани ташкил қилиш имконини беради. Бозор юқори суръатларда ривожланишига қарамай, бозор ҳажмини аниқ билмаслик, кам фойда олишга олиб келади.

Вертикал бозорга эга бўлган товар ишлаб чиқарувчилар учун бозор ҳажмини белгилаш мураккаб жараён ҳисобланмайди, чунки бунда саноатнинг фақатгина бир тармоғи ҳақида ахборот йиғиш йетарли бўлади. Лекин шуни этибога олиш керакки, агар техника ва технологиялар ўзгармас бўлса, улар ишлаб чиқараётган товарлар ёки ишлаб чиқариш воситаларидан саноатнинг бошқа бир тармоғда фойдаланилиши мумкин.

Горизонтал бозога бўлган товар ишлаб чиқарувчидан бозорнинг барча тармоқлари бўйича ахборотга эга бўлиш талаб этилади. Агар йетказиб берувчи (таъминотчи) йетарли ахборотга эга бўлса, маҳсулот реализация билан боғлиқ фаолият тасарруфидаги тармоқлар бўйича нотўғри йўналтириши ва бунда юқори имкониятли тармоқларни эътибодан четда қолдириши мумкин.

Турли бозорлар ҳақида ахборот йиғишдан ташқари товардан фойдаланишнинг усуллари ва шакилллари тўғрисидаги маълумотларга ҳам эга бўлиш лозим.

Бозорнинг худудий таҳлили. Юқорида бир-бирига турдош товарлар гуруҳи бозорлар ҳақида фикр юритилади. Бозорнинг алоҳида ҳудадларини аниқлаш ҳам муҳимдир. Чунки бозар ҳудудлари ҳақидаги ахборот орқали товарлар реализацияси режалаштирилади ва назорат қилинади. Бунда барча ҳудадларда товарга бир хал нарх ўрнатиш мақсадга мувофиқ ва бу воситачи дастребьюторлар вазифасини самарасини таъминлайди. Лекин, айрим ҳолларда экспорт қилувчи фирма турли мамлакатлар учун дефференциал нархлар белгилайди. Ушбу ҳолда нархлар йетказиб бериш ва суғурта ҳаражатларини қоплаши ёки қопламаслиги мумкин. У ёки бу нархлардан фойдаланиш йетказиб берувчи ва воситачи ўртасидаги келишувга боғлиқ. Ишлаб чиқарувчи учун воситачининг шартнома шартларини қандай бажараётганларини назорат қилиш муҳимдир. Зеро, дистребьюторни танлаш мураккаб ташкилий-ҳуқуқий жараёндир.

Бозор ҳудудини белгилашда тармоқ доирасидаги умумий ишлаб чиқариш ва сотиш ҳақидаги маълумотлардан фойдаланилмайди. Бунда бозорлар кичик географик худудларга бўлинган ҳолда, ҳудудий сотиш режаси ишлаб чиқарилади ёки тармоқнинг бергисига кўра, бозор бир нечта сигментларга ажратилади.

Янги саноат товарлари бозорлари ҳажмини аниқлаш. Маълумки янги саноат таварларини бир ёки кам миқдордаги ишлаб чиқарувчилар таклиф қилади. Тармоқ бозорлари ва таварларидан фойдаланиш шакиллари аввалидан маълум бўлади. Лекин, ушбу товарлар бозорларнинг тузилиши маълум миқдордаги сотиш ҳажмига эришилгандан кейин аниқроқ маълум бўлади. Бу эса, саноат товарларининг мураккаб эксплуатация характерига эга бўлганлиги билан асосланади.

Янги товарларнинг сотиш дастурини самарали режалаштиришни ташкил этишда бозорнинг потенциал сиғимини эътиборга олиш лозим. Бозорнинг потенциал сиғимини маълум вақт оралиғидаги ва тармоқ доирасидаги харид қилиш мумкин бўлган товарларнинг умумий ҳажми. Бозор потенциал сиғимини баҳолашда бозор тармоқ, якуний фойдаланиш ва географик уринларига кўра ҳудудларга ажратилади. Потенциал бозор сиғими концепцияси бозорда мавжуд бўлган товарларга ҳам тегишли, чунки компаниянинг маркетинг тадқиқоти бўлими ҳали эгалланмаган бозорларни мунтазам тадқиқ қилиши лозим.

Бозор ҳақидаги маълумотларнинг расмий давлат манбалари. Бозор ҳақида маълумот олишнинг асосий манбаларидан бири давлат ташкилотларидир. Давлат ташкилотлари мунтазам равишда узининг нашрлари орқали ижтимоий иқтисодий жараёнларни тўлиқ ёки қисман ёритиб беради.

Сотиш натижаларини таҳлил қилиш - сотиш соҳасидаги мавжуд ва эришилган имконият ҳамда камчиликларни юзага чиқаради. Фойда даражасига таъсир этувчи маркетинг омили сотиш ҳажмидир. Бошқа омилларга эса ялпи даромад ва маркетинг харажатлари киради. Сотишни тахлил қилиш корхонанинг мавжуд ва эришилган фойда меъёрини баҳолайди ҳамда келгуси режаларни ишлаб чиқиш имконини беради.

Сотишни таҳлил қилишдаги ўлчов бирликдари. Саноат таоварлариисотувини таҳлил қилиш давомида уларнинг қиймат кўрсаткичи ёки физик катталикларидан фойдаланиш мумкин. Кўп ҳолларда сотишни таҳлил қилиш қиймат ифодасида баҳоланади. Физик катталиклар кичик вақт оралиғида нархлар ўзгаришини тўлароқ ифодалайди. Масалан, пахта матосининг нархи пахта толасининг нархи билан узвий боғлиқ ҳамда қиймат ифодасидаги сотув ҳажмини нарх индексларидан фойдаланмаган ҳолда, таҳлил қилиш вақт оралиғида сотув кўрсаткичларини таққослашни қийинлаштиради.

Маълум бир товарнинг сотув даражаси сотишни характерловчи асосий ўлчов ҳисобланади. Одотий ҳисоб-фактура товарлар бирлиги, тури, нархини йетказиб бериш шартларини кўрсатувчи бир нечта позицияларни ўз ичига олади. Алоҳида товарларнинг сотилиши ҳақидаги тўлиқ маълумотлар ишлаб чиқишни режалаштириш жараёнида бутунлай бошқа мақсадларда қўл келади.

Сотишни башорат қилиш жараёни 2 асосий босқичдан иборат:

1. Маълум товарнинг маълум худудий ва тармоқ бозоридаги кутилаётган сотиш ҳажмини баҳолаш.

2. Башорат қилинаётган вақт оралиғида бозорга янги товарлар билан киришнинг маркетинг дастурини ишлаб чиқиш.

Сотишни башоратлаш бозор ҳажми ва унинг тенденциялари ҳақидаги билимга асосланади. Башоратлашнинг 2 асосий ёндашуви бор:

- Берилган вақт оралиғидаги фаолиятни баҳолаш;
- Ҳар бир тармоқ бозорларида сотиш кўрсаткичларини баҳолаш орқали башоратлаш.

Баҳолашни чуқурроқ амалга ошириш мумкин, бунда, ҳар бир бозорда ҳар бир мижозга сотиш даражаси аниқланади.

Башоратлашнинг бошқа усуллари умумий фаолиятнинг барча кўрсаткичларини назарда тутади, яъни ЯММ саноат ишлаб чиқариш даражаси, қурилиш даражаси, даромадлар даражаси ва бошқалар. Бунда қуйидаги саволларга жавоб топиш муҳим:

1. Функционал фаолиятни қайси турлари товарни харид қилишда муҳимроқ?
2. Харидорларнинг харид жараёнидаги роли қандай?
3. Харидорлар харидга қандай усулда ёндашилади?
4. Харид рағбатларининг қайсилари муҳимроқ?
5. Харидорлар билан савдо қилишнинг қайси усуллари самаралироқ:

- Агар коммивояжерлар орқали бўлса, улар қандай малакага эга бўлиши лозим?
- Агар реклама оралиғи бўлса, рекламанинг қандай воситаларидан фойдаланиш лозим?

6. Харид рағбатларини реклама воситаларида қандай тасвирлаш мумкин?
7. Юклаш муддатлари қандай бўлиши лозим?
8. Сервис хизмати кшрсатишда қандай талабалар кўйилиши керак?

- Сотиш жараёнида?
- Сотишдан кейин?

9. Кредитлаш ва чегирмалар нималарни ўзида ифодалайди?
10. Тасодифий харидлар қандай аҳамиятга эга?

Ҳатто ўрганилган бозорларда ҳам харидорларнинг ҳулқатворини ўрганиш лозимдир, чунки у ўзгарувчан характерга эга бўлади.

Истеъмолчилар хулқ-атвори таҳлили. Дистрибьютерлар хизмати мақсадли бозони танласа ҳам, унинг тавсифларини назорат қила омайди. Фирмалар истеъмолчининг ёши, даромади, оилавий аҳволи, касби, ирқи, маълумоти, яшаш тарзи ва жойи, халлас, у ёки бу товарни сотиб олишга сезиларли таъсир ўтказувчи барча омилларга фақат муносабат билдиради буларни назрат қила олмайди.

Дистрибьютор истеъмолчининг хатти-ҳаракатига нималар таъсир қилишини тадқиқ этиш ва англаб олиши керак.

Истеъмолчилар турли жамиятлар ва ташкилотларга бирлашадилар. Улар фаолиятининг нохуш оқибатларига дуч келиб қолмаслик учун дистребьютор истеъмолчилар билан доимо мулоқотда бўлиши, муаммоларни олдиндан кўра билишни, шикоятларга эътибор бериши, ўз фирмасининг талаб даражасида фаолият кўрсатишига эришиш зарур.

Рақобатчилар фаолияти таҳлили. Дистребьютор фирмаларининг рақиблари кўпинча уларнинг маркетинг стратегияси ва мақсадли бозорга кириб боришига ўз таъсирларини ўтказадилар. Ўз-ўзидан равшанки, фирма тўқнашадиган маълум тизимларни аниқлаб, таҳлил қилиб чиқиш керак бўлади. Фирма сотиш каналларидаги мавжуд ўзаро муносабатларни ўрганиш керак. Шунингдек, ўз рақибларини иложи борича кенгроқ аниқлаб олиш керак бўлади.

Рақоматнинг бир неча жиҳатлари бор. Яхши ривожланган бозорда асосий рақобат усули баҳо бўйича рақобат қилишдир. Рақобатнинг иккинчи томони сифат бўйича рақобат ҳисобланади.

Баъзан маҳсулотнинг баҳоси унинг сифатини тўла-тўкис акс эттиради. Баҳонинг паст бўлиши харидорларнинг эътирозига олиб келади, чунки улар баҳога саблбий муносабатда бўладилар деб ҳисобланади.

Маҳсулотнинг ички, мўлжалланган сифати билан тахминдаги сифати ўртасидаги фарқни ажрата билиш жуда муҳим: маҳсулотнинг маркаси ва яратилган образи сифат бўйича рақобатнинг усуллардан бири бўлса, шу билан бирга унинг ўрови ва мазмуни эса, сифатини ажратиб берадиган воситадир.

Рақобатнинг учунчи жиҳати сервисдир. Сервис охирги истеъмолчига мўлжалланган бўлади. Шунингдек, маҳсулотни реализация қилувчиларга ёки бозорда сотувчиларга хам мўлжалланган бўлади. Маҳсулотни реализация қилиш, ўтказишучун уни йетказиб бериш тезлиги, захираларнинг даражаси, уни ўтказиш, сотишга тегишли ахборот, кредит бериш ва баҳосини пасайтириш сингари элементлар ҳисобга олинади.

Юқоридаги барча вазифалар рақобатчиларни ҳар томонлама ўрганишни тақозо этади.

Профессионал уюшмалар ахборотлар манбаи сифатида сотиш, ишлаб чиқариш ва бошқа йўналишлар бўйича статистик ҳисоботларни юритади.

Кохонанинг ички ахборот тизимини. Маълум корхонанинг маркетинг ёки сотиш бўлими рақобатчилар, мавжуд ва потенциал харидорлар ҳақида доимий ахборотга эга бўладики, ушбу маълумотлар коммивояжерларнинг ҳисобларида акс этади.

Буюртмалар портфели дистрибьютернинг муҳим техникавий-иқтисодий кўрсаткичларини шакиллантириш орқали бир йил муддатга ишлаб чиқилади. Оператив режалар кварталлар, ойлар ва декадалар бўйича ишлаб чиқилади. Буюртмалар портфели доимий истеъмолчиларнинг буюртмалари асосида ишлаб чиқилади. Айнан шу харидорлар гурухи дистрибьюторнинг мақсадли бозор сегментини ташкил этади. Буюртмалар портфели мувофиқ омилларни ишлаб чиқиш, товар-айланма ва муомала харажатларини қисқартириш, транспорт харажатларини минималлаштириш имконини беради. Шундай қилиб, техникавий-иқтисодий режалаштириш тизимида буюртмалар портфелини ишлаб чиқиш улгуржи савдо менежментининг асосий вазифасидир. Услубий нуктаи назардан эса, буюртмалар портфелиниишлаб чиқиш жараёни бизнес режасини асосий параметрларини ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш, молиявий ҳолатини баҳолашни ифодалайди.

Ишлаб чиқариш воситалари дистрибьюциясини узоқ муддатли башоратлаш ва режалаштириш.

Товарларни дистрибьютор каналлари орқали тақсимлаш бизнес режанинг асосий параметрлари сифатида тўловнинг қобилиятини чуқур таҳлил қилиш талаб этади.

Ишлаб чиқаришш воситаларига бўлган талаб, тайёр маҳсулотларга бўлган талаб билан белгиланади. Таъмирлаш ва техник хизмат учун ишлатиладиган талаб одатда, барча саноат товарлари ассортиментининг сотилиши билан аниқланади. Махсус жиҳозлар бирлигига бўлган талаб ўзаро башоратлаш ва ундан келадиган фойда орқали ифодаланади. Одатда, бундай башоратлар 3-10 йилликни, айрим ҳолларда эса 20-40 йилликни ўз ичига олади. Оралқ товар ишлаб чиқарувчилар истеъмолчиларни танлашда эҳтиёт бўлишлари лозим, чунки оралиқ маҳсулот истеъмолчилари бутунлайбошқа якуний маҳсулот ишлаб чиқарадилар.

Истеъмолчиларнинг бирор товарни танлашига қуйидаги омиллар таъсир этади:

1. *Товар сифати.* Саноат товарлари харидорлари улардан фойдаланиш мақсадига кўра товар сифатини баҳолайди. Сифатнинг барқарорлиги харидорларга моддий ишлаб чиқариш захираларини қисқариш имконини беради.
2. *Нарх.* Товар нархи харидининг мотиви сифатида истеъмол товарларига ўхшайди, чунки сиқат ва техник хизмат кўрсатиш истеъмолчи учун муҳимроқ ва ишлаб чиқариш воситалари кўп марталик харид характерига эга эмас. Ишлаб чиқариш воситалари прейскурант нархларда бўлмайди ва турли материаллар узеллар қийматига нисбатан беогиланади,ҳамда бу ишлаб чиқариш воситаси таннархини белгилайди.
3. *Техник хизмат кўрсатиш.* Сервис хизмати хариддан кейинги жараёни бўлиб, сотувни рағбатлантириш вазифасини бажаради. Ишлаб чиқариш воситалари мураккаб эксптуатация ва функционал характерга эга бўлганлиги учун техник хизмат кўрсатиш муҳим омил ҳисобланади.

Иқтисодий самарадорликни таҳлил қилиш усули ишлаб чиқариш воситаларининг якуний товар таннархига таъсирини баҳолаш учун ишлатилади. Малакали саноат товарлари ишлаб чиқарувчи бу усул орқали ўзининг товарини рақобатчи товарлар билан таққослайди ва олинган натижалардан товарни модификация қилишда фойдаланилади.

Дистрибьюторлик фаолиятини стратегик режалаштириш. Дистрибьюторлик фаолиятида стратегик режалаштиришнинг асосини сотиш соҳасидаги маркетинг тадқиқотлариташкил этади.

Доимий тенденциялар таҳлили. Вақт оралиғига кўра сотиш натижаларини гуруҳлаш орқали таҳлилчи-мутахассис тенденцияларини ўзгариши ёки сотишнинг мавсумий ўзгаришларини юзага чиқариш мумкин. Доимий тенденцияларни таҳлил қилиш эришилган натижаларни баҳолаш ва стретегик режаларни ишлаб чиқиш нуқтаи назаридан аҳамиятга эга.

*Бозор улуши таҳлили.*фирма ва унинг товарларининг бозорлардаги позициясини аниқлаш ҳамда ўзгаришлар тенденцичсини аниқлаш бозор тадқиқотларининг асосий йўналиши ҳисобланади. Бу эса, корхонанинг сотиш ҳажми натижаларини сотишнинг баҳолаш кўрсаткичларини тармоқ доирасида таққослаш орқали амалга оширилади. Бу каби тадқиқот усуллари кўпроқ самара беради, сотиш соҳасидаги корхонанинг кучли ва кучсиз томонларини юзага чиқаради.

Дистрибьюторлик фаолиятини стратегик режалаштириш жараёнида рақобатчиларни ўрганиш лозим. Янги товарларнинг яратилишига сабаб бўлувчи илмий тадқиқот ва конструкторлик фаолиятининг ривожланиши рақобат муҳитиниянада мураккаблаштирди. Техника ва технология тараққиёти кутилмаган жойдан рақобатнинг янги шакилларини пайдо бўлишига олиб келмоқда. Турган гапки, энг катта рақобатчи турдош товарларни ишлаб чиқарувчилар ҳисобланади. Лекин ўринбосар товар ишлаб чиқарувчилар ҳам асосий рақобатчи сифатида иштирок этади.

Рақобатчилар фаолиятини ўрганишнинг яна бир зарурати бозор тадқиқотларининг кучайиши билан белгиланди. Рақобатчилар томонидан тадқиқот фаолиятидан самарали фойдаланиш сотиш операцияларини моҳирона амалга оширишга олиб келади.

Рақобатчиларни ўрганиш жараёнида тадқиқот бўлими комивояжерларнинг ҳисобларидан фойдаланиш мумкин. Бу каби маълумотлар махсус нашрларда ҳам чоп этилади. Маълумот йиғишда мижозлар ва улгуржи савдогарлар телефон ва почта акеталарини жўнатишлари мумкин.

Рақобатчилар ҳақида тўлиқ маълумот сотиш бўйича менежер учун муҳимроқ. Рақобатчиларнинг коммиваяжерлари ва сотиш агентлари орқали уларнинг бозор ҳудуди ва бозорнинг эгаллаганлик даражалари ҳақида ахборот олиш мумкин.

Рақобатчилар ҳақидаги ахборотдан сотиш башоратлаш жараёнида ҳам фойдаланиш мумкин, чунки рақобатнинг таҳъсири башоратлаш жараёнини мураккаблаштиради. Компания нафақат рақобатнинг характери ва масштаби, балки рақобатчиларинг келажак стретегик режаларини ҳам ўрганишлари лозим.

Mansur Sultanov, PhD,
Head of Academic Affairs and Registrar
Numanova.M.L,
TSUE, master, g. MRE-10-2

THE ROLE OF DIGITAL TECHNOLOGIES IN THE BALANCED DEVELOPMENT OF REGIONS.

One of the important conditions for the development of information and communication technologies is the creation of conditions for the development of software products and the provision of digital services, their implementation in the domestic and foreign markets, and the stimulation of innovative developments.

An important condition for the development of information and communication technologies is the creation of favorable conditions for the provision of software products and digital services, their introduction to the domestic and foreign markets, and the promotion of innovative developments. IT parks serve this purpose — they help industry companies launch promising projects, integrate their activities with science and education, enter the software product market, and turn ideas into real opportunities.

IT parks serve this purpose, they help companies in the industry launch promising projects, integrate their activities with science and education, enter the software market, and turn ideas into real opportunities.

Today, 4,000 specialists work in 392 organizations that are residents of the Park of Software and Information Technologies.

Of these, 14 companies were created with the participation of foreign capital, 54 were newly opened. For them, the IT park has the necessary infrastructure, including modern laboratories, a coworking center, and office space. Technopark provides financial, marketing, legal and other consulting services to residents. Monetary benefits are provided to residents who are exempt from all taxes and mandatory contributions to state trust funds, as well as from lump-sum social payments until January 1, 2028. Such privileges and conveniences pay off. Since the beginning of the year, residents of the IT Park have created more than 560 new jobs.

The volume of software products and services amounted to 321 billion soums, and the volume of exports amounted to 5.1 million US dollars. In order to increase the number of residents of the IT-Park in Tashkent and create appropriate conditions on a total area of 408 thousand square meters. A concept was developed for the construction of IT park infrastructure facilities on an area of 1500 sq.m. Joint decisions were signed with local authorities on the creation of regional branches of the IT park, network schedules for the implementation of tasks for each project were approved. Contracts were concluded with the general designer and general contractor for the development of design estimates, as well as with selected investors for the construction of new infrastructure facilities on the territory of the IT park.

In particular, a land plot was allocated for the construction of a 16-storey building worth 70 billion soums to create a Tashkent branch of the IT park on the territory of the school named after Muhammad al-Khwarizmi, specializing in ICT. The buildings of the regional branches of the IT park were put into operation in Andijan (technopark "Digital City"), Fergana (Margilan branch of the IT park), Syrdarya (Gulistan branch of the IT park). There are 10 residents in the Andijan branch, 7 residents in the Margilan branch. The construction of branches of the IT park in Namangan, Nukus, Samarkand, Urgench and Jizzakh is also underway.

Number of small industrial zones, special economic zones, technology parks and clusters by region. *(In January-June 2021)*

	Total	Special economic zones	small industrial zones	Technology parks	Cluster
The Republic of Uzbekistan	**556**	**20**	**98**	**11**	**427**
Republic of Karakalpakstan	60	1	11	-	48
Provinces*:*					
Andijan	19	1	2	-	16
Bukhara	59	2	3	1	53
Jizzah	50	2	1	-	47
Kashkadarya	39	-	9	-	30
Navai	48	1	1	2	44
Namangan	32	2	9	-	21
Samarkand	43	1	1	-	41
Surkhandarya	58	2	18	-	38
Syrdarya	34	2	7	-	25
Tashkent	42	4	17	-	21
Fergana	22	1	10	-	11
Khorezm	40	1	1	7	31
Tashkent city	10	-	8	1	1

Today, IT parks are implementing a number of projects to increase the knowledge of young people about digital opportunities, train, support and encourage young programmers. The UN Office in Uzbekistan and IT Park jointly hosted the COVID-19 Challenge 2020 youth competition to find innovative ideas to fight the coronavirus pandemic and mitigate its consequences.

In addition, for the first time, the mGovAward competition for the development of the best mobile applications is held among students of the specialties "health", "education", "transport", "entrepreneurship" and "tourism". The competition will be funded by foreign partners in the amount of $100,000 and three eligible teams will be invited to use the funds. There is also a $140,000 project to develop women's entrepreneurship. It is also worth mentioning the Million Programmers project, a free online platform, the main executor of which is IT-Park. Its uniqueness lies in the fact that everyone can learn the basics of programming in the Uzbek language for free.

Today, the platform has over 60,000 users across the country. More than five thousand users have already become graduates of the project. To date, 7,200 students have been trained at 32 IT centers across the country. More than 80 jobs have been created in these IT centers and 116 online video lessons have been conducted. By 2021, IT centers will be opened in every regional center of the country, where they will teach the most important sciences of the digital world. Meanwhile, a national mobile robotics team is currently being formed in the IT park.



Drawing №1. In January-June 2021, the volume of industrial production for SEZs, SMEs, Technoparks and Clusters. billion in soums.

The main goal of this work is to organize the effective use of computer technology and the Internet among the population and youth in the third direction of the five important initiatives put forward by the President.

References.

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 2 мартдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича харакатлар стратегиясини "илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида "ги ПФ-5953-сонли Фармони.*
2. *Вахтина.Н., Долгова.О. Технопарки как форма поддержки малого предпринимательства.*
3. *Салимов Б.Т "Кичик Саноат зоналарини ташкил барпо эти шва ривожлантиришнинг ташкилий иқтисодий асосларинин такомиллаштириш".-Т.:Иқтисодиёт 2020.*
4. *http://www.lex.uz/Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг миллий маълумотлар базаси.*
5. *http://www.stat.uz/ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси веб-сайти.*

Жиянкулов Суннат ТДИУ магистри
Нурумбаев Ўктам ТДИУ магистри

МИЛЛИЙ БОЖ – ТАРИФ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА УНДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ

Ўзбекистон Республикаси суверен давлат сифатида қарор топган пайтдан бошлаб мустақил ички ва ташқи сиёсат олиб бормоқда ва халқаро даражада тенг ҳуқуқли субъект сифатида иш кўрмоқда. Минтақавий ва жаҳон даражасида қарорларни ишлаб чиқишда унинг нуқтаи-назари тобора кўпроқ ҳисобга олинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 июндаги "Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириши тўғрисида"ги Фармони мамлакатимизнинг божхона тизимида босқичма-босқич ва изчиллик билан олиб борилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида қабул қилинган, божхона фаолиятини комплекс тарзда, янгича мазмун ва шаклда ташкил этишга ҳамда тадбиркорлик субъектларига қулай шарт-шароитлар яратишга хизмат қиладиган муҳим тарихий ҳужжат бўлди. Ушбу Фармон Бутунжаҳон савдо ташкилоти, Бутунжаҳон божхона ташкилоти ва божхона ишига оид бошқа халқаро ташкилотларнинг стандартлари ва тавсиялари асосида божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва божхона тартиб таомилларини соддалаштириш мақсадида, миллий қонунчиликка имплементация қилиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг бевосита натижасидир.

Божхона хизмати фаолиятига доир ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш, тадбиркорларга қулайликлар яратиш ва божхона расмийлаштируви тартиб-тамойилларини жаҳон андозаларига мослаштириш мақсадида, божхона органларида тизимли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (12.04.2018 йилдаги ПФ-5414-сон) қабул қилинди. Мазкур Фармон том маънода божхона тизимида тарихий аҳамиятга эга бўлди, деб ҳисобласак бўлади. Сабаби, божхона иши тарихида биринчи марта, 26 январь - Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати ходимларининг касб байрами куни деб, эътироф этилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси божхона органларини ислоҳ қилишнинг муҳим устувор йўналишлари ва дастурлари белгилаб олинди.

Ҳозирги кунда ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларига бўлган эҳтиёж ва қизиқиш ортиб бормоқда ҳамда кенг қўлланилмоқда. XXI аср ахборот технологияларининг жадал ривожланиши билан ажралиб туради. Ахборот технологияларининг такомиллаштирилиши ҳаётнинг барча жабҳаларида ўзгаришларга олиб келади. Дунёда жиноят ишлари юритувини жадаллаштириш, тергов ҳаракатлари ўтказишнинг тезкорлигини таъминлаш, жиноят ишини оқилона муддатларда кўриб чиқиш механизмини жорий этиш тенденцияси кучайиб бормоқда. Жиноят иши юритуви тартибининг таҳлили мазкур соҳани жадаллаштириш, шу жумладан, юқори технологияларни кенг жорий этиш, соддалаштирилган тизим ва механизмларни кенгроқ қўллашни талаб этади.

Бож - Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан товарлар олиб ўтилаётганда божхона органлари томонидан ундириладиган тўловдир.

Ўзбекистон Республикасида импорт божи, экспорт божи, мавсумий ва алоҳида (махсус, антидемпинг, компенсация) бож қўлланилади. Алоҳида божларнинг қўлланилиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Товарлар ва транспорт воситаларини божхона чегараси орқали олиб ўтишда ва Божхона кодексида назарда тутилган бошқа ҳолларда қуйидаги божхона тўловлари тўланади:

Бож, қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи;

божхона ҳудудида қайта ишлаш режимидан ва божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш режимидан фойдаланиш билан боғлиқ рухсатномаларни берганлик учун йиғимлар;

божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг малака аттестатини берганлик, бундай аттестатни қайта расмийлаштирганлик ва унинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун йиғимлар;

божхона расмийлаштируви учун божхона йиғими;

товарларни сақлаганлик учун божхона йиғими;

товарларни божхона кузатувига олганлик учун божхона йиғими;

дастлабки қарорни қабул қилганлик учун ҳақ;

қонун ҳужжатларида бошқа божхона тўловлари ҳам белгиланиши мумкин.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда Бутунжаҳон божхона ташкилоти томонидан Уйғунлашган Тизимда киритилган импорт божхона божлари тарифи амалда қўлланилмоқда. Ҳукумат томонидан божхона божларининг 3 тури қўлланилмоқда: 1) адвалор, товарларнинг божхона қийматига фоизларда ҳисобланади; 2) махсус, киритилаётган товарларнинг сонига нисбатан ҳисобланади; 3) умумлашган, юқорида келтирилган иккала турни ҳам ўз ичига олади.

Бизнинг фикримизча, мамлакат миллий – бож тариф тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бўлиб:

Товарлар олиб кириш ва олиб чиқишни тезкор тартибга солиш учун қўлланиладиган мавсумий божларни янада ривожлантириш ва улар устидан назоратни кучайтириш;

Ўзбекистон Республикасининг ишлаб чиқарувчилари ўртасида нормал рақобат ўрнатилишини таъминлаш ва ички бозорни ҳимоя қилиш мақсадида демпингга қарши божларнинг қўлланилишини қатъий назорат қилиш;

Савдо-иқтисодий алоқаларда энг кўп қулайлик бериш тартиби назарда тутилмаган мамлакатларда ишлаб чиқарилган ёки қайси мамлакатда ишлаб чиқарилганлиги аниқланмаган товарлар учун ундириладиган импорт божининг ставкаларини икки баравар оширишни таъминлаш;

Божхона тўловларини тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш божхона декларацияси қабул қилинган кундан бошлаб икки ойдан ошмаслигини назарда тутиш билан биргаликда, кечиктириш ва бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилган тақдирда қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда фоизлар ундирилишини қатъий назорат қилиш.

Божхона тизимини модернизациялашда ахборот технологияларнинг ўрни биринчи навбатда XX асрнинг охирги ўн йилликларида инсоният жамияти ривожланишининг асосий тенденцияси – глобаллашуви билан боғлиқ десак муболаға бўлмайди. Мамлакатлар, иқтисодий тизимлар ва кишилар ўртасида ўзаро алоқаларнинг ривожланиши кенг тарқала бошлади. Янги глобал воситалар – глобал ахборот тармоқлари (Интернет, уяли алоқа ва кўчма сунъий йўлдош алоқа тизимлари), транспорт воситаларининг янги турлари фаолият кўрсата бошлади. Савдо, хизмат кўрсатиш ва интеллектуал мулк масалалари бўйича янгича халқаро қоида ва келишувлар ишлаб чиқилди.

Иқтисодиёт глобаллашувининг энг муҳим хусусияти бу – мамлакатлар ва қитъалар иқтисодий фаровонлиги табақалашувининг кучайишидир.

Шундай қилиб, глобаллашув ижобий хислатлар билан бир пайтда айрим камчиликларга ҳам эга. Улардан энг аҳамиятлилари қуйидагилар: молиянинг қўнимсилиги ва шу билан боғлиқ ҳолда иқтисодий беқарорлик; аҳоли бандлиги ва даромадлари мунтазам эмаслиги; соғлиқ ва шахсий хавфсизликка таҳдид; сиёсий ва ижтимоий беқарорлик.

Глобаллашувга хизмат қилувчи ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши, шунингдек, салбий жиҳатларга ҳам эга. Масалан, кучсиз инфратузилмага эга (телефон линиялари ва Интернет тармоғидан фойдаланувчилар сони кам бўлган) мамлакатлар ўз иқтисодиётини ривожлантириш учун компьютерлаштириш ва ахборотлаштиришнинг барча ютуқларидан фойдалана олмайди ҳамда иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича ортда қолаверади.

Божхона тизимини модернизациялашда ахборот технологияларнинг ўрни биринчи навбатда XX асрнинг охирги ўн йилликларида инсоният жамияти ривожланишининг асосий тенденцияси – глобаллашуви билан боғлиқ десак муболаға бўлмайди. Мамлакатлар, иқтисодий тизимлар ва кишилар ўртасида ўзаро алоқаларнинг ривожланиши кенг тарқала бошлади. Янги глобал воситалар – глобал ахборот тармоқлари (Интернет, уяли алоқа ва кўчма сунъий йўлдош алоқа тизимлари), транспорт воситаларининг янги турлари фаолият кўрсата бошлади. Савдо, хизмат кўрсатиш ва интеллектуал мулк масалалари бўйича янгича халқаро қоида ва келишувлар ишлаб чиқилди.

Иқтисодиёт глобаллашувининг энг муҳим хусусияти бу – мамлакатлар ва қитъалар иқтисодий фаровонлиги табақалашувининг кучайишидир.

Шундай қилиб, глобаллашув ижобий хислатлар билан бир пайтда айрим камчиликларга ҳам эга. Улардан энг аҳамиятлилари қуйидагилар: молиянинг қўнимсилиги ва шу билан боғлиқ ҳолда иқтисодий беқарорлик; аҳоли бандлиги ва даромадлари мунтазам эмаслиги; соғлиқ ва шахсий хавфсизликка таҳдид; сиёсий ва ижтимоий беқарорлик.

Глобаллашувга хизмат қилувчи ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши, шунингдек, салбий жиҳатларга ҳам эга. Масалан, кучсиз инфратузилмага эга (телефон линиялари ва Интернет тармоғидан фойдаланувчилар сони кам бўлган) мамлакатлар ўз иқтисодиётини ривожлантириш учун компьютерлаштириш ва ахборотлаштиришнинг барча ютуқларидан фойдалана олмайди ҳамда иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича ортда қолаверади.

Қулматова Гулираъно Хакимовна
*МКФ-10 гуруҳи 2-босқич магистранти***.**

ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИДА ИНВЕСТИЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИОН ФОНДЛАРНИНГ МУҲИМ ОМИЛЛАРИ

Аннотация: *Мазкур мақола мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси шу ердаги инвестицион муҳитга ва кредитлаш механизмига чамбарчас боғлиқлигини кўрсатиб беради. Маълумки, жаҳон амалиётида бир муайян ҳудудга маблағ киритишдан аввал илғор усуллар ёрдамида ўша ҳудуднинг инвестицион муҳити ва жозибадорлиги баҳоланади. Ўзбекистон иқтисодиётиниривожланишида мазкур усуллардан самарали фойдаланиш таклифлари берилган.*

Калит сўзлар: *инвестиция, инвестицион кредит, экспорт, актив, асосий воситалар, диверсификация, модернизация, девальвация, инвестиция портфели, кредит, кредит портфели, хорижий сармоя, фоиз ставкаси.*

Жаҳон мамлакатларининг глобаллашуви жараёнида Ўзбекистонда иқтисодиётни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларни кучайтириш, уларни янги, янада юқори босқичга кўтаришустувор вазифа қилиб белгиланган. Бу вазифаларнинг ижросини сўзсиз таъминлаш пировардида ватанимиз тараққиётини янада юксалтириш ва халқимиз фаровонлигини оширишга қаратилган бўлиб, бунда ҳал қилувчи омил сифатида экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашда банкларнинг инвестицион кредитлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳар бир давлатнинг иқтисодий ўсиши банк тизимидаги молиявий барқарорликни узвий боғлиқ экани ривожланган давлатлар тажрибасидан яхши маълум. Чунки, иқтисодиёт тармоқларини таркибий қайта қуриш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, янги корхоналар барпо этиш, кичик бизнес субъектларини ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилишдабанклар муҳим ўрин тутади.

Республикамиз тижорат банклари 2021 йилдаги инвестицион кредитларнинг салмоғи умумий берилган кредитларнинг 12% ини ташкил қилмоқда. Худди шу кўрсаткичлар АҚШда 32,5%, Германияда 41,5% ва Хитойда 15,3%ни ташкил қилади. Ушбу кўрсаткичлардан кўриниб турибдики Республикамизда инвестицион кредитлар салмоғини камида икки уч баробарга кўтариш зарур. Замонавий иқтисодий муносабатларга жаҳон бозорида рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги кунда иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини тубдан ошириш, экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни кучайтириш, кичик бизнесва хусусий тадбиркорликнинг ташқи бозордаги амалий иштирокини таъминлаш, уларга қулай шароит яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларини белгилашда янги бир босқични бошлаб берди. Мазкур Фармондан кўзланган асосий мақсад, мамлакатимизда амалга оширилаётганислоҳотлар самарадорлигини янада юксалтириш, давлат ва жамият ҳар жиҳатдан ривожланишини таъминлаш учун шарт-шароит яратишдир. Хусусан, яқин беш йилга мўлжалланган мазкур тарихий аҳамиятга эга ҳужжатнинг учинчи йўналишида хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва кафолатларини ишончли ҳимоялашни таъминлаш, барча турдаги тўсиқ ҳамда чекловларни бартараф этиш, ишбилармонлик ва инвестицион муҳитни янада ривожлантиришга тўлиқ эркинлик бериш масаласига алоҳида аҳамият қаратилган. Бу билан инвестиция ва банк инвестицион кредитлари фаолиятини тартибга солишнинг замонавий принцип ҳамда механизмларини жорий этиш, етакчи ишлаб чиқариш тармоқларини модернизация ва фаол диверсификация қилиш, молия-банк соҳасини ислоҳ этишга эришилиши, шубҳасиз.

Бугун кўпгина ривожланган мамлакатларда инвестиция муҳитини ўрганувчи, унинг мафтункорлигини баҳоловчи, аниқ хулоса ва маълумотларни инвесторлар учун тақдим этувчи махсус фирмалар, ташкилотлар мавжуд. Масалан Швейцария, Германия каби мамлакатларнинг нуфузли ахборот хизматлари давлатнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳолатини баҳолаш учун ҳар бири «0» дан «12» баллгача бўлган (0 – қониқарли ва 12 – ўта қулай) шкала бўйича баҳоланадиган 15 та муҳим кўрсаткични ҳисобга олган «BERI» (business environment risk index) кўрсаткичидан фойдаланади. Қуйидаги 1- расмда «BERI» индекси инвестиция қарорларини қабул қилиш бўйича аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда акс эттирилган.

Манба: *Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқувқўлланма. –Т: "Молия",.155-156-б.*

«BERI» индексига кирган кўрсаткичлар орасида сиёсий барқарорлик (12 балл) муҳим аҳамиятга эга. Умуман олганда, «BERI» хизмати бу борада катта обрў қозонган ташкилотдир. Мазкур ташкилот капитал импорт қилувчимамлакатлардаги инвестицион муҳитни таҳлил қилиб, инвестицияларнинг рисклилик даражасини аниқлаб беради. «BERI» хизмати матбуот орқали турлича индекслар билан инвесторлар хорижий мамлакатларга инвестиция қўйишнинг хавф-хатарлилик, риск даражасини аниқлаб беради. Ҳозир бундай турдаги хизматларни кўрсатувчи ташкилотлар 55 дан ортиқ капитал импорт қилувчи мамлакатлардаги инвестиция муҳитини баҳоламоқда. Бунда мамлакат инвестицион муҳитини баҳолашдаги баллар қанчалик юқори бўлса, у шунчаликбарқарор мамлакат ҳисобланади.

Шу ўринда инвестицион муҳитни баҳолаш бўйича Жаҳон банки ёндашувига назар ташласак. Жаҳон банкининг чоп этилган «Ҳамма учун инвестицион муҳитни қандай шакллантириш мумкин?» мавзуида (жаҳониқтисодиётининг ривожланиши тўғрисида)ги йиллик ҳисоботида «ҳукумат ва тегишли ташкилотлар тадбиркорликни ҳамда муваффақиятли фаолият кўрсатувчи бозорни ривожлантириш мақсадида уларни қўллаб-қувватлайди», дейилган. Ушбу маърузада инвестицион муҳит фирмаларга ишлаб чиқариш учун инвестиция киритиш, иш ўринларини ташкил этиш ва фаолиятини кенгайтиришда имкониятлар ҳамда рағбат омилларини яратиб бериши таъкидланган.

Жаҳон банки ёндашувига кўра, мамлакат инвестицион муҳитига таъсир қилувчи омиллар қуйидагилардан иборат:

- иқтисодий сиёсат ва ҳуқуқий – меъёрий амалиётнинг ноаниқлиги;
- коррупция даражаси;
- суд тизимининг сифати;
- жиноятчилик даражаси;
- «солиқ юки» ва солиққа тортишни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиштизими;
- молия ресурсларини олиш имконияти ва молиялаштириш қиймати;
- электр билан таъминланганлик даражаси ва сифати;
- ишчилар малака даражаси ҳамда меҳнат қонунчилигининг сифати.

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2012-2021 йилларда ICOR коэффициенти 3,1-3,7 ораликда ўзгариб турган. 2021 йилда Ўзбекитонга киритилган ҳар 3,3 бирлик инвестиция қўшимча 1 бирлик ЯИМ ўсишини таъминлаган. Бундай ҳолат инвестициялар яратувчанлиги сифатида эътироф этиладиган ICOR коэффициентининг мамлакатимиздаги даражаси белгиланган параметрлар доирасида эканини кўрсатади. Бинобарин, халқаро амалиётда, хусусан, Жаҳон банки маълумотларига кўра, ушбу кўрсаткич тараққий этган мамлакатларда 2,4-3,5 коэффициент оралиғида ижобий ҳолат сифатида баҳоланади.

1-жадвал

2012-2021 йилларда ЯИМ ўсишига инвестициялар қўшган улуш ва ЯИМ ўсишининг капиталга боғлиқлиги

Йиллар	ЯИМ, млрд.АҚШ долларида (ЯИМ.и)	Асосий капилга киритилган инвестициялар млрд.АҚШ долларида	ЯИМнинг ўтган йилга нисбатан реал ўсиш суръатлари, фоиз ҳисобида (ЯИМ)	Инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши, фоиз ҳисобида (Ии-1)	ИСОР (Ии-1: ЯИМи)
2012	**17,0**	**4,7**	**9,5**	**27,6**	-
2013	22,3	6,5	9,0	29,1	3,1
2014	28,1	8,2	8,1	29,2	3,2
2015	**32,1**	**9,7**	**8,5**	**30,2**	**3,7**
2016	38,1	10,8	8,3	28,3	3,3
2017	45,9	11,7	8,2	25,5	3,1
2018	49,6	13,0	8,0	26,2	3,2
2019	**53,3**	**14,6**	**8,1**	**27,4**	**3,4**
2020	**62,6**	**15,8**	**8,0**	**25,2**	**3,1**
2021	**72,1**	**17,2**	**8,2**	**26,3**	**3,3**

Манба: *муаллиф ҳисоб китоби.*

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, 2012-2021 йилларда ЯИМ ҳам,асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳам ўсиш суръатига эга бўлган. Бундай ижобий ҳолат мамлакатимизда қулай инвестиция муҳити ҳамда амалдаги ҳуқуқий ҳужжатларда хорижий инвесторлар учун кўплаб имтиёз ва рағбат омиллари яратилганлигини кўрсатади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.09.2017 йилдаги № ПФ-5177 сонли фармони ҳамда “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори ва «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3594- сонли, ПФ-4434-сонли Фармонига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги ПФ- 4515-сонли ва «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4434-сонли ва Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ ҳамда валюта соҳасини тартибга солишнинг бозор механизмларини жорий қилиш, республика экспорт салоҳиятини оширишни рағбатлантириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи ва ички бозордаги рақобатдошлигини ошириш, мамлакатимизда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш мақсадида Валюта бозорини янада либераллаштириш соҳасида давлат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

- юридик ва жисмоний шахсларнинг чет эл валютасини эркин сотиб олиш ва сотиш ҳамда ўз маблағларини ўзининг хоҳишига кўра эркин тасарруф этиш ҳуқуқларини рўёбга чиқариш тўлиқ таъминланди, миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курсини белгилашда фақатгина бозор механизмларини қўллаш, валюта ресурсларидан фойдаланишда бозор инструментларининг ролини ошириш, валюта бозорида барча хўжалик юритувчи субъектлар учун тенг рақобат шароитларини яратиш, валюта сиёсатининг ноанъанавий тармоқларда экспортни ривожлантиришда, минтақавий ва халқаро иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашда рағбатлантирувчи ролини ошириш, сифатли иш ўринлари ва юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни бевосита рағбатлантириш учун иқтисодиётнинг барча секторларига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, билим ва технологиялар жалб этишга хизмат қиладиган ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш, миллий валютанинг

барқарорлигини таъминлашга қаратилган қатъий монетар сиёсатни амалга ошириш, бу борада монетар инструментлардан фаол ва мослаштирилган ҳолда фойдаланиш, давлат қимматли қоғозлари бозорини ривожлантириш, шунингдек, очиқ бозорда операциялар ҳамда давлат қимматли қоғозларини банклар ликвидлигига гаровга бериш бўйича операцияларни амалга оширишни амалиётга жорий қилиш; мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча экспортчи корхоналарнинг чет эл валютасидаги тушумини мажбурийсотиш бўйича талаб бекор қилинди.

- банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, банк таваккалчилигини баҳолашни такомиллаштириш, тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишнинг замонавий тамойиллари ҳамда механизмларини жорий этиш мақсадида белгиландики, мазкур бандга мувофиқ, тижорат банклари томонидан валюта маблағларини сотишдан олинган даромад (фойда) солиққа тортиш базасига киритилмаслиги ва уларнинг акциядорлари улушини оширишдафойдаланилади.

2-жадвал

Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлар ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми, уларнинг жами инвестициялардаги салмоғи

Кўрсаткичлар	2012 й	2013 й.	2014 й	2015 й	2016 й	2017 й.	2018 й	2019 й.	2020 й	2021 й.
Жами инвестициялар, млрд.АҚШ доллари ҳисобида	4,7	6,5	8,2	9,7	10,8	11,7	13,0	14,6	15,8	17,2
Хорижий инвестиция ва кредитлар, млрд.АҚШ доллари ҳисобида	1,2	1,7	2,9	2,8	2,5	2,6	3,0	3,1	3,3	3,4
Тўғридан – тўғри хорижий инвестициялар, млрд.АҚШ доллари ҳисобида	1,0	1,4	2,5	2,4	2,0	2,0	2,2	2,3	2,4	2,5
Жами инвестицияларда хорижий инвестицияларнинг улуши (% да)	24,47	26,15	35,37	28,87	23,43	21,97	23,08	21,23	20,89	22,35
Жами инвестицияларда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг улуши (% да)	20,43	21,08	30,37	25,05	18,43	17,35	16,62	15,75	15,19	14,88
Жами хорижий инвестициялар таркибида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг улуши (% да)	83,48	80,59	85,86	86,79	78,66	78,99	72,00	74,19	72,73	73,54

Манба: *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланган (www.mineconomy.uz)*

- тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этувчи иқтисодиёт тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар юридик шахсларнинг фойдасидан олинадиган солиқ, мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ободонлаштириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлашдан, шунингдек, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинган. Бунга тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар ҳажми қуйидагича бўлганда мазкур солиқ имтиёзлари белгиланган: 300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача – 3 йил муддатга; 3 миллионданортиқ АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача – 5 йил муддатга; 10 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлганда – 7 йил муддатга. Ушбу солиқ имтиёзлари қуйидаги шартлар асосида қўлланилиши белгилаб берилган: мазкуркорхоналарни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятини истисно қилган ҳолдареспубликанинг барча шаҳарлари ва қишлоқ аҳоли пунктларида жойлаштириш;хорижий инвесторлар томонидан тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни Ўзбекистон Республикасининг кафолати берилмаган ҳолда амалга ошириш; корхонанинг устав капиталида хорижий иштирокчиларнинг улуши камида 33 фоизни ташкил этиши лозим; хорижий инвестицияларни эркин алмаштириладиган валюта ёки янги замонавий технологик ускуна тарзида қўйиш; мазкур имтиёзларни қўллаш муддати давомида имтиёзлардан олинган даромаднинг камида 50 фоизини корхонани янада ривожлантириш мақсадида қайта инвестициялашга йўналтириш;

Диаграмма

Манба: *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида тузилган (www.cbu.uz)*

➢ хорижий инвестициялар иштирокида янги ташкил этилаётган корхоналар давлат рўйхатидан ўтган вақтдан бошлаб икки йил мобайнида шахсий ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун мол-мулк олиб киришда импорт божхона тўловларини тўлашдан озод қилинган.

Маълумки, ЯИМ ўсишини таъминлашда ички инвестициялар улуши каттасалмоққа эга. Бунда тижорат банкларининг инвестицион кредитлари ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Ушбу кредитлар устувор равишда иқтисодиётнинг саноат тармоқларини модернизация қилиш, замонавий инфратузилмани шакллантириш ва ривожлантириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юксалтириш ҳамда янги иш ўринлари ташкил этишга қаратилган дастурлардоирасидаги инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилмоқда. Хусусан, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадларига тижорат банклари томонидан жами 12,04 трлн. сўм инвестицион кредитлар берилди. Бу кўрсаткич 2008 йилга нисбатан миллийвалютамизда ҳисобланганда 8 маротаба ортган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштиришда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур:

1. Ўзбекистон ҳудудларининг ўзига хос хусусиятлари инобатга олган ҳолда эркин ва махсус индустриал иқтисодий зоналар ташкил этишни фаоллаштириш зарур;
2. Ташқи инвесторлар учун солиқ ва божхона тизимини такомиллаштириш, солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини кучайтириш керак;
3. Хорижий инвестиция улуши мавжуд корхоналарни барпо этиш ва уларни рўйхатдан ўтказиш жараёнини соддалаштириш ҳамда хорижий сармояли корхоналарни республика ҳудудларига мутаносиб жойлаштириш лозим;
4. Хорижий сармоядорларни қизиқтирувчи соҳа, тармоқ, объектларни аниқлаш ва улар тўғрисидаги маълумотларнинг шаффофлигини таъминлаш керак. Хусусан, Ўзбекистоннинг инвестицион салоҳиятини акс эттирувчи кўргазмали воситалар (инглиз тилида), тақдимотлар тайёрлаш зарур. Бунда маҳаллий ҳокимликларнинг хорижий инвесторларни ҳудуд тўғрисида тўлиқ инвестицион муҳитга оид маълумотлар билан таъминлашда фаоллигини ошириш – хорижий инвесторларни тўлақонли равишда ахборот (инвестиция лойиҳалари ва бизнес таклифлар базаси, ҳудудий матбуот нашрлари, хом ашё ва меҳнат салоҳияти тўғрисида маълумотлар) билан таъминлаш, инвестиция фаолиятига оид конференциялар, семинар ҳамда тақдимот (республика ҳудуди ва хорижий мамлакатларда)лар ўтказиш зарур;
5. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг ҳудудий дастурлари самарасини ошириш, уни доимий мониторинг қилиш, инвестицион жозибадорликни оширишга қаратилган «Ҳудудларда иқтисодий ривожлантириш» концепциясини ишлаб чиқиш керак;
6. Мамлакатимиз ҳудудларига хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш учун ишлаб чиқариш (электр-энергия таъминоти, транспорт ва алоқа, йўл қурилиши, моддий-техник таъминот, газ, тоза сув таъминоти ва бошқалар), бозор (товар бозори, молия бозори ва меҳнат бозори), ижтимоий инфратузилма (маориф, соғлиқни сақлаш, санъат, маданият иншоотлари, спорт

иншоотлари, ижтимоий таъминот, маиший хизмат, уй-жой қурилиши ва бошқалар)ларни янада ривожлантириш ҳамда ҳудудларнинг ривожланиш хусусиятидан келиб чиқиб, истиқболли инвестиция лойиҳалари танловларини эълон қилиш асосида салоҳиятли инвесторларни жалб этиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги ПҚ-2344–сонли "Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами – Тошкент, 2015.18-сон (674).*
2. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий сайти: www.cbu.uz.*
3. *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари www.mineconomy.uz*
4. *Жаҳон банкининг чоп этилган «Ҳамма учун инвестицион муҳитни қандай шакллантириш мумкин?» мавзуида (жаҳон иқтисодиётинингривожланиши тўғрисида)ги йиллик ҳисоботи.*
5. *Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. –Т: "Молия"*
6. *Commercial Banking: The management of Risk, James W. Kolari, Benton E.Gup. 2005 y*

Karimov Shamsiddin Akram o'g'li
Magistratura 2-bosqich talabasi
Ilmiy raxbar: dots. Umarxodjayeva M.G.

RAQOBATNI SHAKLLANTIRISHDA MONOPOLIYAGA QARSHI QONUNCHILIKNI TAKOMILLASHTIRISH

Annotatsiya: *Raqobat bu iqtisodiy kategoriya sifatida bozor iqtisodiyotining va umuman tovar xo'jaligining eng muhim belgisi, uni rivojlantirish vositasi, bozor mexanizmining asosiy tarkibiy qismlaridan biri hisoblanadi. Bozor iqtisodiyoti o'zining yetuklik darajasi va rivojlanish xususiyatlaridan qat'iy nazar raqobatning mavjud bo'lishini taqozo etadi. Shu bilan birga, raqobat muhitini shakllantirishda bir qancha muammolar mavjud bo'lib ulardan asosiysi mopoliyaga qarshi qonunchilikni mustahkamlashdir.*

Kalit so'zlar: *Raqobat, insofsiz raqobat, monopoliya, monopoliyaga qarshi kurashish, ustun mavqe, raqobatga qarshi bitim va kelishib olishlar, Bozor konsentratsiyasi.*

"Raqobat" so'zi arab tilidan kelib chiqqan bo'lib, uning lug'aviy ma'nosi "nazorat", "kuzatish" ma'nolarni anglatadi. O'zbek tilining izohli lug'atida mazkur so'zga iqtisodiy ma'noda mustaqil tovar ishlab chiqaruvchi(koronalar)lar o'rtasida tovarlarni qulay sharoitda ishlab chiqarish va yaxshi foyda keltiradigan narxda sotish, umuman o'z mavqeini mustahkamlash uchun kurash deb ta'rif berilgan.

"Raqobat" atamasi rus tilida "конкуренция", ingliz tilida "competition", nemis tilida "wettbewerb" shaklida uchraydi. Bu atamalarning barchasi lotin tilidan kelib chiqqan "concurrentia" – to'qnashuv so'zidan kelib chiqqan. Umumiy ma'noda raqobat muayyan bir muhitda shaxslar, guruhlar, tashkilotlarning nisbatan yaxshiroq natijalarga erishish uchun o'zaro musobaqalashuvini anglatadi.

Raqobat narxlarning pasayishini ta'minlaydi, iste'molchilar uchun tanlov doirasini kengaytiradi, shuningdek, samaralilik va yangilikka intiluvchanlikni rag'batlantiradi.

Raqobatning mavjud bo'lmasligi raqobatga zid xatti-harakatlarning sodir etilishi nafaqat mamlakat iqtisodiyotiga zarar yetkazadi, balki iste'molchilar huquqlarining ham poymol bo'lishiga olib keladi.

Raqobat tushunchasining aksi sifatida "monopoliya" tushunchasini kuzatishimiz mumkin. Mazkur termin yunon tilidan olingan bo'lib, mono- "tanho", poleo- "sotaman" degan ma'nolarni anglatadi. Monopolistik faoliyat esa xo'jalik yurituvchi sub'ektlarning, davlat boshqaruvi organlari va mahalliy davlat hokimiyati organlarining raqobat faoliyatini tartibga soluvchi qonun hujjatlariga hilof bo'lgan, raqobatga yo'l qo'ymaslikka, raqobatni cheklash yoki bartaraf etishga qaratilgan harakatlari yoki harakatsizligidir.

Bozor iqtisodiyoti shakllanishi va taraqqiyotini rivojlangan mamlakatlar tajribasisiz tasavvur etib bo`lmaydi. Rivojlangan mamlakatlar bozor tajribasini o`rganish jahon iqtisodiyotiga integratsiyalashuv hamda jahon standartlarini o`zlashtirish imkoniyatlaridan foydalanish uchun yo`l ochadi. Rivojlangan mamlakatlar qatoriga kirish, halqaro iqtisodiy munosabatlarda ishtirok etish, ilg'or tajribalar xususiyatlarini chuqur o`rganish orqali amalga oshirish mumkin. Chunki bozor iqtisodiga o`tish jarayonining faqat mamlakatning o`z yo`li bilan chegaralanish doimo muvaffaqiyatli yakunlanmaydi. Jarayonni tez rejalashtirish rivojlangan mamlakatlar tajribasini o`rganish, ularni o`zlashtirish va tadbiq qilishni talab etadi. Bu bozor iqtisodiga o`tish muammolarini tez xal qilish, ortiqcha urunishlarni oldini olish, sinovdan o`tgan usul va yo`llarni qo`llash imkonini beradi.

Oxirgi o’n yilliklar butun dunyo miqyosida raqobat to’g‘risidagi qonunlarni (ular trestlarga qarshi yoki monopoliyaga qarshi qonunlar deb ham ataladi) yanada rivojlantirish va amaliyotga kiritish davri bo’ldi. Sobiq sotsialistik lagerni parchalanib ketishi oqibatida Sharqiy yevropa va Markaziy Osiyoning ko’pchilik mamlakatlari raqobat siyosatining negizi hisoblangan bozor iqtisodiyoti tamoyillarini joriy qila boshlagan bir vaqtda, bozor iqtisodiyoti rivojlangan mamlakatlar ham bir joyda to’xtab qolmay, amaliyotda foydalanilayotgan monopoliyaga qarshi qonunchilikka o’zgartirishlar kiritib bordilar. Hozirgi kunda dunyoning 100 dan ortiq mamlakatlarida monopoliyaga qarshi qonunchilik mavjuddir.

Turli davlatlarning tarixiy, iqtisodiy, ijtimoiy, siyosiy va madaniy jihatlarini bir-biriga o’xshamasligi, raqobat siyosati va huquqqa nisbatan turlicha yondashishni keltirib chiqardi.

Yaponiyaning monopoliyaga qarshi qonuni ustun mavqyeni taqiqlash, savdo-sotiqni va insofsiz savdo usullarini cheklash, iqtisodiy hokimiyatning haddan ziyod bir joyda to’planishining oldini olishga qaratilgan qoidalarni o’zida mustahkamlagan. U ishlab chiqarish, sotish, narxlar, texnologiyalar va boshqalarni noto’g‘ri cheklashni bartaraf qilish, shuningdek tadbirkorlik sub’ektlarining noqonuniy manfaatlarda qo’shilib ketishi, birlashishiga yo’l qo’ymaslikka xizmat qiladi.

Germaniyaning “Raqobatni cheklashga qarshi” Qonunida kichik va o’rta biznes sub’ektlarini himoya qilish, monopoliyaga qarshi choralar belgilash, raqobatni qo’llab-quvvatlash bilan bog‘liq maxsus normalar belgilangan. Ular sog‘lom raqobatni ta’minlashga xizmat qiladi.

Buyuk Britaniyada raqobatni himoyalashdan ko’zlangan asosiy maqsad mahsulotlar, ishlar va xizmatlar sifatini yaxshilash hamda iste’molchilar uchun tanlash imkoniyatini ko’paytirish, innovatsiyalar va investitsiyalashni joriy etish uchun rag‘batlantirishni ta’minlash, Buyuk Britaniya xalqaro kompaniyalari obro’sini yuksaltirishga qaratilgandir.

Rossiya Federatsiyasida sub’ektlarning bozordagi ustunligidan g‘araz niyatlarda foydalanishi dominant xo’jalik sub’ekti yoki bir necha xo’jalik sub’ektlarining tovar bozorida o’rnini bosuvchilar yo’qligi tufayli bozorga va unda faoliyat olib borayotgan sub’ektlarga o’zining ta’sirini o’tkazish imkonini beruvchi holatdir.

Ushbu qonunlarning barchasi quyidagi asosiy harakatlar yoki faoliyatlar natijasida zarar yetishi mumkin bo’lgan sog‘lom raqobatni himoya qilishga mo’ljallangan:



1-rasm. Raqobatga zarar yetkazuvchi omillar

Shunday qilib, mamlakatlar o’rtasida raqobat to’g‘risidagi qonunchiliklarni o’zaro o’xshashligi tugaydi. O’zbekiston raqobatni shakllantirish hamda iqtisodiy barqarorlikka erishishining muhim shartlaridan biri – iqtisodiyotda mavjud bo’lgan monopol tarmoqlarning faoliyati bilan jamiyat o’rtasidagi iqtisodiy munosabatlarni tartibga solish hamda ularning mahsulot ishlab chiqarish va xizmat ko’rsatish hajmining o’sishini doimiy ravishda ta’minlashdan iborat. Shuning uchun ham iqtisodiyotni modernizatsiyalash davrida monopol tarmoqlar faoliyatini tartibga solish, uning funksional va institutsional jihatlarini o’rganish masalasi dolzarb muammo bo’lib qolmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “2020 – 2025 yillarga mo‘ljallangan O‘zbekiston Respublikasining bank tizimini isloh qilish strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-5992-sonli Farmoni. 12.02.2020.

2. Elmirzaev S.E. Dividend siyosati tashkiliy xususiyatlari va takomillashtirish masalalari. // Xalqaro moliya va hisob. №2. 2016 yil.

3. Sherqo‘zieva N. Aksiyadorlik jamiyatlari moliyaviy boshqaruv tizimida dividend siyosatining o‘rni. // Xalqaro moliya va hisob. №3. 2019 yil.

4. K.Michael Casey, Ross N. Dickens. The effects of tax and regulatory changes on commercial bank dividend policy. // The Quarterly Review of Economics and Finance. Volume 40, Issue 2, Summer 2000.

5. L.Lepetit, C.Meslier, F.Strobel, L.Wardhana. Bank dividends, agency costs and shareholder and creditor rights. // International Review of Financial Analysis. Volume 56, March 2018, Pages 93-111.

6. Enrico Onali, Ramilya Galiakhmetova, Philip Molyneux Giuseppe Torluccio. CEO power, government monitoring, and bank dividends. // Journal of Financial Intermediation. July 2016,

7. Kunarov R.R. va Bo‘riev J.P. Tijorat banklari dividend siyosati xususiyatlari. //Xalqaro moliya va hisob. №4. 2020 yil.

Луқманов Шарифхон Аъзам ўғли,
Магистратура 2-босқич талабаси,
Илмий раҳбар: и.ф.н.,доц.Умарходжаева М.Г.

КОРХОНА РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. *Мақолада корхона рақобатбардошлиги ва унинг моҳияти, унга таъсир этувчи омиллар, рақобат муҳити тасири ва корхонанинг жойлашиш омиллари модели берилган.*

Корхона рақобатбардошлигини ўрганиш билан шуғулланувчи ҳар бир тадқиқотчининг асосий вазифаси рақобатбардошлик мезонларини, шунингдек, омил ва манбаларини аниқлашдан иборат. Бироқ ушбу аниқлаштиришда жуда катта чигалликлар, тушунча ва атамаларнинг ноаниқлиги яққол кўзга ташланади. Масалан, иқтисодий адабиётларда корхона рақобатбардошлигига берилган қуйидаги тавсифларини учратиш мумкин:

- корхонанинг рақобатбардош маҳсулот чиқаришга қодирлиги, шунингдек, корхонанинг рақобатга бардошлилиги ва унинг ўзгарувчан рақобат шароитларига мослашиш имконияти[1];
- корхонанинг киритилган капиталга қисқа муддатли даврда белгиланган фойдалилик меъёридан паст бўлмаган фойда келтиришга қодирлиги[2];
- корхонанинг ишлаб чиқариш, кадрлар ва молия салоҳиятидан самарали фойдаланишда талаб юқори бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришга қодирлиги[3];
- корхонанинг реал ва салоҳиятли қобилияти, шунингдек, бунинг учун унда мавжуд бўлган нарх ва нархдан ташқари тавсифномалар бўйича истеъмолчилар учун рақобатчиларнинг товарларидан кўра жалб этувчанроқ бўлган товарларни лойиҳалаш, тайёрлаш ва сотиш имкониятлари [4];
- бозор муносабатлари субъектининг бозорда мавжуд бўлган рақобат қилувчи бозор муносабатлари субъектлари билан тенгма-тенг қатнашиш хусусияти[5];

Юқорида айтиб ўтилган ноаниқлик, бизнингча, шу билан асосланадики, корхона рақобатбардошлиги ва унинг моҳияти объектив ва ифодалаб берилмайдиган иқтисодий тоифалар қаторига киради. Бошқача қилиб айтганда, рақобатбардошлик ўта субъектив тушунча бўлиб, шу ҳолича мавжуд бўлмайди. Демак, умумқабул қилинган таъриф йўқлигидан унинг мазмуни ва моҳияти у ёки бу субъектнинг тасаввурларидан келиб чиқиб, турлича талқин қилиниши мумкин. Мос равишда, рақобат ҳолатини кўриб чиқишда қайд этилган иқтисодчиларнинг нуқтаи назарларидаги тафовутлар корхона рақобатбардошлиги тушунчасини таърифлашда ҳам ўз аксини топади.

Тақдим этилган таърифларнинг моҳиятига келадиган бўлсак, бу ерда қайд этиш жоизки, уларнинг ҳар бирида рақобатбардошликнинг у ёки бу жиҳатига алоҳида эътибор қаратилади, лекин хўжалик юритувчи субъектнинг рақобатбардошлиги ҳақида тўлақонли тасаввур берилмайди.

Корхона рақобатбардошлиги тушунчасини ифодалашда биз рақобат ҳодисасининг мазмуни ва моҳиятидан келиб чиқишимиз лозим. Шунингдек, корхона рақобатбардошлиги рақобат ҳодисаси асослаб берадиган мақсадларга эришишга қараб таърифланиши лозим эканлиги яққол кўзга ташланиб турибди. Бошқача қилиб айтганда, корхона ўз фаолиятини рақобат нуқтаи назаридан қанчалик муваффақиятли амалга оширадиган бўлса, шунчалик рақобатбардош бўлади ва аксинча. Бизнинг фикримизча, рақобат хўжалик юритувчи субъектларнинг фойда олиш учун кураши ҳисобланади.

Корхонанинг иқтисодий ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги даражаси ишлаб чиқариш кучлари ривожланишининг эришилган ижтимоий ишлаб чиқариш даражаси ва табиийки, ишлаб чиқариш ва бошқа муносабатларга нисбатан, рақобатчиларнинг ресурслардан фойдаланиш самарадорлигига нисбатан аниқланади. Бизнинг фикримизча бозор иқтисодиёти шароитларида корхона рақобатбардошлиги хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг умумлаштирувчи тавсифномаси бўлиб, рақобатчилар томонидан иқтисодий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигига нисбатан хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги даражасини акс эттиради. Рақобат муҳити омиллари таъсирининг моҳияти ва характери бешта рақобат кучи модели кўринишида ифодаланиши мумкин (1-расм).

Иқтисодий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, корхона рақобатбардошлиги иқтисодий тоифа сифатида иқтисодчиларнинг асарларида етарли даражада ишлаб чиқилмаган.

Айтиб ўтилган омиллар блоки таъсирининг натижаси унинг юзага келган рақобат балансига мослик даражаси корхона рақобатбардошлиги билан бевосита алоқада бўлган корхонани мос келувчи стратегик жойлаштириш ҳисобланади.

Бошқа томондан, рақобат муҳити омилларидан ташқари корхона рақобатбардошлиги даражаси кўп жиҳатдан унинг жойлашиш омилларига ҳам боғлиқ .



1.-расм. Корхона рақобатли устунликлари детерминантлари

Корхона жойлашган жойдаги мавжуд шароитлар корхонанинг қандай яратилиши, ташкил этилиши ва бошқарилишига сезиларли таъсир кўрсатади, шунингдек, маҳаллий рақобат характерини белгилаб беради. Алоҳида корхона рақобатбардошлиги шу жой учун энг афзал саналган ташкилот моделлари ва бошқарув амалиёти ҳамда ушбу корхона учун рақобатли устунликлар манбаларини бирлаштириш натижасида вужудга келади.

Корхона, ташкилот ва алоҳида шахслар ўз мақсадларига эришиш борасида бир-биридан кучли фарқланади. Рақобатли устунликларга эришиш учун, шунингдек, меҳнат ва касбий кўникмаларни оширишга бўлган шахсий мотивация ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, кўриб чиқилган рақобатбардошлик таркибий қисмларининг ҳар бири бошқа таркибий қисмлар билан узвий боғлиқ бўлиб, уларнинг барчаси биргаликда корхонанинг рақобатбардошлигига таъсир кўрсатиш бўйича алоҳида таркибий қисмлар йиғиндисидан кўра мураккаброқ динамик тизимни ташкил этади. Исталган таркибий қисмларнинг кучсиз позицияси корхона рақобатбардошлигини чегаралаб туради ва аксинча, таркибий қисмларнинг биронтасидаги устунлик қолган таркибий қисмнинг ижобий динамикасини кучайтиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. *Адаева Т. Ю. Организационные факторы и резервы повышения конкурентоспособности предприятия. Пенза: Изд-во Пензенского государственного университета, 1999. – 27 с.*
2. *Забелин П. В. Основы стратегического управления. М.: Информационновнедренческий центр «Маркетинг», 1998. –195 с.*
3. *Ершова И. В. Конкурентные стратегии технологически ориентированных предприятий. Екатеринбург: Изд-во УГТУ-УПИ-УПИ, 1999. – 151 с.*
4. *Пичурин И. И. Общая теория маркетинга: в 3-х ч. – Екатеринбург: Изд-во УГТУ-УПИ-УПИ, 1997. Ч. 2 – 200 с.*
5. *Портер М. Конкуренция. М.: Издательский дом «Вильямс», 2000. – 495 с.*

Магистр МКД-10 Қурбонтоев Ўткирбек
Магистр ММРТ-10 Абдуқаюмова Гўзал

ҚЎШМА КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МАРКЕТИНГ ТИЗИМИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Аннотация. *Қўшма корхона - бу шундай шакллардан бирики, корхона халқаро ҳамкорлик қатнашчилари бошқа шаклдаги корхоналар орқали бир хил шароитда амалга оширолмаган иқтисодий манфаатларини ҳал қилиш имконини беради.*

Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг энг муҳим ва самарали йўлларидан бири – ҳорижий давлатлар билан қўшма корхоналарни ташкил этиш ва ривожлантириш ҳисобланади. Ишлаб чиқаришни инновациялаш ва модкернизациялаш - дунё ишлаб чиқариш жараёнини маълум даражада бирлашишга эришишни кўзда тутиб, бу биргаликда ишлаб чиқариш фаолияти ҳисобланади. Давлатлар хўжалик субъектлари билан биргаликдаги маркетинг фаолиятининг инновациялаш шаклларидан биридир. Ишлаб чиқаришда ҳамкорлик қилишнинг бошқа, маълум бўлган яхши шакллари илгаридан мавжуд бўлган. Жумладан: кооперация, технологияларни алмашиш ва бошқалар.

Шу билан бирга қўшма корхоналарни пайдо бўлиши ва улар сонининг ошишини, халқаро ишлаб чиқариш алоқаларини умумдунё миқёсида ривожланиш жараёнининг янги бир замонавий шакли сифатида характерлаш мумкин. Ўзбекистоннинг иқтисодий муносабатларда қатнашишида максимал самарага эришиш вазифаси, ҳозирги шароитда бу муносабатларни амалга ошириш кўп ёқлама эканлигини кўрсатади.

Дунё хўжалигида бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқаришнинг ҳам миллий, ҳам интернационал кўринишдаги турлари мавжуддир. Улар амалиётда хўжалик юритишни фақатгина турли хил шаклдаги муносабатлар орқали амалга оширишлари мумкин. Уларнинг хеч қайсиси яккаликда энг яхши натижаларга эришишга даъвогар бўла олмайди.

Муносабат шаклларининг кенгайиши натижасида ҳам вақтинчалик, ҳам узоқ муддатга мўлжалланган ишлаб чиқаришни интернационаллаштириш вужудга келади. МДХ давлатларининг тажрибалари шуни кўрсатадики, чет эл фирмалари билан қўшма корхоналар ташкил қилиш миллий иқтисодиётнинг ташқи савдосини ривожлантиришга олиб келади.

Қўшма корхона - бу шундай шакллардан бирики, корхона халқаро ҳамкорлик қатнашчилари бошқа шаклдаги корхоналар орқали бир хил шароитда амалга оширолмаган иқтисодий манфаатларини ҳал қилиш имконини беради. Қўшма корхоналар ҳозирги шароитда, иқтисодий муносабатлар муҳитида ҳамкорликнинг энг ривожланган шакли сифатида намоён бўлмоқда.

Халқаро қўшма корхоналар деганда шуни таъкидлаш лозимки, бунда икки ёки ундан ортиқ давлатларнинг, икки ёки ундан ортиқ мулкдорлар ўз капиталларини, тажрибаларини, билимларини бирлаштирадилар ва кўрилган зарар, фойдаларни бир меъёрида тақсимлаб, биргаликда корхонани бошқарадилар. Халқро ишлаб чиқариш жараёни қатнашчилари манфаатлари умумийдир. Шу билан бирга мулкдорлик муносабати бу ерда миллий - давлат чегарасида ривожланади.

Қўшма корхоналар ўтиш даврида дунё хужалиги ривожланишининг замонавий узига хос хусусияти бўлиб ҳисобланади. Халкаро иқтисодий муносабатларнинг ҳамма босқичларида хўжалик юритиш алоқаларига ҳам макроиқтисодий, ҳам микроиқтисодий томондан жалб килиниши факат босқичма-босқич амалга оширилиши мумкин. Жаҳон иқтисодиётини янада эркинрок бўлган, халкаро ресурслар, технологиялар, фондлар харакатига йуналтирилган шароитда «очик» иқтисодиётга лойик булишлари ишлаб чикаришни трансмиллийлаштиради. Капитал олиб кирадиган чет эллик катнашчи учун қўшма корхонани пайдо булиши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бозорга кириб бориш, арзон бўлган материал ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш мумкинлиги, капитални четга олиб чиқиш мумкинлиги ҳисобланади. Қўшма корхонага чет эл капитали техника ва технология куринишида киритилиши мумкин.

Бизга маълумки, капитални қабул қиладиган томон учун бу ички бозорни тўлдириш, ишлаб чиқаришни бошқариш бўйича замонавий тажрибага эга бўлиш, экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босадиган товарларни ишлаб чиқариш ва миллий иқтисодиётга хорижлик шерик ишлаб чиқаришининг техник – иқтисодий параметрларини ихтисослаштириш имконини беради. Халқаро қатнашчиларнинг иқтисодий манфаатлари бир мунча қийинрок, капитал қабул қиладиган давлат манфаати - бу иқтисодиётда илғор тармоқларни ривожлантиришдир. Қўшма корхона ўзининг

манфаатини ташкил этилаётган корхонанинг фойдалилигида кўради. Макроиқтисодий даражада қўшма корхоналар - жамиятнинг алоҳида истеъмол маҳсулотларига бўлган талабини қондириш мақсадида, ишлаб чиқариш ва сармоялаш жараёнининг бир қисми сифатида намоён бўлади.

Ишлаб чиқаришни оптималлаштириш ва сармоялаш мумкинлигини кенгайтириш фақатгина қўшма тадбиркорлик орқали амалга оширилиши мумкин. Шунинг учун ҳам давлат қўшма корхоналар ташкил қилишни ва чет эл капиталини кириб келишини тартибга солиб туради. Микродаражада бозорга ўтиш шароитида фойда олиш мумкинлиги, корхонани ишлаб чиқариш - рентабеллигини оширишга ва ҳаражатларни камайтиришга ундайди. Бундан ташқари ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқишни илғор даражасига чиқиш учун чет эл сармоясини жалб қилишга ҳаракат қилади ва шу орқали ишлаб чиқаришни ривожлантириш таваккали чет эллик шерик билан баҳам кўрилади. Қўшма корхоналарнинг маъқул томонларидан бири шундаки - у орқали ташқи бозорга чиқиш мумкин ва ўз тажрибасини тўғридан тўғри беришга қизиққан чет эллик шерикнинг бошқариш бўйича илғор тажрибасини қўллаш мумкин бўлади. Қўшма корхона ташкил этишнинг иқтисодий манфаатларини таҳлил қилган ҳолда, шу нарсани айтиш мумкинки, қўшма корхоналар умумжаҳон хўжалиги ривожланишига катта ҳисса қўшади.

Маркетинг тизими - бу қўйилган максадларга эришиш ва максадли бозор талабини кондириш учун маркетинг кисмларининг аник бирикувидир. Таркиб узида туртта асосий кисм – махсулот ёки хизмат, таксимот (сотиш, утказиш, нархларни) бирлаштиради.

Товар ва хизматларни олганда бозорга нима тавсия этилиши сифат даражаси, сотиш хажми, компаниянинг инновацион даражаси, улчовнинг холати, алохида шартлар тадкикотларнинг хажми ва муддатлари мавжуд махсулотни сотишни тухтатиш пайтини аниклаб олиш керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Беляев В.И. Маркетинг: основы теории и практики: учебник.– М.: КНОРУС, 2010. – 680 с.
2.Soliyev A., Buzrukxonov S. Marketing. Bozorshunoslik. Darslik. –T.: Iqtisod-Moliya, 2010. -424b.
3.Qosimova M.S., Yusupov M.A., Ergashxodjaeva Sh.J. Marketing. Darslik. T.: TDIU, 2010.-263 b.
4.Маслова Т.Д., Божук С.Г., Ковалик Л.Н. Маркетинг: Учебник. – СПб.:Питер, 2008. – С.13.
5.Jalolov J.J., Fattaxov A.A. Biznes marketingi. Darslik. –T.: Iqtisod-Moliya, 2007, -320b.

Якубов Искандар Одилович
ТДИУ доценти,
Соатов Аббос Бахромович
ТДИУ магистранти

ХУДУД РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИНВЕСТИТЦИЯЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

Аннотация: *Мақолада Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини амалга оширишнинг ҳудудий хусусиятлари чуқур таҳлил этилган. Ҳудудларда амалга ошириладиган инвестиция фаолиятини самарали олиб боришда инвестиция фаолиятининг муҳим жиҳатларига эътибор қаратиш лозимлиги, инвестицияларни жалб этиш механизмларини шакллантириш ва уларни тадрижий тарзда такомиллаштириб бориш, маҳаллий инвестициявий фаолликни оширишда инвестиция фондларини ташкил этиш ва уларни доимий ривожлантириб бориш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар: *инвестиция фаолияти, инвестиция фонди, маҳаллий ва хорижий инвестиция, эркин иқтисодий зоналар, инвестициявий фаоллик, қимматли қоғозлар.*

Мамлакатимизда юз бераётган муҳим таркибий ўзгаришлар натижасида нафақат инвестицияларнинг ички манбаларига бўлган, балки бошқа манбаларга бўлган эҳтиёжнинг ошишига олиб келмоқда. Шу боисдан, хорижий инвестицияларни юқори ҳажмда жалб этиш билан бирга, маҳаллий инвестициялаш имкониятларини оширишга имкон берувчи инвестиция фондларини ташкил этиш ва уларни ривожлантириш муҳим бўлиб қолмоқда. Умуман олганда, республикамиз ҳудудларининг табиий ресурсларга бойлиги инвестиция муҳитини янада жозибадор қилишга имкон беради. Мавжуд вазиятни тўғри баҳолаган ҳолда инвестицияларни жалб этишни ва уни минтақлар иқтисодиёти ривожланишига кўмаклашиш зарурати туғилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг инвестиция муҳитини ривожлантириш борасида тегишли ҳуқуқий асослар яратилган бўлиб, кафолат ва имтиёзларни ўзида акс эттирувчи бир қанча меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Уларда хусусий мулкнинг давлат томонидан ҳимояланиши ва рақобат

муҳитига шароит ҳамда зарур инвестициявий инфратузилманинг яратилишини назарда тутувчи нормалар белгилаб қўйилган.

Шунингдек, мамлакатимизда ҳукм сураётган сиёсий барқарорлик ҳамда бой табиий минерал ресурсларнинг мавжудлиги инвестиция муҳитини ривожлантириш учун имкониятлар эшигини кенг очади. Бироқ замон билан ҳамнафас равишда тараққий этиш учун буларнинг ўзи кифоя қилмайди. Чунки шиддат билан ривожланаётган дунё ҳамжамияти рейтингларида муносиб ўринларни эгаллаш учун янги замонавий ғояларни ўйлаб топиш зарурати юзага келмоқда. Хориж инвестицияларини кенг миқёсда жалб қилиш — иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш, юқори технологик рақобатдош тармоқларни яратиш, илғор хориж технологиялари, ноу-хау ва бошқарув тажрибаларини татбиқ этиш имконини беради.

Мамлакатимиз ижтимоий ва иқтисодий ривожланишида ҳудудлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий фарқланишлар ва номувофиқларни камайтиришда ўзига хос ўринга эга. Бу эса ўз ўрнида, ушбу имкониятлардан оқилона фойдаланиш ҳудудларда мавжуд барча ресурслардан фойдаланишни самарали амалга ошириш ҳамда минтақавий иқтисодиётнинг таркибий жиҳатдан такомиллаштиришга замин яратади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш, инвестиция фондларининг қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришдаги ўрнини кучайтириш, инвестицион муҳит жозибадорлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш, минтақаларнинг ҳудудий салоҳияти, тадбиркорлик фаолиятига инвестиция жалб қилишнинг минтақавий хусусиятлари бўйича бир қанча илмий изланишлар олиб борилган.

Профессор Н.Ғ. Каримов томонидан мамлакат ичкариси ва ташқарисида янги корхона яратиш ва ҳудудларда мавжуд корхоналарни замонавийлаштириш, энг янги техника ва технологияларни ўзлаштириш, ишлаб чиқариш даражасини ошириш бўйича изланишлар олиб борилган[1]. И.ф.д. Ш.И. Мустафақуловнинг ишларида минтақалардаги табиий ресурслар захираси, инвесторлар учун яратилган имтиёзлар, инфратузилма ҳолати, ҳудудларнинг инвестицион рейтинги хорижий инвестициялар оқими ҳамда ички инвестицияларнинг фаоллашувига таъсир кўрсатиши, бунда асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар ҳажми инвестицион салоҳият ва иқтисодий салоҳият кўламининг юзага келишини таъминланиши юзасидан таклиф ва тавсиялар келтирилган[2].

Шунингдек, Ш.И. Мустафақулов томонидан инвестиция фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳудудларда мазкур фаолиятни ривожлантириш бўйича инвестициялар жалб қилиш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган. Тадқиқотчи Д.С. Алматова томонидан минтақаларда тадбиркорлик субъектларининг инвестицион-инновацион фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш йўлларини асослаб бериш ва уларни самарали ривожлантириш масалалари тадқиқ этилган[3].

Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ўзбекистонда инвестиция фаолиятини амалга оширишнинг ҳудудий хусусиятлари, инвестиция фондларини ривожлантириш ва бу борада илғор хориж тажрибаларидан ижодий фойдаланиш имкониятлари масалалари алоҳида, мустақил илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Ушбу илмий муаммони иқтисодий адабиётларда етарли даражада ўрганилмаганлиги ва илмий-амалий аҳамиятга эга эканлиги мазкур мақоланинг мавзусининг танланишига асос бўлди.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёнида Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмини статистик гуруҳлаш, таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш, тизимли ёндашув, таққослаш, қиёсий таҳлил, инвестиция фондлари маблағлари ҳисобидан лойиҳаларни молиялаштириш учун SWOT-таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар Республикамиз инвестиция сиёсатида мамлакатимиз ҳудудларининг мутаносиб ривожланишини ва ҳудудий жиҳатдан ижтимоий-иқтисодий барқарор ривожланишига эришиш алоҳида ўрин тутади. Сўнгги йилларда ҳудудларнинг инвестицияларни жалб қилишда ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқишда ортда бораётган вилоятларда ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Бу эса ўз навбатида экспорт-импорт операциялари ҳажмларида катта фарқланишни юзага келтирмоқда. Жалб қилинган инвестициялар ҳажмида Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари етакчи ўринни эгаллаб келмоқда (1-жадвал).

(1-жадвал).

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар, млрд. сўм

Ҳудуд, вилоят номи	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Ўзбекистон Республикаси	51232,0	72155,2	124231,3	195927,3	210195,1	244962,6
Қорақалпоғистон Республикаси	3778,3	2822,0	6757,8	8750,6	7089,8	7879,1
Андижон	2188,5	2986,0	4711,9	7452,1	9622,6	12143,7
Бухоро	5922,9	11613,4	9610,9	10366,6	12183,9	18995,6
Жиззах	1449,7	1788,2	3606,3	7900,9	12545,4	13224,4
Қашқадарё	7304,4	11175,3	16518,5	24462,5	20557,6	16225,1
Навоий	2963,2	3977,9	10579,5	17646,3	15688,4	16309,1
Наманган	2824,5	3586,7	8158,1	12084,9	12007,2	13302,4
Самарқанд	3623,5	4384,2	7061,4	10266,7	14656,4	17722,8
Сурхондарё	2142,4	3551,0	7240,6	11835,1	10068,2	11326,5
Сирдарё	1322,9	1628,0	2699,3	5869,1	7191,9	8708,0
Тошкент	4238,7	5938,4	11226,9	20353,9	21148,6	27822,4
Фарғона	2643,6	2954,5	5539,1	8685,4	11040,0	12920,6
Хоразм	1560,5	2175,9	3013,8	5032,0	5391,8	8580,3
Тошкент шаҳар	9268,9	13573,7	26435,7	42458,1	50371,3	57611,3

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Ушбу ҳудудлар жалб қилинган инвестициялар, шу жумладан хорижий инвестициялар ҳисобига бир қатор тармоқларини модернизация қилди ҳамда замонавий технологиялар киритди ва оқибатда мамлакат экспортида юқори улушга эга бўлди. Шундай қилиб, мустақиллик йилларида миллий иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш натижасида мамлакатда ишлаб чиқариш кўламини ошириш имконияти яратилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган инвестиция фаолияти ўзига хос бўлган тенденция билан шаклланмоқда. Хусусан, инвестицияларнинг ривожланиш суръатлари ҳудудлар бўйича таҳлил қилинганда баъзи ҳудудларда нобарқарор ҳолатларни кузатамиз (2-жадвал). Масалан, Фарғона вилояти бўйича 2020 йилда 2019 йилга нисбатан асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ўсиш суръати 127,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2021 йилда 2020 йилга нисбатан бу кўрсаткич 117,0 фоизгача пасайган. Аммо, 2021 йилда 2020 йилга нисбатан, Тошкент, Сурхандарё, Навоий, Наманган, Бухоро, вилоятлари бўйича ўсиш суръатлари жадаллашган. Энг юқори ўсиш Хоразим вилояти (159,1%) Бухоро вилояти (155.9 %) Қорақалпоғистон Республикаси (111,1%)да кузатилган. 2020 йилга нисбатан пасайиш Самарқанд вилояти (112,5%) ва Жиззах вилояти (105.4%) Андижон вилояти (126,2%) Тошкент шаҳри (114.4%) Қашқадарё вилояти (78,4%)да кузатилган.

(2-жадвал)

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ўсиш суръатлари, ўтган йилга нисбатан фоиз ҳисобида

Ҳудуд, вилоят номи	**2016**	**2017**	**2018**	**2019**	**2020**	**2021**
Ўзбекистон Республикаси	114,3	140,8	172,2	157,7	107,3	116,5
Қорақалпоғистон Республикаси	62,7	74,7	239,5	129,5	81,0	111,1
Андижон	111,9	136,4	157,8	158,2	129,1	126,2
Бухоро	145,3	196,1	82,8	107,9	117,5	155,9
Жиззах	111,1	123,3	201,7	219,1	158,8	105,4
Қашқадарё	123,9	153,0	147,8	148,1	84,0	78,9
Навоий	163,8	134,2	266,0	166,8	88,9	104,0
Наманган	126,8	127,0	227,5	148,1	99,4	110,8
Самарқанд	111,9	121,0	161,1	145,4	142,8	120,9
Сурхондарё	116,2	165,7	203,9	163,5	85,1	112,5
Сирдарё	122,1	123,1	165,8	217,4	122,5	121,1
Тошкент	95,7	140,1	189,1	181,3	103,9	131,6
Фарғона	104,0	111,8	187,5	156,8	127,1	117,0
Хоразм	101,9	139,4	138,5	167,0	107,2	159,1
Тошкент шаҳар	135,2	146,4	194,8	160,6	118,6	114,4

Манба: 1-жадвал маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Инвестиция фаолиятини янада такомиллаштириш хорижий ёки маҳаллий инвестицияларни ҳудудларга жалб этишда кенг чора-тадбирларни амалга оширишни англатади. Бошқача айтганда, инвестиция фаолиятини шакллантиришда инвестиция ва пай фондларидан самарали фойдаланишни ифода этади.

Фикримизча, инвестиция фондларини минтақалар миқёсида ҳам кенг ривожлантириш ва уларни вилоятлар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириб бориш айни зарур масаладир.

Қайд этиш лозимки, ҳудудий инвестиция фондларини ташкил этишда маҳаллий ҳокимият органлари ва ҳудудий молия институтларининг ҳамкорлиги айни муҳим мезон бўлиб қолмоқда. Шу боисдан, минтақавий иқтисодиётнинг инвестиция дастурларини шакллантиришда инвестициялаш ҳамкорлигини кўзда тутувчи лойиҳаларнинг ҳажмини ошириш лозим. Инвестиция фондларини ташкил этган ҳолда бу каби лойиҳаларни молиялаштириш эса айни кўп томонлама манфаатдорлик нуқтаи назаридан ўз натижасини беради. 1-расмда акс эттирилган механизмда давлат маблағларидан инвестиция фондлари ташкил этиш кўрсатилган.



1-расм. Ҳудудий инвестиция фондларини ташкил этиш механизми

Бу борада, давлат ва ҳудудий компаниялар молиявий ҳамкорлиги асосий субъектлар сифатида қаралган. Шу боисдан, ҳудудий инвестиция фондларини шакллантиришда инвестиция фондларига ҳудудий компанияларни жалб этишда танлов мезонларига эътиборни қаратиш муҳимдир.

Мамлакатимиз ҳудудларида эркин иқтисодий зоналарнинг ташкил этилиши билан ҳудудларда инвестиция фондларини шакллантиришнинг муҳим босқичи юзага келмоқда. Улар учун яратилган бир қатор имкониятлар эса шулар жумласидандир (4-жадвал).

2008-2009 йилларда “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси

(“Навоий” ЭИИЗ) Навоий шаҳрининг модернизация қилинган ҳалқаро аэропорти қошида ташкил қилинди. Ушбу ЭИИЗнинг ташкил этилиши республикамизда инқирозга қарши чораларидан бири сифатида баҳолашимиз мумкин.

(4-жадвал)

Ўзбекистондаги эркин иқтисодий зоналарда амал қиладиган имтиёзлар

Имтиёзлар	“Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси	“Ангрен” махсус индустриал зонаси, “Жиззах” махсус индустриал зонаси
Солиқ ва мажбурий тўлов имтиёзлари	Зонада рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар ер солиғи, мулк солиғи, даромад солиғи, ободончилик ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона солиқ тўлови, Республика йўл жамғармаси ва Бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий тўловлардан озод этилади	Зона қатнашчилари фойда, мол-мулк, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ва Республика йўл жамғармасига ажратмалар тўлаш-дан озод этилади
Инвестиция миқдорига қараб имтиёзларнинг амал қилиш муддати	3 млн. евродан 10 млн. еврогача – 7 йил; 10 млн. евродан 30 млн.еврогача –10 йил, кейинги 5 йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ҳажми амалдаги ставкадан 50 фоиз миқдорида белгиланади; 30 млн. евродан ортиқ бўлганда – 15 йил, кейинги 10 йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови амалдаги ставкадан 50 фоиз миқдорида белгиланади	– 300 мингдан 3 млн. АҚШ долларигача – 3 йил; – 3 миллиондан 10 млн. АҚШ долларигача – 5 йил; – 10 млн. АҚШ долларидан ортиқ бўлганда –7 йил
Божхона имтиёзлари	Зонада фаолият кўрсатадиган бутун муддатга экспортга йўналтирилган маҳ-сулот ишлаб чиқариш мақсадида олиб келинаётган асбоб-ускуналар, хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод қилинади	Зона ҳудудига Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқла-надиган рўйхатлар бўйича олиб кириладиган ускуналар, бутловчи буюмлар ва материаллар бож тўловлари (божхона йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилинади

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 2008 йил 2 декабрдаги “Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил қилиш тўғрисида”ги ПФ-4059-сонли Фармони асосида ушбу ислоҳотлар амалга оширилмоқда [4]. Бу эса, кейинги 30 йил давомида фаолият олиб борувчи (муддатни узайтириш имконияти билан) ЭИИЗнинг ривожланишига замин ҳозирлади. Бундан кўзланган мақсад, халқаро инвесторларнинг сармояларини жалб қилиш ва келажакда жаҳон бозорида ўз мавқеига эга бўладиган ва рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан белгиланди.

Ҳудудий инвестиция фондларини ташкил этишда давлат ва хусусий сектор маблағларининг интеграцияси билан бирга аҳоли пул маблағларини жалб этиш орқали соҳани ривожлантириш зарурдир. Бу борада, бир неча осқичларни эътиборга олиб фаолиятни амалга ошириш лозим (2-расм).



2-расм. Инвестицияларни жалб қилиш модели

Ҳудуднинг молиявий инфратузилмаси институционал нуқтаи назардан минтақанинг молия институтлари сифатида инвестициявий фаолликни оширувчи марказий бўғин ҳисобланади. Шу боисдан, институционал ўзгаришларни амалга оширишда унинг ҳуқуқий асосларини ҳам параллел такомиллаштириб бориш зарур. Бу эса ўз ичига давлат, банк ва нобанк молия институтларининг фаолиятини қамраб олади. Ушбу омиллар иқтисодиётнинг ривожланишида муҳимлиги билан алоҳида ажралиб туради. Аммо, амалий ва молиявий фаолликни ривожлантириш эса молия институтларининг сонини кўпайтириш ва улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифатини оширишни тақозо этади. Бу бир томондан инвестициявий жозибадорликни мустаҳкамласа, иккинчи томондан молия институтлари шаклланишига янгича ёндашувни талаб этади.

Шу билан бирга, аҳолининг молиявий аҳволи молиявий ресурсларни инвестиция фондларининг маблағи сифатида шаклланиши учун муҳим кўрсаткичлардан бири бўлиб қолади. Бу жараёнда молия институтларининг фаолияти муҳимдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, инвестиция фондларини шакллантиришда унга таъсир этувчи омилларни ҳисобга олиш зарур. Бу борада эса, инвестиция фондларининг шаклланишида ҳар томонлама омилларни ўзида қамраб олган таҳлилни амалга ошириш муҳимдир. Биз ушбу фаолиятни SWOT таҳлили орқали янада аниқроқ кўришимиз мумкин.

(5-жадвал)

Инвестиция фондлари маблағлари ҳисобидан лойиҳаларни молиялаштиришнинг SWOT-таҳлили

Кучли томонлари (Strongness)	**Кучсиз томонлари (Weakness)**
– маблағларнинг қайтмаслиги; – барча лойиҳаларни бир пайтда молиялаштириш имконияти; – давлат ва компаниялар ўртасида хавф-хатарнинг тақсимланиши; – давлат ва компаниялар ўртасида фойданинг адолатли тақсимланиши; – хусусий секторда аҳоли ва давлат маблағларининг жамланиши ва манфаатларнинг бирлашиши; – ҳудудий лойиҳаларни мустақил молиялаштириш имкониятини вужудга келиши; – хусусий секторнинг йириклашувига замин яратилиши	– ҳудудий жамғарма фондларни шакллантиришда ҳуқуқий меъёрий асосларнинг йўқлиги; – ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига боғлиқ тарзда давлат маблағлари ажратмалари табақалашган ҳолда йўналтирилишни белгиловчи мезоннинг мавжуд эмаслиги; – маълум бир лойиҳага давлат ва хусусий сектор маблағлари йўналтириш нисбатининг ҳуқуқий асослари мавжуд эмаслиги; – танловга берилган лойиҳаларни танлаш муддатларининг белгиланмаганлиги; – лойиҳаларни баҳолашда субъектив кўрсаткичларнинг инобатга олиниши; – давлат маблағларини инвестиция фондларига йўналтиришда ортиқча ҳужжатларни талаб этиш ҳолатлари; – давлат томонидан қўллаб-қувватлаш муддатларининг қисқалиги; – инвесторларда фондниг имкониятлари тўғрисидаги ахборотнинг камлиги
Имкониятлари (Opportunity)	**Таъсирлар (Threats)**
– давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги доирасида лойиҳаларни молиялаштириш воситаларини юзага келиши; – давлат маблағларини индексация қилиш имконияти туғилиши; – ҳудудий инвестиция фондларини шакллантиришга замин яратилиши	– олинган молиявий мажбуриятларни бажарилмаслигига таъсирлар; – ўз вақтида молиялаштирилмаслигига таъсирлар; – белгиланган меъёрлар асосида лойиҳаларни танлаб олишга бўлган таъсирлар

Бу эса ўз навбатида, инвестиция фондларининг ташкил этилиши назарда тутувчи фаолиятни ривожлантиришни билдиради. Ҳудудларда молия институтлари ривожланган ҳолати ва натижада инвестиция фондлари шаклланишига замин яратилади. Биз инвестиция фондлари ривожланган ҳудуд моделини 3-расмда янада аниқроқ кўрамиз.

3-расм. Инвестиция-инфратузилмавий ривожланган ҳудуд модели

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтганда, ҳудудларда амалга ошириладиган инвестиция фаолиятини самарали олиб боришда инвестиция фаолиятининг муҳим жиҳатларига эътибор қаратиш лозим. Жумладан, инвестицияларни жалб этиш

механизмларини шакллантириш ва уларни тадрижий тарзда такомиллаштириб

бориш, маҳаллий инвестициявий фаолликни оширишда инвестиция фондларини ташкил этиш ва уларни доимий ривожлантириб бориш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида инвестиция фондларини ташкил этишда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим, деб ўйлаймиз:

-ҳудудий жамғарма фондларни шакллантиришда ҳуқуқий меъёрий асосларини яратиш;

-ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига боғлиқ тарзда давлат маблағлари ажратмалари табақалашган ҳолда йўналтирилишни белгиловчи мезонларни ишлаб чиқиб жорий этиш;

-маълум бир лойиҳага давлат ва хусусий сектор маблағлари йўналтириш нисбатининг ҳуқуқий асосларини амалиётга жорий қилиш;

-танловга берилган лойиҳаларни танлаш муддатларини белгилаш;

-давлат маблағларини инвестиция фондларига йўналтиришда талаб этилувчи аниқ ҳужжатлар рўйхатини шакллантириш;

-давлат томонидан қўллаб-қувватлаш муддатларининг қисқалиги;

-инвесторларда фонднинг имкониятлари тўғрисидаги ахборот шаффофлигини ошириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Каримов Н.Ғ. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш масалалари: монография. – Т.: 2007 й., —Fan va texnologiya, 240 б.

2. Мустафақулов Ш.И. "Ўзбекистонда инвестицион муҳит жозибадорлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш" мавзусидаги докторлик диссертация иши автореферати. Тошкент. 2017 й.

3.Алматова Д.С. Тадбиркорлик фаолиятига инвестиция жалб қилиш¬нинг минтақавий хусусиятлари. Монография. –Т.:«Ношир»,2013.194 б

4. Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрь, ПҚ475-сон Қарори.

5.Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрел, ПФ-4434-сон Фармони.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт Вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланган: www.mineconomy.uz

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси веб сайти:https://stat.uz.

Мустафаев Сардор Ғулом ўғли
МБР-10 гурух, 2 курс магистранти

ИҚТИСОДИЁТНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯЛАРИДА КОРПОРАТИВ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада акциядорлик компанияларида корпоратив бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг назарий-услубий асослари ёритилган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлашуви мулкчиликнинг турли шаклларидан қатъий назар, жамиятнинг ривожланиши, хўжалик алоқаларининг кенгайиши ва ундаги сифат ўзгариш-лар иқтисодиётни самарали бошқариш олдига юқори талабларни қўймоқда.

Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида бошқаришнинг табиати моҳиятан ўзгариб, унинг мақсади, функциялари ва ўзига хос талаблари бозор иқтисодиёти қонунлари асосида ривожланиб бормоқда. Мамлакатда иқтисо-диётнинг реал сектори ва тадбиркорлик фаолиятининг барқарор ривож-ланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, хўжалик юритувчи субъект-ларда бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган корпоратив бошқарув тизимини жорий этиш ва тартибга солиш лозим.

Иқтисодий адабиётда корпоратив бошқарув тўғрисида соҳа олимлари, халқаро ташкилотлар ва мутахассислар томонидан билдирилган турли қарашларни таҳлил этган ҳолда ушбу тушунчага қуйидагича мустақил таъриф бердик: **Корпоратив бошқарув**–бу шундай тизимки, у орқали хўжалик юритувчи субъектга раҳбарлик қилиш, ривожланишнинг иқтисодий ва ижтимоий ресурсларини бошқариш, мулкдорлар ҳамда инвесторлар сармояларини бошқаришнинг самарали ва хавфсиз бўлишини таъминлаш, манфаатдор томонларнинг қизиқишларини аниқлаш, бир-бирига мослаштириш, олинадиган даромадларни уларнинг ҳиссасига монанд тақсимлаш учун мўлжалланган ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий тадбирлар амалга оширилади.

Ўзбекистонда корпоратив бошқарувнинг ўзига хос тизимини шакллан-тиришни белгилаб берувчи миллий жиҳатлари сифатида Кузатув кенгашига иккита–корпоратив маслаҳатчи (котиб) ва ички аудит хизмати янги элементининг киритилганлиги бўлди.

Мамлакатимизда корпоратив бошқарувнинг шаклланаётган миллий моделига мувофиқ бухгалтерия ҳисобининг аҳамияти, масъулияти, жавобгар-лигига ва унинг маълумотлари аниқлигига нисбатан талаб кескин ортади. Чунки, бухгалтерия ҳисоби ёрдамида хўжалик юритувчи субъектларнинг моддий бойликлари, пул маблағлари ҳаракати, ҳисоб-китоб муомалалари доимо кузатиб борилади ва назорат қилинади. Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ харажатлар аниқланади. Шунингдек, мулкдорлар ва инвесторларни доимо бирдек қизиқтирадиган хўжалик фаолиятининг молиявий натижалари ва корхоналарнинг умумий мулки ҳақидаги маълумотлар ўз аксини топади.

Корпоратив бошқарув шароитида бухгалтерия ҳисобининг мақсади фойдаланувчиларни тўлиқ ва ишончли молиявий ҳамда бухгалтерия ахборотлари билан ўз вақтида таъминлашдан иборат. Бундан ташқари, корхонада бўлаётган янги воқеа-ҳодисаларни ўз вақтида тўғри ҳисобга олиши, таҳлил этиши ва шу асосда барқарор ривожлана олиши учун маълумотлар йиғиши ва қайта ишлашнинг самарали тизимига эга бўлиши керак.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш ва уни юритиш ишлари “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ хўжалик юритувчи субъект раҳбари зиммасига юклатилади. [1] Корхона раҳбари бухгалтерия ҳисоби тўғри юритилиши учун барча зарур шароитларни яратиш орқали ички ҳисоб ва ҳисобот тизими ишлаб чиқилишини, хўжалик муомалаларини назорат қилиш жараёнини, бухгалтерия ҳисобининг тўлиқ, аниқ ва ўз вақтида юритилишини, ҳужжатлар сақланишини, ташқи фойдаланувчилар учун молиявий ҳисобот тайёрланишини ва ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилишини таъминлайди. Бухгалтерия ҳисобини юритишнинг ушбу тартиб-қоидалари жаҳон стандартларига мувофиқлаштирилган бўлиб, иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар корхоналарида юритилаётган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобо-тининг энг асосий тамойилларини мамлакатимиз корхоналарида жорий этишга қаратилган.

Фикримизча, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш ҳамда уни юритиш амалиётида қатор камчилик ва муаммолар мавжуд эканлиги аниқланди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1181-сон билан рўйхатга олинган 21-сонли БҲМСсига [2] асосан барча хўжалик юритувчи субъектлар 2004 йилнинг 1 январидан бошлаб бухгалтерия ҳисобини янги ҳисобварақлар режаси бўйича

юритишлари шартлиги белгиланган бўлсада, айрим вилоятлардаги бир қатор хўжалик юритувчи субъектларида ҳанузгача ҳисобварақларнинг янги режаси қонун талаблари даражасида жорий этилмаган. Уюшмалар томонидан “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонун ва бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари аксарият қуйи корхоналарга тўлиқ етказиб берилмаганлиги ва улар билан бухгалтер-иқтисодчи ходимларнинг етарли даражада таниш эмасликлари оқибатида ички ҳисоб ва ҳисобот тизими, хўжалик операцияларини назорат қилиш тартиби, ҳисоб-китоб ҳужжатларининг сақланиш тартиби ишлаб чиқилмаган.

Қонунда корхоналарда бошланғич ҳисоб ҳужжатларининг мажбурий реквизитлари тўлиқ бўлиши зарурлиги, бошланғич ҳисоб ҳужжатларини тузган ҳамда имзолаган шахслар уларнинг ўз вақтида тўғри ва аниқ тузилиши учун жавобгар эканликлари, шунингдек, хўжалик операцияси қатнашчилари томонидан тасдиқланмаган тузатишлар киритилишига ҳамда касса- пул ҳужжатларида тузатишлар ва ўчириб ёзишларга йўл қўйилмаслиги кўрсатиб ўтилган. Бироқ, юқорида таъкидланган айрим хўжалик субъектларида бошланғич ҳисоб ҳужжатларининг мажбурий реквизитлари тўлиқ ва талаб даражасида тўлдирилмаётгани, бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботларида эса, қонун ва бухгалтерия ҳисоби юритишнинг стандартларига зид равишда ўзгартиришлар киритиш ва ушбу ўзгартиришлар белгиланган тартибда имзо билан тасдиқланмаган ҳолатлар учрайди. Касса кирим-чиқим ордерларида ҳужжат рақами, тузиш санаси, мансабдор шахслар имзолари қўйилмаган, шу билан бирга, касса китоби умуман юритилмаган ҳолатларни кузатиш мумкин.

Шундай қилиб, хўжалик юритувчи субъетларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш ҳамда уларни расмийлаштириш жараёнидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш муҳим аҳамият касб этади. Бу эса, ўз навбатида, мавжуд муаммоларни назарий, илмий ва амалий жиҳатдан ҳал қилишни тақозо этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни. (Янги таҳрирда)–Т.: 2016.

2. Бухгалтерия хисобининг миллий стандарти (21-сонли БХМС) “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия хисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўрикнома” ЎзР АВ 12.11.2003 й. 1181-1-сон билан рўйхатга олинган ЎзР МВ Буйруги,Т-2004, 116 бет.

Мустафаев Сардор Ғулом ўғли
МБР-10 гурух, 2 курс магистранти

МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ ИЧКИ АУДИТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

Аннотация: *Ушбу мақолада корпоратив бошқарувнинг ички аудитини ташкил этишнинг назарий-услубий асослари кенг ёритилган ҳамда таклиф ва тавсиялар берилган.*

Иқтисодиётимизнинг ҳозирги шароитида барча хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини истиқболли ривожлантириш ва унинг самарадор-лигини янада ошириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг давр талабига монанд юритилишини таъминлаш, солиққа тортиш ҳамда уларга бошқа иқтисодий ва ҳуқуқий консалтинг хизматлари кўрсатишда аудиторлик фаолиятининг ўрни беқиёс.

Аудиторлик фаолиятининг амалдаги ҳолатини таҳлил этиш кўрсати-шича, мамлакатимизда фаолият юритаётган вазирликлар, қўмита ва компа-ниялар, хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарияти ўзлари бошқараётган корхоналарни аудит текширувидан ўтказиш учун ҳеч қандай тендер танлов-лари ўтказмасдан ёки бундай танловларни номигагина ўтказиб, қатор йиллар мобайнида бир аудиторлик ташкилотини танлаётганлиги ва юзаки аудит хулосасини олаётганлиги ҳолларини кўриш мумкин.

Иқтисодиётнинг барқарор суръатлар билан ўсиши ва унинг макроиқтисодий мутаносиблигини таъминлашга қаратилган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш усулларидан бири хусусий аудиторлар фаолиятидан фойдаланиш ҳисобланади. Маълумки, қонуннинг 3-моддасига асосан аудитор – аудитор малака сертификатига эга бўлган жисмоний шахсдир. Лекин шахс сифатида хусусий

аудиторлик фаолияти билан шуғулланишнинг ҳуқуқий томонлари, шу жумладан, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонунда ўз аксини топмаган. Бу эса, якка тартибда аудиторлик фаолияти билан шуғулланишга монелик қилади. Ҳозирги бозор талабларидан келиб чиқиб, хусусий аудитор ўз фаолияти натижасида келиб чиқадиган жавобгарлик масаласини ҳал қилиш бўйича “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш орқали ушбу фаолиятни янада такомиллаштириш тавсия этилди. Муаммонинг ижобий ҳал этилиши мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти янада ривожланишида муҳим омил бўлади.

Иқтисодиётнинг халқаро бозор муносабатларига интеграциялашуви чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва улардан фойдаланишда, халқаро бозорда ва ҳоказоларда муҳим вазифаларни бажарувчи молия-хўжалик назорати тизимининг моҳияти ва мазмунини аниқлашнинг ягона методологик ечимини топишни тақозо этади. Молия-хўжалик назоратининг янги шакли - аудитнинг пайдо бўлиши махсус адабиётларда ва норматив ҳужжатларда даврнинг тарихий ривожланиш имкониятига эга бўлмаган кашфиёти деб тавсифланади.

Бу ерда шуни қайд этиб ўтиш жоизки, Э.М. Аренс, Дж.К.Лоббек аудитнинг моҳияти тўғрисида фикр юритар эканлар, улар "аудитни мураккаб жараён бўлиб, маълум ваколатга, мустақил аудиторлик касб малаксига эга эга бўлган киши томонидан амалга оширилади ва хўжалик тизимидаги рақамлар ифодасига мос келадиган ахборот йиғади, баҳо беради, мамлакатимиздаги тартиб қоидаларга асосланиб ўз хулосаларини беради"[1]лар деган ғояни илгари сурадилар.

Қайд этиб ўтиш жоизки, ички аудит фақат баланс ва молиявий ҳисоботнинг тўғрилигини тасдиқлаш, шунингдек тадбиркорлик фаолияти субъектлари бўлимларида аудиторлик назарияси хизматларини кўрсатади, бу ички аудитнинг шаклланишига ва молия-хўжалик назорати тизимида унинг мустақил ички назорат тури сифатида ривожланишига монелик қилади. Унинг бошқарувда, маркетингда, банкротликнинг ҳамда бошқа салбий ҳодисаларнинг олдини олишдги потенциал имкониятларидан фойдаланиш имконини бермайди.

Аудит ўзининг келиб чиқиши ва маҳиятига кўра янги йўналиш бўлганлиги сабабли дастлаб унинг назариясини ёритиш мақсадга мувофиқдир.

Я.В.Соколовнинг таъкидлашича молия-хўжалик назорати тизимида аудит кўп асрлик ривожланиш босқичини босиб ўтган [2] ҳамда ушбу муаллиф хўжалик фаолияти устидан назоратнинг ривожланиши Нил, Дажла ва Фурот дарёлари воҳаларида жойлашган давлатларда ҳисобнинг юзага келиши билан боғлиқ. Ёки бу ривожланиш одамлар хўжалик ҳақидаги маълумотларни муайян ташқи моддий жисмларда қайд этиш имкониятига эга бўлган даврдан бошланган деган ғояни илгари сурган.

Я.В. Соколовнинг фикрича, ҳисобни юритиш, унинг устидан назоратни иш ҳужжатларини инвентаризациясини амалга оширишни назарда тутган. Ўз навбатида, инвентаризация ишнинг реал ҳолатини қайд этиш, ҳужжатлар эса уни ёзма асослаш учун хизмат қилган[3].

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, аудитнинг шаклланиши ҳозирги кунда ҳам давом этаётган анча узоқ жараён деб айтиш мумкин. Бинобарин, аудитнинг таърифи хам кенгайиб бориши, у текширувнинг турли-туман типлари ва мақсадларини қамраб олиши лозим.

Аудит учун мулкдорлар ёки молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар ўртасида фарқ мавжуд эмас. Яъни ҳукумат ва маҳаллий ҳокимият органлари ҳам банклар ёки ташкилотлар фаолиятини тўғри ва эгри солиқлар ёрдамида бошқарадилар. Бунда улар ҳам молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг тўғри-лигига ишонч ҳосил қилишга эҳтиёж сезадилар. Лекин ҳар бир мамлакатда молиявий ва бошқа ахборот аудити маҳаллий норматив ҳужжатлар-алоҳида қонунлар ва низомлар билан тартибга солинади. Бунда ҳар хил талқин ва англашилмовчиликларга йўл қўймаслик учун мазкур норматив ҳужжатлар умум эътироф этилган халқаро қоидаларга асосланиши лозим деб ўйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Шиленко С.И. и др. Основы аудита: учебник. – М.: КНОРУС, 2016. – 152 с.

2. Соколов Я.В. Бухгалтерский учет, аудит и судебная бухгалтерия // Аудиторские ведомости. 2019. №4. С. 12.

3. Соколов Я.В. Бухгалтерский учет, аудит и судебная бухгалтерия // Аудиторские ведомости. 2019. №4. С. 15.

ТГЭУ, DSc , и.о. профессор Зияева М.М.
ТГЭУ , ММРТ-31 магистр Толибжонова Н.Т.

МАРКЕТИНГОВАЯ СТРАТЕГИЯ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ ТУРИСТИЧЕСКОЙ ИНДУСТРИИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАНА

Туризм в Узбекистане сегодня — это разнообразные виды турпродукта на самый взыскательный вкус: исторический и культурный туризм, этнический туризм, экологический туризм, оздоровительный туризм и MICE-индустрия (от анг. аббревиатуры MICE — meeting — встречи, incentive — инсентив-туры, conference — конференции, events — корпоративный отдых). Конечно же, туризм в Узбекистане традиционно ассоциируется с городами-объектами Всемирного наследия ЮНЕСКО –Самаркандом, Бухарой и Хивой. Их история уходит вглубь веков, древние стены крепостных валов помнят фаланги Александра Македонского, орды Чингисхана и боевые порядки воинов Тамерлана. Но не только города-объекты Всемирного наследия ЮНЕСКО привлекают тысячи и тысячи гостей. Каждый город Узбекистана дает сотни поводов посетить его. Такие города как Ташкент, Коканд, Андижан, Наманган, Шахрисабз — это бесконечная современная восточная сказка.

В туризме результат деятельности сводится к туристическому продукту. По сути, туристический продукт— это любая услуга, удовлетворяющая те или иные потребности туристов и подлежащая оплате с их стороны. К туристическим услугам относятся гостиничные, транспортные, экскурсионные, переводческие и др. Маркетинг в туризме представляет собой процесс организации деятельности турфирмы по разработке, формированию и продвижению новых видов туристских и экскурсионных услуг с целью получения прибыли на основе повышения качества туристского продукта и учитывая особенности потребностей туристов. «…маркетинг (marketing) можно определить, как процесс, посредством которого организации создают ценность для клиентов и формируют прочные отношения с ними с целью последующего получения ценности. В основе маркетинга лежит идея удовлетворения человеческих нужд. Маркетинг в индустрии туризма предназначен для того, чтобы помочь в оценке услуг турфирмы, а также совершить клиентам верный выбор. Это демонстрирует то, что концепция маркетинг в туриндустрии охватывает деятельность турфирмы полностью, а не только сбытовую политику. Маркетинговый подход при развитии туризма уже длительное время с успехом применяется региональными органами власти и представителями туристической индустрии США, Германии, Великобритании и др. Чтобы понять, насколько важна роль маркетинга в сфере туризма, необходимо обратить внимание на следующее: Основной задачей маркетинга является не пассивное следование за спросом, а активное его формирование на основе прогноза его развития. Для этого конечно же надо проводить маркетинговые исследования. Цель маркетингового исследования — создать информационно-аналитическую базу для принятия управленческих решений, что позволяет быть ближе к потребителю, понимать и чувствовать его потребности и настроение. При реализации туристического продукта особенно важно проводить достоверные информационные мероприятия по отношению к клиентам. Применение средств маркетинговых коммуникаций, таких как реклама, PR (public relations-), sales promotion (стимулирование сбыта), директ-маркетинг и брендинг может помочь при решении этой задачи.

Таблица- 1.

Целевые показатели реализации концепции развития сферы туризма в Республике Узбекистан в 2019-2025 годах

№	Наименование показателей	2018г.	2019г.	2020г.	2021г.	2022г.	2023г.	2024г.	2025г.
1.	*Количество иностранных туристов, посетивших Узбекистан (тыс. человек)*	*5346*	*6041*	*7010*	*8410*	*10010*	*10600*	*11250*	*11810*
2.	*Экспорт туристских услуг (млн долл. США)*	*1041*	*1180*	*1360*	*1620*	*1900*	*2000*	*2080*	*2170*
3.	*Количество внутренних туристов (тыс. поездок)*	*15493*	*16100*	*17230*	*18806*	*20317*	*21867*	*23404*	*25010*
4.	*Количество гостиниц и аналогичных средств размещения (ед.)*	*914*	*1100*	*1620*	*2200*	*2600*	*2800*	*2900*	*3050*
5.	*Количество номеров в средствах размещения (тыс.)*	*20,2*	*24*	*35*	*47*	*55*	*59*	*62*	*64*
6.	*Количество мест в средствах размещения (тыс.)*	*41*	*49*	*72*	*95*	*110*	*122*	*124*	*128*
7.	*Количество туроператоров (ед.)*	*983*	*1100*	*1190*	*1250*	*1320*	*1390*	*1420*	*1450*

Основными этапами развития сферы туризма являются:

в 2019-2020 годах - институциональные реформы по созданию прочной законодательной основы развития туризма, модернизация инфраструктуры и продвижение туристского бренда страны;

в 2021-2025 годах - увеличение доли индустрии туризма в экономике страны. В этом направлении поставлена цель увеличения доли туризма в валовом внутреннем продукте страны до 5 процентов (по итогам 2017 года - 2,3%), а также привлечения по итогам 2025 года более 9 млн туристов, в том числе из дальнего зарубежья - 2 млн, путем развития необходимой инфраструктуры и успешного продвижения туристского потенциала республики на мировых рынках;

в долгосрочной перспективе туризм в Узбекистане не ограничится достижениями в национальной экономике и может выйти на региональный и мировой рынки туристских услуг как один из наиболее конкурентоспособных. (таблица 1)

В рамках комплекса реализации маркетинговых мероприятий для турагентств рациональным представляется применение концепции маркетинг-микс. Модель маркетинг — микс (marketing mix model) или также называемый комплекс маркетинга является основным элементом любой бизнес стратегии. Модель проста и универсальна в использовании, и представляет собой некий чек-лист для результативного развития продукта компании на рынке. В системе управления маркетингом в туризме необходимо учитывать кроме материальных аспектов, психологическое и эмоциональное состояние потребителя, а также его индивидуальные особенности. Необходимо провести психографическое и поведенческое сегментирование потребителей. Здесь нужно учесть демографические и социальные факторы, такие как, возраст населения и др., исходя из этого обратить внимание на развитие семейного туризма, на туризм для людей пожилого возраста.

Цели развития сферы туризма Республики Узбекистан в 2019-2025 годах направлены на преобразование туризма в стратегическую отрасль национальной экономики и достижение ее целевых показателей согласно приложению, путем диверсификации и улучшения качества туристских услуг, совершенствования туристской инфраструктуры, в том числе за счет привлечения иностранных инвестиций, проведения эффективной рекламно-маркетинговой работы.

Таким образом, мы видим, что маркетинг в сфере туризма служит основой планирования каждого аспекта ее деятельности. Из вышеизложенного можно сделать следующие выводы:

1. Узбекистан обладает огромнейшим потенциалом для развития туризма в будущем;

2. Цель туризма, как и маркетинга, является удовлетворение потребностей туристов путём повышения качества оказываемых услуг, что, в свою очередь, приведет к увеличению потока туристов в стране;

3. Использование средств маркетинговых коммуникаций, проведение маркетинговых исследований в сфере туризма поможет лучше наладить контакты с потребителями, обратить их внимание на предлагаемые услуги. Они дают возможность наиболее точно определить предпочтения потребителя и сформировать его лояльность.

Олимжонов Р.А., МКБ-10 гуруҳ магистранти
Илмий раҳбар: и.ф.н., доц. Б.Уринов

МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРНИНГ КОРХОНА ФАОЛИЯТИДАГИ АҲАМИЯТИ

Аннотация: *Тезисда муаллиф томонидан корхоналар фаолиятида молиявий ресурсларнинг ўрни, уларни шакллантирилиши ва ишлатилиши билан боғлиқ муносабатлар тўғрисида фикр билдирилган*

Бозор муносабатларини ривожлантириш мақсадида корхоналар ўз фаолиятида молиявий ресурслар ва уларни бошқаришга доимий эътибор бериб келмоқда. Чунки молиявий ресурслар улар фаолиятида иқтисодий ўсишни, ишлаб чиқаришнинг ривожланишини таъминловчи муҳим омил ҳисобланади. Корхоналарнинг молиявий ресурслар ва уларни бошқариш масаласи доимо долзарб бўлиб келган.

Молиявий ресурслар корхона ихтиёридаги пул маблағлари бўлиб, унинг самарали фаолият кўрсатиши, молиявий мажбуриятларни бажариши ҳамда ишчи-хизматчиларни рағбартлантириши учун мўлжалланган. Молиявий ресурслар ўз ва жалб қилинган пул маблағларидан ташкил топади.

Молиявий маблағлар тақсимот воситаси сифатида истеъмол соҳасида ҳам муомалада бўлади [1]. Айни шу жараёнда илгари яратилган – унинг моддий, натурал-товар шаклидан узил-кесил фойдаланилади. Бунда молиявий маблағлар, энг аввало, жамият истеъмол қилаётган маҳсулотнинг ҳажми ва таркибига таъсир кўрсатади; улар ёрдамида ижтимоий маҳсулот қиймати жамғариш фонди ва миллий даромадга тақсимланади, миллий даромаддан фойдаланишнинг якуний нисбатлари шакллантирилади, истеъмол фонди ва жамғариш фонди юзага келтирилади, уларнинг таркиби белгиланади.

Лекин молиявий маблағларнинг истеъмол соҳасига таъсири айни истеъмол фондининг миқдор жиҳатдан параметрлари ва айрим таркибий қисмлари билан чекланмайди. Молиявий маблағлардан, шунингдек моддий, меҳнат ва пул-сармояларни сарфлашда тежамкорлик режимига риоя қилишини назорат этиш воситаси сифатида фойдаланилади, ноишлаб чиқариш соҳаси ҳодимларининг энг яхши меҳнат натижаларини рағбатлантиришда ҳам фойдаланилади [2].

Молиявий ресурсларнинг манбаларини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

1. Миллий даромад. Миллий даромаднинг соф даромад қисми молиявий ресурсларнинг асосий манбаи ҳисобланади.

2. Ташқи иқтисодий алоқалардан тушумлар.

3. Миллий бойликнинг бир қисми – бюджет маблағларининг йилдан-йилга ўтувчи қолдиқлари, суғурта ташкилотларининг резерв фондлари, мамлакат олтин захираларининг бир қисмини сотишдан тушган тушум, ортиқча мулкларни сотишдан тушум ва бошқалар.

4. Қарзга олинган ва жалб қилинган маблағлар:

- банк кредитлари;
- кредиторлик қарзлари;
- акция ва облигациялар чиқаришдан тушум.

Молиявий ресурсларнинг ўсишига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади. Молиявий ресурсларнинг ўсиши мамлакат миллий даромадининг ҳажми ва унинг ўсишига боғлиқ экан, миллий даромаднинг ўсишига таъсир этувчи барча омиллар молиявий ресурсларнинг ҳам ўсишига таъсир кўрсатади. Шунингдек, молиявий ресурсларнинг ҳар бир элементлари ошишига таъсир қилувчи омиллар мамлакат молиявий ресурсларининг абсолют ва нисбий миқдорларда ўсишига таъсир кўрсатади [3].

Хўжалик субъектлари ихтиёридаги молиявий ресурслар марказлашмаган молиявий ресурслар бўлиб, улар капитал қуйилмаларга; айланма маблағларнинг ошишига; фан-техника ютукларини жорий қилишни молиялаштиришга; табиат муҳофазасига; ижтимоий мақсадларга сарфланиши мумкин. Макродаражадаги ижтимоий ишлаб чиқариш эҳтиёжлари марказлашган молиявий ресурслар орқали қондирилиб, уларга бюджет ва бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари киради. Такрор ишлаб чиқариш ҳаражатларини таъминлаш 3 шаклда амалга оширилади:

1. Ўз-ўзини молиялаштириш. Бунда корҳоналар ўз ҳаражатларини ўз молиявий ресурслари эвазига қоплайди. Уларнинг етишмаслиги шароитида улар ҳаражатларни камайтириш ёки четдан жалб қилишга (молиявий бозордан) ҳаракат қилади.

2. Кредитлаш. Бунда субъект харажатлари муддатлилик, тўловчанлик ва қайтарилиш асосида олинган банк кредитлари эвазига қопланади.

3. Давлатдан молиялаштириш. Бунда барча ҳаражатлар бюджет ва бюджетдан ташқари фонд эвазига қопланади.

Амалда юқоридаги учала усулдан бараварига бир вақтнинг ўзида фойдаланиш мумкин.

Узлуксиз молиялаштиришни таъминлашда молиявий резервлар катта аҳамиятга эга. Резервларнинг аҳамияти бозор иқтисодиёти шароитида янада ошади. Резервлар – турли кўзда тутилмаган ва фавқулодда ҳолатдан келиб чиқадиган ва ҳар қандай тангликдан чиқарадиган эҳтиёт қисм – кафолатдир. Резервлар моддий ва молиявий резервларга бўлинади.

Молиявий резервлар – давлат ва хўжалик субъектлари пул ресурсларининг бир қисми бўлиб, ўз эгасининг айланма маблағлари оборотида вақтинча қатнашмайди, лекин ўз эгасининг хўжалик оборотига қайтиш имкониятига эга ва шунинг учун умумий пул оборотида сақланиб туради. Молиявий резерв фондлари шаклланиш усулларига кўра:

-бюджет йўли билан;

-тармоқ ичида норматив ажратма асосида;

-корҳона ичида ўз ўрнини суғурталаш асосида;

-махсус суғурта ташкилотлари орқали суғурталаш йўли билан тузилади.

Корхоналар молиявий ресурсларни шакллантириш ўз маблағлари ва унга тенглаштирилган маблағлар, молиявий бозордаги ресурсларни йиғиш ва қайта тақсимлашдан тушадиган пул маблағлари ҳисобига амалга оширилади. Ҳаракатда бўлган корхонанинг молиявий ресурсларининг асосий манбаи сифатида сотилган маҳсулот (кўрсатилган хизмат)дан тушган тушум ва уни тақсимлаш жараёнида унинг турли қисмлари пул даромадлари ва жамғармалари шаклини олади [4].

Корхонанинг молиявий ресурсларини баҳолаш ва бошқаришни аниқ белгилаш, илмий асосланган ривожлантириш қарорларини қабул қилиш, мазкур фаолиятни оқилона тартибга солиш асосида ички ва ташқи молиявий манбаларни барча шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда шакллантириш корхоналар келажагини белгилайди. Инвестициялар учун эса зарур молиявий ресурсларни топиш иқтисодий ўсиш шартига айланган. Бу эса биринчи навбатда истеъмол ва жамғарма нисбатига боғлиқ.

Корхоналарнинг ривожлантирилиши учун туб силжишлар, ишлаб чиқариш эҳтиёжларига йўналтириладиган капитал ҳажмларининг кескин ортиши ҳамда улардан олинадиган самарадорлигининг ўсиши зарурдир. Буларнинг барчаси бугунги кун воқеликларини ҳисобга оладиган ҳамда назарий пойдеворга таянган молиявий ресурсларнинг жалб қилиш сиёсатига янгича ёндошувларни ишлаб чиқишни тақозо этади. Корхонанинг молиявий ресурсларини баҳолаш ва бошқаришнинг ҳажмини кенгайтириш учун уларни аниқлаш амалиётини атрофлича тадқиқ этиш заруратини юзага чиқаради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Tricker B. Oxford. Corporate governance: Principles, Policiyes, and Practices. 4th edition. UK, 2019.

2. Ashurov Z.A. Korporativ boshqaruvning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmi va uni takomillashtirish masalalari // "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar". № 4, 2017 й

3. Temirov A., Xalikov U., Maxmudov S. korporativ boshqaruv faoliyati tahli va baholash. Darslik. - T.: innovatsiya rivojlanish nashriet-matbaa uyi, 2021. -184 b.

4. Мўминова Э.А. Корпоратив бошқарув асосидаги корхоналарда модернизациялаш жараёнларини амалга ошириш хусусиятлари // "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali. № 6, 2020.

Шамсиева Юлдузхон Файзиддиновна
Информационные технологии и системы в экономике МИИТ-31

ПОСЛЕДСТВИЯ ПАНДЕМИИ В СФЕРЕ ЭЛЕКТРОННОЙ КОММЕРЦИИ.

Аннотация: *В статье рассмотрены некоторые аспекты существующих преимуществ и недостатков в сфере электронной коммерции в условиях пост-пандемии и цифровизации экономики, основные направления последующего развития предпринимательства и дальнейшего изменения под их влиянием администрирования.*

Ключевые слова: *электронная коммерция, цифровые технологии, торговля, цифровая экосистема.*

В декабре 2019 года произошел первый случай заражения человека вирусом COVID-2019, который стал отсчетной точкой начала пандемии. Распространение вируса в мире бросило вызов системам здравоохранения и нарушило социальную и экономическую жизнь. Это вызвало один из самых тяжелых кризисов в новейшей истории мира, страны которого только что оправились от международного финансового кризиса 2008-2009 годов. Социальное дистанцирование и меры сдерживания сильно нарушили модели потребления и деловые операции людей.

Пандемия COVID-19 ускорила существующие тенденции внедрения электронной коммерции, увеличив ее проникновение во всем мире. По мере того как правительства и частные организации принимали меры по смягчению последствий распространения вируса, в том числе вводили карантин и ограничения на передвижение, а потребители практиковали социальное дистанцирование для предотвращения заражения, значительная часть внутренней и международной торговли товарами и услугами была перенаправлена с помощью цифровых средств.

Хотя прогрессивный рост электронной коммерции можно было наблюдать задолго до Covid-19, именно быстро распространяющийся вирус радикально изменил поведение потребителей и заставил компании ускорить цифровую трансформацию.

Применение социального дистанцирования, карантина и других мер в ответ на пандемию COVID-19 привело к тому, что потребители стали чаще совершать онлайн-покупки, использовать социальные сети, интернет-телефонию и телеконференции, а также стриминг видео и фильмов. Это привело к резкому росту продаж потребителям (B2C) и увеличению объема электронной коммерции между предприятиями (B2B).

Глобальный характер пандемии и ее влияние на мировую торговлю (включая прирост доли электронной торговли) может способствовать укреплению международного сотрудничества и дальнейшей разработке единых регламентов покупок и поставок через Интернет. Реалии текущего кризиса показали, что электронная коммерция может быть эффективным инструментом и в дальнейшем, для потребителей, а также может стать экономическим двигателем как внутреннего роста экономики, так и всего международного товарооборота.

Основными преимуществами электронной коммерции оказались:

- отсутствие региональной привязки;
- доступность для покупателей в режиме 24/7;
- снижение расходов на содержание;
- имиджевая составляющая;
- удобный мониторинг работы;
- снижение рисков и удобство оплаты;
- удобство продаж нематериальных активов.

Увеличение доли электронной торговли показало необходимость дальнейшего совершенствования как ее нормативного, так и технического обеспечения. Техническими проблемами столкнувшимися на пути развития данной отрасли можно назвать следующие:

- интернет и мобильные услуги передачи данных стали переживать период повышенного спроса, что повлекло за собой необходимость их срочной технической адаптации;

- зависимость от аппаратного и программного обеспечения. Речь даже не об электричестве — это сам собой разумеющийся факт. Но что будет, если интернет-магазин долго открывается или вообще оказывается недоступным? Правильно — не будет никаких продаж и их ощутимое падение, если сайт долго не работал. Не забываем про угрозы хакерских атак и серьезную нагрузку на сервер в период акций и в «Черную пятницу»;

- проблемы с доставкой. Затянувшаяся или вообще несостоявшаяся доставка товаров — самая насущная проблема субъектов электронной торговли. Если мы говорим о физическом магазине, там покупатель (за редким исключением) сразу же получает товар или услугу на руки;

- невозможность потрогать / протестировать товар до покупки. Некоторые интернет-магазины решили этот вопрос напрямую, реализовав на сайтах виртуальные примерочные и технологии дополненной реальности (AR), когда товар можно рассмотреть с любых ракурсов. Кто-то просто обещает возврат товара в течение какого-то срока, если он не подошел. Однако часто так и пишут «Не подлежит возврату», и это делает покупку товаром чем-то сродни лотерее.

Нормативные и правовые существующие проблемы в Узбекистане в сфере электронной коммерции были перечислены Государственным налоговым комитетом Республики Узбекистан. Это:

- отсутствие действенного механизма учета и мониторинга сделок, а также лиц, совершающих их в цифровом пространстве;

- несовершенство инструментов по идентификации участников электронной коммерции;

- незащищенность прав потребителей, приобретающих товары (услуги), посредством электронной коммерции;

- развитие неформального сектора электронной коммерции и как следствие сокрытие налоговой базы.

В целях устранения вышеперечисленных проблем, непосредственному изучению проблем и предложений предпринимателей и определению основных направлений последующего развития предпринимательства, а также поддержки деятельности платформ в сфере электронной коммерции и внедрения системы расчетов по аккредитивам было принято Постановление Президента Республики Узбекистан, от 17 ноября 2021 года "О совершенствовании администрирования электронной коммерции и создании благоприятных условий для ее дальнейшего развития".

Задача по поддержке деятельности платформ в сфере электронной коммерции и внедрения системы расчетов по аккредитивам была поставлена главой государства в рамках открытого диалога с предпринимателями, проведенного 20 августа 2021 года.

В соответствии с документом, с 1 июля 2022 года запускается комплекс информационных систем электронной коммерции "Открытая цифровая экосистема". Также организуется Центр цифровой трансформации при Министерстве инвестиций и внешней торговли.

Основными задачами Центра цифровой трансформации были поставлены следующие:

- создать для платформ е-коммерции равный доступ к своей клиентской базе и оказывать им услуги, независимо от формы собственности, ведомственной и отраслевой принадлежности, территориального расположения;

- проводить расчеты и платежи с одного личного расчетного счета;

- обеспечить гарантированное исполнение договорных обязательств сторон (по принципу аккредитива) в связи с выполнением функций системы "эскроу".

Так же был отмечен новый порядок в системе э-коммерции, согласно которому:

- размещение информации о реализации товаров и услуг (в том числе о цене) на платформах электронной коммерции, интегрированных в Цифровую экосистему, является обязательным;

- сроком до 1 января 2024 года для операторов платформ электронной коммерции, интегрированных в Цифровую экосистему, ставка налога на прибыль снижается на 50%;

- к налогоплательщикам, осуществляющим электронную торговлю товарами или услугами, применяются сниженные налоговые ставки по налогу на прибыль и налогу с оборота независимо от их включения или не включения в Национальный реестр участников электронной коммерции;

- кроме того, Центру цифровой трансформации в срок до 1 июля 2022 года поручено обеспечить взаимную интеграцию электронных баз данных, позволяющую в режиме реального времени передавать сведения в налоговые органы через Цифровую экосистему.

В ходе выполнения проекта ожидается результат в виде появление современной и продвинутой системы учета и мониторинга операций, совершаемых в электронной коммерции, цифровизации налогового администрирования, а также обеспечения повышенной собираемости налогов на 196 млрд. сумов.

Список использованной литературы

1. Постановление Президента Республики Узбекистан от 17 ноября 2021 года № ПП-14 "О совершенствовании администрирования электронной коммерции и создании благоприятных условий для ее дальнейшего развития".

2. Основы цифровой экономики: учебник практикум для вузов / М.Н. Конягина (и др.); ответственный редактор М.Н. Конягина. - Москва: Юрайт, 2020.

3. Электронная коммерция: Уч.пособие / Е.В. Сибирская, О.А. Старцева.-М.: Форум, 2008.

4. E-Commerce Activated: The Ultimate Playbook To Building A Successful E-Commerce Business / Damien Coughlan, Kevin Harrington. - New York: Dc Global Marketing LLC, 2021.

5. https://mitc.uz/ru/news/2951

6. https://lex.uz/ru/docs/5732741

7. https://uz.sputniknews.ru/20211119/

Сайфуллоев Махмуджон Ғайбулло ўғли
ММРТ – 10 гуруҳ магистранти

КОРХОНАЛАР РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШДА МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Аннотация. *Ушбу тезисда корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш учун маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш ва корхонанинг миссиясидан келиб чиққан ҳолда маркетинг стратегияларини режалаштириш белгилаб берилган. Шунингдек, корхоналарда маркетинг стратегиясининг режалаштириш бўйича аниқ мақсад ва вазифалар белгилаб берилган.*

Ҳар бир корхона рақобатда кутилмаган тадбирларни амалга ошириш натижасида бизнес соҳасида янги ривожланиш йўллари орта бормоқда. Истеъмолчилар ва маҳсулот етказиб берувчилар орасидаги муносабатларни бозор тамойиллари орасида тартибга солишнинг бугунги босқичида товар ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқариш, сотиш стратегиясини такомиллаштириш, шунингдек маркетинг стратегиясини режалаштириш жараёнини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Шу муносабат билан, корхона иқтисодиётда самарали ҳаракат қилиш учун ўзи маркетинг стратегиясини танлаб олиши лозим. Бунда корхонанинг имкониятлари бозор талабига мувофиқлаштирилиб, маркетинг стратегияси асосида бозорни тадқиқ қилиш ва истиқболини белгилаш, товар ва истеъмолчиларни ҳамда рақобатчиларни ўрганиш асосида ишлаб чиқилади.

Бозор талабини яхши билиш корхонага ишлаб чиқаришни харидор талабига мос равишда амалга ошириш имконини берувчи маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишга шароит яратади. Айниқса, бу муҳим масала ишлаб чиқариш ва савдо корхоналари фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.

Ишлаб-чиқариш корхонаси ўзларини режаларини асослаш учун товарлар ва хизматлар маркетинги билан боғлиқ бўлган тизимли йиғин, маълумотларни таҳлил қилиш ва ифода этишлари керак. Бундай корхоналарнинг бозордаги ҳолатини ўрганиш (уларнинг улуши, сотиш ҳажмини ва ҳ.к.ни) маркетинг фаолиятини режалаштиришда муҳим давр бўлиб ҳисобланади. Шулар асосида ишлаб-чиқариш корхоналарини келажакда бозордаги ўрнини башоратлаш имконини беради.[1]

Маркетинг ёки тадбиркорлик фаолияти аниқ натижага эришиш мақсадида амалга оширилади. Маркетингни асосий мақсадлари савдо ишлаб чиқариш корхонасининг асосий мақсадлари билан ўзаро алоқадордир. Корхонанинг асосий мақсадларига қуйидагилар киради:

- бозорни эгаллаш;
- рентабеллик;
- молиявий барқарорлик;
- ишлаб чиқаришни ижтимоий омилларини таъминлаш;
- бозордаги позицияни мустаҳкамлашдир. (1- жадвал)

1- жадвал

Корхонанинг асосий мақсади[2]

№	Мақсадлар	Кўрсаткичлар
1.	Бозорни эгаллаш	Бозор улуши, товар айланма, янги бозорни қамраб олиш
2.	Рентабеллик	Фойда, айланмага нисбатан рентбеллик, умумий капитални рентабеллиги
3.	Молиявий барқарорлик	Кредитга лаёқатлиги, ликвидлиги, капитални тузилиши, ўз-ўзини молиялаштириш даражаси.
4.	Ижтимоий мақсадлар	Иш билан қониқиш, даромад даражаси ва ижтимоий ҳимоя, шахсий ривожланиш
5.	Бозордаги позицияни мустаҳкамлаш	Мустақиллиги, имидж, сиёсий шароитга муносабати, жамиятни тан олиши.

Ишлаб чиқариш корхоналари ва чакана савдода ҳам бир қанча янги масалаларни ечиш керак бўлади. Корхоналарда мақсадли бозорни танлаш, товарлар ассортименти ва хизматлар комплекси, нарх сиёсати, корхоналарни рағбатлантириш ва уларни жойлаштириш ҳақидаги қарорларни қабул қилиш зарур бўлади. Бундай ҳолларда хўжалик ва ижтимоий соҳалар фаолиятини ривожлантириш ўз-ўзини молиялаштириш асосида амалга оширилади ва стратегик таҳлилга аҳамият берилади.

Стратегик таҳлил ўз моҳияти жиҳатидан амалга оширилиши режалаштирилган ва амалдаги жорий стратегияни қайта баҳолашга, солиштиришга асосланади. Стратегик таҳлилнинг зарурати шундан иборатки, амалга оширилаётган ва келажак учун режалаштирилган вазифалар бевосита фирма фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолатларни, ўзгаришлар ва фавқулодда шароитларни ҳисобга олмасдан, унинг изчиллигини ва самарадорлигини таъминлаб бўлмайди.[3]

Биринчидан, корхона “яхлит тизим” сифатида қаралиши, рақобатчилар, сафдошлар, таъминотчилар, харидорлар, бозорлар ҳолати ва рақобатдаги мавқеига боғлиқлиги ҳозирги шароитда янада ортиқ ва кенг ташқи кўламда стратегик таҳлилни тақозо этди.

Белгиланган стратегияга ўзгаришлар киритишни, яъни даврий ва муттасил стратегик таҳлилни талаб этади.

Иккинчидан, корхонанинг ички ўзгаришларини самарали ташкил этиш, илмий янгиланиш сари интилишнинг кучайиши – ҳар бир босиб ўтиладиган босқичдан сўнг яна стратегик мавқеини қайта баҳолашни.

Учинчидан, корхонанинг тадбиркорлик объекти сифатида фаолият юритиш, иқтисодий кўрсаткичлар самарадорлигини доимий назорат этиб бориш зарурати, жорий режа таҳлилини, қолаверса жорий стратегияни миқдорий баҳолашни талаб этади. Демак, стратегик таҳлил-ташқи муҳит ва рақобатчилик мавқеи, имкониятлар ва чекланишлар, натижалар ва ҳолатлар кўламида қаралишини талаб этади.

Стратегик режалаштиришнинг ҳар бир босқичини ҳамда стратегик тавсияларни ишлаб чиқиш учун зарур бўлган маълумотлар корхонанинг стратегиясини ишлаб чиқишда муҳим ҳисобланади.

Стратегик миссиянинг баёнида энг асосий ҳужжат ҳақида муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳужжатда фирма ўз фаолият соҳасини, ўз асосий бозорини, ўзининг иқтисодий ва ноиқтисодий кўрсаткичларга нисбатан тамойилларини белгилайди ва ўзининг қадриятлар тизимини эълон

қилади. Бу ҳужжат фирма фаолиятининг ҳам ички, ҳам ташқи томонлари учун тенг даражада муҳимдир.

2 – жадвал

Корхонанингстратегик миссиясини ишлаб чиқишда ҳисобга олинадиган омиллар[4]

Мижозлар	**Корхонанинг мижозлари кимлар?**
Товарлар/хизматлар	Қандай товарлар таклиф қилинмоқда?
Жойлашиш	Фирма рақобатли курашни қаерда олиб бормоқда?
Технология	Фирманинг асосий технологияси қандай?
Яшаш учун кураш муаммолари	Фирма қандай иқтисодий мақсадни кўзламоқда?
Фалсафа	Қандай асосий ғоялар, қадриятлар ва устувор мақсадлар бор?
Ўзи ҳақидаги тасаввур	Қандай фарқ қилувчи сифатлар, рақобатли устунликлар бор?
Керакли имиж	Фирма қандай имижга эришишга интилмоқда ва у жамият олдида ўз зиммасига қандай масъулиятни олмоқда?
Ижтимоий масъулият	Фирманинг ўз ходимларига нисбатан позицияси қандай?

Раҳбарият томонидан белгилаб берилган кенг кўламли мақсадларга қўшимча равишда фирманинг истак-хоҳишларини, яъни унинг асосий бозордаги умумий сиёсатини ва у ерда эгалламоқчи бўлган мавқеини аниқлаб олиш ҳам фойдалидир. Табиийки, бу мақсадлар мавжудлиги воситаларга яраша бўлиши ва бундан келиб чиқадиган позицияларга мос келиши лозим.

Стратегик мақсадларни ифодалашда асосий стратегияларни (харажатларни тежаш ҳисобига устунликка эришиш, дифференциация ёки концентрация) ҳамда рақобатли устунликнинг танланган вариантини ҳам эътиборга олиш лозим.

Корхона ўз мақсадларини бизнес соҳасида белгилаган ўрнига қараб аниқлайди. Корхонанинг тегишли бизнес соҳасидаги мужассамлашган ўрни-миссия деб аталади ва ўз навбатида мақсадларни ишлаб чиқишга ва стратегияни шаклланишига асос бўлади. Бунда истиқболдаги ўзгаришлар ва уни корхона учун кўнгилли жиҳатлари назарда тутилади.

Стратегияни танлаш босқичида асосий эътибор, қуйилган мақсадлар сари самарали йўналишларни аниқлаш ҳисобланади. Стратегияни танлашда муқобил стратегияларга қиёсий баҳо бериш, жорий ва келгуси рақобатчилик мавқеларини аниқлаш лозим булади.

Рақобатчиликдаги мавқеини дастлаб баҳолаш, рақобат интенсивлиги ва кўламига қараб стратегик мавқеини англаш зарур бўлади.

Рақобатчилар таҳлили қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:[5]

1. Бозорнинг тузилиши ва тавсифини (характеристикаси) аниқлаш.
2. Таянч рақобатчиларни характеристикасини тасвирлаш ва аниқлаш.
3. Таянч рақобатчиларни баҳолаш.
4. Рақобатчилар ҳаракатини олдиндан кўра билиши.
5. Потенциал рақобатчиларни аниқлаш.

Стратегик мавқени корхона умумлашган тарзда мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари, бозорлар ва маҳсулотлар бўйича табақалаштириш керак. Чунки амалга оширилаётган тактика ва тадбирлар ҳам бевосита танланган бозорга ва рақобатчига нисбатан амалга оширилади. Бу хусусда И.Ансофф фирманинг рақобатдошлик стратегиясини табақалаштириш вазифаси билан боғлайди. Рақобатчилик стратегиясини маҳсулот бўйича ва бозор бўйича табақалаштиришда у бевосита харидорларга ва рақобатчиларга қаратилган бўлишини таъкидлайди.

Бевосита стратегияни амалга ошириш босқичида ҳал этиладиган муҳим вазифалар ресурслар бюджетлари тури бўйича, буюртмалар портфеллари бўйича, тегишли қабул қилинган дастурлар бўйича, фаолият соҳалари бўйича тартибга солинган, тақсимланган бўлиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, корхоналар рақобатбардошлигини оширишда маркетинг стратегиясини қўллаш ва ишлаб чиқишда қуйидагиларга эътибор бериш керак:

- Корхонанинг мақсадини аниқ билиш зарур;
- Стратегиянинг муқобил вариантини таклиф қилиш керак;
- Рақобатчиларни ўрганиб бориш керак;
- Корхона бюджетини ишлаб чиқиш керак бўлади.

Стратегияни амалга оширишда қўлланиладиган дастакларни қуйидаги тизимда ифодалаш мумкин: ташкилий концепция, тактика, сиёсат, тадбирлар, қоидалар ва ҳуқуқий асослар.

Ташкилий концепция, фирма миқёсида белгиланадиган қоидалар ҳисобланади. Белгиланаётган тадбирлар ва аниқ қоидалар корхона фаолият юритаётган тармоқ ва тегишли мамлакатдаги қонунчилик асосларига таянади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Наумов, В. Н. Стратегический маркетинг : учебник / В.Н. Наумов. — 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ИНФРА-М, 2020. – 356 с.

2. Ergashxodjaeva SH.Dj. Strategik marketing. Darslik. - ***T.:*** *«Sano-standart»****,*** *2019. - 232 bet.*

3. Стратегический маркетинг : учебник и практикум для вузов / Н. А. Пашкус [и др.]. – М : Издательство Юрайт, 2020. – 225 с.

4. Ergashxodjaeva Sh.J. Strategik marketing. Darslik. -T.: Ozbekiston faylasuflari milliy jamiyati, 2014. – 240 b.

5. Кревенс Девид. Стратегический маркетинг. Учебное пособие. -М.: изд. дом. «Вильямс», 2009. – 742 с.

Сайфуллоев Махмуджон Ғайбулло ўғли
Магистратура бўлими
ММРТ – 10 гуруҳ магистранти

КОРХОНАДА МАРКЕТИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ИНТЕРНЕТ ХИЗМАТЛАРИ ТУРЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация. *Ушбу тезисда замонавий ахборот технологияларини корхоналар фаолиятига тадбиқ этиш ва корхонада маркетинг фаолиятини такомиллаштиришда Интернет хизматлари турларидан кенг фойдаланиш, шунингдек, Интернет орқали товарлар ва хизматларни сотиш, харид қилиш ва силжитиш ҳақида ёритиб ўтилган.*

Ҳозирги пайтда ахборот оқимлари уларнинг мазмуни, таркиби, ҳажми улардан фойдаланиш шакллари интенсив равишда ўзгариб бормоқда. Бу эса ахборот бозорининг асосий субъектлари, секторлари, ахборот манбалари ва уларни тарқатиш технологиялари атрофлича ўрганиб чиқилишини тақозо этади. Интернетга хос бўлган глобаллик, интерактивлик, аниқ вақтда иш юритиш ва фойдаланувчилар индивидуаллигини инобатга олиб, унинг катта имкониятга эга эканлинига амин бўламиз. Буларнинг барчаси маркетологлар томонидан фаол ишлатилмоқда ва Интернетдан фойдаланиш имкониятлари кенгайиб бормоқда. (1-расм)[1]

1 – расм. Корхоналарнинг Интернетдан фойдаланиш имкониятлари

Маркетингнинг глобал тармоқда функционал хусусиятларни тавсифлашдан олдин, маркетингнинг виртуал муҳитдаги умумназарий тушунчаларга тўхталиб ўтсак. Онлайн маркетинг соҳасида дастлабки мутахасислар томонидан “4р”дан воз кечиш шиори илгари сурилган. Бундай тадқиқотлар остида маркетинг назарияси ва амалиётини янги шароитларга мослаштиришга қаратилган. Масалан, Роулей ишларида виртуал муҳитда маркетинг комлексининг 5 та элементини: силжитиш (promotion); алоқа “бирга-бир” (one-to-one contact); тугатиш (closing); келишув (transaction); бажариш (fulfillment)-келтирган[2].

Юқорида кўрсатилган элементлар маркетингнинг тармоғидаги моҳиятини очиб беради, лекин шунга қарамасдан маркетингнинг классик фалсафасини ҳар қандай соҳада қўллаш мумкин. Шу тариқа маркетингнинг Интернетдаги сирларига жавобни классик назария нуқтаи назаридан излаш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Маркетингнинг Интернетдаги функционал моҳиятини билиш учун қуйдагиларни аниқлаш керак (2-расм) [3]:

2 – расм. Маркетингнинг Интернетдаги функционал моҳияти

Аниқлаб олинган фукционал моҳияти орқали, стратегик онлайн маркетингининг, ҳамда унинг виртуал муҳитдаги маркетинг комплексининг ўзига хос ҳусусиятини билиб оламиз.

Ҳозирги кунга келиб,тармоқ ёки виртуал ташкилотлар фаолият юрита бошлади, яъни бундай ташкилотлар иштирокчилари, ресурслари ва бўлинмалари орасидаги чегаралар интенсив ахборот алмашинуви орқали йўқотилган. Бундай ташкилотлар пайдо бўлишига асосий сабаб, техника ва телекоммуникациянинг жадал суръатлар билан ривожланиши ва бунинг натижасида ягона меҳнат жараёни иштирокчилари бир жойда бўлиш заруриятидан озод бўладилар. Бу эса ўз навбатида корхонанинг пировард натижасини, яъни товар ва хизматларини ўзгартиради. Индустриал ривожланган мамлакатлар миллий маҳсулот таркибида номоддий, виртуал маҳсулот ва хизматларнинг ўрни кенгайиб бормоқда. Компьютер технологиялар ривожи корхонада маркетинг фаолиятини характерини тубдан ўзгартирди.

Корхоналарда маркетинг фаолиятини самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқарувчилар Интернет хизматлари имкониятларини тадқиқ этишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйдилар. Дарҳақиқат, бир қатор воситалар Интернет-маркетингни амалий қўлланишга мос келади. Масалан, электрон почта ва бошқа интерактив алоқа воситалари, ахборот қидируви ва кидирувнинг дастурий таъминоти, корхона веб-сайтини ишлаб чиқиш ва бошқалар.

Бугунги кунда Интернет хизматлари асосий турларининг замонавийлиги ва самаралигини нафақат ҳар бир жисмоний шахс, балки корхоналар, ташкилотлар ва бошқа барча муассасалар фаолиятида асосий восита эканлиги барчамизга маълум. Интернет хизматлари турлари қуйидагиларни қамраб олади:[4]

- Интернет тарихидаги энг муҳим ҳодисалардан бири, гиперматнли технологияга асосланган «жаҳон ўргимчак тўри» — *World Wide Web* (WWW) муҳитини яратиш ҳисобланади ва Интернет ресурсларини ташкил этиш ва ундан фойдаланишни таъминлаб беради;
- *Веб сайт* – бирор бир соҳага, фаолиятга, воқеа ва ходисага бағишланган маълумотларни ўзида жамлаган Интернет саҳифалар мажмуи;
- *Интернет провайдер* – Интернет тармоғи хизматларидан фойдаланишни таъминлаб берувчи юридик шахс;

- *Электрон почта* – Интернет тармоғи орқали тезкор маълумотлар ва хабарлар алмашиш тизими;
- *Интернет манзил (URL)* – Интернет тармоғида жойлаштирилга ахборот ресурсларининг мурожаат манзиллари;
- *Proxy* – локал тармоққа уланган компьютерларни битта алоқа канали орқали Интернет хизматидан фойдаланишни ташкил этиш хизмати;
- *Веб сервер* – веб саҳифаларни жойлаштириш, бошқариш ва улардан фойдаланишни ташкил этиш ҳамда фойдаланувчилар сўровларига ишлов бериш хизмати. Шунингдек, Веб браузерлар ва веб саҳифаларнинг турлари**:**

Веб браузерлар – бу Интернет ресурслари ва маълумотларидан фойдаланишни таъминловчи дастурлар бўлиб, уларнинг қуйидаги турлари мавжуд: Internet Explorer, Firefox Mozilla, Netscape Navigator, Opera, Google Chrome, Safari ва бошқалар.

- *Веб саҳифалар* - асосан ўзида маълумотларни жамловчи контейнер ҳисобланиб, уларнинг икки тури мавжуд: Статик – ўзгармас веб саҳифалар ва Динамик – мурожатга нисбатан шакллантирилидаган веб – саҳифалардир.

Маркетингда Интернет воситалари қўлланишининг асосий йўналишлари қуйдагилар бўлиши мумкин (1-жадвал) [4].

1 – жадвал

Корхоналарнинг маркетинг фаолиятида Интернет хизматларидан фойдаланиш

Маркетинг соҳаларида Интернет хизматларининг қўлланилиши	Интернет муҳити	Маркетинг чора-тадбирларини амалга ошириш усуллари	Интернет хизматлар
Бозорни ўрганиш - Истеъмолчилар (потенциал ва мавжуд), агентлар ва дистрибьюторлар	WWW, ахборот қидируви ва унинг дастурий таъминоти– Netscape, Microsoft, Gopher, Archie, WAIS ва бошқ.	Иккиламчи ахборот қидируви: а) WWW қидирув тизимлари орқали калит сўзлар бўйича; б) Халқаро каталогларга мурожат қилиш	- Давлат ташкилотлар сайтларидаги маълумотлар(статистика); - ОАВ Wed-саҳифалари; - Тижорат Wed-саҳифалари
Интернетда харид	WWW, ахборот қидируви ва унинг дастурий таъминоти– Netscape, Microsoft, Gopher, Archie, WAIS	- Интернет-магазинлар; - Аукцион савдолар; - Интернет-супермаркетлар; - Виртуал кўргазмалар E-mail-маркетинг	- Интернет орқали молиявий хизматлар кўрсатиш: - Интернет-банкларниг ривожланиши; Электрон тижоратга йўналтирган жамиятни яратиш.
Интернет орқали сотиш	WWW-сайт	- Business-to-business (B2B) – саноат товарлари ёки бизнес-хизматларнинг корхоналар орасидаги савдоси; Business-to-consumer (B2C) – истеъмол товарлар билан савдо қилиш	- Интернет орқали молиявий хизиптлар кўрсатиш: - Интернет-банкларниг ривожланиши, брокерлик сервислари ва тўлов тизимлари;

Маркетингда интернет воситалари қўлланишининг асосий йўналишлари қуйдагилар бўлиши мумкин [5]:

1. Товар ва хизматларни ишлаб чиқариш. Олдиндан айтиб қўйиш керак, Интернет виртуал жамоани яратди. Бир корхонада ишлаётган ходимлар ернинг бошқа бурчагида истиқомат қилиб, умумий ишлаб чиқариш жараёни билан боғланган бўлишлари мумкин. Малакали ва нисбатан арзон ишчи кучига эга Осиё, марказий ва Ғарбий Европа ривожланган мамлакатлар ишбилармонларига интелектуал меҳнат ходимларини ёллаш таклифи билан чиқмоқда ва бундай виртуал корхоналар кўпайиб бормоқда. Интерентнинг аниқ соҳаларда имкониятлари турлича. Маълумки, тармоқда ОАВ-газета, журнал, ТВ, радио ишлаб чиқишда ишлатилиши кенг қўлланилади. Интернет турфирмалар фаолиятига сезиларли янгиликлар киритади. Бу фақатгина авия чипталарни сотиб олиш, брон қилиш, меҳмонхонада рўйхатидан ўтиш , балки Интернет орқали виза расмийлаштириш мумкин.

2. Алоқани сақлаб туриш. Маркетинг муносабатларининг замонавий шароитларда ривожланиши, ишлаб чиқаришнинг таъминоти ва маркетинг фаолиятини яхши олиб бориш учун харидорлар (ҳақиқатда ва мақсадли), етказиб берувчилар, агентлар ва дистрибьютерлар билан самарали алоқа жуда муҳимдир. Интернет тармоғида шериклар билан алоқани яхшилаш ёки ўрнатиш учун турли хил воситалардан фойдаланиш мумкин. Масалан, электрон почта(e-mail),

электрон эълонлар тахтаси, электрон шаклдаги почта реестрлари, овозли алоқа, видео конференцияларни ўтказиш, кўп фойдаланучили диалог, Интернетда суҳбат ретрансляцияси ва бошқалар. Иш алоқаларини сақлаб туриш учун Интернетнинг қуйдаги хизматларидан фойдаланиш мумкин.

- жўнатмалар рўйхати. Бундай фаолиятни асосан соҳада шуғулланувчи мутахасислар олиб боришади. Жўнатмалар очиқ ва ёпиқ, пуллик ва текин бўлиши мумкин;
- мулоҳаза варақалари. Улар асосан ахборот алмашинуви ва маълум бир мавзу муаммоларининг муҳокамасида ишлатилади. Фойдали ахборотга эга бўлган маркетологлар корхонани силжитиш имкониятига эга бўлишади;
- оммавий ахборот воситалари материалри хизмати. Мижозга қидирув натижасидаги маълумотларни унинг электрон манзилига юборишади;
- сервернинг янгиликлар жўнатмаси;
- эълонлар тахтасида реклама хизматлари, бепул газета эълонлари тамойили асосида ишлайди;
- гуруҳ ва жамоат келишувларини ташкил этиш бўйича хизматлар. Бундай хизматлар хорижда кенг тарқалган бўлиб, конфедерация, гуруҳ келишувлари, савдо ассоциациялари ва сервис гуруҳлар шаклида тузилади.

3. Бозорни ўрганиш. Маълумки, бозор бўйича илмий-тадқиқот ҳисоботларнинг хариди қимматга тушади. Харажатларни камайтириш баъзи пайтларда текин ҳолда шу ахборотларни “сайтлардан”дан олиш мумкин. Интерентни бозор ҳақидаги ахборотларни тўплашда, корхона халқаро ва ички бозорда фаолиятларини мувофиқлаштириш учун ишлатиш муҳим усуллардан бири. Юқоридаги 1-жадвалда кўрсатилган дастурий таъминотлар орқали Интернетда ахборот қидирувини амалга ошириш мумкин. Виртуал муҳитда мавжуд маркетинг ахборот кўлами кенг бўлиб, у ўзининг ичига интерактив газета ва журналларни, давлат ва тармоқларнинг кенгайтирилган рўйхати, бозор ҳақидаги илмий-тадқиқот ҳисоботлари, етказиб берувчилар рўйхати, агентлар, дистрибьютерлар ва кўпгина мамлакаталрнинг ҳукумат алоқаларни олади. Ахборот қидирувининг оддий усуллардан бири бу калит сўзлар орқали қидирув тизимлари бири ишлатишдир. Масалан, хориж қидирув тизими: Yahoo, Exite, AltaVista, Google, Яndex, Rambler; миллий қидирув тизимлари: info.uz, gov.uz, arbuz.uz, cer.uz, info.com ва бошқалар. Иккиламчи ахборотни онлайн тизимида йиғиш, аввалambор қулайлик ва тезкорликни келтириб чиқаради.

4. Интернет орқали харид қилиш ва сотиш. Интернетни сотиш воситаси нуқтаи назаридан қараш орқали қуйидаги синфлашни келтириш мумкин:

- Business-to-business (B2B) - корхоналар орасидаги саноат ёки бизнес хизматларнинг ўзаро савдоси.
- Business-to-consumer (B2C) - пировард итеъмолчига истеъмол товарларининг чакана савдоси.

Интерентда чакана савдонинг турли хил кўринишлари Интерент-дўкон ва Интерент-аукционни келтириш мумкин. Интернет-дўкон ўзининг тавсифномасига кўра чакана савдо шаклига яқин бўлиб, лекин шу ўринда қатор параметларга кўра фарқ қилади. Биринчидан, ахборот ҳажмининг катталиги. Иккинчидан, уйдан чиқмасдан буюртмани расмийлаштириш ва тўловини амалга ошириш мумкин. Интернет-тижоратнинг яна бир қизиқарли ва келажаги бор шакллардан бири бу Интернет-аукциондир. Онлайн аукционларнинг ўзига хос ҳусусиятлардан бири уларнинг автоматлаштирилганлигидадир. Барча савдо жараёнлари компьютер ўзи бажариши мумкин. Ҳозирги пайтга келиб, бошқа лойиҳалар амалага ошиб келмоқда. Масалан, Интернет-супермаркетлари ишлаб чиқилмоқда. Бундай лойиҳанинг мақсади тижорат сайтларни силжитишдан иборат. Бундай йўналиш келажаги виртуал кўргазма-савдоларни ўтказиш имконини беради.

5. Тармоқда товар рекламаси. Интернет реклама берувчи мақсадли аудиторияга таъсир этишнинг воситаларини таклиф этади. Улар орасига умумахборот ва маъноси бўйича яқин бўлган сайтларда рекламани жойлаштириш, баннер тармоғи, e-mail-маркетинг, қидирув тизимлари ва каталоглар орқали силжитиш, йўлланмалар билан алмашинув, рейтинглар, шерикчилик ва хомийлик дастурлари ва бошқаларни киритиш мумкин. Сайтни танлаётган пайтда реклама берувчилар қуйидагиларни маслаҳат беришади [6].

- ресурс машҳурлиги, аудиторияси кўлами, мазмуни ва сайт-рақобатчиларнинг мавжудлиги;
- реклама турлари, матн ҳажми;
- жойлашиш ўрни;
- баҳоси;
- тезкор алмашинув имконияти;
- тақдим этиладиган статистика.

6. Сервис ва сотувдан кейинги хизмат. Интернетни маркетинг фаолиятида ишлатилишининг бу йўналиш мижозларни e-mail орқали маслаҳат бериш ва веб-сайтда янгиликлар ҳақида аборот бериб туриш, махсулотдан самаралироқ фойдаланиш, модернизация ва бошқаларни ўз ичига олади. Доимий мижозларнига янги махсулотлар тўғрисида ва шу соҳа янгиликалари ҳақида маълумот етказиб туриш муҳим аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, кўриб чиқилган Интренет хизматларнинг асосий йўналишлари шу ҳақда далолат беряптики, корхона маркетинг тизимининг ахборот технологияларда бўладиган ўзгаришларни инобат олишлари керак. Умуман айтганда, Интернет корхоналар маркетинг фаолиятининг барча соҳаларига таълуқли бўлиб, унинг ўрни эса ошиб бормоқда. Бундай фойдаланишнинг асосини маркетингнинг анъанавий воситалари хизмат қилиб, уларнинг самарадорлиги ошади ва Интернет янги имкониятлар қўшади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. *Abduxalilova L.T. Internet - marketing. Darslik. – T.: TDIU, Iqtisodiyot- 2021. -298 b.*
2. *А.П. Панкрухин. Особенности маркетинговой деятельности в виртуальной среде. //www.marketer.ru*
3. *Акулич, М.В. Интернет-маркетинг: Учебник для бакалавров / М.В. Акулич. - М.: Дашков и К, 2016. - 352 с.*
4. *“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2016 йил www.iqtisodiyot.uz*
5. *Хамидов В.С. Методы и модели веб ориентированных адаптивных обучающих систем/LAP LAMBERT Academic Publishing, Germany.2015г. 228 стр.*
6. *Бушуева Л.И. Роль Интернет-услуг в практической маркетинговой деятельности// Маркетинг в России и за рубежом. – 2013. - № 4 с. 69.*

Ахмедов Нозимжон Насимжон угли
ТГЭУ, магистрант гр. MRB-10.

ИННОВАЦИОННЫЙ ПОДХОД К УПРАВЛЕНИЮ ЧЕЛОВЕЧЕСКИМИ РЕСУРСАМИ

Современная компания нуждается в квалифицированных кадрах. Но, чем выше квалификация сотрудника, тем внимательнее он выбирает компанию, в которой будет работать. В современных организациях вопрос о необходимости привлечения лучших специалистов и удержания уже работающих ценных кадров также перешел в практическую плоскость. Постоянное изменение внешней среды, появление новых технологий, организационных нововведений требует от управленца использовать инновационный поход к управлению человеческими ресурсами. Растущая с каждым годом конкуренция и борьба за клиента заставляет работодателей уделять все больше времени на работу с персоналом: повышать квалификацию сотрудников, уровень их лояльности к компании, искать новые подходы для привлечения новых специалистов, связанные с активным использованием мероприятий, таких как ярмарки вакансий, презентации компаний, семинары. Такая деятельность выгодна для организации и с финансовой точки зрения, и в плане улучшения имиджа как работодателя. Компании, ориентированные на долгосрочные стратегии и налаживание связей с потенциальными сотрудниками, формируют на рынке конкурентоспособный имидж организации. Общеизвестно, что кадры организации - это главный источник прибыли и главный конкурентный ресурс. Внутренний имидж компании зависит напрямую от восприятия и отношения к ней ее сотрудников, составляющих внутреннюю среду компании. Работники, принадлежащие к «поколению Y» стремятся к самовыражению, самоидентификации и являются самым зависимым поколением от имиджа и бренда, в выборе рабочего места это не становится исключением.

Впервые понятие «бренд работодателя» было предложено С.Берроу и Т.Амблер в 1996 году и определено авторами как совокупность функциональных, психологических и экономических преимуществ, предоставляемых работодателем и отождествляемых с ним. Зарубежные исследователи определяют бренд работодателя как:

-совокупность основных преимуществ для сотрудников, которые они идентифицируют с организацией как работодателем: экономических, функциональных, психологических;

-целевую долгосрочную стратегию управления осведомленностью и вовлеченностью сотрудников, потенциальных сотрудников и заинтересованных сторон в отношении конкретной организации;

Категориальный анализ позволил выявить общий компонент бренда работодателя - определенный набор преимуществ, которыми обладает конкретный работодатель, позволяющих

ему привлечь и удержать высококвалифицированных работников. В настоящее время культивирование бренда работодателя организации стало способом привлечь и сохранить самых желанных сотрудников - тех, кто будет в состоянии гарантировать конкурентоспособность организации.

К.Бэкхаус и С.Тикоо предполагают, что формирование бренда работодателя представляет собой трехступенчатый процесс:

-создание бренда работодателя, представляющего
конкретное Ценностное предложение работодателя;

-внешний маркетинг бренда работодателя: компания направляет сообщение на рынок труда для соискателей, кадровых агентств и других целевых групп;

-внутренний маркетинг - его цель заключается в развитии человеческих ресурсов, которые будут придерживаться ценностей и преследовать цели, поставленные организацией.

Выделяют следующие шаги в процессе создания бренда работодателя:

-охарактеризовать сложившийся бренд работодателя: как компания воспринимается сотрудниками, кандидатами на работу и другими заинтересованными сторонами;

-охарактеризовать видение бренда работодателя: как компания хотела бы быть воспринятой сотрудниками, кандидатами на работу и другими заинтересованными сторонами;

-определить разрыв между фактическим и желаемым брендом работодателя;

-разработать план устранения разрыва между текущей реализацией бренда и видением бренда;

-предпринимать действия, направленные на устранение разрыва между фактическим и желаемым брендом работодателя;

-контролировать результаты предпринятых действий;

-при необходимости изменить план устранения разрыва.

В процессе создания бренда работодателя значительную роль играет отдел управления персоналом. Разработанные и реализуемые стратегии развития персонала организации являются базовыми для формирования положительного бренда работодателя. Правильно разработанные и внедренные им программы бренда работодателя приносят преимущества в управлении человеческими ресурсами. Так внешние преимущества положительно сформированного бренда работодателя представляют: максимальное соответствие кандидатов на вакансию, упрощенный и ускоренный доступ к соискателям, что влечет за собой сокращение затрат на рекрутинг персонала; привлечение и удержание талантливых сотрудников. Внутренние преимущества: более высокий уровень лояльности и вовлеченности сотрудников, повышение показателя удержания талантливых работников, хорошие отношения с настоящими и бывшими сотрудниками, повышение уровня доверия в компании. Внешние и внутренние преимущества положительно сформированного бренда позволяют говорить об окупаемость инвестиционных затрат.

Инвестиции вкладываются не только в развитие персонала, но и в его высвобождение. Одним из самых затратных, но эффективных, с точки зрения приверженности бренду, является процедура высвобождения персонала (аутплейсмент), включающая в себя ряд мероприятий, направленных на помощь сотрудникам в адаптации на рынке труда, в выборе нового рабочего места, в консультировании по вопросам поиска работы, а также профессиональных компетенций работника Отказ от процедуры высвобождения повышает риск распространения отрицательной информации об организации. Кроме этого, увольнение категории сотрудников, занимающих значительные должности, без предварительной беседы нередко может привести к раскрытию конфиденциальной информации конкурентам.

В современных условиях имидж является неотъемлемой частью всего, с чем взаимодействуют люди: рынок, образование, работа, медицина и т.д. С помощью имиджа формируется доверие потенциальных потребителей, то есть сотрудников, клиентов и инвесторов. Положительный имидж компании благотворно влияет на положение компании на рынке, отношение сотрудников и потенциальных кандидатов. Возможность привлекать на вакантные места как опытных специалистов, так и перспективных выпускников высших учебных заведений, а также способствовать более быстрой адаптации новых работников и грамотному высвобождению увольняющихся.

Таким образом, целью формирования или оптимизации бренда работодателя является снижение затрат на привлечение и удержание персонала, повышение вовлеченности и лояльности уже работающих в компании, повышение интереса аудитории со стороны внешнего рынка. Сильный бренд работодателя характеризуется системой мотивации, отличающейся прозрачностью для сотрудников, программой профессионального развития, опциональным социальным пакетом, эффективной адаптационной программой, сильной корпоративной культурой, поддерживаемой большинством сотрудников. Узнаваемость бренда привлекает новых сотрудников, первое знакомство с компанией формирует впечатление и желание стать частью компании.

ТГЭУ, DSc , и.о. профессор Зияева М.М.
ТГЭУ , ММРТ-31 магистр Толибжонова Н.Т

МАРКЕТИНГОВЫЕ СТРАТЕГИИ В ИНДУСТРИИ ТУРИЗМА

Туризм является одним из ведущих и наиболее динамично развивающихся секторов мировой экономики. Актуальность темы заключается в том, что сегодня туризм играет одну из главных ролей в мировой экономике и в настоящее время является одним из самых прибыльных видов бизнеса в мире. Что касается быстрых темпов роста, то это признано экономическим феноменом прошлого столетия и предсказывает ему блестящее будущее в наступающем столетии. Согласно прогнозу Всемирной туристской организации (ВТО), рост туристической индустрии будет необратимым в 21 веке, а к 2020 году число международных туристических визитов составит 1,6 миллиарда единиц.

Туризм по своим основным характеристикам не имеет принципиальных отличий от других видов экономической деятельности, поэтому все основные положения современного маркетинга могут быть в полной мере применены в этой области. В то же время туризм имеет определенные особенности, связанные с характером предоставляемых услуг, рабочей силой, формами продаж и т.д. Из-за этого маркетинг в туризме имеет ряд характерных особенностей, которые отличают его не только от торговли товарами, но и от торговли товарами. также от других форм торговли услугами. Здесь наблюдается торговля как услугами, так и товарами (по мнению экспертов, доля услуг в туризме составляет 75%, товаров - 25%), а также особый характер потребления туристических услуг и товаров в месте производства и в определенной ситуации. Маркетинговый комплекс в туризме имеет свои особенности, которые необходимо учитывать при ведении бизнеса в этой отрасли.

Важнейшими целями любой компании являются: получение прибыли, обеспечение постоянного роста оборота и улучшение конкурентных позиций на рынке. В маркетинге это означает рост продаж, увеличение доли рынка, повышение лояльности потребителей. Основа правильной маркетинговой политики заложена на самом высоком уровне управления компанией, поскольку каждое конкретное маркетинговое решение должно рассматриваться как деталь стратегических решений компании, направленных на достижение корпоративных целей:

- определение развития основных стратегических направлений управления
- выбор направлений для дальнейшего роста
- формирование конкурентных преимуществ.

Эти и другие маркетинговые решения, принимаемые высшим руководством компании, определяют на последующих этапах разработку конкретных продуктов и рынков, всю систему маркетинговых мероприятий, их стоимость и эффективность. Стратегические маркетинговые решения являются способом достижения маркетинговых целей, которые, в свою очередь, вытекают из корпоративных целей. Маркетинговые решения, принимаемые предприятием на трех уровнях:

- корпоративные;
- функциональная;
- инструментальный.

Корпоративные маркетинговые решения определяют стратегии взаимодействия с рынком и согласования потенциала предприятия с его требованиями. Маркетинговые решения на корпоративном уровне определяют пути более эффективного использования ресурсов предприятия для удовлетворения потребностей рынка. Можно выделить три группы стратегических маркетинговых решений на корпоративном уровне.

Маркетинговые стратегии в туристических агентствах на функциональном уровне: поведение потребителей, сегментация рынка, позиционирование, измерение спроса. Разработка маркетинговой смеси.

Почти каждая компания, работающая на рынке, понимает, что она не может претендовать на полное покрытие. Необходимо выделить такие сегменты рынка, где стремление наиболее полно удовлетворить потенциальных потребителей совпадало бы с возможностями предприятия. Функциональные маркетинговые стратегии служат этим вопросам. Они нацелены на то, чтобы предприятие выбирало целевые рынки и разрабатывало маркетинговый комплекс для них. Реализация этих стратегических решений связана с использованием ряда методов обучения в области:

- сегментация рынка;
- позиционирование;
- разработка маркетинговой смеси;
- развитие партнерских отношений.

Основой работы по сегментации, позиционированию и разработке маркетинговой смеси являются знания о поведении потребителей. Одной из таких моделей, разработанных для потребительского рынка, является модель «стимул - реакция». «Вход» характеризуется влиянием на потребительское поведение внешних факторов:

- внешние факторы культурной, социальной и индивидуальной среды, формирующие общие рамки поведения потребителей;
- внешние стимулы от продукта, реклама, личные контакты, инициирование действий потребителей.

Современная концепция маркетинга в туризме требует учета целостного и комплексного характера туристического бизнеса. Для реализации этой концепции необходимо разработать механизм координации маркетинга различных организаций в сфере туризма.

Необходимы более эффективные исследования на научной основе. Для проведения самого глубокого всестороннего исследования вам необходимо пригласить специалистов или создать собственный отдел маркетинга с квалифицированным персоналом. Малым и средним туроператорам целесообразно объединиться для совместной маркетинговой деятельности и исследования рынка с целью снижения затрат на привлечение специалистов по маркетингу и специализированных маркетинговых компаний.

Специфика маркетинга на туристическом рынке России определяется тем, что преобладающее число российских туроператоров ограничивают свою маркетинговую деятельность рекламными кампаниями в основном в виде печатной рекламы. Разнообразие форм рекламы не требуется.

Маркетинг туризма должен быть адресован не только конечным потребителям - туристам, но и промежуточным органам власти - туристическим агентствам, партнерам, общественным туристическим ассоциациям, государственным органам по регулированию туризма.

Туризм XXI века - это, прежде всего, туризм, ориентированный на клиента как потребителя туристических товаров и услуг. Успешный и прибыльный туристический бизнес будущего - это бизнес, основанный на знании международных правовых норм и правил, управлении туризмом и маркетинге, ситуации на туристическом рынке и всестороннем знании потребностей и потребностей туристов.

ММКБ-01 1-курс талабаси
Тожиев Билол Абдиросулович
Илмий раҳбар: Б.Н.Уринов
Корпоратив бошқарув кафедраси мудири

РАҚОБАТБАРДОШ ИҚТИСОДИЁТНИ ЯРАТИШДА ДАВЛАТНИНГ РОЛИ

Аннотация: *Мақолада рақобатбардош иқтисодиётни яратишда давлатнинг роли, йўналишлари, бош мақсади баён этилган. Жумладан, давлат рақобат сиёсатининг вазифа ва мақсади, таркибий қисмлари, Шунингдек, мамлакатимизнинг инвестиция сиёсатини асосий вазифалари ёритиб берилган.*

Калит сўзлар:*Рақобат, рақобатбардошлик, рақабат сиёсати, рақобат муҳити, инвестиция сиёсати, давлат рақобат сиёсати*

Бозорнинг барча иштирокчилари манфаатлари мувозанатини таъминлаш давлатнинг тартибга солиш сиёсиатининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу эса ўз вахтида бозор муносабатлари эҳтиёжларнинг максимал даражада қондирилишига, ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига, нархларни самарали талабга мувофиқ белгилашга, корхоналарнинг рақобатбардошлигини сақлашга олиб келади. Шу нуқтаи назардан, рақобат сиёсати тармоқ бозор тузилмалари ва фирманинг иқтисодиётдаги хатти-ҳаракатларини давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим йўналишига айланмоғи лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сонли “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонида белгиланган устувор йўналишлардан бирида келтириб ўтилган “Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва хусусий секторга кенг йўл очиш, Иқтисодий муносабатларда эркин бозор тамойилларини жорий этишни кенгайтириш” масалалари давлат рақобат сиёсатининг сифати ва аҳамиятини белгилаб бермоқда.

Давлат рақобат сиёсати бозорларда рақобатнинг ривожланишига кўмаклашиш, рақобат муҳитини ва рақобат механизмларини яратиш ва ривожлантиришни рағбатлантириш ҳамда тенг рақобат шароитларини таъминлаш мақсадида амалга оширилизи керак.

Жумладан, давлат рақобат сиёсатининг вазифалари сифатида қуйидагиларни келтиришимиз мумкин:

- барча шаклларда иқтисодий самарадорликка эришиш;
- халқ фаровонлигини ошириш;
- ифодаланган иқтисодий ривожланиш, шу жумладан: барқарор иқтисодий ўсиш;
- ташқи ва ички бозорларда рақобатбардошликни ошириш;
- мамлакат имиджи ва инвестицион жозибадорлигини ошириш.

Рақобат сиёсатининг муҳим мақсадларидан бири иқтисодий ривожланиш ҳақида гапирганда, унинг сифати каби муҳим хусусиятни унутмаслик керак. Иқтисодий ривожланиш сифатини ошириш рақобат сиёсатининг асосий мақсади ҳисобланади. Ушбу мақсадни амалга оширишга иқтисодий ривожланишни бошқариш орқали эришиш мумкин.

Давлат рақобат сиёсати чора-тадбирларини қуйидагича таснифлаш мумкин: рағбатлантириш чоралари (рақобат муҳитини яратиш ва ривожлантириш чоралари), чеклов чоралари ва рақобатни ҳимоя қилиш чоралари.

Рақобатни яратиш ва ривожлантиришни рағбатлантирувчи чора-тадбирлар қаторига солиқ ва бошқа имтиёзлар, кредитлар ва имтиёзли кредитлаш шартларини тақдим этиш, маъмурий тўсиқларни бартараф этиш каби бошқа қатор тадбирлар киради. Рақобатни ривожлантиришга қўшимча бўлиши керак бўлган чеклов чоралари, хусусан, монополияга қарши органнинг иқтисодий консентрацияни назорат қилиш мақсадида амалга оширадиган ҳаракатлари киради. Рақобатни ҳимоя қилиш чораларига эса рақобат тўғрисидаги қонун нормаларига зид бўлган ҳаракатларнинг олдини олишдан иборат бўлиб, улар ушбу қонунбузарликлар учун жавобгарликни назарда тутади. Демак давлат ўз рақобат фаолиятида ҳам рақобатбардош муносабатларни ривожлантиришдан, ҳам жамият ва давлат учун зарур бўлган йўналишларда рақобатни тартибга солишдан иборат бўлиши керак. Табиийки, ҳукуматнинг рақобат муносабатларига аралашишига чекланган чекловлар бўлиши лозим.

Рақобат сиёсатини олиб бориш доирасида хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатлашиш ҳуқуқлари чекланмаслиги, фақат бундай чеклашлар қонун асосида жамоат ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш учун киритилган ҳолатлар бундан мустаснодир.

Самарали рақобат сиёсатини алоҳида таркибий қисмларсиз - саноат, сармоявий, инновацион, молиявий, нарх сиёсатисиз, рақобат муҳитининг ҳолатига ва рақобатбардош устунликларни яратишга таъсир қиладиган қисмсиз тасаввур этиб бўлмайди. Давлатнинг рақобат сиёсати иккита асосий йўналишни ўз ичига олади. Биринчиси, маҳсулот бозорларидаги рақобатнинг фаол ривожланиши, рақобатни барча бозор муаммолари учун даволовчи восита сифатида кўриб чиқиш мумкин эмаслигини, бунга эришиш учун идеал сифатида қаралишини унутмаслик керак. Рақобат ижтимоий фаровонликка эришиш, барқарор иқтисодий ўсиш, бизнеснинг рақобатбардошлигини, мамлакат имиджи ва инвестицион жозибадорликни ошириш воситаси сифатида қаралади. Ушбу қадрият эндиликда рақобат сиёсатининг асосий мақсадларига айланиши лозим. Рақобат сиёсатининг иккинчи йўналиши - рақобатбардош муносабатларни ҳимоя қилиш механизмларини янада такомиллаштириш: рақобат тўғрисидаги қонунни такомиллаштириш, рақобат соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун санкцияларни такомиллаштириш, зарар кўрган субъектларни ҳимоя қилиш механизмларини яратишни қамраб олиши керак.

Рақобатни ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг ҳозирги босқичининг ўзига хос хусусияти - бу иқтисодиётнинг муҳим тармоқларида рақобатбардош ҳуқуқий ва институтсионал муҳитни шакллантиришга олиб келиши керак бўлган тизимли макроиқтисодий характердаги чора-тадбирларга эътибор қаратиш билан ҳимоя функциясидан ташқарига чиқиш зарурдир. Бунда:

- Рақобатни самарали ҳимоя қилиш ва ривожлантириш учун қулай институционал ва ташкилий муҳитни яратиш;
- Бозорларнинг ривожланиши ва эркин ишлаши учун маъмурий тўсиқларни камайтириш;
- Истеъмолчиларнинг табиий монополиялар субъектларининг хизматларига беғараз киришини таъминлаш, тарифларни белгилашнинг самарали механизмларини шакллантириш;
- Давлат ва шаҳар буюртмаларини жойлаштиришда ва давлат мулкини ким ошди савдосида сотишда самарали рақобат учун шароит яратиш.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мамлакатда рақобат шароитларини тенглаштириш, монополияга қарши фаол давлат сиёсати кичик бизнесни ривожлантириш учун қулай муҳитни таъминлашнинг асосий омилидир. Кичик бизнес нафақат иқтисодий ўсишни таъминлаш ва ижтимоий таранглиқни камайтириш, балки иқтисодий ўсишнинг барқарорлиги ва инновацион хусусиятини таъминлашнинг энг муҳим омили бўлиб, мамлакат иқтисодий тизимида алоҳида ўрин тутади. Кичик бизнеснинг ривожланиши иқтисодиётнинг мослашувчанлиги ва мослашувчанлигини оширади, оммавий ўрта синфни шакллантириш учун асос яратади.

Суд тизими, шунингдек, хусусий мулк ҳуқуқларининг самарали ҳимоясини таъминлаш ва иқтисодий ва маъмурий низоларни ҳал қилишда ёрдам бериш учун зарур бўлган сезиларли даражада такомиллаштиришга муҳтож. Табиий монополия субъектлари маҳсулоти ва хизматлари учун тарифларни тегишли давлат томонидан тартибга солиш талаб этилади.

Рақобатбардош иқтисодиётнинг белгиси - бу хўжалик юритувчи субъектлар ихтиёрида тақдим этиладиган ва уларга иқтисодий қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган - бозор, рақобатчилар, нархлар тўғрисида маълумотларнинг тўлиқлиги ҳисобланади. Шунинг учун давлат рақобат сиёсатининг муҳим таркибий қисми тегишли ахборот тизимларини яратиш (яратишда ёрдам бериш) билан белгиланади. Ва ниҳоят, коррупсияни ва протекционизмни бозор конъюнктурасини сезиларли даражада бузадиган омиллар сифатида бартараф этиш учун ҳукуматнинг доимий ҳаракатига эҳтиёж бор.

Инвестиция сиёсати соҳасидаги асосий вазифа иқтисодиётга инвеститсия капиталининг фаол кириб келиши учун энг қулай шароитларни яратишдир. Ушбу йўналишда:

- қонун ҳужжатларида белгиланган доирада инвесторларнинг иқтисодий фаолиятига давлат аралашувини минималлаштириш;
- инвесторлар учун иқтисодий шароитларнинг барқарорлигини таъминлаб, уларнинг иқтисодий фаолияти ҳимояланган ва башорат қилинадиган ҳуқуқий режимни амалга ошириш;
- амалга оширилаётган инвестиция сиёсатининг шаффофлиги, барча инвесторлар учун инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларнинг очиқлиги ва очиқлиги;
- давлат ва махаллий органлар, инвестиция жараёнининг бошқа иштирокчилари томонидан ўзаро жавобгарлик ва мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилиши.

Рақобатбардошлик даражасини оширишнинг асосий механизми барқарорликка йўналтирилган ислоҳотнинг йўналишларини стратегик жиҳатдан тўғри белгилаш орқали рақобат устунлиги ва ресурслардан самарали фойдаланишга имкон берадиган ва дунёдаги кучли глобал мухитга муносиб бўлиш учун зарур бўлган мамлакатнинг рақобатбардошлиги даражасига эришадиган давлатнинг рақобат стратегияси ва рақобат сиёсати сифатида янги босқичга *кўтарилиши лозим.*

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сонли "2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги фармони.*
2. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 13-апрелдаги ПФ-6207-сон Фармони*
3. *Ўзбекистон Республикасининг "Рақобат тўғрисида" Қонуни, 06.01.2012 йилдаги ЎРҚ-319-сон.*
4. *Карлибаева Р., Уринов Б., Акромова Н. Корпоратив бошқарувга кириш. Ўқув қўлланма–Т.: Иқтисодиёт, 2021. – 256 б.*
5. *Ашуров З., Джалилов Ф., Уринов Б. Замонавий корпоратив бошқарув. Ўқув қўлланма–Т.: Иқтисодиёт, 2021. – 192 б.*
6. *https://lex.uz/docs/-5371091*

"Статистика" мутахассислиги 2-курс магистранти
Илёсова Дилбар Исмоил қизи

АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ВА ХАРАЖАТЛАРИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ТАРКИБИ

Аҳоли турмуш даражаси миқдорий ва сифат томонидан ҳарактерланиб, миқдорий кўрсаткичлар орасида аҳоли даромадлари муҳим аҳамият касб этади.

Бозор шароитида асосий иш жойидан бериладиган иш ҳақи аҳолининг аксарият қисми учун етакчи даромад манбаи ҳисобланади. Акс ҳолда у функционал ролини бажара олмайди. Ривожланган мамлакатларда иш ҳақи ходимлар жами даромадининг 60-80 фоизини ташкил этади, яъни уларнинг меъёрий ҳаёт фаолиятини таъминлаш пойдевори бўлиб хизмат қилади.

Даромад тушунчаси иш ҳақи тушунчасидан кенгроқ тушунчадир. Асосан даромад учта, яъни номинал даромад, ихтиёрида бўлган даромад, реал даромадларга бўлиб ўрганилади.

Номинал даромад – бу маълум вақт оралиғида маълум шахс томонидан олинган пулнинг умумий миқдоридир. Номинал даромад тизими ўз ичида қуйидагиларни олади (1-расм):



1-расм. Номинал даромаднинг таркиби

Чизмада кўрсатилиб ўтилганидек, омилли даромадга шахснинг иқтисодий фаоллиги натижасида келиб тушган даромадлар киритилган.

Номинал даромаддан фарқли равишда ихтиёрида бўлган даромад таркибига фақатгина товар ва хизматлар шахсий истеъмоли, шунингдек, жамғарма учун фойдаланиш мумкин бўлган даромад қисмигина киритилади. Ихтиёрида бўлган даромадни бошқача қилиб "соф" даромад деса ҳам бўлади. Ихтиёрида бўлган даромад номинал даромаднинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қолган қисмидир.

Ихтиёрида бўлган даромад = Номинал даромад – Солиқ ва бошқа тўловлар

Учинчи кўрсаткич реал даромаддир. Реал даромад – нарх даражаси ўзгаришини ҳисобга олиб, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромадга сотиб олиш мумкин бўлган товарлар ва хизматлар миқдорини, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромаднинг харид қувватини билдиради

Жадвал №1

Ахоли умумий даромадларининг таркиби (фоизда)

	2017	**2018**	**2019**	**2020**
Умумий даромадлар жами	100,0	100,0	100,0	100,0
Шу жумладан:				
Бирламчи даромадлар	80,6	77,5	76,2	75,7
Ишлаб чиқаришдан олинган даромад	77,4	74,6	73,5	73,6
Мехнат фаолиятидан олинган даромад	69,2	66,7	66,1	66,2
Ёлланма ишчиларнинг даромади	25,8	24,8	27,2	27,5
Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромад	43,5	41,9	39,0	38,7
Шахсий истемол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромад	8,2	7,9	7,4	7,4
Мол-мулкдан олинган даромад	3,1	2,9	2,7	2,1
Трансфертлардан даромад	19,4	22,5	23,8	24,3
Умумий даромадлар таркибидан, кичик тадбирорликдан олинган даромадлар	65,7	64,2	61,8	59,9

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики Ўзбекистон ахолисининг умумий даромадларининг таркиби 2017 йилда бирламчи даромадлари 80,6 фоизни ташкил қилган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич пасайиб 75,7 фоизни ташкил этган. Шунингдек, ишлаб чиқаришдан олинган даромад 2017 йилда 77,4 фоиздан 2020 йилда 73,6 фоизга пасайган. Қолган кўрсаткичлар хам камайиш тенденциясига эга.

Маълумки, аҳоли даромадлари муҳим иқтисодий кўрсаткичлардан биридир. Чунки, аҳолининг турмуш тарзини уларнинг олаётган даромадлари кўрсатади. Айнан даромад бизнинг маънавий ва моддий эҳтиёжларимизни қондирилиши даражасини аниқлаб беради.

Шундай қилиб аҳоли даромадларини тўртта синфга бўлиб ўрганишимиз мумкин:

- ижтимоий бандликдан олинган даромад. Уни меҳнат фаолияти юритаётган ташкилот ёки корхонадан олаётган иш ҳақи ташкил қилади.
- ўз-ўзини банд қилишдан олинадиган даромад. Ушбу даромад турига якка тартибдаги тадбиркорларнинг, фермерларнинг, эркин касбдаги шахсларнинг даромадларини киритиш мумкин.

- хусусий мулкидан олинадиган даромад. Бунга рента, соф фоиз, дивидендларни киритишимиз мумкин.

- трансферт даромадлари. Бунга ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қисмига давлат томонидан ажратиладиган нафақалар, пенсиялар, стипендиялар ва шу каби тўловлар киради.

Таҳлиллар кўрсатишича, ўтиш иқтисодиёти шароитидаги мамлакатларнинг аксариятида минимал иш ҳақи миқдори тирикчилик минимуми қийматидан келиб чиқмайди ва ҳисоб-китобларда қўлланиладиган бирлик вазифасини ўтайди. Мавжуд қонунчиликка мувофиқ, ундан оз иш ҳақи берилиши тақиқланади, лекин амалиётда ҳеч бир хусусий корхонада белгиланган минимал даражада иш ҳақи тўланмайди, энг кам иш ҳақи амалда бундан анча юқори.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *Soatov N.M.,Ayubjonov A.,Statistika nazariyasi.Darslik. –T.: Iqtisodiyot, 2019y.*
2. *Abdurahmonov A. Aholi statistikasi. O‘quv qo‘llanma Darslik. – T.: Iqtisodiyot, 2020y.*
3. *Общая теория статистики. Учебник. Под ред. Ефимовой М.Р. – М.: ИНФРА-М, 2017. – 625с.*
4. *Soatov N.M.Nabiyev X.,Ayubjonov A.,Statistika. Darslik. – T.:Iqtisodiyot,2019. – 543 b.*
5. *Ayubjonov A.H. Statistika nazariyasi, O‘quv qo‘llanma –T: Iqtisodiyot, 2021 y.*
6. *Abdurahmonov A. Mehnat iqtisodiyoti (nazariya va amaliyoti) Darslik. – T.: Mehanat, 2018. – 610 b.*
7. *Umarova M.A. Statistik tahlil O‘quv qo‘llanma –T: Iqtisodiyot, 2021 y.*
8. *Abdurahmonov Q. , Tohirova X.T. Aholini ijtimoiy muhofaza qilish O‘quv qo‘llanma– T.: O‘zbekiston yozuvchilar uyushmasi adabiyoti jamg‘armasi nashryoti TDIU, 2017. – 159 b.*
9. *– www.stat.uz.*

Магистратура бўлими “Солиқлар ва солиққа тортиш” йўналиши.
Исмоилов Муслимжон Қамбарали ўғли МСС-10 гурух

ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИДА СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ ТУТГАН ЎРНИ.

Мамлакатимиз тараққиётини янги юксак босқичга кўтариш, бунинг учун янги ислоҳотларни амалга ошириш ҳаётий зарурат. Бу жараёнда иқтисодиётнинг муҳим бўғини солиқ тизими барчага тенг ва эркин рақобат шароитини яратишда кўмакчи бўлиши керак. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан 2018-йилда янги солиқ концепсиясиини қабул қилиниши шу мақсадларга эришишнинг стратегиясини белгилаб берди.

Солиқ тизимида янги ислоҳотларни бошлаб берган мазкур концепсиядан олдинги ҳолатга назар ташласак, 97 % солиқ тўловчилар соддалаштирилган режимда фаолият юритиб, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида уларнинг улуши қарийб 60% га етиб, бюджет тушумларини 9.2% ни ташкил этган. Умумбелгиланган солиқ тўловчилар зиммасига тушган асосий солиқ юки 3% га тенг бўлган.

Сўнги йилларгача пенсия, мактаб таълими ва йўл жамғармаларига солиқ тўлаш, суғурта бадали, мол-мулк, ҚҚС ставкаларининг юқорилиги тадбиркорлик субъектлари зиммасидаги катта юк эди. Шунинг учун солиқдан қочиш, ишчиларнинг сонини яшириш, иш ҳақи фондини камайтириб кўрсатиш, мол-мулк қийматини қисқартириш ҳолатлари кузатилган.

Ҳозирги даврда тадбиркорларга бошқача муносабатда бўлинмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан адолатли узоққа мўлжалланган тизимни яратишга қаратилган ислоҳотларнинг амалга оширилиши натижасида бутунлай янги солиқ маъмурчилиги юзага келди. Биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикасинин 2019 йил 30 декабрдаги **“Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги ЎРҚ-595-сонли Қонуни асосида солиқлар тури 16 тадан 9 тага, назорат шакллари 13 тадан 2 тагача қисқартирилди.

Шунингдек давлатимиз раҳбари 2021-йил 20-августда тадбиркорлар ва ишбилармонлар билан учрашиб улар томонидан келиб тушган таклифларни ўрганиб тегишли мутасаддиларга топшириқлар берди. Бу мулоқот давомида қуйидаги фикрлар таъкидлаб ўтилди:

- Молк-мулк, даромад солиғи ва ижтимоий солиқлар ставкалари **2 баробар** камайтирилгани;
- **транспорт** соҳасида солиқ юки – **3 баробар**, **озиқ-овқат саноатида** – **2 баробар, тўқимачилик** ва **электротехника саноатида** эса **15-20 фоизга** камайгани;

Айниқса пандемия даврида харажатларимиз кескин ошганига қарамасдан, қўшилган қиймат солиғи **20 фоиздан 15 фоизга** туширилди, кўпроқ зарар кўрган тармоқларга ижтимоий солиқ **12 фоиздан 1 фоизга** пасайтирилиб, мол-мулк ва ер солиқлари тўловларидан буткул воз кечилди. Бу тадбиркорларга **2 триллион сўм** маблағни бизнес фаолиятига сарфлаш имконини берди.

Барча соҳада рақамлаштириш жадал суръатда амалга оширилмоқда. Шу қатори солиқ тизимида ҳам Маълумотларни қайта ишлаш марказини босқичма-босқич модернизация қилиш, ўз навбатида, солиқ тўловчиларга рўйхатдан ўтиш, солиқ режимини танлаш, бюджет билан муносабатларини онлайн кузатиш, ҳисоботларни шакллантириш ва топшириш, шахсий кабинети орқали дунёнинг исталган бурчагидан солиқ мажбуриятларини электрон тарзда бажариш имкониятини берди.

Умумий ҳисобда солиқ органларининг электрон давлат хизматлари портали-**my.soliq.uz** да 50 га яқин шу каби масофавий хизматлар йўлга қўйилган. Солиқ тизимида бу хизматлардан бугунги кунда кенг кўлланиляпти. Шу билан бирга, янги воситалар-электрон хисобварақ-фактура, электрон шартнома, онлайн назорат касса техникалари, рақамли маркировка, маҳсулотларнинг ягона электрон миллий катологи жорий этилди.

Жорий этилаётган рақамлаштириш жараёнида, жумладан, Президентимизнинг 2019-йил 6-сентябрдаги “Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳисоб-китоблар тизимига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда ушбу соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига мувофиқ, 2019-йил 1-январдан бошлаб тадбиркорлик субъектлари босқичма-босқич онлайн ва виртуал кассалардан фойдаланишга ўтказилмоқда. Бугунги кунга келиб 149.3 мингта хўжалик юритувчи субъект 182.8 мингдан ортиқ онлайн ва виртуал кассалар билан таъминланди.

Мазкур қурилмаларни сотиб олишда тадбиркорлик субъектлар харажатларини камайтириш мақсадида биринчи босқичда ҳисобланган ва тўланиши лозим бўлган фойда ёки ягона солиқ тўлови ёхуд белгиланган солиқ суммасини онлайн НКМни ўрнатиш учун тегишли харажатлар суммасига камайтириш тарзидаги имтиёз тақдим этилди. Бунинг натижасида тадбиркорлик субъектлари 22.7 миллиард сўм миқдоридаги бюджетга тўланиши керак бўлган солиқлар ҳисобидан харажатларини қоплади.

2021-йил 20-августдаги Президентимизни тадбиркорлар ва ишбилармонлар билан учрашувида 15 мингдан ортиқ мурожаатлар келиб тушган ва бу мурожаатлар ўрганилиши натижасида мухим вазифалар белгилаб олинди. Бу вазифаларни амалга ошириш учун “Йўл харитаси” тасдиқланди.

Йўл харитаси қуйидаги 8 йўналишдан иборат қилиб белгиланди:

- тадбиркорларга кредитлар ажратиш ва молиявий қўллаб-қувватлаш;
- солиқ тизимини такомиллаштириш, бизнесга солиқ юкини камайтириш;
- ер ажратиш механизмларини такомиллаштириш, ундан ликвидли актив ва гаров объекти сифатида фойдаланиш имкониятини яратиш;
- ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга туртки берадиган лойихалар учун мухандислик-коммуникация инфратузилмасини яратиш;
- экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш, кичик бизнесни экспорт фаолитига кенг жалб қилиш;
- транспорт-логистика соҳасини ривожлантириш, юкларни божхона орқали ўтказишни соддалаштириш ва рақамлаштириш, транспорт харажатларини қисман қоплаш тизимини йўлга қўйиш, юк вагонлари хизматига бозор тамойилларини жорий этиш;
- тадбиркорлик фаолиятига аралашувларни қисқартириш, соҳадаги тартиб-таомиллари соддалаштириш, хусусий мулк дахлсизлиги борасидаги сиёсатни қатъий давом эттириш.

Ушбу мулоқотдан сўнг давлатимиз раҳбари томонидан кўрилган масалаларни ҳал килиш мақсадида бир нечта қарор ва фармонлар қабул қилинди.

Биринчидан 2021-йил 24-августда “Қўшилган қиймат солиғи маъмуриятчилигини такомиллиаштириш тўғрисида”ги ПҚ-5231-сонли қарори чиқди. Бу қарорга асосан 2021 йил 1 октябрдан бошлаб экспорт қилинадиган товарлар учун ишлатилган, ҳақиқатда олинган товарлар (хизматлар) бўйича тўланиши лозим бўлган (тўланган) қўшилган қиймат солиғи суммасини солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикасидаги банк ҳисобварағига чет эл валютаси тушуми келиб тушишидан қатъи назар ҳисобга олиш тартиби ўрнатилиши белгиланди. Шунингдек 2022 йил 1 январдан бошлаб:

қўшилган қиймат солиғининг салбий суммасини қоплаш (қайтариш) учун солиқ органларига ариза билан алоҳида мурожаат қилиш ҳақидаги мажбурий талаб бекор қилинди;

солиқ тўловчига тегишли солиқ даври учун солиқ ҳисоботини топширишда, солиқ органларини хабардор этган ҳолда қўшилган қиймат солиғи салбий суммасини қоплаш (қайтариш) талабини билдириш ҳуқуқи берилди.

Иккинчидан 2021-йил 25-августда “Умумий овқатланиш ва туризм соҳаларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-5232-сонли қарори чиқди. Бу қарорга асосан 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб:

- 2021 йил 31 декабрга қадар умумий овқатланиш корхоналари юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ва юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлашдан озод қилинди;
- 2023 йил 1 сентябрга қадар туристик (меҳмонхона) йиғимини ҳисоблаш ва тўлаш тўхтатилди.

Учинчидан 2021-йил 31-августда “Қурилиш материаллари саноатини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-5239-сонли қарори чиқди. Бу қарорга асосан:

- 2021 йил 1 октябрдан бошлаб цемент (клинкер) ишлаб чиқарувчилар учун фойда солиғининг ставкасини 20 фоиздан 15 фоизгача пасайтирилди;
- 2022 йил 1 январдан бошлаб цемент ишлаб чиқаришга мўлжалланган 1 тонна оҳактош учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкасини икки баравар камайтирган ҳолда 22 500 сўм миқдорда белгиланди.

2022-йил 27-январ куни Давлат солиқ қўмитасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мутахассислари, Давлат солиқ қўмитаси Жамоатчилик кенгаши аъзолари, солиқ маслаҳатчилари, бухгалтерлар ва аудиторлар иштирокида учрашув ташкил этилди. Бу тадбир давомида солиқ тўловчиларга автоматлаштирилган тизимлар ва хизматлардан фойдаланиш тартибига киритилган ўзгартиришлар ҳақида маълумот берилди. Шунингдек, “E-aktiv” автоматлаштирилган ахборот тизимидан фойдаланиш ихтиёрий бўлиши айтилди. 2022-йил 1-апрелдан “E-aktiv” дастурида фақат 4 тоифадаги товарлар – семент, шиша, ёғоч ва пахта бўйича операциялар акс эттирилади. Бошқа маҳсулот гуруҳларини ҳисобга олиш босқичма-босқич амалга оширилади – ҳар чоракда бир нечта маҳсулотлар бўйича. “ E-aktiv ” тизими “товарсиз” операцияларнинг олдини олишга хизмат қилиши ҳам таъкидланди.

“E-aktiv” ААТдан фойдаланмаганлик ҳамда товарга (хизмат) мос келмайдиган маҳсулот ва хизмат индентификатсия кодлари (МХИК)ни нотўғри кўрсатганлик учун жавобгарлик чораларини қўлламаслик 2022-йил 1-сентабрга қадар узайтирилди.

Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) тўловчиларига тааллуқли хавфларни таҳлил қилишнинг автоматлаштирилган тизимига алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур тизим 2021-йилнинг сентабр ойида тест режимида жорий қилинган. Автоматлаштирилган тизим ёрдамида солиқ тўловчилар Вазирлар Маҳкамасининг 595-сон қарори кучга киргунга қадар 3 ой давомида 18 та мезон бўйича хавф омилларини бартараф этишлари мумкин эди.

2023-йил 1-январга қадар солиқ хавфи даражаларининг қуйидаги мезонларини қўллаш тўхтатилди:

Солиқ хавфининг юқори даражаси бўйича учта мезон:

– раҳбар шахсининг ёки молиявий бошқарув вазифаларини амалга ошираётган шахснинг ЯММТ да тасдиқланмаганлиги;

– ўз кўчмас мулки, ижарага олинган ёки текин фойдаланилаётган кўчмас мулки йўқлиги;

– солиқ тўловчининг манзили номинал жойлашган жой манзили билан тўғри келиши (18 квадрат метрдан кам);

Солиқ хавфининг ўрта даражаси бўйича иккита мезон:

– охирги ўн икки ой ичида солиқ ҳисоботларини ўз вақтида тақдим этмаслик ҳолатлари мавжудлиги;

– ёлланма ишчилари йўқлиги ёки 4 нафардан камлиги.

Солиқ хавфи мезонларининг юқорида келтирилган 3 та юқори даражаси аниқланганда, ҚҚС гувоҳномасининг амал қилиш муддати тўхтатилмайди. Шунингдек, қайд этилган солиқ хавфининг 2 та ўрта даражаси ҳам солиқ назорати ўтказиш учун асос бўлмайди.

Ҳулоса ўрнида шуни кўришимиз мумкинки мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ўзгаришлар барча соҳани қамраб олиб, буларнинг барчаси давлат органлари томонидан “Солиқчи-Кўмакчи” тамойили асосида олиб борилаётганлигига мисол бўлади.

Кенжаева Умрия Фахритдиновна,
ТДИУ, МКБ-10 гуруҳ магистри,
Илмий раҳбар: PhD. доц. Б.Н.Уринов

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Аннотация: *Тезисда акциядорлик жамиятларини ривожланишида корпоратив бошқарувнинг роли, рақамли иқтисодиёт шароитида корпоратив бошқарувнинг ривожланиши, Ўзбекистонда корпоратив бошқарув амалиётининг ривожланиш тўғрисда фикр юритилган, шунингдек, корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этиш бўйича таклиф ва тавсиялар келтирилган.*

Калит сўзлар: *Корпоратив бошқарув, рақамли иқтисодиёт, акциядорлик жамияти, рақамли иқтисодиётнинг ўрни, акциядорлар.*

Ҳозирда корпоратив бошқарув тизимини самарали ташкил этиш ва уни тузишга таъсир этувчи омилларни бартараф этиш муҳим масалалардан бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349 сонли "Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди[1]. Мазкур Фармонга биноан давлат бошқаруви ва иқтисодиётнинг реал секторида инновацияларни жорий қилишга кўмаклашиш, рақамли иқтисодиёт ўсишини рағбатлантириш, шу жумладан ишлаб чиқаришда комплекс автоматлаштирилган бошқарув тизимларини жорий этиш, электрон тижоратнинг ривожланиши учун қулай шарт-шароитларни яратиш масаласи қўйилган.

Рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш ва корпоратив бошқарув бўйича миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, фонд бозорларининг ривожини рағбатлантириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш лозимлиги қайд этилди ва шу йўналишда қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда рақамли иқтисодиёт шароитида корпоратив бошқарув соҳасини ривожлантириш учун кўпгина меъёрий ҳужжатлар тасдиқланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022–2026-йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантиришнинг еттита устувор йўналиши бўйича Тараққиёт стратегияси тўғрисида" 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сонли Фармони фармони қабул қилинди[1]. Бу фармон асосида акциядорлик жамиятлари самарадорлигини тубдан ошириш, акциядорлик жамиятлари фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) асосида баҳолаш тизими бўйича «Миллий рейтинг» тизимини жорий этиш, корпоратив бошқарувни ривожлантириш ва баҳолаш билан боғлиқ жараёнларни рақамлаштириш ва «Рақамли давлат хизмати» лойиҳасини амалга ошириш вазифалари мақсад қилиб қўйилди. Корхоналарга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, бўлажак инвесторлар учун уларнинг очиқлиги ва жозибадорлигини таъминлаш, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш, корхоналарни замонавий бошқаришда рақамли иқтисодиётнинг ролини кучайтириш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида корпоратив бошқарувнинг такомиллаштиришнинг аҳамияти ва зарурлиги ортиб бормоқда.

Ҳозирги кунда рақамли иқтисодиёт бўйича ягона таъриф мавжуд эмас. Рақамли иқтисодиёт – рақамли технологияларни ва у билан боғлиқ маҳсулот ва хизматларни яратиш, тарқатиш ва улардан фойдаланиш фаолияти ҳисобланади. Рақамли технологиялар – маълумотларни электрон шаклда йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш, қидириш, узатиш ва тақдим этиш технологияларидир[3]. Яъни янги технологиялар ва платформаларни яратиш ва уларни ҳаётга жорий этиш орқали иқтисодиётни янгича тизимга кўчиришдир.

Рақамли иқтисод - хўжалик юритишнинг янги замонавий шакли бўлиб, унда ишлаб чиқариш ва бошқаришнинг асосий фактори сифатида рақамли кўринишдаги катта маълумотлар мажмуи ва уларни қайта ишлаш жараёни ҳизмат қилади[4].

Рақамли секторга қуйидагиларни киритиш мумкин: давлат бошқаруви, молия, ахборот ва консалтинг ҳизматлари кўрсатиш, чакана ва улгуржи савдо, шунингдек, турли коммунал ва ижтимоий ҳизматлар кўрсатиш. Ва таъкидлаш жоизки, компанияларда бошқарувнинг барча иштирокчилари, директорлар кенгашлари билан муносабатларда замонавий инновацияларни тезлик билан амалга ошириш учун корпоратив бошқарувда янги рақамли технологияларни қўллаш зарур. Шу муносабат билан компанияларда корпоратив бошқарувни рақамлаштиришнинг муҳим аҳамият касб этади.

Ҳукуматнинг рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўлини танлаганлиги ахборот технологиялари соҳасида ва умуман, электрон ҳужжатлар айланмаси соҳасида янги йўналишлар очиб беради. "Рақамли технологиялар" томон бурилишга бутун жаҳон интернет тармоғи ва сифатли алоқанинг ривожланиши сабабчи бўлди.

Компаниянинг рақамлаштиришда кузатув кегашининг роли муҳим ҳисобланади. Бунинг учун директорлар кенгашига рақамли бизнесда тажрибаси бўлган, кейинги йиллар ичида компания ривожланишига қандай технология таъсир қилишини тушунадиган "рақамли директорлар"ни жалб қилиш керак. Директорлар кенгаши ишини ташкиллаштиришда ҳам рақамли технологияларнинг роли ортиб бормоқда. Сўнгги йилларда кўплаб компанияларда кузатув кенгаши йиғилишлари электрон тизимга ўтказиляпти.

Бу эса қатор имкониятларнинг мавжудлигига олиб келади, жумладан: Кузатув кенгашиаъзолар иштирокини ортиши, кун тартибидаги масалалар аниқ ва қисқа белгиланиши, тезроқ ва қулайроқ муҳокамаларнинг олиб борилиши, ижроия органи билан самарали ва сифатлироқ мулоқот қилиш имкониятидир.

Шу билан бирга, кузатув кенгаши аъзоларига мажлисларнинг кун тартиби тўғрисида ахборот берилади, овозга қўйилган масалалар, шунингдек, йиғилиш ўтказиладиган сана бўйича материаллар қабул қилинади. Тизимда юзма-юз ва сиртдан овоз беришни ўтказиш ва алоҳида фикрни шакллантириш мумкин. Қарор қабул қилиш билан боғлиқ ҳужжатларни қабул қилиш ва қайта ишлаш жараёнларини тезлаштириш имконини беради.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ташкил этиш хорижий тажрибаларни қўллаш талаб қилмоқда. Бунда сайлов жараёнини рақамлаштириш бўйича хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, янги технологиялар ва усуллардан фойдаланиш аҳамиятлидир.

Электрон овоз бериш миноритар ва хорижий акциядорлар, Кузатув Кенгаши аъзолари учрашувлар, йиғилишларда рўйхатдан ўтиш ва веб-сайтида электрон сайлов шаклини тўлдириб овоз бериш имконини берадиган қулай, универсал овоз бериш воситаси саналади. Бу тизимда йиғилиш кун тартиби ва материаллари билан танишиш, йиғилишни веб-томоша қилиш, ягона интерфейс ёрдамида эмитент билан онлайн мулоқот қилиш имконини яратади. Унинг афзалликлари қуйидагилар:

- йиғилиш ўтказиладиган жойдан узоқлиги, масофанинг аҳамияти йўқолади;
- интернет орқали уланиш имконияти;
- оддий почта ўртача 10-20 кун ичида етказилади. Электро бюллетен бир зумда;
- овоз бериш ҳужжат мазмунидаги ўзгаришлардан ҳимояланиш ва имзони сохталаштиришни таъминловчи ёпиқ алоқа каналлари орқали амалга оширилади;
- Электрон овоз бериш аксиядорларнинг ахборот олиш ҳуқуқини янада ҳимоя қилишни таъминлайди ва қимматли қоғозлар бозорида ваколатли органлар томонидан назорат жараёнини оптималлаштиради[3].

Электрон овоз бериш тизими компания ва акциядорнинг ўзаро алоқасининг трансфорабеллигини оширади. Компания қарор қабул қилишда акциядорлар билан алоқа ўрнатиш, кўплаб манфаатдор томонлардан таклифлар тўплаш учун коммуникация технологиялари имкониятларидан фойдаланади.

Акциядорлар компаниянинг молиявий ва иқтисодий фаолияти ҳақида маълумотни олиш имкониятига эга бўладилар, бу эса уларга ахборот олиш ҳуқуқини оширади, натижада буларнинг барчаси инвесторларнинг инвестиция миқдорини оширишга туртки бўлади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда фонд бозорини ривожлантириш, акцияларни бозор нархини ошириш ва иккиламчи қимматли қоғозларнинг биржа савдоларида сотилишини ривожлантириш ва давлат улушини камайтириш корпоратив бошқарув тизимида мавжуд камчиликларни ижобий ҳал этишга қаратилади. Истиқболда мамлакатимизда ушбу соҳада корпоратив бошқарувни ривожлантиришга асос бўлади. Ишлаб чиқариш, инвестиция жараёнлар ва ташқи иқтисодий фаолиятга замонавий корпоратив менежмент мезонлари татбиқ этилади.

Юқорида келтирилган таклифларнинг амалиётга жорий этилиши, акциядорлик жамиятларида рақамли иқтисодиёт шароитида корпоратив бошқарувнинг янада такомиллаштиришга имкон яратиб беради ва бу секторда етарлича жозибадорликнинг ошишига ўз таъсирини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони "Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" - https://lex.uz/docs/3564970

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони "2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида" - https://lex.uz/docs/5841063

3. З.А. Ашуров, Ф.А. Жалилов, Б.Н. Уринов Замонавий корпоратив бошқарув (хорижий тажриба). – Т.: Иқтисодиёт, 2021. –195 с

4. С.С. Гулямов, Р.Ҳ. Аюпов. Ракамли иктисодиёт ва электрон тижорат асослари. – Т.:"Иқтисод-Молия", 2020, 510 бет. Ўқув қўлланма

5. Urinov, B. (2015). Корпоративный кодекс основа и гарантия эффективности корпоративной деятельности. "Бизнес - Эксперт" Журнали, 10(94), 50–53.

6. Толаметова З.А. Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни шакллантириш шароитида рақамли тадбиркорликни ривожлантиришнинг йўналишлари. "Иқтисод ва молия 2020, 3(135)" Журнали, 165–174.

Маннафов Улугбек Умар угли
магистрант 2-го курса группы MMNP-31,

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ

Целью исследования является разработка теоретико-методологических положений, а также практических рекомендаций по управлению инновационным развитием промышленного предприятия вертикально интегрированной структуры, которое рассматривается как один из механизмов повышения его конкурентоспособности. В статье проанализированы технологии инновационного развития экономических систем, рассмотрены современные тенденции и выявлены проблемы управления их инновационным развитием, исследованы технологии управления параметрами жизненного цикла продукции на промышленных предприятиях и формах. критерии эффективности управления инновационным развитием. Результатом исследования является разработка структурно-параметрической модели управления инновационным предприятием и создание механизма повышения эффективности его деятельности.

В условиях вертикальной интеграции промышленно-производственных систем увеличивается не только возможность приобретения готовых инноваций за счет роста финансовой мощи компании, но и разработка инновации собственными силами за счет использования целый диапазон факторов. В качестве ключевого фактора развития инновационной деятельности промышленных предприятий следует рассматривать возможность перераспределения операционных ресурсов между хозяйствующими субъектами в интересах сбалансированного развития их инновационной и инвестиционной деятельности.

В подсистеме инновационного развития на основе разработанной инновационной стратегии предприятия реализованы процессы, связанные с определением конкретных целей управления инновационным развитием, разработкой планов и программ развития инновационного развития и определением управления. технологии инновационного развития. Инновационные изменения (продуктовые, сырьевые, технологические, организационные и рыночные) в результате реализации инновационных процессов подлежат контролю. Анализ и оценка эффективности инновационного развития компании связаны с корректировкой как непосредственной стратегии инновационной деятельности, так и общей стратегии развития компании.

Комплексное изучение систематизированных технологий инновационного развития экономических систем позволило проанализировать современные тенденции управления инновационным развитием экономических систем. Обобщение результатов известных исследований показало, что основными направлениями управления инновационным развитием экономических систем являются следующие. Во-первых, наблюдается тенденция усложнения схем управления инновационным развитием экономических систем, обусловленная ускорением научно-технического прогресса, с одной стороны, и возрастающим насыщением рынка, с другой.

Рисунок 1 Схема инновационного развития экономической системы как объекта управления на микроэкономическом уровне.

В результате значительно увеличилась доля инновационной продукции на фоне продукции традиционной экономической системы. Эти обстоятельства связаны с повышением требований к качеству управления инновационным развитием экономических систем.

Обобщение результатов известных исследований показало, что основными направлениями управления инновационным развитием экономических систем являются следующие. Во-первых, наблюдается тенденция усложнения схем управления инновационным развитием экономических систем, обусловленная ускорением научно-технического прогресса, с одной стороны, и возрастающим насыщением рынка, с другой. В результате значительно увеличилась доля инновационной продукции на фоне продукции традиционной экономической системы. Эти обстоятельства связаны с повышением требований к качеству управления инновационным развитием экономических систем.

Это основная тенденция управления инновационным развитием экономических систем, из которой вытекают все остальные тенденции. Во-вторых, наблюдается тенденция перераспределения усилий в управлении инновационным развитием экономических систем, обусловленная возрастающей ролью и значением человеческого капитала как фундаментальной основы формирующейся экономики знаний. Эти обстоятельства предъявляют повышенные требования к компетентности менеджеров системы управления инновационным развитием экономических систем.

В-третьих, поскольку на результативность производственно-коммерческой деятельности любой экономической системы в сфере инноваций существенное влияние оказывает управление процессом функционирования и организационной структурой, в рамках которого осуществляются инновационные процессы, в условиях растущего рынка. неопределенность, гибкость в использовании ресурсов и соответствие требованиям рынка имеет принципиальное значение.

Заключение

При построении и использовании системы управления инновационным развитием промышленного предприятия целесообразно на основе данных мониторинга проводить аудит инновационных проектов, устанавливать весовые коэффициенты для оценки эффективности инновационной деятельности отдельных предприятий и рассматривать в качестве приоритетного критерия эффективность инновационной деятельности.

Литература

1. Инновационно-инвестиционный менеджмент в АПК / Под ред. В.М. Румянцева - М. : Издательство МСХА, 1999.

2. Астапов К. Инновации промышленных предприятий и экономический рост// «Экономист», №6, 2002.

3. Астахов А.С. А.Грюблер. Технология и глобальные изменения// «Экономика и математические методы», №1, 2001.

Рахимова Зухра - магистрант 2-курса,
ТГЭУ, Узбекистан, Ташкент

ДИВЕРСИФИКАЦИЯ ТУРИСТИЧЕСКИХ УСЛУГ И РАЗВИТИЕ НОВЫХ ВИДОВ ТУРИСТИЧЕСКИХ УСЛУГ В УЗБЕКИСТАНЕ

Аннотация: *В данном тезисе автор рассматривает новые виды туризма и их влияние на уровень развития туристического сектора в Республике Узбекистан , а также дает рекомендации внедрения части этих услуг в государственный сектор экономики.*

Ключевые слова: *туризм, турист, диверсификация услуг, кинотуризм, MICE-туризм, паломнический туризм, развлекательная поездка, тимбилдинг, деловой туризм.*

В начале 2016-х гг. в Узбекистане был запущен процесс кардинального реформирования туристической отрасли. Преобразования в сфере туризма названы одним из стратегических направлений развития национальной экономики, которое способно обеспечить ускоренное развитие регионов.

Анализ показал положительную динамику роста основных индикаторов туризма. Так, в 2016-2019 годах произошло значительное увеличение количества иностранных туристов, посетивших Узбекистан. Для сравнения, если в 2016 году страну посетило 2 миллиона иностранных туристов, в 2019 году их количество увеличилось в 3,3 раза и достигло 6,7 миллиона.[1]

По данным Всемирного совета по туризму и путешествиям, прямой и косвенный вклад туризма и путешествий в мировой ВВП в 2019 году составил 8,9 триллиона долларов (10,9% мирового ВВП). Соответственно, каждый 10-й человек в мире работал в сфере туризма. [2]

Следует отметить, что из-за ограничений, введенных на фоне пандемии коронавируса и последствий возникшего глобального кризиса, туристическая отрасль понесла серьезные убытки. В частности, в 2020 году количество иностранных туристов, посетивших Узбекистан, снизилось более чем в 4,5 раза, до 1,5 миллиона, а объем туристических услуг упал до 261 миллиона долларов. В частности, общий объем туристических услуг, предоставленных в 2019 году, в отправной точке пандемии, превысил 1,5 миллиарда долларов, а экспорт достиг 1,3 миллиарда, что составляет 38,2% от общего экспорта услуг. [3]

MICE-туризм

По данным ЮНВТО, во время деловых поездок люди тратят в три-четыре раза больше, чем в ходе развлекательных туристических поездок. Кроме того, если развлекательный туризм носит сезонный характер, то деловой туризм может приносить доход в течение всего года.

В последние годы в Узбекистане приняты практические меры по диверсификации структуры туристических услуг и развитию новых видов туризма. В частности, большое внимание уделяется увеличению потока туристов через MICE-туризм, то есть организации различных турниров, встреч, конференций и выставок в Узбекистане.

Справочно: MICE-туризм — это сфера делового туризма, связанная с организацией и проведением различных корпоративных мероприятий. MICE — это деловые встречи, тимбилдинг, конференции, корпоративный отдых и так далее.

Правительство также утвердило План мероприятий по развитию MICE-туризма в Узбекистане. В результате принятых мер по развитию новых видов туризма, в последние годы было проведено несколько мероприятий, среди них традиционный спортивный турнир «Игра героев» в Хорезме, фестиваль «Искусство Бахчичилик» в Сурхандарье, и авторалли «Муйнак-2019» в Каракалпакстане.

Кинотуризм

Кинотуризм – еще один из важнейших инструментов формирования имиджа страны, который играет роль пассивной рекламы, предоставляющей информацию о регионе среди потенциальных туристов.

Например, через год после показа фильма «Храброе сердце» количество посетителей шотландского памятника Уоллесу, где снимался фильм, увеличилось на 300%. После показа еще одного аналогичного фильма, гостиничные номера, где снимался фильм, были бронированы в течение следующих 3 лет. [4]

Для развития кинотуризма в Узбекистане также был принят ряд мер. В частности, приняты Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему развитию сферы туризма в Республике Узбекистан» и Постановление Кабинета Министров «О мерах по обеспечению ускоренного развития туристской отрасли Республики Узбекистан». Согласно вышеуказанным НПА, предусматривалось разработать положение о порядке возмещения части затрат («rebate») зарубежных кинокомпаний при создании аудиовизуальной продукции на территории Республики Узбекистан. Результаты не заставили себя ждать. На сегодняшний день зарубежные кинокомпании выпустили такую аудиовизуальную продукцию, как фильмы «Базилик», «Худа Хафиз» и «Аль Сафар». [5]

В прошлом году зарубежные кинокомпании осуществили в Узбекистане стране съемки 6 художественных фильмов стоимостью 1,6 миллиона долларов.

Зиерат туризм (Паломнический туризм)

Согласно отчету Global Muslim Tourism Index, опубликованному в 2019 году, количество мусульман, совершивших паломничество в 2018 году, составило 140 миллионов. К 2026 году это число ожидается достигнет 230 миллионов. [6]

За прошедший период Узбекистан много сделал для развития паломнического туризма и увеличения его доли в экспорте туристических услуг. Например, в целях создания особого удобства для посещающих Узбекистан в целях паломнического туризма, к отелям введены новые требования, разработана и размещена в мобильном приложении карта мечетей страны. В Бухаре прошел первый Форум Зиерат туризма, в котором приняли участие 120 зарубежных гостей из 34 стран.

Медицинский туризм

Согласно результатам исследования профессора Техасского университета Хамида Белади, увеличение доходов от медицинского туризма на 1% увеличивает годовой темп роста реального ВВП на 0,0019%. Многие другие исследователи, такие как Klijs, на примерах Малайзии и Наранонга в Таиланде, также подтвердили прямое положительное влияние медицинского туризма на экономику принимающей страны. [7]

В Узбекистане также проводятся мероприятия по развитию медицинского туризма и привлечению большего количества туристов в медицинские организации. в частности, проводятся конференции, обучающие семинары в сотрудничестве с крупнейшими государственными и частными медицинскими учреждениями страны. Особенно важную роль в оказании медицинских услуг иностранным гражданам играют частные медицинские клиники.

Данные показывают что, в 2019 году количество иностранных граждан, посещающих Узбекистан с медицинскими целями, превысило 50 тысяч. На самом деле, это число может быть в разы больше, поскольку определение количества туристов, посещающих частные медицинские клиники, по-прежнему остается сложной задачей.

Однако в отрасли существует множество проблем, которые необходимо решить. Высокие транспортные расходы по сравнению с соседними странами, отсутствие диверсификации авиамаршрутов, а также низкое качество дорог, санитарная и информационная инфраструктура, острая нехватка гидов и экскурсоводов являются одними из факторов, снижающих туристическую привлекательность Узбекистана

В заключение следует отметить, о необходимости трансформации турбизнесом Узбекистана своих бизнес-моделей с помощью инноваций и цифровизации. Необходимо развивать такие сегменты рынка, как агро и этно туризм, потенциал которых в настоящее время только начинает раскрываться.

Список использованной литературы:

1. *“Равзвитие туризма в Узбекистане: обзор туротрасли за 2016-2020 гг.”*
2. *Х. Мажидов. / Журнал “Экономическое обозрение”*
3. *www.wttc.org*
4. *Центра экономических исследований и реформ. 2021.09.01*
5. *«Реализуя туристический потенциал»С. Камалова Журнал “Экономическое обозрение” №10 (238) 2019*
6. *www.crescentrating.com*
7. *“Research associates excess body weight with COVID-19 mortality” by Hamid Beladi / University of Texas / October 2, 2021*

Жўраев Ўразали Кучкарович,
ТДИУ, 2-босқич МКБ-10
Илмий раҳбар: и.ф.н.,доц.Умарходжаева М.Г.

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА СТРАТЕГИК БОШҚАРУВНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Аннотация: *Мақолада стратегия тушунчаси, стратегик бошқарув жараёни ва унинг таркибий қисми ҳамда унга таъсир этувчи омиллар кўриб чиқилган.*

Калит сўзлар: *стратегия, стратегик режалаштириш, стратегик ташкиллаштириш, стратегик назорат ва тартибга солиш, SMART.*

Жаҳонда кечаётган беқарор бозор иқтисодиёти шароитида миллий иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, турли мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларига асосланган корхона ва бирлашмаларни стратегик бошқариш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Стратегик қарорлар корхона ва компаниянинг кўп йиллик ривожланишига жуда муҳим таъсир кўрсатса, стратегик хатолар эса тузатиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши мумкин. Аниқ стратегия ва унинг истиқболига қатъий ишонган инсонлар, узоқни кўра олиш қобилиятига эга бўлмаган кишиларга нисбатан ҳаётнинг турли бурилишларию кутилмаган ҳодисаларига тайёрроқ бўлади ва уларни яхшироқ енгиб ўта олади, деган эди Уинстон Черчилл. Тўрт йил олдин давлатимиз, жамиятимиз ривожида кескин бурилиш ясаган тараққиёт таълимоти — Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди.

Стратегия — бу таълимотни излаш, ифодалаш ва ривожлантириш тизими бўлиб, у изчиллик билан ва тўлиқ амалга оширилганда узоқ муддатли муваффақиятни таъминлайди.

«Янги Ўзбекистон орзуси, бугунги кунларимизга нисбатан айтганда, ҳозирга даврнинг тақозоси, унинг асл қиёфасини, ҳаракатлантирувчи кучлари ва омилларини белгилайдиган ғоявий-маънавий асос, халқимизга хос яратувчанлик шижоати ва кенг кўламли ислоҳотларимизнинг яққол ифодасидир»

Бугунги ўзгаришлар даврида хар қандай бошқарувчи шахс учун, ўзи бошқараётган компаниянинг тақдири у ёки бу даражада ўзига боғлиқ, тўғри ташқи омиллар ҳам ўз таъсирини кўрсатади, лекин аниқ мақсад ва белгиланган вазифалар ва кутилаётган натижаларни олдиндан

кўра билиш лозим. Назарий адабиётлар таҳлили шуни курсатдики, стратегик бошқарув жараёни ва уни ни шартли равишда уч турга ажратиш мумкин: стратегик режалаштириш, стратегик ташкиллаштириш, стратегик назорат ва тартибга солиш бошқарувидир. Бу турларнинг хар бирида нисбатан алохида-алохида масалалар хал қилинади.

Стратегик режалаштириш - бу рақобатбардошлик афзалликларини молиялаштириш ва ривожлантириш, унга эришиш ва сақлаб қолишга олиб келувчи ички ва ташқи омилларни тадбиқ қилиш, корхона стратегик холатини тахлили жараёнидир. Стратегиянинг нафақат корпорация рақобатбардошлиги жихатларини ривожлантиришга йўналган бўлиши, балки уни капитализациясига хам йўналиши лозимлигини кўпгина стратегик бошқарув муаммолари билан шуғулланувчи профессионал муаллифлар хам таъкидлашади. Шу жумладан Фред Р. Дэвид шундай деб ёзади: “Танланаётган стратегия қулай ташқи мухитдаги афзалликларни ола билиши ва ташқи хатарлардан ишончли химоя қилиши, корхонанинг кучли тарафларини самарали равишда капитализациялаши ва унинг ёрдамида заиф жихатларни бартараф эта олиши керак. Аммо, тегишли тахлил ўтказишда фойдаланиш мумкин бўлган аналитик курол, хали хамон жиддий ривожланишга мухтож”.

Стратегик ташкиллаштириш- корпорацияни танлаган стратегиясини нисбатан тўлиқ ва самарали бажарилишини таминлашни ташкил этишга мослашув жараёнидир. Аслида бу мослашишлар қабул қилинган стратегиядан келиб чиқадиган корхонанинг мақсад ва вазифалари тизимини ишлаб чиқиш, унинг ўзгариши ва ресурсларини ўрнини босишдан иборат. Стратегик ташкиллаштириш кўпинча бутун стратегик бошқарув жараёнининг энг қийин бўғини хисобланади, чунки бу хар бир кишидан ўзига талабчанликни тақозо қилади. Буни самарали амалга ошириш менежердан ишчиларни тўғри рағбатлантиришни талаб қилади, бу эса санъат хисобланади.

Стратегик назорат ва тартибга солиш - корпорация эришган холатининг тахлили ва бахолаш жараёни бўлиб, пировардида стратегик мақсадларга тўлиқроқ эришишни ташкил этишдан иборат.

Бизни ўраб турган мухит жуда кўп элементларнинг ўзаро муносабатидан юзага келадиган турли воқеа ходисалардан иборат мураккаб тизимдан иборат. Бирон бир воқеага муносабат билдиришда, хеч қачон ишонч билан мақсад сари эришилган барча ютуқларни бу воқеа йўққа чиқара олмайди деб айтиб бўлмайди. Аммо воқеа-ходисаларга муносабат билдирмай туриб, ўз мақсадимизга эришишга умид қилмаса хам бўлади. Шунинг учун ижобий ютуққа эришиш имкониятини ошириш учун воқеаларга ва у билан алоқа тизимига актив таъсир этиш, бир сўз билан, бошқарув зарурдир.

Ташкилотнинг ўз атрофидагии муносабат характерига кўра бошқарувнинг уч модели (ёки тури) кўрсатилади: маъмурий (административ), ситуацион ва стратегик. Агар бу бошқарув турларининг мазмунини изохласак, у холда административ ва директив, ситуацион ва реактив, стратегик ва проактив бошқарувлар орасига тенглик ишорасини қўйиш лозим бўлади.

Аслида маъмурий бошқарувнинг административ модел фалсафаси каби қарор қабул қилувчи ва ижро этувчи органлар мавжудлигини тақозо қилади. Жавобгарлик эса қарор қабул қилувчи орган зиммасига тушади. Ижро органлари эса маълум кўрсатмалар олмагунча хеч қандай харакатни амалга оширмайди. Шунинг учун, корхонанинг ижро органи ва уни ўраб турган олам билан ўртасида административ тизим тўсиғи мавжуд.

Воқеа-ходисалар ўзгаришига муносабат билдириш ситуацион бошқарув фалсафаси каби, тижорат–ишлаб чиқаришнинг самарали фаолияти траекториясини башорат қилувчи ташкилотнинг норматив фаолиятини талаб қилади.

Стратегик бошқарувнинг асосий мазмуни, ташқи мухит ўзгаришларига ташкилий кетма-кетлик асосида корхонани мослашуви фикри, хар қандай бошқарув масалаларини хал қилиш ва тўлиқ бошқарув тизимини ташкил этишдан иборат. Лекин, ташқи мухит ўзгаришларига мослашиш ва шу билан бирга қўйилган мақсадларга эришиш тезлигини сақлаб қолиш учун, ташкилот ўз стратегиясига эга бўлиши лозим. Стратегияга ягона таъриф бериш жуда мушкул, чунки стратегия шу қадар кўп қирралики, унга салгина бошқа нуқтадан қаралса хам унинг мазмуни бутунлай ўзгариб кетади.

Маълумки, стратегия қадимий сўз бўлиб, юнонча “strategia” сўзидан олинган ва саркардалик илми ёки санъати маъносини ифодалайди. Қадимги Юнонистонда харбий саркардаларга катта ахамият берилган. Тарих гувохлик беришича, нисбатан қобилиятли ва омадли саркардалар армиясининг тўғри сафланишига ва шунингдек қачон жангга кириш керак хақидаги қарорларни қабул қилишлари, қачон халқ, сиёсатчилар, дипломатлар билан музокарага киришишга катта ахамият беришган.

Хозирда стратегия тушунчасининг замонавий таърифи қадимий маъносига яқин келсада, алохида жихатлари тахлил қилинганда улар орасида тафовут фарқланади. Масалан, Квинт фикрига кўра стратегия қуйидагича бўлиши лозим:

- Ишнинг пировард натижасига эришиш учун аниқ мақсадларни ифода этиш;
- Ташаббусни қўллаб қувватлаш;
- Керакли вақтда ва керакли жойда асосий кучни йўналтира олиш;
- Минимал ресурслар сарфлаб максимал натижага эришишни таъминлаш;
- Йўналган бошқармани ифодалаш;
- Тўғри фаолият жадвалини тахлил қилиш;
- Кафолатланган ресурслар билан таъминлаш.

Умумий қилиб айтадиган бўлсак, корхонанинг стратегияси –истеъмолчиларнинг талаблари ва эхтиёжларини қондиришга ва корхонадаги мақсадларга етишишга қаратилган рақобат усуллари ҳамда бизнесни ташкил этиш комбинациясидир.

Минцберг стратегия тушунчасини 5 та “П” деб аталмиш комбинацияси орқали изохлайди:

- стратегия- режа фаолияти;

стратегия –тўсиқ, яъни ўз рақобатчиларини чалғитишга йўналтирилган фаолият.

-стратегия- фаолият кетма-кетлиги, яъни режа амалга ошмаслиги мумкин, лекин фаолият кетма-кетлиги хар қандай холда хам таъминланиши лозим.

-стратегия- атроф мухитдаги холат, яъни атроф билан алоқа.

- Стратегия- истиқбол, яъни интилиш лозим бўлган холатни кўра олиш.
- стратегия тушунчаси маълум сабабларга кўра стратегик бошқарув назариясида марказий хисобланади, лекин шу билан бирга ягона хам эмас.

Ҳозирги замон шароитида у қатор тушунчаларни ифодалайдики, уларни четлаб ўтиш мумкин эмас. Бу тушунчалардан асосийлари қуйидагилар: стратег; миссия; салохият; атроф-мухит; рақобат афзалликлари; мақсад мослашуви; мақсадлардир. Тушунчаларни мохиятини ёритмоқчи бўлсак, стратегик қарор қабул қилувчи шахслар бутун корхонани барбод қилиш ёки омадга эришишни таъминловчилардир. Стратеглар турли бошқарув лавозимларини эгаллаши мумкин: ижрочи директор, президент, бош директор, бошқарув раиси, канцлер, декан ёки оддий тадбиркор. Бошқа барча инсонлар сингари, стратеглар ўз иштиёқлари, устунликлар тизими, этик меъёрлари, даромадлилиги, шунингдек бошқарув услуби жихатларига кўра фарқланади.

Миссия бу замонавий стратегик бошқарув назариясининг асосий тушунчаларидан бири. Миссияга турли муаллифлар турлича таъриф беришади. Баъзилар ташкилот миссиясини гипер мақсад ёки “мақсаднинг шундай шаклики, маълум бизнесни бошқа унга ўхшаш корхоналардан фарқини осонгина кўрсатади. Бошқаларнинг фикрига кўра корхона миссияси унинг барча ишлаб чиқариш тизими тамойиллари таърифига кўра аниқланади.

Бизнинг фикримизча, ташкилот миссияси аналитик тахлил қилинаётганда, уни бизнеснинг қайси сахнасида ўйнаётган ролига кўра қабул қилинади.

Ташкилот салохияти ресурслар ва уларни тўлдирувчи воситалар билан ўз алоқалари, ўрни ва бутун ташкилий тизимдан иборат. Компания салохиятини ўз-ўзидан компаниянинг рақобатли устунликлари шакллантиради ва айнан шунинг учун компания доимий ривожланишда бўлади.

Компания салохияти компаниянинг стратегик ресурси бўлиб, унинг ноқулай макромухитда турғунликни таъминлайди, ташқи омиллар салбий таъсирини нейтралигини таъминлайди.

Компаниянинг мақсад мослашуви компаниянинг ўз миссиясига эришиш учун амалга ошувчи узоқ муддатли натижа хисобланади. Бу мослашувлар ташкилот истиқболи учун мухим, чунки бу мослашувлар унинг ривожланиш йўналиши мўлжали, ютуқларни бахолашга асос, синергетик самара асоси, компания ишчиларини рағбатлантиришнг илк нуқтаси хисобланади.

Мақсадлар бу компаниянинг яқин даврларда эришмоқчи бўлган ютуқлари натижаларидан иборат. Мақсадлар ташкилот олдига, унинг ташкилий тузилмаларига, шунингдек аниқ ижрочилар олдига қўйилиши мумкин. Мақсадлар мақсад мослашувидан фарқли равишда ўзининг аниқлиги, ўлчамлилиги, эришувчанлиги, миссия билан мослиги, шунингдек унга эришиш учун вақтинча чегарадан иборат. Мақсадларнинг бу фарқли жихати SMART- характеристикаси хисобланади. SMART- қуйидаги сўзларни бош харфларидан иборат:

1. Specific- шу қадар аниқ ва равшан бўлиши лозимки, уларни нотўғри ёки турлича тушунишга ўрин қолмаслиги лозим.
2. Measurable- Барча нарсаларнин миқдорини изхор эта олиши, хатто биринчи навбатда мақсадга эришилганда, натижа қандай бўлишини назарда тутиб, субъектив кўтиш.
3. Achievable- хам рахбар, хам унга тобе кишилар мақсадга эришиш мумкинлигига ишончларининг мавжудлиги.
4. Related- стратегия, ташкилотнинг хўжалик мақсадлари ижрочилар манфаати ўзаро алоқаси.
5. Time-bound- эришиш муддатлари бўйича вақт шкаласида аниқланади.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, замонавий бизнеснинг мураккаб шароитида ўз бошқаруви остида бўлган компания тақдири у ёки бу даражада унга боғлиқ бўлган хар қандай

бошқарувчи учун фаолиятлар йўналишини аниқламасдан фаолият кўрсатиш мумкин эмас. Қолаверса, мазкур бизнес уч фазадан иборат: стратегик режалаштириш, стратегик ташкиллаштириш, стратегик назорат ва тартибга солиш каби стратегик бошқарув жараёнини амалга оширмасдан туриб ўз фаолиятида муваффақиятга эришиши жуда қийиндир.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Ш.М.Мирзиёев. Ҳаракатлар стратегияси — Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичи.Халқ сўзи. 29 январь 2019 йил. https://xs.uz/uzkr/post/harakatlar-strategiyasi.

2. Президент Шавкат Мирзиёевнинг «Янги Ўзбекистон Стратегияси» номли китоби чоп этилди. ttps://www.gazeta.uz/uz/2021/09/09/book/

3. Томпсон мл., Артур, А, Стрикленд Ш, А.,Дж. Стратегический менеджмент: концепции и ситуации для анализа, 12 издание:Пер.с англ.-М.:Издательский дом «Вильямс»,2002, 32 б.

4. Фатхутдинов Р. А. Стратегический менеджмент: Учебник .-6-изд., испр. И доп. М.: дело, 2004, с.7

5. Томпсон мл., Артур, А, Стрикленд Ш, А.,ДЖ Стратегический менеджмент: концепции и ситуации для анализа, 12 издание:Пер.с англ.-М.:Издательский дом «Вильямс»,2002, с. 32

Султонов М.Қ, PhD,
Фазлиддинова З.А.,
ТДИУ, магистр

НАМАНГАН ВИЛОЯТИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ГАТ ТЕХНОЛОГИЯСИ ЁРДАМИДА ТАҲЛИЛИ

Аннотация: Ушбу мақолада Наманган вилояти ҳудудининг ижтимоий ва иқтисодий ҳолати, юзага келган муаммолари ўрганилиб, ривожланиш кўрсаткичлари географик ахборот технологиялари ёрдамида таҳлил қилиниб, ўрганилган муаммолар юзасидан хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган**.**

Калит сўзлар: ГАТ технологияси, диверсификация, ижтимоий иқтисодий кўрсаткичлар, иқтисодий ўсиш, ўсиш суръати, стратегик режалаштириш.

Кириш

Мамлакатимизда мустақиллик йилларидаги самарали минтақавий сиёсат натижасида минтақалар иқтисодиётида чуқур таркибий ўзгаришлар амалга оширилди ҳамда ҳудудларни комплекс ривожлантириш дастурлари қабул қилинди ва бу дастурлани амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Ҳаётнинг ўзи ва ўтган йиллар тажрибаси ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантиришни таъминлаш ва инфратузилма фаолиятини тубдан ўзгартиришдаги жиддий камчиликларни бартараф етишни талаб қилади. [1]

Давлат ва жамият тараққиётини тезлаштириш, аҳоли учун қулай яшаш шароитларини яратиш, жойлардаги реал вазиятни ҳар томонлама ва чуқур ўрганиш, замон талабига мос ҳолда янги технологиялардан фойдаланиш турмуш тарзини яхшилашга олиб келади. Республикамиз ҳудудларини ижтимоий иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларини доимий равишда таҳлил қилиб бориш, иқтисодиётда вужудга келадиган номутаносибликларни ўз вақтида бартараф қилиш ва мавжуд муаммоларни самарали ечиш йўлларини излашнинг зарурлиги ҳамда жаҳон иқтисодиётининг ҳозирги нобарқарорлик ривожланиши шароитида, яъни кўплаб иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатувчи омиллар ҳисобга олиниб, шу мавзунинг мамлакатдаги илмий изланувчиларнинг тадқиқот объекти сифатида етарли даражада ўрганилмаганлиги, ГАТ технологияларини иқтисодиётда қўллаш кенг кўламда ривожланмаганлиги танланган тадқиқот ишининг долзарблигини белгилаб беради.

Бугунги кунда ижтимоий ҳаётнинг жадаллашуви натижасида фан ва амалий ҳаётда ишончли ва тўлиқ маълумотларга еҳтиёж туғилмоқда. Бу каби муаммоларда картографик, статистис маълумотларни оператив таъминлаш вазифаси қўйилмоқда. Ҳозирда ГАТ технологияларидан фойдаланиш ва маълумотлар баъзасини яратиш барча соҳаларда, шунингдек иқтисодий ҳаётда ҳам зарур бўлган маълумотларни тўлиқ автоматлаштириш ҳал қилувчи аҳамиятга ега бўлмоқда. Илм-фан ва амалиётни ҳозирги ёки келажакдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни тизимли таҳлил ва синтез қилиш натижаларини акс эттирувчи сцтистик маълумотлар, картографик материаллар, шу жумладан, прогноз ва тавсиявий картографик ҳужжатлар билан тезкор равишда таъминлаш янада мураккаб вазифа ҳисобланади. Айниқса иқтисодий маълумотларни анализ, синтез қилишда қулай, тезкор ва мураккаблашган технология зарурдир. Бу каби муаммолардани ечишда албатта замонавий технологиядан фойдаланиш анча қулайдир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили (Literature review).

Ҳудудларни ижтимоий- иқтисодий ривожлантириш кўрсаткичларини назарий ва амалий жиҳатлари хорижий иқтисодчи олимлар Г.Брундтланд, И.Валерстайн, В.Ойкен, А.Ганберг, Ж.Валтер, У.Изард, М.Портер, П.Кругман, С.Розенфелд, россиялик олимлар Г.Азойев, В.Гончарев, И.Семенова, А.Юданов ва бошқалар илмий ишларида тадқиқ қилинган. Ушбу йўналишдаги бошқа назарий муаммолар мамлакатимиз олимлари С.Ғуломов, О.Абдуллайев, Т.Аҳмедов, А.Ваҳобов, Б.Рўзметов ва бошқаларнинг илмий ишларида таҳлил етилган. “Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда аниқ стратегиясини ишлаб чиқиш жуда муҳимдир” [2], бу стратегик режалар кўплаб текширув ва тақдиқиотлар олиб бооришорқали амалга оширилади. Ҳудудларни ривожланишини ўрганишда иқтисодиёт соҳаси билан шу қаторда география соҳаси ҳам узвий боғлиқдир. Ҳудудларни ривожланиш кўрсаткичларини таҳлил қилишда ГАТ технологияларини ривожлантириш бўйича Т.Х. Болтайев, О.С.Авезбаев, С. Авезбайев, М.Зеилер, А.М.Берлянт, М.Н.ДеМерс, И.К. Луръе, В.П.Раклов, Е.Й. Сафаровларнинг илмий изланишлар олиб боришган. География фанлари номзоди, доцент А.А.Ибраимова ҳудудни ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиш ГАТ технологиялари орқали амалга ошириш таҳлилнинг самарали ва аниқ бўлишида ёрдам бериши ҳақида илмий изланишларида таъкидлаб ўтган.[3] Бироқ, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш кўрсаткишларини географик ахборот тизимлари ёрдамида таҳлил қилиш бўйича махсус тадқиқотлар мавжуд емас. Шулардан келиб чиқиб мавзунинг долзарблиги билиб олишимиз мумкин.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).

Ўзбекистон ҳудудларини ривожланиш кўрсаткичларини таҳлил қилишда ҳудудларни барча ривожлантирувчи соҳалари, шу билан бир қаторда енг паст кўрсаткичли соҳаларини ҳам ўрганиб, минтақанинг стратегик режаларини тузиш лозимдир. Наманган вилояти Фарғона водийсининг асосий вилоятларидан бири бўлиб, иқтисодиётнинг асосий тармоқлари шу ҳудудда жойлашган. Ҳудудни асосий тармоқларидан саноат, қишлоқ хўжалигини кўрсаткичларини келтириш мумкин.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йил январь-март ойларида Наманган вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 3368,4 млрд. сўмни ташкил этди ва 2018 йилнинг тегишли даврига нисбатан 4,3 % га ўсди. 2019 йил январь-март ойларида аҳоли жон бошига ЯҲМ 1221,3 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 2,3 % га ошди. Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМ ни шакллантиришда Наманган вилоятининг қўшган ҳиссаси 3,7 % ни ташкил этди.

1-расм. Ўзбекистон Республикаси ва Наманган вилоятининг 2020 йил бўйича асосий иқтисодий кўрсаткичлари (млрд. сўмда) [4]

1-жадвал.

Наманган вилоятининги асосий иқтисодий кўрсаткичлар (2019-2020-2021 йиллар январь-июнь) [5]

	2019 йил млрд. сўм	2020 йил млрд. сўм	2021 йил млрд. сўм
Ялпи ҳудудий маҳсулот	9 322,0	10 833,8	14 158,2
Саноат маҳсулоти	3 711,9	4 715,3	6 291,6
Истеъмол товарлари	2 469,9	2 590,5	3 445,4
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	5 672,1	6 815,9	8 127,9
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	5 646,4	5 041,8	5 366,9
Қурилиш ишлари	1 314,7	1 901,5	2 391,3
Юк айланмаси (млн. тн-км)	244,5	238,6	245,1
Йўловчи айланмаси (млн. йўловчи-км)	4 379,6	3 943,9	4 183,1
Чакана товар айланмаси	4 700,8	5 577,2	6 261,7
Хизматлар, (жами)	3 338,9	3 904,9	5 109,3
Ташқи савдо айланмаси (млн. АҚШ долл)	498,0	406,9	510,4
Экспорт	188,7	188,3	220,9
Импорт	309,3	218,7	289,5
Сальдо (+;-)	-120,6	-30,0	-68,5

Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМни шакллантиришда Наманган вилоятининг қўшган ҳиссаси 3,9 % ни ташкил етди. Наманган вилоятининг ялпи ҳудудий маҳсулотнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича республикада тутган ўрни солиштирилганда, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжаликлари ҳамда қурилиш соҳаларини улуши юқори еканлигини кузатиш мумкин. Дастлабки маълумотларга кўра, 2021 йил январ -март ойларида Наманган вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 5 072,3 млрд. сўмни ташкил етди ва 2020 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 102,3 % ни ташкил етди. 2021 йил январ -март ойларида аҳоли жон бошига ЯҲМ 1765,4 минг сўмни ташкил етган бўлиб, бу кўрсаткич 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 0,3 % га ошди.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йил январь-март ойларида Наманган вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 3368,4 млрд. сўмни ташкил этди ва 2018 йилнинг тегишли даврига нисбатан 4,3 % га ўсди. 2019 йил январь-март ойларида аҳоли жон бошига ЯҲМ 1221,3 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 2,3 % га ошди. Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМ ни шакллантиришда Наманган вилоятининг қўшган ҳиссаси 3,7 % ни ташкил этди.



2-расм.Наманган вилоятининг қишлоқ хўжалиги махсулотлари ишлаб чиқариш хажми (шахар ва туманлар кесимида тақсимланиши,2019 й) [6]

2019 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 1286,6 млрд.сўмни ёки 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 102,1 фоизни,шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва бу соҳаларда кўрсатилган хизматлар ҳажми 990,7 млрд.сўмни (102,0 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 292,9 млрд.сўмни (102,2 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 2,9 млрд.сўмни (100,8 фоиз) ташкил қилди. 2020 йил январь-март ойларида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 1 595 млрд. сўмни ёки 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 103,9 %ни, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва бу соҳаларда кўрсатилган хизматлар ҳажми 1 290 млрд. сўмни (104,4 %), ўрмончилик хўжаликларида 301,0 млрд. сўмни (102,3 %), балиқчилик хўжаликларида 4,0 млрд. сўмни (109,8 %) ташкил қилди. Дастлабки маълумотларга кўра, 2021 йилнинг январь-март ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажми 1 920,2 млрд. сўмни ёки 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 103,9 % ни, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар – 1 597,3 млрд. сўмни (104,6 %), ўрмон хўжалиги – 318,6 млрд. сўмни (101,3 %), балиқчилик хўжалиги – 4,3 млрд. сўмни (107, %) ташкил қилди. Республика қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги таркибида Наманган вилоятининг улуши 6,4 % ни ташкил етди. 2021 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 1 590,5 млрд. сўмни ёки 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 104,5 % ни, шу жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари 100,1 млн. сўмни (104,3 %), чорвачилик маҳсулотлари 1 490,4 млрд. сўмни (104,6 %) ташкил қилди.



3-расм.Наманган вилоятининг қишлоқ хўжалиги харитаси. [7]

3-расмда Наманган вилоятиниг қишлоқ хўжалиги махсулотларини етиштириш бўйича статистик таҳлил асосида ГИС технологияси ArcGis дастури ёрдамида харита яратилган. Қишлоқ хўжалигиниг 3 йиллик кўрсаткичларининг ўртача миқдори олиниб туманлар бўйича хисоблаб чиқилган. Бундан билишимиз мумкунки, Чуст, Янгиқўрғон туманлари ва Наманган шахри юқори, Поп, Уйчи, Тўрақўрғон,Учқўрғон туманлари ўрта, Мингбулоқ ва Косонсой тумалари паст ривожланиш кўрсаткичига эга. Фермер, дехқон, қишлоқ хўжалик тоифаларини ҳудудлар кесимида тақсимланишини диаграммалар орқали таҳлил қилишимиз мумкин. ГИС технологияларидан фойдаланиш таҳлил қилишни ва бу орқали керакли натижаларни олишга ёрдам беради.



4- расм.Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат ишлаб чиқариш таркиби (жами саноат махсулотлари ишлаб чиқариш хажмига нисбат %) [8]

Дастлабки маълумотлар бўйича 2020 йил январь-март ойларида вилоят корхоналари томонидан 2 250,2 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан саноат ишлаб чиқариш индекси 119,9 % ни ташкил этди. Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг асосий омили бўлиб, тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлашнинг – 64,8 % ни (жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 0,2 %и), ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатида ишлаб чиқариш индекси 115,0 % га (жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 87,0 %и), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг 2,5 мартага (жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 12,1 %и) ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилишнинг– 93,3 % га (жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 0,7 %и) ўсиши ҳисобланади. Дастлабки маълумотлар бўйича 2021 йил январь-март ойларида вилоят корхоналари томонидан 2 826,6 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан саноат ишлаб чиқаришнинг физик ҳажм индекси* 115,8 % ни ташкил этди. Жами саноат ишлаб чиқариш физик ҳажми ўсишининг асосий омили бўлиб, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатининг - 7,1 % га (жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 83,7 % и), ҳамда электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондитсиялашнинг – 2,6 мартага (жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 15,2 % и) ўсиши кузатилди. Шунингдек, сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш саноатининг – 25,6 % га (жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 0,9 % и), тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш саноатининг – 58,7 % га (жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 0,2 % и) пасайиши кузатилди.

Туман (шаҳар)ларнинг саноат салоҳиятини ошириш бўйича амалга ошириб келинаётган изчил чоралар натижасида Чуст тумани (2019 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 119,6 % га), Янгиқўрғон тумани (116,8 % га), Учқўрғон тумани (116,6 % га) ҳамда Норин тумани (112,9 % га) сезиларли даражада ишлаб чиқариш ҳажми индексининг ўсиши таъминланди.

Статистик маълумотлар тахлилидан Наманган вилоятининг ривожланган туманлари Тўрақўрғон, Чуст ва Косонсой туманларидир. Паст кўрсаткичга эга туманларни риволантириш чора тадбирларини амалга ошириш зарурдир. Шунингдек, статистик тахлиллар билан бир қаторда худудни имкониятларни ўрганиш ва бошқа кўплаб тахлилларни амалга ошириш лозим.

Хулоса ва таклифлар. Ҳудудларни ривожлантиришда бўйича қуйидаги таклиф ва тавсияларни келтириш мумкин:

-ҳудуларни ривожлантириш мукаммал стратегик режаларни ишлаб чиқиш ва уни амалга татбиқ етилишини шафофлигини таъминлаш;

-таҳлил ва прогнозлаштиришда замонавий услубиятлар ва технологияларни қўллаш;

-мамлакатдаги мавжуд илмий ва инновацион салоҳиятлардан унумли фойдаланиш;

-ГАТ технологияларини республика бўйича ривожлантиришда хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш;

- ҳудудий ривожланишни идора қилишда геоахборот тизимларини кучли қуролга айлантириш;

- республика бўйича рақамли иқтисодиётни ривожлантириш лозимдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ш.М.Мирзиёев Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. // Халқ сўзи. 16.01.2017-й.

2. С.А.Абдуллайев, Б.Д.Хажийев, Қ.Қ.Мамбетжанов. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси. Дарслик./– Т.: «Баркамол файз медиа», 2018. – 424 бет.

3. А.А.Ибраимова. Социал иқтисодий картография. Дарслик./-Тошкент: Тафаккур томчилари, 2020-306 б.

4. https://namstat.uz/uz/default/choraklik-natijalar/9388-2021#yanvar-mart

5. https://namstat.uz/uz/default/choraklik-natijalar/9388-2021#yanvar-mart

6. https://namstat.uz/uz/default/choraklik-natijalar/9388-2021#yanvar-mart

7. Муаллиф томонидан яратилган

8.https://www.namstat.uz/uz/?preview

Магистратура бўлими, МСТ-10 магистри
Фатхуллаев Дилмурод Баходир ўғли

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚЎШМА КОРХОНАЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ

Аннотация: *Мақолада Ўзбекистонда фаолият юритувчи қўшма корхоналар фаолияти статистик тадқиқ қилинган. Қўшма корхоналар фаолияти тўғрисидаги маълумотлар асосида статистик усуллар ёрдамида статистик бахолаш амалга оширилган. Таклиф ва мулохазалар баён қилинган.*

Калит сўзлар:*. Қўшма корхоналар, статистик усуллар, статистик тадқиқ, модернизациялаш, автоматлаштириш, мехнат тақсимоти, ресурсларни тежаш, устав фонди, устав капитали, акциядорлик жамиятлари.*

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, қулай инвестиция иқлимини шакллантирмасдан ва хорижий сармояларни миллий иқтисодиётга жалб этмасдан туриб, бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига муваффақиятли интеграциялаша олмайди.

Ўзбекистон раҳбариятининг мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш, кичик бизнесни ривожлантириш сари тутган изчил йўли бевосита ва портфел инвестицияларни мамлакат иқтисодиётига жалб этиш жараёнини фаоллаштириш учун реал шарт-шароит яратмоқда.

Хорижий сармояларни жалб этишда республикамиз қуйидаги тамойилларга асосланмоқда:

биринчидан: ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат юритиш;

иккинчидан: республика иқтисодиётига бевосита капитал маблағни кенг жалб этишни таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни тобора такомиллаштириш;

учинчидан: республикага жаҳон талаб даражасидаги технологияни етказиб бераётган, иқтисодиётнинг замонавий таркибини вужудга келтиришга кўмаклашаётган хорижий сармоядорларга нисбатан эшикларни очиб қўйиш сиёсатини изчиллик билан ўтказиш;

тўртинчидан: маблағларни республика мустақиллигини таъминлайдиган ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган энг муҳим устувор йўналишларда жамлаш.

Янги муассасаларни барпо этиш борасида хорижий сармояларни жалб этиш учун зарур бўлган ташкилот ва муассасалар тузиш бўйича бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Таваккалчилик ишлари йўлида сиёсий ва тижорат хатарлари келтирадиган зарарни қоплайдиган “Ўзбекинвест”, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва Америка “АЖГ инк” молия гуруҳи томонидан Лондонда туриб ишлайдиган ва таваккалчиликда асосий шароит туфайли кўриладиган зарар қопланишини кафолатлайдиган ҳамда, Тошкентда туриб ишлайдиган ва тижорат таваккалчилигини кафолатлайдиган қўшма суғурта компаниялари ташкил қилинди. Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан биргаликда республикада лойиҳалар тайёрловчи гуруҳ ишлай бошлади.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида БМТ (ЮНИДО) билан биргаликдаги техникавий ёрдам лойиҳаси доирасидаги инвестицияларга кўмаклашиш хизмати ташкил этилди. Бу муассаса

хорижий сармоядорларга инвестиция таклифлари тайёрлашда ёрдам беради.

Давлат мулк қўмитаси ҳузурида Кўчмас мулк ва хорижий инвестициялар агентлиги ташкил этилди, у хусусийлаштириш жараёнига хорижий сармоядорларни жалб этишга кўмаклашмоғи лозим.

Халқаро молия корпорацияси ва Британия "РБС банки" билан биргаликда қўшма банк тузилди. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, халқаро молия корпорацияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ва Мейбанк (Малайзия) билан биргаликда қўшма лизинг компанияси барпо этилди.

Республикада хорижий инвестицияларни жалб этиш учун имкониятларни кенг тизими вужудга келтирилган. Хорижий инвестициялар учун имтиёзли солиқ жорий этилган "Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонга биноан, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхоналарни рўйхатга олинган пайтдан бошлаб, беш йил муддатга хорижий валютадаги тушумдан солиқ тўлашдан ва Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкига валютани мажбурий сотишдан озод қилиш кўзда тутилган. Инвестиция иқлимини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикасида "Инвесторлар фаолияти кафолати ва чет эл инвестицияси тўғрисида"ги қонун қабул қилиниб, унда чет эл инвестицияларига мамлакат ичидаги фаолиятидан олган фойдасини бирон-бир божхона тўловларисиз, тўлиқ чегарадан олиб ўтиш 10 йилгача муддатда амал қилиниши белгилаб қуйилган.

Хорижий сармоядорларга нисбатан инвестициялар амалга оширилган пайтда амалда бўлган қонун нормалари 10 йил мобайнида қўлланиши кўзда тутилган қонун ҳужжатлари ўзгартирилмаслигига ишончли кафолатлар мавжуд.

Юқоридагилардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, вужудга келтирилган ҳуқуқий меъёрлар хорижий ҳамкорларнинг кенг инвестиция фаолияти учун қулай шароитларни яратиб, уларнинг ҳуқуқларини ва сарфлаган инвестиция маблағларини ҳимоя қилади.

Маълумки, хорижий инвестицияларни жалб этишнинг асосий шароитларидан бири очиқ иқтисодиёт асосларини барпо этиш ҳисобланади. Халқаро мезонлар нуқтаи назаридан қараганда, Ўзбекистон миллий иқтисодиётини "очиқ иқтисодиёт" деб ҳисоблаш мумкин, яъни бу ерда тўртта белги яхлит тизимни ташкил этмоқда:

– жаҳон хўжалиги билан ўзаро алоқанинг асосий воситалари – товарлар ва хизматлар билан халқаро кўламда савдо қилиш, сармоялар ва молия ресурсларининг халқаро ҳаракати, миллий валюталарни халқаро айрибошлашнинг мукаммал ва мувозанатли амал қилиши;

– иқтисодий ўсишнинг ташқи манбалари миллий тараққиётнинг таркибий қисмига айланиши;

– миллий иқтисодий манфаатларини ташқи омилларининг салбий таъсиридан дастлабки икки белгининг чекланишини истисно этадиган ҳамда пайдо булаётган муаммоларни ҳал этиш тамойили сифатида муросани тақозо этадиган шаклларда ҳимоя қилиш;

– суверен иқтисодий ҳуқуқларнинг бир қисмини халқаро ташкилотларга топшириш.

Батамом очиқ иқтисодиётга эришиш учун яна бир қатор ишларни амалга ошириш керак бўлади. Бунда жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда экспортни ошириш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Маҳаллий маҳсулотларни экспорт қилиш имкониятини берадиган даражада рақобатбардош қилиб тайёрлашга хорижлик инвесторлар билан қўшма қилиш натижасида эришилмоқда. Шу сабабли, Ўзбекистон қонун ҳужжатлари билан ҳамкор мамлакатлар қонун ҳужжатларининг бир-бирига мувофиқлиги борасида айрим, муаммолар вужудга келмоқда.

Бундай шароитда жаҳон ҳамжамияти кўпдан бери миллий тадбиркорлик тартибларининг хорижлик иштирокчиларга дахлдор бўлиши қоидасини асосий тамойил деб ҳисоблайди. 1998 йил 20 майдаги "Чет эл инвестициялари тўғрисида" ги Қонуннинг деярли барча асосий қоидалари бу талабларга тўла-тўкис мос келади. Бундан ташқари, юқорида санаб ўтилган кўп сонли имтиёзлар Ўзбекистон ҳудудида хорижий инвестициялар иштирокида ташкил этилган корхоналар учун жуда катта қулайликлар тугдиради.

Ушбу имтиёзларнинг кўпчилиги республика иқтисодиётида молиявий ресурсларини жалб этиш билан боғлиқ объектив муаммолар мавжудлигидан дарак беради. Барча имтиёзлар энг аввало, хорижий бизнес вакилларининг Ўзбекистон иқтисодиётидан манфаатдорлигини оширишга қаратилган. Хорижий инвесторларга бундай муносабат ишлаб чиқаришда халқаро стандартларга эришиш усулларидан ва хорижий инвестицияларни жалб этиш учун рақобат курашининг шаклларидан биридир.

Мавжуд имтиёзлар тизими объектив зарур ижтимоий сиёсат хусусиятлари юзага келтирган миллий тадбиркорлик режими билан бозорнинг хорижий иштирокчилари учун қоидалар белгилашнинг халқаро тартиби ўртасидаги зиддиятни ҳал қилади.

Бундай режим хорижий инвестицияларни жалб этиш жараёнини марказ ихтиёридан

чиқаришни тақозо этади. Аслини олганда, бу ўринда муайян макроиқтисодий шарт-шароитлар мавжуд бўлиб, улар микроиқтисодий субъектлар ҳаракатининг сабабларини белгилаб беради.

Умуман олганда, Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини янада кучайтириш учун жиддий шарт-шароитлар яратилган. Бундан ташқари, миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида хорижий инвестициялар миллий иқтисодиётни жаҳон хўжалигига қўшилишнинг энг самарали шаклига айланади.

Жалб этилган хорижий инвестицияларни кўпайтиришга бундан буён ҳам, ёрдам бериш мумкин бўлган омиллардан бири давлат мулки бўлган, моддий активлар халқаро инвестиция лойиҳаларида қатнашиш учун қоида асосларини яратишдан иборат. Бу активлар шунчаки, хусусийлаштирилибгина қолмасдан, тегишли танлов асосида, у ёки бу инвестиция дастурига моддий улуш сифатида киритилиши мумкин.

Мана шу маънода, Ўзбекистонда тобора кенг амалга оширилаётган тадбирларни давлат корхоналари акциялари пакетини тадбир асосида сотиш билан моддий активларнинг бир қисмини қўшишни ўзаро боғлаб олиб бориш мумкин бўлар эди.

Nomozov Qurbonali Fayzulla o‘g‘li
Umarova Moxichexra Xayotjon qizi
“Iqtisodiy xavfsizlik” yo‘nalishi 2-kurs MIH-10 guruh magistrantlari

TIJORAT BANKLARI ORQALI JINOIY YO‘L BILAN OLINGAN DAROMADLARNI LEGALLASHTIRISH YO‘LLARI

Annotatsiya: *ushbu ilmiy tezisda jinoiy yo‘l orqali olingan daromadlarni legallashtirishning turli usul va uslublari tadqiq etilib, muallifning jinoiy yo‘l bilan olingan daromadlarni legallashtirishning turli sxemalari ishlab chiqilgan.*

Tayanch so‘zlar: *legallashtirish, jinoiy sxemalar, pul mablag‘larini yuvish, moliyaviy operatsiyalar, integratsiya, taqsimlash, bo‘linish.*

Bugungi kunda jahon amaliyotida moliyaviy texnologiyalar takomillashib borsada, lekin banklarda ularning moliyaviy xavfsizlik darajasini ta’minlash ham yanada murakkablashib bormoqda. Jinoiy yo‘l orqali olingan daromadlarni legallashtirish usul va uslublari doimo takomillashib bormoqda, ularni huquqni muhofaza qiluvchi organlar tomonidan aniqlanishi tobora murakkablashib bormoqda. Oddiy sxemalar o‘rniga yanada murakkabroq ko‘p pog‘onali sxemalar kelib, huquqni muhofaza qiluvchi organlar tomonidan jinoiy moliya oqimlarini aniqlash juda mushkul.

Pul mablag‘larini yuvish bo‘yicha jinoiy sxemalar tashkil etiladigan eng keng tarqalgan modellardan biri uch fazali model bo‘lib, u 1-rasmda keltirilgan. Modelga ko‘ra jinoiy daromadlarni legallashtirish quyidagi uchta fazalardan tarkib topgan: taqsimlash (placement), bo‘linish (layering) va integratsiya (integration). Sxemaga qarab mazkur bosqichlar kombinatsiyalanishi, bir-birini ustiga qo‘yilishi, dispersiyalanishi mumkin.

Taqsimlash (placement) – *bank muassasalari yoki fond bozori dastaklarida naqd pullarni uchinchi shaxs hisob raqamiga jismoniy o‘tkazishni o‘zida namoyon etadi. Mazkur faza pul mablag‘larning naqd shaklining naqdsiz shakli (naqdsizlanishi)ga harakatlanishi bilan tasniflanadi. Naqd pullarning kelib tushadigan hisob raqam egalari ko‘pincha talabalar, ijtimoiy himoyalangan fuqaro toifalari hamda muayyan turar joyga ega bo‘lmagan shaxslar hisoblanadi.*

Bo‘linish (layering) – *noqonuniy yo‘l bilan olingan daromadlarning kelib chiqish manbalarini yashirish maqsadida bir qator chalkash moliyaviy tranzaksiyalarni olib borish orqali ushbu daromadlarni ularning manbalaridan ajratishni o‘zida namoyon etadi. Mazkur bosqichda huquqbuzarlar tomonidan ko‘pincha bank to‘lov hujjatlari va boshqa qimmatli qog‘ozlar xarid qilinadi. Agar huquqni muhofaza qiluvchi organlar tomonidan mazkur operatsiyalar aniqlanmagan bo‘lsa, unda jinoyatchilarning keyingi bosqichdagi qidiruvi o‘ta murakkab bo‘ladi.*

Integratsiya (integration) – *legallashtirishning yakuniy bosqichi bo‘lib, u noinsof shaxslar o‘z xo‘jalik faoliyatida foydalanishni rejalashtirgan jinoiy yo‘l orqali olingan sarmoyalarga qonuniy maqomni berishga qaratilgan.*



1-rasm. Pul mablag‘larini yuvish bo‘yicha uch fazali model[1]

Mazkur bosqichda pul mablag‘lari, odatda, yuqori rentabelli tadbirkorlik faoliyati sohalariga qo‘yiladi. Shunday qilib, pul mablag‘larini yuvish uchinchi fazasidan keyin, jinoiy yo‘l orqali olingan pul mablag‘lari go‘yo kelib chiqishi qonuniy bo‘lgan iqtisodiyotga qayta yuboriladi. Barcha legallashtirish bosqichlarining yakuniga ko‘ra jinoiy sxemalar elementlari va iteratsiyalarni aniqlash faqatgina huquqni muhofaza qiluvchi organlarida mavjud bo‘lgan jinoiy doirasida norasmiy habar beruvchilar tarmog‘i yordamidagina amalga oshirish mumkin.

Biz quyida tijorat banklari orqali jinoiy yo‘l bilan olingan daromadlarni legallashtirishning ayrim sxemalarni ishlab chiqdik.

Jismoniy shaxs hisob raqamlari yordamida jinoiy yo‘l orqali olingan daromadlarni legallashtirish (2-rasmga muvofiq).

Mamlakat banklaridan birida jismoniy shaxslar ko‘plab hisob raqamlar ochib, ularga xorijiy banklar orqali qator uchinchi davlatdan xorijiy valyutada pul mablag‘lari qo‘yilgan. So‘ng pul mablag‘lari yirik miqdorda yechiladi yoki turli davlatlarga jismoniy yoki yuridik shaxs-norezidentlar hisob raqamlariga o‘tkaziladi. Ko‘pincha pul mablag‘lari Yevropa davlatlaridan biriga bitta kontragentga o‘tkaziladi.

Jinoiy yo‘l orqali olingan daromadlarni legallashtirishdan dalolat beradigan belgilar:

- xorijdan o‘tkazilgan yirik miqdordagi mablag‘larni jismoniy shaxsnorezidentlar hisob raqamiga o‘tkazish;
- jismoniy shaxslarning hisob raqamlaridan xorijda o‘tkazmalar uchun tranzit hisob raqamlari sifatida foydalanish;
- turli jismoniy shaxslar tomonidan xorijiy bankda bitta jismoniy shaxs hisob raqamiga o‘tkazmalarni amalga oshirish;
- jismoniy shaxs hisob raqamlaridan yirik miqdordagi xorijiy valyutani yechish.



2-rasm. Jismoniy shaxs hisob raqamlari yordamida jinoiy yo‘l orqali olingan daromadlarni legallashtirish.

Jinoiy yo‘l orqali olingan daromadlarni legallashtirishning keng tarqalgan usullardan biri kredit sxemasi orqali legallashtirishdir.

Kredit sxemalari yordamida jinoiy yo‘l orqali olingan daromadlarni legallashtirish 3-rasmda keltirilgan.

Jinoyatchilar “A” kompaniyani ruyxatdan o‘tkazadi va banklarning biridan o‘z mol-mulkini, masalan, jinoiy yo‘l orqali olingan ko‘chmas mulkni garov ta’minoti ostiga qo‘ygan holda ushbu biznesni rivojlantirish uchun kredit oladi. Shundan so‘ng mazkur shaxslar berilgan kredit mablag‘larini qandaydir offshor bankidagi o‘z hisob raqami (yoki soxta xizmatlarni to‘lash sifatida bir kunlik firmalar hisob raqamlari)ga o‘tkazadi hamda o‘zining “A” kompaniyasini bankrot deb e’lon qilib, uni tugatadi. O‘z navbatida, qarzdorning majburiyatlarini to‘lash hisobiga ushbu kompaniyaning ko‘chmas mulki mazkur soxta kompaniyaga kredit bergan bankka o‘tadi. Natijada jinoiy yo‘l orqali olingan daromad rasmiy kreditga almashinadi, ya’ni rasmiy kelib chiqish manbasiga ega bo‘lgandek go‘yo. Bu esa noinsof shaxslarga keyinchalik ushbu mablag‘larni o‘z maqsadlarida erkin foydalanishga imkon beradi.

Keltirilgan jarayonlarning mohiyatini tushunishga asoslangan jinoiy sxemalarning tahlili kredit tashkilotlarning har bir ushbu sxemalarni amalga oshirishda muhim amaliy rolini belgilab beradi. Ko‘rib chiqilayotgan jarayonning ajralmas sub’ekti sifatida namoyon bo‘lgan bankka asoslangan umumtarkibiy bazis va jinoiy-qidiruv aloqalarni tuzish borasidagi o‘xshash mantig‘i ham jinoiy yo‘l orqali olingan daromadlarni legallashtirish (yuvish) va terrorizmni moliyalashtirishga qarshi kurashish tizimini, ham Jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga va terrorizmni moliyalashtirishga qarshi kurashish maqsadlarida kredit tashkilotlarini alohida nazorat qilish mexanizmlarini takomillashtirish usullarini ishlab chiqishga imkon beradi.



3-rasm. Kredit sxemalari yordamida jinoiy yo‘l orqali olingan daromadlarni legallashtirish.

Shu bilan birga ushbu usullarni ishlab chiqish jarayonida shuni e’tiborga olish kerakki, jinoiy sxemalar ham tobora murakkablashib bormoqda. Qonunga zid faoliyat bilan shug‘ullanuvchi sub’ekt inson bo‘lganligini hisobga olib, birinchi navbatda, jinoyatchilarning faoliyatini belgilab beruvchi motiv va omillarning iqtisodiy mohiyatini tadqiq etish asosida chora tadbirlar ko‘rish maqsadga muvofiqdir.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. *Бекряшев А. Теневая экономика и экономическая перступность / А.К.Бекряшев, И.П.Белозеров, Н.С.Бекряшева. – Режим доступа: http://newasp.omskreg.ru/bekryash/.*
2. *O‘zbekiston Respublikasining “Jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish to‘g‘risida” gi qonuni. O‘zbekiston Respublikasining 2019 yil 15 yanvardagi O‘RQ-516-sonli qonuni tahririda — qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 16.01.2019 y., 03/19/516/2484-son.*
3. *Tijorat banklarida jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga va terrorizmni moliyalashtirishga qarshi kurashish bo‘yicha ichki nazorat qoidalari. “O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami”, 2017 yil 29 may, 21-son, 401-modda.*

Холиков Сулаймон Ўткир ўғли,
магистрант 2 курса группы MMRT-31 ТГЭУ

РОЛЬ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В МАРКЕТИНГОВОЙ СТРАТЕГИИ СФЕРЕ ОБРАЗОВАНИЯ

Аннотация. *Современный этап развития высшего образования и изменения образовательной парадигмы во многом предопределены множеством факторов, наиболее важными из которых являются: процессы глобализации и интеграции в международное образовательное пространство; развитие информационного общества и экономики, основанной на знаниях.*

Ключевые слова: *высшее образование, глобализация, интеграция, экономика, предпринимательство, оригинальность, конкурентоспособность, нематериальный актив.*

Введение: В нынешную эпоху не природные ресурсы или природные богатства отличают богатое общество от отсталого, а накопление и развитие ресурса знаний. Образование никогда не было такой важной составляющей, как сегодня. Однако люди выбирают преимуществам которые получат от предлагаемых им образовательных услуг. Таким образом, для эффективного удовлетворения этих потребностей и желаний важно, чтобы маркетинговая ориентация применялась к концептуализации, разработке и предоставлению образовательных услуг.

Образовательные учреждения, прежде всего, должны быть конкурентоспособными. Часто это ключевой компонент успеха. Клиент просто появляется в зоне обслуживания, которую, как ожидается, «обслуживают». Действующая система доставки удовлетворит, не удовлетворит или порадует клиента. И всегда важно помнить, что клиента нельзя полностью отделить от услуги. "поставщики услуг" означают обучающее, прямо или косвенно связанное с услугами, предоставляемыми учащимся. Удовлетворенность и удержание учащихся зависит исключительно от того, каким образом учителя могут предоставить им свои лучшие услуги. Учителя не рассматриваются как «гуру», скорее они известны как поставщики услуг.

Анализ и результаты

Сектор образования переживает массовый бум благодаря многочисленным возможностям, созданным Интернетом и современными технологиями в целом. Согласно исследованию Orbis, к 2022 году мировой рынок электронного обучения превысит 275 миллиардов долларов[1], в основном за счет роста числа пользователей Интернета и растущего доступа к широкополосному Интернету и мобильным телефонам с доступом в мировую паутину.

Целью образовательного маркетинга является реализация различных маркетинговых стратегий на продвижения ценного учебного контента. И зачастую это единственный способ донести до учащихся новый учебный контент и завоевать популярность. Лидеры образовательной отрасли используют образовательный маркетинг, чтобы выжить в жесткой конкуренции в этой области. Весь мировой рынок образования в 2019 году измерялся суммой $6,5 трлн. Мы видим, что прогноз, нижеприведенный в разыскании Edmarket. Digital-2017, оправдался. На цифровизированную элемент рынка теперь приходится до 4% от его общего объёма. [2].

Традиционные образовательные учреждения, а также частные разработчики выпустили более 500 000 образовательных приложений , многие из которых доступны в App Store и Google Play. Помимо образовательных приложений, рынок электронного обучения также насыщен онлайн-курсами, видео, электронными книгами и веб-сайтами, из-за чего новым игрокам очень сложно быть замеченными.[3]

Мировой рынок образования к 2030 г достигнет 10 трлн$. [4]. Ориентация на мировые стандарты образования, повышение качества, актуальности и практической применимости образовательных продуктов и услуг становятся обязательной частью конкурентоспособности вузов. Обучение, учебные программы и стандарты обновляются в соответствии с современными передовыми технологиями, а также требованиями рынка труда до уровня компетентности будущих специалистов. Все это помогает внедрять больше маркетинговых инструментов в работу университетов.

В Республике Узбекистан проводятся огромные работы по развитию высшего образования, так в указе Президента Республики Узбекистан, от 08. 2019 г. No УП-584728 «Об утверждении

2020-2021 йиллардаги асосий фонд турлари бўйича капиталга киритилган инвестицияларнинг миқдорини таҳлилини кўрсатишича юқори даражада қўшимча қиймат яратувчи тармоқларга инвестиция киритиш даражаси нисбатан қуйидаги йўналишларда сезиларли даражада эмаслигини кўришимиз мумкин. Яъни ноишлаб чиқариш активларга мулк ҳуқуқини бериш билан боғлиқ харажатлар, комютер дастурий таъминоти ва маълумотлар базалари, илмий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг амалиётга трансфери билан боғлиқ бўлган инновация соҳаларидир. Бунда сунъий интеллект технологиялари ва таълим хизматларига оид стартап лойиҳаларини сонини кўпайтириш ўзининг инвестициялашда синергетик самарасига эга бўлиб, мамлакаттади стратегик мақсадларга мувофиқ бўлади.

Мамлакатда инновацион салоҳият етарли даражада шаклланган бўлсада иқтисодиётнинг реал сектори билан боғлиқ бўлган кам рентабелли соҳаларга жумладан қазиб олиш соҳаларига инвестицияни юқорилигини кўришимиз мумкин.

Хулоса ва таклифлар. Янги Ўзбекистон шароитида, иқтисодни четдан туриб бошқаришга чек қўйиб, ички имкониятлардан келиб-чиқиб бошқариладиган ягона, мустаҳкам асосларга эга тизим вужудга келди. Айни пайтда жаҳон иқтисодий тизимининг муҳим бўғинига айлана бориб, Ўзбекистон халқаро иқтисодий координациялашув жараёнига фаол киришди. Унинг узвий ва ишончли бўғини кенг имкониятли субъектига айланди.

Мамлакат раҳбарияти томонидан охирги 5 йиллик даврида илгари сурилган давлат сиёсати бўлган иқтисодиётни эркинлаштириш масаласи, бевосита чет эл сармоясини мамлакатимизга олиб кириш, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарлар очиш ва уларни ривожлантиришга кенг йўл очиб бермоқда. Чунки бу жараёнларни амалга оширишда жуда кўп турдаги тўсиқлар мавжуд эди ва ушбу фаолиятни либераллаштириш муҳим масала бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикасида хом-ашё ресурслари, арзон ишчи кучиниг мавжудлиги мамлакатда маҳсулот ишлаб чиқариш, уни тайёр ҳолатга келтириш ва қайта ишлаш таннарҳи бошқа давлатлардагига қараганда арзонроқ эканлиги ва инновацион салоҳиятнинг мавжудлиги ҳорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар тузишда Ўзбекистон томони ишлаб чиқариш учун зарур бўладиган ер, жой ва коммуникация каби масалани ечимини таъминлаб берилиши инвестицион жозибадорликни ортишида катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни кўп миқдорда жалб этилишига эришиш учун инвестицион муҳитни такомиллаштиришнинг қуйидаги йўналишларини таклиф этамиз:

- инвестицияларни давлат томонидан сиёсий ва ҳуқуқий, иқтисодий хавф-хатардан суғурта қилишни такомиллаштириш, инвесторларнинг олган даромадини чет эл валютасига ва унинг бошқа давлатларга ўтказилишидаги манфаатдорлигини ошириш мақсадида мавжуд чекловларни олиб ташлаш масаласини қайта кўриб чиқиш, инвестиция қўйиш учун қулай муҳитни яратиш ҳамда инвестицион қонун устуворлигини таъминлаш;
- хорижий инвесторларнинг ҳуқуқи бузилганда давлат идоралари зиммасига вужудга келган зарарни коплаш маъсулиятини қайта кўриб чиқиш ва уни такомиллаштириш;
- давлат ишлаб чиқариш воситалари, истеъмол буюмлари баҳоларининг, инвестиция фоизларининг шакланишига тўғридан-тўғри аралашмаса ҳам, у ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобат муҳитини вужудга келтириш учун, маҳсулотларни ишлаб чиқариш, инвестицияни монополиялаштиришнинг олдини олиш, асосий истеъмол товарларига белгиланаётган баҳолар устидан назорат ўрнатиш, истеъмол саватини ҳисоблаш асосида белгиланган минимал ойлик иш ҳақи ва бошқа бозор механизмлари орқали билвосита таъсир кўрсатиши лозим;
- инвестициялар бозорини янада ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири маркетинг хизматларини ривожлантириш, унинг дастурини ва асосий режаларини ишлаб чиқиш, унга риоя қилиш ва у асосида инвестиция бозорининг асосий йўналишларини режлаштириш зарурдир;
- иқтисодиёт ривожланиб боргани сари хорижий инвестицияларни тартибга солишни миллий ички инвестицияларни тартибга солиш билан тобора яқинлаштириш лозим. Хорижий мамлакатлар билан ҳисоб-китоб ва инвестиция муносабатлари соҳасида тўлов балансини мувозанатли ҳолатга олиб келиш ва молиявий йўқотишларга йўл қўймаслик мақсадида ҳисоб-китоб муносабатларини халқаро амалиётда қўлланилаётган қонун ва қоидалари асосида юритишга тўлиқ ўтказиш чора-тадбирларини амалга ошириш лозим;
- хорижий сармояларни жалб этишни фаоллаштириш учун инвестиция лойиҳасининг мукаммал тайёрланишини, малакали экспертизадан ўтказилишини ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарлар, хорижий сармоялар билан амалга ошириладиган бошқа турдаги тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишдаги ҳуқуқий ва иқтисодий тўсиқларни бартараф этишни талаб этади;
- инвестициялар бозорини табақалаштириш турини танлашда унда кўрсатиладиган хизматларнинг муайян турларига устун эҳтиёж сезаётган табақаларни афзал кўриш тавсия этилади ва хизматларнинг янги турларини яратишнинг асосий босқичларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар иқтисодий ривожланишимизга юқори таъсир кўрсатади. Улар биринчидан, иқтисодий ўсишни таъминлашса, иккинчидан жаҳон ҳамжамиятига янада интеграциялашув даражасини оширади. Мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий мазмуни ҳам шунга йўналтирилгандир.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарлар техник-иқтисодий бошқарув таркиби ҳолатини таҳлил қилинишида бир қатор муаммоларни келтириб чиқармокда. Иш юритиш ҳолатида ҳам муаммолар учраб турганлигини кўриш мумкин.

Улардан бири хорижлик сармоядор билан миллий ишлаб чиқарувчиларимиз ўртасидаги муносабатларни инвестицион жозибадорлик картаси асосидаги индекслар асосида фаолиятни йўлга қўйиш зарур.

Бунда:

- чет эл сармоядорлари маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга бажариб бўлмайдигн катта талаблар қўяётганлиги;
- иқтисодий ахборотлар етишмаслиги сабабли таҳлил ва истиқболни белгилаш ва инвестицион жозибадорлик услубиятини ишончлилиги пастлиги;
- инвестицияни амалга оширишда инновацион ишланмаларнинг илмий салоҳиятнинг пастлиги;
- инновация ишланмаларини замонавий техника - технология билан жиҳозланмаганлиги ва бошқалардир.

Шундай қилиб Ўзбекистонда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарлар ташкил этиш, улар фаолиятини такомиллаштириш мақсадида инновацион иқтисодиётни шакллантириш муҳим ўрин тутади.

Magistratura bo‘limi 1-kurs MMKB-01 talabasi
Isaxonov Akobir Alisher o‘g‘li

YANGI O‘ZBEKISTONDA MONOPOLIYAGA QARSHI ORGAN FAOLIYATINING SHAFFOFLIGI VA SAMARADORLIGINI TA’MINLASH YO‘NALISHLARI

Annotatsiya: *Ushbu maqolada monopoliyaga qarshi organ faoliyatining shaffofligi va samaradorligini oshirish yo‘nalishlari shuningdek, ularning tahlili yoritilgan.*

Kalit so‘zlar: *monopoliya, monopoliyaga qarshi organ, sof raqobat.*

Monopoliyaga qarshi boshqaruv tizimini har bir davlatda o‘ziga xos xususiyatlaridan kelib chiqqan holda va ijtimoiy-iqtisodiy holatda mos ravishda turlicha bo‘ladi.

Ayniqsa, bozor munosabatlarining takomillashuvi va tezkor o‘zgarishlarning hozirgi davrida aksiyadorlik xo‘jalik yurituvchi subyektlarning samarali moliya-xo‘jalik faoliyatini ular tomonidan puxta ishlab chiqilgan moliyaviy siyosati va uni amalga oshirish mexanizmisiz ta’minlab bo‘lmaydi. Davlatda monopoliyaga qarshi boshqaruvni tashkil etishda bugungi kunda jiddiy e’tibor qaratilayotgan muhim jihatlardan hisoblanadi. Milliy iqtisodiyotimizda keng ko‘lamli islohotlar amalga oshirilayotgan hozigi davrda xo‘jalik yurituvchi subyektlar faoliyatini rivojlantirish, ularning xorijiy kapital bozoriga chiqishini ta’minlashga erishish, tashqi bozordagi raqobatbardoshligini ta’minlash monopoliyaga qarshi boshqaruv tizimini takomillashtirish va bu borada ilg‘or xorij tajribalaridan samarali foydalanishni dolzarb vazifa qilib qo‘ymoqda.

O‘zbekistonda monopoliyaga qarshi boshqaruv organing shaffofligini oshirish, iqtisodiy o‘sishni ta’minlash, raqobatbardoshlikni oshirish, iqtisodiyotni modernizatsiya va diversifikatsiya qilish jarayonlarini chuqurlashtirish, investitsiyalarni, avvalambor iqtisodiyotning bazaviy va tarkibiy asosini tashkil etuvchi sohalarga jalb qilish uchun qulay shart-sharoitlar yaratishga yo‘naltirilgan keng ko‘lamli islohotlar amalga oshirilmoqda.

Bunda, monopoliyaga qarshi organning samaradorligini oshirish, iqtisodiyotda davlat ishtirokini yanada qisqartirish, fond bozorini rivojlantirish va sog‘lom raqobat muhitini yaratish faol investitsiya siyosatini olib borish, jamiyat va davlat faoliyatining barcha sohalarini jadal va barqaror rivojlantirish uchun asos hisoblanadi.

Shu bilan birga, bir davlat organi doirasida davlat aktivlarini boshqarish, monopoliyaga qarshi hamda qimmatli qog‘ozlar bozorini tartibga solish funksiyalarining jamlanishi tizimli muammolarning to‘planishiga olib kelmoqda. Ushbu muammolar shundan iboratki:

1. Ustav kapitalida davlat ulushi bo‘lgan korxonalarning kundalik xo‘jalik faoliyatiga davlat organlari aralashuvining yuqori darajadaligi, bozor tendensiyalariga moslashuvchanlik va sezuvchanlikning yo‘qligi, davlat ishtirokidagi korxonalarning soliq va bojxona, shu jumladan yakka tartibdagi xususiyatga ega bo‘lgan imtiyozlarga haddan tashqari bog‘liqligi;
2. Strategik rejalashtirish, xavf-xatarlarni tahlil qilish va boshqarish tizimining yo‘qligi, shu jumladan ishlab chiqarishning past texnik darajasi, ko‘plab ixtisoslikka kirmaydigan aktivlar mavjudligi, moliyaviy resurslarning ishlab chiqarishga taalluqli bo‘lmagan maqsadlarga yo‘naltirilishi sababli davlat ishtirokidagi korxonalarning investitsiyaviy jozibadorligi pastligi;
3. Davlat aktivlarini hisobga olishning tartibli tizimi yo‘qligi, xususiylashtirish jarayonlarini boshqarish samaradorligining pastligi, faoliyat ko‘rsatmayotgan korxonalar va bo‘sh yotgan obyektlarning ishlab chiqarish faoliyatini tiklash uchun institutsional salohiyatning sustligi;
4. Monopoliyaga qarshi qonun hujjatlari buzilishi holatlari bo‘yicha o‘z vaqtida va samarali tekshiruvlar o‘tkazish uchun vakolatli organda huquqlar va institutsional potensialning yetarli emasligi;
5. Monopoliyaga qarshi kurashishni tartibga solish bo‘yicha normativ-huquqiy hujjatlarning xalqaro standartlar va bugungi kun talablariga javob bermasligi, qonun hujjatlarining raqobatga ta’sirini baholash tizimining yo‘qligi hamda tovar va moliya bozorlarini tahlil qilish usullarining eskirganligi;
6. Xo‘jalik yurituvchi subyektlarda monopoliyaga qarshi qonun hujjatlari buzilishining oldini olishga doir korporativ standartlarni (monopoliyaga qarshi komplayens) joriy etish bo‘yicha tizimli ishlarning, monopoliyaga qarshi kurashishni tartibga solish, raqobat huquqi va siyosati, shuningdek iste’molchilar huquqlarini himoya qilish sohasida kadrlarni tayyorlashning barqaror tizimi yo‘qligi;
7. Mamlakat kapital bozorining hozirgi holati iqtisodiyotning real sektoriga uzoq muddatli va to‘g‘ridan to‘g‘ri, shu jumladan xorijiy investitsiyalarni jalb etish bo‘yicha mavjud imkoniyat va salohiyatdan foydalanishga imkon bermayapti, ko‘zlangan islohotlarni samarali amalga oshirish va respublikani jadallik bilan innovatsion rivojlantirishga to‘siq bo‘lmoqda.

Yuqorida keltirilgan muammolarni xal etishda iqtisodiyot tarmoqlari uchun samarali raqobat muhitini yaratish hamda tovarlar va xizmatlar bozorida bosqichma-bosqich monopoliyani qisqartirishga erishish talab etiladi.

Shuningdek:

1) Ustun mavqega ega bo‘lgan korxonalarning aksiya va ulushlarini sotib olishda tadbirkorlik subyektlarining hujjatlarini ko‘rib chiqish tartibini soddalashtirishni ta’minlash;

2) Xo‘jalik yurituvchi subyektlar tadbirkorlikni rivojlantirish bo‘yicha kafolatlash fondini tashkil etish;

3) Ustav kapitalining boshlangich miqdorini O‘zbekiston banklari assotsiatsiyasi, davlat organlari va tijorat banklari – muassasalar ulushlari hisobiga shakllantirish;

4) Tadbirkorlik subyektlarini kredit va boshqa moliyaviy mablag‘lar bilan ta’minlashni kengaytirish;

5) Investitsiyaviy loyihalarni amalga oshirishda kredit olish uchun garov ta’minotini taqdim etish imkoniyatini yaratish kabilar muhim o‘rin tutadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Davlat aktivlarini boshqarish, monopoliyaga qarshi kurashishni tartibga solish tizimini va kapital bozorini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida PF-5630.

2. O‘zbekiston Respublikasi monopoliyaga qarshi kurashish qo‘mitasi faoliyatini tashkil etish to‘g‘risida PF-4126.

3. O‘zbekiston Respublikasi monopoliyaga qarshi kurashish qo‘mitasi faoliyatini tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida VMQ-402 2019.

Xolmatov Muhriddin
2-kurs MEKP-10 guruh magistranti

MILLIY MAHSULOTLAR EKSPORTINI RIVOJLANTIRISHDA ZAMONAVIY LOGISTIKA TIZIMINI SAMARALI TASHKIL ETISH

Annotatsiya: *Mazkur maqolada logistikaning iqtisodiyotdagi va tashqi iqtisodiy faoliyatdagi ahamiyati tahlil qilingan. Logistikaning eksport hajmini oshirishga ta’siri ko‘rib chiqilgan. Shuningdek, O‘zbekistonda logistika va uning eksportga ta’siri o‘rganilgan.*

Kalit so‘zlari: *logistika, eksport, bozor infratuzilmasi,* LPI (Logistics Performance Index).

Bozor iqtisodiyotini rivojlantirishda eng asosiy omil infratuzilma hisoblanadi. Bozor infratuzilmasini rivojlantirish asosida makroiqtisodiy barqarorlikka erishish mumkin. Infratuzilmaning asosiy tarkibiy qismlaridan biri bu logistika hisobalanadi. Logistikaning to‘g‘ri tashkil qilinishi va uni rivojlantirish asosida tovarlar aylanmasi hajmini oshirish mumkin.

Logistika odatda murakkab operatsiyani batafsil tashkil etish va amalga oshirishdir. Umumiy biznes ma’nosida logistika - bu mijozlar yoki korporatsiyalarning talablarini qondirish uchun kelib chiqish nuqtasi va iste’mol nuqtasi o‘rtasidagi narsalar oqimini boshqarishdir. Logistikada boshqariladigan resurslar oziq-ovqat, materiallar, hayvonlar, uskunalar va suyuqliklar kabi jismoniy narsalarni o‘z ichiga olishi mumkin; shuningdek, vaqt va axborot kabi nomoddiy obyektlar. Jismoniy obyektlarning logistikasi odatda axborot oqimi, materiallarni qayta ishlash, ishlab chiqarish, qadoqlash, inventarizatsiya, tashish, saqlash va ko‘pincha xavfsizlikni birlashtirishni o‘z ichiga oladi.

Logistika resurslarni olish, saqlash va yakuniy manzilga tashishni boshqarishning umumiy jarayonini anglatadi. Logistika boshqaruvi istiqbolli distribyutorlar va yetkazib beruvchilarni aniqlash hamda ularning samaradorligi va foydalanish imkoniyatini aniqlashni o‘z ichiga oladi. “Logistika” dastlab harbiy xizmatchilarning asbob-uskunalar va materiallarni qanday olishi, saqlashi va ko‘chirishiga ishora qiluvchi harbiy atama bo‘lgan[1]. Hozirda bu atama biznes sohasida, xususan, ishlab chiqarish sohasidagi kompaniyalar tomonidan keng qo‘llaniladi.

Logistika menejmenti ta’minot zanjiri menejmentining bir qismi bo‘lib, iste’molchi talablarini qondirish uchun tovarlar, xizmatlar va tegishli ma’lumotlarning kelib chiqish joyi va iste’mol nuqtasi o‘rtasida samarali oldinga va teskari oqimini va saqlanishini rejalashtiradi, amalga oshiradi va nazorat qiladi. Logistikaning murakkabligini maxsus simulyatsiya dasturi yordamida modellashtirish, tahlil qilish, vizuallashtirish va optimallashtirish mumkin. Resurslardan foydalanishni minimallashtirish logistikaning barcha sohalarida umumiy motivatsiya hisoblanadi[2].

Logistika holatning yomonlashuvi bizes vakillarining daromadini kamaytiradi. Ayniqsa eksportni rivojlantirishda logistikaning ahamiyatilidir.

1-jadval

O‘zbekiston tashqi savdosi[3]

Ko‘rsatkichlar	2017 y.	2018 y.	2019 y.	2020 y.	2021 y.
mln.AQSH doll.: Tashqi savdo aylanmasi	**26,566.1**	**33,429.9**	**41,751.0**	**36,256.1**	**42,071.6**
eksport	12,553.7	13,990.7	17,458.7	15,102.3	16,610.6
import	14,012.4	19,439.2	24,292.3	21,153.8	25,461.0
savdo balansi saldosi	-1,458.7	-5,448.5	-6,833.6	-6,051.5	-8,850.4
shu jumladan: MDH davlatlari bilan	**9,084.6**	**12,144.4**	**14,461.8**	**11,826.4**	**15,867.8**
eksport	4,080.1	5,003.1	6,234.0	4,106.4	5,407.6
import	5,004.5	7,141.3	8,227.8	7,720.0	10,460.2
savdo balansi saldosi	-924.4	-2,138.2	-1,993.8	-3,613.6	-5,052.6

So‘nggi yillarda iqtisodiyotni erkinlashtirish va erkin savdo tamoyillari asosida tashqi iqtisodiy faoliyatni amalga oshirish natijasida O‘zbekiston ekrport va importi tarkibi takomillashib bormoqda. O‘zbekiston tashqi savdo aylanmasi 2017-yilda 26566.1 mln.AQSH dollorini tashkil qilgan va buning tarkibi 12553.7 mln.AQSH dollori va 14012.4 mln.AQSH dollori importni tashkil qilgan. Bu ko‘rsatkich 2021 yilga kelib 42071.6 mln.AQSH dollorgacha oshgan. Bunda eksport 16610.6 mln.AQSH dollorgacha va import 25461.0 mln.AQSH dollorgacha oshgan.

O‘zbekistonning asosiy savdo hamkorlari bo‘lgan MDH davlatlari bilan tashqi savdosi 2017 yilda 9,084.6 mln.AQSH dollorni tashkil qilgan bo‘lsa, 2021 yilda bu ko‘rsatkich 15,867.8 mln.AQSH dollorgacha oshdi. Bunda eksport 4,080.1 mln.AQSH dollordan 5,407.6 mln.AQSH dollorgacha, import 5,004.5 mln.AQSH dollordan 10,460.2 mln.AQSH dollorgacha oshgan.

O‘zbekiston va Jahon tovar savdosi (*YaIM ga nisbatan foizda*)



1-rasm. Jahon va O‘zbekistonda tovar savdosi(YaIM ga nisbatan foizda)[4]

O‘zbekistonda tovar savdosining YaIM dagi ulushi o‘sish tendensiyasini aks ettiradi. Butun jahon Tovar savdosining YaIM dagi ulushi nisbatan barqaror ko‘rsatkichni tashkil qiladi(1-rasm). O‘zbekistonda Tovar savdosi 2016 yilda YaIM ning 23.56 % ni tashkil qilgan bo‘lsa, 2021 yilga kelib bu ko‘rsatkich 55.11 % gacha ko‘tarildi. Eng yuqori ko‘rsatkich 2020 yilda kuzatilgan bo‘lib, u 59.9 5 % ni tashkil qiladi. Jahon Tovar savdosi esa 2016 yilda YaIM ning 42.44 5 ni tashkil qilgan va 2018 yilda 45.85 % gacha ko‘tarilgan. Keyingi davrda esa tushish tendensiyasini namoyon qilgan va 2020 yilda 42.05 % gacha tushgan.

Jahon savdo tashkiloti ma’lumotlariga ko‘ra, O‘zbekiston qishloq xo‘jaligi mahsulotlari va qishloq xo‘jaligidan tashqari mahsulotlar bilan tashqi savdoni amalga oshiradi[5].

Statistik ma’lumotlar tahlili asosida kuzatish mumkin-ki, keying yillarda O‘zbekistonda eksport hajmi oshib bormoqda. Samarador logistika tizimi ichki bozorda tayyor mahsulot va xom-ashyo harakatini optimallashtirish orqali tovar va xizmatlarning xaridorlar uchun qulay sharoit va arzon narxlarda yetkazib berilishini ta’minlaydi, bozordagi raqobatni rag‘batlantiradi. Tashqi bozorda esa mamlakatning iqtisodiy raqobatbardoshligini oshiradi va jahon iqtisodiyotiga integratsiya jarayonini tezlashtiradi. Rivojlanib borayotgan mamlakatimiz uchun samarador logistika tizimini tashkil qilish juda ham muhim. Shuning uchun samarali logistika tizimini tashkil qilish juda muhim. Logistika darajasini aniqlashda jahon *hamjamiyati Logistika samaradorligi indeksi –LPI (Logistics Performance Index)*[6] *dan foydalanadi. Unda quyidagi 8 ta yo‘nalish bo‘yicha mamlakatlar reytingi belgilanadi:*

- bojxona va chegaralarni rasmiylashtirish samaradorligi;
- savdo va transport infratuzilmasi sifati;
- raqobatbardosh narxlarda xalqaro transportni tashkillashtirish qulayligi;
- logistika xizmatlarining sifati va vakolatlari;
- tovarlarning o‘tishini kuzatish;
- yuklarni yetkazib berishning o‘z vaqtida bajarilishi.

So‘nggi yillarda O‘zbekiston transport infratuzilmasini rivojlantirishga, shu jumladan avtomobil transporti tizimini yanada takomillashtirish va raqobatbardoshligini oshirishga katta e’tibor qaratmoqda.

Respublikaning barcha mintaqalarining fazoviy aloqasi ta’minlandi, yo‘lovchilar va yuk transporti sohasida tizimli islohotlar amalga oshirilmoqda, shu jumladan xalqaro standartlarga muvofiq yo‘l harakati xavfsizligi va qulayligini oshirish.

Bugungi kunda O‘zbekiston transport tizimi turli xil transport turlari va multimodal transportni rivojlantirish, tabiiy to‘siqlarni bartaraf etish va transportni boshqarishni takomillashtirish o‘rtasida samarali o‘zaro aloqalarni o‘rnatish yo‘lida bormoqda.

Keyinchalik rivojlangan mamlakatlarning transport tizimlari bilan yanada integratsiyalashuvi va transport sohasini rivojlantirishning zamonaviy tendensiyalari transport xizmatlari, infratuzilma va samarali logistikani rivojlantirishga kompleks yondashishni talab qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. *U.S. Army Maneuver Center of Excellence. “Maneuver Self Study Program.”*
2. *Azmat Gani. The Logistics Performance Effect in International Trade. The Asian Journal of Shipping and Logistics. volume 33, number 4, pages 279-288, 2017. Doi: https://doi.org/10.1016/j.ajsl.2017.12.012*
3. *O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasi rasmiy sayti ma’lumotlari asosida muallif ishlanmasi. https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/merchandise-trade-2*
4. *Jahon banki rasmiy sayti ma’lumotlari asosida muallif ishlanmasi. https://data.worldbank.org/indicator/TG.VAL.TOTL.GD.ZS?locations=UZ-1W*
5. *Jahon savdo tashkilotining rasmiy sayti ma’lumotlari asosida muallif ishlanmasi. https://www.wto.org/english/res_e/statis_e/trade_profiles_list_e.htm*
6. *https://review.uz/uz/post/infografika-uzbekistan-v-indekse-effektivnosti-logistiki-2016-2018-gg*

Tilavov Sherali Qudratilloyevich
1-kurs MIIT-01 guruhi magistranti

AXBOROT XAVFSIZLIGINING ZAMONAVIY JIHATLARI

Annotatsiya: *Maqolada axborot xavfsizligi raqamli iqtisodiyotning shakllanishi sharoitida iqtisodiy xavfsizlikning muhim tarkibiy qismlaridan biri ekanligi ko‘rsatilgan. Bundan tashqari, dasturiy ta’minot tizimlari zamonaviy davrda axborot xavfsizligini samarali tartibga solishda katta o‘rin tutishi va iqtisodiy bozorda xo‘jalik yurituvchi subyektlar axborot tizimlari faoliyatini optimallashtirishga xizmat qilayotgani ta’kidlandi.*

Kalit so'zlar: *axborot xavfsizligi, raqamli iqtisodiyot, xavfsizlik tahdidlari, samaradorlik, axborot almashinuvi.*

Jahon xo‘jalik tizimi rivojlanishining zamonaviy davri iqtisodiy xavfsizlikka katta tahdidlar bilan tavsiflanadi.

Olimlarning tadqiqotlari shuni ko‘rsatadiki, iqtisodiy xavfsizlik siyosiy, moliyaviy, ijtimoiy, innovatsion va axborot xavfsizligini o‘z ichiga olgan murakkab tushunchadir.

Raqamli iqtisodiyotni shakllantirish sharoitida iqtisodiy xavfsizlikning asosiy tarkibiy qismlaridan biri axborot xavfsizligi hisoblanadi.

Zamonaviy voqelik shuni ko'rsatadiki, zamonaviy axborot tizimlarining ishlashida axborotni himoya qilish maqsadida axborot manbalariga ruxsatsiz kirish, yo'q qilish, o'zgartirish, blokirovka qilish, nusxalash, etkazib berish, tarqatish, shuningdek, bunday ma'lumotlar bilan bog'liq boshqa noqonuniy harakatlardan himoya qilish, maxfiylik qoidalariga rioya qilish, kirish cheklangan ma'lumotlarning maxfiyligini himoya qilish, axborotga kirish huquqini amalga oshirish usullariga e’tibor qaratiladi [1].

Himoya usuli va vositalarini tanlash xavfsizlikni ta'minlash bo'yicha qo'yilgan vazifalarga bog'liq:

- kirishni cheklash;
- vakolatlarning tabaqalanishi;
- ishonchni shakllantirish;
- tarkibni himoya qilish.

Resurslarga kirishni cheklashning eng keng tarqalgan usuli axborot tizimining o'rnatilgan vositalaridan foydalangan holda hisob qaydnomalarini yaratishdir. Yagona farq shundaki, foydalanuvchi identifikatsiya ma'lumotlarini uzatish uchun ishlatiladigan protokollar kodlashdan tortib xeshlar va shifrlashdan foydalanishgacha, protokolni tanlash kirish xavfsizligi darajasini belgilaydi. Protokoldan qat'iy nazar, hisoblar foydalanuvchilarni faqat ishonchli va ishonchsizlarga taxminan ajratishi mumkin, ammo foydalanuvchilarga turli ruxsatlar berishni istasak, boshqa echimlar kerak bo'ladi.

Odatda, tashkilotlarda yuqori tashkilot xodimlari tomonidan tayyorlangan ma'lumotlar jadvallarini o'z ichiga olgan umumiy elektron hujjatlardan foydalanadilar. Ma'lumotlarning buzilishi tashkilotning konsolidatsiyalangan hisobotining buzilishiga olib kelishi mumkin. Elektron hujjatlardagi ma'lumotlar bilan ishlash huquqini farqlash uchun tahrirlovchilarning o'rnatilgan imkoniyatlaridan foydalaniladi, ular elektron hujjatni yoki faqat ma'lum sahifalar va sohalarda o'qish yoki o'zgartirishlar kiritish huquqiga ega bo'lgan foydalanuvchilar guruhlarini belgilaydi. Ruxsatlarni cheklashning ushbu usuli oddiy "ruxsat berish - rad etish" dan ko'ra ko'proq imkoniyatlarni beradi, lekin umuman olganda, muharrirlarning imkoniyatlari cheklangan va tahrirlashni cheklashdan tashqari, ular boshqa vazifalarni hal qila olmaydi [2].

ActiveDirectory huquqlarni boshqarish xizmati kabi maxsus dasturiy vositalar elektron hujjatlar bilan ishlashda foydalanuvchi huquqlarini cheklash uchun ancha keng imkoniyatlarga ega. Uning yordami bilan siz elektron hujjatlarni o'qish, tahrirlash, nusxalash, chop etish va jo'natish huquqlarini ajrata olasiz. Ushbu xizmat yordamida siz maxfiy ma'lumotlardan foydalanish va tarqatish bo'yicha yagona korporativ siyosatni amalga oshirishingiz mumkin. Elektron hujjat uchun belgilangan siyosat undan nusxa olinganda yoki boshqa joyga yuborilganda ham hujjatda qoladi. Elektron hujjatlar mazmunini himoya qilish va siyosatlarni aniqlash uchun Microsoft operatsion tizimining o'rnatilgan vositalaridan foydalangan holda shifrlash qo'llaniladi.

Amaldagi kirishni boshqarish usullari elektron hujjatlarni ruxsatsiz kirishdan, yo'q qilishdan, o'zgartirishdan, nusxa ko'chirishdan va yagona tizim ichida tarqatishdan himoya qilish imkonini beradi, lekin turli tizim foydalanuvchilarining elektron o'zaro ta'sirida ishonch muammosini hal qila olmaydi.

To'liq elektron hujjat aylanishidan foydalanish elektron hujjatlar qayerda va kim tomonidan yaratilganidan qat'iy nazar, ularga bo'lgan ishonchni saqlashni anglatadi.

Eng muvaffaqiyatli ishonch muammosi elektron imzo yordamida hal qilinadi. Oddiy elektron imzo elektron hujjatga tasdiqlash qiymatini, masalan, kod, chiziq, shaxsiy imzo yoki olingan barmoq izini qo'shish orqali imzoni yaratgan shaxsni aniqlash imkonini beradi. Bunday usullar keng tarqalgan, katta xarajatlarni talab qilmaydi, ulardan foydalanish oson va foydalanuvchilarni o’ziga jalb qiladi.

Oddiy elektron imzo bilan ta'minlangan xavfsizlik darajasi yuqori emas, lekin ichki hujjat aylanishiga ishonchni ta'minlash uchun etarli bo'lishi mumkin. Ko'pgina to'lov tizimlari mijozlar bilan elektron aloqada ishonchni o'rnatish uchun oddiy elektron imzodan foydalanadi [3].

Xavfsizlikning yuqori darajasi ilg'or elektron imzo bilan ta'minlanadi, bu shifrlangan qismga ega ma'lumotlar to'plami bo'lib, elektron imzo yaratuvchisini yagona aniqlash va elektron hujjatning yaxlitligini tekshirish imkonini beradi. Shifrlash foydalanuvchining shaxsiy kaliti yordamida amalga oshiriladi va olish, o'rnatish va sozlash uchun ma'lum xarajatlarni talab qiladigan kriptografik axborotni himoya qilish vositalaridan foydalanishni, shu bilan birga foydalanuvchilarni bunday vositalar bilan ishlash uchun dastlabki o'qitishni o'z ichiga oladi.

Masofaviy serverga kriptografik ma'lumotlarni himoya qilish vositalari o'rnatilganda ishonchli foydalanuvchilarga kirishda ham oddiy echimlar mavjud. Elektron imzoni tekshirishda imzoning shifrlangan qismi foydalanuvchining hisob qaydnomasida saqlanadigan foydalanuvchiga ma’lum bo‘lgan ochiq kalit yordamida shifrdan chiqariladi. Agar foydalanuvchilar umumiy hisob ma'lumotlari do'konidan foydalanmasdan o'zaro aloqada bo'lsalar, ochiq kalitga ishonchni o'rnatish uchun ochiq kalit sertifikati yoki elektron imzoni tekshirish kaliti deb ataladigan ochiq kalitga foydalanuvchining egaligini tasdiqlovchi hujjatdan foydalaniladi. Foydalanuvchilarning o`zaro elektron ma`lumot almashinuvi uchun raqamli serifikatlarni shakllantirish zarur. Bunda sertifikatdagi ishonch elektron raqamli imzodan foydalangan holda serifikatsiya markazi orqali ta`minlanadi. [4] .

Elektron o'zaro aloqada juda muhim vazifa elektron hujjatlar mazmunini himoya qilish orqali cheklangan kirish ma'lumotlarining maxfiyligini ta'minlashdir. Ushbu muammoning turli xil echimlari mavjud, tanlov foydalanuvchilarning o'zaro munosabatiga bog'liq [5].

Foydalanuvchilar onlayn muloqotda bo'lganda, IPSecurity protokol to'plamidan foydalangan holda uzatilgan ma'lumotlarga kirishni cheklash mumkin. Ma'lumotlarni himoya qilish va kirishni cheklash uchun ochiq kalit shifrlashdan foydalanganda turli xil shifrlash algoritmlari va dasturiy vositalaridan foydalanish mumkin.

Agar foydalanuvchilar elektron pochta xabarlari orqali o'zaro aloqada bo'lsa, ularni himoya qilish uchun S/MIME protokoli standarti o'rnatilgan. Yo'naltirilgan pochta xabarlarini himoya qilish elektron imzo va shifrlashdan birgalikda foydalanish orqali ta'minlanadi. Bu erda o'zaro aloqaning barcha ishtirokchilari sertifikat markazidan kalitlarni tayinlash bo'yicha kerakli ko'rsatmalar bilan sertifikatlarini olishlari kerak [6].

Mavjud axborot va to'lov tizimlari uzatiladigan elektron ma'lumotlarni himoya qilish uchun echimlar kombinatsiyasidan foydalanadi, ammo yuqoridagi echimlardan faqat bittasi qo'llaniladigan ko'plab sxemalar mavjud.

Turli tizimlar foydalanuvchilari o'rtasida masofaviy o'zaro aloqada bo'lgan taqdirda, eng samarali echimlar o'zaro aloqada bo'lgan barcha tomonlarga ishonchni ta'minlaydigan va uzatiladigan elektron ma'lumotlarni himoya qilish uchun shifrlash kalitlarini masofaviy muvofiqlashtirishga imkon beradigan sertifikatlardan foydalanish va elektron tizimda ilg'or elektron imzodan foydalanishdir. Bu uzatiladigan elektron hujjatlarga eng yuqori darajadagi xavfsizlik va ishonch darajasini ta'minlaydi.

SecureTower dasturiy mahsuloti asosida keng qamrovli xavfsizlik tizimi amalga oshiriladi.

Quyidagilarga imkon beradi:

- ma`lumotlarnim maqsadli o`g`irlash yoki tasodifiy ma'lumotlarni sizib chiqishdan himoya qilish;
- operatsion, reputatsion va huquqiy risklarni boshqarish;
- tashkilotning biznes aloqalar arxivini yuritish;
- insidentlarni retrospektiv tekshirish.

Axborotni boshqarishning turli usullari (lingvistik, statistik, sifat, raqamli barmoq izlari va boshqalar) va ko'p komponentli xavfsizlik siyosatini yaratish imkoniyatining kombinatsiyasi axborot xavfsizligi xizmati samaradorligini oshirishi mumkin [7].

Amaliyot shuni ko'rsatadiki, hodisani aniqlashning o'zi etarli emas, unga darhol harakat qilish muhimdir. Agar hodisa aniqlansa, axborot xavfsizligi bo'yicha mas'ul xodim voqea va uning tavsifi to'g'risida darhol elektron pochta xabarini oladi.

SecureTower yordamida operatsion risklarni boshqarish xodimlar tomonidan ish vaqti va korporativ resurslardan noto'g'ri foydalanishni aniqlash orqali amalga oshiriladi [8].

SecureTower operatsion xavf ehtimolini minimallashtirishga imkon beradi va kompaniyaning biznes jarayonlarini optimallashtirishga imkon beradi. 1-rasmda Falcongaze tomonidan ishlab chiqilgan SecureTower dasturining ishchi ekrani ko'rsatilgan.



Rasm. 1. Falconze tomonidan ishlab chiqilgan SecureTower dasturining ekrani

1-rasmda ko'rinib turganidek. SecureTower tomonidan olingan barcha trafik tahlil qilinadi va ma'lumotlar bazasida saqlanadi.

Dastur ichki biznes jarayonlari va hodisalarining "tarixini" saqlash uchun o'ziga xos arxiv yaratadi.

Bu sizga maxfiy ma'lumotlarning sizib chiqishi bilan bog'liq har qanday holatlarni retrospektiv tarzda tekshirish imkonini beradi. Muayyan xabarga qaytish orqali siz abonentlar muloqotining butun tarixini ko'rishingiz mumkin [9].

SecureTower korporativ tarmoqdan chiqadigan mobil ish stantsiyalari va portativ kompyuterlarni to'liq nazorat qilishni ta'minlaydi.

Dasturiy mahsulotning yana bir varianti - geografik taqsimlangan ofislarda tizimni markazlashtirilgan tarzda sozlash va boshqarish imkoniyati.

SecureTower bitta konsoldan markazlashtirilgan tarzda o'rnatiladi va sozlanadi va tarmoq infratuzilmasini o'zgartirish yoki qo'shimcha qimmat uskunalar sotib olishni talab qilmaydi.

Binobarin, zamonaviy sharoitlarda mamlakatning iqtisodiy xavfsizligini ta’minlash maqsadida iqtisodiyotni tarkibiy modernizatsiya qilish, innovatsion rivojlanish, innovatsion rivojlanish, inson kapitali sifatini oshirish, texnik-texnologik bazani takomillashtirish, investitsiyalar, qulaylik yaratish mamlakatdagi ishbilarmonlik muhiti, bozor kon’yunkturasini yaxshilash, jahon iqtisodiy bozorida mamlakat o`rnini yuksaltirish, huquqiy qonunchilikni muntazam takomillashtirish zarurdir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. *Барт А. А. Подходы к обеспечению экономической безопасности России в долгосрочной перспективе // А. А. Барт, Л. В. Барт // Современные процессы в развивающейся экономике: сборник научных трудов – Ульяновск: УлГТУ, 2011.*

2. *Бегалов Б.А., Жуковская И.Е. Методические основы влияния информационно-коммуникационных технологий на развитие национальной экономики. Monografiya. T.: Iqtisodiyot. 2018. – 178 bet.*
3. *Горбашко Е.А. Влияние цифровизации на качество жизни с позиций устойчивого экономического развития. // Сборник статей по итогам XIV международной научно-практической конференции «Современный менеджмент: проблемы и перспективы». СПб.: Изд-во СПбГЭУ, 2019 г., с. 29.*
4. *Жуковская И.Е. Совершенствование методологии применения информационно-коммуникационных технологий в статистической деятельности в условиях формирования цифровой экономики. Monografiya. Toshkent: Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi. 2020, 160 bet.*
5. *Прохорова М. П. Теория принятия решений в менеджменте: учебное пособие / Прохорова М. П. Нижний Новгород: ВГИПУ, 2017. - 71 с.*
6. *Хашимходжаев Ш.И. Влияние цифровой трансформации на экономические процессы в Республике Узбекистан. Сборник статей по итогам XIV международной научно-практической конференции «Современный менеджмент: проблемы и перспективы». Изд-во Санкт – Петербургского государственного экономического университета. 2019, С.505-509.*
7. *Юрков А.В. Укрупненная классификация систем поддержки принятия решений. // Прикладная информатика 2018 № 3. Часть 2., с.157.*
8. *www.abt.ru - Компания АБТ Сервисы для бизнеса*
9. *infocom.uz - O`zbekiston axborot kommunikatsiya texnologiyalari sayti*

ТДИУ таянч докторанти А.О. Худойбердиев,
ТТА магистранти С.А.Мирзалиева,
ТДИУ Магистранти Ф.Б.Хайитова,
ТТПУ доценти С.М.Мирзалиев

ЯНГИЛАНАЁТГАН ЖАМИЯТДА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТЛАР ИШЛАРИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Қисчача мазмуни (аннотация): *Ушбу мақолада Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичи унинчи реннесанс даврида ёшлар маънавий маданиятини ривожлантириш ва юксалтиришнинг стратегик вазифалари, таълим ва тарбия сиёсатининг ижтимоий мўлжаллари ҳамда ёшлар таълим-тарбияси, онги ва тафаккури масаласи глобаллашувнинг бугунги чегарасида ўзига хос ҳал қилувчи нуқталардан бири эканлиги шу билан бирга ёшларда маънавий маданиятини юксалтиришнинг ҳозирги вақтдаги долзарб муаммолари ва уларнинг ечими ҳақида сўз юритилади.*

Калит сўзлар: *учинчи ренессанс, глобаллашув, тараққиёт, жамият, маънавият, маданият, ёшлар, Ўзбекистон.*

Annotation: *In this article, the new stage of development of Uzbekistan, the strategic objectives of developing and enhancing the spiritual culture of youth in the third renaissance, the social goals of education and upbringing policy, and the issues of youth education, consciousness and thinking are one of the key points in today's globalization. together with the current problems of raising the spiritual culture of young people and their solutions.*

Keywords: *third renaissance, globalization, development, society, spirituality, culture, youth, Uzbekistan.*

Аннотация: *В статье рассматриваются новый этап развития Узбекистана, новый этап развития Узбекистана, стратегические задачи развития и повышения духовной культуры молодежи третьего Возрождения, социальные цели политики в области образования и воспитания, а также вопросы образования, сознания и мышления молодежи являются одним из ключевых моментов в сегодняшней глобализации. вместе с актуальными проблемами повышения духовной культуры молодежи и их решения.*

Ключевые слова: *третье возрождение, глобализация, развитие, общество, духовность, культура, молодежь, Узбекистан.*

КИРИШ. Дунё бўйича инновацион рақамли технологиялар ривожланган ҳолда, инсоният тафаккурига таъсир қилиб борувчи кибер алоқа ахборот воситаларининг кўлами кенгайиб бораётган бир даврда ёшларнинг маънавий маданиятида инсонийлик ғояларини, хусусан, эзгулик, дўстлик, бағрикенглик, яхшилик, оқибат, вафо каби маънавий-ахлоқий тамойилларини сақлаш ва асраш муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Инсон тирик мавжудотлардан тафаккури ва маънавияти билан фарқланиши боис, ушбу тафаккур имкониятларини жамиятга хизмат қилишни таъминлашга, унинг маънавий маданиятида инсонийликни сақлашга эришиш учинчи минг йилликда заруриятга айланди.

Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичи хисобланаётган учинчи ренессанс даврида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ва янгиланишлар жараёни ёшлар маънавий маданиятини такомиллаштириш кун тартибидаги долзарб вазифалардан биридир. Республикамизда ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бири “Ёшларга оид давлат сиёсати” доирасида ёшлар, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўлиб, бунда нафақат ёшларнинг иқтисодий, балки ижтимоий индивидуал онгининг ҳимояси ва маънавий маданиятини шакллантиришга, уни шу азиз Ватаннинг том маънодаги фидойи фуқароси сифатида тарбиялаш назарда тутилган. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, «Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислоҳотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз. Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маънавият керак. Илм йўқ жойда қолоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади» [1, 2-б.]. Ёшларнинг маънавий маданиятининг ижтимоий тараққиётни таъминлашдаги ўрни, унинг моҳиятини белгиловчи омилларни аниқлаш ижтимоий-маданий юксалишда ўзаро уйғунликни таъминлаш, илмий-амалий аҳамиятга молик бўлган хулосаларни ишлаб чиқиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Шу нуқтаи назардан тафаккур имкониятларини кенгайтириш, эркин ва танқидий фикрлаш, фаолиятни мақсадга йўналтириш, келажакка мўлжал олиш кабиларга эришиш мақсадида 2017 йил 13 сентябрь “Китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Президент Қарори эълон қилинди ва у босқичма-босқич тизимли амалиётга жорий қилинмоқда. Чунки, китоб билим манбаи бўлиб, у шахс маънавий маданиятини шакллантирувчи энг муҳим омилдир. 2017 йилдан 30 июнь санасини Президентимиз ташаббуси билан “Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз” деган шиор кенг тарқалиб, “Ёшлар куни” деб эълон қилиниши, ёшларга имтиёзли кредитларнинг берилиши, таълим тизимининг барча босқичларидаги ислоҳотлар, олий таълим тизимида ўқиш имкониятларининг йилдан-йилга кенгайиб бораётганлиги, замонавий ва диний билимлар уйғунлигини таъминлаш жараёни юксак маънавиятли шахсни тарбиялашга йўналтирилгандир.

АСОСИЙ ҚИСМ. Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ислоҳотларнинг замирида “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” деган ҳаётий ғоя турибди. Миллий юксалиш фақатгина маънавий соҳада эмас, балки демократик жамият ва ҳуқуқий давлат, фаровон ва тинч-осуда ҳаёт, иқтисодий жиҳатдан барқарорлик каби ҳаётимизнинг барча соҳаларини тараққий эттиришни кўзда тутади. Бу жараёнлар давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёевнинг ташаббуси асосида илгари сурилган Ўзбекистонни янада ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегияси, узоқ муддатли 2030 йилга қадар мўлжалланган тараққиёт концепциясида ўз аксини топмоқда. Айниқса, “Рақамли иқтисодиёт -2030”, таълим тизимини тараққий эттиришнинг 2030 йилга қадар мўлжалланган концепцияси ва бошқалар бунинг яққол исботидир. Ҳар бир жамиятнинг тараққиётини, уни амалга оширишга қаратилган стратегик дастур ёки концепциялар бўлмасин уларнинг барчасини амалга оширувчи куч бу инсон омилидир. Бунда бу омилнинг маънавий-руҳий, иқтисодий-ҳуқуқий, жисмоний жиҳатдан қўллаб-қувватланиши ва унинг имкониятлари ҳар томонлама кафолатланиши шарт қилинади. Хусусан маънавий маданияти ҳам ўз ўрнида инсоннинг ҳам маънан, ҳам жисмонан ва моддий жиҳатдан юксалишини таъминловчи муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бу борада маънавий маданият жамиятнинг барча соҳалари ва тармоқларини ривожлантиришга ҳисса қўшиш бирга улардан маънавий куч олади, ижобий маънода таъсирланади.

Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичи жамиятнинг тобора ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш сари интилишидаги асосий муаммоларидан бири бу - мустақил шахсга муҳтожлигидир. Бу ўриндаги асосий жиҳат инсон ташқи ижтимоий кучлар томонидан мажбурланмасдан ва онгнинг ички шароитлари, руҳий дунёси орқали манипуляция қилинмасдан

эркин ривожланишидир. Бугунги талаб ҳам инсон ўзини ўзи ўзгартириши, ўзини ўзи тарбиялаши орқали эркин бўла олиши, ўз ҳаётини ва атрофини ўзгаришларга олиб киришидир.

Маданиятнинг ички ёки шахсий тури маънавий борлиқ принципига мувофиқ ташкил этилади. Бунда инсоннинг ўзи ва унинг атрофидаги ғоялари, мақсадлари, ғайратлари ва ҳаракатлари муҳим роль ўйнайди. Маданият жамиятнинг ажралмас белгисидир, шунинг учун у ижтимоий аҳамият касб этади. Ҳаёт жараёнида инсон маданий-тарихий мавжудот сифатида шаклланади. Инсон ижтимоий мавжудот сифатида ўзининг маънавий маданиятининг яратувчисидир ва бу ўз-ўзини ривожлантириш, ўзини такомиллаштириш орқали амалга оширилади. Билим, онг, ақл ва сабаб бир бутуннинг бир томонини - шахснинг маънавий оламини англатади, уни объектив мазмун ва шахснинг ташқи ҳаёт фаолияти учун аҳамияти нуқтаи назаридан тавсифлайди. Умуман маънавий маданият нафақат воқеликни инсон онгида объектив-мазмунли акс эттириш билан, балки ҳиссий, бахтсиз идрок, ушбу таркибни англаш билан ҳам боғлиқдир.

Дарҳақиқат, ҳар бир мамлакатда аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги маънавий интеллектуал салоҳияти жамият тараққиётини белгиловчи муҳим омиллардан биридир. Давлат ва жамият бошқарувида фуқароларнинг айниқса, ёшларнинг иштироки уларнинг объектив воқеликка муносабатида тўла намоён бўлади. Бошқарув жараёнидаги бундай муносабат ҳар бир инсоннинг жамият сиёсий ҳаётида ўз ўрнига эга бўлиши, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий мақсад ва манфаатларини қондириши ҳамда, уларни амалга ошириш йўлидаги ҳаракатлари асосида юз беради. Жамиятда янгича муносабатлар таркиб топаётган ҳозирги даврда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирок этиш имкониятлари кенгайиб бормоқда. Буюк бобомиз Абдулла Авлоний айтганидек, бу масала биз учун ҳақиқатдан ҳам ё нажот, ё ҳалокат, саодат, ё фалокат масаласидир ва ўз долзарблиги ва аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган, таъбир жоиз бўлса, масалаларнинг масаласидир [2, 195-б.]. Демак, мамлакатимизда ёшларнинг жамият тараққиётига нисбатан онгли муносабати, ундаги иштироки ва фаоллигисиз миллий тараққиётни тасаввур қилиш қийин. Ўзбекистон шароитида ёшларга ижтимоий тараққиётнинг муҳим «катализатори» сифатида қаралишининг энг муҳим сабабларидан бири ҳам улар таркиби, онги ва дунёқараши билан боғлиқ. Негаки, ёшлар дунёқараши бугунги янгиланишлар жараёнида шаклланиб бормоқда. Шу сабаб ҳам давлат сиёсатида бу масалага алоҳида ёндашилмоқда.

Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти шароитида сиёсий фаоллик кўпроқ ёшлар ташкилотлари, маънавият ва маърифатга дахлдор жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари, маҳалла, оила каби фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ўзаро мустаҳкам алоқа боғланишини талаб этади. Умуман бугунги демократик жараёнлар чуқурлашаётган, фуқаролик жамияти институтлари шаклланаётган шароитда ҳар қандай масаланинг ечимида давлат ва жамият ўртасида уйғунлик таъминланмас экан, ислоҳотларда керакли натижаларни қўлга киритиш қийинчилик билан амалга ошиши аниқ. Немис ва япон жамияти урушдан кейинги оч-наҳорликларга, муҳтожликларга қарамай, барча топганларини ёшлар камолотига, уларнинг таълим ва тарбияси учун сарфлаган. Бунинг устига ғолиб давлатлар кўрган зарарларни ҳам ана шу халқлар тўлаши керак бўлди. Ана шундай оғир шароитда Японияда сиёсий, иқтисодий инқирозга учраган мамлакатни тушкунликдан олиб чиқишнинг бирдан-бир йўли сифатида халқ миллий руҳиятини тиклаш, таълим тизимини янги асосда йўлга қўйишга эътибор қаратилди. «Халқнинг қорнини тўйдириш учун, аввало унинг миясини тўйдириш керак» деган ўзига хос шиор ва ғоя илгари сурилди.

Маънавий маданият - бу маънавий қадриятларнинг маълум бир тизими, инсон у ёки бу тарзда маънавий бойликни эгаллайди ва шу тариқа шахс сифатида намоён бўлади, шунинг учун маънавиятга эришиш инсон ҳаётининг асосий вазифасидир. Бирор киши нимани ўзлаштириши мумкинлиги ва ундан ёрдам сўраши кераклиги ҳақида қийин савол туғилади. Масалан, экзистенциализм ҳар қандай шаклда таълимни рад этади, уни инсонга нисбатан зўравонлик ёки ҳеч бўлмаганда унинг эркинлигини чеклайди. Бироқ, инсон маънавиятини тил, таълим, алоқа, социализация орқали бойитиб бориши аниқ. Ҳисоб-китоблар, қадриятлар, табиатни, вақтни, идеалларни идрок этиш усуллари ҳаёт жараёнида анъаналар ва таълим орқали инсон онгига жойлаштирилган.

Дунё тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, қачонки демократик тамойиллар кўпроқ қуйидан юқорига қараб такомиллашиб борса, у ўзига хос қадрият даражасига кўтарилади. Мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-мафкуравий барқарорлиги жамиятдаги маънавий салоҳият ва интеллектуал омилнинг натижаси эканлигини кўрсатмоқда. Бунда ижтимоий-сиёсий фаоллик ва миллий бирликнинг таъминланишини икки хил аспектда кўриш

мумкин: 1) Бу жараён жамият сиёсий тизими, яъни кучли давлат ва унинг ижро ҳокимиятининг амалиёти билан боғлиқ бўлган. (Миллий тараққиётнинг бундай йўлини Америка Қўшма Штатлари ва Англиянинг 1930-1940 йиллардаги сиёсий тизими ва ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришларда кўриш мумкин.); 2) халқ ижтимоий-сиёсий фаоллиги, миллатнинг ўз-ўзини англаши, таълим тизимига алоҳида эътибор, миллий тараққиёт сари ғоявий-мафкуравий бирликка интилиши билан боғлиқ бўлган. Ана шундай долзарб муаммоларнинг ечимида аҳоли (Мамлакатимиз шароитида аҳолининг 60% дан ортиғини ташкил қиладиган ёшлар)нинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, онги ва дунёқараши белгиловчи аҳамият касб этади.

Юқоридаги берилган фактлардан маълум бўладики, ҳар қандай мамлакатда ҳам ҳар қандай авлод техникада, технологияда, ишлаб чиқаришда, фаровонлик даражасида, маънавий маданиятда олға силжишга қулай шароитга эга бўлавермайди. Бироқ баркамол авлод мерос қилиб оладиган ишлаб чиқариш муносабатлари ишлаб чиқариш кучларининг ўсишига олиб келса ва ўзи ҳам ҳеч бўлмаса ушбу тузум доирасида такомиллашадиган бўлса, янги авлод ишлаб чиқаришни, техникани, технологияни, фанни, таълимни, маданиятни ривожлантириш масалаларини ўзи муваффақиятли ҳал этган бўларди. Жанубий Африка Республикаси Стелленбосс университети пештоқига қуйидаги ибора ёзиб қўйилган. «Ҳар қандай миллатни йўқ қилиш учун атом бомбаси ёки узоқ масофали ракета шарт эмас. Бунинг учун таълим сифатини тушириб, имтиҳонларга алдов аралаштиришнинг ўзи кифоядир. Бу тарзда таълим олган шифокорлар қўлидан беморлар ўлим топади, қурувчилар қурган уй ва бинолар вайрон бўлади, иқтисодчи ва ҳисобчилар қўлида молиявий ресурслар совурилади, адолат ҳам шундай ҳуқуқшунос ва судьялар қўлида завол топади. 2018 йилда «Ижтимоий фикр» жамоатчилик Маркази ўтказган сўровда иштирок этганларнинг 29 фоизи олий таълим тизимида коррупция кенг тарқалган деган фикрни билдирган бўлса, 2019 йилда бу салбий кўрсаткич 35 фоизни ташкил этган. Ўтган йилнинг август ойида Интернет орқали ўтказилган сўровда Юридик, Иқтисодиёт, Миллий ва Ахборот технологиялари университетлари ҳамда Тиббиёт академияси коррупция энг кўп тарқалган олий ўқув юртлари сифатида кўрсатилган. Шунингдек, Олий таълим муассасалари илмий-тадқиқот фаолиятида ҳам камчилик ва нуқсонлар мавжуд бўлиб, илмий даража бериш тартиб – таомилларидаги мураккабликлар, ўринсиз талаб ва коррупциявий омиллар таълим сифатига таъсир кўрсатмоқда. Давлатимиз раҳбари бу каби муаммоларнинг олдини олиш борасида қуйидаги мулоҳазани илгари сурган эди: “Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак” [3, 3-б.].

Ёшларимиз маънавиятини юксалтирмасдан туриб, халқимиз ҳаёти ва турмушининг юксалишига ҳамда мамлакатимиз тараққиётида муваффақиятларга эришиш мумкин эмас. Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг “Халқнинг маънавияти ва маданияти, унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хослиги қайта тикланаётганлиги жамиятимизни янгиланиш ва тараққий эттириш йўлидан муваффақиятли олға силжишида ҳал қилувчи, таъбир жоиз бўлса, белгиловчи аҳамиятга эгадир” [4, 300-б.] – деган кўрсатмаси концептуал аҳамият касб этмоқда. Жамиятимизнинг асосий мақсади ҳам Ватанга, халқига, миллатига фидокор мустақил фикрлайдиган, ҳар бир масалани онгли равишда масъулият билан ҳал қиладиган, изланувчан маънавиятли баркамол фарзандлар ўстириш, уларни жисмоний ҳам маънавий-ахлоқий жиҳатдан мукаммал қилиб тарбиялаш ва билимли, маърифатли кишилар этиб вояга етказишдан иборат.

Бугунги кунда Президент Шавкат Мирзиёев ёшларга эътиборни кучайтириш, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларнинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун замонавий шароит ва имкониятлар яратилган. Шулардан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбари ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббусни илгари сурган эди. Биз қуйида мазкур ташаббусларнинг моҳияти ва уларнинг шахс маънавий маданияти шакллантиришдаги аҳамиятига эътибор қаратамиз.

Биринчи ташаббус ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилади ва бу ёшларда бадиий маданиятини шакллантиради, эстетик дидини оширади. Бу борада тайёрланган Дастурга кўра, 2019-2020 йилларда 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган 2 миллион нафардан зиёд ёшларни маданият ва санъат соҳасига жалб этилади.

Иккинчи ташаббус ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилган бўлиб, бу ташаббус ёшларда жисмоний маданиятни шакллантиради ҳамда жисмоний маданият маънавий маданиятга асос бўлади. Маънавий баркамол инсонни вояга етказишнинг муҳим шарти сифатида ёш авлод ўртасида спорт ва жисмоний тарбияни янада кенг оммалаштириш, шу мақсадда янги спорт мажмуаларини қуриш ҳамда уларнинг моддий техник базасини мустаҳкамлаш ишлари олиб борилмоқда.

Учинчи ташаббус аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган. Энг муҳим масалалардан бири бўлган ёшларда компьютер маданиятини шакллантириш, виртуал оламдаги маънавий таҳдидлардан ҳимояланиш кўникмалари ва билимларини ошириш давримизнинг талабидир.

Тўртинчи ташаббус ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган. Мазкур ташаббус тўғридан тўғри шахс маънавий маданиятини шакллантиришга қаратилган бўлиб, китобхонлик маданияти ёшларда тафаккур маданияти, бадиий маданият, ахлоқий маданият каби маънавий маданиятнинг муҳим шаклларини ривожлантиради. Дастурга кўра, ҳар бир ҳудудга 1 миллион донадан турли хил оммабоп мавзудаги китобларни етказиб бериш кўзда тутилган. “Аҳолимиз, энг аввало, ёшлар ўртасида китобхонлик савиясини ошириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳар йили «Энг китобхон мактаб», «Энг китобхон маҳалла», «Энг китобхон оила» каби йўналишларда танловлар ўтказиш, китобларни чоп этиш учун «Ёшлар нашриёт уйи»ни ташкил этиш, ёшларга ҳарбий таълим-тарбия берадиган курсантлар мактабларига «Темурбеклар мактаби» деб ном берилиши, турли соҳа ва тармоқларда катта натижаларга эришиб келаётган йигитлар учун «Мард ўғлонлар» деган ном билан Давлат мукофотини таъсис этилиши, жамоат ишларида ҳар томонлама фаол бўлган йигит-қизларимизни тақдирлаш мақсадида «Келажак бунёдкори» медалини ҳам таъсис этилиши” [6, 535-б.] мамлакатимизда яшаётган фуқароларни шахс сифатида маънавий маданиятини юксалтириш ва Юрт олдида масъулиятини ошириш учун қилинаётган ижобий ишлар сифатида айтиб ўтиш лозим.

Бешинчи ташаббус хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини назарда тутади. Бу борада хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, айниқса уларнинг маърифий даражасини янада ошириш, иш билан таъминлашни кўзда тутади. Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта ташаббус халқимиз, айниқса ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, маънавиятини юксалтириш, маънавий маданиятини янада ривожлантиришда муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

ХУЛОСАЛАР. Буюк аждодларимиз юксак маърифатли ва маънавиятли жамият қуришни орзу қилганлар. Ушбу шарқона орзу-истаклар идеал фуқаролик жамияти қуришнинг асосий парадигмаси, фундаментал асоси эканлигини унутиб бўлмайди. Маърифат, маънавият, тарбия орқали миллий демократик тараққиётга эришиш йўлида бугун мамлакатимизда улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бу халқимиз асрлар давомида орзу қилиб келган, мустақиллик туфайли қўлга киритилган беназир имкониятдир. Ушбу имкониятдан тўла ва оқилона фойдаланиш учун ҳар бир фуқаро, ҳар бир ҳурфикрли, онгли, виждонли, имонли ва эркин, демократияда яшашни истовчи киши масъулдир.

Умуман олганда маънавий инқирознинг асосида ётган битта асосий сабаб бор, яратиш эмас, фақат истеъмол қилиш психологиясига асосланган маънавийлик, қалб, виждон, ахлоқ меъёрлари билан ҳисоблашмаган, фойда олишга йўналтирилган қуруқ илмий тафаккурдир. Шунинг учун илмий тафаккурни бой, мазмунли, теран ва чегарасиз образли тафаккур билан уйғун даражага етказиш керак. Бу натижага эришиш имкониятдан узоқ нарса эмас, балки бу бизнинг миллий маданий қадриятларимиз, бой тарих ва маънавиятимизни ўзлаштириш, унга замонга ва миллий манфаатларга мос қўшимчалар киритиш билан боғлиқдир. Миллатнинг маънавий юксалиши замонда, яъни унинг бутун тарихи давомида юз беради, аммо у баъзан шиддат билан юксалиб борса, баъзан эса маълум даражада таназзулга юз тутиши ҳам мумкин. Бир нарса аёнки, тарих ҳодисалари, шахслар, воқеалар ўтиб кетади, моддий маданият унсурлари емирилади, маънавият эса юксалиб, бойиб, тобора кенгроқ кўлам ва теранроқ мазмун касб этиб бораверади.

Хуллас, анъанавий қадриятларимизни илм–фан ва тараққиёт ютуқлари билан бойитиб бориш, ўзлигимизни чуқурроқ англаш, миллий ғоя ва истиқлол мафкураси тамойилларини халқимизнинг қалби ва онгига сингдириш, муқаддас динимиз ва тарихимизни сохталаштириш, улардан сиёсий мақсадларда фойдаланишга йўл қўймаслик – бу борадаги асосий вазифаларимиздандир. Бу – маънавиятнинг куч-қудратидан эзгу мақсадлар йўлида самарали

фойдаланиш, ижтимоий муносабатларни инсонийлик ғоялари асосида ривожлантириш демакдир. Иккинчидан, турли қараш ва фикрга эга бўлган ижтимоий қатламлар, сиёсий куч ва ҳаракатларнинг ўзига хос орзу интилишларини уйғунлаштирувчи – “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” ғоясини халқимиз учун бош мақсадга айланишига эришиш. Учинчидан, ота-боболаримиз динининг асл моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш борасидаги ишларини давом эттириш. Токи, бу дин халқимизнинг минг йиллик тарихи, бугунги маънавий ҳаётимизнинг ҳам асоси экани халқимизнинг онгига сингдириб бориш шу маънода, буюк аждодимиз Баҳоуддин Нақшбанднинг «Дил ба ёру-даст ба кор» деган ҳикмати биз учун муҳим ҳаётий тамойил бўлиб қолаверади. Тўртинчидан, Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш борасидаги ишларни изчил давом эттириш, таълим-тарбия тизимини замон талаблари асосида муттасил такомиллаштириб бориш. Бешинчидан, Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг қадриятлари, диний эътиқоди, урф-одат ва анъаналарини ҳурмат қилиш, уларни асраб авайлаш ва ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. Халқ сўзи. 2020 йил 25 январь. № 19 (7521)*
2. *Мирзиёев Ш. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 2018. -195 б.*
3. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси.// 25.01.2019.* http://www.uza.uz.
4. *Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Тошкент: Ўзбекистон, - 300 б.*
5. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618 “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони.//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.//*http://www.lex.uz.
6. *Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатьият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 2018. -535 б.*

Бўронова Шахноза Тоғаевна
“Иқтисодий хавфсизлик” йўналиши 2-курс МІН-10 гуруҳ магистранти

МАМЛАКАТИМИЗ МИНТАҚАЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА АҲОЛИ БАНДЛИГИ ВА УНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг асосий узоқ муддатли истиқболли йўналишларидан бири – иқтисодий ўсишни рағбатлантиришдир. Аҳоли бандлиги, шубҳасиз, мамлакат иқтисодиёти ва унинг алоҳида тармоқларида иқтисодий ўсиш суръатларига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатадиган, самарадорликнинг муҳим омилларидан бири ҳособланади. Тадқиқотнинг долзарблиги. Ўзбекистонда инновацион иқтисодиётни шакллантиришда мамлакат олдида турган асосий вазифалардан ижтимоий-иқтисодий барқарорликни ошириш, иқтисодий ўсишни жадаллаштириш учун меҳнат ресурслари бандлиги ва унинг самарадорлигини ошириш каби вазифалар долзарб бўлиб турибди.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш, улар учун барча соҳада зарур қулайликлар яратишга қаратилган изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу борада аҳоли бандлигини ошириш орқали улар даромадлари ва фаровонлиги даражасини ўстириш, зарур шарт-шароитлар яратиш учун қулай ва самарали усуллардан кенг фойдаланилмоқда.

Ишсизликни камайтириш, одамларнинг даромадини ошириш ва уларга муносиб турмуш шароитини яратиш борасидаги бир қатор масалалар Президентимиз Мурожаатномасида ўз аксини топди.

Муаммонинг қўйилиши. Фаол инвестицияларни жалб қилиш минглаб янги иш ўринларини ташкил қилишга ёрдам беради. Ижтимоий ривожлантириш масалалари, албатта, аҳоли бандлиги билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, даромадлар ва турмуш даражаси ошишига олиб келади. Давлатимиз раҳбари 2019 йил учун бандликка кўмаклашиш бўйича янги давлат дастурини ишлаб чиқиш вазифасини қўйди. Бу борада касбга ўқитиш, уларга ҳуқуқий ва бошқа маслаҳатлар бериш тизимли йўлга қўйилади [1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли Фармонининг 1-иловаси – «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да «меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга ошириш учун шароитлар яратиш, иш кучи сифатини яхшилаш, ишга муҳтож шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтириш» [2] масалалари муҳим вазифалар этиб белгиланди. Ўтган даврда бу соҳада қилинган ишларни таҳлил қилиб керакли хулосаларни бериш вақти келди.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда аҳолини иш билан самарали таъминлаш ва ишсизликни камайтириш мақсадида амалга ошириш мумкин бўлган чора тадбирлар хисобланади.

Татқиқотниг илмий моҳияти сифатида Ўзбекистонда талаб чекланган меҳнат бозоридан самарали бандлик амал қиладиган меҳнат бозорига ўтишга қаратилган илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқиш белгиланган.

Бандликни таъминлаш бўйича илмий қарашларни классик назария вакиллари, яъни Д.Рикардо, А.Смит, А.Маршалл иш билан тўлиқ бандлик, бозор иқтисодиётининг нормаси, давлатнинг бу жараёнга аралашмаслиги энг яхши сиёсат, деб ҳисоблаганлар. Жумладан, Д.Рикардо иш ҳақини тартибга солувчи қонунларни тадқиқ этар экан, иш ҳақи даражаси ишчи кучи таклифига боғлиқлиги тўғрисидаги қоидани асослаган [3].

МДҲ давлатларининг айрим иқтисодчи олимлари бозор иқтисодиёти шароитларида меҳнатни тартибга солишни иш билан бандлик сиёсати, «меҳнат»ни эса «иш билан бандлик»ка тенглаштирадилар, таълим тизимининг амал қилиши ва ислоҳотлари, ёш мутахассисларни ишга жойлаштириш масалаларини ўз илмий изланишларида ёритиб берганлар.

Хусусан, С.В.Андреев иш билан бандликни «ишлаб чиқариш жараёнига қўшилиш шарти» деб ҳисоблайди. У бу ёндашувини иш билан бандликка ишлаб чиқариш (меҳнат - ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун ходимни ишлаб чиқариш воситаси билан боғлаш воситаси), истеъмол (ходим меҳнати моддий жиҳатдан рағбатлантирилади) ва меҳнат тақсимоти (ходимнинг меҳнат фаолияти бирор соҳасига бириктириб қўйилиши) нуқтаи назарлари билан асослайди [4].

Ўзбекистон Республикасида меҳнат бозорида ишчи кучларини ёллашда эркин ва самарали рақобат ёлланувчилар билан иш берувчилар ўртасида ишчи кучига бўлган эркин талаб ва таклиф тамойиллари асосида меҳнат-товарга ўзаро манфаатли баҳони ўрнатиш, хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда инсон ресурсларининг рақобатбардошлигини ошириш масалалари бўйича А.Вахобов, К.Абдурахмонов, А.Абдуғаниев, Б.тоғаев ва М.Мирзакаримова тадқиқотлар олиб борган [5].

Иш билан бандликнинг самарадорлигини давлат тараққиётининг мафкураси акс эттирадиган кўрсаткичлар орқали ифодалаш мумкин. Булар, энг аввало, меҳнат ресурсларининг ижтимоий фойдали фаолиятда иштирокига асосланган тақсимлаш пропорцияларидан иборатдир. Улар меҳнат унумдорлигининг ўсиш даражаси, аҳолининг ишга бўлган эҳтиёжлари қондирилиши ва тўлиқ бандликка эришиши каби кўрсаткичларда ифодаланади. Ижтимоий меҳнат унумдорлиги қанчалик юқори бўлса, жамиятда ходимларнинг даромадлари ва моддий шарт-шароитлар шунчалик юқори бўлади.

Иш билан бандлик самарадорлигининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири меҳнатга қобилиятли аҳолининг иш билан таъминланганлик даражасидир. Иқтисодий жиҳатдан бу кўрсаткич аҳолининг иш ва иш ўринларига бўлган эҳтиёжини ифодалайди. Ишловчиларнинг мамлакат иқтисодиётининг тармоқлари бўйича тақсимланиши ҳам иш билан бандлик самарадорлигининг ажралмас жиҳатларидан бири саналади [7].

2018 йил охирида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида давлат бюджетининг ижроси ҳамда 2019 йилга мўлжалланган давлат бюджети лойиҳаси муҳокама қилинди. таъкидланишича, истеъмол нархларининг ўзгариши сабабли, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан аҳоли умумий даромадларининг реал ўсиш суръати 111,4 фоизни, аҳоли жон бошига умумий даромадларнинг реал ўсиши 109,5 фоизни ташкил қилди [6].

Ҳисобот даврида ижтимоий харажатларни молиялаштириш учун давлат бюджетидан умумий харажатларнинг 53,4 фоизи миқдорида маблағ сарфланди. Бу харажатлар ЯИМга нисбатан 11,8 фоизни ташкил этди. Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга ажратилган маблағларнинг 19,0 трлн. сўми ёки қарийб 65,8 фоизи иш ҳақи ва иш ҳақига нисбатан ажратма тўловларини молиялаштиришга йўналтирилган. 2019-2021 йиллардаги бюджет сиёсатининг мақсади ва устуворликларига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, аҳолининг уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини

такомиллаштириш, халқ турмуш даражасини янада оширишга хизмат қиладиган барқарор иқтисодий ўсишга эришиш, бандлик ва аҳоли даромадлари кўпайишини таъминловчи янги иш ўринларини яратиш масалалари депутатлар диққат марказида бўлди.

2019 йилда ижтимоий соҳа ва аҳолини ижти- моий қўллаб-қувватлаш харажатлари устуворлиги сақлаб қолинган ҳолда, давлат бюджети харажатларининг 54 фоизи ушбу мақсадлар учун йўналтирилади. Ижтимоий харажатларга 2019 йилда 57822,3 миллиард сўм йўналтирилиши режалаштирилмоқда.

Ижтимоий нафақалар, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам ва компенсация тўловлари харажатлари 5267,2 миллиард сўмни ташкил этади, бу ўтган йилга солиштирганда 58,5 фоизга кўпдир. Кам таъминланган оилаларга бериладиган моддий ёрдам ва 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга бериладиган нафақа олувчилар сонини кўпайтириш бўйича тадбирларни амалга ошириш учун 643,5 миллиард сўм ажратилиши назарда тутилмоқда. Бу эса нафақалар тайинланишини 507 минг оиладан 621 минг оилагача ёки 1,2 марта ошириш имконини беради [8]. Ўзбекистонда аҳоли бандлиги таркибини таҳлил қиладиган бўлсак, унда мамлакатнинг меҳнат ресурслари сони 18,8 миллион кишини, иқтисодий фаол аҳоли сони 14,6 миллион кишини, иқтисодий нофаол аҳоли сони 4,2 миллион кишини ташкил этганини кўришимиз мумкин [8].

1-расмдан кўриниб турибдики, Уй хўжаликларини тадқиқ қилиш методологиясини такомиллаштириш бизга норасмий секторда иш билан бандликнинг янада ишончли кўрсаткичларини аниқлаш имконини берди - 7,9 миллион киши (банд бўлганлар умумий сонининг 59,8% ташкил этади). Улардан вақтинчалик ва мавсумий ишларда 1,6 миллион киши, шунингдек, республикадан ташқарида ишлаётганлар - 2,6 миллион киши иш билан таъминланган.

1-жадвал

Ўзбекистондаги аҳоли бандлиги структураси

№	Бандлик	Миллион киши	Ўсиш суръати, % 2017 йил	Камайиш, % 2018 йил
1.	Иқтисодий фаол аҳоли сони	14,6	0,4	
2.	Иқтисодий нофаол аҳоли	4,2		1,9
3.	Иқтисодиёт тармоқларида бандлик	13,2	0,2	
4.	Иқтисодиётда расман банд аҳоли сони	5,3		0,6



1-расм. Ўзбекистонда иқтисодиётнинг норасмий тармоқларида бандлар сони

Бугунги кунда республикамизнинг ҳамма ҳудудларида маҳаллий давлат ҳокимияти билан бирга жамиятни ислоҳ қилишнинг устувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, замонавий бозор муносабатлари механизмлари ва воситалари асосида аҳоли бандлигини таъминлаш, ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиб, фуқароларнинг ишга жойлашишларига кўмаклашиш, банд бўлмаган аҳолини, биринчи навбатда, ёшлар, аёллар ва ногиронларни касб-ҳунарга ўқитиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда Бандликка кўмаклашиш маркази фаолиятининг энг асосий йўналишларидан бири иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган аҳолининг айрим тоифаларига мансуб шахслар бандлигини таъминлашдан иборат. Янги иш жойларини очиш ва аҳоли бандлигини таъминлашни рағбатлантириш бўйича қўшимча шароитларни яратиш

мақсадида Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан 300 миллиард сўм маблағ ажратиш назарда тутилган. Бу каби чоралар ҳар ойда қўшимча 140 минг одамнинг бандлигини таъминлаш, уларнинг оилалари фаровонлигини яхшилаш имконини беради[9].

Аҳоли бандлигини тартибга солиш ва ишчи кучини самарали тақсимлашнинг янги механизмларини шакллантиришнинг бозор тамойиллари ва ижтимоий-меҳнат муносабатларининг трансформацияси меҳнат соҳасида янги жараёнларни шакллантирмоқда. Миллий хусусиятларимизга боғлиқ равишда маҳаллий аҳолининг ўтроқ ҳолда яшаши туфайли мамлакатимизда ҳудудий меҳнат бозорларини ривожлантиришга уриниш ўзига хос аҳамият касб этади. Республикада ҳар йили аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича тасдиқланадиган дастурларни амалга ошириш, бўш ва квоталанадиган иш ўринларига ишга жойлаштириш механизмларини такомиллаштириш, ўзини ўзи банд қилишнинг самарали шаклларини ривожлантириш борасида таъсирчан чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Аҳолининг ишчанлик фаоллигини ва тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантириш, ижтимоий заиф қатламлар бандлигини таъминлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича давлат хизматларидан фойдаланиш имконияти, сифати ва тезкорлигини оширишга қаратилган бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

шунга қарамай, ҳудудлардаги меҳнат бозорида ҳозиргача юқори даражада кескинлик сақланиб қолмоқда, доимий иш ўринларини ташкил этиш, ёшлар, хотин-қизлар, кам таъминланган оилалар аъзолари бандлигини, айниқса, қишлоқ жойларда таъминлаш, шунингдек, ташқи меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш масалалари ҳал этилмаяпти.

Ишга жойлаштириш соҳасида аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун кредит, молиявий, маслаҳат-ахборот бериш хизматлари ва бошқа зарур хизматлар даражаси пастлигича қолмоқда.

Ишлаб чиқариш кадрлари кўпинча иқтисодиёт тармоқларининг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжлари, уларнинг имкониятлари ва ресурсларини ҳисобга олмаган ҳолда касбга тайёрланмоқда ва қайта тайёрланмоқда. Оқибатда меҳнат бозорида айрим мутахассисликлар бўйича малакали кадрлар тақчиллиги кузатилмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ижросини, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича давлат органлари ишлари самарадорлигини ошириш, аҳолини меҳнат фаолиятига жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, янги иш ўринларини ташкил этувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятини рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга доир «йўл харитаси» ишлаб чиқилди ва унга мувофиқ ишлар амалга ошириш йўлга қўйилди. 2018 йилда республика бюджетига қўшимча тушумлар ҳисобига 150 миллиард сўм ажратилди, 2019 йилдан бошлаб эса бюджет параметрларида 300 миллиард сўмдан кам бўлмаган миқдорда қўшимча маблағлар ажратиш назарда тутилди [9].

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда аҳолини иш билан самарали таъминлаш ва ишсизликни камайтириш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- Ўзбекистонда Иқтисодиёт вазирлиги томонидан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан аҳолини иш билан самарали таъминлаш ва ишсизликни камайтириш борасидаги фаолиятни биргаликда амалга оширишни таклиф этамиз;
- аҳолини иш билан самарали таъминлаш ва ишсизликни камайтириш борасидаги прогноз қилиш даврлари 5-10 йил доирасида бўлиши ва ҳар 2-3 йилда тузатиш киритилиши мумкин;
- аҳолини иш билан самарали таъминлаш ва ишсизликни камайтириш борасидаги прогноз натижалари кадрлар тайёрлаш ва рекрутинг билан шуғулланадиган муассасалар, шунингдек, ёшлар ва уларнинг ота-оналари учун максимал даражада очиқ бўлиши лозим;
- маълумотларни чоп этиш ва таълим органлари тизимида тарқатиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бу ўқувчилар, талабалар ва абитуриентларнинг иш ўринлари ҳақида хабардорлигини ошириш ва таълим муассасаларининг иш берувчилар ҳамда бандлик хизмати давлат органлари билан шартнома муносабатлари ва давлат буюртмаси механизмларини киритган ҳолда меҳнат бозорида талаб юқори бўлган кадрлар тайёрлашни рағбатлантириш тизимини шакллантириш муаммосини ҳал қилишга ёрдам беради.

Бу бир томондан, давлат бюджетининг рақобатбардош ва талаб юқори бўлган кадрлар тайёрлаш харажатларини пасайтиришга, иккинчи томондан эса таълим тизимини инновацион ривожлантиришнинг иқтисодий механизмларини ишга туширишни таъминлашга имкон беради. Юртимизда амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, қулай инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорликни ривожлантиришга доир комплекс чора-тадбирлар ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилаётгани самарасида янги иш ўринлари яратилмоқда. Бу эса халқимиз фаровонлиги йўлида хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.*
2. *2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. -7-б.*
3. *Петти В., Смит А., Рикардо В., Кейнс ДЖ., Кейнс М., Фридмен М. Классика экономической мысли. - М.: «ЭКСМО-пРЕСС», 2000. –С. 115.*
4. *Андреев С.В. Кадровый потенциал и проблемы занятости в условиях перехода России к рыночным отношениям. - М.: Институт социологии РАН, 1997. -С. 76.*
5. *Мирзакаримова М. Ривожланган ахборотлашган иқтисодиётга эга мамлакатларда бандликнинг ўзгариши. // «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали, 2017 йил №6, ноябрь-декабрь.*
6. *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси давлат бюджетининг ижроси ҳамда 2019 йилга мўлжалланган давлат бюджети лойиҳаси муҳокамаси. 2018 йил 13 ноябрь.*
7. *O'Leary Ch., Manual on Evaluation of Labour Market Policies in Transition Economics. ILO. Geneva, 2015. doi: 10.1007/si 0902-016-9729-x*
8. *www. stat. uz. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий сайти.*
9. *Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга доир «йўл харитаси».*
10. *https://www.norma.uz*

ТДИУ 2 – босқич магистрантлари
Олимова Диёра Камол қизи
Каримов Иззатбек Пўлатжон ўғли

КОРХОНАДА МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СТРАТЕГИЯСИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: *Мақолада мамлакат иқтисодиётини моденизациялаш шароитида корхоналарда маҳсулот сифатини бошқариш зарурияти, корхонада маҳсулот сифатини бошқаришнинг турли тизимларидан фойдаланиш жиҳатлари, маҳсулот сифатни тизимли бошқаришнинг асосий тамойиллари, корхонада самарали маҳсулот сифатини бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш билан боғлиқ масалалар юзасидан маълумотлар берилган.*

Калит сўзлар: *сифат, халқаро стандарт, сифатни бошқариш, тамойил, бошқариш тизими.*

Annotation: *The article provides information on the need for product quality management in enterprises in the context of modernization of the economy, the use of various systems of product quality management in the enterprise, the basic principles of systematic product quality management, development and implementation of effective product quality management system.*

Keywords: *quality, international standard, quality management, principle, management system.*

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида маҳсулот сифатини ошириш, маҳсулотни халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқаришни амалга ошириш масалалари корхонанинг нуфузини, ривожини ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини белгиловчи муҳим омил ҳисобланади. Бу борада Президентимиз Ш.М.Мирзиёев: “бутун стандартлаштириш тизимини тубдан қайта қуриш керак. Бундан кўзланган мақсад – мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар замонавий халқаро стандартларга жавоб бериши лозим” – деб таъкидлаб ўтди.

Корхоналарда маҳсулот сифатини халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқаришни амалга оширишга эришишнинг комплекс воситаларини белгилаш, янги товарларни ўзлаштириш, уларнинг сифатини, ички ва ташыи бозорларда рақобатбардошлигини ошириш бугунги кунда муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бу борада 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш ҳаракатлар стратегиясида “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари”да “Принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш” деб белгилаб берилган.

Корхоналарда маҳсулот сифатни бошқариш - сифат соҳасидаги сиёсат, мақсадлар ва жавобгарликларни аниқлаб ҳамда уларни сифат тизими доирасида сифатни режалаштириш, сифатни оператив бошқариш, сифатни таъминлаш ва сифатни яхшилаш воситалари ёрдамида амалга оширишни бошқарувчи функцияларини бажариш жиҳатларидир.

Корхоналарда маҳсулот сифатини бошқариш зарурияти:

- режалаштириш ва истиқболни белгилашда:
- янги маҳсулот яратиш вариантини танлашда;
- норматив (меъёрий) ҳужжатларни ишлаб чиқишда;
- маҳсулот сифатини назорат қилишда;
- маҳсулот сифатини оширгани учун ходимларни рабатлан-тиришда;
- сифат тўрисида ахборот йиишни ташкил этишда ва ҳоказо холларда вужудга келади.



1-расм. Корхонада маҳсулот сифатини бошқариш

Корхоналарда маҳсулот сифатини бошқариш, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида сифат ҳақида қайғуришни англатади. Шу нуқтаи назардан сифатни бошқариш жараёни қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- ишлаб чиқаришгача-конструкциялаш, самарали Texnologияни, стандартларни ишлаб чиқиш ва ҳоказо.

- ишлаб чиқариш жараёнида - бу ерда яроқсиз маҳсулотни ишлаб чиқаришга йўл қўймаслик.

Корхоналарда маҳсулот сифатини бошқариш усулларини танлаш ва энг яхшиларини қидириб топиш, сифатини бошқариш тизимини яратишдаги, инсон факторларини мобиллаштириш, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва тайёрлаш жараёнида қатнашувчи одамларга бевосита таъсир этувчи ижодий фаолиятлардан бири саналади.

Саноат корхонаси маҳсулотининг сифати ва рақобатбардошлигини кўзланган даражасига олиб чиқишга фақатгина бошқарувнинг барча поғоналарида функция ва усуллар мажмуидан режа асосида фойдаланиш орқали эришиш мумкин. У ёки бу бошқарув тизимини танлаш кўп жиҳатдан маҳсулотлар бозорининг таъминланганлик даражасига боғлиқ (1-жадвал).

1-жадвал

Маҳсулотлар бозорининг таъминланганлигини турли даражаларида қўлланиладиган стратегия вариантлари

Бозорнинг маҳсулот билан таъминланганлик даражаси/Стратегия вариантлари	**Танқислик, талабнинг таклифдан ортиқлиги**	**Талаб ва таклиф ўртасидаги нисбий тенглик**	**Таклифлар бозори (таклиф талабдан ортиқлиги)**
Маҳсулот ишлаб чиқариш стратегияси	Сонга асосланган	Сифатга асосланган	Рақобатга асосланган
Бизнесни ташкил қилишдаги ёндошувлар	Диққат марказда ишлаб чиқариш	Диққат марказда маҳсулот	Диққат марказда истеъмолчи
Маҳсулотни истеъмолчигача етказиш бўйича фаолият	Маҳсулотни тарқатиш, таъминлаш	Савдо (товар айирбошлаш)	Маркетинг (бозор ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш қуроли сифатида)

1-жадвал маълумотларидан хулоса қилиш мумкинки, рақобатга асосланган стратегия қолган икки стратегияларнинг негизи ҳисобланади. Хусусан улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва боғланганлик сифат бошқарув тизими орқали яққол кўринади. Корхонада маҳсулот сифатини бошқариш, биринчи навбатда, иш сифатини бошқаришдан бошланиши керак.

Саноат корхоналарида маҳсулот сифатини бошқариш тизимининг жорий этилиши қуйидаги муҳим жиҳатлар учун хизмат қилади:

- *истеъмолчининг талабини қондириш (ИСО 9001, 5.2-банди);*
- *ишлаб чиқариш жараёнларини тизимли бошқариш (ИСО 9001, 7.4- банд);*
- *маҳсулотларни экспорт қилиш учун замин яратиш (ИСО 9001, 5.1- банд);*
- *сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришни бартараф этиш (ИСО 9001, 7.6- банд);*
- *ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш (ИСО 9001, 5.4-банд).*

Ҳозирда корхонада маҳсулот сифатини бошқаришнинг турли тизимларидан фойдаланилмоқда. Лекин бу тизимлар ҳозирда муваффақиятли фаолият юритиш учун илғор халқаро компаниялар томонидан ўзлаштирилган маҳсулот сифатни тизимли бошқаришнинг саккизта асосий тамойилларига асосланиб ташкил этилиши керак. Бу тамойиллар маҳсулот сифатни бошқариш соҳасидаги ИСО 9000 серияли халқаро стандартларни янгилашга асос бўлиб хизмат қилади.

Биринчи тамойил – истеъмолчига эътибор қилган ҳолда иш тутиш. Истеъмолчиларнинг дидидаги ўзгаришларга ташкилий, услубий ва техник жиҳатдан мослашиш стратегиясини ишлаб чиқиш рақобатли бозор шароитида фаолият юритаётган ҳар бир ташкилот ва корхона учун ҳаётий жиҳатдан муҳим.

Иккинчи тамойил – бошқарувнинг ўрни. Бунга кўра, раҳбар сифатни бошқаришнинг барча тамойилларига тизимли ёндашиши, яъни уларни ўзаро уйғунликда, алоқадорликда тасаввур қилиши лозим. Бу эса маҳсулот сифатини бошқариш ишларининг муваффақиятли якунланишига хизмат қиладиган омилларни аниқлаш ва уларнинг юзага келиши учун зарур шароитларни яратишга асос бўлади.

Учинчи тамойил – ишчиларни жалб қилиш. Бу TQMнинг асосий қоидаларидан бири бўлиб, унга кўра ҳар бир ишчи сифатни бошқариш фаолиятига жалб қилинган бўлиши керак. Уларнинг ҳар бирида яхшиланишга ички эҳтиёж вужудга келгандагина мазкур мақсадга эришиш мумкин.

Тўртинчи тамойил – жараёнли ёндашув ва у билан боғланган бешинчи тамойил – бошқаришга тизимли ёндашув. Бу тамойилларга кўра маҳсулотларни ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқарув ўзаро боғланган жараёнларнинг мажмуидир. Ҳар бир жараёнга ўзининг кириш ва чиқиши, “таъминотчилари” ва “истеъмолчилари”га эга бўлган тизим сифатида қаралади.

Ушбу тамойилларга амал қилиш натижасида қарор топтирилган иерархик ташкилий тузилмага таянган ҳолда бошқарувни амалга оширишни кўзлаган ёндашувларда ўзгаришлар ясалади. Ягона жараёнларнинг ташкилий жиҳатдан ажратилган бўлинмалар томонидан амалга

оширилиши оқибатида қийинчи-ликлар ва муаммолар юзага келишини амалиёт кўрсатди. Уларни бартараф қилиш йўлида гуруҳли ёндашув ишлаб чиқилди.

Шунингдек, ИСО 9001 ва QS – 9000 стандартларида шундай меъёр ўрин олдики, унга кўра таъминотчи янги ёки такомиллашган маҳсулотни ишлаб чиқаришга тайёрлаш учун турли бўлинмалардан мутахассислар гуруҳини шакллантириш вазифаси қўйилди. Бундай гуруҳлар конструкторлар, Texnologлар, сифат хизмати мутахассислари ҳамда бошқа хизматлар бўйича мутахассисларни ўз ичига олиши зарур деб белгиланди.

Олтинчи тамойил – доимий яхшилаш. Йигирма йил аввал сифат стратегияси оптимал сифат концепциясига асосланган эди. Кейинчалик Япония, сўнгра Америка ва Европа саноати тажрибасидан маълум бўлдики, яхшилашнинг чегараси бўлмайди, сифатни яхшилаш тадбирлари систематик ташкил қилиниши ва уларнинг ўзи бошқарув тизимининг таркибий қисмига, яъни тизимостига айлантирилиши керак. Еттинчи тамойил – маълумотларга асосланган қарорлар қабул қилиш. Бу тамойилни амалга ошириш асосланмаган қарорлар қабул қилишдан воз кечишни тарғиб қилади. Ҳисобот маълумотларини тўплаб, уларни таҳлил қилиш асосида қарор қабул қилиш лозим. Шу мақсадда, бугунги кунга келиб, назорат ва таҳлил қилишнинг, тартибга солишнинг статистик усуллари ишлаб чиқилган ва кенг тарқалган.

Саккизинчи тамойил – таъминотчилар билан ўзаро манфаатли муносабатлар. Ушбу тамойил нафақат ташқи, балки ички таъминотчиларга нисбатан ҳам татбиқ қилинади.

Шуни таъкидлаш лозимки, корхонада маҳсулот сифатини бошқаришнинг замонавий концепцияси исталган мақсадга йўналтирилган фаолият турини бошқариш концепциясидир.

Корхонада маҳсулот сифатини бошқариш бўйича замонавий ёндашувлар таҳлили кўрсатдики, ҳар қандай корхона ва ташкилот учун ISO 9000 халқаро стандарти, комплекс сифат бошқаруви, сифат соҳасида миллий ва халқаро мукофотлар тамойил ва мезонлари асосида сифат менежменти тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш сифат бўйича ишни самарали йўлга қўйиш инструменти ҳисобланади.

Корхонада самарали маҳсулот сифатини бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш корхонага ишлаб чиқариладиган маҳсулот таннархи ва сифат учун сарфланадиган маблағлар ҳажмини камайтириш, иш унуми ва рақобатбардошликни ошириш, бозордаги улушни кўпайтириш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, фойда ҳажмини кўпайтиради. Пировард натижада, корхона ва бутун миллий иқтисодиёт нуфузининг ортишига ёрдам беради.

Корхонада маҳсулот сифатини бошқариш тизимини муваффақиятли йўлга қўйиш нафақат корхона доирасида комплекс тадбирларни олиб бориш, балки қулай ташқи шароитларни яратишни ҳам талаб қилади, жумладан, қонунчилик базаси, барча манфаатдор томонлар ҳаракатларини мувофиқлаштириш, сифатни яхшилашнинг синалган усуллари ва воситаларидан фойдаланишдир.

Фақат сифат бошқарувининг ягона муфассал механизми доирасидагина ушбу жараёндаги барчи иштирокчиларнинг бир ёқадан бош чиқаришига эришиш ва фаолиятнинг кўпгина йўналишлари бўйича зарурий чора-тадбирларни амалга ошириш мумкин.

Республикада корхоналарни ички ва ташқи бозорларда бу корхоналар мавқеини сақлаш ва мустаҳкамлаш зарур. Корхона раҳбарлари амалдаги маҳсулот сифатини бошқариш тизимини такомиллаштиришга, сифат бошқарувига янгича ёндашувларни жорий этиш ва янги Texnologияларни қўллашга катта эътибор қаратишларига тўғри келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. *Ш.Мирзиёев. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” //Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2017 йил 16 январь.*

2. *Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони.2017 йил 7 февраль. //Халқ сўзи.-2017.*
3. *Грибов В.Д., Грузинов В.П. Экономика предприятия: учебник. – 6-е изд., перераб. и доп. – М.: КУРС: НИЦ ИНФРА-М, 2015.*
4. *Ковалев В.В. Основы теории финансового менеджмента: учебно-практическое пособие. – М.: Проспект, 2015.*
5. *Исаков М.Ю. Рўзиева Д.И.. Корхоналарни риожлантириш стратегияси: Ўқув қўлланма.Т.: "IQTISODIYOT", 2019.*
6. *Корхона иқтисодиёти ва инновацияларни бошқариш. И.Хотамов, М.Исаков, А.Абдувалиев. - Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги - Т.: «YANGI NASHR», 2017.*

Сабиров Ойбек Шавкатбекович
ТДИУ Иккинчи олий таълим бўлими бошлиғи, и.ф.н., доцент
Эргашова Наргиза Бобохоновна
ТДИУ Иккинчи олий таълим бўлими 3-босқич, DEK-61 гуруҳи талабаси.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Калит сўзлар: рақамли технология, эмпирик модел, эконометрик модел, потенциал, нисбий модел, прогноз натижалари, ахборот тизими, эндоген ўзгарувчилар, экзоген ўзгарувчилар.

Аннотация

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг макроиқтисодий барқарорлигини таъминлашда тизимли таҳлил ва рақамли технологиялардан фойдаланиб эмпирик моделини қуриш ва прогноз қилиш механизмларининг назарий асослари такомиллаштирилган. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг макроиқтисодий барқарорлигини таъминлашда асосий ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш, ёки умумийроқ айтганда мавжуд потенциалдан фойдаланиш даражаси баҳоланган

Кириш

Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш долзарб масала бўлиб ҳисобланади.

Янги Ўзбекистонда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислоҳотлар доирасида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4477-сонли Қарори, 2020 йил 18 мартдаги "Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4643-сонли Қарори, 2019 йил 25 октябрдаги ПҚ-4499-сонли Қарори, 2021 йил 3 февралдаги "Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар кўрсатишни янада ривожлантириш" тўғрисидаги ПФ-6159-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-

ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Президентимиз таъкидлаганидек макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш соҳасида йиллик инфлясия даражасини 2022 йилдаги 9 фоиздан 2023 йилгача 5 фоизга босқичма-босқич пасайтириш, шунингдек, 2023 йилдан бошлаб ялпи ички маҳсулотга нисбатан 3 фоиздан ошмаслиги керак бўлган давлат бюджети тақчиллигини камайтириш кўзда тутилмоқда. Дастурий бюджетлаштириш тизимига ўтиш ҳам режалаштирилган. Фуқаролик бюджети қабул қилиниб, аҳоли таклифларидан келиб чиқиб, ҳар бир туман бюджетининг 5 фоизи долзарб масалаларни ҳал этишга йўналтирилган[13,14]

Тадқиқот методлари

Қишлоқ хўжалиги жуда мураккаб тизим ҳисобланади[4]. Шу сабабли ҚХМИЧ жараёни учун математик тавсиф тузиш, барча боғлиқларни аналитик ифодалаш мумкин эмас. Бу мураккабликни оддий қора қути схемаси ёрдамида оддийликга келтириш мумкин. Бу эса, жараёнга таъсир этувчи омилларни кириш элементлари сифатида олиб, тизимнинг чиқиш элементи ўзгаришини миқдорий жиҳатдан кузатиш имкониятини беради. Бу ерда ҚХМИЧ ни ривожлантиришда моделлаштириш зарурияти келиб чиқишини кўришимиз мумкин. Макроиқтисодий моделлаштириш ёрдамида ҚХМИЧ ни ривожлантириш қонуниятларини миқдорий баҳолашимиз, иқтисодий кўрсаткичларни ўзгариш тенденцияларини аниқлаш асосида ривожланиш ва прогнозлаш йўлларини белгилашимиз мумкин бўлади[9].

Эконометрикада нисбий модел тушунчаси ялпи маҳсулот (У) нинг корхонадаги ресурслар сарфи (x1, x2, ..., xn) га боғлиқ бўлади ва у Y=F(x1,...,xn) кўринишда ёзилади.[5] Бу ерда (x1, x2, ..., xn) – эркин ўзгарувчилар – омиллар деб юритилади. Агар нисбий моделда кириш омиллари ресурслар сарфи бўйича танланса, у ҳолда бу ишлаб чиқариш функциясини ифодалайди. Лекин иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омиллар фақат ресурс сарфи билан чекланиб қолмайди. Иқтисодиётнинг шундай тармоқлари мавжудки, унда нисбий моделни кенг кўламли омиллар билан беришга тўғри келади.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг оптимал вариантларини излаш, одатда ресурс таъминотига бориб тақалади[6]. Ресурсларни бошқариш асосида ишлаб чиқаришни ташкил этиш бугунги кунда такомиллаштирилмаган. Бунга сабаб, математик программалаштириш усулларини қўллашда ҳисоблаш мураккаблиги, масалаларнинг циклик табиати ва бошқаларни келтиришимиз мумкин. Бу ерда такомиллаштириш бизнингча математик программалаштириш аппаратини қўллашда чекли вариантлиликга асосланиши зарур.

Ривожланган хориж мамлакатлари тажрибасини истиқболда жорий этиш ва истиқболда қишлоқ хўжалик маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва бошқаришни эконометрик моделлар асосида самарадорлигини ошириш имкониятларига қаратилган амалий тавсияларни ишлаб чиқилди[10].

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни миқдор ва сифат жиҳатдан яхшилаш муаммоларини ечиш долзарблигини, жамиятнинг бирламчи эҳтиёжларини қондириш масаласанинг дорзарблиги билан асослаш мумкин. Бу унинг иқтисодиёт тармоқлари орасида ажралиб туриш хусусиятларидан бири ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва бошқариш жараёни ўзига хос қонуниятларга эга. Шу қонуниятлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва бошқаришнинг эконометрик моделлари таркибий қисмини бошқа тармоқлар иқтисодий жараёнларининг нисбий моделларидан фарқлайди ва қишлоқ хўжалиги иқтисодий кўрсаткичларининг ўзаро алоқаси асосида ифодаланади. Ишлаб чиқариш ҳажми – ялпи маҳсулот *Y* нафақат ишлаб чиқариш жараёнидаги ресурслар сарфига боғлиқ бўлиб қолади, балки бу ерда кўпгина омиллар иштироки кузатилади. Демак, нисбий моделни қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$Y = F(X_1, X_2, ..., X_k) \quad (1)$$

бу ерда *Xi- i*-тур омиллар тўплами.

ҚХМИЧ ни ривожлантиришнинг эконометрик моделларини қуришнинг замонавий назариясида (1) тенгламанинг амалий аҳамиятини ошириш мақсадида, яъни жуда мураккаблик ҳолатидан чиқишни таъминлаш учун X_i омиллар тўплами ёрдамида яхлит X – эркли ўзгарувчилар

тўпламини шакллантиришга тўғри келади. Бунда X тўмлам X_i тўпламларнинг математик кесишмаси маъносида эмас, балки ҳар бир тўмлам элементларининг ўзаро боғлиқлик нуқтаи назаридан танланади.

$$Y = F(X = \{ x_j^{(i)}, j = \overline{1,n}; i \le k \}) \quad (2)$$

Бу ерда n – танланган омиллар сони.

ҚХМИЧ жараёнида таъсир этувчи кўп сонли омиллар иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига нисбатан кўпроқ тасодифий характерда эканлиги билан ажралиб туради. Шу сабабли (2) тенглама стохастик боғлиқликларни ифодалаганда қуйидаги кўринишда ёзилади:

$$Y = F(X) + \varepsilon \quad (3)$$

Бу ерда ε - эмпирик модел хатолиги. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёни учун ишлаб чиқиладиган эмпирик моделларда, уларнинг таркибий ўзгарувчиларини аниқлаш асосий вазифалардан биридир. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг битта тармоғи ҳисобланса да, унинг ўзи ҳам бир-бирига боғлиқ тармоқлардан ташкил топган. Унда характерланган ҳар бир кўрсаткичларнинг алоҳида хусусиятланиши кам учрайди, яъни ўзаро алоқадорлиги бўлмаган тушунчалар кам кузатилади. Шу сабабали, уларнинг қийматланишида ҳам кўпинча натижавий миқдорлар ишлатилади. Бу эса модел таркибий элементлари (ўзгарувчиларни) аниқлашда етарлича муаммо туғдиради. Шунинг учун бизнингча, макроиқтисодий моделларни қуришда омиллар гуруҳини алоҳида шакллантириб олиш керак[9].

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигининг истиқболдаги ривожланиш қонуниятларини янгича ёндошув ва кўп вариантли моделлаштириш усуллари билан тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бизнинг фикримизча қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва бошқаришни эконометрик моделлаштиришда жараённинг тизимли ёндошув асосида асосий масалаларини фарқлаш ва натижавий компанентларни умумлаштириш зарур. Айни вақтда моделлаштириш худудини комплекслаштириш учун қуйиладиган муаммоларни тўртта асосий мақсадга бирлаштирамиз. Бунда ташкил этувчилар сифатида оптималлаштириш, ишлаб чиқариш потенциалини аниқлаш, ишлаб чиқариш тизимининг барқарорлигини таъминлаш ва кўп омилли эконометрик моделлаштириш масалаларини фарқлаймиз[10].

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва бошқаришда оптималлаштириш тушунчасининг турли талқинлари мавжуд бўлиб, мазкур тадқиқот ишимизда АКТ дан фойдаланган ҳолда учта ҳолат учун ҳал қилувчи аппарат сифатида фойдаландик[12].

1-ҳолатда оптималлаштириш тушунчаси қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда энг кичик бирликнинг, яъни ишлаб чиқарувчи субъектининг (бизнинг ҳолда фермер хўжалиги танланган) ишлаб чиқариш ресурсларига боғлиқ маҳсулот етиштиришдан максимум фойдасини мақсад қилган фаолиятини режалаштиришни характерлайди.

2-ҳолатда вилоят миқёсида асосий ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш, ёки умумийроқ айтганда мавжуд потенциалдан фойдаланиш даражасини баҳолаш орқали қийматланадиган кўрсаткичларда намоён бўлади.

